

Д.ҚУРОНОВ, З.МАМАЖОНОВ, М.ШЕРАЛИЕВА

**АДАБИЁТШУНОСЛИК
ЛУҒАТИ**

Тошкент
«Akademnashr»
2010

Дилмурод Қуронов, Зокиржон Мамажонов, Машхура Шералиева. Адабиётшунослик лугати / ф.ф.д. Д.Қуроновнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Akademnashr, 2010 йил. – 400 б.

Лугат-маълумотнома тарзида тартибланган ушбу китобда адабиётшуносликка оид терминлар изоҳланиб, уларнинг мазмун-моҳияти мисоллар ёрдамида ёритилган.

Лугат олий ўқув юртларининг бакалавриат ва магистратура бос-қичларида таҳсил олаётган талабалар, академик лицей ва касб-хунар колледжлари ўқувчилари, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари, абитуриентлар, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат универсиети Илмий кенгаши қарори (26.02.2010, 7-баённома) билан нашрга тавсия этилган.

ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРГА

Лугатдан ҳозирги ва мумтоз адабиётшунослик терминларини жамлаган ҳолда изоҳлаш ва бу билан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсади кўзланган. Лугат анъанавий тарзда тартибланган бўлиб, уни тузишда фойдаланиш учун қулайлик дикқат марказига қўйилди. Ҳажмни эътиборда тутган ҳолда бир қатор шартли қисқартмалардан фойдаланилди:

қ. – қаранг
ар. – арабча
лот. – лотинча
юн. – юонча
фр. – французча
нем. – немисча
ингл. – инглизча
итал. – итальянча
мас. – масалан
ва б. – ва бошқалар
ва ш.к. – ва шу каби
ва ҳ. – ва ҳоказо

Изоҳлананаётган термин изоҳ матни ичида бош ҳарфи билан (мас., Муболага – М.) берилди. Шунингдек, сўз бирикмаси шаклидаги терминлар ҳам матнда қисқарттириб ифодаланди: бирикмадаги сўзларнинг биринчи ҳарфлари олинниб, уларнинг дастлабкиси бош ҳарф, кейингилари эса кичик ҳарф шаклида берилди (мас., Адабиёт назарияси – А.н.). Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар қисқартмаларга тўғридан-тўғри қўшилди (мас., А.н.га – адабиёт назариясига; Б.о.нинг – бадиий образнинг). Лугатнинг ўзига ҳаволалар терминдан сўнг (к.) қисқартмасини бериш орқали ифодаланди.

Тузувчилар мутахассисларнинг лугат ҳақидаги холис фикр-мулоҳазаларини кутуб, уларни кейинги нашрларда эътиборга олиш ниятида қоладилар.

Адабиётшунослик луғати

АБЖАД ҲИСОБИ – араб алифбосидаги ҳарфларнинг ҳар бири маълум сонга тенглиги асосида юритилувчи ҳисоб. Яъни араб ҳарфларининг ҳар бири алифбо тартибида маълум сонни ифодайди. Осон эслаб қолиниши учун сонларни ифодалаётган ҳарфларни қатъий алифбо тартибида биринчириш орқали саккизта сунъий сўз ҳосил қилинган бўлиб, улар ҳеч қандай луғавий маънога эга эмас: абжад (ابجذ), ҳавваз(هوز)، хутти (خط)، каламан (كلمن)، саъфас (سعفص) (قرشت)، қарашат (ثخذ)، саххаз (ضطع)، зазағ (زذاق). А.ҳ. атамаси мазкур сўзларнинг биринчиси номидан келиб чиқкан. Шу саккиз сўз таркибидаги қисқа унлилар истисно қилинса, қолган ҳарфлар 1 дан 1000 гача бўлган сонларни билдиради (бу ўринда ўзбек алифбосидаги “т”, “с”, “ҳ”, “з” ҳарфларининг араб алифбосида турли кўринишлари мавжудлигини ҳисобга олиш керак):

Сунъий сўз	Ҳарф номи	Ҳарф Шакли	Сон	Сунъий сўз	Ҳарф Номи	Ҳарф шакли	Сон
Абжад	Алиф	ا	1	Саъфас	Син	س	60
	Бе	ب	2		Айн	ع	70
	Жим	ج	3		Фо	ف	80
	Дол	د	4		Се	ص	90
Ҳавваз	Ҳои ҳавваз	ه	5	Қарашат	Қоф	ق	100
	Вов	و	6		Ре	ر	200
	Зайн	ز	7		Шин	ش	300
Хутти	Ҳои хутти	ح	8		Те	ت	400
	То	ظ	9	Саххаз	Сод	ث	500
	Йой	ي	10		Хо	خ	600
Каламан	Коф	ك	20		Зол	ذ	700
	Лом	ل	30		Зод	ض	800
	Мим	م	40		Зе	ظ	900
	Нун	ن	50		Файн	غ	1000

Шарқ мумтоз шеъриятида А.ҳ.дан у ёки бу воқеа-ҳодисанинг юз бериш вақтини қайд этиш (қ. таърих), шеърда турли сўз ўйинларини юзага келтириш каби мақсадларда самарали фойдаланилган.

Адабиётшунослик луғати

Шунингдек, А.ҳ. имкониятлари чистон (қ.), муаммо (қ.) каби шеърий бошқотирма жанрларида ҳам кенг истифода этилган.

АВАНГАРДИЗМ (фр. avant-garde – олдинги отряд, илфор) – 1) шартли равишда модернистик адабиётнинг бир қатор оқимларига хос бўлган хусусиятнинг умумий номи сифатида қўлланувчи термин. Яъни А. адабий жараёндаги муайян бир йўналиш ёки оқим эмас, балки бир қатор оқимларга хос хусусият, яна ҳам аникрофи, модернизмнинг кескин, радикал қанотидир. А. адабиётнинг реалик билан алоқасини инкор қилиш, адабиёт ва санъатни ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ булмаган алоҳида соҳа деб билиш, адабий ань-аналарни инкор қилиш ва бадиий шаклда мутлақ янгилик яратиш даъвосини олға суриш кабиларда намоён бўлади (қ. футуризм, дадаизм, сюрреализм); 2) модернизмнинг босқичларидан бири, ўз ичига Биринчи жаҳон уруши арафаларидан бошлаб Иккинчи жаҳон уруши охиригача бўлган даврни қамраб олади. Модернизмни бу тарзда даврлаштирувчи мутахассислар унинг яна неоавангардизм (XX асрнинг 50–60-йиллари) ва постмодернизм (70-йиллардан бошлаб) босқичларини ҳам ажратадилар. Лекин бу мавжуд қарашлардан биригина булиб, умумэтироф этилган эмас; 3) Фарб адабиётшунослигига модернизмнинг бир қатор оқимларига хос хусусият ёки унинг бир босқичи сифатида эмас, балки умуман модернизм маъносида ҳам қўлланади.

АВТОБИОГРАФИК АСАР (юн. autos – ўзим, bios – ҳаёт, grapho – ёзаман) – муаллифнинг ўз ҳаёти ҳақида изчил ҳикоя қилишига асосланган адабий жанр. А.а.ни ёзувчининг турли муносабат билан ёзилган автобиографияси (таржими ҳол)дан фарқлаш позим. А.а. муаллифи ўз ҳаётини қайтадан яшаб кўради, уни бир бутун сифатида идрок этишга интилади. Яшаб ўтилган ҳаётни бир бутунликда идрок этиш эҳтиёжи туфайли А.а. муаллифи баъзан бадиий тўқималарга ҳам йўл қўйиши табиий, чунки у ҳаётини яхлит эстетик мушоҳада қиларкан, уни ижодий қайта яратади. Шунинг учун ҳам А.а.лар аксар ҳолларда муаллифларнинг ижодий етуклик паллаларида, умрлари ниҳоясида ёзилади (мас., Ойбекнинг “Болалик” қиссаси). Мутахассислар А.а.ни чегарадаги, яъни бошқа жанрлар билан кесишувчи жанр деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, А.а.нинг мемуарлар, кундаликлар, айрим саёҳатномалар билан ўхшаш томонлари бор. А.а.нинг мемуарлардан фарқи шуки, мему-

Адабиётшунослик луғати

ар асарда муаллифни воқелик (ўзи учратган кишилар, гувоҳи бўлган ёки қатнашган воқеалар) қизиқтирса, А.а. муаллифи дикқат марказида ўзининг воқелик билан узвий алоқадаги шакланиш тархи, қалб ва онги тарихи туради. Ёки кундаликларда ҳам А.а.даги каби муаллифнинг бошдан ўтказган ва кўнгилдан кечиргандари акс этади. Фарқ шуки, кундаликларда тасвирланётган воқеаларнинг юз бериш вақти билан улар ҳақида ёзиш вақти орасида даврий ма-софа йўқ, бу эса ўз ҳаётини бир бутунликда кўришга халал беради, яъни муаллиф босиб ўтган ҳаёт йўли унинг ўзи учун эстетик идрок обьектига айланмайди. А.а. билан автобиографик характердаги асарларни фарқлаш керак. Аввало, шуни айтиш керакки, ҳар қандай адабий асарда автобиографиклик унсурлари мавжуд, чунки асар муаллифнинг ҳаётий тажрибаси асосида дунёга келади: ижодкор ҳаётида юз берган айрим воқеалар, у гувоҳ бўлган ҳолатлар, шулар таъсирида юзага келган ўй-кечинмалар матнга сингиб кетиши табиий. Автобиографик характердаги асарда био-график унсурлар салмоқли ўрин тутгани ҳолда, бадиий тўқима ҳал қилувчи аҳамият касб этади (мас., F.Фуломнинг “Шум бола” қиссаси). Бошқача айтсан, худди реал прототипига эга асарлардаги каби, автобиографик характердаги асар учун муаллиф – прототип, холос, унинг асосида бошқа бир шахс образи яратилади.

АВТОГРАФ (юн. *autos* – ўзим, *grapho* – ёзаман) – 1) муаллиф қўлэзмаси; адабий асарнинг муаллиф қўли билан ёзилган матни. А. матншунослик учун муҳим манба бўлиб, асарнинг асл (каноник) матнини белгилашда, ёзувчи ижодий лабораториясини тадқик этишда жуда катта аҳамиятга эга. А.лар, одатда, ёзувчи-шоирларнинг хонадонларида (уларнинг меросхўрлари қулида), уй-музейларида, турли архив, кутубхона, илмий-тадқиқот муассасалари фондларида сакланади. Илм-фан ва техника тараққиёти А. ту-шунчасига маълум ўзгартиришлар киритди. XIX аср охирларидан бошлаб ёзувчилар орасида ўз асарларини ёзув машинкасида, XX аср охирларидан эса компьютерда ёзиш расм бўлди. Шунга кўра, эндиликда асарнинг муаллиф томонидан ёзув машинкаси ёки компьютерда терилган матни ҳам А. саналади; 2) китобни бирор шахс (ташкилот, муассаса ва ш.к.)га тақдим этиш чоғида унинг титул варағига муаллиф қўли билан битиладиган мӯъжаз ёзув, дастхат. Унда, одатда, муаллифнинг китоб тақдим этилаётган кишига самимий тилаклари, миннатдорлиги ва ш.к.лар изҳор этилади.

Адабиётшунослик луғати

АВТОИНТЕРПРЕТАЦИЯ (юн. *autos* – ўзим, лот. *interpretation* – тушунтироқ) – муаллифнинг ўкувчига ўз асарини тушунтириш, унга ўзи назарда тутган маънони англатишга қаратилган ҳаракати. А. турли шаклларда (сўз боши, сарлавҳа, эпиграф, багишлов, сўнгсўз, сатр ости изоҳлари ва ш.к.) амалга ошиши мумкин. Mac., Фахриёрнинг “Арафа” шеърида сарлавҳа мазмуннинг англанишида жуда муҳим:

Деворда осиглиқ қилич
зангларини тўка бошлади,
ярақлай бошлади тўсатдан
яrim ой шаклида...
Девор эса қизил эди.

Шеър 1989 йилда ёзилгани эътиборга олинса, шоир уни нима учун “Арафа” деб номлагани ҳам, шеърдаги рамзий образлар мазмуни ҳам англашилади. Ёки X.Даврон “Дунё гўзал, – деди...” деб бошланувчи шеърига Рудакийдан “Кўзларимдан айрилиб кўрдим бутун дунёни” мисрасини эпиграф қилиб олади, шу эпиграф туфайлигина ўкувчи матнда “кекса шоир” деб аталган лирик персонаж Рудакий эканини англайди, шеърдаги ўткир драматизмни ҳис қиласиди, унинг фалсафий мазмунини тушунади. “Ўтган кунлар”нинг бир ўрнида А.Қодирий сатр ости изоҳи шаклида Мусулмонқулнинг қатл этилиши эпизодини беради, бу эса Мусулмонқул Отабек билан тұқнашган ҳолат моҳиятини, муаллифнинг инсон концепцияси ни тұғри тушуниш учун бир калитдир. Кўпинча А.нинг мазкур шаклларида қувлик, тагдор маънога ишора мавжудлиги кузатилади. Mac., Чўлпон “Кеч” романига М.Горькийнинг: “Маърифат чоғиши тириб кўриш орқали ҳосил бўлади, бизнинг ёшлар эса ўз кўрганларини ҳеч нима билан чоғиширолмайдилар, улар кечмишни билмайдилар ва шу учун ҳозирги замоннинг нималигини етарли даражада очиқ англаёлмайдилар”, – деган сўзларини эпиграф қилиб олади. Бу ўринда эпиграф маъносини икки ёклама тушуниш имконияти бор: Чўлпон кечмишни ёшлар ҳозирги замоннинг қадрига етсинглар, деган мақсадда тасвирлаётганини “совет ёзувчisi” мавқеидан туриб таъкидлайди, айни ҷоғда, сохта тарих миясига сингдирилиб, манқуртга айлантирилаётган ёшлар “ҳозирги замоннинг **нималигини** етарли даражада очиқ англасинлар” учун асарни яратганини миллатнинг кўзи очиқ бир вакили мавқеида ту-

Адабиётшунослик луғати

риб айтади. Яъни эпиграф танлашдаёқ Чўлпон романнинг мазмун структураси моделини шакллантиради: ўзи айтмоқчи бўлган фикр тубда, юзадагиси эса фақатгина “ниқоб” – восита, холос. Шунингдек, муаллиф ўз асари (айниқса, асар баҳс-мунозараларга сабаб бўлса) ҳақида матбуот орқали билдирган фикрлар (сұхбат, мақола, очиқ хат ва ш.к.) ҳам А.нинг кўринишларидан саналади.

АВТОПСИХОЛОГИК ЛИРИКА – лириканинг субъектив ташкил-ланишига кўра кўриниши, ижровий лирикага (қ.) зидлаган ҳолда фарқланувчи лирик кечинма бевосита шоир тилидан ифода этилган шеър. Мутахассислар лирика аксар ҳолларда автопсихологик бўлиши, айни чоғда, лирик қаҳрамон билан биографик шоир доим ҳам бир-бирига teng эмаслигини таъкидлайдилар (қ. лирик қаҳрамон).

АВТОР (лот. autor – асосчи, ижодкор) – қаранг: **муаллиф**

АВТОР НУТҚИ – қаранг: **муаллиф нутқи**

АВТОР ОБРАЗИ – қаранг: **муаллиф образи**

АДАБИЁТ (ар. أدب адаб – гўзал хулқ) – кенг маънода, инсон тафаккурининг маҳсули ўлароқ дунёга келган, ўқиш учун мўлжаллаб ёзилган асарлар жами. Тор маънода – сўз санъати, бадиий адабиёт. Мумтоз адабиётшунослигимизда сўз санъатини умумлаштириб, А. деб аташ одати кузатилмайди, терминнинг бу маънода ишлатилиши кўпроқ кейинги даврларда, хусусан, XX асрда оммалашган. Farбда антик даврлардан бошлаб то XVII – XVIII асрларга қадар бадиий адабиётни “поэзия” деб атаб, унга “проза”ни (қ. проза) қарши қўйишган. Шунга ўхшаш, Шарқда, мумтоз адабиётшуносликда ҳам кўпроқ “шеър” ва “наср” атамалари ишлатилган. Ҳозирги даврга келиб сўзлашув амалиётида ҳам, илмий муомалада ҳам А. терминининг тор маъноси фаолроқ кўлланилади, у бадиий адабиёт маъносида ишлатилади. Ҳолбуки, тор маънода қўлланганида ҳам терминнинг қамрови жуда кенг, чунки у адабий бадиий асарларнинга эмас, адабий асарларни ҳам тўла қамраб олади. Яъни А.ни сўз санъати деб билган ҳолда, унга санъат ҳодисаси бўлмаган асарлар (мас.: мемуарлар, кундаликлар, сафарномалар, эсселар, афоризмлар ва б.) ҳам мансуб этилади. Мазкур ҳол муайян чигалликларни келтириб чиқаради, илмий аниқлик талаби билан баъзан “бадиий адабиёт”, “адабий бадиий асар” тарзидаги аниқловчили

Адабиётшунослик луғати

бирикмаларни ишлатишни тақозо этади. А. термини остида умумлаштирилган икки турли ҳодисани фарқлаш учун бирини бадий адабиёт, иккинчисини беллестристика деб юритиш ҳоллари ҳам мавжуд. Рус тилидаги манбаларда қўлланувчи “словесность” термини шу жиҳатдан анча қулай ва аник: у сўз воситасида яратилган маънавий қадриятларнинг барини жам этса, унинг таркибидаги бадий асарларни “художественная словесность” деб фарқлашади. Терминологик аниқликка эришиш учун сўз воситасида яратилган маънавий қадриятларнинг жамини А., унинг таркибидаги сўз санъатига дахлдор ҳодисаларни эса бадий адабиёт деб юритиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТШУНОСЛИК (ар. ادب – адаб, форс. شناس – таниш, ӯрганиш) – бадий адабиётнинг келиб чиқиши, моҳияти, ривожланиш қонуниятлари, ижтимоий алоқаларини ўрганувчи фан. А.нинг обьекти бўлмиш бадий адабиётга тааллуқли илмий муаммолар кўлами – предмети жуда кенг. Уларнинг бир қисми умумэстетик (яъни бадий санъат соҳаларининг барчасига тааллуқли, мас.: бадий образ ва образлилик, бадий образ ва реаллик муносабатлари, дунёқараш ва бадий ижод, бадий ижод жараёни хусусиятлари, бадий асарни қабул қилиш жараёни хусусиятлари ва б.) муаммолар сирасига кирса, бошқа бир қисми соф А. муаммолари саналади. Санъатнинг барча турларига оид муаммоларни А. бадий адабиёт нуқтаи назаридан, бадий адабиёт билан боғлаган ҳолда ва унинг мисолида ўрганади. Бадий адабиётнинг моҳияти, унинг ривожланиш омиллари ва қонуниятлари, бадий (адабий) асар табиати, унинг тузилиши, бадий (поэтик) тил хусусиятлари, адабий тур ва жанрлар каби қатор масалалар борки, улар соф А. муаммоларидир. Замонавий А. фани учта асосий соҳадан ташкил топади: *адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танқид*. Мазкур соҳаларнинг ҳар бири бадий адабиёт билан боғлиқ муайян масалалар мажмумини ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда ўрганади. Айни чоғда, бу соҳалар ўзаро мустаҳкам алоқада бўлиб, бир-бирини тўлдиради, бир-бирига манба яратади, асос бўлиб хизмат қиласиди ва шу тарзда ягона бир тизимга бирикади. Булардан ташқари, А.нинг матншунослик, манбашунослик, библиография сингари ёрдамчи соҳалари ҳам мавжуд.

Адабиётшунослик луғати

Ўзининг обьекти, предмети ва тадқиқ усулларига эга бўлган мустақил фан сифатида А.нинг фанлар тизимида муҳим ўрин олиши XVIII аср охири – XIX аср бошларига тўғри келади. Антик даврларда фанлар ўзаро ажралмаган, хусусан, А. ҳам фалсафа ичидаги бир бўлим эди. Кишилик жамиятининг тараққиёти, инсон тафаккурининг ривожи давомида бошқа фанлар қатори А. ҳам алоҳида фан сифатида ажралиб чиқди ва ривож топди. Бироқ буни маҳдудлашиш деб тушунмаслик лозим, чунки А. бошқа фанлар билан, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар билан мустаҳкам алоқада яшайди. Жумладан, айрим фанлар (фалсафа, эстетика, герменевтика) А. учун методологик асос бўлиб хизмат қиласа, бошқалари (фольклоршунослик, маданиятшунослик, санъатшунослик) билан у вазифалари ва тадқиқ предметининг кўп жиҳатдан яқинлиги туфайли алоқадордир. А.нинг предмети бадиий адабиёт, бадиий адабиётнинг предмети эса борлиқда, турфа ижтимоий муносабатлар ичидаги яшаётган инсондир. Шу жиҳатдан А. инсон ва жамиятни умумий йўналишда ўрганивчи фанлар (тарих, социология, психология каби) билан табиии алоқада бўлади. Филологик фан сифатида А.нинг тилшунослик билан алоқаси, айниқса, самарали ва муҳимдир. Бадиий адабиётнинг материали сўз, адабий асар сўзлардан таркиб топувчи матндири. Бадиий матн тил қонуниятлари асосида таркиб топади. Шундай экан, тил қонуниятларини билиш матн курилиши, унинг тагмањонлари, ишлатилган стилистик фигуralарнинг эстетик қиммати, функциялари каби қатор масалаларни ўрганишда жуда муҳим. Одатда, бадиий матн тилини ўрганишга қаратилган ишларга А. ва тилшунослик чегарасидаги ишлар сифатида қаралади. Бироқ бунда чегарани аниқ олиш лозим. Гап шундаки, А. тилшунослик ютуқларига таянган ҳолда тасвир воситаларининг, умуман, матннинг эстетик томонларини ўрганса, тилшунослик тил қонуниятларини ўрганишни мақсад қиласади. Яъни тилшунос учун бадиий матн материал бўлса, адабиётшунос учун у асосий обьект саналади. Тилшунослик билан А. алоқалари шу билангина чекланмайди. Тилшунослик кишилар орасидаги мулоқот воситаси бўлган тилни ўрганса, А. ижодкор ва ўқувчи орасидаги бадиий мулоқот воситаси бўлган бадиий асарни ўрганади. Мулоқот қонуниятларининг муштараклиги эса А.нинг қатор муаммоларини тил қонуниятлари билан қиёсан ўрганиш имкониятини беради. А. фаолиятида бадиий нутқ шакллари, ритми,

Адабиётшунослик луғати

интонация, шеър синтаксиси, экспрессивликни оширувчи воситалар каби қатор тушунчаларга дуч келинадики, буларнинг тилшунослиқдаги талқинини билган адабиётшуноснинг изланишлари, албатта, самаралироқ бўлади. Кейинги давр А.ида пайдо бўлган “психологик мактаб”, “структурал А.”, “генератив поэтика”, янги кириб келаётган “когнитив А.” каби йўналишлар бевосита тилшунослик ютуқлари асосида юзага келган.

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ – адабиётшунослик фанининг асосий соҳаларидан бири. А.н. бадиий адабиётнинг моҳияти, ривожланиш омиллари, жамият ҳаётидаги ўрни ва вазифалари, бадиий асар табиити ҳамда унинг тузилиши, бадиий тил хусусиятлари, адабий тур ва жанрлар каби масалаларни умумий тарзда ўрганади ва шу асосда умумий қонуниятларни очиб беради. Шунингдек, А.н. бадиий образ ва образлилик, бадиий образ ва реаллик муносабатлари, дунёкараш ва бадиий ижод, бадиий ижод жараёни хусусиятлари, бадиий асарни қабул қилиш жараёни хусусиятлари каби қатор умумэстетик масалаларни ҳам сўз санъатига татбиқан ўрганади. А.н. бадиий асарларни таҳлил қилиш тамойиллари, баҳолаш меzonлари, таҳлил методларини ишлаб чиқади, адабий-назарий тушунчалар тизимини яратади. А.н. адабиётшуносликнинг ядросини ташкил қиласди: А.н. *адабиёт тарихи ва адабий танқид* материалларини умумлаштиrsa, бу иккиси ўз фаолиятида А.н. очган қонуниятлар, у ишлаб чиқсан илмий тушунчалар тизимига таянади. Шу тариқа адабиётшуносликнинг ҳар учала асосий соҳалари бирбири билан боғланади, яхлит бир тизим – адабиётшунослик илми ни ташкил қиласди.

Шарқ мумтоз адабиётшунослигига, жумладан, ўзбек адабиётшунослигига А.н.нинг бир қатор масалалари анча кенг ўрганилган. Бундай масалалар сирасига *илми аruz* (Навоий, Бобур), *илми қофия*, *илми бадиъ* (А.Хусайнй, Тарозий) кабиларни киритиш мумкин. Мазкур масалалар адабиётшуносликнинг бир қисми – поэтика доираси билан чекланган эди. Шарқда “муаллими соний” дея улуғланувчи Форобий эса юнон файласуфи Арасту таъсирида ва бевосита унинг асарларини шарҳлаш жараёнида бадиий адабиёт спекификаси (моҳияти), тур ва жанрлар каби масалаларга эътибор қаратган. Бироқ мумтоз адабиётшунослиқда А.н. муайян бир тизим ҳолига келмаган, татбиқий характердаги ҳодиса эди. Ўзбек адабиётшунослигига А.н.нинг алоҳида тармоқ сифатида шакпла-

Адабиётшунослик луғати

ниши XX асрнинг дастлабки чорагига тўғри келади, соҳанинг қалдириғочлари сифатида Фитрат, Абдураҳмон Саъдийларни кўрсатиш мумкин. Адабиётшунослигимизнинг кейинги тараққиёти давомида И.Султон, Н.Шукров, Б.Саримсоқов, Б.Назаров, Т.Бобоев каби қатор олимларнинг тадқиқотлари адабий-назарий тафаккур ривожига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди.

АДАБИЙ АНЪАНА – ўтмиш адабиёти тўплаган ижодий тажрибалар қаймоги, даврлар ўтиши билан аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган, боқий қадриятга айланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қисми. Демак, А.а. доирасига ўтмиш адабиёти эришган ютуқлар, тўплаган тажрибаларнинг ҳаммаси ҳам эмас, балки унинг муайян давр ижодкорлари томонидан долзарб деб топилган, боқий қадрият сифатида баҳолантган ва ўз ижодий фаолиятларида намуна деб ҳисоблаган қисмигина киради. Ҳар бир авлод ўтмиш адабиётiga сайлаб муносабатда бўлади, унга фаол ижодий ёндашади, салафлар тажрибасини ўз даври қўйган бадиий-эстетик вазифаларни бажаришга хизмат қилдиради. Шунга кўра, А.а. ва янгилик (қ. новаторлик) ҳамқадамлиги қонуний ҳодиса бўлиб, бу иккиси диалектик алоқадаги бирликни ташкил этади ва адабиёт тараққиётининг муҳим ички омилига айланади. Ҳар бир давр ўзидан олдинги давр адабиётида мавжуд энг яхши жиҳатларни ўзига сингдиди ва унга нимадир қўшишга интилади, шу асосда тараққиёт жараёнининг узлуксизлиги таъминланади. Адабиётдаги ворисийлик, А.а.ларга содиклик милллий адабиётдаги ўзига хослик, милллий қиёфани йўқотмаслик кафолатидир. Табиийки, бой А.а.га таянган адабиётнинг ривожланиш имкониятлари бошқаларга нисбатан юқори бўлади. Мас., халқимизнинг бой адабий-маданий анъаналари XX аср бошларида кузатилган янги ўзбек адабиётининг шаклланиш жараёни тез кечишини таъминллади: адабиётимиз жуда қисқа фурсат ичida жаҳон адабиётидаги ютуқларнинг кўпини ижодий ўзлаштириди, ўзининг бадиий арсеналини бойитди. Айтайлик, роман ғарб адабиётiga хос жанр эканлиги, унинг ўзбек адабиётида ўзлашиши 20-йилларга тўғри келиши маълум. Бироқ ғарбона шакл милллий адабиётимизни бойитдигина эмас, балки адабий анъаналаримиз заминида унинг ўзи ҳам бойиди – ўзбек романчилиги дунёга келди. Милллий романчилигимизнинг ilk намунаси бўлмиш “Ўтган кунлар”дан бошлаб “Отамдан қолган далалар”гача бўлган намуналарида минг йилликлар билан ўлчанадиган адабий-

Адабиётшунослик луғати

маданий анъаналаримиз излари бор, шу туфайли ҳам у ўзининг қиёфасига эга "ўзбек романи"дир.

АДАБИЙ ЙЎНАЛИШ (русчадан калька: "литературное направление", "литературное течение") – адабий жараён билан боғлиқ категория. А.й. тушунчаси ҳаётни бадиий акс эттириш принциплари, метод ва услугуб тушунчалари билан бевосита боғлиқ, у бадиий тафаккур тарзи, метод ва услугуб кесишган нуқтада юзага келади. Муайян даврда яшаган бир қатор ижодкорлар яратган кўплаб асарларда типологик умумийлик мавжуд. Типологик умумийлик ҳаёт материалини танлаш, уни бадиий идрок қилиш ва баҳолаш принципларида, асарларнинг бадиий шакл хусусиятлари, услугубий жиҳатларида ўзини намоён этади. Узлуксиз адабий жараённинг муайян босқичларида кузатилувчи бадиий ижоднинг ғоявий-эстетик тамойиллари асосидаги умумийлик А.й. ҳақида гапириш имконини беради. А.й. адабий жараённинг, бадиий тафаккур тараққиётининг маълум бир босқичини назарий жиҳатдан умумлаштириш орқали унинг моҳиятини англаш имконини беради. Айни пайтда, адабиёт тараққиёти, бадиий тафаккурнинг ривожланиш тамойиллари А.й.-лар алмашинуви, улар орасидаги курашда очиқ намоён бўладики, шу жиҳатдан А.й. адабий жараённи ўрганишдаги муҳим адабий-эстетик категория саналади. Мас., Европа адабиётида классицизм йўналишининг ғоявий-эстетик принциплари билан зиддият, бир томондан, барокко, иккинчи томондан, маърифатпарварлик реализмини майдонга чиқарди, ўз навбатида, кейинча худди шундай зиддиятлар асосида романтизм ва танқидий реализм йўналишлари юзага келди. Адабиёт тараққиётидаги ворисийлик қонуниятига кура, ҳар бир А.й. куртаклари аввалгилари бағрида етилади. Дейлик, классицизм бағрида ҳам маърифатпарварлик реализмига, ҳам сентиментализмга хос унсурлар мавжуд эди, кейинги йўналишга мансуб ижодкорлар улардан маъқулини олиб, маъқул келмаганини инкор қилган ҳолда ўз ғоявий-эстетик принципларини қарор топтиришга интилдиларки, бу бадиий тафаккур ривожига (ундаги силжиш, ўзгаришга) асос бўлди.

Адабиётшунослиқда А.й. истилоҳини қўллашда турличалик кузатилади: баъзан у адабий оқим атамасига, баъзан эса *метод* тушунчасига синоним сифатида ишлатилади. Мас., классицизмни метод, барокко ёки сентиментализмни оқим, романтизмни эса адабиёт тараққиётидаги босқич деб қараш ҳоллари борки, моҳи-

Адабиётшунослик луғати

ятан бир хил адабий ҳодисаларнинг турли атамалар билан номланниши чалкашликлар көлтириб чиқаради.

АДАБИЙ МАКТАБ (русчадан калька: “литературная школа”) – адабий йўналиш ичидағи ҳодиса, муайян гоявий-эстетик қарашлар, ижодий принципларни дастурий тарзда қабул қилган ижодкорлар грухи. Mac., француз романтизм адабиётидаги “Парнас” грухига шундай ижодкорларни бирлаштирган бўлиб, “парнас”чиларнинг гоявий-эстетик қарашлари, ижод намуналари “Янги Парнас” номи билан чоп этилган тўпламларда ўз аксини топган. XX аср бошлирида рус адабиётида майдонга чиқсан модернистик йўналиш ичидаги символизм, ақмеизм, футуризм каби оқимлар, футуризм оқими ичидаги эса, мас., кубофутуризм деб юритилувчи адабий мактаб бўлган. В.Хлебников, В.Маяковский сингари истеъодли ижодкорларни бирлаштирган кубофутуристларнинг “Гилея” грухига ўз адабий-эстетик қарашлари, ижодий принципларини “Жамият дидига тарсаки” номли манифестда эълон қилган.

АДАБИЙ ОҚИМ (русчадан калька: “литературное течение”) – адабий жараён билан боғлиқ категория, муайян давр адабиётидаги адабий йўналишнинг бир кўриниши, ўзига хос бир варианти. Типологик умумийлик бир йўналишга мансуб ижодкорларнинг ҳам гоявий ёки эстетик жиҳатдан ўзига хос томонлари бўлишини инкор қилмайди. Яъни бир йўналиш доирасидаги асаларarda турлича идеаллар, дунёқараш акс этиши, бадиий-эстетик принципларда муайян фарқлар кузатилиши табиий ҳодисадир. Бу нарса бир йўналиш ичидаги алоҳида грухни ташкил этаётган ижодкорларга хос типологик умумийлик ҳақида; адабий йўналишнинг варианти сифатида буй кўрсатувчи A.o. ҳақида гапиришга имкон беради. Mac., барокко йўналишининг варианти сифатида испан адабиётидаги гонгоризм, итальян адабиётидаги маринизм ёки французларнинг прециоз адабиётини кўрсатиш мумкин. Дейлик, гонгоризм гоявий-эстетик принциплари (Уйғониш даври идеалларига зидлик, услубнинг жимжимадорлиги, образларнинг метафориклиги) жиҳатидан бароккога мансуб этилади, айни чоғда, унда араб шеърияти таъсирида бу хусусиятлар (мажозийликнинг ўта кучайиши, услубнинг мураккаблашуви, фикрни яширин ифодалаш, фикрни закийлик билан айтишга интилиш ва б.) ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Адабиётшунослик луғати

АДАБИЁТ ТАРИХИ – адабиётшунослик фанининг асосий соҳаларидан бири. А.т.нинг предмети – ўтмиш адабиёти бўлиб, уни жараён ёки шу жараённинг бир бўлаги (босқичи) сифатида тадқиқ этади. А.т.нинг асосида тарихийлик принципи ётади. Тарихийлик принципи адабий жараённи конкрет ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқ ҳодиса сифатида ўрганишни тақозо этади. Яъни А.т. ўтмишдаги адабий ҳодисаларни, яратилган асарларнинг ғоявий-мазмуний хусусиятларини белгилаган, бадиий тафаккур ривожи, поэтик усул ва воситаларнинг ўзгариши ва ш.к.ларга асос бўлган ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий омилларни очиб беради. А.т. нуқтаи назаридан конкрет бадиий асар таҳлил қилинганида ҳам, ўша асар яратилган давр шароити, давр адабий жараёни хусусиятларини назарда тутиш шарт қилинади. А.т.ни қизиқтирадиган масалалардан яна бири конкрет ижодкор фаолиятини ўрганишдир. Ижодкор фаолиятини ўргангандা, унинг ижодий ўсиш жараённи кузатганда ҳам асосга қўйилган принцип тарихийлик бўлиши лозим. А.т. ўтмиш адабиёти хусусиятларини очиб бераркан, биринчидан, ўтмиш адабиёти тажрибаларини бугунги адабиёт хизматига сафарбар этади, иккинчидан, кенг қўламли назарий хуносалар чиқариш учун зарур материал ҳозирлайди. Шунга кўра, А.т. бадиий тафаккур тараққиётида ҳам, адабий-назарий тафаккур ривожида ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётшунослигига А.т. соҳасининг дастлабки куртаклари сифатида тазкираларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, қатор тарихий ва мемуар асарларда айрим адабий фактлар, муайян ижодкор ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар ҳам қайд этилган. Бироқ ўзбек адабиётини тарихий аспектда қўламли ўрганиш, яъни ўзбек адабиётшунослигига А.т.нинг мустақил тармоқ сифатида шаклланиши ва ривожи XX асрга тўғри келади. Ўзбек адабиётшунослигига адабиёт тарихи соҳасининг шаклланишида Фитрат, А.Саъдий, О.Шарафуддинов, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, Х.Сулаймонов, Ф.Каримов, Н.Маллаев, А.Қаюмов, А.Хайитметов, А.Абдуғафуров сингари олимларнинг улкан хизматларини алоҳида қайд этмоқ лозим. Ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш борасидаги изланишлар ҳозирги кунда ҳам давом эттирилаётir. Мавжуд ижтимоий воқелик ўтмиш меросимизга муносабатни ўзgartиришни, қатор адабий ҳодисалар, фактлар, ижодкор шахслар тақдири ва фаолиятини ян-

Адабиётшунослик луғати

гича, илмий холис талқин қилиш заруратини кун тартибига қўйидики, бу А.т. зиммасига улкан вазифаларни юклайди.

АДАБИЙ ТАЪСИР (русчадан калька: "литературное влияние") – адабий жараёнда табиий равишида ва қонуният мақомида мавжуд бўлган, бадиий тафаккур ривожида муҳим аҳамиятга молик ҳодиса. А.т. адабий-бадиий ҳодисаларнинг замон ва макондан қатъи назар, ўзаро алоқада яшами оқибати ўлароқ воқе бўлади. Демак, А.т. битта миллий адабиёт ёки адабиётлараро алоқалар, бир давр адабиёти ёки турли даврлар адабиёти доирасида ҳам кузатилади. Шунга кўра, А.т.нинг кўлами ва даражаси турлича (умумий ва шахсий) бўлиб, улар бир қатор омилларга боғлиқдир. Дейлик, турли халқларнинг яшаш ҳудуди, турмуш тарзи, эътиқоди каби омиллардаги муштарақлик (мас., форсий ва туркий адабиётлар) ёки муайян тарихий шароитда турли халқлар орасидаги ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг кучайиши (мас., рус адабиёти билан ўзбек адабиёти) бир миллий адабиёт тажрибаларининг бошқа бир миллий адабиёт томонидан ижодий ўзлаштирилишига олиб келади. Миллий адабиётлар доирасида кечувчи А.т. билан бир қаторда шахсий А.т. ҳам борки, аҳамияти жиҳатидан у аввалгисидан асло кам эмас. Ҳар қандай ижодкор фаолиятининг ilk босқичида салафларнинг муайян таъсири мавжудки, бу ўша ижодкорнинг шаклланишида, унинг ўз ижодий индивидуаллигига эга бўлишида муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, А.Қаҳҳор ижодида, айниқса, унинг ilk ҳикояларида рус адиби А.П.Чехов асарларининг таъсири яққол сезилади. Чинакам истеъдод эгаси сифатида А.Қаҳҳор салафига ижодий эргашиш босқичидан у билан ижодий мусобақалашиш даражасига кўтарила олди, рус адиби қўллаган усул ва воситаларни миллий адабиёт анъаналари билан омихталаштириб, уларни миллий адабиёттимиз заминида кўкартира билди, шу туфайли ҳам ўзбек ҳикоячилигининг тан олинган устаси мақомига эришди. Айни чоғда, А.Қаҳҳор ижодида Н.В.Гоголь, И.Тургенев, Ж.Лондон, О'Генри каби адилларнинг ҳам турли даражадаги таъсири сезилади: Гоголь таъсири кўпроқ услубда, воқеликка кинояли муносабатда; И.Тургенев ва О'Генри таъсири айрим ҳикояларнинг, Ж.Лондон таъсири эса "Сароб" романининг ички структурасида кўзга ташланади. Бундан аён бўладики, улкан истеъдод эгалари яратган асарларнинг таъсири кейинги авлодлар ижодида турли даражада намоён бўлади. Mac., Алишер Навоий ижодининг таъсири мумтоз

Адабиётшунослик луғати

шеъриятимизнинг ундан кейин қалам тебратган дёярли барча на-
мояндалари ижодида сезилади. Дейлик, Мунис ва Огаҳий ижодида
бу таъсир бўртиб кўзга ташланса, бошқа ижодкорларда яқол
кўринувчи таъсир аломатлари камроқ. Шу билан бирга, ўзбек
шеъриятида Навоий даҳоси таъсиридан буткул холи ижодкорни
курсатиш мушкул. Чунки Навоий сингари улкан даҳолар миллат
руҳиятига, миллний бадиий тафаккурга батамом сингиб кетади –
ўзига хос атмосферага айланадики, ўша атмосферадан нафас ол-
ганки ижодкор ундан нафланган бўлади. Демак, шундан келиб
чиқкан ҳолда А.т.нинг бевосита ва билвосита кўринишлари ҳақида
ҳам гапириш мумкин экан.

Умуман олганда, адабий алоқалар ва уларнинг ҳосиласи
бўлмиш А.т. адабиёт тараққиётида ижобий ҳодиса саналади. Ада-
бий алоқа ва А.т. туфайли у ёки бу миллний адабиёт тараққиётида
сезиларли сифат ўзгаришлари, кескин силжишлар кузатилиши
мумкин. Буни, мас., XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти мисолида,
янги ўзбек адабиётининг шаклланишида кузатиш мумкин. Ўзбек
адабиёти жаҳондаги илғор адабиётлар асрлар давомида етиб кел-
ган даражага қисқа вақт ичida кўтарила олди. Биргина ўзбек ро-
манчилиги мисолида қарасак ҳам, адабиётимизда XX асрнинг I чо-
рагида қарор топган романчилик қисқа вақт ичida жаҳон романчи-
лиги билан бўйлаша оладиган даражага етганини, бунда бой мил-
лий анъаналар билан бирга адабий алоқалар ва А.т.нинг жуда катта
ўрни борлигини кўриш мумкин. Чунки ўзбек романнавислари
учун жаҳон романчилигининг тайёр тажриба мактаби мавжуд
бўлиб, упар бундан миллний адабий анъаналаримиз заминида са-
марали фойдалана билдилар.

АДАБИЙ ТАНҚИД (ар. – **فہری** муҳокама қилиш, саралаш) –
адабиётшуносликнинг асосий соҳаларидан бири. А.т. ҳозирги
адабий жараён муаммоларини ўрганиш, янги пайдо бўлган
асарларни бугунги кун нуқтаи назаридан ғоявий-бадиий таҳлил ва
талқин этиш, баҳолашни мақсад қилиб қўяди. А.т. адабиётшунос-
ликнинг оператив, жорий адабий жараёнга бевосита аралашадиган
соҳасидир. Айтиш керакки, А.т.ни адабиётшуносликнинг таркибий
қисми сифатида тушуниш умумътирофга молик қараш эмас.
Айрим мутахассислар А.т.ни адабиётшунослик илмининг таркибий
қисми эмас, балки адабий ёки публицистик ижоднинг бир тури деб
ҳисоблайдилар. Бу нарса А.т.нинг ўзигагина хос, адабиётшунос-

Адабиётшунослик луғати

ликнинг бошқа соҳаларидан фарқланувчи хусусиятлари билан изоҳланади. А.т. ўзида адабиётшунослик илми, бадий адабиёт ва публицистикага хос жиҳатларни уйғунлаштиради. Аввало, адабий-танқидий асар фақат илмий доираларга эмас, балки кенг аудиторияга мұлжаллаб ёзилади. Унда адабий асар баҳона күннинг дол зарб ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий масалаларидан ҳам баҳс этилади. Шунга кўра, унинг тили – илмий-оммабоп тил. Боз устига, бадий асар ҳақида сўз бораркан, танқидчи фақат тушунчалар воситасида эмас, баъзан образли тафаккур унсурлари билан ҳам фикрлайди; мантиқийгина эмас, ҳиссий мушоҳадаларга ҳам таянади. Бадий асар ҳақида фикр юритаётган, уни бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолаётган танқидчи ўқувчи оммага бевосита таъсир қилишни ҳам кўзда тутади. Айни пайтда, бадий асарни таҳлил қилаётган танқидчининг фикрлари адабиёт назариясига, адабиётшунослик илмининг ютуқларига асосланади. Буларнинг барі А.т.ни адабиётшунослик, бадий адабиёт ва публицистика оралиғидаги ҳодисага айлантиради.

АДАБИЙ ТУР – адабий асарларнинг нутқий ташкилланиши, тасвир предмети, объект ва субъект муносабати каби жиҳатлари билан умумийлик касб этувчи йирик гуруҳи. Анъанавий равища бадий асарлар учта катта гуруҳга – эпик, лирик ва драматик турларга ажратиб келинади. Адабий асарларни турларга ажратиш масаласи қадимдан дикқат марказида бўлиб келган. Антик давр юонон файласуфи Афлотун ўзининг “Давлат” асарида шоир ўз тилидан (лирика), ўзгаларнинг гапларини мулоқот сифатида тасвирлаб (драма) ёки бу иккисини қоришик (эпос) кўллаган ҳолда тақлид қилиши мумкинлигини айтади. Санъатни табиатга “тақлид қилиш” деб билган Арасту эса табиатга уч хил йўсинда: 1) ўзидан ташқаридаги нарса тўғрисида ҳикоя қилаётгандек (эпос); 2) тақлидчи ўз ҳолича қолган, қиёфасини ўзгартирган ҳолда (лирика); 3) тасвирланаётган кишиларни фаол ҳаракатда тақдим этган ҳолда (драма) тақлид қилиш мумкин, деб билган. Турларга ажратища тақлид усулини асосга кўйиш анъанаси XVIII асргача давом этди. XVIII асрга келиб немис файласуфи Гегель бадий адабиётни турларга ажратища “объект” ва “субъект” муносабатини, шунингдек, тасвир предметини, яъни конкрет асарда нима тасвирланаётганини асос қилиб олди: эпос воқеани, лирика руҳий кечинмани, драма ҳаракатни тасвирлайди. Гегель анъанасини давом эттирган

Адабиётшунослик луғати

В.Г.Белинский обьект (воқелик) ва субъект (ижодкор) муносабатига күпроқ урғу берди: эпосда обьективлик, лирикада субъективлик, драмада иккисининг қоришиқлиги кузатилишини таъкидлади. Эпосни “объектив поэзия” деркан, Белинский эпик асар муаллифи ўзининг ихтиёридан ташқари “ўз-ўзича амалга ошган нарсанинг оддий ҳикоячиси” мақомида туришини, лирикани “субъектив поэзия” деганида эса “унда ижодкор шахсиятининг биринчи планда туриши ва барча нарса унинг шахсияти орқали қабул қилиниши ва англаниши”ни назарда тутади. Албатта, обьективлик ва субъективлик тушунчаларини мутлақлаштирмаслик зарур. Зоро, эпос “объектив поэзия” дейилса ҳам, унинг “объективлиги” ўқувчи наздидаги иллюзия, холос, аслида, эпик асарда ҳам субъектив ибтидо мавжуддир.

Гегель тасниф асосларидан бири қилиб олган адабий асарларни тасвир предметидан келиб чиқиб турларга ажратиш тамоилии ҳозирда кенгроқ оммалашган. Бунда конкрет асарда нима тасвирлангани эътиборга олинади: драматик асарда ҳаракат, лирик асарда кечинмалар, эпик асарда воқелик (воқеалар) тасвирланади. Бунга қўшимча асос сифатида асарда ниманинг образи яратилганини олиш мумкинки, бу тасвир предмети асосидаги таснифни тўлдиради: лирикада субъектнинг нопластик образи, бунинг зидди ўлароқ, драмада обьектнинг пластик образи, эпосда эса обьект ва субъектнинг қоришиқ образи яратилади. Лирик асарнинг етакчи образи – лирик қаҳрамон, лирик асар ўқилгандан лирик қаҳрамон ҳолати, кайфияти, кечинмалар қандай ҳолатда юзага келгани, унинг ҳис-кечинмаларига турткি бўлган воқелик фрагментлари ҳис этилади. Бироқ лирик қаҳрамоннинг ўзи жонли инсон (яъни обьективлаштирилган тасвир) сифатида намоён бўлмайди. Драмада эса қаҳрамонлар реал, жонли инсон сифатида хатти-ҳаракатда бўладилар, унда субъект образи йўқ. Эпосда сўз воситасида тасвирланган бадиий воқеликни тасаввурда пластик жонлантириш мумкин, шу билан бирга, унда муаллиф образи ҳам мавжуд. Бундаги муаллиф образи ҳам лирикадаги каби нопластик образ: унинг воқеа-ҳодисаларга муносабати, кайфияти, ўй-қарашлари ва ш.к. ҳар вақт сезилиб туради, бироқ муаллиф образи бошқа персонажлар образи сингари жонли инсон сифатида гавдаланмайди (асарда унинг обьективлаштирилган тасвири йўқ).

Мазкур белгиловчи хусусиятлар билан бирга, ҳар бир А.т.га мансуб адабий асарларга күпроқ хос (яъни белгиловчи бўлмаган)

Адабиётшүнослик лүгати

хусусиятлар ҳам қузатилади. Жумладан, улар үзларининг нутқий шаклланиши жиҳатидан фарқланади: лирик асарлар, асосан, шеърий нутқ шаклида мавжуд, айни пайтда, насрый нутқ шаклида ёзилган лирик асарлар (мас.: Фитрат, Чўлпон, Миртемир, И.Ғафуровларнинг насрый шеърлари; Чўлпоннинг “Октябрь қизи”, А.Аъзамнинг “Ўзим билан ўзим” лирик достонлари) ҳам бор. Эпик асарлар, асосан, насрда яратилади, лекин шеърий йўлда ёзилгандар ҳам кенг тарқалган (мас.: Б.Бойқобиловнинг “Кун ва тун” шеърий қиссаси, Ҳ.Шариповнинг “Бир савол”, М.Алининг “Боқий дунё” шеърий романлари ва б.). Турли А.т.га мансуб асарлар ўзаро бадиий вақт ҳисси нуқтаи назаридан ҳам фарқланади. Мас., лирик асар “ҳозир кўнгилдан кечачётган” хис-туйғуларни тасвирлайди, шоир билан у тасвирлаётган кечинма, шеърхон билан у танишаётган ва ўзига юқтираётган кечинма орасида ҳар вақт “мен – ҳозир” тарзидаги вақт ҳисси мавжуд бўлади. Аксинча, эпик асарда “утмишда бўлиб ўтган” воқеалар қаламга олинади, зоро, замонда кечиб бўлган воқеаларнигина ҳикоя қилиб бериш мумкин. Ҳатто олис келажак тасвирланган фантастик асарда ҳам бўлиб ўтган воқеалар ҳикоя қилинади: ўқувчи гуё бўлиб ўтган воқеалар билан танишади. Яъни эпик асарда ёзувчи билан у тасвирлаётган бадиий воқелик, ўқувчи билан у тасаввурида қайта тиклаётган бадиий воқелик ўртасида ҳамиша “мен – ўтмиш” тарзидаги вақт ҳисси мавжуддир. Бу жиҳатдан драматик асарлар ўзига хос: драмада тасвирланадиган воқеа, ўқилиши ёки саҳнадан томоша қилинишидан қатъи назар, гўё “ҳозир содир бўлаётган воқеа” каби таассурот қолдиради. Демак, драматик асар ўқувчиси (ёки томошабини) билан унда тасвирланган воқеа орасида ҳам “мен – ҳозир” тарзидаги вақт ҳисси мавжуд бўлади. Шунингдек, ҳар бир адабий турга мансуб асарда бадиий конфликтнинг муайян бир тури устувор: драмада характерларо конфликт, лирикада ички конфликт (асардаги акси жиҳатидан), эпосда эса конфликтнинг ҳар учала тури қоришиқ назоён бўла олади. Айрим манбаларда мазкур хусусият ҳам турга ажратиш асоси, турга мансубликни белгиловчи хусусият сифатида кўрсатилади. Бироқ бу қараш баҳсли, чунки ҳар қандай асарда, унинг турга мансублигидан қатъи назар, конфликтнинг ҳар учала нави мавжуд бўлаверади (фақат акс этиши турлича, баъзилари аниқ тасвирланса, бошқалари ҳис этилади); улар ўзаро алоқада

Адабиётшунослик луғати

булиб, бири иккинчисини келтириб чиқаради, бири орқали иккинчи-си ифодаланади.

А.т.лар орасида қатъий чегара, "хитой девори" йўқ. Яъни турларга ажратища маълум шартлилик сакланиб қолаверади, зоро, муайян асарда барча А.т.ларга хос хусусиятлар ҳам зухур қилаверади. Иккинчи томондан, бадий адабиёт ривожи давомида А.т.лар бир-бирини бойитади, улар орасида синтезлашув жараёнлари кечади. Mac., замонавий эпос ўзига драмага хос элементларни сингдиргани учун тасвир ва ифода имкониятларини кенгайтируди. Ҳозирги эпик асарларни улардаги диалоглар, бошқача айтсак, "саҳна-эпизод"ларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яна, ҳозирги эпосда драмага хос сюжет қурилиши (сюжет вақтининг қисқариши, воқеаларнинг драматик шиддат билан ривожланиши)нинг таъсири тобора кучайиб бораётгани кузатилади. Шунга ўхшашиб, драма ва лириканинг ўзига эпик унсурларни сингдирини уларнинг бадий имкониятларини кенгайтиради. Mac., ҳозирги шеъриятда воқеабанд шеърлар кенг оммалашгани, тавсифий лирикада эпик унсурлар салмоқли ўрин туваётгани ҳам турлараро синтезлашув натижасидир.

А.т.ларнинг муайян давр адабий жараёнида тутган ўрни, мавқеи ҳар вақт ҳам бир хил эмас, тараққиётнинг маълум босқичларида уларнинг айримлари етакчилик мавқеини эгаллайди. Бу эса турли омиллар (ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий шароит, адабий-маданий анъаналар ва ҳ.) билан боғлиқдир. Mac., ўзбек адабиётида анъана билан боғлиқ ҳолда узоқ вақт лирика етакчилик қилган бўлса, XX аср бошларидан эпос етакчилик мавқеини эгаллай бошладики, бу ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий шароит (эпик турда бадий концептуал функцияни амалга ошириш, дунёни англий ва англатиш имкониятларининг кенглиги ва бунинг XX аср бошларида долзарблик касб этгани) билан изоҳланади. Ўтган асрнинг 60–70-йиллари ижтимоий-сиёсий шароити яна шеъриятни етакчи мавқега олиб чиқдики, бу ижод эркинлиги бўғилган шароитда бадий проза ўзининг энг муҳим функцияси – бадий-концептуал функциясини тўлақонли бажара олмай қолгани билан изоҳланиси мумкин. 80-йилларга келиб эса эпос йўқотган мавқеини яна тиклай бошлади: М.М.Дўст, Э.Аъзам, А.Аъзам, Х.Султон каби ижодкорлар асарларида жамиятни, замона кишилари руҳиятини ва бунинг воситасида жамиятнинг мавжуд ҳолатини чуқур бадий ид-

Адабиётшунослик луғати

рок этишга интилиш кучайди. Бирок, таъкидлаш зарурки, А.т.ларнинг бирини иккинчисидан устун қўйишга интилиш номақбулдир. Зеро, ҳар бир А.т. ўзига хос устун жиҳатларга эга, бу эса уларнинг ҳар бирида дунёни англаш ва англатиш имкониятлари турлича эканлиги билан изоҳланади. Баъзан “фалон шоир ўзининг фалон рубойисида катта романда ҳам айтиш қийин бўлган гапни айта олган” қабилидаги мақтovлар эшитиладики, бу хил қараш ўта жўн ва илмийликдан буткул йироқ, бадиий адабиёт ҳақида, бадиий асар ҳақида бу тарзда фикрлаш дилетантликдан бошқа нарса эмас. Негаки, бадиий адабиётда айтишгина эмас, қандай айтиш ҳам муҳим. Зеро, ҳар бир адабий турга мансуб асарнинг қабул қилиниш механизmlари, ўқувчи руҳиятига таъсир ўтказиш имкониятлари ва йўллари турличадир. Бу ўринда халқимизнинг “ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса – қилиғи” қабилидаги нақлига амал қилган тўғрироқ бўлади.

АДРЕСАТ (нем. Adressat – почта жўнатмасини олувчи) – бадиий ижод жараёни билан боғлиқ ҳолда ишлатилувчи термин, ижод онларида ёзувчи тасаввuriда мавжуд бўлган, асар мўлжалланган ўқувчи. Адабиётшуносликда ушбу тушунча реал ўқувчига зидланган ҳолда яна имплицит ўқувчи, тасаввурдаги ўқувчи, ички ўқувчи каби терминлар билан ҳам юритилади. Адабий асар, аввало, нутқ ҳодисасидир. Нутқ жараёни эса икки томон – нутқ субъекти (нутқ эгаси) ва нутқ объекти (нутқ йўналтирилган шахс)нинг мавжудлигини тақозо этади. Модомики, ижод жараёнида ёзувчи нутқ ирод этётган экан, бу нутқ кимгadir (тасаввурдаги ўқувчига, А.га) қаратилган бўлади: ёзувчи ўша ўқувчига муайян бадиий информацияни етказиш, информацияга ўзининг ғоявий-эмоционал муносабатини ифодалаш ва шулар орқали унга муайян таъсир ўтказишини кўзлайди. Бу эса А.ни, унинг дунёқараси, ҳаётий тажрибаси, бадиий диди, ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари каби омилларни ҳам эътиборда тутишни тақозо этади. Яъни А. маълум маънода асарнинг бадиий-композицион хусусиятлари, тили ва услуби, образлар тизимини белгилайди. Мазкур ҳол, мас., болалар адабиёти мисолида ёрқин қўринади: болалар учун ёзилган асарда А. хусусиятларини, бола психологияси, фикрлаш тарзи, идрок имкони кабиларни эътиборда тутиш зарур. Бироқ буни мутлақлаштираслик, яъни гўё ёзувчи ҳамиша юксакда-ю, А.га мос гапларни айтади, маъносида тушунмаслик керак. Аксинча, ёзувчи тасавvuriдаги А. савияси кўп

Адабиётшүнослик лүгати

жихатдан унинг ижодий салоҳияти билан боғлиkdir; санъаткор ижодий камоли билан баробар А. ҳам камол топиб боради. Mac., Чўлпоннинг илк ижодида А. бирмунча мавҳум бўлиб, асарлари кенг оммага қаратилган, у кўпнинг гапини кўлга етказиш ("Бизни халқ", "Қурбони жаҳолат", "Доктор Муҳаммадиёр") билан машғул эди. Кейинча унинг А.и бирмунча конкретлашади: асарлари кўпроқ ўзининг ҳаммаслакларига (mac., "Халқ", "Бузилган ўлкага", "Пўртана") мўлжалланади. Айни чоғда, шоир ижодида А. янада конкретлашиб боради, энди у кўпроқ ўзини тушуна оладиган, ҳамдард бўла биладиган хос ўқувчига мурожаат этади ("Кўнгил", "Йўл эсадалиги"). Шеърларидан бирида бу ҳақда шундай дейди:

Сўйларкан тилларим на ёмон сўзлар,
Ёзаркан қаламим на ҳазин оғлар,
Соддадил бунлардан не маъни онглар,
Билмаз-ку ўлдуғин изҳор ишики.

Яъни Чўлпон ўзининг "ишқ изҳори"ни ҳар ким ҳам англай ол-маслигини билади, ҳаммага дардини тўkkани ҳолда чинакам ҳамдард бўла оладиганларнинг озлигини теран идрок этади. Бу эса шоирнинг аксар шеърларида хос ўқувчига мўжалланган рамзий қатлам мавжудлиги, унда юрт озодлиги мавзуси поэтик талқин қилинганига унинг ўзи берган гувоҳлиkdir. Кейинроқ, 30-йилларнинг бўғиқ мұхитида Чўлпоннинг А.и онгли тарзда иккиланади: у бир пайтнинг ўзида ҳам хос ўқувчисига, ҳам шўро тарбиясини олган оммавий ўқувчига мурожаат этади ("Соз" тўпламидаги қатор шеърлар, "Кеча" романи).

Ижод онларида А.ни эътиборда тутиш талаби ўқувчи омма диди, талаб-эҳтиёжларига мослашиш дегани эмас. Чинакам ижодкор А.нинг диди, фаросатини юқори баҳолаши, унинг ижодий имкониятларига, асарни ўқиш пайти ўзига ҳаммуаллиф бўла олишига ишониши лозим. Бироқ кейинги даврда кенг урчиган оммавий адабиёт сўз санъатининг бу талабидан чекинади: унинг ўртамиёна савиядаги А.ни нишон қилиши, уни осонгина ўзига жалб этадиган йўллардан (интригага бойлик, ошкор эмоционаллик, соxта романтика, зўравонлик ва фахш сингари тубан инстинктларни уйғотиш ва ш.к.) бориши сўз санъати ичидаги бузғунчиликкина эмас, чуқурроқ қаралса, А.га ҳурматсизлик ҳамdir.

АЖУЗ (АРУЗ) (ар. عجوز – ожиз, кучсиз) – қаранг: тақтиъ

Адабиётшунослик луғати

АКМЕИЗМ (юн. acme – бирор нарсанинг камолот чўққиси) – XX асрнинг 10-йилларида рус шеъриятида вужудга келган адабий оқим. А.нинг назарий асослари Н.С.Гумилев, С.М.Городецкий, М.А.Кузьминлар томонидан ишлаб чиқилган. Жумладан, Н.С.Гумилев “Символизм мероси ва акмеизм” номли мақоласида символизм инсоннинг идрок имконидан ташқари нарсаларни англашга интилгани бекорлиги, уни англаб бўлмаслигини таъкидлайди. С.Городецкий эса символизм ва акмеизм орасидаги зиддиятни моддий оламга муносабатда кўради. Унга кўра, символистлар учун олам фақат ўзга оламлар сояси сифатидагина аҳамиятли бўлса, акмеистларга у бор ҳолича ҳам қадрли; символистлар учун атиргул илоҳий ишқ рамзи сифатидагина қадрли бўлса, акмеистлар учун у ўз ҳолича ҳам гўзал ва қадрлидир. С.Городецкий акмеистлар дунёни бутунича, бутун гўзаллиги хунуклиги билан қабул қилганларини, дунёга муҳаббат унинг асосий тамоили эканини таъкидлайди. А. намояндаларининг ижодий фаолияти табиий тарзда кечувчи ҳаётни, конкрет ҳис этиладиган дунёни куйлаш, сўзнинг рамзий маъноси ўрнига асл маъносини қайтариш шиорлари остида кечди. Айни чоғда, улардаги ҳаётга, моддий дунёга муҳаббат реализмга яқинлашиш деб тушунилмаслиги керак. Аксинча, уларнинг ҳаётни, дунёни поэтиклиши моҳияттан реалликдан, унинг муаммоларидан қочишнинг бир куриниши эди. Чunksи улар, Н.С.Гумилев айтмоқчи, нафақат идроқдан ташқаридаги нарса-фояларни, балки шахс эволюциясини ҳам давр ва макон шарт-шароитлари билан боғлиқ англаб бўлмайди, бу “адабий усул”дан бошқа нарса эмас, деб биладилар. А.нинг адабий оқим сифатидаги фаолияти узоқ давом этмади: 20-йилларнинг ўрталарига келиб тарқалиб кетди, унинг сафларида бўлган ижодкорларнинг кўпчилиги шўро даврида турли тазийкларга дучор қилиндилар. Ижодий фаолиятини А. мавқеида бошлаган С.Городецкий, А.Ахматова, О.Мандельштам каби иқтидорли шоирларнинг ижоди рус поэзиясига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

АКРОСТИХ (юн. acros – чеккаси, stichos – мисра) – қаранг: мувашшаҳ

АКСИЛҶАҲРАМОН (русчадан калька: “антигерой”) – адабий персонажлар (характерлар)ни таснифлашда шартли равища қўлланувчи термин. Терминнинг юзага келиши қаҳрамон соф эсте-

Адабиётшунослик луғати

тик категория бўлмай, маълум даражада этик категория ҳам эканлиги билан боғлиқдир. Одатда, қаҳрамондан ўзининг хатти-ҳаракати, ақл-заковати, характер хусусиятлари билан ўқувчини ҳайратга солиш кутилади (қаҳрамон термини этимологияси “ярим худо”, “илохий одам” маъноларини берувчи юонча *heros* сўзи билан боғлиқ). Анъанага кўра, адабиётда қаҳрамон ҳайрату хурмат обьекти, маълум даражада, ибрат намунаси бўлиб келган. Бироқ адабиёт тараққиётининг кейинги даврларида, XIX асрдан бошлаб шундай асарлар кўпайдики, уларнинг марказидаги қаҳрамон бундай сифатлардан маҳрум, уни қаҳрамон деб аташнинг ўзи ноқулай. Шунга кўра, асарда марказий ўрин тутиб, муаллиф концепциясини ифодалашда муҳим аҳамият касб этган, лекин ўзи қаҳрамонлик сифатларига эга бўлмаган қаҳрамон А. деб атала бошлаган. Термин илк бор рус ёзувчиси Ф.Достоевский томонидан ишлатилган ва бу бежиз эмас: унинг Родион Раскольников, Иван Карамазов каби қаҳрамонлари том маънодаги А.лар эди. XX аср модернистик адабиётида, жумладан, А.Камю, Ф.Кафка асарларида бундай А.лар кенг ўрин тутади.

АЛОГИЗМ (юн. *a* – инкор юкламаси, *logísmos* – ақл, мантиқ) – мантиқан бир-бирига зид тушунчаларни ўзаро боғлиқ ҳолда бериш, мантиқий алоқаларни онгли равишда бузишга асосланган усуулларнинг умумий номи. А бадиий асарнинг турли сатҳларида, сўз биримасидан тортиб сюжет-композицион қурилишигача кузатилиши мумкин. Mac., мазмунан бир-бирига мутлақо зид сўзларнинг синтактик бутунлик ҳосил қилиши (қ. оксиморон); тескари ўхшатишга асосланган кўчимлар (қ. киноя), диалоглардаги конкрет ҳаётий ҳолат моҳиятига зид репликалар (қ. антифразис) А.нинг кўринишлари саналади.

АЛЛЕГОРИЯ (юн. *allos* – ўзгача, *agoreuo* – гапираман) – 1) мавҳум тушунча ёки ҳодисани конкрет нарса орқали ифодалашга асосланган кўчим тури. Бу ҳолда конкрет нарсани ифодаловчи сўз (мас., *тулки*) мавҳум тушунчани (*тулки* – айёрлик) ифодалаш учун кўчма маънода қўлланади. Mac., Ш.Раҳмон шеърларидан бирида лирик қаҳрамоннинг тоғдаги кечинмаларини тасвирлайди: “тоғларнинг мусаффо қорлари одам изларини сақлаб қолган, бу излар уни тобора юқорига олиб боради”:

Адабиётшунослик луғати

*Аммо тоғдан тушганим сари,
сезар эдим бадбүй исларни,
күрар эдим тулки, қашқирлар,
тұнғизлару илон изларин...*

Келтирилған парчадаги “түлки”, “қашқир”, “тұнғиз”, “илон” сүзләри А.лар бўлиб, улар матнда инсонга хос хусусиятлар орқали маълум тоифадаги кишиларни билдиради; 2) образлилик типи. Аллегорик образнинг тасвир плани билан мазмун плани бир-бирига мос келмайди. Яъни аллегорик образда тасвирланыётган нарса ўзини эмас, муаллиф кўзда тутган маънени ифодалайди. Mac.:

*Бойўғли эса
отаси сотган чалдеворлар пулига
хорижда ўқиб келган.
Отаси энди унга
тунни хатлаб берган.
Бойўғли – тунлар султони.
Бироқ тунда ишланмайди. Савод керакмас.
Шунинг учун ҳам
унинг нима билишини тусмоллаб бўлмайди.*

Фахриёрнинг “Қушлар саводхонлиги” шеъридан олинган ушбу парчадаги “бойўғли” – аллегорик образ, у асло асл маъносида тушунилмайди, шундай тушунмаслик лозимлиги матнданоқ аён бўлиб туради. Шеърда анъанавий А.лардан саналувчи “бойўғли”га янгича маъно юклайди, унинг воситасида иқтисодий испоҳотлар жараёнида устомонлик билан ортирилган беҳисоб давлат (отаси сотган чалдеворлар) ҳисобига барча имконлардан фойдаланиб қолган (хорижда ўқиб келган), эндиликда тунги кафеларда айшини сурәётган “бой ўғиллари” тасвирланади. Аллегорик образларнинг бир қисми миллий маданият контекстида кўп тақрорланганидан турғун маънога эга бўлганки, бу жиҳати билан улар эмблемага яқинлашади. Mac., миллий адабий анъаналаримизга кўра, Хотами Тойда – сахийлик, Рустамда – жасурлик, Исо Масихда – жон бағиашлаш, Юсуфда – гўзаллик, Марямда – бокиралик, Намрудда – кибр ва ҳ. маънолар муқимлашган. Аллегорик образларнинг бошқа бир қисми эса кўзда тутилган маънога ишора қилинишини тақозо этади (масаллардаги “қиссадан хисса” каби). Айни шу ишоранинг мавжудлиги А.ни рамз (символ)дан фарқловчи муҳим жиҳатдир. Mac., А.Ориповнинг “Тилла балиқча” шеъри ниҳоясидаги “Менга

Адабиётшунослик луғати

алам қилар типпа балиқча Бир күлмак ҳовуз деб билар дунёни" сатрлари кўзда тутилган маънога очиқ ишора бўлиб, образнинг аллегориклигини белгилайди. Агар шу ишора бўлмай, аввалги сатрлардаги тасвир билан чекланилганда, образнинг тасвир ва ифода планларининг ҳар бири ўз ҳолича мустақил бўлардики, бу ҳолда образ рамзий (символик) саналар эди.

АЛЛИТЕРАЦИЯ (лот. al – ёнида, litera – ҳарф) – шеърий нутқда (насрда нисбатан кам) бир хил ундош товушларнинг такрорланишига асосланган ифодавийликни кучайтирувчи восита, такрорнинг фонетик сатҳдаги хусусий кўриниши. А. шеърнинг алоҳида сатри ёки мисрадаги сўзлар гурухини фоник жиҳатдан ажратади, натижада уларнинг ифодавийлиги ортади, шеърнинг мусиқийлиги, хушоҳанглиги кучаяди. Mac., "Сочилган сочингдек сочилса сиринг... (Чўллон), "Қўмдан қурган қўргоним қани... (Иқбол Мирзо). Узбек адабиётида барча мисралари ёки барча сўзлари бир хил ундош билан бошланган шеърлар ҳам машқ қилинганки, бу ҳам А.нинг бир кўринишиидир (мас., Э.Воҳидов. "Қаро қошинг, қалам қошинг..."). Булардан фарқли ўлароқ, мисрадаги сўзлар таркибида бир хил ундошларни такрорлашга асосланган А. кўзга унчалик яққол ташланмайди, лекин улар яққол "эшитилади": улар шеърнинг мусиқийлигини оширади, хушоҳанглик орқали эстетик таъсирни кучайтиради. Mac., Ш.Раҳмондан олинган қуйидаги парчада:

Корли уваларда қора қўтослар,
темир ҳалқалар бор бурунларида.
Бир жойда айланар буюк чўлларнинг
дарага қамалган қуюнларидаи.
Қамчилар тарсиллар,
ёрилар ҳаво,
қий-чувлар,
хуштаклар
суронлар жўшар, ҳарсиллар,
гулдирапар ўжар қўтослар,
ジョン кириб қутурган тогларга ўхшаб, –

"р" товуши такрорига асосланган А. бўлиб, товуш такрори парчага шиддатли ҳаяжон рухига мос жаранг ва оҳанг баҳш этади. Аслида, энг муҳими, А.ни бадиий восита санаш асоси ҳам шу: товуш такрорининг эмоционалликни, муайян ҳис-туйғулар ифодасини кучайтиришга хизмат қилмоғи шарт қилинади. Мазкур шарт бажарилмаган

Адабиётшунослик луғати

ўринларда товуш такори бадиий восита эмас, балки тилда мавжуд товушларнинг нутқдаги табиий такоридир.

АЛЛЮЗИЯ (лот. *allusio* – ишора, ҳазил) – барчага таниш деб ҳисобланган реал сиёсий, майший, тарихий ёки адабий фактга ишора қилишга асосланган стилистик усул. Моҳиятан шарқ мумтоз шеъриятида кенг кўлланган *талмех* (қ.) санъатига яқин келади. Фарқли жиҳати шуки, *талмехда* кўпроқ машҳур тарихий ва бадиий фактларга ишора қилинса, А.да ижодкор ўз замонасидаги сиёсий, майший ёки бадиий фактларга ишора қилиши ҳам мумкин. Яъни А.да ишора объективининг доираси кенгроқ. Mac., Фахриёр:

Дарвоҷе, орзу.
Орзу милтиқ эмас,
Шеърнинг интиҳосида
Отилмайди, –

деганида, Чеховнинг “Саҳнада милтиқ осиғлиқ бўлса, у албатта отилиши керак” деган машҳур иборасига ишора қиласди.

Ш.Раҳмоннинг “Тұхмат” шеърида эса ишора обьекти ўзгача:

Кеча ўғри бўлди,
буғун ваҳшийдир
энди бутун дунё билар бу ҳақда.
Қандай мўмин эди,
қандай яхшийди
анқайиб жимгина төрганда пахта.

Бу ўринда ишора 80-йиллар ижтимоий-сиёсий фактларига қаратилган: шоирнинг “кеча ўғри бўлди” деганида собиқ Иттифоқ марказий матбуоти сиёсий мақсадлар билан ногора қилиб чалган, янги тарихимизга “узбеклар иши”, “пахта иши” деган номлар билан кирган мудҳиш воқеалар, “буғун ваҳшийдир” деганида эса Ўш, Фарғона воқеаларига ишора бор. Таъкидламоқ жоизки, публицистик рухда ёзилган шеърлардаги А.лар вақт ўтиши билан изоҳга, шарҳга муҳтоҷ бўлиб боради.

АЛЬМАНАХ (ар. **المناخ** – тақдим қилиш) – адабий асарлар тўплами, нодаврий адабий нашр. Одатда А.га тартиб беришда муйайн белгилар (асарлар мавзуси, жанри, муаллифлар ёши, яшаш ҳудуди ва б.) асос қилиб олинади. Mac., 70-йиллар охиридан бошлаб чиқарилган “Ёшлиқ” А.и., шунингдек, қутлуғ тарихий сана муносабати билан (Ғалаба байрами, Мустақиллик байрами) ёки

Адабиётшунослик луғати

муаллифларни умумлаштирган бирор белги (жангчи шоирлар тұплами, ижодкор үқитувчилар тұплами) асосида тартиб берилген А.лар ҳам мавжуд.

АМИҚ (ар. **عَمِيق** – чуқур) – аruz баҳрларидан бири, фоштун (– v –) ва фоштутун (– v – –) аспларининг кетма-кет тақоридан ҳосил бўлади. А. баҳри илк бор Бобурнинг “Мұхтасар” асарида тилга олинган ва унинг араб шеъриятига хос эмаслиги, асосан, форс шеъриятида мавжудлиги таъкидланган. “Мұхтасар”да амиқи мусамманы солим (– v – / – v – – / – v – / – v – –) вазнига:

Кел бери, эй парикум, ҳажрдин ҳастадурман,
Лаълинга ташнадурман, зулфунга бастадурман, –
байти мисол сифатида келтирилган.

АМР ВА НАХИЙ (ар. **أَمْرٌ وَنَهْيٌ** – буюриш ва ман қилиш) – иншо йўлларидан бири, фикрни ифодалаш усули, лирик қаҳрамон кечинмаларининг бирон бир ҳаракатга ундаш ёки, аксинча, ундан қайтариш, ман қилиш тарзида баён этилиши. Ўқувчини яхши ишни қилиш ва ёмон ишдан сакланишга чорлов мазмунидаги байтларда, моҳиятнан, А. ва н. билан *каломи жомиъ* (қ.) санъати қоришиқ кўлланади. А.ва н. ҳам деярли барча шоирлар ижодида учрайди. Mac., Навоийнинг:

Нозанинлар бенаволарға тараҳхум айлангиз,
Лутф агар йўқтур, ғазаб бирла тақаллум айлангиз, –
байтида амр, яъни ундаш бўлса, Ҳазинийнинг:

Ажаб мотамсаро дунё экан поёни йўқ билсам,
Ки сен дунёға мағур үлмагилким, ҳаргиз вафо қилмас, –
байтида нахий, яъни қайтариш мазмуни акс этган.

АНАЛИЗ (юн. *analysis* – қисмларга ажратиш) – қаранг: **бадиий таҳлил**

АНАЛОГИЯ (юн. *analogia* – ўхшашлик, муштараклик) – адабий асардаги образлар, сюжет мотивлари, айрим эпизодлар, характерлар ва ш.к.ларда кузатилувчи муштараклик, ўхшашликлар. А.лар битта асар доирасида ҳам, шу асар билан бошқа (турли давр ёки турли миллий адабиётларга мансуб) асарлар орасида ҳам кузатилиши мумкин. Mac., “Ўтган кунлар” романидаги Отабек ва уста Олим, “Кеча”даги Зеби ва Марям тақдирлари орасидаги А.лар ёзувчига қиёс воситасида муайян фикрларни ифодалаш, муаммо-

Адабиётшунослик луғати

ни англаш ва англатищда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, асарда ёзувчи томонидан онгли равишда ёки бошқа сабаблар билан воқе бўлувчи А.лар ҳам кузатилиши мумкин. Mac., "Ўтган кунлар" билан ҳалқ достонлари сюжет мотивларида А.лар кузатиладики, улар гарб адабиётига хос роман жанрини миллий заминга ўтказилиши, миллий адабий анъаналар таъсири ўлароқ воқе бўлган. Чўлпоннинг "Кечা" романи билан A.Қодирийнинг "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён", Л.Толстойнинг "Тирилиш" ва "Анна Каренина" романлари орасида ҳам қатор А.лар мавжуд бўлиб, бирлари ижодий таъсирланиш, бошқалари ижодий мусобақа истаги натижасида юзага келган.

А.лар муайян миллий адабиёт тарихининг турли босқичлари орасида ҳам, турли миллий адабиётлар орасида ҳам кузатилиши мумкин. Mac., ўзбек жадид адабиёти билан 80-йиллар ўзбек шеърияти орасида қатор ғоявий-тематик ва бадиий-услубий А.лар кузатилади; худди шу ҳол ўзбек жадид адабиёти билан Европа маърифатчилик адабиёти орасида ҳам мавжуд. Бу эса А.ни тарихий-қиёсий адабиётшуносликнинг марказий категорияларидан бирiga айлантиради. Тарихий-қиёсий адабиётшунослик турли давр ёки турли миллий адабиётлардаги А.ларни аниқлаш, уларнинг омилларини ўрганиш асосида кўламли назарий умумлашмалар чиқариш, адабиёт тараққиётининг умумий қонуниятларини аниқлашни мақсад қиласди.

АНАФОРА (юн. anaphora – олдинга, юқорига чиқариш) – сўз ёки сўзлар гурухининг мисра ёки банд бошида такрорланиши, сўз такрорининг хусусий қўриниши. А. маълум фикр, ҳис-туйғу, ҳолат ва ҳ.ни таъкидлаб кўрсатишига хизмат қиласди, табиий равища, шеърнинг хушоҳанглигини ҳам оширади. Mac., У.Ҳамдамдан олинган қўйидаги парчада:

Бир ҳолат...
Ҳолатки, исмимни эслай олмайман,
Ҳолатки, қасдида ҳар нега шайман,
Ҳолатки, кўзимга кўринмас дунё,
Ҳолатки, ҳаётим энг ширин рӯё,—

тавсиф этилаётган ҳолат мазмунан кучайтириб борилади, А. эса таъкидлаш орқали маънони янада кучайтиради. А. энг кўп кўлланувчи стилистик усуллардан бири бўлиб, шеъриятда унинг турли қўринишлари мавжуд. Mac., A.Қутбиддиннинг қатор шеърла-

Адабиётшунослик луғати

рида (“Сенсизман”, “Ака”, “Истардим”) барча бандлар битта сўз билан бошланади. Ёки И.Отамуроднинг “Кун бўйи сукутга чўмди телефон” шеърининг барча тоқ мисралари “кун бўйи” бирикмаси билан, бошқа бир шеърининг барча тоқ мисралари “ичкари”, жуфт мисралари “ташқари” сўзи билан, “Канглум, ким ҳам сенинг ҳаддинг сифдирар” шеърида эса тўртлик бандларнинг биринчи икки мисраси “канглум”, кейинги икки мисраси эса “биргина” сўзи билан бошланган. Мазкур шеърлар А. кўп ҳолларда нафақат стилистик восита, балки шеърнинг композицион асосини белгиловчи усул сифатида ҳам намоён бўлишини кўрсатади. А.нинг композицион-стилистик имконларидан И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дараҳт” достонида, айниқса, самарали фойдаланилган.

АНАХРОНИЗМ (юн. ana – орқага, қарши; chronos – вақт) – ўтмишни бадиий акс эттириш жараёнида йўл қўйилувчи вақт билан боғлиқ ноаниқликлар, хатоларнинг умумий номи. А. тасвирланаётган даврга оид бўлмаган фактлар (воқеалар, шахслар, инонч-эътиқодлар, ғоялар, майший деталлар ва ш.к.), тамом ўзга замонга хос хусусиятларнинг кириб қолиши билан воқе бўлади. А.нинг юзага келиш сабаблари турлича. Фактларни етарли даражада ўрганмаслик ёки эътиборсизлик оқибатида юзага келган А. билан муайян ғоявий-бадиий мақсадни кўзлаб йўл қўйилган А.ни фарқлаш керак. Кейинги ҳолда А. тарихийлик ва замонавийлик муаммоси доирасига кириб кетади. Ўтмиш мавзусидаги асарда замона руҳи, замона хусусиятларининг акс этиши табиий, шундай экан, муайян ғоявий-эстетик мақсад тақозоси билан воқе бўлган А.га бадиий шартлиликнинг бир кўриниши сифатида қараш мумкин.

АННОТАЦИЯ (лот. *annotatio* – изоҳ, шарҳ) – асар мазмунининг қисқача баёни. Ноширлик амалиётида китобларнинг ички муқовасида, илмий мақолаларнинг сарлавҳасидан кейин берилади. Бу хил А.ларни беришнинг тартиби шаклланган. Жумладан, китобларга берилувчи А.ларда муаллиф, китобнинг таркибланиши, мавзуси, аҳамияти ва ш.к.лар ҳақида; илмий мақолаларга ёзилган аннотацияларда эса қўйилган муаммо, уни тадқиқ этиш усуллари, олинган натижалар ва ш.к.лар ҳақида қисқача маълумот берилади. Шунингдек, библиографик кўрсаткичларда ҳам А.лар бериладики, бу уларнинг фойдаланишда қулай бўлишини таъминлаб, амалий аҳамиятини оширади. А. асарнинг ўзига хос “паспорти” бўлиб, у

Адабиётшунослик луғати

билин умумий тарзда таништиради, ўқувчининг информация оқимидан ўзига керакли материални танлашига ёрдам беради.

АНТИГЕРОЙ (юн. *anti* – зидлик маъносини берувчи олдкүшимча, *heros* – илохий одам, яримхудо) – қаранг: аксилқаҳрамон

АНТИТЕЗА (юн. *antithesis* – қаршилантириш) – 1) образ замиридаги нарса, ҳодиса, тушунчаларни кескин қаршилантиришга асосланган стилистик фигура, бу маънода тазодга тұғри келади. А. услубий безак сифатида антик даврлардан бошлаб кенг күлланилади. А.да қаршилантириш, асосан, антоним сўзлар воситасида воқе бўлади, шу сабабли ҳам у доим очиқ кўзга ташланади. А. фикр-туйғуни аник-равшан, таъкидлаб, эмоционал тўйинтириб ифодалашга хизмат қиласи. Мас., Оғаҳийнинг “Эй шоҳ, карамайлар чоги тенг тут ямону яхшини” мисрасида “ямону яхши” А.си “ҳаммани, барчани” маъноларини беради. Лекин уни шу сўзлардан бири билан алмаштириб бўлмайди. Чунки “ямону яхши” А.сида айтилмоқчи бўлган фикр “яхши демай, ёмон демай – ҳаммани” тарзida таъкидланиб, конкретлаштириб ифода этилмоқда; агар “тенг тут ҳаммани” дейилишида эмоционал жиҳатдан нейтраллик бўлса, А.да эътибордан четда қолганлиқдан келган алам-изтироб ҳам акс этади; 2) ҳозирги адабиётшуносликда А. термини стилистик фигурагина эмас, умуман контраст маъносида ҳам ишлатилади. Бу ҳолда А.га бадиий усул деб қаралади ҳамда бадиий асаддаги унсурларининг бир-бирига қарама-қарши қўйилиши назарда тутилади.

АНТИФРАЗИС (юн. *anti* – зидлик қўшимчаси, *phrasis* – гап, жумла) – киноянинг фаол кўлланувчи қўриниши, нутқ жараёнида сўз ёки жумланинг тескари маънода ишлатилиши. А. контекстдан английалиб турган конкрет ҳаётий ҳолатга, соғлом мантиққа ёхуд сўзловчининг мақсадига мувофиқ келмайдиган гап сифатида на-моён бўлади. А. тасвир предметига ёзувчи муносабатини ифодалашда, айниқса, қўл келади. М.М.Дўстнинг “Истеъфо” қиссасида бу усулдан кенг фойдаланилган. Мас., Бинафшахон қизини ҳимоя қилиб: “Қизимиз кимдан кам? Үзи ҳусндор бўлса, дипломи яқин қолди, ақли-одоби жойида. Үзбекча гапиришниям билади...” – дейди. Мантиқан қараганда, “ўз она тилида гаплаша олиш” фазилат эмас, бунинг мақтовга дўнгани персонаж маънавий қиёфасини очиб берувчи муҳим чизигига айланади. Айни чоғда, бу ўринда ки-

Адабиётшүнослик луғати

ноя субъекти Бинафшахон эмас, балки муаллифнинг ўзи. Ёзувчи-нинг қаҳрамонига, у мансуб муҳитта муносабатини ифодалайди. Қиссадаги бошқа бир персонаж эса “ўзимиздаям дўхтир кўп, бариси ота қадрдан, пораям сўрамайди”, – дейдики, бу ўринда персонаж ҳам, муаллиф ҳам бирдек киноя субъектидир. Ҳар қандай киноя сингари А.нинг мазмуни ҳам контекстда реаллашади. Мас., биринчи мисолдаги Бинафшахоннинг гали замирида киноя борлигини англаш учун ўтган асрнинг 70 – 80-йиллари муҳити, жамиятда ўз тили, миллий урф-одатларига беписанд қараб, ўзича “маданийлаш”ган, аслида эса “манқурт”пашган қатлам пайдо бўлгани ҳақида тасаввурга эга бўлиш тақозо этилади.

АНТОЛОГИЯ (юн. *anthologيا* – гулдаста) – бирор миллий адабиёт, давр, адабий йўналиш ва ш.к.ларга мансублиги жиҳатидан танланган ижодкорлар асарларидан намуналарни жамловчи тўплам. А.лар тузиш анъанаси қадимги Юнонистонда бошланган бўлиб, кейинги даврларда унинг турфа кўринишлари пайдо бўлган. Шарқ адабиётидаги тазкиралар ҳам моҳияттан А.га яқин туради. Шунингдек, Фитратнинг “Энг эски турк адабиёти намуналари” (1927) ва “Ўзбек адабиёти намуналари” (1928) номли хрестоматияларига ҳам А. принциплари асосида тартиб берилган. XX аср ўзбек адабиётида бир қатор А.лар тузилган. Жумладан, “Ўзбек ёш шоирлари” (1922), “Ўзбек поэзияси антологияси”(1949), “Антология узбекской поэзии” (1950), “Ўзбек модерн шеърияти”(2005), “XX аср ўзбек шеърияти антологияси”(2007) ва б.

АПЕЛЛЯТИВ ФУНКЦИЯ – нутқ функцияларидан бири, нутқ субъекти томонидан нутқ йўналтирилган шахсга муайян таъсир ўtkазилиши. Нутқ жараёнда тингловчига маълум бир информацияни етказиш (*репрезентатив функция*), етказилаётган информацияга ўз муносабатини ифодалаш (*экспрессив функция*) ва унга муайян таъсир ўtkазиш (*апеллятив функция*) мақсадлари ҳамиша мавжуддир. Улар универсал характерга эга бўлиб, конкрет нутқ моментида улардан бири етакчилик, устуворлик қиласи, айни дамдаги нутқ бўлаги шунга мос (қурилиши, сўз танлаш, интонация ва ш.к.) тарзда шакллантирилади. Бу нутқ ҳодисаси бўлмиш адабий асарга ҳам тўла тааллуқлидир.

Адабиётшунослик луғати

АПОСТРОФА (юн. apostrophe – бир томон оғиш) – нарса ёки ҳодисага худди жонли мавжудотга каби мурожаат этиш асосида юзага келувчи стилистик фигура. Мак.: “Эй, сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт” (А.Навой), “Ёруғ юлдуз, гұзал юлдуз, тез сұзла...” (Чұлпон), “Денгиз, тұлқынларинг урма қирғоққа...” (Ә.Вохидов). Адабиёттімизда бошидан охиригача шу усул асосиға қурилған шеърлар ҳам күплаб учрайди (Ш.Рахмон. “Ғұза”). Шунингдек, шеърий асарларда құзатилувчи айни пайтда үзи бұлмаган одамға гүё шу ерда ҳозирдек, вафот этган кишиға гүё тириқдек мурожаат этиш ҳам А.нинг бир күриниши саналади. Бунга мисол қилиб А.Ориповнинг “Баҳор” шеъридаги “Баҳор кепаётір, баш күттар, қара, О суур қуичиси, донғор замондош” дея F.Ұуломга ёки “Она жон, она жон, кечиргил, ахир, Шодланмасин дедим бирорғамимдан” дея онасига қылған мурожаатини көлтириш мүмкін.

АРГО (фр. argot – бегона, тушунарсиз тил; жаргон) – жамиятдағы ёпік ижтимоий гурухлар (ұғрилар, гадойлар, дайдилар, фохишалар ва ш.к.)га мансуб кишиларға хос нутқ күриниши; баъзан жаргон терминінга синоним тарзіда ҳам ишлатылади. А.ни жаргондан фарқловчы мұхим бир хусусияти бор: құлланиш доирасидан келиб чиқкан ҳолда, А. “махфийлік” хусусиятига эга, яғни у фақат шу доирап кишиларига тушунарлы бўлиб, бевосита уларнинг фаялияти билан boglik ва ўзгалардан сир тутилиши керак бўлған муроқотни амалга ошириш учун хосланғандир. А. миллий тил базасида воқе бўлади, унинг грамматик қоидаларига асосланади. Айни чоғда, у тор доирадаги муроқот учун зарур тушунчаларни англатувчи махсус үнсурларни ҳам ўз ичига олади. Булар миллый тил, шевалар ёки хорижий тиллардан олиб мослаштирилған, шунингдек, сунъий ҳосил қилинған үнсурлардан ташкил топади. А.лар бадий адабиётда мұхит колоритини бериш, нутқий характеристика воситаси сифатида қўлланади.

АРИЗ (ар. عرض – энли, кенг) – аruz баҳрларидан бири. Мағоиілун (V ---) ва фәағлун (V --) аспларининг кетма-кет тақроридан ҳосил бўлади. Бобургача яратилған илми арузга оид асарларда мазкур баҳр тилга олинмаган. “Мұхтасар”да бу баҳрни ажам халқлари яратғанлиги таъқидланған ва унинг түрт вазнига бир байтдан мисол көлтирилған. Хусусан, Бобурнинг:

Адабиётшунослик луғати

*Лабинг маржон, тишинг дур, хатинграйхон, ҳадинг гул,
Сочинг анбар, юзунг хур, менгинг мўлтон, юзунг мул.*
байти аризи мусаммани солим ($V - - - \backslash V - - \backslash V - - - \backslash V - -$) ваз-
нида ёзилган.

АРУЗ (ар. *عروض* – чодирни ушлаб туриш учун ўртага қўйиладиган ёғоч) – 1) қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг муайян тартибда гурухланиб тақоррланишига асосланган метрик шеър тизими. Манбаларда арузга VIII асрда яшаган араб олими Ҳалил ибн Аҳмад томонидан асос солингани, бу атама олим яшаган воий номи билан боғлиқ эканлиги қайд этилади. А. минг йиллар давомида Шарқ адабиётидаги етакчи шеър тизими бўлиб келди, мутасиил бойиш ва ривожланишда бўлди, мукаммал тизимга айланди, унинг қонуниятлари билан шуғулланувчи соҳа – илми аruz (қ.) шаклланди. Дастваб араб адабиётида майдонга келган А. шеър тизими IX асрдаёқ форсий адабиётида ҳам қўлланила бошлаган. Туркий халқлар адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам А. қадимдан қўлланиб келинади, деган фикр мавжуд: "Бизнинг Ўрта Осиё турклари томонидан қачон қабул этилгани аниқ эмас. Бироқ ҳижрий 462 да Қашқарда ёзилган машхур "Қутадғу билиг" китобининг шу аruz вазнида ёзилгани эътибор этилса, жуда эскидан қабул этилгани маълум бўладур" (Фитрат). XI асрдан то XIX аср охири – XX аср бошларига қадар А. ўзбек мумтоз адабиётидаги асосий шеърий тизим бўлиб келди. Албатта, форсий ва туркий адабиётлар А.ни механик тарзда ўзлаштирган эмас, аксинча, у форс ва туркий тил хусусиятларига имкон қадар мослаштирилган. Табиийки, бу ҳол А.ни бойитган, араб А., форс А., туркий А. каби тушунчаларнинг юзага келишига асос бўлган.

Мумтоз арузшунослиқда А.нинг ритмик бирликлари сифатида ҳарф (қ.), жузв (қ.), руқн (қ.) ва баҳр (қ.) кўрсатилиб, бу кўпроқ араб А.ига хосдир. Ўзбек мумтоз адабиётшунослигида, жумладан, Навоийнинг "Мезон ул-авзон", Бобурнинг "Мухтасар" асарларида туркий А. ҳам шу анъана йўлида ўрганилган. XX асрдан, хусусан, Фитратдан бошлаб ўзбек арузшунослигида энг кичик ритмик бўлак сифатида ҳижко (қ.) кўрсатила бошландики, бу А. илмини ўзбек тили табиатига мослаш заруратининг ҳосиласидир. Натижада ўзбек арузшунослигида ҳарф ва жузв атамалари пассивлашди, яъни туркий (ўзбек) А.нинг ритмик бирликлари сифатида ҳижко, руқн ва баҳр эътироф этилди. Мазкур бирликларнинг кичиги каттасини ҳосил

Адабиётшунослик луғати

қилади (ҳарфларнинг маълум тартибда бирикишидан жузв, жузвларнинг маълум тартибда такрорланишидан руқн (асл), рукнларнинг маълум тартибда такрорланишидан эса баҳр), шунингдек, рукнлар сифат ёки миқдор жиҳатидан зиҳоф (қ.)га учрашидан қатор шоҳобчалар пайдо бўлади, бу эса А.нинг ритмик имкониятларини кенгайтиради, унга ритмик-интонацион ранг-баранглик беради. Натижада А. юзлаб вазнларни ўз ичига олган мукаммал тизимга айланадики, у қайсиdir жиҳатлари билан Менделеев жадвалини ёдга солади. Яъни назарий жиҳатдан барча вазнлар тақтөъсини чизиб кўрсатиш, шунга тушадиган шеър ёзиш мумкин; тизим таркибидаги айрим вазнлар фаол бўлса, бошқалари жуда кам кўлланади; айрим вазнлар кўпроқ араб, бошқалари форс, тағин бирлари эса туркӣ шеърията кўлланади ва ҳ.

XX асрнинг 20-йилларига келиб А. шеъриятимиздаги етакчилик мақомини йўқотди, ўз ўрнини тилимиз табиатига мувофиқроқ бўлган бармоқقا бўшатиб берди. Шунга қарамай, XX асрда яшаб ижод этган Ҳамид Олимжон, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Чархий каби, шунингдек, ушбу анъанани муваффақиятли давом эттирган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Ойдин Ҳожиева, Мирзо Кенжабек каби замондош шоирларимиз ижодида ҳам А.да ёзилган шеърлар кўплаб учрайди.

2) қаранг: тақтиъ

АРХАИЗМ (юн. *archaios* – қадимги) – эскирган, истеъмолдан чиққан сўз (ёки грамматик шакллар). А.лардан тарихий мавзудаги асарларда давр колоритини бериш, қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш (замонасига мос ҳолда) каби мақсадларда фойдаланилади. Mac., M.Алининг “Сарбадорлар” романидаги илк жумла: “Ҳижрий 764 йил шаввол ойининг 18-куни ўттиз чоғли туялар карвони Самарқанднинг Кеш дарвозасига етиб келганида, вақт хуфтондан ошган эди”. Дастребаки жумлаёқ ўкувчи диққат-эътиборини ўзга вақтга созлайди, бунга жумлада кўлланган сўзлар асос бўлади. Ўтмиш руҳи юқтирилган ўкувчи романни ўқиш давомида Темур “даставвал ўзига хос лашқар тузишга уринди”, “турли шаҳарларга тингчилар, куловузлар юбора бошлади” тарзидаги жумлалар, “Нақоралар чалинди. Навкарлар кўлига кишан солинган, учовининг бўйинларига битта жела ташланган... дор тагига олиб бордилар” каби лавҳаларда кўлланган тарихий сўз ва шаклларни табиий қабул қилади, айни шу тил унсурлари унда ўтмиш

Адабиётшунослик луғати

рухини тутиб туради. Бундан ташқари, А.лардан баъзан услугба тантанаворлик бериш, баъзан эса дўстона ҳазил ё киноя учун ҳам фойдаланилади. Бунга F.Үуломнинг Чархий, Улфат, С.Абдулла, О.Валихонов каби дўстларига битган мактублари мисол бўла олади. Жумладан, Чархийга ёзилган мактуб:

“Дўсти муҳтарам мавлоно Асқарали Чархий Ҳўқандий.

Асьада каллоҳу фиддорайн.

Мактуби муҳаббат услугблари соати саъдда қўлимизга тегди. Бошимиз авжи фалакдан ҳам ошиб кетди. Шайхи-шуюх, алломаи пири Киромиддин ҳазратларининг дебочаи қаламилари ҳақиндаги хабари суруроварларидан бисёр мамнун бўлдик. Тез фурсатда дастрас бўлмоғи умидидамиз, албатта.

Масалаи дуввумга келганда, фикримча, бу иш ўзим бормасдан, орқаворот – мактуб орқали ҳал бўлмоғи мушкул кўринур. Яқин ўрталарда Фарғона томонларга сафар ихтиёр қилсанмуқун, деган ниятим ҳам йўқ эмас. Балки шу муддатда жанобларининг илтимосларини ҳал қилиш учун арбоби шаҳри Ҳўқанди фирдав-смонандга мурожаат қилурман, иншооллоҳ.

Боки: Ассалому алайкум.

Faafur Fуломи Шошии Қоратоший”.

F.Үулом мактубида А. ва варваризмлар қўллаш орқали эскича услугни тиклаш (стилизация)га интилади: мадраса кўрган зиёлилар услугбига хос жумла қурилиши, арабча-форсча сўзлар, калималар ва синтактик қурилмаларнинг ишлатилгани шуни кўрсатади. Булар эса мактубга тантанавор рух бериш билан бирга, шоирнинг дўстона ҳазил-мутойибага мойиллиги, эскича анъаналарга содик қолган Чархий домлага киноясини ҳам ифодалайди.

АРХЕОГРАФИЯ (юн. archaios – қадимги, grapho – ёзаман) – тарихий фанларнинг қадимги ёзма ёдгорликлар билан шуғулланувчи ёрдамчи соҳаси. А. кўхна қўлёзмаларни чоп этишга тайёрлашнинг назарий асосларини, амалий тартиб-қоидалари ва методикасини ишлаб чиқади. А.нинг вазифалар доирасига қадимги битикларни ўқиш, ёши, муаллифи, ёзилган жойи ва вақтини аниqlаш каби вазифалар ҳам киради.

АРХИВШУНОСЛИК, адабий архившунослик (лот. archivum – ҳужжат сақлаш жойи, форс. شناسی – ўрганиш) – адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳаларидан бири, аксарият ҳолларда, манбашунос-

Адабиётшунослик луғати

ликнинг таркибий қисми сифатида ҳам қаралади. А. адабиёт тарихига оид манбаларни сақлаш, тартибга солиш, тавсифлаш каби вазифаларни бажаради. Адабиёт тарихига оид манбалар сақланадиган муассасалар (давлат архивларидағи турли ижодий үшүмба, адабий нашрлар фондлари; адабиёт музейлари, адибларнинг уй-музейлари) күпайиши билан адабиётшуносликда А.нинг роли ва аҳамияти ҳам ортиб борди, шу боис ҳозирда унга адабиётшунослик илмининг алоҳида бир ёрдамчи соҳаси сифатида қараш оммалашмоқда.

АРХИТЕКТОНИКА (юн. architektonike – қурилиш санъати, меъморлик) – адабиётшуносликда адабий асарнинг ташқи қурилиши, унинг асосий қисмлари (боблар, фасллар; парда, кўриниш)-ни бир бутунга бирлаштириш маъносида қўлланади; баъзан композиция терминига синоним тарзида ҳам ишлатилади, лекин бу маъносида термин оммалашган эмас. Чунки ҳозирда адабий асар турли сатҳлардан ташкил топишидан келиб чиқиб, композициянинг турли аспектлари (матн композицияси, сюжет композицияси ва ш.к.) ҳақида гапирилади, шунга кўра А.га шу аспектлардан бири сифатида қаралади. Яъни композиция термини А. тушунчасини ҳам қамраб олади.

АРХЕТИП (юн. archetypon – образнинг илк асоси, модель) – инсон тафаккури, ижодий тасаввуринг хос бўлган турғун “схема”, фикрий конструкция ва қолиплар, мотивлар ва уларнинг турли комбинациялари. А. тушунчаси швейцариялик руҳшунос К.Юнг таълимоти билан боғлиқ ҳолда оммалашди. Унга кўра, А.лар кишилик жамиятининг энг қадимги даврларидан бошлаб инсоният хотирасида “коллектив онгиззлик” сифатида яшайди ва ижод жараёнида турли шаклларда ўзини намоён этаверади. Яъни А.лар универсал характерга эга бўлиб, уларнинг изларини энг қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги адабиётгача кўриш мумкин. А. конструкция ва схемалардан ўзига хос “сюжет ва сюжет ҳолатлари” жамғармаси ҳосил бўладики, улар асадардан асарга, даврдан даврга кўчиб юради. К.Юнгга кўра, А. аввало шакл ҳодисаси бўлиб, муайян даврда яшаётган ижодкор онгида уйғонганидагина унинг ҳаётий тажрибаси билан бойитилади ва конкрет мазмун касб этади. Мас., ер юзидағи биринчи қотилликдан нақл құлувчи “Қобил ва Ҳобил” қисссасида ҳасад, кўролмаслик қотилликни келтириб чиқарған

Адабиётшунослик луғати

бўлса, худди шу мотив турли комбинациялар кўринишида жаҳон адабиётида қайта-қайта жонланаверади (Шекспир. “Отелло”; А.Пушкин. “Моцарт ва Сольери”). Шунга ўхшаш, хўжайн хотининг хизматкорни яқинликка ундаши мотиви (“Эзоп ҳаёти”, “Юсуф қиссаси” ва б.) қадимги даврлардаёқ кенг оммалашган бўлиб, у кейинги даврлар адабиётида, хусусан, ўзбек адабиётида ҳам турли комбинацияларда намоён бўлади (Чўлпон. “Кеча”; У.Ҳамдам. “Мувозанат”). Ёки “Шоҳ Эдип”даги инcest мотиви Ги де Мопассанинг “Портда” ҳикояси, Т.Қайиپбергановнинг “Қорақалпоқ қиссаси”, Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, М.Алининг “Сарбадорлар” романларида ўзгачароқ кўринишларда аксланади. Мисолга олинган ҳолларнинг барисидан мавжуд бўлган илк асосга – А.ига эта бўлиб, бу илк асос конкрет давр хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда турлича кўринишлар олади.

АССОНАНС (лот. assonare – уйғун жаранглаш; фр. assonance – оҳанѓдошлиқ) – 1) шеърий нутқда (насрда нисбатан кам) бир хил унлилар такрорига асосланган ифодавийликни кучайтирувчи восита, такрорнинг фонетик сатҳдаги хусусий кўриниши; шеърга хушо-ҳанглик бахш этади, мусиқийликни кучайтиради. Mac., Э.Шукурдан олинган қуидаги парчада “О” товушининг такрори А.ни юзага келтиради:

Олтин ойга олма отар Ойбодом,
Ойботарда йиғлаб ётар Ойбодом.
Ойқизларнинг ойпариси Ойбодом,
Кунботардан куйиб ўтар Ойбодом.
Олма юзли, бодомқовоқ Ойбодом,
Ёниқ сочи ёнар байроқ Ойбодом.
Йил ботарда чўкар қора сувларга,
Бу дунёда ой каби тоқ Ойбодом;

2) рус адабиётшунослигига, хусусан, шеършунослигига фақат ургули унлиларигина ўзаро мос келувчи оч қофия, баъзан эса умуман оч қофия маъносида ҳам қўлланади.

АССОЦИАТИВ ОБРАЗ (лот. associatio – бирлаштироқ, кўшмоқ) – нарса-ҳодиса ва тушунчалар орасидаги илғаб олиниши қийин бўлган алоқаларга асосланган, уларни кутилмаган тарзда бириткириш (қиёслаш, чогиштириш, қаршилантириш) орқали воқе бўлувчи ва шу туфайли юксак даражадаги метафориклик, субъек-

Адабиётшунослик луғати

тивлик касб этувчи образ. Аслида, ассоциативлик ҳар қандай образ табиатига хос хусусиятдир. Яъни А.о. бадиий образнинг алоҳида бир тури эмас, бу термин остида умуман бадиий образга хос ассоциативликин кучли намоён этувчи образ тушунилади. Демак, терминнинг кўлланишида муайян шартлилик мавжуд. А.о. ўқувчидан ижодий фаолликни, нарса-ҳодисалар орасидаги муаллиф таянган алоқаларни, алоқалар занжирини илғай олишни тақозо этади. Mac., З.Рўзиеванинг қуидаги мисраларини олайлик:

*Сезармисиз, мен бир гул, майса,
Шабнамимда кулган қуёш бор...*

Маълумки, шеър ичидаги сўз, бир томондан, бошқа сўзлар билан мустаҳкам алоқада – у бошқа сўзга ё тенгланади, ё зидланади, ё тобеланади; иккинчи томондан, сўз ортида олам, у англатаётган нарса-ҳодиса ва тушунчалар ҳам борки, улар ҳам бир-бири билан алоқадор. Яъни маъно сўз сўзга уриштирилганда воқе бўлади. Зеро, сўзнинг сўзга урилиши – бамисоли бонг, унинг жарангни тасаввуримизда қандайдир тушунчалар, нарсалар, манзаалар, қиёсларни – бир сўз билан айтганда, ассоциацияларни, ассоциациялар занжирини уйғотади. Шоира “мен бир гул” дейди-да, ортиданоқ шошиб буни инкор қиласи – ўзини майсага қиёслайди. Яъни қулоқларимиз ўрганиб кетган “аёл – гул” қиёси “аёл – майса” қиёси учун кўпприк мисоли. Майса эса тасаввурда майнинлик, беозорлик, заифлик, синиклик сингари аёлга хос тушунчаларни уйғотади. Шу тушунчалар билан боғлиқ ҳолда “шабнам” аёл қалбини – ҳар не гарду губордан фориғ, ўзига олам ташвишини сиғдира олган миттиулкан маконни суратлантиради. Софлик эталони булмиш қатрада эса “кулган қуёш” бор. Аждодларимиз қуёшни “мехр” деб атаганлари ёдга олинса, аён бўладики, бу чизги билан аёл қалби таърифи бўртиб кўзга ташланади. Шу нуқтада муаллифнинг оригинал қарашини, бадиий фалсафасини англаш мумкин бўлади. Аёлни гулга менгзаш асоси – гўзаллик, гўзаллик эса ўткинчи. Шоира топган қиёс эса “гул”дан кўра сифимлироқ, зеро, у аёл зоти учун умумийроқ ва бокийроқ хусусиятни мужассам этмоқда. Парчада аёл қалби ҳақида умуман гап йўқ, лекин ассоциатив алоқалар туфайли у илғаб олинади. Дунёни метафорик идрок этишга интилаётган замонавий шеъриятда А.о.лар тобора кенг ўрин олиб бормоқдаки, бу каби мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Адабиётшунослик луғати

АТРИБУЦИЯ (лот. attribution – нисбат бермоқ) – матншунослик соҳаси олдида турувчи асосий илмий муаммо (вазифа)лардан бири, адабий асарнинг муаллифи, ёзилган вақти ёки жойини аниқлаш, эвристика. Бу муаммо турли манбалардан (мас., тазкиралар, тарихий асарлар, архив материаллари, хотиралар ва б.) хужжатли далиллар топиш; муаллифи номаълум асарнинг ғоявийбадиий, тил ва услугуб хусусиятларини шак-шубҳасиз нисбат бериләётган ижодкор қаламига мансуб асар билан қиёсий ўрганиш; асарнинг ёзуви (котиби, хаттотлик мактаби, хат ва унинг оммалашган даври), китобат қилиниш хусусиятлари (қоғоз, сиёҳ, муқова, безаклар ва б.)ни тадқик этиш каби йўллар билан ҳал қилинади. Шуларнинг барини эътиборда тутган ҳолда комплекс ёндашув асосида амалга оширилган А.гина илмий саналади.

АФОРИЗМ (юн. aphorísmos – таъриф, ихчам ифода) – муаллифи маълум бўлган, ихчам шаклда ва таъсирли ифода этилган умумлашма фикр. А.га берилган таърифларда турличалик мавжуд: айрим манбаларда А. аниқ муаллифга эга бўлиши шарт ва шу нарса уни мақоллардан фарқловчи асосий жиҳат дейилса, бошқаларида бу шарт қўйилмайди (қ. афористика). А.лар пайдо бўлиши жиҳатидан турлича. Айрим ҳолларда А. маҳсус яратилади, бу ҳолда уни том маънода жанр деб ҳисоблаш мумкин (мас., А.Қаҳҳорнинг машҳур “Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас”, деган гали). Зоро, бу ҳолда ижодкорнинг ҳаётин тажрибасига таянган ҳолда бирон-бир масала юзасидан умумлашма фикрини ифодалашга имкон берувчи шакл ҳодисаси ҳақида гап боради. Мас., А.Мухторнинг “Тундаликлар”, Ў.Хошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”идан шу жанрнинг кўпгина яхши намуналари жой олган. Бироқ кўп ҳолларда у ёки бу асардан олинган ихчам ибратли фикр ҳам А. сифатида оммалашади (мас., “Синчалак”дан: “Тўкилгандан томчилаган ёмон...” ёки “Чаласавод киши ўзидан паст, нима деса “ҳикмат” деб турадиган одамлар билан улфатчилик қилишга мойилроқ бўлади”).

АФОРИСТИКА – адабий ижоднинг бир тури, муайян ҳаётий тажрибага асосланган ибратга молик умумлашма фикрни ихчам бадиий шаклда (антитета, параллелизм, қиёс, парадокс ва ш.к. услубий воситалар ёрдамида) ифодалаш. А. воқеликнинг индивидуал-хусусий томонларига кўз юмган ҳолда умумий, типик томонлар-

Адабиётшунослик луғати

га эътибор қаратади: унинг асосида тасвирлаш ёки ҳис-туйғуларни ифодалаш мақсади эмас, муайян ҳукм-хулосани баён қилиш мақсади ётади. Яъни А. образ билан эмас, фикр билан иш кўради. Айни чоғда, у илм эмас, А.даги фикр илмий тафаккурдан фарқ қиласди: илмий фикр муайян объектилнинг атрофлича таҳлили асосида олинса, афористик фикр муаллифнинг шахсий (маънавий, руҳий, сиёсий, майший ва ҳ.) тажрибасига таянади; илмий фикрнинг тўғрилиги далиллар силсиласи билан исботланса, афористик фикр объектив ҳақиқатлик даъвосини қилолмайди, чунки унинг тўғрилиги исбот қилинмайди, ҳис этилади. Агар А.ни адабий ижод тури сифатида тушунилса, унинг жанр кўринишлари деб халқ оғзаки ижодидаги мақол, ёзма адабиётдаги гнома, хрия, сентенция, апофтеғма, максима кабиларни кўрсатиш мумкин.

АХЛОҚИЙ-ТАЪЛИМИЙ АДАБИЁТ – қаранг: дидактик адабиёт

БАДИЙ АСАР – адабиёт ва санъатнинг воқе бўлиш ва яшаш шакли, яхлитлик касб этган образлар тизими, бадиий муроқот воситаси. Кенг маънода Б.а. санъатнинг у ёки бу тури (музиқа, раскомлик, ҳайкалтарошлиқ, кино, театр ва ҳ.)га мансуб бўлган, инсоннинг гўзаллик қонуниятлари асосидаги ижодий-руҳий фаолияти маҳсули сифатида яралган янги мавжудликни англатади, яъни бу маънода алоҳида олинган мусиқа асари ҳам, ҳайкал ёки рангтасвир ҳам, фильм ёки спектакль ҳам – бари Б.а. саналади. Термин фаол қўлланувчи тор маъносида бадиий адабиётга мансуб бўлган “адабий бадиий асар”ни билдиради. Шу ўринда адабиётга мансуб этилувчи асарларнинг ҳаммаси ҳам Б.а. бўлавермаслигини, “адабий асар” билан “адабий бадиий асар” тушунчалари фарқланишини таъкидлаш лозим (қ. адабиёт, беллелтистикা). Яъни “адабий асар” тушунчасининг қамров доираси кенг бўлиб, “адабий бадиий асар” унинг таркибига киради. Мас., ҳикоя, қисса, роман, ме муар, саёҳатнома, эссе жанрларида битилган асарларнинг ҳаммаси – “адабий асар”, бироқ саналганлар ичida ҳикоя, қисса ва романга нисбатангина “бадиий асар” дейиш мумкин (қ. поэзия). Адабиётта мансуб Б.а. тил воситаларидан таркиб топувчи матн, у ҳам моҳият эътибори билан нутқ ҳодисасидир. Нутқ эса, маълумки, жараён бўлиб, бу жараённинг амалга ошиши учун адресант ва адресатнинг бўлиши талаб этилади. Яъни Б.а. муроқот асосида дунёга келади: ёзувчи ижод онларида тасаввуридаги ўқувчи билан

Адабиётшунослик луғати

мулоқотда бўлади – унга муайян бадий информациини етказади, ўзининг ўй-хислари билан ўртоқлашади, у билан баҳслашади, уни нималаргadir ишонтиришга интилади ва ҳ. Айни шу мулоқот – ижод жараёни асар матнida мухланади. Асарни ўқиш жараёнида мулоқот қайтадан жонланади: энди ёзувчи “тасаввурдаги сұхбатдош” мавқеига ўтса, ўқувчи реал сұхбатдошга айланади. Бадиият ҳодисаси фақат икки онг туташган нұқтада (М.Бахтин)гина, яъни ижод (ёзувчи ва тасаввурдаги ўқувчи) ва ўқиш (ўқувчи ва тасаввурдаги ёзувчи) жараёнларидагина мавжуд. Бошқача айтсак, матн ўқиш (ҳамда ижод) жараёнидагина Б.а.га, бадиият ҳодисасига айланади, ўқилмаган пайтда эса у бир жисм – қофоз, муқова, рангдан иборат нарса, холос. Шунга кўра, Б.а. сўз санъатининг воқе бўлиш (моддийлашиш) шаклидир. Иккинчи томондан, ўзида мулоқот жараёнини акс эттирган бадий матнда кейинги мулоқотлар потенциал ҳолда мавжуд: у ҳар гал ўқилгандা, мулоқот (бадиият ҳодисаси) жонланаверади, шунга кўра, Б.а. сўз санъатининг яшаш шаклидир. Ижодкор ва ўқувчи орасидаги бадий мулоқотни амалга оширишга хизмат қилгани учун ҳам Б.а. бадий мулоқот воситаси деб тушунилади. Б.а.да ижод жараёни, санъаткор онгига кечган ижодий-руҳий жараён аксланади. Санъаткорнинг ижод онларидаги ижодий-руҳий ҳолати бетакрор бўлиб, битта дарёга икки бора шўнгib бўлмаганидек, унинг худди шу ижодий-руҳий ҳолатга қайта тушиши мумкин эмас. Демак, ўзида муайян ижодий-руҳий ҳолатни акс эттирган бадий асар ҳам бетакрор (феноменал) ҳодисадир. Иккинчи томондан, ўша ижодий-руҳий ҳолатнинг ўзи том маънодаги бутунлик, ижод онларида реалликдан узилиб, Идеал ўлчовига ўтган санъаткорнинг маънавий-руҳий бутунлиги. Б.а.даги ҳар бир унсур эса ўша бетакрор ва бутун ижодий-руҳий ҳолат маҳсули, унда биронта ҳам ортиқча унсур мавжуд эмас. Зоро, асардаги барча унсурлар, ҳатто бизга ортиқчадек туюлганлари ҳам муаллифнинг ижод онларидаги руҳий ҳолатини, демакки, асарнинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттиради. Англашиладики, бадий асар – бутунлик, бу бутунликдаги бирор-бир унсурни асар мазмун-моҳиятига Путур етказмаган ҳолда олиб ташлаш мумкин эмас. Сабаби, бадий асарни ташкил қилаётган унсурларнинг бари бир-бири билан мустаҳкам алоқада, айни шу алоқалар асосида бутунлик юзага келади, яъни бадий асар – қисмлардан ташкил топаётган бутунлик, систем бутунликдир. Унинг қисмлари орасидаги алоқа шу қадар

Адабиётшунослик луғати

муҳимки, уларнинг етарлича англанмаслиги асарни чала, ўз моҳиятидан ўзгача тушунишга олиб келиши мумкин. Зеро, ҳар бир қисм бутун талабига мос киритилган, демак, қисмлар орқали бутун тушунилади, қисмнинг моҳияти бутун таркибидагина намоён бўлади. Демак, Б.ни ўқиётган одамдан унинг систем бутунлик эканини ҳамиша ёдда тутиш, ҳар бир қисмни алоҳида ва бошқа қисмлар билан алоқадорликда, шунингдек, уни бир бутун ҳолича ҳам тасаввур эта билиш талаб қилинади.

БАДИЙ ОБРАЗ – адабиёт ва санъатнинг фикрлаш шакли, олам ва одамни бадиий идрок этиш воситаси, бадииятнинг умумий категорияси. Луғавий маъносида ҳар қандай аксни билдиручи “образ” сўзи турли фан соҳаларида (фалсафа, психология) муайян терминологик маънода қўлланади. Жумладан, эстетика ва адабиётшунослика у “бадиий образ” маъносида тушунилади. Б.о. деганда, борлиқ (ундаги инсон, нарса, ҳодиса ва х.)нинг санъаткор қўзи билан қўрилган ва идеал асосида ижодий қайта ишланган акси тушунилади. Албатта, бу аксада борлиқнинг кўплаб таниш излари бор, бироқ энди у биз билган борлиқнинг айни ўзи эмас, балки ундан шартлилик асосида ажралган янги мавжудлик – бадиий борлиқдир. Худди шу ҳол Б.о.ни объектив ва субъектив ибтидолар бирлигига айлантиради. Яъни, бир томондан, борлиқнинг акси сифатида Б.о. макон ва замонда мавжуд бўлган конкрет нарсадек ҳис этилади. Иккинчи томондан, у тушунча, тасаввур, фараз ва ш.к. тафаккур унсурларига хос хусусиятларга эга: ижодкор Б.о. воситасида фикрлайди, борлиқни оддийгина акс эттирасдан, уни ижодий қайта яратади. Шунга кўра, Б.о.нинг вужудга келишини қуидагича схемада кўрсатиш мумкин: борлиқнинг ҳислар орқали онга аксланиши – тафаккур кучи билан ўз маънавий-руҳий эҳтиёжларига мос ижодий қайта ишлаш ва умумлаштириш – конкрет ҳис этиладиган тарзда (Б.о. шаклида) ифодалаш. Конкрет ҳис этиладиган тарзда ифодаланган Б.о. қатор специфик хусусиятларга эга. Аввало, Б.о. индивидуаллаштирилган умумлашма сифатида намоён бўлади. Воқеликдаги ҳар бир нарса-ҳодисада турга хос умумий хусусиятлар билан унинг ўзигагина хос хусусиятлар мужассамdir. Нарса-ҳодисанинг умумий хусусиятларига таянувчи абстракт тафаккурдан фарқли ўлароқ, образли тафаккур унинг индивидуал хусусиятларига таянган ҳолда фикрлайди. Дейлик, фан умуман одам ҳақида (мас., биолог умуман одамнинг физиологик хусусиятлари ҳақида)

Адабиётшунослик луғати

сүз юритиши мумкин, бироқ саңыат ҳеч вақт умуман одам образини ярата олмайды. Шу маңнода конкретлилік – Б.о.нинг муҳим специфик хусусиятидир. Мисол учун, А.Ориповнинг “Аёл” шеъридаги аёл образы үзіда катта бадий умумлашмани ташийди ва шу билан бирга у үкүвчи тасаввурда конкрет бир инсон сифатида гавдаланади. Саньат конкрет нарса-ходисанинг индивидуал хусусиятларини бұрттириш орқали умумлаштиришга эришади. Мас., А.Қаххор “Үгри” хикоясида амин ҳақида: “оғзини очмасдан қаттың кекирди, кейин бақбақасини осилтириб кулди”, “чинчалогини иккінчи бүғинигача бурнига тиқиб кулди” қабилидаги индивидуал белгиларни бұрттиради. Шу индивидуал белгиларни бұрттириш билан адіб замона амалдорларига хос умумий хусусиятни – құл остидаги фуқаро тақдирiga бефарқлиken күрсатади. Яъни индивидуаллаشتывши ҳисобига, бир томондан, амин образы күз олдымизда конкрет инсон сифатида гавдаланади, иккінчи томондан, образ бадий умумлашмалилік касб этади. Шу тариқа Б.о.да бир-бирига зид иккі жиҳат (индивидуаллык ва умумийлик) уйғун бирикади. Шунга үшаш, Б.о. үзіда ақп билан ҳисни ҳам бирлаштиради, шу боис уни рационал ва эмоционал бирлік сифатида тушунилади. Б.о.даги рационал жиҳат шуки, унинг ёрдамида ижодкор үзини қынаган муаммоларни бадий идрок этади. Мас., “Кеча” романнаның қатор об разлар ёрдамида Чүлпон Туркистаннинг тарихий тараққиеті масалалари, юртнинг әртаси билан боғлиқ муаммоларни бадий тадқиқ этади, образлар тизими воситасида бу борадаги фикр-қарашларини шакллантиради ва үзи англаган ҳақиқатни бадий концепция (туғал бир қараш, тизим ҳолидаги бадий хулоса) тарзіда ифода этади. Айни пайтда, асардаги образларда адібнинг ҳиссий мұносабати ҳам үз аксина топған. Ҳиссий мұносабат бадий концепцияны шакллантиришда, асар мазмунининг үкүвчига етказилишида муҳим ақамият касб этади. Ҳар бир конкрет образнинг ҳиссий тоналлігі турлича бўлиб, бу, биринчи галда, ижодий ният билан боғлиқдир. “Кеча”нинг бошланишидаётқ Чүлпон Зебига бир турли, Раззоқ сўғига яна бир турли, Акбаралига эса бошқа бир турли мұносабатда бўлади. Воқеалар ривожи давомида ҳиссий мұносабатда ҳам маълум үзгаришлар кузатилади. Жумладан, асар бошланишидаги Зебига шайдолик тұла меҳр сусайиб (адіб характер моҳиятини холис идрок этади), Раззоқ сўғи ёки Акбаралига нисбатан мазахли нафрат қысман ачинишга (адіб уларнинг

Адабиётшунослик луғати

тақдиридаги фожеликни кашф этади) айланиб боради. Яъни характер моҳиятига кирилгани сари ҳиссий муносабатда ўзгариш юзага келади. Ҳиссий муносабатдаги ўзгариш ўқиш жараёнинда китобхонга ҳам ўтади ва айни шу нарса уни асар мазмунини адид истагандек тушунишига йўналтиради. Демак, Б.о.даги рационал ва эмоционал жиҳатлар уйғунлиги бадиий концепциянинг шакллантирилишида ҳам, ифодаланишида ҳам бирдек муҳим экан.

Б.о.нинг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг кўп маънолилиги бўлиб, бу унинг метафориклиги ва ассоциативлиги билан белгиланади. Б.о.га хос “метафориклик”ни “ўхшашлик” билангина боғлаб қўймаслик лозим. Яъни “метафориклик” деганда, Б.о.нинг бир нарса моҳиятини бошқа бир нарса орқали очишига интилиши, санъатга хос фикрлаш йўсими тушунилади. Чинакам санъаткор нигоҳи моҳиятга қаратиласди, у нарса-ҳодисалар орасидаги ташки ўхшашликка эмас, нигоҳимиздан яширин ички ўхшашлигига таяниб фикрлайди. У биз кутмаган ички ўхшашликни кашф этади, натижада ўша биз билган нарса-ҳодиса кўз олдимизда буткул янгича бир тарзда гавдаланади, ўзининг бизга ноаён қирраларини намоён қиласди. Mac., шоир (Х.Даврон) рангтасвир санъати ҳақида ёзади: “Мусаввир бўлмоқ эрсанг, Тилингни суғуриб ол Ва ярадан түкилган қон рангига қулоқ сол”. Албатта, рангтасвирда ранглар “гапириши” ҳаммага маълум, бироқ айни шу фикрни “гапираётган қон ранги” образи орқали берилгани – кашфиёт, метафорик фикрлаш натижаси ва худди шу нарса бизни ҳайратга солади, шууримизда муқим ўрнашади. Моҳиятга қараган санъаткор қобиғига ўралиб яшаётган одам билан сассиқ кўлмақдаги тилла балиқча ёхуд ўзида чексиз куч-кудрат сезгани ҳолда мақсадсиз яшаётган одам билан бемақсад учиб юрган бургут орасида (А.Орипов), турғунликнинг бикиқ мұхитида яшаётган зиёли билан бир издан бетўхтов юраётган трамвай (А.Аъзам) ёки қатағон шароитида ижод қилаётган шоир билан ваҳший қоялар орасида қўёшга оппоқ гул узатганчча нафис чайқалаётган наъматак (Ойбек) орасида ўхшашликлар топади, бирининг моҳиятини иккинчиси орқали очиб беради. Келтирилган мисоллар образли тафаккурда юксак даражадаги ассоциативлик бўлишини кўрсатади. Мъълумки, ассоциативлик умуман инсон тафаккурига хос, ташки олам таъсирида онгимизда бирор нарсанинг акси пайдо бўлиши ҳамоно у билан боғлиқ ассоциациялар ҳам уйғонади. Mac., “қиши” дейилиши билан хаёлимизда ассоциатив

Адабиётшунослик луғати

тарзда “кор”, “совук”, “пүстин”, “чана” каби у билан боғлиқ тушунчалар ҳам уйғонади. Образли тафаккур юксак даражада ассоциатив саналишига сабаб шуки, реаллиқда күрилган бир нарса санъаткор хаёлида бутунлай бошқа бир нарсаны, у билан мутлақо алоқаси бўлмаган нарсаны уйғотиши мумкин. Шу боис ҳам санъаткор юқоридагича ўхшашликларни топади ва Б.о.да акс этирадики, на-тижада образ юксак даражадаги ассоциативлик касб этади, шу асосда у кўп маънолилик хусусиятига эга бўлади. Буни, айниқса, ассоциативлик даражаси юқори бўлган рамзий образлар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Mac., Ойбекнинг “Наъматак” шеъридаги табиат манзарасини Б.о. деб олсак, табиийки, унинг биринчи маъноси табиат манзарасининг ўзи. Ҳолбуки, ўз вақтида шоир ассоциатив равишда шу манзарада истибдод тузуми шароитидаги ижодкор тақдирини кўрган ва шу маънони ифодалаган. Шу билан бирга, образнинг маъно кўлами шулар билангина чекланмайди: ўқувчи ўз ҳаётий тажрибаси, шеърни ўқиш пайтидаги руҳий ҳолати билан боғлиқ равишда унда тамом бошқа мазмунни, ўз мазмунини ҳам топиши мумкин. Кўп маънолилик нафақат рамзий, балки том маънодаги реалистик образларга ҳам хос, фақат бунда кўп маънолиликнинг юзага келиш механизми ўзгача, у Б.о.нинг яхши маънодаги нотугаллиги билан боғлиқдир. Санъаткор ифодаламоқчи бўлган фикр Б.о.да тугал айтилмайди (яъни китобхон оғзига чайнаб солиб қўйилмайди), Б.о.нинг айрим чизгилари пункттир (узук-узук чизиклар) билан тортилади. Яъни санъаткор Б.о.да маълум имкониятлар яратади-да, уларни рӯёбга чиқаришни ўқувчига қолдиради. Бу хил имкониятлар, айниқса, “объектив тасвир” йўсинидан борилган, ёзувчи холис кузатувчи мавқеида турган асарларда кучли намоён бўлади. Гарчи асарда тасвирланган нарса битта бўлсада, ўқувчилар (ижодий тасаввур имконияти, характеристи, дунёқарашиба ва б.га кўра) турлича бўлгани учун конкрет Б.о. уларнинг онгига турлича аксланади, турли хulosаларга олиб келади. Шу боис ҳам ўқувчилар тасаввурнида минглаб Отабегу Кумушлар, Қобил бобою Саидалар, Зебию Мирёқублар яшайди. Б.о.га хос шу хусусият туфайли ҳам асарни турли даврларда турлича тушуниш, унинг замидан янги-янги маъноларни очиш имкони яратиладики, айни шу нарса чинакам санъат асарини боқийликка дахлдор этади.

Адабиётшунослик луғати

БАДИЙ ОБРАЗ ТУРЛАРИ – адабиётшунослиқда бадиий образлар турлича тасниф этилади, бу турличалик тасниф учун қайси жиҳат ассоң қилиб олингани билан боғлиқдир. Жумладан, ижодкор эстетик идеали билан муносабатига күра *ижобий* ва *салбий* образлар, ижодий методга күра *реалистик*, *романтик* ва б., яратилиш усулига күра *фантастик*, *гротеск* ва б., характер хусусияти ва эстетик белгисига күра *трагик*, *сатирик*, *юмористик* образлар фарқланаверади. Шунингдек, баъзан бадиий образнинг тасвир планидан келиб чиқиб, *инсон образи*, *жоноворлар образи*, *нарсабуюмлар образи* тарзидаги атамалар ҳам қўлланади. Албатта, илмий муомалада бу каби таснифлар, атамалар ҳам ўрни билан керак. Бироқ мавжуд таснифларнинг ҳеч бири бадиий образларни тўла қамраб ололмайди. Қамров қўлами кенгроқ таснифлардан бири бадиий образларни 1) предметлилек даражаси; 2) умумлаштириш даражаси; 3) тасвир ва ифода қатламлари муносабати (структураси)га кўра гурухлашни (М.Эпштейн) кўзда тутади.

Предметлилек даражаси дейилгандан, бадиий образ тасвирилаётган нарсанинг қўлами назарда тутилиб, бу жиҳатдан бадиий реаллик тўртта сатҳдан таркиб топади: 1) деталь образлар; 2) воқеа-ҳодисалар образи; 3) характер ва шароит; 4) дунё ва тақдир образи (бадиий реаллик). Деталь образлар (тафсилотлар, нарсабуюмлар, портрет, пейзаж)дан бадиий реалликнинг иккинчи қатлами – ички ёки ташки ҳаракатдан таркиб топувчи воқеа-ҳодисалар образи ўсиб чиқади. Шу ҳаракат ортида туриб уни юргизаётган “характер ва шароит” учинчى қатламни ташкил қиласди ва олдингиларини бирлаштирган ҳолда “дунё ва тақдир” образини юзага келтиради. Яъни бадиий реаллик ғиштчалардан – бутунни ташкил қилувчи унсурлардан ташкил топади, бу унсурлар ўзаро предметлилек даражаси, тасвир қўлами жиҳатидан фарқланади.

Умумлаштириш даражасига кўра бадиий образнинг қатор кўринишлари фарқланади. Жумладан, инсон образига татбиқан *индивидуал образ*, *характер* ва *тип* ажратилади. Бироқ буларнинг орасидаги фарқ доим ҳам яққол эмас, бу хил таснифда муайян шартлилек сақланиб қолади. Индивидуал образ деб ўзига хос феъл-автори, гап-сўзлари, бетакрор характер хусусиятлари билан намоён бўлувчи образ тушуниллади (мас., “Ўтмишдан эртаклар”даги Бабар, “Менинг ўғригина болам” ҳикоясидаги Роқия биби). Характер эса муайян давр ва муҳит кишиларига хос энг муҳим, харак-

Адабиётшунослик луғати

терли умумий хусусиятлар билан алоҳида шахсга хос индивидуал хусусиятларни ўзида мужассам этган образдир. Муайян ижтимоий-тарихий шароит, давр ва муҳитга хос муҳим характерли хусусиятларни ўзида намоён этган образ эса тип деб юритилади. Умумлаштириш даражасига кўра бадиий образнинг яна адабий-маданий анъаналар доирасида муайян тургун шаклга айланиб, асаддан асарга кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган *мотив, топос, архетип* деб юритилувчи кўринишлари ҳам ажратилади. Мотив (мотив образ) шаклий ва мазмуний жиҳатлардан муайян тургунлик касб этган, бир ёки бир неча ижодкорнинг асарларида қайтарилиб туриши билан уларнинг ижодий интилишларини намоён этиб турувчи образдир. Mac., Чўлпон ижоди учун “йўл” образи мотив саналиши мумкин. Чунки бу образ унинг ҳам шеърий, ҳам насрый асарларида тез-тез такрорланади. Ёки “юлдуз”, “йўлчи” мотивлари XX аср 20 – 30-йиллари шеъриятида, хусусан, А.Фитрат, Чўлпон, Ойбек ва У.Носир асарларида кўп учрайди. Топос мотивга нисбатан кенгрок тушунча бўлиб, у миллий маданиятда катта бир адабий давр мобайнида такрорланувчи образ саналади. Ўзбек мумтоз шеъриятидаги пайғамбарлар образлари, гул ва булбул, шам ва парвона каби такрорланувчи образлар топос саналиши мумкин. Архетип деганда эса инсон тафаккури, ижодий тасаввурига хос бўлган тургун “схема”лар, конструкциялар, қолиплар тушунилиб, уларнинг изларини энг қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги адабиётгача кўриш мумкин бўлади. Архетип конструкция ва схемалардан ўзига хос “сюжет ва сюжет ҳолатлари” жамғармаси ҳосил бўладики, улар асаддан асарга, даврдан даврга кўчиб юради. Mac., “булбул – гул – чақириканак”.

Юқорида айтилганидек, бадиий образ воқеликдаги нарса-ходисанинг ижодий қайта ишланган акси, шунга кўра, у ўша нарса-ходисани конкрет ҳис этиладиган тарзда тасвирлайди. Айни чогда, тасвирланган нарса муайян мазмунни ифодалашга хизмат қиласи. Демак, структурасига кўра бадиий образ тасвир ва ифода планларидан иборат экан. Бадиий образнинг тасвир ва ифода планлари бир-бири билан турлича муносабатда бўлади, шундан келиб чиқсан ҳолда, автологик, металогик ва суперлогик образлар ажратилади. Автологик образда тасвир ва ифода планлари бир-бирига мос тушади (мас., чинор тасвирланган ва чинор назарда тутилган). Металогик образда тасвирланаётган нарса билан ифо-

Адабиётшүнослик луғати

даланаётган нарса мос бўлмаса-да, уларда кўчимлардаги каби муштарак нуқта бор (мас., чинор тасвирланади – событлик, улуғворлик кабилар назарда тутилади), суперлогик образда эса тасвир билан ифода мос эмас, уларни боғловчи муштарак нуқта ҳам йўқ: тасвир муайян шартлиллик асосида ва контекст доирасидагина кўзланган мазмунни ифодалайди (чинор тасвирланади – бутун бир халқ назарда тутилади).

БАДИЙ ПСИХОЛОГИЗМ – бадиий асарда тўлақонли инсон образини яратишнинг муҳим воситаларидан бири; персонаж руҳиятининг очиб берилиши, хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзларининг психологик жиҳатдан асосланиши, шу мақсадларга хизмат қилувчи усул ва воситаларнинг жами. Ёзувчи персонаж руҳиятини бевосита ёки билвосита тасвирлаб бериши мумкин. Персонаж ўй-кечинмалари, ҳис-туйғуларининг “ички монолог”, “онг оқими” тарзида ёки муаллиф тилидан (ўзиники бўлмаган муаллиф гапи) баён қилиниши психологик тасвирнинг бевосита шакли ҳисобланади. Асардаги персонаж руҳиятининг унинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, юз-кўз ифодалари (мимикаси), ундаги физиологик ўзгаришларни кўрсатиш орқали очиб берилиши эса билвосита психологик тасвирдир. Руҳий тасвирнинг бу икки кўриниши бир-бирини тўлдиради, шу боис ҳам муайян персонаж руҳиятини тасвирлашда ёзувчи буларнинг иккисидан ҳам ўрни билан фойдаланади. Шунингдек, персонаж руҳиятини очища ёзувчи табиат тасвиридан ёки бошқа бирор нарса образидан фойдаланиши мумкин бўладики, бу ҳам билвосита психологизмнинг кўринишидир. Мас., “Ўтган кунлар” романидা А.Қодирий Кумушнинг турмушга берилиш хабарини эшитган Отабек руҳиятини “Хўжа Маъз” қабристони манзараси орқали акс эттираса, унинг Кумуш ҳижронида яшаган пайтлардаги руҳий ҳолатини “Наво” куйининг шарҳида умумлаштириб ифодалайди. Адабий асарда характер руҳиятини очиш, умуман, инсон образини яратишнинг муҳим воситаларидан яна бири персонаж нутқидир. Замонавий насрда диалог салмолининг ортиши баробарида дадада персонаж нутқининг образ яратишдаги мавқеи ҳам кучайди. Персонаж нутқини индивидуаллаштириш орқали унинг шахсияти, дунёкараши, муайян ҳаётий ҳолатдаги руҳияти ҳақида ўқувчига кўп нарсаларни етказиш мумкин. Диалогларда персонаж нутқи муаллифнинг қисқа, лўнда шарҳлари билан таъминланади. Персонажнинг юз-кўз ифодаси, мимикаси, ундаги физиологик

Адабиётшунослик луғати

узгаришлар ҳақида маълумот берувчи бу шарҳлар жуда катта аҳамият касб этади. Улар ўқувчига персонаж нутқини “эшитиш”, хатти-ҳаракатларини “кўриб туриш” ва шу асосда унинг айни пайтдаги руҳиятини ҳис қилиш имконини яратади. Адабиётшунослика оид манбаларда Б.п.нинг динамик, типологик ва аналитик принциплари фарқлаб қўрсатилади. Динамик принципда персонаж руҳияти унинг муайян ҳаётий ситуацияларда ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари ва гал-сўзлари орқали очилади, моҳиятан бу драматик асар персонажлари руҳиятини очиш усулига ўхшаш, шу боис динамик принцип баъзан психологияк таҳлилнинг драматургик усули деб ҳам таърифланади. Б.п.нинг типологик принципи персонаж руҳиятини у шаклланган ва ҳаракатланаётган муҳит шарт-шароитлари билан боғлаган, шулардан келиб чиқсан ҳолда тасвирлашни назарда тутади. Аналитик принцип эса персонаж дилидаги ҳисстуйғулар, онгидаги ўй-фикрларнинг илдизлари, тадрижини жараён тарзида изчил ва атрофлича тасвирлашни тақозо этади. Бунда бир ҳисдан иккинчи ҳис, бир ўйдан бошқа бир фикр ўсиб чиқади, улар бир-бирини тўлдиради, сифат жиҳатидан ўзгартиради ва ҳоказо. Бу эса персонаж тақдири, қарашлари ва амалларидаги кескин бурилишларни тайёрлаш ва қўрсатишга имкон берадики, у баъзан Б.п.нинг “қалб диалектикаси” шакли деб ҳам юритилади. Айтиш керакки, муайян персонаж руҳияти тасвирида бу учала принцип ҳам қоришиқ ҳолда намоён бўлади, улардан бири етакчилик қилгани ҳолда, бошқалари уни тўлдириш, конкретлаштиришга хизмат қиласиди.

БАДИЙ ТАСВИР ВА ИФОДА ВОСИТАЛАРИ – бадиий асарда нарса-ҳодисаларни жонли тасвирлаш, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ёрқин ифодалашга хизмат қилувчи тил воситаларининг умумий номи. Адабиётшунослика ушбу тушунча турли номлар билан юритилади: *фигуралар, синтактик фигуралар, стилистик фигуралар, тилнинг поэтик воситалари, тилнинг бадиий-тасвирий воситалари, тасвирий воситалар, ифода-тасвирий воситалар* ва б. Аввало, тилнинг бадиийлиги Б.т. ва и.в.нинг ишлатилиши билан белгиланмайди, улар ишлатилмаган ҳолда ҳам бадиий тилнинг бош специфик хусусиятлари – *образлилик (тасвирийлик)* ва *эмоционаллик* мавжуд бўла олади: Б.т. ва и.в. мазкур хусусиятларни кучайтириб намоён этишга хизмат қиласиди. Иккинчидан, бадиий адабиёт сўз воситасида тасвирлайди (*образлилик*), айни пайтда,

Адабиётшунослик луғати

бадиий адабиётдаги тасвир қуруқ эмас, у ҳис-туйгуларга йүғрилган (эмоционаллик) дирки, шу тасвир орқали муайян ўй-фикр, ҳис-кечинма ҳам ифода этилади. Яъни битта воситанинг ўзи ҳам тасвир, ҳам ифодага хизмат қилади. Демак, бу воситаларнинг буниси тасвир, буниси ифода воситаси деб ажратиш тӯғри бўлмайди. Шу билан бирга, мазкур воситаларни *бадиий тасвир воситалари* деб гина юритиш ҳам маъқул эмас: айрим воситалар (мас., *такрорлар*, *риторик сўроқ*, *риторик мурожаат*, *эллипсис*, *жим қолиш ва б.*) борки, улар ифодавийликни кучайтиришга хизмат қилади. Яъни улар *бадиий тасвир воситалари* термини қамров доирасидан четда қолади. Шу сабабли ушбу тушунча Б.т. ва и.в. тарзида аталгани маъқулроқдир.

Б.т. ва и.в. тилдан фойдаланишда муайян бадиий-эстетик мақсадни кўзлаб умумодатий нормадан оғиши (яъни тил унсурларини одатдагидан ўзга шакл, маъно, тартиб, муносабат ва ш.к.ларда қўллаш) натижасида юзага келади ва тасвирнинг жонли, ифоданинг таъсирли бўлишига хизмат қилади. Бу хил оғишлар тилнинг турли сатҳларида – фонетик (аллитерация, ассонанс), морфологик (асиндетон, полисиндетон), лексик (архаизм, диалектизм, жаргон), семантический (троплар), синтактик (инверсия, сўз тақрори, синтактик параллелизм, эллипсис, хиазм) сатҳларда кузатилиши мумкин.

БАДИЙ ТИЛ – бадиий асар тили, сўз санъетининг асосий қуроли, бадиий адабиётнинг образ яратиш воситаси; поэтик тил, бадиий адабиёт тили каби шаклларда ҳам ишлатилади. Яъни бадиий адабиёт бирламчи белгилар системаси саналувчи тил воситасида иккиласми белгилар системасини – бадиий воқеликни ташкил қилувчи образлар тизимини яратади. Адабиётшунослиқда Б.т.ни алоҳида ҳодиса деб тушунувчилар ҳам, уни миллий тилнинг алоҳида вазифага (яъни бадиий муроқот учун) хосланган кўриниши сифатида билувчилар ҳам мавжуд. Агар Б.т. миллий тил негизида вужудга келиши, миллий тил элементлари воситасида бадиий образлар яратилиши ва айни шу образлар иккиласми белги (яъни юқорироқ сатҳдаги ўзига хос тил бирлиги) сифатида бадиий муроқотни амалга ошириши эътиборга олинса, иккинчи қараш ҳақиқатга яқинроқ кўринади. Шунга кўра, Б.т. атамасини қўллашда маълум шартлилик бор: алоҳида ҳодиса сифатида мавжуд бўлмагани ҳолда у бадиий асар(лар) доираси (яъни амалга ошиб

Адабиётшунослик луғати

бўлган бадиий нутқ)дагина мавжудки, аниқлик талаби билан тушишча баъзан бадиий асар тили тарзида ифодаланиши шундан. Йирик рус филолог олими Г.Винокур Б.т.га таърифни: “Бадиий тил деганда бадиий асарлар ёзишда ишлатиладиган тил тушунилади”, – дея бошлаган эди. Маълумки, бадиий асарлар ёзишда қандайдир алоҳида тилдан эмас, балки кундалик мулоқотдаги каби миллий тил унсурларидан фойдаланилади. Аввало, кундалик мулоқот тили ҳам, бадиий тил ҳам информация етказиш ва информация олишга хизмат қиласи. Бироқ бу иккиси етказаётган информацийнинг табиати турлича: кундалик мулоқот тили оддий информация етказса, бадиий тил бадиий информацияни етказади. Б.т етказаётган информация – образли информация, зеро, унинг воситасида санъаткор тасаввурни яралган образ моддийлашади. Бадиий образ эса воқеликнинг конкрет ҳис этиладиган, ўқувчи онгода қайта жонланадиган ижодий аксидир. Тилнинг илмий, расмий ва ҳ.к. функционал услубларида етказилган информация тушишча сифатида, бадиий информация эса конкрет образ тарзида қабул қилинади; образ санъаткор қалбида ижодий қайта ишлангани боис ҳамиша ҳиссиётга ўйғрилгандир. Шунга кўра, Б.т.нинг энг муҳим белгиловчи (специфик) хусусиятлари образлизиллик (тасвирийлик) ва эмоционалликдир. Бадиий тафаккур тараққиёти давомида Б.т. имкониятлари кенгайиб боради, унинг анъаналари шаклланиб, ворисийлик асосида авлоддан-авлодга ўтади. Б.т.да анъанавий тарзда кўпланувчи тасвир ва ифода воситалари (қ. бадиий тасвир ва ифода воситалари), бадиий образ яратишида яримтайёр маҳсулот сифатида хизмат қилувчи унсурлар (қ. мотив, рамз, аллегория, эмблема) мажмуи шаклланади; матнларро алоқадорлик асосида ишоранинг ўзи билан Б.т.нинг ифода имконларини кенгайтириш мумкин бўлади ва б. Бунинг натижасида Б.т. кундалик мулоқот тилидан буткул фарқли алоҳида ҳодисадек, шундай мақомга эгадек кўринаверади. Шунга қарамай, у алоҳида ҳодиса эмас, балки миллий тил базасида воқе бўлиб, миллий тилдан бадиий информацияни шакллантириш ва етказиш мақсадида фойдаланиш шаклидир.

БАДИЙ ТАХЛИЛ (ар. حـ – текшириш, ҳал қилиш) – адабий асарнинг мазмун-моҳиятини идрок этиш, унинг яхлит эстетик ҳодиса сифатидаги мавжудлигини турли аспектларда ўрганиб, ўзига хослигини очиб бериш ва қимматини белгилашга қаратилган ҳиссий-интеллектуал фаолият. Таххилил атамаси илмда кенг

Адабиётшунослик луғати

Құлланувчи анализ (юн. *analysis* – қисмларга ажратиш) терминининг синоними сифатида ишлатилади. Ҳар икки атама ҳам бутунни англаш учун уни қисмларга ажратишни, қисмнинг бутун таркибидаги мөхиятини, унинг бошқа қисмлар билан алоқаси ва бутунликнинг юзага чиқишидаги үрнини үрганишни күзде тутади. Айримлар бадий асарни тирик организмға қиёс этишади-да, “уни қисмларга ажратиш жонсиз танага айлантиришдан бошқа нарса әмас”, деган қарашга таяниб, таҳлилга қарши чиқадилар. Бироқ бу хил қараш ассоциздир. Зеро, бириңчидан, адабиётшуносликдаги таҳлил ҳам – үқиши, фақат бунда бадий асарни тадқиқотчи сифатида үқиши түшенилади. Яъни тадқиқотчининг асарни қисмларга ажратиши мақсад әмас, бир восита – асарнинг бадийят ҳодисаси сифатидаги мавжудлигини, ундаги үқувчи онги ва рұхиятига таъсир қилаётган, унинг у ёки бу тарзда тушунилишига асос бўлаётган омилларни үрганиш воситасидир. Иккинчидан, Б.т. жараёнида ҳар вақт талқин амали ҳам мажуд (бу ўринда талқин “интерпретация”нинг синоними). Кенг маънода “талқин” сўзи узга томонидан айтилган гап ёхуд ёзилган асар (илмий, фалсафий, диний, бадий ва ҳ.) мазмунини англаш, уни маълум яхлитлиқда тушуниш ва тушунтириш (адабиётшуноснинг мақсади тушунишнинг үзигина әмас, тушунтириш ҳамdir) маъноларини англашади. Бошқача айтганда, талқин бадий асардаги “образлар тили”ни “мантиқ тили”га ўғирмоқ, образлар воситасида ифодаланган мазмунни тушуниш ва тушунтироқдир. Шундай экан, чинакам илмий бўлиши учун талқиннинг таҳлилга таяниши шарт қилинади. Зеро, агар талқин қилувчи шахс бадий матнни чукур билмаса, асар қисмларини, уларнинг үзаро алоқаларини етарли тасаввур қилолмаса, унинг талқини илмийликдан йироқ субъективлик касб этади. Бошқа томондан, бадий адабиётнинг образлар орқали фикрлаши, образ эса ассоциатив тафаккур маҳсулни эканлиги әътиборга олинса, талқин субъектсиз мавжуд әмаслиги ҳам аён. Чунки ижодкорнинг ассоциатив фикрлаши маҳсулги ўлароқ яратилган ва асарда акс этган образнинг мазмун қирралари фақат субъект онгидагина (яъни унинг ҳам ассоциатив фикрлаши асосида) қайта тикланиши мумкин бўлади. Булар бадий асарни тушуниш жараёнида таҳлил ва талқин ҳар вақт ҳозирлигига ёрқин далилдир. Оддий үқувчидан фарқ қиласроқ, адабиётшунос бадий асарни талқин қилишда таҳлилга таянади, унинг талқини таҳлил асосида юзага келгани учун ҳам илмий саналади.

Адабиётшунослик луғати

Шу маънода таҳлил талқиннинг илмий асоси, бадиий асарни тадқиқотчи сифатида ўқиш ва уқиш демақдир.

БАДИЙ ТЎҚИМА (русчадан калька: “художественный вымысел”) – ёзувчининг ижодий тасаввур ва тахайюли маҳсули, воқеалиқда реал асоси ёки тўлиқ ўхшаши мавжуд бўлмаган бадиий образлар, ҳаётий ҳолатлар, воқеалар ва ш.к.ни яратишда намоён бўлувчи бадиий ижоднинг муҳим компоненти. Муҳимлигидан, антик даврлардан бошлаб то XVII – XVIII асрларга қадар Б.т.га ижоднинг бирламчи шарти, поэзия (бадиий адабиёт)нинг белгиловчи хусусияти деб қаралган, унга Б.т.дан мосуво асарлар – проза қарши қўйилган. Ҳозирда ҳам Б.т. адабий асар (қ. беллестристика) билан адабий бадиий асарни фарқловчи белгилигича қолмоқда. Б.т.нинг моҳияти ва аҳамиятини тарихий мавзудаги асарлар мисолида тушиуниш кулай. Ёзувчи тарихий манбаларни ўрганади, фактлар, воқеалар, уларнинг иштирокчилари ҳақида маълумотларни ийфади. Унинг эндиғи вазифаси – ўргангандарини бадиий қайта ишлаш: бадиий воқеалиқда фактлар жонланиши, воқеалар юз бериши, шахслар яшashi лозим. Худди шу нарса – бадиий тасаввурни ишга соглан ҳолда ўтмиш ҳаётини қайта яратиш ижод бўлиб, унда Б.т.нинг роли бекиёсдир. Шундай ёндашилса, “тарихий шахс образи” билан “тўқима образ”ни қарши қўйишимизда ҳам каттагина шартлилик борлиги аён бўлади. Мас., манбаларда Абдуллатифнинг падаркушлиги қайд этилган. Ҳаммага маълум фактни бадиий мушоҳада этган О.Ёкубовни фожианинг илдизлари қизиқтиради: у фарзандни падаркуш этган омилларни – у вояга етган мухитни, бу мухитдаги мураккаб муносабатларни, фарзанднинг отага меҳрсиз бўлиб қолиши сабабларини, қаҳрамони руҳиятидаги зиддиятлар ва ш.к.ларни англашга интилади. “Улуғбек хазинаси” учун куруқина сюжет схемасини берган фактлар Б.т. воситасида тўлдирилади ва, оқибат, ўқувчи кўз ўнгига жонли Абдуллатиф бутун мураккаблиги билан намоён бўлади. Демак, гарчи Абдуллатифни тарихий образ деб таърифласак-да, унинг яратилишида ҳам Б.т.нинг салмоғи катта экан. Худди шу гапни ҳаётдаги реал воқеага, реал прототипларга асосланган замонавий мавзудаги асарларга нисбатан ҳам, умуман, ҳар қандай бадиий асарга нисбатан ҳам тўла асос билан қўллаш мумкин. Зоро, бадиий воқеелик унсурлари уйғун алоқадаги бутунлик ва унда жонли характерлар ҳаракатланар экан, бу нарса фақат ижодкорнинг бадиий тасаввур кучи туфайлигина мумкин

Адабиётшунослик луғати

бўлади ва бунда Б.т. муҳим бутловчи ашё – “цемент” вазифасини ўтайди.

БАДИЙЛИК – ижодий-рухий фаолият маҳсули ўлароқ дунёга келган асарнинг санъатга мансублигини белгиловчи хусусиятлар мажмую. Образлилик Б.нинг бирламчи шарти саналиб, у воқеликни бадиий образлар орқали идрок этиш, бадиий образлар воситасида фикрлаш демакдир. Образлилик санъатнинг ўзак хусусияти бўлиб, у йўқ жойда Б. ҳам мавжуд эмас. Б. тарихий категория саналади, унинг талаб ва мезонлари ҳар бир даврнинг маънавий-эстетик эҳтиёжлари, бадиий диди билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Шунга қарамай, Б.нинг жавҳари бўлган барқарор шартлар ҳам мавжуд. Жумладан, Б.нинг муҳим шартларидан бири мазмун ва шактнинг ўйғун бирлиги, уларнинг ўзаро мувофиқлигидир. Б.нинг мазкур шарти инсон учун (инсоният учун) аҳамиятли мазмуннинг гўзал шаклда ифодаланиши, бадиий мукаммал асарнинг органик бутунликка айланиши демакдир. Бутунлик эса асарда биронта ҳам ортиқча, тасодифий, аҳамиятсиз унсур мавжуд бўлмаслиги, ундаги барча шакл унсурлари мазмунни, эстетик обьектни шакллантиришга қаратилишини тақозо этади. Шу шартга дош бера оладиган бадиий жиҳатдан мукаммал асарнинг ортиғи ҳам, ками ҳам йўқ – унга бирон нарса қўшиб ҳам, олиб ҳам бўлмайди, иккала ҳолда ҳам бутунликка путур етади. Шундай бутунлик асосида иреал олам – бадиий реаллик воқе бўлади. Бу воқелик реалликка нечоғли монанд бўлмасин, у барibir шартлилик хусусиятини сақлаб қоладики, айни шу шартлилик Б.нинг яна бир муҳим талабидир. Бадиий воқелик образлар воситасида яралган иреал олам эканлигини, бадиий шартлиликни қабул қилган ҳолдагина унга эстетик обьект сифатида ёндашиш мумкин бўлади. Яъни шу туфайлигина бадиий воқелик реаллик билан чалкаштирилмайди, бадиий асар матн даражасидагина қолиб кетмасдан, эстетик обьект сифатида тасаввурда қайта яралади. Қайта яратилишнинг асоси бадиий асарнинг ўқувчига йўналтирилганлигидирки, бу Б.нинг яна бир муҳим белгиси саналади. Бадиий асар аввалбошданоқ муайян ўқувчига мўлжаллаб ёзилади, унда ўша ўқувчи эгаллаши ва шундан туриб бадиий воқеликни жонлантириши керак бўлган жой ҳозирланган. Бу эса ўқувчини эстетик субъектга айлантиради, уни эстетик обьектни қайта яратишга ундейди. Яъни ўқиш – ижодий жараён, чунки ўқувчи ёзувчи ётказаётган мазмуннинг оддий ис-

Адабиётшунослик луғати

төмөлчиси эмас, у белгилар асосида бадий воқеликни қайта яратаетган ижодкордир. Ижодкорлик ҳақида эса оригиналлик бор ҳолдагина гапириш мүмкінки, у Б.нинг муҳим шарти ҳисобланади. Зеро, чинакам бадий асар бетакрор, оригинал ҳодисадир. Үнда санъаткорнинг ижод онларидағи маънавий-рухий ҳолати, шу онларда аён бўлган МАЪНО аксланади. Ижод онларидағи маънавий-рухий ҳолат бетакрор бўлганидек, ўша МАЪНО ҳам бетакрордирки, у энди фақат ўқиш жараёнида – қайта яратиш жараёнида воқе бўлади. Гарчи МАЪНО санъаткор – алоҳида бир шахс ҳаётий тажрибаси, маънавий-рухоний изланишлари маҳсули ўлароқ воқе бўлса-да, ижод онларида у реалликдан узилиб ИДЕАЛ бағрида, универсал инсон мақомида турган. Худди шу ҳол МАЪНОнинг универсаллигини таъмин этадики, универсаллик Б.нинг яна бир белгисидир. Шу универсаллик туфайли ҳам чинакам бадий асар ким ҳақда ёзилганидан қатъи назар, ҳамма ҳақида, қайси гұша ҳақида ёзилишидан қатъи назар, бутун олам ҳақида бўлади, башариятнинг маънавий мулки, қадриятига айлана олади.

БАДИЙЛИК МОДУСЛАРИ (русчадан калька: “модусы художественности”) – бадийлик кўринишлари; бадийлик қонуниятлари (бадий бутунлик, шартлилик, ўқувчига йўналтирилганлик, оригиналлик, универсаллик)нинг намоён бўлиш усуллари. Модус тушунчаси адабиётшуносликка канадалик олим Нортроп Фрай томонидан киритилган. Фрай модусларни ажратишида муаллифнинг бадий асар қаҳрамонига нисбатан нуқтаи назарини асос қилиб олади ҳамда модусларнинг миф, ривоят, юксак-миметик, тубан-миметик, киноявий модус турларини ажратади. Н.Фрайга кўра, мифнинг қаҳрамони маъбуллар, ривоятники сеҳрли кучлар, юксак-миметик модусдаги асарлар (эпос ва трагедия)нинг қаҳрамони эса қаҳрамон-етакчидир. Мазкур модусларнинг қаҳрамони муаллиф ва китобхондан баландда туради. Тубан-миметик модус (комедия ва реалистик адабиёт)нинг персонажлари худди биз қатори одамлардир, киноявий модус персонажи ақл ва кучда биздан куйида туради, унинг эрксизлиги ва мавжудлигининг маънисизлигини гўё юқоридан туриб кузатамиз. Н.Фрай ўзининг модус назариясида бадийликнинг умумэстетик кўринишлари – модуслар билан адабий жанрлар орасига чегара қўймайди. Үндан фарқли равища рус олими В.Тюпа Б.м. тушунчаси остида қаҳрамонлик, трагизм, сатира, юмор, сарказм, идиллиявиilik, элегиявиilik, драматизм,

Адабиётшунослик луғати

киноя каби тушунчаларни бирлаштиради. Одатда, бадий мазмуннинг субъектив томони деб ҳисоблаб келинган юқоридаги тушунчаларга пафос (қ.), ғоявий-эмоционал баҳо, муаллиф эмоционаллиги типлари сифатидагина қаралиши мазкур ҳодисаларнинг моҳиятини торайтириш бўлади. Бадийлик субъект – объект – адресат бутунлигидагина намоён бўлар экан, пафос тушунчаси бадийликнинг фақат бир қиррасигина саналиши мумкин. Mac., трагиклик фақат ғоявий-ҳиссий муносабат ёки муаллиф эмоционаллиги бўлибгина қолмай, ўз навбатида, қаҳрамонни типиклаштиришнинг ўзига хос кўриниши ҳамдир. Шу билан бирга, трагиклик китобхонда трагизмга хос катарсисни талаб қиласди, китобхонда трагик катарсис содир бўлсагина, бадийлик рӯёбга чиқсан деб ҳисоблаш мумкин. Демак, юқорида саналган трагизм, сатира, юмор, драматизм каби тушунчалар муаллифга нисбатан олинганда пафос, қаҳрамонга нисбатан олинганда типиклаштиришнинг алоҳида кўрининиши, китобхонга нисбатан эса шу иккисига, яъни пафос ва типиклаштиришга мос катарсисни англатади. Мазкур уч ҳодисанинг бирлиги Б.м.нинг конкрет бир турини юзага чиқаради.

Бадийлик марказида шахс ва унга қарама-қарши турган ташки оламнинг ўзаро муносабати, “мен – оламда” концепцияси ётади. Б.м. эса шахс мавжудлигининг руҳий-амалий тажрибасига эстетик аналогия сифатида намоён бўлади. Яъни трагиклик, сатириклик, драматиклик, энг аввало, шахснинг ўз-ўзини англаши ва намоён этиши шакллари бўлиб, бадий асарда улардан бири асосий ўрин тутади.

БАДИЙ ШАКЛ ВА МАЗМУН – воқелиқдаги ҳар қандай нарса ўзининг ташки кўриниши (шакли) ва шу шакл орқали англашилаётган моҳияти (мазмун)га эга. Шакл ва мазмун категориялари умум-фалсафий характерда бўлиб, улар воқеликни (нарсани) идрок қилишда муҳим илмий абстракциялардир. Зоро, шакл ва мазмун тарзида бўлиш шартли, негаки, улар – яхлит бир нарсанинг ҳар вақт бирлиқда мавжуд бўлган ва бир-бирини тақозо этадиган икки томони. Шакл нарсанинг биз бевосита кўриб турган, ҳис қилаётган томони ва айнан у бизга ўша нарсанинг нималигини – мазмун-моҳиятини англагади. Мазмун муайян шаклдагина яшайди, шаклсиз мазмун бўлмаганидек, мазмунсиз шакл ҳам мавжуд эмас. Бошқа ҳар қандай нарса сингари, бадий асар ҳам шакл ва мазмуннинг яхлит бирлигидир. Шунинг учун бадий шакл (Б.ш.), бади-

Адабиётшунослик луғати

ий мазмун (Б.м.) тушунчаларининг атиги илмий абстракция эканини унутмаслик лозим. Яъни биз яхлит бутунлик – бадий асарни атрофлича таҳлил қилиш, бу ишни осонлаштириш мақсадидагина шу хил шартли бўлишга йўл кўямыз. Аслида эса Б.ш. мазмунсиз, Б.м. эса шаклсиз мавжуд эмас. Зоро, Б.ш. Б.м.нинг биз қабул қилаётган мавжудлиги, Б.м. эса унинг ички маъноси, мағзидир.

Бадий асарда шакл ва мазмун ўзаро диалектик алоқада бўлиб, улар бир-бирини тақозо этади, бир-бирига таъсир қиласди, бир-бирига ўтади. Б.ш. билан Б.м.нинг ўзаро муносабатида кейингиси етакчи мавқега эга бўлиб, у шаклни ҳосил қилишда жуда фаолдир. Санъаткор ижодий ниятидан келиб чиққан ҳолда бўлгуси асарнинг шаклини белгилайди, яна ҳам аникрофи, бўлгуси асарнинг мазмуни унинг шаклини белгилайди. Мас., жамиятнинг жорий ҳолатини бадий идрок этиш, у ҳақдаги хукмини бадий концепция тарзида шакллантириш ва ифодалаш мақсадини кўзлаган ижодкор роман шаклини танлайди. Чунки айни шу шакл ижодий ниятда кўзда тутилган мазмунга ҳар жиҳатдан мувофиқ келади ва ўша ният ижроси учун имкон беради. Шу билан бирга, Б.ш. нисбий мустақилликка эга ҳамдир. Ҳар бир давр адабиётида кенг қўлланилиб келаётган, ўкувчи оммага тушунарли ва ўзининг нисбатан тургун курсаткичларига эга бўлган шакллар мавжуд. Шунга кўра, санъаткор ифодалашни кўзда тутган мазмунни ўша шакллар доирасига сифдиришга интилади. Мас., саҳна учун асар ёзаётган ижодкор уни пардаларга, кўринишларга бўлади, сюжет воқеаларини ижро вақтига сифдиради, диалогларни саҳна ижроси учун мос ҳолга келтиради, уларни ремаркалар билан таъминлайди ва ҳ. Шакл консервативрок ҳодиса бўлганилигидан узоқ яшовчанлик хусусиятига эга. Мазмун эса ўзгарувчанликка мойил ҳодиса бўлиб, ҳар бир бадий асар мазмунан ўзича оригиналлайдир. Сабаби, ўша асарни яратган ижодкор – индивид, у дунёни ўзича кўради ва баҳолайди. Шунга кўра, ҳатто ошкор тақлидий руҳдаги асар ҳам мазмунан оригинал саналиши мумкин. Мас., ҳикоя жанри ўзининг асосий шаклий хусусиятлари билан бадий адабиётда узоқ вақтлардан бери мавжуд. Айни шу Б.ш.да минглаб ёзувчилар ифодалаган турфа Б.м.ларнинг саноғига етиб бўлмайди. Албатта, ҳар бир ҳикоянинг шаклида ҳам муайян ўзига хосликлар бўлади, бироқ ҳикояга хос асосий шаклий белгилар сақланиб қолаверади. Мазмуннинг шаклга ўтиш ҳодисаси, аввало, генетик асосга эгадир. Мас., ғазал жанри

Адабиётшунослик луғати

дастлаб мазмун ҳодисаси бўлиб, “аёлларга хушомад, муҳаббат” мазмунидаги шеърий асар ғазал дейилган. Кейинча, ғазал ўз мазмунига мос энг мувофиқ шаклга эга бўлгач, у шакл ҳодисасига – турғун шеърий жанрга айланди. Ёки итальянча “янгилик” сўзидан олинган новелла ҳам дастлаб мазмун ҳодисаси эди: новелла дейилгандা, жонли қизиқиш уйғотувчи янги воқеани ҳикоя қилувчи асар тушунилган. Айни чоғда, новелла ўзига хос шакл хусусиятлариға ҳам эга бўлган: қисқалик, сюжет ўтқирлиги ва б. Кейинча новеллага хос шаклпий хусусиятлар муқимлашиб, ўзига хос шакл – новелла жанри юзага келади. Шунингдек, шакл ва мазмуннинг бирбирига ўтиши бир асар доирасида ҳам кузатилади. Бу бадиий асарнинг система экани, ҳар қандай система қуи ва юқори дараҷадаги структуравий бўлаклардан таркиб топиши билан боғлиқ. Mac., тил образга нисбатан шакл, образ тилга нисбатан мазмун; айни пайтда, образнинг ўзи бадиий мазмунни ифодалаш шакли. Ёки бадиий образнинг предметлилик даражасига кўра турлари (деталь – фабула – характер ва шароит – дунё образи) ҳам шаклнинг мазмунга, мазмуннинг шаклга ўтишига мисол бўла олади.

Бадиий асар қимматини белгилашда мазмун ва шаклнинг ўзаро мувофиқлиги энг муҳим мезонлардан саналади. Бадиият гўзал шаклда ифодаланган актуал, умуминсоний қадриятларга мос мазмунни тақозо қиласи. Шундай экан, шаклни бадиият, мазмунни гоявийлик (бунда ҳам, албатта, шартлилик бор) ҳодисаси сифатида тушуниб, ҳар иккисига бирдек эътибор бериш зарур. Адабиётшунослиқда мазкур қоидадан чекинилган ҳоллар ҳам бўлган, албатта. Шаклнинг нисбий мустақилгини мутлақлаштириб, уни бадииятнинг бош мезони сифатида қараганлар формалистлар деб юритилади (қ. формализм, формал метод). Шунингдек, бадиий асарнинг шаклига кўз юмиб, унинг қимматини мазмундан келиб чиқибгина баҳолашга уринишлар ҳам бўлган. Хусусан, 20-йиллар шўро адабиётшунослигида майдонга келган “вульгар социология” тарафдорлари фаолиятида бадиий асарни фақат гоявий мазмунидан, синфий моҳиятидан келиб чиқиб баҳолаш амалиёти кузатилади (қ. вульгар социология). Бадиий адабиётга бундай ёндашув унинг санъат ҳодисаси эканлигини инкор қилиш, уни мафкура қуролига айлантиришнинг қўпол кўриниши эди. Гарчи шўро адабиётшунослиги вульгар социологияга ўз вақтида кескин зарба берган бўлса-да, унинг ўзи ҳам бир оёғи билан шу мавқеда турар, яъни

Адабиётшунослик луғати

моҳиятан бадиий адабиётга шу хил ёндашувнинг “юмшоқ” варианти эди. Шуро даврида янги тузумни, коммунистлар партиясини, пролетариат доҳийсими улуғлаган бадиий жиҳатдан ночор асарларнинг рағбатлантирилиб, чинакам бадиият ҳодисаси саналадиган асарларнинг эътибордан четда қолгани, энг ёмони, тазийк остига олингани бунинг ёрқин далилидир. Бундан бадиий асарни унинг табиатидан келиб чиқсан ҳолда, шакл ва мазмунни бирликда олиб текшириш зарур экани аён бўлади. Табиики, бадиий асарни ўрганишда улардан бири диққат марказига қўйилиши мумкин. Шунда ҳам, мас., асар шакли ҳақида фикр юритаётганда, унинг мазмунни уюштириш ва ифодалаш, таъсирдорлигию бадиий жозибасини оширишдаги аҳамиятини; мазмун ҳақида фикр юритганда эса унинг шаклга қай даражада мувофиқлигини назардан қочирмаслик тақозо этилади.

БАДИХА (ар. بادیخا – ўйловсиз, бирданига айтилган чиройли сўз, топқирилик) – аввалдан маҳсус тайёрланмасдан, дафъатан айтилган шеър; экспромт (қ.). Б. бирор воқеадан қаттиқ таъсирланиш, мушоираларда ўзга шоир айтган шеърга жавобан ёки қалтис вазиятдан ҳозиржавоблик билан чиқиш зарурати туфайли яратилади. Б. шеър шоирдан юксак даражадаги образли тафаккурни, шеър техникасини мукаммал эгаллаш, бадиий санъатлардан ўринли ва моҳирона фойдалана олиш, конкрет нарса-ҳодиса, воқеа ёки ҳолатни зудлик билан ва закиёна баҳолаб, улардан бадиий умумлашма чиқара олиш каби малакаларни талаб этади. Манбаларда жанр хусусиятлари жиҳатидан қулай бўлгани учун Б.нинг кўпроқ рубоий ёки қитъа кўринишида битилиши айтилади. Мас., Бобурнинг бир қатор рубоийлари Б. тарзида ёзилган: чоғир мажлисларида, қир-адирлар бағридаги сайрларда, тоғларда сарсон юрган кезларида, узоқларда қолган яқинларидан мактуб ё бирор хабар келтирилганда Б. тарзида яратилган рубоийлардан бир қанчаси “Бобурнома”да эслатиб ўтилган. Жумладан, Хожа Калоннинг Дехлидаги уйи шифтига битиб кетган “Агар соғу саломат Синд дарёсидан ўтиб олсам, юзим қаро бўлсин Ҳиндни яна орзу ҳавас қилсан” мазмунидаги байтига жавобан Бобур “Мен дағи бадиҳада бир рубоий айтиб, битиб йибордим” дейди-да, қуидаги рубоийни келтиради:

Юз шукр де, Бобурки, Кариму Гаффор,
Берди сенга Синду Ҳинду мулк бисёр.

Адабиётшунослик луғати

*Иссиқлигига гар сенга йўқтур тоқат,
Совуқ юзин кўрай дессанг Ғазни бор.*

Сўфизода ҳам "бадиҳагўй шоир" сифатида шухрат қозонган. Унинг турли муносабатлар билан куча деворларига, дарвозаларнинг тепасига, чойхона эшикларига ёзиб қолдирган Б.лари халқ орасида машхур бўлган.

БАЁЗ (ар. **بیاض** – оқ, оққа кўчирилган нусха) – XIX асрдан бошлаб кенг тарқалган шеърий тўплам бўлиб, анъанавий девонлардан фарқли қатор жиҳатларга эга. Жумладан, девон (қ.) бир шоир қаламига мансуб шеърлардан тузилса, Б. бир муаллиф шеърларидан ҳам, бир неча шоир асарларидан ҳам таркибланиши мумкин. Яна бир фарқи, Б.да девондаги каби шеърларни жойлаштиришнинг қатъий тартиби белгиланмайди. Шунингдек, Б.га тартиб бериш принциплари ҳам турлича: муайян бир жанрда ёзилган (мас., "Баёзи мухаммасот") шеърлар ёки муҳлислар эътиборига тушган алоҳида шоҳбайтлардан, баъзан муайян бир мавзудаги (мас., муҳаббат, ватан, табият ва ш.к.) ёки бирон бир ҳофиз мусиқага солиб кўйлаган шеърлардан тузилиши ҳам мумкин. Баёзчилик, айниқса, XIX асрда кенг равнақ топди. Жумладан, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) даврида Хоразимда турли принциплар асосида тартиблangan бир қатор Б.лар чоп этилди (мас., "Баёзи мусаддасот", "Баёзи мажмуаи ашъор", "Баёзи мухаммасот", "Баёзи ашъор" ва б.). Матбаа ишлари анча кенг йўлга кўйилган XX аср бошларида ҳам кўплаб Б.лар чоп этилган. Мас., ўз даврида кенг шуҳрат қозонган Ҳазиний шеърлари 1910 – 1913 йиллар давомида "Баёзи Ҳазиний" номи билан 7 маротаба чоп этилган. Аксар ҳолларда Б.ларга ноширлар тартиб беришган бўлиб, уларга турли ҳудудларда яшаб ижод қилган шоирларнинг асарлари киритилганки, бу шеъриятнинг оммалашishiда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Мас., тошкентлик Каримбек Камий шеърлари Бухоро амирилиги ҳудуди – Когонда чоп этилган баёзларда учрайди. Ёки ноширлик иши билан шуғулланган Ибратнинг ўғли Аббосхон томонидан 1910 йилда тузилган баёзга Ибратнинг 17 шеъри билан бирга бошқа ижодкорларнинг шеърлари киритилган. Айрим Б.лар муаллифларнинг ўз қўли билан ҳам тартиблangan. Мас., шоир Нодим ўз қўли билан тузган "Баёзи Нодим" қўлёзмаси бизгача етиб келган бўлиб, унга мумтоз шеъриятнинг деярли барча жанрларида ёзилган шеърлар киритилган. Баёзчилик анъанаси кейинги йилларда ҳам

Адабиётшунослик луғати

давом эттирилди. Жумладан, F.Гулом ташаббуси билан 1938 йилда Мұқимий асарларидан таркибланган “Мұқимий баёзи” нашр этилди. Шунингдек, ҳозирда турли принциплар асосида (мас., мүайян ҳудудда яшовчи шоирлар, ижодкор үкитувчилар, жангчи-шоирлар, талаба ёшлар тұпламлари ёки муйаян мавзу бўйича) тартибланган шеърий мажмуаларга ҳам баёзчилик анъанасининг давоми сифатида қарашиб мумкин.

БАЙТ (ар. بيت – уй) – Шарқ шеъриятидаги икки мисрали банд тури. Ҳар қандай икки мисра шеърнинг, гарчи амалиётта шундай ҳол кузатилса-да, Б. деб аталиши тұғри эмас. Чунки Б. ритмик-интонацион ва мазмун жиҳатидан нисбий мустақиллик касб этиши, яъни банд мақомига эга бўлиши лозим. Шунга кўра, Б. атамасининг банд маъносида қасида, ғазал, қитъя жанрларига нисбатан ишлатилиши, Шарқ шеъриятидаги бошқа жанрларнинг икки мисрали бандларига нисбатан эса маснавий атамасини қўллаш тұғрироқ бўлади (қ. банд).

БАЛЛАДА (фр. ballade – рақсбоп қўшиқ) – 1) ўрта асрлар француз адабиётидаги қатъий шеърий шакл, бир хил қофияланиш тартибидаги (ababbcbc) ҳар бири саккиз мисрадан ташкил топган учта банд, банднинг охирги мисраси таржеъ сифатида тақрорланадиган, ўқувчига мурожаат қилингандар ярим банд (тұрт мисралик – bcbc) билан якунланувчи шеър; 2) кейинги даврлар Европа адабиётларида кенг тарқалған Б. инглиз-шотланд ҳалқ шеъриятидан келиб чиқади. Агар француз Б.си қатъий шеърий шакл бўлса, инглиз Б.сида шаклий талаблар анча эркін (қофияланиш тартиби қатъий эмас, таржеънинг бўлиши шарт қилинмайды), у бир хил, одатда, тұрт мисрали бандлардан ташкил топади. Инглиз Б.сининг белгиловчи хусусиятлари сифатида тарихий, тарихий-афсонавий, баъзан эса майший мавзуда ёзилиши, кичик воқеабанд сюжет асосиға қурилған эпик характердаги шеърий асарларини кўрсатиш мумкин. Худди шу хусусиятлар ёзма адабиётдаги Б.ларга ҳам хосдир. Уруш йилларида ёзилған М.Шайхзоданинг “Капитан Гастелло”, Ҳ.Олимжоннинг “Жангчи Турсун” каби асарлари Б.нинг ўзбек адабиётидаги яхши намуналари саналади.

БАНД – шеърнинг ритмик-интонацион ва мазмуний жиҳатдан нисбий мустақилликка эга бўлаги. Шеър ритмик қурилишидаги Б.нинг роли ва аҳамияти гапнинг матндариги роли ва аҳамиятига

Адабиётшунослик луғати

ұхшаш. Шунинг учун ҳам, аксар ҳолларда, банд синтактик жиҳатдан гапга тенг (күп ҳолларда бандни битта гап шаклиға со- лиш мүмкін) келади. Б.нинг ниҳоясида туроқ (руқн) ёки мисрадан кейинги паузага қараганда яққол сезиладиган ритмик паузанинг мавжудлиғи, одатда, унинг бошланишида юксалувчи, охирида эса пасаювчи интонация бўлиши; шеърдаги ҳар бир бандни ажратиб турадиган тақорланувчи қофияланиш тартиби, баъзан эса таржеъ ёки радиф сингари қўшимча воситаларнинг борлиги – буларнинг бари Б.ни ритмик-интонацион жиҳатдан алоҳида бутунликка айлантиради. Изометрияга асосланган мумтоз шеъриятида (нафақат Шарқ, балки Ғарб шеъриятида ҳам) Б. шакллари қатъий бўлиб, улар шеърий асарнинг композицион қурилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган, кўп ҳолларда жанрни белгиловчи омил бўлиб хизмат қилган. Б. турлари, кўпроқ, ундаги мисралар сонидан келиб чиқиб белгиланган: иккилик (*маснавий, байт, дистих*), учлик (*мусаллас, терцем*), тўртлик (*мурабба, катрен*) ва х. Айрим ҳолларда Б. турларини ажратишда мисра сонидан бошқа белгилар ҳам эътиборга олинган. Mac., икки мисрали банд тури бўлган байт (ab, cb, db, eb...) билан *маснавий* (aa, bb, cc, dd...) қофияланиш тартибига кўра, элегик *дистих* (биринчи мисраси гекзаметр, яъни 6 стопали, иккинчиси пентаметр – 5 стопали) билан александир дистихи (12 бўғинли, 6-бўғиндан сўнг цезура билан бўлинган, 6- ва 12-бўғини ургули) вазн хусусиятларига кўра фарқланади. Жаҳон шеъриятида ҳажм эътибори билан 2 тадан 16 тагача мисрани бирлаштирган Б. турлари мавжуд (қаранг: *мусаммат*) бўлса-да, ҳажми кичикроқлари (айниқса, 2, 4, 5 мисрали) бандлар кенг истифода этилган.

Мумтоз шеъриятида изометрияга, жумладан, шеърий асарда Б.ларнинг бир хил (мисра сони, ўлчови, қофияланиш тартиби) бўлишига қатъий амал қилинган бўлса, кейинги давр шеъриятида (Ғарбда романтизм давридан, ўзбек шеъриятида XX асрдан) бу қоидадан чекиниш одатий ҳолга айланди. Натижада астрофик (бандларидаги мисралар сони турлича) шеърлар, гетрометрик (ўлчови турлича мисралардан таркиб топган бандли) шеърлар ҳам оммалашди.

БАРМОҚ – туркий ҳалқлар шеъриятида кенг тарқалган шеърий вазнлар тизими, сўзлашувда ва илмий муомала амалиётида “бармоқ вазни”, “бармоқ системаси”, “бармоқ тизими” каби шаклларда ҳам ишлатилади. Б. туркий тилларнинг табиати,

Адабиётшунослик луғати

фонетик хусусиятларига тұла мос келади. Шу сабабли ҳам Б. туркій шеъриятда қадимдан құлланған: ҳалқ оғзаки ижодидаги шеърий асарларнинг, асосан, Б.да яратилгани бунинг ёрқин далилидир. Шуларни назарда тутган ҳолда Фитрат Б.ни “миллий вазн” деб атайди. Күп ҳолларда Б. – миқдорий шеър тизими, унда изометрия мисралардаги бүғинлар сонининг тенглиги ҳисобига таъминланади, дейиш билан чекланилади. Бирок Б.да ёзилған шеърнинг ритмик хусусиятларини бүғинлар сонининг тенглигигина белгиламайды, бунда мисраларда бүғинларнинг қай тартибда туроқланиши (гурухланиши) ҳам катта ақамиятга эга. Дейлик, мисраларида бүғинлар 7+7 (Мен бу چүллар құйнида / туғилиб топдым камол, // Күхна сардобаларда / күмилиб қолди дардим. А.Оріпов) билан 3+4 / 4+3 (Құш бұлып / қочар бұлсанг, // тарлон бұлып / қувгайман, /// Тогларда / шаршарадек // губорингни / ювгайман. Миртемір) тарзіда гурухланиб тақрорланадиган иккита үн тұрт бүғинли шеърнинг интонацияси бир хил әмас, чунки үша интонацияга асос бұлаёттан үлчовни битта деб бұлмайды. Демек, Б. мисралардаги бүғинлар сонининг тенглиги ва бир хил тартибда гурухланиб тақрорланишига асослануучи шеър тизими экан. Бирок амалиётта күпинча буни әзтиборга олмай, Б.да ёзилған конкрет шеър вазни “етти бүғинли бармоқ”, “түккіз бүғинли бармоқ”, “үн бир бүғинли бармоқ” тарзіда аталады, бу унчалик түғри әмас. Негаки, бу ҳолда шеър үлчови чала белгиланған бұлади. Агар шу хил ёндашилса, Б. бор-йүғи 10-15 та шеърий вазнданғина таркиб топған, ўта қашшоқ тизим бўлиши керак эди. Ҳолбуки, Б. юзлаб вазнларни ўз ичига олган шеър тизими бўлиб, унинг ритмик интонацион имконлари жуда кенгdir. Mac., биргина “үн тұрт бүғинли” вазннинг ичидә үnlаб варианtlар (7+7; 5+5+4; 5+4+5; 4+5+5; 4+4+6; 4+6+4 ва x.) мавжудки, уларнинг ҳар бири шеърга ўзигагина хос оханғ бахш эта олади.

БАРОККО (итал. багоссо – ғаройиб, ғалати) – XVI – XVIII асрлар Европа халқлари адабиёти ва санъатида майдонга чиққан (ҳар бирида пайдо бўлиш вақти, намоён бўлиши ва мавқеи турлича бўлган) бадиий йўналиш; манбаларда баъзан метод, баъзан эса услубий йўналиш деб ҳам кўрсатилади. Б.нинг юзага келиши Уйғониш даври foяларининг инқирозга учраши билан изоҳлаб тушунтирилади. Агар Уйғонишнинг бош омили Европада буржуазиянинг иқтисодий ва ижтимоий юксалиши бўлса, Б.нинг майдонга келиши XVI асрнинг иккинчи ярмидан кўзга ташланған турғунлик би-

Адабиётшунослик лугати

лан боғлиқдир. Мутахассислар Б.га хос айрим жиҳатлар Уйғониш даврининг Шекспир, Тассо, Монтень сингари улуғ намояндалари асарларида ҳам кўзга ташланишини таъкидлайдилар. Албатта, бу ўринда кўпроқ Б. дунёқарашига хос жиҳатлар кўзда тутилади: Уйғониш даври оптимизми ўрнини эгаллай бошлаган инсонга, унинг эртанги кунига ишончсизлик ва бунинг натижаси ўлароқ юзага келган тушкунлик, мунг оҳанглари бевосита мавжуд ижтимоий эврилишларнинг натижаси эди. Агар Уйғониш даври ижодкорлари ҳаётни севиш, ундан завқпаниш, ҳузурланишини тарғиб этган эпикурча фалсафага асосланган бўлсалар, Б. намояндалари онгини дунёнинг фонийлиги, жамики қадриятлар ўткинчилигини уқтирувчи стоиклар фалсафаси эгаллайди. Бундай фалсафа лирика ривожига рағбат бермайди: шеъриятда ҳис-туйғулар ўрнига уларни бўғувчи фикрий мушоҳадалар устуворлик қиласиди; фоний дунё гўё қимматга эга эмас, у фақат рамзу мажозлар материали, кони холос. Б. услуби кишини ҳайратга солишга, уни лол қилишга интилади: унга бирмунча жимжимадор, туманли ифода хосдир. Б. ифода воситалари орасида метафора хукмон мавқени эгаллайди, метафориклик Б. услубининг белгиловчи хусусиятига айланади. Мутахассислар XVI аср охири – XVII аср бошларида майдонга келган испан адабиётидаги культеранизм ва концептизм, инглизлардаги эвфуизм, итальян адабиётидаги маринизм, французлардаги прециоз адабиёт кабиларни Б. доирасидаги оқимлар сифатида кўрсатадилар.

Б. дастлаб испан ва итальян адабиётларида бўй кўрсатди. Жумладан, Б. хусусиятларини ижодида мужассам этган испан шоири Гонгора (1561 – 1627) фикри гўё пардалаб, англанишини қийинлаштирувчи жимжимадор ва гўзал услубни урфга киритди. Бундай услубни асосларкан, Гонгора шоир маданиятли кишилар учунгина ёзиши керак, дейди (Гонгора ва унинг давомчиларини бирлаштирган оқим “гонгоризм” билан бир қаторда “культеранизм” деб номланиши шундан). Бу билан “культеранист”лар классицистларга яқин: иккаласи ҳам маданиятли кишилар учун ёзиш керак деб билади. Фарқи шуки, классицистлар маданиятли кишилар деб антик адабиётни биладиган ва унинг қоидаларини қабул қилган кишиларни, гонгористлар эса ирреалликни, онгости қатламларини идрок этишга қобил кишиларни биладилар. Уларга кўра, фақат авомгина ўзининг тўпори моддиюнлиги сабаб заминга боғлиқлиги-

Адабиётшунослик луғати

ча қолади, чинакам шоир авомдан юксак туради ва ундан ҳазар қилади, унинг кўшиклари оз сонли хослар, нозиктабъ кишиларга аталгандир. Шунга ўхшаш ҳолни Б. ичидаги яна бир оқим – “концептизм”да ҳам кўриш мумкин. Бу оқим намояндлари ўз асарларида сўз ўйинлари, тушуниш ўта қийин кўчимларни қўллаганларки, бу кўчимлар кутилмаган қиёслар, мураккаб ассоциацияларга таянади. Натижада улар ўзига хос топишмоқ, интеллектуал жумбоқча айланади. Муҳими, уларни идрок этиш учун ҳиссий эмас, чукур ақлий мушоҳада юритиш талаб этилади. Яъни концептистларнинг асарлари ҳам хосларга – муайян тайёргарликка эга бўлган, зеҳни ўткир кишиларга мўлжалланади. Бошқача айтсак, концептистлар ўз асарларини ўқувчига ўткир зеҳнилилк машқи сифатида тақдим этишади, эстетик завқни жумбоқни ечишда деб билишади. Маринизм оқимининг асосчиси Жамбаттиста Марино (1569 – 1625) ижодий-эстетик принциплари жиҳатидан Гонгорага яқин: шеърларида ҳиссий тўйинтирганлик, дунёнинг фонийлиги ва шу билан боғлик пессимистик рух, услубдаги жижимадорлик, мураккаб ассоциацияларга асосланган кўчимлар ва ш.к. Марино ижодда поэзияни санъатнинг бошқа турлари билан синтезлаштириш тарафдори. У барча санъатлар ўзаро боғлиқ, улар асли битта, фақат ифода усулига кўра фарқланади деб билади. Марино рангтасвирда жим турган шеъриятни, шеъриятда сўзлаётган рангтасвирни кўради. Уларнинг мақсади ҳам битта – одамларга ҳузур бахш этиш, уларни маънан юксалтириш, қалбларини тозартиришдан иборат. Маринога кўра, рангтасвир санъати ҳаммага, ҳатто, омиларга ҳам тушунарли, поэзияни англашга эса фақат “ўқимишли, фозил кишилар” қобилдирлар. Марино санъатларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирбирини бойитишини эътироф этгани ҳолда, уларнинг ичидаги поэзияни етакчи деб билади. Жумладан, у мусиқа ҳақида сўз юритаркан, “сўз ва фикрларни ифодаламаган ҳолда жаранглаётган нарса мусиқа деб аталишга лойиқ эмас”, деб ҳисоблайди.

Юқоридаги оқимлар ўзларини “янги санъат”, услубларини “затонавий услуб” (stile moderno) деб ҳисоблаганлар. Бадиий ижод амалиётидаги ўзгаришлар табиий равишда уларни назарий идрок этиш эҳтиёжини туғдиради. Италия ва Испанияда Бальтасар Грасиан, Эммануэль Тезауро, Маттео Перегрини каби Б. назариётчилари майдонга чиқадилар. Жумладан, бадиий ижодда янги услубни амалда қўллаб кўрган Б.Грасиан (1601 – 1658) назарий ишларида

Адабиётшунослик луғати

янги адабиётнинг қонуниятларини очишга интилади. Унга кўра, янги адабиёт “закийлик ёки тез идрок санъати”dir, унинг табиатини англатишга Уйғониш давридан бошлаб қатъий амал қилаётган Арасту “Поэтика”си ожиз, унинг учун файласуфнинг “Мантиқ” ёки “Поэтика”си эмас, “Риторика”си зарурроқ. Чunksи, Грасианга кўра, эстетика мантиқдан тамом фарқли фан, Гўзаллик салтанати эса XVI аср назариётчилари излаган жойдан тамом бошқа жойдадир. Грасиан “дид” (*gusto*) терминини илк бор мантиқий мушоҳададан тамом фарқланувчи эстетик мушоҳада маъносида қўллайди. У “дид” деганда, ақлнинг танқидий фикрлаш қобилиятини назарда тутдики, кейинчалик бу тушунча эстетика фанида кенг ўрин эгаллади. Грасианнынг ижодий интуицияни, “тез идрок”нинг бир-биридан тамом йироқ ҳодисалар мөҳиятини илғаш ва бир зумда уларни бирлаштира олиш қобилиятини назарий ўрганиш зарурати ҳақидаги фикрлари ҳам илм-фан учун қимматли ва қизиқарли эди. Грасиан “тез идрок” (*agudeza*) деганда, номаълум нарсанинг ғоят тез ҳаракатга келувчи интуиция ёрдамида англанишини тушунади. Унга кўра, бадиий билиш мөҳиятан интиутив билиш бўлиб, у воқеликни идрок этишнинг янги имкониятларини очади. Шулардан келиб чиқиб, Грасиан антик риторика санъатнинг барча ҳодисаларини, дунёни эстетик идрок этиш хусусиятларини тўла қамраб ололмаслигини таъкидлайди. Зоро, қадимгилар мантиқий билиш қонунларини кашф этганлар, силлогизмлар тизимини ишлаб чиқсанлар, бироқ улар “ўтқир зеҳн” учун яроқли эмас. Қадимгилар “ўтқир зеҳн” фақат даҳоларгагина хос деб ҳисоблаб, шу хусусият намоён бўлганда хайратланишнигина билганлар, у амал қилувчи қонунларни белгиламаганлар. Ҳолбуки, агар мантиқий фикрлаш қонуниятларини ишлаб чиқиш мумкин бўлган экан, “ўтқир зеҳн” қонуниятларини ишлаб чиқиш ҳам мумкиндири. Э.Тезауро (1591 – 1675) ҳам янги санъат учун “Поэтика” эмас, “Риторика” мұхимроқ деб билади. Унга кўра, “тез идрок санъати” мантиқ ва мантиқий қурилмаларга боғлиқ эмас, тахайюл асосига қурилган поэтик олам ўзигагина хос, тафаккур қонуниятларидан тамом фарқли қонуниятларга таянади. У “тез идрок”, закийлик ҳақида анча изчил таълимот яратади. Тезауро “янги санъат”ни вужудга келтирган Закийлик Онгнинг кўринишларидан бири деб билади. Закийликнинг иккита асосий қирраси бор – Зеҳн ва Донолик. Зеҳн нарса-ҳодисалар ботинидаги мөҳиятга кириб боради, донолик

Адабиётшунослик луғати

эса бир-биридан йироқ нарса-ҳодисалар мөхиятидаги үхашашликтар, алоқаларни тез илғаб олади-да, биридан иккинчисини келтириб чиқаради, бирининг ўрнига иккинчисини қўяди. Бу ўринда гап образ – Метафоранинг юзага келиши ҳақида боради. Умуман, Тезауро поэтикаси метафорага асосланади, унга кўра, метафора “поэзиянинг онаси”dir. Метафора табиатини, унинг хил ва турларини ўрганиш учун Тезауро меъморлик, рассомлик, ҳайкалтарошлик каби санъатларга ҳам мурожаат этади. Жумладан, у меъморликдаги ташки безаклар инсонни рамзий метафорани англашга етаклайди деб билади. Умуман, кўзга ташланиб турган ҳар қандай тасвир қалбнинг турли ҳолатларини ифодалашга хизмат қилиши, онга эса янги муаммоларни очиши лозим. Шунга биноан, у инсон сезгиларига таъсир қилиш учун санъат безакдор, ёрқин, кутилмаганликларга бой бўлиши керак деб уқтиради. Тезауро оламий рамз, Илоҳий Метафорани англашга олиб келадиган санъат назариясини ишлаб чиқишга интилади. Закийликни, иқтидорни у худонинг яратувчилик қудратига монанд ҳодиса деб тушунади. Зоро, санъаткор йўқ нарсадан янги мавжудликни яратади, Холиқнинг ўзи каби образлар ва ирреал оламни яратади. Яратувчилик даҳоси инсонгагина берилган эмас, у табиатнинг ўзида-да мавжуд. Асрорга етган хослар ундаги белгиларда табиатнинг закий ниятини англай олади. Худонинг ўзи метафоралар, аналогиялар оламини яратганки, омиларга улар оддийгина безак бўлиб туюлади, ҳолбуки, гап оламнинг яратилиши ҳақида бораркан, уларнинг ҳеч бири бежиз, бемаъни эмас. Тезауро фикрни мажозий ифодалаш закийликнинг мухим белгиси деб билади, зоро, закийлик фикрни тўғридан-тўғри эмас, балки мажозий йўл билан, кутилмаган йўсунда ифодалашда намоён бўлади. Бундай ифода санъатга хос бўлиб, у ҳақиқат эмас, бироқ ҳақиқатга тақлид қиласди. Шунингдек, Тезауро аҳамиятли ва қизиқарли, кулгили ва қайгули жиҳатларни бирлаштира олишни ҳам закийлик белгиларидан деб ҳисоблайди. Унинг уқтиришича, “шу даражадаги жиддий, ё шу даражадаги қайгули ва ё шу даражадаги улуғвор ҳодиса йўқи, уни ҳам шаклан ва ҳам мазмунан ҳазилга айлантириб бўлмаса”. Маълумки, антик қоидаларга асосланган классицистлар бунга қарши турганига қарамай, ижод амалиётида у мавжуд эди, Тезауро эса биринчилардан бўлиб бунинг қонунийлигини асослашга жазм этади. Тезауро битта фикрни услубий жиҳатдан турфа шаклларда ифодалаш мумкинligини жонли мисолларда

Адабиётшунослик луғати

кўрсатаркан, бу хил турфалик фикрни закийлик билан шаклга солиш, метафорик йўлда айтиш имкони туфайлигина мавжудлигини таъкидлайди. Айни чоғда, у ифода шакли билан мазмун бир-бирига узвий боғлиқлигини, улардан бири ўзгарса, иккинчисининг ҳам муқаррар ўзгариши тақозо этилишини ўқтиради. Демак, ёзувчи ифода йўсинини танлар экан, унинг ўзи етказмоқчи бўлган мазмун, ҳиссий тоналликка қай даражада мослиги ҳақида жиддий бош қотириши лозим. Кўринадики, гарчи барокко адабиёти вакиллари услубидаги жимжимадорлик, ўринсиз муракабликлар ўз вақтида (ва кейин ҳам) кўплаб эътиrozлар туғдирган бўлса-да, унинг етук намояндалари, хусусан, Тезауро сингари назариётчилари шаклбозлиқдан, "шакл шакл учун" ақидасидан йироқ бўлганлар.

БАСИТ (ар. بساط – ёйик) – аruz баҳрларидан бири, мустафъилун (– – v –) ва фоилун (– v –) аслларининг тақоридан ҳосил бўлади, мустафъилун руқни бошида икки сабаб (мус ва таф) ёйилиб тургани учун шу номни олган. Бундан ташқари, Б. баҳри вазнларининг аruz ва зарбида ҳаракатлар, яъни қисқа унлилар ёйилгани учун шундай номланган, деган фикрлар ҳам бор. Б. баҳри араб шеъриятига хос бўлиб, ўзбек шеъриятида қўлланмайди. Навоийнинг "Мезон ул-авzon" асарида Б. баҳрининг бир вазни, Бобурнинг "Мұхтасар" асарида саккиз вазни туркий тилда битилган маҳсус мисоллар билан келтирилган. Хусусан, Навоий:

Ишқинг мени туну кун мажнуну зор айламиш,
Кўнглумни зору ҳазин, жисмим низор айламиш, –
байтини мисол қилган бўлиб, у басити мусаммани солим (– – v – / – v – / – v – / – v –) вазнида ёзилган.

БАГИШЛОВ (рус. посвящение – багишлов) – 1) асарнинг бирон бир шахсга багишланганини ифода этувчи қисми, дебоча; меценатликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда антик Римда урфга кирган, кейинчалик Европа адабиётларида анъанага айланган. Б. шеърий ёки насрый йўлда битилиб, асарнинг бошланиш қисмидан жой олган. Б.да ҳомийлик қилган меценат мадҳ этилган, миннатдорлик изҳори билан бирга, уни янада кўпроқ ийдириш, ўз иход маҳсули учун рағбат олиш мақсади кўзда тутилган. Шунга кўра, бундай Б.ларнинг услуби ҳам тантанавор, баландпарвоз бўлган (Шарқ адабиётида ҳам шунга ўхшаш анъана бўлган: "Кутадғу билиг"даги Буғроҳон мадҳи, Хоразмий "Мұхаббатнома"сидаги

Адабиётшүнослик луғати

Мұхаммадхожабек мадҳи моҳият әзтибори билан Б.га яқин туралди). Бироқ кейинчалик Б.дан күзда тутилган мақсадлар доираси ва шунга мос ҳолда унинг мазмун-мундарижаси ҳам кенгаяди. Мас., Мольер мутаассиб диндорлардан ҳимоя излаб “Тартюоф” комедиясими қирол Людовик XIV га Б. билан бошлайды; Вольтер “Брут” трагедиясига ёзган Б.да ўзининг маърифатчилик театри ҳақидаги мулоҳазаларини баён қилади ва ш.к.; 2) замонавий адабиётда Б. – асарнинг муаллиф хурмати, әззози, миннатдорлиги, муҳаббати ва х. туйгулар ифодаси сифатида бирон бир шахс, унинг хотираси, муайян бир жой, муассаса, воқеа-ҳодиса ва ш.к.ларга бағишлиниши, шу ҳақдаги қайд. Одатда, Б. асар сарлавҳасидан кейиноқ қайд этиб қўйилади. Мас., А.Ориповнинг “Арслон чорлаганди...” шеърига “Э.Воҳидовга”, “Қозогистон” шеърига “Ўлжасга”, “Отелло” шеърига “Аброр Ҳидоятов хотирасига бағишлийман”, “Маконда ло-маконимсан, энди қайдан излагайдурман” мисраси билан бошланувчи шеърига “Онам вафотига” тарзида, Т.Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романига эса “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси – озод Ўзбекистон учун ёздим” тарзида Б. ёзилган; 3) лирик жанр, бирон-бир шахс (нарса, жой ва ш.к.)га мурожаат шаклида ёзилиб, кўпроқ уни таърифлаш, унга муносабатни ифодалашга қаратилган шеърий асар. А.Ориповнинг “Курсдошларимга”, “Сергей Есенинга”, “Денгизга”, “Ҳамид Олимжон хотирасига”, “Муножот”ни тинглаб, “Номаълум аёл” суратига” каби шеърлари Б. жанрининг сара намуналари сифатида кўрсатилиши мумкин.

БАҲР (ар. بحیره – дентиз) – арузда ёзилган шеърда рукнларнинг тақрорланиш тартиби, конкрет шеърдаги ўлчов асоси. Арузда ҳижо, рукн, мисра ва байт (араб арузида ҳарф, жуз, рукн, баҳр, байт) шеърнинг ўлчов бирликлари бўлиб, бунда байт конкрет шеърнинг ритмик жиҳатдан тугал бирлиги, бошқалари эса унинг таркибий қисмлари саналади. Б. мисра доирасида воқе бўлади, чунки илк мисрадаги рукнлар тартиби кейинги мисраларда айнан тақрорланади. Яъни арузда 8 та рукн (асл)нинг муайян тартибдаги тақороридан Б.лар ҳосил бўлади ва уларнинг ҳар бири ўз номига эга. А.Навоий “Мезон ул-авzon”да кўрсатишича, арузда 19 та баҳр мавжуд, Бобур эса “Мухтасар”да 21 та баҳрни кўрсатади. Б.ларнинг еттиласи (мутақориб, мутадорик, ҳазаж, рамал, ражаз, комил ва воғир) битта рукн тақороридан (мас.: мағоийлун / мағоийлун... – ҳазаж; фоилотун / фоилотун... – рамал) ҳосил бўлади, биргина

Адабиётшунослик луғати

мафъулоту асли ўзи мустақил ҳолда Б. ҳосил қилмайди. Биттадан олинган иккита асл тақоридан яна 8 та Б. (музориъ, ҳафиғ, мужтасс, мунсарих, муқтазаб, тавил, мадид ва басит) ҳосил бўлади (мас., мафойлун / фоилотун... – музориъ; фоилотун / мустафъилен... – ҳафиғ). Иккита бир хил ва битта бошқа асл тақоридан эса қолган 4 та Б. (қариб, мушокил, ғарив ва сариъ) ҳосил бўлади (мас., фоилотун / фоилотун / мустафъилен – қариб; фоилотун / фоилотун / мафойлун – мушокил). Ўзбек тили хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда шеъриятимизда Б.лар қўлланишдаги фаоллик дара-жасига кўра фарқланади: агар ҳазаж, рамал, ражаз, музориъ, ҳа-фиғ, мужтасс, мунсарих, сариъ, мутақориб Б.лари фаол қўлланган бўлса, мутадорик, комил тавил Б.лари жуда кам учрайди; вофир, муқтазаб, мадид, басит, қариб, мушокил, ғарив, ариз, амиқ Б.лари эса шеъриятимизда ишлатилмаган.

БЕЛЛЕТРИСТИКА (фр. belles letters – сўз санъати, нафис сўз) – кенг маънода умуман сўз санъати, бадиий адабиёт маъносини берса-да, термин турлича маъноларда ишлатилади. 1) насрый йўлда ёзилган адабий асарларни билдиради; 2) сўз санъати маъносидаги адабиётга тааллуқли асарларни бадиий қўмматига кўра даражалаш мақсадида классика билан оммавий адабиёт орасидаги ҳодиса маъносида қўлланади. Бу маънода Б. бадиий жиҳатдан мукаммал классик асарларга ҳам, бадиий ночор оммавий адабиёт намуналарига ҳам қарши қўйилади. Шунга кўра, мавжуд адабий асарларнинг аксарияти (жумладан: саргузашт, детектив, фантастика кабилар) Б.га мансуб этилади. Мутахассислар Б.нинг пайдо бўлишини ёзувчиликнинг профессионал фаолият турига, касбга айланиши билан боғлайдилар; 3) адабиёт тушунчаси қамраб олувчи асарларни табиатига кўра фарқлаш мақсадида ишлатилади. Бунда адабий асарларни Б. деб атаб, улар адабий-бадиий асарларга қарши қўйилади. Яъни бу маънода Б. бадиий образ воситасида фикрламайдиган адабий асарларни билдиради ва бир қатор адабий жанрларни қамраб олади: очерк, сафарнома, эссе, мемуарлар, мактублар, афористика ва б.; 4) адабиётнинг яхши намуналарига қарши қўйилувчи “енгил адабиёт” маъносида қўлланади. Бу маънода Б. дейилгандা, ҳозирги кунда матбуотда тижорий мақсадни кўзлаб чоп этилаётган енгил-елпи битиклар, оммавий адабиёт тушунилади.

Адабиётшунослик луғати

БЕСТСЕЛЛЕР (ингл. best – энг яхши, sell – сотилмок) – ноширликнинг тижорий томони билан боғлиқ ҳолда юзага келган термин, катта тиражда чоп этилган ва тез тарқалиб кетган, тижорий нуқтаси назардан муваффақият қозонган китоб. Шундан келиб чиқиб, Б. термини китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинган ва қўлма-қўл бўлиб кетган асарларга нисбатан ҳам қўлланади. Бироқ муайян асарнинг Б.га айланиши унинг бадиий мукаммаллик даражасини белгилай олмайди, чунки асар бадииятга алоқаси бўлмаган турли омиллар (қизғин реклама, айни ўз вақтида ёзилганлик, кенг омманинг дид ва талабларига мослик ва б.) натижасида Б.га айланиши мумкин. Албатта, чинакам сўз санъатига дахлдор асарлар ҳам Б.га айланиши мумкин (мас., Г.Маркес, П.Коэльо асарлари), бироқ амалда бу кўпроқ оммавий адабиёт намуналари (детектив, саргузашт, фантастика, жангари асарлар ва ш.к.)га насиб этади. Бу ўринда усталик билан, омманинг қизиқишилари ва руҳиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган реклама, турли тақдимотлар мухим аҳамият касб этади. Шунингдек, ноширлик ишлари тижорий асосга қўйилган Farb мамлакатларида чоп этилган асарларнинг тиражи, сотилиши каби кўрсаткичлар бўйича рейтинглари ҳам мунтазам эълон қилиб борилади.

БИБЛИОГРАФИЯ (юн. biblion – китоб, grapho – ёзмок) – 1) китоблар, вақтли нашрларда эълон қилинган асарлар рўйхатини тузиш, уларни тематик ёки бошқа (фан соҳалари бўйича, муаллифлар исми-шарифи бўйича ва ҳ.) жиҳатларга кўра таснифлаш, қисқача аннотациялар ёзиш каби вазифаларни ўз олдига қўювчи илмий-амалий соҳа; 2) адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳаси. Адабиётшунослик Б.си адабиётшунослик бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш учун зарур маълумотларни – бадиий асарлар, адабиётшуносликка оид китоблар, мақолалар, илмий тадқиқотлар рўйхатларини тузиш, муайян тематик йўналишдаги ёки хронологик асосдаги библиографик кўрсаткичлар тайёрлаш билан шугулланади. Бундай кўрсаткичлар бирон-бир мавзу бўйича изла-наётган тадқиқотчининг вақтини тежайди, илмий фаолияти самарасини оширади, шу билан бирга, мавзу бўйича амалга оширилган ишлар билан тўлиқ танишиш имконини беради, демак, илмий хуносаларнинг объектив ва аҳамиятли бўлишига ҳам замин ҳозирлайди. Ўзбек адабиётшунослигига Б. соҳасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилган. Жумладан, ЎзР ФА Бош кутубхонаси хо-

Адабиётшунослик луғати

димлари томонидан тайёрланган “Адабий ҳаёт” библиографик күрсаткичи; Фитрат, А.Қодирий, Чүлпон, F.Үулом, А.Қаҳжор каби ижодкорлар, М.Құшжонов, О.Шарағиддинов, У.Норматов, Н.Каримов каби қатор олимлар фаолиятини ёритувчи библиографик күрсаткычларни бунга мисол қилиб көлтириш мүмкін.

БИОГРАФИК МЕТОД (юн. bios – ҳаёт, grapho – ёзмоқ) – адабиётшуносликтегі контекстуда таҳлил методларидан бири. Ушбу метод XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган бўлиб, асосчиси сифатида француз олими Ш.Сент-Бёв эътироф этилади. Б.м. бадий асарни муаллифининг ҳаёт йўли контекстида ўрганишни назарда тутади. Зоро, бадий асарда ижодкор шахсияти аксланади, шундай экан, унинг кўп қирралари муаллиф биографияси контекстидаги англашилади. Бошқача айтганда, Б.м. асарга муаллиф юклаган мазмунни англашда етакчи аҳамият касб этади. Mac., А.Қаҳжорнинг “Даҳшат” (1960) ҳикояси ўтмишдан баҳс юритади, бироқ уни биографик контекстда олинса, ҳикояда адаб асар яратилган давр муммаларини бадий идрок этаркан, ўз руҳиятида ва қарашларида рўй берган бурилишни акс эттирганини кўриш мүмкін. Б.м.нинг қанчалик самарали бўлиши кўп жиҳатдан тадқиқотчи қўл остидаги биографик материалга боғлиқдир. Тадқиқотчи ихтиёридаги биографик материал асар генезиси (яратилишига турткі бўлган омиллар, образлар ва сюжет чизикларининг реал илдизлари, унда ифодалangan foялар моҳияти ва ш.к.)ни ўрганиш имконини беради. Биографик материал (ёзувчи ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ хужжатлар, у ҳаракат қилган муҳит ва шу муҳит кишилари билан ўзаро алоқалари ҳақидаги маълумотлар, унинг ёзишмалари, у ҳақдаги хотиралар ва б.) қанча бой бўлса, методни қўллаш шунча самарали натижалар беради. Албатта, биографик материал мутлақ тўлиқ бўлмайди, яъни ёзувчининг ҳаётини кунма-кун хужжатли асосда тиклаш маҳол. Шунинг учун ҳам Б.м. муаллиф ҳаётига оид фактларни жонлантириш, етишмаган ўринларни тўлдиришни ҳам тақозо этадики, бу ҳол унга гипотетик унсурларни ҳам олиб киради. Mac., Чўлпоннинг “Қаландар ишқи” шеъри биографик контекстда олиб қаралса, унинг янги-янги мазмун қирралари очилади. Шеър 1920 йилда ёзилган. Чўлпон ўсмир пайтидан бошлаб февраль инқилоби юзага көлтирган шароитда “юртим учун демократик йўл билан озодликка эришиш имкони туғилди”, деган ишонч билан қайноқ ижтимоий фаолиятга шўнгиган

Адабиётшунослик луғати

бўлса, кейинроқ бу йўлдаги ҳаракатлари зое кетиб, умидлари чилпарчин бўлди. Яъни шеър Чўлпон “асрлик тош янглиғ бу хатарли йўлда қотган”, умидсизликка тушган даврда ёзилган. Шоир кайфияти “Карашма дengизин кўрдим на нозлик тўлқини бордир, Ҳалокат бўлгусин билмай қулочни катта отдим-ку”, “Қаландардек юриб дунёни кездим топмайин ёрни, Яна кулбамга қайгулар, аламлар бирла қайтдим-ку” каби сатрларда ўз ифодасини топади. Шеърдаги “Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку” мисраси шоир изтиробларининг чўққисини ифода этадики, унинг мазмунини биографик контекстдан ташқарида англаш қийин. Аввало, ўзбек тили учун ғализроқ “баҳосиз пул” биримасига эътибор қилиш керак. Шеър ёзилган давр кишиларига “баҳосиз пул” деганда, Керенский ҳукумати муомалага киритган ва тезда ўта қадрсизланган пулни назарда тутилгани аниқ бўлган. Шундан келиб чиқсан, Чўлпон бу билан февраль инқилобига ишониб “у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку”, дея изтироб чекаётгани маълум бўлади. Изтиробнинг асоси шуки, таҳликали замонда шоирнинг отасини ўғлининг сиёсий фаоллиги ташвишлантирган, табиийки, у ёлғиз ўғлининг ўз ёнида, хавф-хатардан йироқ бўлишини истайди. Бироқ “карашма дengизи”га ошуфта ўғил отани ташвишга қўйиб, норозилантириб бўлсада, ўз билганидан қолмайди. Яъни миллый руҳда тарбия топган Чўлпон энди отасини норозилантирганига ўқинади, бу ҳолни “у дунёни баҳосиз пулга сотмоқ” деб билади.

Адабий асар таҳлилида Б.м. нечоғли муҳим бўлмасин, уни мутлақлаштириш тўғри эмас. Бу ҳол адабиётшунослик тарихида кузатилган. Жумладан, XX аср бошларида Б.м.ни соғ ҳолда (яъни ёзувчи биографиясини даврнинг ижтимоий, маданий, маърифий шарт-шароитларидан узиб) қўллаш, ижодкор қалбининг суратини яратишга интилиш (француз олимни Р.де Гурмон, рус олимни Ю.Айхенвальд) кузатилади. Табиийки, бу бадиий ижод табиатини жўнлаштириш бўлиб, муқаррар равишда бирёқламаликка олиб келади. Адабий асар таҳлилига комплекс ёндашиш, Б.м.ни бошқа методлар билан алоқада қўллаш илмий жиҳатдан тўғрироқ бўлиши ва яхшироқ самара беришини унутмаслик лозим.

ВАЗН (ар. وزن – ўлчов) – конкрет шеърда юзага чиқувчи ритмик ҳодиса, метр, ўлчов. Сўзлашув амалиётида “аруз вазни”, “бармоқ вазни” тарзида ишлатиш кузатиладики, назарий жиҳатдан бу тўғри эмас. Чунки, аслида, аруз ҳам, бармоқ ҳам кўплаб вазнларни ўз

Адабиётшүнослик луғати

ичига олган шеър тизимларидир. В. шеър тизими қонуниятига асосланган ҳолда аниқ бир шеърнинг ўлчовини билдиради. Mac., аруз тизими қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг муайян тартибда такрорланишига асосланади, В. эса такрорланишининг конкрет шеърдаги тартибини белгиләётган ўлчовни билдиради. Агар “ғазал рамали мусаддаси солим вазнида ёзилган”, дейилса, унинг бир байтида 6 та, ҳар бир мисрасида учтадан руҳи, ҳар бир руҳида 4 тадан ҳижо борлиги, ҳижолар “чўзиқ-қисқа-чўзиқ-чўзиқ” тартибида гуруҳлангани англашилади. Яъни бу ғазал ритми шу ўлчов асосида тартибга солинган, унинг барча мисра ва байтлари ритмик жиҳатдан шу ўлчовга мосдир.

ВАРВАРИЗМ (лот. barbaris – ўзга юртники) – ўзга тилдан ўзлаштирилган сўз ёки жумла. Бадиий асар матнiga кўпроқ қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш, давр ёки муҳит колоритини акс эттириш каби мақсадларда киритилади. Ўзлаштириш қайси тилдан амалга ошганига қараб, баъзан В.нинг грецизм, латинизм, германизм, галлицизм, полонизм, азианизм каби кўринишлари ҳам ажратиласди. Ўзбек адабиётида В.нинг араб, форс, рус тилларидан олинган кўринишлари кўпроқ учрайди. Хусусан, мактаб ва мадраса таълимида араб ва форс тилларининг ўрни катта бўлгани сабабли, XX аср бошлирагача улардан олинган сўзлар жуда кўп қўлланган. Mac., A.Қодирий “Мехробдан чаён”да ёзади: “Худоёр муҳр босиши асноси ёзилған ёрлиғ ва номаларни ўқутуб эшитар, муншиларнинг эштилмаган араб ва форс сўзлари орқалик тўкуған ярим туркий жумлаларига аксар вақт тушунмас: “Эналаринг арапқа текканма?” деб мирзо, муфтиларни койир эди”. Худоёрхоннинг койиши бежиз эмас, A.Қодирий бунинг сабабини изоҳлаш учун улар иншо этган ёрлиқни келтирадики, ундан бир парча будир: “Адойи ҳадама асноси биз амири вазифа мутлақальинон дорус-салтананинг ҳаққи шаръийсиға хиёнат қилишдин ижтиnob, адолатимиз ойинасини данонат губороти бирлан халадор айлашдин парҳез, арзи доди фуқаромиз суръати истимоъида ихмол ва сустлик кўрсатмай интишори адолатимиз кўшишида субҳи шом машгул ва мабзуул, диққат ва эътибори қилғай деб ва яна мазкур исмиға ёрлиғ мактуб бўлмиш итоатиға афроди девонхонамиз маъмурлар деб, муҳри шоҳонамиз бирлан таъкид ва тақрир этдик”. Ёзувчининг ўзи сатр ости изоҳида ёрлиқнинг учдан бирини ташкил этувчи мазкур парчадаги 11 та сўз (жами 21 та)

Адабиётшүнослик лүгати

таржимасини берган. Ҳолбуки, уларнинг сони бундан кўпроқни ташкил қилиши ҳам мумкин эди. XX асрдан бошлаб эса тилимизда рус (ва рус тили орқали бошқа тиллардан кириб келган) сўзларнинг фаоллашуви кузатиладики, жонли сўзлашувдаги бу ҳол адабиётда ҳам ўз аксини топади. Жумладан, А.Қодирий яратган Калвак маҳзум ва Тошпўлат тажанг, Фитрат яратган Почамир каби машхур персонажлар нутқида араб-форс сўзлари қатори яккам-дуккам русча сўзлар ҳам қўлланади, бу эса давр жонли сўзлашув тилига хос хусусиятларни тасаввур этиш имконини беради. Ўтган асрнинг 30-йилларида келиб шеъриятимизда русча сўзларни қўллаш “мода”си пайдо бўлдики, бу ҳол, хусусан, куннинг долзарб мавзуларида яратилган публицистик руҳдаги шеърларда кўп учрайди. Mac., F.Гулом бир шеърида ёзади:

*Биз куйчилар, пролетар –
Мозолланган қўлларнинг
Кўз нурлари.*

Шоир ўзбекча қилиб “қадоқ”, “қадоқли” ёки “қадоқ босган” дейиш ўрнига “мозолланган” сўзини ишлатади. Бу ўринда В.нинг қўлланиши муайян бадиий-эстетик вазифа бажармайди, демак, у оддийгина модага эргашишдан бошқа нарса эмас. XX аср 80-йиллари насида персонажлар нутқида В.ларнинг қўлланиши уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини очиш, улар ҳаракатланаётган муҳит хусусиятларини акс эттиришга хизмат қилди, манқуртлашаётган тоифага, даврнинг оғриқли муаммоларига муносабатни ифодалаш воситаларидан бири сифатида кенг фойдаланилди (М.М.Дуст. “Истеъфо”, Э.Аъзам. “Байрамдан бошқа кунлар” ва б.)

ВАСЛ (ар. **وصل** – уланиш, қўшилиш) – 1) арузда ёзилган шеърларда айрим ёпиқ ҳижолар охиридаги ундошни вазн талаби билан ўзидан кейинги унли билан бошланган сўзнинг биринчи ҳижосига қўшиб ўқиши ҳодисаси. Mac., Машрабнинг:

*Сажда айлар зоҳид ул меҳробига,
Ман қултурман сажда эгма қошима, –*

байтидаги “зоҳид ул” (— —) бирикмаси В. қоидасига кўра “зо-ҳидул” (— v —) тарзида ўқилиши лозим, акс ҳолда шеър вазни бузилади. Чунки байт рамали мусаддаси мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида бўлиб, агар В. қоидасига риоя қилинмаса, биринчи мисра ҳашвидаги иккинчи ҳижо қисқа бўлмай қолади, натижада вазнда бузилиш юзага келади; 2) мутлақ қофия (қ.) унсури.

Адабиётшунослик луғати

ВАСФ (ар. وصف – тавсифлаш, тасвирлаш, сифатлаш) – бирор нарса, ҳодиса ёки шахсни мақташ, мадҳ этиш, чиройли үхшатишлар, мажозий иборалар билан таърифу тавсиф бериш. В. алоҳида жанр эмас, балки тавсифий характердаги қатор жанрлар (қасида, мадҳия, фахрия ва б.)га хос ифода йўсини, усулидир. В. характеристидаги шеърлар қасидадан ажralиб чиқкан бўлиб, жоҳилият даври араб шеъриятида шоирлар ўз туяси, оти ёки бошқа ваҳший ҳайвонларни, саҳрордаги турли ҳодисаларни В. қилиб шеърлар битган бўлса, кейинчалик унинг мавзу мӯлами кенгайди: бирор шахс, шаҳар, бино, йил фасллари, ой, қалам ёки қаламдон, бошқа бирор буюм, зеб-зийнат ва ш.к.ларни тавсифлаш мақсадида шеърлар битилди. Кўринадики, В.нинг мавзуси чекланган эмас. Шунга қарамай, мумтоз шеъриятимизда маъшуқа ёки унинг бирор узвини тавсифлашга бағишлиланган шеърлар (мас.: “Кокулинг”, “Сочларинг”, “Қошларинг”, “Суратинг” радиофли ғазаллар) кўпроқ учрайди. Одатда, шоир бирор нарсани В. қилар экан, унинг жамиятдаги ёки ўз ҳаётидаги ўрни, аҳамиятига баҳо беради, унга ўзининг муносабатини ифодалайди.

ВАТАД (ар. وطـ – қозикча) – сокин ва мутаҳаррик ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлувчи ритмик бирлик, жузэ (қ.). Ҳарфларнинг қай тартибда бирикишидан келиб чиқиб В.нинг икки тури фарқланади: В.и мажмуъ (ёки мақрун) ва В.и мафруқ. Аввал келган икки мутаҳаррикка бир сокин ҳарфнинг қўшилишидан В.и мажмуъ ҳосил бўлади: “самар”, “башар”, “қамар” каби сўзлар шу вазнга мосдир. Mac., “қамар”: мутаҳаррик (қа) + мутаҳаррик (ма) + сокин (р). В.и мафруқда эса икки мутаҳаррик орасида бир сокин ҳарф жойлашади: “нола”, “лола”, “зора” каби сўзлар шу вазнга мосдир. Mac., “нола”: мутаҳаррик (но) + сокин (л) + мутаҳаррик (а).

ВЕРЛИБР (фр. vers – шеър, libre – озод, эркин) – муайян ўлчов асосидаги вазн ва қатъий қоғияланиш тартибига эга бўлмаган шеър. В. насрдан фақат муайян нутқий бўлак (мисра)ларга бўлингани билан фарқланиб, бўлиниш ёзувда ҳар бир мисрани алоҳида сатрга ёзиш, талаффузда эса интонация (ритмик пауза ва ритмик акцентлар) ҳисобига таъкидланади. Европа халқлари шеъриятига В. ўрта асрлардаги литеургик шеърият, диний маросимларда ижро этилган қўшиқлар орқали яхши таниш бўлган. В.нинг дунёвий адабиётга кириб келиши немис романтизми билан,

Адабиётшунослик луғати

фаоллашуви эса француз символист шоирлари ижоди билан боғлиқ. XX асрда В. жаҳон шеъриятида, жумладан, ўзбек шеъриятида ҳам кенг оммалашди (қ. сарбаст).

ВОДЕВИЛЬ (фр. Нормандиядаги *Vau de Vire* деган жой номидан) – драматик жанр, кўпроқ майший мавзудаги, қизиқарли интрига асосига қурилган, ўйноқи қўшиқ-куплетлар ва шўх рақсларни ўз ичига олган пьеса. Аввалига, XVIII асрнинг 1-ярмида ярмарка сайилларида ижро этилган комедиялар таркибидаги қўшиқ-куплетлар В. деб аталган. XVIII аср охириларида келиб В. мустақил жанр сифатида шаклланган, кўнгилочар драматургик жанр сифатида бутун Европага тарқалган. XIX асрнинг 2-ярмига келиб В. фаол искеъмолдан чиқсан, унга хос хусусиятлар бошқа драматик жанрларга, хусусан, опереттага сингиб кетган.

ВОФИР (ар. وَفِير – мўл) – аруз баҳрларидан бири, ҳаракати, яъни қисқа унлилари кўп бўлгани учун шундай ном берилган. *Мафоилатун аслининг* (v – v v –) тақороридан ҳосил бўлади. В. араб шеъриятига хос баҳр бўлиб, ўзбек ва форс шеъриятида қўлланмаган. Фақат Навоий ўзининг “Мезон ул-авzon” асарида В. баҳрининг икки вазнига, Бобур эса “Мухтасар”да йигирма бир вазнига тўхталиб, уларга маҳсус байтлар битганлар ва мисол сифатида келтирсанлар. Хусусан, “Мухтасар”да:

Кел эй қаро кўз, манга гузар эт,

Будур санга сўз, манга назар эт, –

байти вофири мураббаъи солим (v – v v – \ v – v v –) вазнига мисол қилиб келтирилган.

ВОҚЕАБАНД ЛИРИКА – лирик кечинмани воқеанинг ихчам тасвири асосида ифодаловчи шеърлар, замонавий шеъриятда кенг тарқалган жанр. В.л.да воқеани тасвирлаш мақсад эмас, балки бир восита, лирик кечинмани ифодалаш воситасидир. Шунга кўра, В.л.да воқеа тўлақонли тасвирланмайди, балки пунктиrlар билан чизилади: унинг энг муҳим деталларини олиш, энг қизғин, кульминацион нуқтапарига ургу бериш билан кифояланилади. Тасвир кўлами, бир томондан, ўша воқеа таъсирида юзага келган ҳисстуйғуни ифодалаш, иккинчи томондан, ўкувчининг уни тасаввур қила олиши, лирик кечинмага туртки бўлган асосни ҳис қила олиши учун етарли бўлиши билан белгиланади. Мас., X.Давроннинг “1941 йил. 22 июнь. Пешин” шеъри:

Адабиётшунослик луғати

Уларни қўйишди жар ёқасида...
Отасин қўлини ушлаган гўдак
Чор атрофга қараб шўх, олазарак,
Сўради: "Ўқ тегса оғрирми, дада?"

Унинг овозини босди гулдирак...

Баҳорда жарликни қоплар ўт-ўлан,
Ўтлар узра сузиб ўтар оқ булут
Ва шунда гиёҳлар аччиқ дард билан
Шивирлар-шивирлар: "Оғриркан, дада!"

Бу нола ҳеч қачон бўлмайди унумт...

Шоир урушга муносабатини ифода этиш учун конкрет воқеани олади, лекин уни изчил тасвиirlамайди, унинг энг муҳим нуқтасини жонлантириш билан чекланади: кўзлаган мақсади учун шунинг ўзи етарли. Бу жиҳати билан шеър рангтасвир полотносига монанд, унда воқеанинг муайян лаҳзаси қотириб қўйилган. Худди рангтасвир асарини томоша қилаётган киши каби, ўкувчи ўша лаҳзагача ва ундан сўнг бўлган ҳолатни тасаввурда жонлантира олади (душманнинг қўққисдан ҳужум қилиши, ота-боланинг бу пайдаги ҳолати, уларнинг бошқалар билан бирга қўлга олиниши ва ҳ.). Агар булар бари батафсил тасвиirlанганида, лирик эмас, балки воқеабанд эпик асар яратилган бўлур эди. Шу жиҳатдан В.л. билан шеърий йўлда ёзилган эпик асарни фарқлаш зарур. Мас., А.Ориповнинг "Шарқ ҳикояси", "Ҳангома" шеърлари В.л. намунаси эмас, балки шеърий йўлда ёзилган кичик ҳикоятлар, яъни моҳиятан эпик характердаги асарлардир.

ВУЛЬГАРИЗМ (лот. vulgaris – қўпол, дағал) – нафосат талаби билан бадиий адабиётда ишлатиш расм бўлмаган қўпол сўз ва бирималар. Персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, уларга эмоционал-ҳиссий муносабатни ифодалаш, конкрет эпизоддаги руҳий ҳолатини кўрсатиш каби мақсадларда ишлатилади. Мас., "Утган кунлар"да Отабек "Ич муни, ич, жалаб!" дея заҳарланган аталани Зайнабга отади. Ушбу ўринда ишлатилган В. на Отабекнинг табиатига, на нафосат талабларига мувофиқ, лекин персонажнинг айни дамдаги руҳий ҳолатини бўрттириб тасвиirlаш мақсадида жуда ўринли ишлатилган. Кўпинча В.лар матнда келтирilmайди, уларнинг ўрни кўп нуқта билан тўлдирилади. Бу ҳол,

Адабиётшунослик луғати

аввало, нафосат талаби билан, иккинчидан, В.ларнинг ўз ичида даражаланиши, улардан айримларининг бадий матнда кўлланишини ҳеч бир ғоявий-бадиий мақсад оқлай олмаслиги билан изоҳланади. Зеро, ҳаётда учрагани ҳолда, бундай В.лар миллий маънавиятимизга, миллий ахлоқ нормаларига тамомила зиддир. Mac., Тоғай Муроднинг “От кишинаган оқшом” қиссасида шундай эпизод бор:

“– Ўчир-е ...

– Катта, энамни сўкманг. У бечора ичкарида неварасига қараб ўтирибди. Сизга бундайин бепошна гаплар эп бўлмайди.

– Ўчир дейман-е ...

– Эса, мен ҳам сизнинг ...”

Ўтган асрнинг 20 – 30-йилларида оммалашган инвектива (қ.) руҳидаги шеърларда В.лардан мухолифларга ўта салбий муносабатни ифодалаш учун ҳам кенг фойдаланилган. Mac., F.Гулом шеъридан олинган қуидаги:

Ким у –
Буюк узилиш –
Иркит кўлларда
Қай лагерда қавм?
Ўртоқ,
Ўйла, кўр,
Мана у душман –
Номард ўлумтик
Кўк кўйлак билан ўз ичимиизда, –

парчада ғоявий душманларга муносабатни ифодалаш учун “ирkit”, “ўлумтик” каби В.лар қўлланган. Булардан ташқари, айrim манбаларда персонажлар нутқидаги услубий жиҳатдан ўта ғализ жумлалар, талаффузи бузилган сўзлар ҳам В. саналади.

ВУЛЬГАР СОЦИОЛОГИЗМ – XX асрнинг 20 – 30-йиллари шўро адабиётшунослигига кузатилган қарашлар тизими, адабиётга ёндашув тамоили. В.с. марксча “базис-устқурма” ақидасини, адабиёт ва санъат ижтимоий-иқтисодий базиснинг устқурмаси, улар мафкура соҳаси сифатида синфий табиатга эга деган қарашни мутлақлаштириш натижаси ўлароқ юзага келган. В.с. намояндалари фикрича, адабиёт ва санъат мавжуд ижтимоий муносабатларга, бадиий ижод эса ижодкорнинг синфий мансублигига бевосита боғлиқ бўлиб, худди шу нарса адабий асарнинг мазмун-мундари-

Адабиётшунослик лұғаты

жасини белгилайди. Натижада бадиий адабиёт билан ижтимоий фанларнинг мазмун-мундарижаси, мақсади ва вазифалари орасида ҳеч бир фарқ күрилмайды, бадиий адабиёт ижтимоий ҳаётнинг бадиий иллюстрациясига айлантириб қойилади. В.с.нинг назарий асослари В.Фриче, В.Ф.Переверзев, В.А.Келтуяла сингари адабиётшуносларнинг асарларида, шунингдек, пролеткультчилар ҳамда ЛЕФчиларнинг назарий қараашларида үз аксини топтан. Шуро адабиётшунослигига В.с. кескин танқид қилинган, 30-йиллар матбуотида бу масалада муросасиз баҳслар бўлиб ўтган. Жумладан, Ҳ.Олимжоннинг “Ўқиш ва ўрганиш қийинчиликлари тўғрисида”, “Марксизм ниқоби остидаги меньшевизм” номли мақолаларида ҳам В.с., унинг назариятчиси Переверзев ва унинг издошлари кескин танқид қилинган. Шунга қарамай, шуро адабиётшунослиги үз фаолиятида В.с. таъсиридан буткул қутула олмади, чунки шуро адабиётшунослигига етакчилик қилган социологик метод билан В.с. чегараси жуда нозик, у томон оғиб кетиш ҳеч гап эмас.

ГЕРМЕНЕВТИКА (юн. *hermeneuo* – тушунтироқ, талқин қилмоқ) – тушуниш назарияси, матнни талқин қилиш тамойиллари ҳақидаги таълимот, гуманитар фанларнинг методологик асоси. Г.нинг илдизлари қадим Фарб ва Шарқ маданиятига бориб тақалсада, XIX асрга келибина алоҳида фан соҳаси сифатида шаклланган бўлиб, немис файласуфлари Ф.Шлейермахер ва В.Дильтейлар фаолияти билан боғлиқ. Таълимотнинг кейинги ривожида М.Хайдеггер, Г.-Г.Гадамер, П.Рикёр, М.Бахтин сингари олимларнинг хизмати катта бўлди. Г.нинг марказида ТУШУНИШ масаласи туради. Жумладан, Ф.Шлейермахер Г.ни умуман ёзма манбаларни “тушуниш санъати ҳақидаги таълимот”, деб билади. Унга кўра, ҳар қандай ёзма манба (матн) иккιёклама табиатга эга: бир томондан, у тил тизимиға нисбатан қисм, иккинчи томондан, муайян бир индивиднинг ижод маҳсулидир. Шунинг учун Г. олдида бир-бирига боғлиқ иккита вазифа туради: биринчisi – матндаги лисоний инфодани муайян тил тизимининг узви сифатида ўрганиш (“грамматик” талқин), иккинчisi – унинг ортида турган бетакрор субъектни англаш (“психологик” талқин). В.Дильтей ўзининг “ҳаёт фалсафаси”да Г.га билиш назариясининг хусусий томони эмас, балки гуманитар фанлар (“руҳ ҳақидаги фанлар”)нинг асоси сифатида қаради. Зоро, унга кўра, тушуниш ҳаёт аталмиш бутунликни адекват ифодалашнинг ягона воситаси бўлиб, у туфайли ҳаётни идрок этиш мумкин

Адабиётшунослик луғати

бўлади. Дильтейнинг таъкидлашича, ҳар қандай индивиднинг ижод маҳсули ҳаётни объективлаштиришдан бошқа нарса эмас; инсон ўзга шахсда ҳам ўзида тушуна олган нарсани тушунади. Шу тариқа ҳаёт (тарихий-руҳоний олам) идрок этувчи (тушунаётган шахс)га нисбатан изоморфdir, монандdir.

Г.нинг фалсафага айланиши М.Хайдеггер номи билан боғлиқ бўлиб, у "тушуниш"ни билиш эмас, мавжудлик усули деб қаради. Унга кўра, тушуниш инсон мавжудлигининг асосий белгиларидан бири; инсон мавжудлиги аввалбошдан тушуниш тақозо этиладиган ҳолат, шу ҳолатни тушунтириш Г.нинг вазифасидир. Унинг шогирди ва давомчиси Г.-Г.Гадамер учун ҳам "тушуниш" инсон мавжудлиги билан боғлиқ универсал категория: унинг нафақат муайян матнга, умуман оламга муносабатининг асосида ҳам "тушуниш" ётади. Яъни у матнни талқин қилиш амалиёти ва назарияси бўлмиш Г.га экзистенционал феноменологияни пайвандлайди. Гадамерга кўра, матнни тушуниш жараёни билан ўқувчининг ўз-ўзини тушуниш жараёнини бир-биридан ажратиб бўлмайди, тушуниш кўп жиҳатдан ўқувчига боғлиқ. Бироқ бу матн талқини мутлақо эркин, ўқувчи маънавий-рухий эҳтиёжларидан келиб чиқиб уни хоҳлаганидек тушуниши мумкин, дегани эмас: талқин матнда моддийлашган мазмунни тушуниш демакдир. Шунинг учун ҳам, Гадамер ўтмишда яратилган матнни "замона"лаштириб тушунишга, унга замона муаммоларини сингдиришга қарши. Унинг таълимотида тил асосий ўрин тутади, чунки тил туфайлигина анъана тирик, тил руҳиятида эса "ҳаракатдаги тарихий онг" воқе бўлади: тушунмоқчи бўлаётганимиз асар, у биздан тарихан қанчалик узоқ бўлмасин, биз билан диалогга киришади, шу асно ўша асар ҳам, биз амалга ошираётган талқин ҳам "анъана ҳодисаси"нинг узвига айланади. Бироқ бу фикрга Г. билан шуғулланувчи мутахассисларнинг бари ҳам қўшилмайди. Жумладан, Гадамердан фарқли ўлароқ, Э.Бетти ўзга шахснинг англанишида талқин қилувчи шахсияти, унинг ижодий фаоллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб билади. Умуман, ҳозирги вақтда Г. доирасида турлича йўналишлар, қатор баҳсли масалалар ҳам мавжуд. Француз олими П.Рикёр ҳозирги Г. доирасида иккита бир-бирига зид йўналиш борлигини айтиб, биринчисини *телеологик* Г., иккинчисини эса *археологик* Г. деб атайди. Анъанавий Г.ни *телеологик* деб атаркан, Рикёр унинг мақсадлилигидан, яъни асосий эътибори матннинг зоҳирий мазмуни ва унда акс этган шахс

Адабиётшунослик луғати

рухини англашга қаратилганидан келиб чиқади. Иккинчи йўналиш эса археологик бўлиб, у матн (гап)нинг воқе бўлиш сабабини ва шундан келиб чиқсан ҳолда ботиний мазмунини англашга қаратилгандир. Рикёр археологик Г.нинг илдизлари инсоннинг мавжудлик асосини иқтисодий манфаатда кўрган Маркс, ҳокимиятга интилишда деб билган Ницше ва жинсий майллардан излаган Фрейд таълимотларида, деб ҳисоблади. Унинг уқтиришича, инсон шафқатсиз дунёда ўзига овунч излайди, уни ўзи яратиб олган оламдан топадики, бу олам унинг ўз МАЪНОЛАРИДАН иборатдир. Археологик Г. шу иллюзор оламда воқе бўлган матн ортида турган одамнинг ўзи ҳам англамаган (онгсизлик) ёки атайин яширган маъноларни топиш, "фош этиш" билан шугулланади. Шу сабабли ҳам Рикёр Гадамернинг лингвоцентрик қарашига қўшилмайди, унинг учун тип анъанаси эмас, балки символлар устувор аҳамият касб этади. Археологик Г.да тушунишнинг энг муҳим хусусияти – диалогикликка путур етади, бунда талқин қилувчи билан матн ортидаги шахс мулоқоти йўқ, матн ортидаги субъект ҳам обьектга айланади.

Албатта, адабиётшунослик учун фалсафий Г.дан кўра анъанавий тушунчадаги, яъни матнни талқин қилиш ("тушуниш") назарияси сифатидаги Г. муҳимроқ. Шу билан бирга, ноанъанавий Г.ни ҳам тўла инкор қилиб бўлмайди, аксинча, талқинда унинг усусларини қўллаш самарали натижа бериши мумкинлигини эътибордан соқит қиласмаслик керак, зоро, улар талқин қилувчи билан матн ортидаги шахс мулоқоти (диалог)нинг янада жонлироқ бўлишига хизмат қиласди.

ГИМН (юн. *hymnos* – мадҳия) – 1) қадимги юонон адабиётида илоҳларни улуғлаш, мақташ учун куйланган қўшиқ. Юононлар Аполлонни мадҳ этиш учун пеан, Дионис мадҳи учун дифирамб тўқиб куйлашган. Кейинчалик тарихий воқеалар, қаҳрамонлар мадҳ этилувчи тантанавор қўшиқлар ҳам Г. деб юритилган. Г.нинг илк намуналари Миср, Месопотамия, Ҳиндистон халқлари адабиётида учрайди. Г.га хос хусусиятлар сифатида тантанаворлик, фахрифтихор, руҳий кўтаринкиликтининг бўртиб туриши, маросим ва тантаналарда кўпчилик томонидан ижро этилиши кабиларни кўрсатиш мумкин; 2) мазмунан дастурий характердаги шеър асосидаги тантанавор қўшиқ, муайян ижтимоий ҳаракат, уюшма, муассаса, давлат ва ш.к.ларнинг атрибулларидан бири, мадҳияси. Mac., Ўзбекис-

Адабиётшунослик луғати

тон Республикаси Давлат Мадҳияси, "Интернационал", "Жаҳон демократик ёшлари федерацияси гимни" ва ҳ.

ГИПЕРБОЛА (юн. hiperbole – ўта катталаштириш, бўрттириш) – тасвирланаётган нарса ёки ҳодисанинг у ёки бу жиҳатини ўта бўрттириш, катталаштириш асосига қурилган бадиий усул, стилистик фигура; кўпроқ ҳалқ оғзаки ижоди, романтизм шеърияти, сатирик асарларга хос (қ. муболага).

ГОНГОРИЗМ – испан шоири Л.де Гонгора-и-Арготе (1561 – 1627) номи билан боғлиқ ҳолда испан ва португал тилларидаги адабиётларда юзага келган барокко доирасидаги оқим (қ. барокко).

ГОТИК РОМАН – XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярмида Европа ва Америка адабиётларида оммалашган тематик жиҳатдан фарқланувчи роман тури. Г.р.лар ғайриоддий, даҳшат ва сирларга тўлиқ воқеаларни қаламга олиши билан характерланади. Мутахассислар Г.р. маърифатчилик романларига хос рационализмнинг зидди ўлароқ майдонга чиққани, бадиий адабиёт тараққиётида романтизмлди ҳодисаси сифатида воқе бўлгани ҳамда Европа ва Америка адабиётларида романтизмнинг қарор топишига сезиларли таъсир қилганини таъкидлайдилар. Г.р.нинг асосчилари ва йирик намояндалари сифатида инглиз адиллари Х.Уолпол, А.Радклиф, М.Льюис, француз адаби Ж.Казотлар эътироф этилади.

ГРАДАЦИЯ (лот. gradatio – изчил кучаймоқ) – мазмунни изчил кучайтириб боришга асосланган стилистик фигура. Г.нинг икки хил кўриниши мавжуд бўлиб, биринчиси нутқий бирликларни маъносига кўра белги-хусусият (ҳолат, ҳаракат ва б.)ни кучайтириш (кли-макс), иккинчиси эса сусайтириш (антиклимакс) тартибида кетма-кет келтириш орқали воқе бўлади. Мас., Иқбол Мирзо шеъридан олинган қуйидаги парчада маънонинг кучайтирилган такрори кузатилади:

Сөевгилим,
дилсизлар дилларимизни,
тошбўрон қилсалар,
вайрон қилсалар,
тиконлар қопласа йўлларимизни...

Адабиётшунослик лүфати

Бунда маъно “тошбурон – вайрона – тиконзор” тарзида кучайтирилади: тошбурон вайроналикка олиб келади, тиканзорга айланиш эса вайроналикнинг юқори даражаси. Бу ўринда Г. лирик қаҳрамон кечинмалари динамикасини ифодалайди, туйғуни кучайтириб, кечинмани чуқурлаштириб боради. Аксинча, Э.Шукур куйидаги шеърда худди шу самарага бөлгі-хусусиятни сусайтириб борувчи нутқий бирликларни тақрорлаш орқали эришади:

Жаҳонга сугмасак, уйга сугмасак,
Қаёққа кетармиз, эй дил, қаёққа?
На-да гул бўлолдик, на ўт, на кесак
Қаёққа кетармиз, эй дил, қаёққа?

ГРАФОМАНИЯ (юн. grapho – ёзмоқ, mania – касаллик, дард) – иқтидори бўлмаган ҳолда ёзишга ружу қўймоқ. Г. ёзувчиликни жўн тушуниш, унга шуҳрат ва бойликка эришишнинг осон йўлларидан бири деб қараш, ўзининг ижодий имкониятларини реал баҳолай олмаслик оқибатида юзага келади. Китоб нашр этиш имкониятлари кенгайган ҳозирги кун шароитида Г. кенг тарқалган ҳодисага айланди. Г. маълум даражада касаллик саналиши (“мания” психик касалликка нисбатан ишлатилади) мумкин, чунки унга йўлиқкан киши ўз битикларини танқидий баҳопашдан ожиз бўлиб қолади, ўзгалар фикрини қабул қилмайди, ўзини тан олинмаган даҳо деб билади, ҳар қандай йўл билан асар ёзиш ва чол эттиришга интилади.

ГРОТЕСК (итал. grotta – ер остидаги уй) – бадиий адабиёт ва санъатдаги образлиликнинг фантастика, кулги ва муболағага асосланган бир тури, услуб, бадиий усул. Г.да реаллик ва хаёлот, гўзаллик ва хунуқлик, фожеавийлик ва комиклик каби бир-бирига зид жиҳатлар ғалати, ажабтовур бир тарзда бирикиб кетади. Бадиий шартлиликнинг бошқа турларидан фарқли равишда, Г. ҳамиша намойишкорона ошкоралиги билан ажралиб туради. Г. асосида яратилган бадиий воқелик нечоғли ғайритабиий, мантиқсиз, ажабтовур бўлмасин, унинг мантиқий асосланиши талаб қилинмайди, зеро, унда реал воқелик эмас, ижодкор тасаввуридаги воқелик акс этади. Г. терминининг пайдо бўлиш тарихи ҳам қизиқ: шогирдлари билан Римдаги қазишмаларда иштирок этган машхур рассом Рафаэль ер ости биноларида турфа безаклар, одамлар, жонивору ўсимликларнинг ғайритабиий суратлари солинган топилмаларга дуч келади. Шу топилмалардаги ўзига хос тасвир услуби кейинча-

Адабиётшунослик луғати

лик Г. терминига асос бўлди. Г. образлиликтининг жуда кўхна тури, архаик даврлардаги турли ғайритабиий махлуқлар (сфинкслар, кентаврлар, химералар ва б.) тасвири унинг илк намуналари дир. Бирок қадим аждодлар учун Г. бадий шартлилик (усул, услугуб ёки образлилик тури) бўлмаган, улар бу нарсаларни ҳақиқатда мавжуд деб билишган. Кўпроқ мифология таъсирида Г.дан антик ижодкорлар асарларида ёқ бадий усул сифатида фойдаланила бошланган, бироқ унинг адабиёт ва санъат арсеналидаги муҳим воситалардан бирига айланиши ўрта асрларга келиб амалга ошли. Энди Г. реалистик унсурлар билан уйғунлашиб, воқеликни идрок қилиш, унга муносабатни ифодалашнинг бекиёс воситасига айланди. Уйғониш даврига келиб карнавал маданиятига хос Г. адабиётда ҳам ўз аксини топди, худди карнавалдаги каби Г. кулгиси бир пайтнинг ўзида ҳам инкор, ҳам тасдиқдир. Худди шу жиҳатлари билан Ф.Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэль” асари “гротеск реализми”нинг мумтоз намунаси бўлиб қолди. Г. имкониятларидан Ж.Свифт, В.Гюго, Гофман, Н.В.Гоголь, Салтиков-Шчедрин, М.Булгаков, Ф.Кафка сингари йирик сўз санъаткорлари унумли фойдаланганлар. Ўзбек адабиётидаги Г.нинг яхши намуналарини О.Мухтор (“Минг бир қиёфа”), Х.Дўстмуҳаммад (“Бозор”) асарларида кўриш мумкин.

ДАДАИЗМ (фр. dada – ёғочдан ишланган ўйинчоқ от, кўчма маънода болаларга хос бетартиб нутқ) – Биринчи жаҳон уруши даври Европа адабиёти ва санъатидаги авангардистик оқим; Биринчи жаҳон урушида қатнашаётган юртлардан бетараф Швейцарияга келиб, муҳожирликда яшаётган анархистик кайфиятдаги ижодий зиёлилар муҳитида шаклланган, Цюрихда чоп этилган “Кабаре Вольтер” (1916 – 1917) журнали теварагида уюшган. Д.моҳият эътибори билан урушга, жаҳон урушини келтириб чиқарган муҳитга қарши исёни эди. Уларнинг исёни мавжуд тартиботларни инкор қилиш, уларни маънисиз (абсурд) деб ҳисоблашда, анархизмни бундай шароитда энг мақбул мавқе деб билишда намоён бўлади. Шулардан келиб чиқиб, Д.нинг санъат ва адабиётдаги исёнкорлик мавқеи белгиланган: улар бадий ижода иррационализм тарафдори бўлганлар, адабий-бадий анъаналарга нисбатан нигилистик антиэстетизм мавқеини эгаллаганлар. Уларнинг ижод амалиётидаги исёни адабиётда сўз ва товушларни маънисиз биректириш, тасвирий санъатда нарсаларни ўзаро мазмуний-манти-

Адабиётшунослик луғати

қий алоқасиз, тасодифий тарзда жамлаб тасвирлаш кабиларда намоён бўлади. Д. вакиллари адабиёт ва санъатнинг ижтимоий функцияларини инкор қилганлар, чинакам санъат ижтимоийликдан холи бўлади, деб ҳисоблаганлар. Адабий-бадиий оқим сифатида Д. узоқ яшамади: ўтган асрнинг 20-йиллари бошидаёқ барҳам топди, унинг қаторида бўлган ижодкорларнинг бир қисми сюрреалистлар, бошқа бир қисми эса экспрессионистлар сафини тўлдирдилар.

ДЕВОН (ар. دون – ёзиш, рўйхатга олиш, тўплам) – Шарқ мумтоз адабиётидаги шеърий тўпламларнинг асосий тури. Д.га шоирларнинг ўзлари ёки бошқа шахслар (котиблар, шогирдлар, муҳлислар ва ш.к.) томонидан тартиб берилган. Шарқ адабиётда Д. тартиб бериш анъанаси шаклланган бўлиб, бу анъанага қатъий амал қилинган. Д.га киритилган шеърлар, бир томондан, жанрига кўра, иккинчи томондан эса алифбо (бу талаб асосан ғазалларни жойлаштиришга қўйилади) тартибига кўра жойлаштирилади. Д.лар, асосан, ғазал жанри билан, баъзан эса қасида билан бошланади. Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” кулиёти таркибиға кирувчи “Фаройиб ус-сиғар” Д.ига ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, таржиъбанд, маснавий, қитъа, рубой тарзида тартиб берилган бўлса, “Бадойеъ ул-васат” Д.и ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, таржиъбанд, қасида, қитъа, чистон, туюқ тарзида тартиблangan. Кўриниб турганидек, шеърий мажмуанинг Д. саналиши учун унинг таркибиға мумтоз лирикага хос барча жанрлардаги шеърларнинг кириши шарт эмас, адабиётимизда фақат ғазаллардан тартиблangan Д.лар ҳам мавжуд (Навоий. “Наводир ун-нихоя”; Атойи Д.и.). Ғазаллар Д.дан қофияланувчи мисраларининг қайси ҳарф билан тугаётганига қараб ўрин эгаллайди.

ДЕКАДЕНТЛИК (лот. decadentia – таназзул, тушкунлик) – XIX аср охири – XX аср бошлари Европа халқлари бадиий ва ижтимоий тафаккурида кузатилган тушкунлик (таназзул) ҳолатларини умумлаштириб ифодаловчи термин. Яъни Д. алоҳида бир адабий йўналиш ёки оқимга хос бўлмай, умуман, шу даврда ижод қилган санъаткорларга, ҳатто, улкан иқтидор эгаси бўлган айрим реалистларга ҳам у ёки бу даражада хос бўлган кайфият, руҳни англатади. Д. кайфияти эртанги кунга, инсоният келажагига умидсиз қараш, инсон акл-заковати, куч-кудрати, унинг олий хилқат сифатидаги мавжудлигига ишончсизлик, мавжуд воқеликни қабул қила олмас-

Адабиётшунослик луғати

лик кабиларда намоён бўлади. Мазкур кайфиятнинг кенг тарқалиши унинг объектив тарзда, жамият ҳётининг барча жабҳаларида кузатилган инқироз натижаси ўлароқ юзага келганидан далолат беради. Д. кайфияти илк бор француз символистлари (П.Верлен, А.Рембо, С.Малларме) ижодида, кейинроқ рус символистлари (Д.Мережковский, З.Гиппиус, Ф.Сологуб) фаолиятида, шунингдек, XX аср бошида оммалашган неонатуралистик проза (Л.Андреев, М.Арцибашев)да кенг кузатилади. Дунёқарашиб билан узвий боғлиқлиги ва бевосита ижодкорнинг воқеликка муносабати натижаси ўлароқ юзага келиши эътиборга олинса, Д. кайфиятнинг кейинги давр модернистик адабиёт вакиллари ижодида тез-тез кўриниш бераб туриши ҳам табиий ва қонуний экани англашилади. Шу билан бирга, модомики, ижодкор дунё билан фаол муносабатда яшар экан, ҳёти ва фаолиятининг муайян босқичида унинг онгию қалбида шундай кайфият устуворлик қилиб қолиши мумкинлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

ДЕТАЛЬ (фр. *detail* – тафсилот, майда-чўйда) – бадиий деталь; бадиий асарда муайян мазмун ифодаловчи, гоявий-бадиий юқ ташувчи тафсилот. Аввало, Д. бадиий воқеликни яратиш воситаси – ашёси бўлиб, у тасвирланётган нарса-ҳодисани конкретлаштиради, уни ҳиссий идрок қилиш мумкин бўлган тарзда гавдалантиради. Бошқача айтсак, Д. асарда тасвирланган образнинг кичик бир қисми (яъни у ҳамиша предметлиликни кўзда тутади), деталларнинг бирикуви натижасида ўша образ кўз олдимизда бутун ҳолда намоён бўлади. Бадиий Д. ортида маълум бир реалия мавжуд: майший турмуш ёки жой тафсилотлари, портрет чизгилари ва ш.к. Шунингдек, персонажнинг имо-ишоралари (жест), тана ҳолати (поза), хатти-ҳаракати, гап-сўzlари ҳам Д. саналади, улар бари бирликда конкрет инсон образини гавдалантиради. Яъни бадиий Д., аввало, бадиий воқеликни тўлақонли ва конкрет ҳис этиладиган даражада жонли тасвирлашга хизмат қиласди. Бироқ бадиий асардаги Д.нинг функцияси шунинг ўзи билан чекланмайди. У бадиий воқелик ашёси бўлиш билан бирга, бадиий умумлаштиришга интилади, ёзувчи фикрини аниқлаштириш, тўлдириш, кучайтириш мақсадларига ҳам хизмат қиласди. Мас., А.Қаххорнинг “Анор” хикояси қуйидагича бошланади: “Туробжон эшиқдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами яктагининг енги зулфинга илиниб тирсаккacha йиртилди. Унинг шашти қайтди. Жўхори туяётган хотини унинг

Адабиётшунослик лугати

қўлидаги тугунчани қўриб, келисопни келининг устига қўя чопди. Кели лапанглаб ағанади, чала туйилган жўхори ерга тўкилди". Ушбу парчанинг ўзида ҳаракат ("ховлиқиб кирмоқ", "келисопни келининг устига қўя чопди"), портрет ("қалами яктак"), пейзаж ("зулфин"), майший турмуш ("кели", "жўхори", "тугунча") Д.лари бўлиб, улар бирликда шу конкрет ҳаётий ҳолатни ўқувчи кўз олдида жонлантиради. Яъни бу уларнинг бирламчи функцияси. Бундан ташқари, мас., "зулфин" Д.и умумлаштириш функциясини бажаради: одам кирганида енги зулфинга илиниб йиртилиши учун эшик кичкина бўлиши керак, демак, ҳовли ҳам шу эшикка яраша. Қўринадики, биргина "зулфин" Д.и оиланинг яшаш шароити ҳақидаги информацияни умумлаштириб беради. Парчадаги иккинчи Д. – "тугунча" иккала персонажни бирдек ҳаяжонлантиради: "тугунчанинг олиб келингани" Туробжон учун ҳам, хотини учун ҳам ўта аҳамиятли (психологик функция), мазкур ҳол ўқувчи дикқатини унга йўналтиради, ҳолатга беписанд қарамаслик кераклигига ишонтиради (рецептив установка бериш функцияси). Парчада бошқа Д.ларнинг ҳам шунга ўхшаш функциялари бор, бундан ташқари, уларнинг функцияси шу парча доираси билан чекланмайди. Демак, бадиий Д. асар матнида полифункционал табиатга эга бўлади.

ДЕТЕКТИВ АДАБИЁТ (ингл. detective – изқувар) – саргузаштадабиётининг бир тармоли, сюжети асосида сирли жиноятларни очиш билан боғлиқ воқелар ётувчи асарларнинг умумий номи. Д.а. турли жанрларга мансуб асарларни – ҳикоя, қисса, романларни ўз ичига оладики, бу унинг тематик жиҳатдан ажратилишини кўрсатади. Шу боис ҳам адабиётшуносликка оид айрим ишларда, муомала амалиётида мавзу жиҳатидан Д.а. га яқин бўлган ҳарбий разведка, турли маҳфий хизматлар фаолияти ҳақидаги, шунингдек, бошқа кўплаб ўткир сюжетли, лекин бевосита жиноят қидирув билан боғлиқ бўлмаган асарлар ҳам Д.а.га мансуб саналади. Д.а.нинг классик намуналари XIX аср Европа адабиётида яратилган бўлиб, асосчиси сифатида француз адаби Эдгар По эътироф этилади. Унинг "Морт кўчасидаги қотиллик" (1841) номли асарида илк бор ҳайратомуз мантикий таҳлил қобилиятига эга изқувар образи яратилган, асар сюжети тўлалигича жиноятни очиш билан боғлиқ воқеалар силсиласидан иборат. Д.а. тараққиётида А.Конан Дойл, Г.Честертон, Ж.Сименон, А.Кристи, Ю.Семенов каби ижодкорларнинг катта хизматлари бор. Қизиқарли авантюрага бой сюжет,

Адабиётшунослик луғати

ўқишилилек Д.а.нинг кенг оммалашиб боришига асос бўлди. XX аср-га келиб, оммавий ахборот воситалари имкониятларининг кенгайиши, кино ва телевидениенинг ривожланиши билан боғлик ҳолда Д.а.га талаб янада кучайди. Энди кенг омма талабига мос Д.а. на муналари – Жеймс Бонд типидаги жосуслар, Фантомас типидаги ақпли жиноятчилар, мафия ичидаги хуфия иш юритаётган ёки жиноят оламига қарши якка курашаётган полициячию махфий хизмат ходимлари ва ш.к.лар ҳақидаги олди-қочдиларга тўла асарлар кўпайди.

ДИАЛЕКТИЗМ (юн. *dialektos* – шева, лаҳжа) – маълум бир худудда яшовчи кишилар тилига хос лексик бирликлар, фонетик, морфологик, синтактик хусусиятлар жами. Д.лар адабий асарларда тасвирланаётган жой колоритини беришда, маълум худуд кишила-рига хос турмуш тарзини тафсилли жонлантириш, персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам Д.лар қўлланиши жиҳатидан анча фаол. Мас., Т.Мурод асарларида Сурхондарё воҳаси кишиларига хос шева элементлари кўплаб учрайдики, улар воҳа кишилари ҳаёти, ўзига хос феълатори, руҳиятининг ҳаққоний ва тўлақонли тасвирланишига замин яратган. Хусусан, “От кишнаган оқшом” қиссасидан олинган қўйидаги парчаларда тилнинг турли сатҳларидаги Д.ларни кўриш мумкин: “Кўплари мени етиб келди, улоққа узалди”; “Шунда Тарлон бирдан ... сойга қараб зинкайди”; “Тарлон бир-бир босиб оёқ илди”; “Мен араз уришни яхши кўраман”; “Шунда узанги йўлдошларимга юз солдим”; “Губалақда бингак нишидай заҳар ниш бўлади”; “Ажабо, бундайчиниң қилиғи йўқ эди” “хамсоямиз Кулмат полвон бозорлаб келди”, “Кимнинг ули бўласан?” ва бошқ. Тил ўзида халқ руҳини мужассам ифодалashi Т.Муроднинг полвонлар, улоқчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи қиссаларида, айниқса, яқол намоён бўлади. Персонажларнинг ўзига хос нутқи воҳа кишиларига хос турмуш тарзи, урф-одат, инонч-эътиқодларни жонли тасвирлашга хизмат қиласди. Мас., “От кишнаган оқшом” қиссасида шундай эпизод бор:

“– Чақалоқли уйга бемаҳалда келиб бўлмайди. Мабодо, бирор билмасдан келиб қолса, ундан улгу олиб қолиш лозим бўлади.

– Қаердан оласан?

Адабиётшүнослик луғати

– Бизга барибир. Ўнгирингизнинг учидан майдагина бир ип бўлса-да майли. Аёллар чақалоқли уйда ипни исириққа қўшиб тутатадилар.”

Д.лар, одатда, кўпроқ персонажлар нутқига киритилади. Уларнинг қўлланиши адабий тилни бойитувчи омиллардан саналади, шунга қарамай, бунда муайян меъёрни сақлаш талаб қилинади.

ДИАЛОГ (юн. *dialogos* – гаплашиб, сұхбат) – 1) икки ёки ундан ортиқ кишининг нутқий муроқоти, сұхбат; 2) адабий-бадиий матн компоненти, асардаги персонажларнинг нутқий муроқоти берилган ўринлар. Ҳозирги замон прозаси *ривоя*, *тавсиф ва диалогдан* таркиб топади; замонавий эпик асарларда диалог салмоғининг ортиши кузатиладики, бунга турлараро синтезлашув, бадиий адабиётнинг бошқа санъатлар билан ўзаро алоқаси натижаси сифатида қараш мумкин; 3) фалсафий-публицистик мазмун йўналишидаги жанр, унда қўйилган масала бир неча кишининг сұхбати шаклида муҳокама этилади. Д. жанрига антик даврнинг Сукрот, Афлотун сингари мутафакирлари асос солғанлар. Кейинча ўрта асрлар, Уйғониш даври ва Европа маърифатчилик адабиётида ҳам Д. жанри анча фаол бўлган. Ўзбек адабиётида Д.нинг илдизлари мунозара жанрига бориб тақалади. XX аср бошлари ўзбек адабиётида Д. жанри, унга хос унсурлардан маърифатчилик ғояларини оммалаштиришда самарали фойдаланилди. Жумладан, Фитратнинг “Мунозара”, “Бедил” асарларини Д. жанри намунаси санаш мумкин.

ДИДАКТИК АДАБИЁТ (юн. *didaktikos* – ўргатувчи, таълимий) – муайян таълимий, тарбиявий мақсадларда яратилган адабий асарларнинг умумий номи. Адабиётнинг таълимий-тарбиявий имкониятлари жуда катта бўлиб, унга қадимдаёқ эътибор қаратилган. Жумладан, антик давр юонон файласуфи Афлотун “Давлат” номли асарида бу имкониятлардан қандай фойдаланиш масаласини атрофлича муҳокама қилади. Д.а. намуналари мавзу эътибори билан турлича, улар нимани ўргатишни мақсад қилгани жиҳатидан бирбиридан фарқланади. Мас., Д.а.нинг бир қисми илмий шеърият деб ҳам юритилади ва маълум бир илм соҳасини оммалаштириш мақсадини кўзлайди: зироатчилик (Гесиод. “Мехнат ва кунлар”), дунёнинг тузилиши (Лукреций Кар. “Нарсалар табиати ҳақида”), тиббиёт (Ибн Сино. “Тиб илми”), поэзия санъати (Н.Буало. “Шеър санъати”) ва б. Шарқда ҳам адабиётнинг дидактик имкониятлари-

Адабиётшунослик луғати

дан кенг фойдаланилган. Шарқ мұмтоз адабиётидаги Д.а.нинг яхши намуналари сифатида Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойик”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”, Бобурнинг “Мубаййин” каби ланднома руҳидаги асарларини күрсатиш мумкин. Мазкур асарлар мазмун-мундарижаси жиҳатидан универсал бўлиб, турли даражадаги ижтимоий муносабатлар, инсоннинг бурчи ва вазифалари, дунё ва охират, эътиқод, одобахлоқ, илмнинг аҳамияти каби ҳаётда зарур турфа масалалардан баҳс юритади. Шунингдек, шарқда диний маърифатни тарғиб этувчи асарлар ҳам Д.а.нинг муҳим бир тармоғини ташкил этади: “Девони ҳикмат” (А.Яссавий), “Сирож ул-муслимин”(А.Навоий), “Сабот ул-ожизин”(Сўфи Оллоёр) каби кўплаб асарлар диний-дидактика адабиёт намуналариdir. XX аср бошларига келиб, жадид маърифатчилик ҳаракати билан боғлиқ ҳолда, ўзбек адабиётида дидактикалик тамойили яна устуворлик касб этади. Янги усул мактабларини услубий таъминлаш мақсадида яратилган А.Авлонийнинг “Туркӣ Гулистон ёхуд ахлоқ”, Ҳамзанинг “Енгил адабиёт” каби асарлари том маънодаги Д.а. намуналари бўлса, жадид маърифатчиларининг деярли барча асарларида дидактикалик, гоявий-маърифий дидактика етакчи хусусият бўлиб қолди. Адабиёт тараққиётининг кейинги босқичларида соғ дидактик характердаги асарлар камайиб, асосан, болалар адабиёти доирасида кузатилади, энди ошкор дидактикалик камчилик сифатида тушунилади, сўз санъати ўзининг дидактик функциясини сездирмасдан, баркамол бадиий образлар воситасида амалга ошириш йўлини тутади.

ДИЛОГИЯ (юн. *di* – қўшма сўзларда “икки”, *logos* – сўз, ҳикоя, ривоят) – композицион жиҳатдан нисбий мустақилликка эга икки асардан ташкил топган асар. Д. таркибидаги икки асарни ижодий ниятнинг яхлитлиги, бир-бирини давом эттирувчи умумий сюжет чизиқлари, умумий персонажларга эгалик бир бутунга айлантиради. Шунинг учун ҳам, мас., Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романни Д. сифатида режалаштирилган бўлиб, муаллиф ижодий нияти Д. бутунлигига амалга ошиши лозим эди. Д.нинг “Кундуз” номли иккинчи қисми йўқолгани сабабли, унинг биринчи қисми – “Кеча” тугалланмаган асар, деган таассурот қолдиради. Ёзувчи М.Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романини Д.га мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Адабиётшунослик луғати

ДОСТОН – 1) туркий халқлар оғзаки ижодидаги эпик жанр. Халқ оғзаки ижодидаги Д.лар воқеабанд сюжет асосига қурилган йирик ҳажмли асарлар бўлиб, улар баҳши (оқин, жиров, манасчи)лар томонидан мусиқа (дўмбира, кўбиз ва б.) жўрлигига ижро қилинган, оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган. Бу жараёнда ҳар бир ижрочи ўзидан нимадир кўшган, ниманидир тушириб қолдирган ва шу тариқа Д.лар сайқалланиб борган. Халқ ижодидаги Д.нинг матний курилиши ижрога мос – унда насрый ва шеърий парчалар алмашиниб туради: ривоя асосан насрда амалга оширилса, қаҳрамонлар орасидаги энг муҳим диалоглар, уларнинг руҳий ҳолатлари, таърифу тавсифлар, ижрочи муносабати ва ш.к. кўпроқ шеърий йўлда берилади; 2) мумтоз адабиётимиздаги йирик ҳажмли, одатда, маснавий шаклида ва арузнинг маълум бир вазнида ёзилувчи шеърий асар. Мумтоз адабиётимиздаги Д.ларнинг аксариятини яхлит воқеа асосидаги сюжеттга қурилган (мас., “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”) эпик асарлар ташкил қиласи. Шу билан бирга, сюжети изчил ва яхлит бўлмаган (мас., “Ҳайрат ул-аброр”) ёки умуман воқеабанд сюжетсиз (мас., “Ҳибат ул-ҳақойик”) Д.лар ҳам мавжудки, улар турли ижтимоий-маънавий, ахлоқий-таълимий масалалардан баҳс юритувчи лиро-эпик характердаги фалсафий-таълимий ёки дидактик асарлардир; 3) замонавий адабиётда кенг тарқалган йирик ҳажмли шеърий асар, унга синоним тарзида поэма атамаси ҳам қўлланади. Ҳозирги адабиётда Д.лар битта умумий ном билан аталса-да, жанр хусусиятларига кўра улар турличадир. Шунинг учун ҳам амалиётда лирик достон, эпик достон, драматик достон каби аниқлаштирувчи атамалар қўлланади. Муайян Д.ни булардан бирига мансублигини белгилаш учун ўша достон структурасида лирик, эпик ёки драматик элементлардан қай бирининг етакчи мақомга эгалигидан келиб чиқиласи. Мас., шеърий ривоя – воқеани ҳикоя қилиш устувор “Ўч” (Ойбек), “Ойгул билан Бахтиёр” (Х.Олимжон) каби асарлар эпик достон, воқеа лирик кечинмани ифодалаш воситаси бўлган “Сурат” (Миртемир), “Рӯҳ билан сухбат” (С.Зуннунова), “Нидо” (Э.Воҳидов) каби асарлар лирик достон, воқеа драматик кўринишларда кўрсатилувчи “Маҳмуд Торбий” (Ойбек), “Жаннатга йўл” (А.Орипов) каби асарлар эса драматик достон тарзида фарқланади. Адабиётшунослиқда Д. (поэма)ларнинг ҳаммасини бирдек лиро-эпик жанр ҳисоблаш ҳоллари ҳам борки, юқоридагилардан келиб чиқилса, бу унчалик тўғри эмас.

Адабиётшунослик лүгати

Д.ни лиро-эпик жанр деб атаркан, унинг “баён қилинаётган эпик воқеани лирик қаҳрамон муносабати орқали ифодалаш” хусусияти асос қилиб олинади. Ҳолбуки, биринчидан, Д.ларнинг ҳаммасида ҳам “воқеа лирик қаҳрамон муносабати орқали” берилмайди, иккинчи томондан, ҳар қандай асарда, у хоҳ эпик ва хоҳ драматик асар бўлсин, тасвирланаётган воқеага муаллиф муносабати у ёки бу тарзда мавжуд. Шундай экан, лиро-эпик жанрга барча Д.ларни эмас, структурасида эпик ва драматик унсурлар мавқеи бир хил мақом тутган Д.ларнигина (мас., “Рұхлар исёни”) киритган тўғрироқ бўлади.

ДОХИЛ (ар. **دخل** – киравчи, кирган) – қаранг: **муқаййад қофия**

ДРАМА (юн. drama – ҳаракат) – 1) бадиий адабиётнинг учта асосий туридан бири. Д.нинг тасвир предмети – ҳаракат, у, Арасту таърифича, “барча тасвирланаётган шахсларни ҳаракат қилаётган, фаолиятдаги кишилар сифатида тақдим этади”. Д. обьектнинг пластик образини яратади, унда субъект – ижодкор шахси ҳам обьектга сингдириб юборилади. Д. адабиётга ҳам, театр санъатига ҳам бирдек тааллуқли: уни ўқиб ҳам қабул қилиш мумкин, айни чоғда, у театр асари – спектаклнинг асоси. Бошданоқ саҳнага мўлжаллаб ёзилиши драматик асарнинг қурилиши, поэтик үзига хослигини белгиловчи энг муҳим омилдир. Чунки у саҳна ижросини ҳам кўзда тутиши зарур. Бу нарса Д.нинг ташки қурилишидаёқ кўринади (парда ва кўринишларга бўлингандик, ремаркаларнинг ижрони кўзда тутган ҳолда берилиши). Ижрога мўлжаллангандик Д.нинг ички структурасини ҳам белгилайди. Жумладан, Д.даги ҳаракат – сюжет воқеалари макон ва замонда чекланган, ижро вақтига сифиҳ учун сюжетнинг кескин конфликт асосида шиддат билан ривожланиши тақозо этилади. Д.да концентрик сюжет типи етакчилик қиласи, сюжет воқеалари сабаб-натижка муносабатлари асосида бир марказга уюштирилади. Сабаб-натижка муносабати воқеаларнинг юз бериш жойи ва вақти жиҳатидан яқин бўлишини талаб қиласи. Яъни драматург асарни яратадиганидаёқ сюжет воқеаларининг ижро вақтига сифиши ҳақида қайғуриши, сюжет воқеаларини кескин конфликтлар асосида шиддат билан ривожлантириши заруратга айланади. Д.да сюжет воқеалари юз берадиган макон ҳам чекланган: биринчидан, воқеалар кечадиган жойни саҳнада шартли қайта яратиш (жой иллюзиясини ҳосил қила оладиган декорациялар ёр-

Адабиётшүнослик луғати

дамида) мумкин бўлиши лозим; иккинчидан, воқеалар маконий ўзгаришлар жиҳатидан ҳам чекланган, яъни улар кўпи билан тўртбеш жойдагина кечиши мумкин. Бир парда давомида содир бўлувчи воқеаларнинг битта жойда кечиши, сюжет воқеалари шу жой билан боғлиқ ривожланиши эътиборга олинса, Д.нинг сюжет қурилишига ижро имкониятлари кучли таъсир қилиши аён бўлади.

Драматург асарда жонлантиromoқи бўлган ҳаёт материалининг айрим унсурларини саҳнада қайта яратиш имкони йўқлигидан Д.нинг "шартлилик" даражаси жуда юқори бўлади. Чунки муаллиф ишоралар ёрдамида уларни ҳам томошабин (ўкувчи) тасаввурида уйғотиши, саҳнада бевосита жонлантирилиши мумкин бўлган воқеаларни тўлдириши зарур бўлади. Мас., муаллиф ремаркаларида "саҳна ортида отлар дупури, қиличлар жаранги", "саҳна ортидан кескин тўхтаган машина овози эшистилади" қабилидаги ишоралар берилади, уларнинг ёрдамида саҳнада жонланмаган нарса шартли (яъни ўкувчи тасаввуридагина) жонлантириллади. Д.да сюжетга киритиш имкони бўлмаган воқеа ёки тафсилотларнинг персонажлар тилидан мухтасар берилishi ҳам шартлиликнинг бир кўриниши бўлиб, у персонаж нутқига таъсир қиласди. Чунки бу воқеа ва тафсилотлар персонажларга маълум (жонли мулоқотда уларни эслатиш шарт эмас), бироқ улар ўкувчи (томушабин)да тасаввур ҳосил қилиш учун зарур ва шу зарурият туфайли сухбат табиийликдан чиқиб, шартлилик касб этади. Яъни тафсилотларни шу йўсин (персонажлар тилидан) бериш мажбурияти драматик асар персонажлари нутқининг бироз "сунъий", "саҳнавий" бўлишига олиб келади. Д.нинг асосий нутқ шакли – диалог. Унда кўлланувчи монологик нутқ ҳам шартлилик кўринишидир. Монологик нутқ шаклида персонажларнинг мушоҳадалари бериладики, овоз чиқариб ўйлаш ҳам шартлиликнинг бир кўринишидир. Айни пайтда, Д.даги монологик нутқ қурилиши ўзига хос: у кўпроқ пресонажнинг ўзи билан ўзи ёки хаёлидаги ким биландир сухбати, баҳси, кимгадир мурожаати тарзида қуриллади. Яъни битта персонаж тилидан айтилгани ҳолда ҳам драмадаги монологик нутқ диалогик асосга эгадир.

Драматик асарнинг ўқилиши ва саҳна талқинида бир қатор ўзига хосликлар мавжуд. Д.ни ўқиётган ўкувчининг иходий фаоллиги билан шу асар асосидаги спектаклни томоша қилаётган томошабиннинг иходий фаоллиги бир хил эмас. Ўкувчи ўқиш жараёнида "режиссёр" вазифасини зиммасига олади, драмани тасаввуридаги

Адабиётшунослик луғати

саҳнада жонлантиради; айни пайтда, у “актёр” сифатида ҳар бир персонаж ролини йўнаши ҳам керак. Д.да объектив ибтидонинг устуворлиги унинг турли ўқувчилар тасаввурида турлича “саҳналаштирилиши”га асос бўлади. Саҳналаштирилган драматик асарда бадиий мулоқот занжири узаяди: томошабин ва драматург орасида режиссёр (актёрлар, рассом, бастакор ва ҳ.) ўрин олади. Бошқача айтсан, саҳналаштирилган драматик асар сўз санъати доирасидан чиқиб синтетиклик касб этади, сабабки, энди унда театр, рассомлик, мусиқа санъатлари уйғунлашиб кетади. Аён бўладики, драма бошқа санъат турлари билан ўзаро алоқада яшайди ва ривожланиди. Зоро, драманинг табиати, яъни ижро учун мўлжаллангани, унинг шу санъат турлари билан узвий алоқада бўлишини тақозо этади.

Д.нинг асосий жанрлари сифатида *трагедия, комедия ва драма* (жанр маъносида) кўрсатилади. Драматик асарларни жанрларга ажратишда уларнинг асосий эстетик белгиларига таянилади. Трагедиянинг асосий эстетик белгиси – трагиклик, комедиянинг асосий эстетик белгиси – комиклик, драманинг асосий эстетик белгиси эса драматиклик саналади. Булардан ташқари, кичик драматургик жанрлар, шунингдек, турли жанр модификациялари ҳам мавжуд. Жумладан, жанр модификацияси сифатида *музиқали драма, мусиқали комедиялар* кўрсатилиши мумкин. Мусиқа жўрлигига ижро этишга мўлжаллангани, диалог ва монологлар ўрнини қисман вокал (ария ва дуэтлар) эгаллаши уларнинг ўзига хослигини, синтетик санъат намунаси эканлигини кўрсатади. Айрим санъат турларининг, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши натижасида драматургиянинг янги жанрлари пайдо бўлди, борлари фаоллашди. Mac., эстрада санъатининг ривожи натижасида *монолог* (бир актёр театри) жанри дунёга келди, қўғирчоқ театрлари ривожи ва модернизацияси унинг учун ёзиладиган пьесаларни фаоллаштириди, телевидениенинг ривожи *миниатюраларни*, турли маданий-маърифий тадбирларнинг оммалашуви эса *интермедия* жанрини фаоллаштириди; 2) драматик турнинг учта асосий жанридан бири, тарихий тараққиёт жараёнида драматик турнинг қадимда пайдо бўлган трагедия ва комедия жанрларига бир-бирининг зидди деб қаралган бўлса, Д. уларнинг синтези сифатида XVIII асрга келиб майдонга чиқсан. Синтезлашув, айниқса, Д.нинг мустақил жанр сифатидаги илк шаклланиш даврида яққол кўринади. Жумладан, ко-

Адабиётшунослик луғати

медиа сингари Д. ҳам одамларнинг шахсий ҳаётини тасвирлайди, бироқ ундан фарқли равишда камчилигу нуқсонлардан кулишни эмас, балки жамият билан мураккаб муносабатлардаги шахсни тасвирлашни мақсад қиласди. Трагедиядаги каби ўткир зиддият ва тўқнашувлар қаламга олингани ҳолда, Д.даги конфликт муайян ечимга эга, у ёки бу даражада ижобий ҳал қилиниши мумкин бўлган конфликтдир. Трагедия қаҳрамонлари фавқулодда кучли шахслар (бунга зид равишда комедияда тубан табака кишилари) бўлиши талаб этилса, Д. қаҳрамонига бу хил талаблар қўйилмайди – унинг қаҳрамони ҳаётйроқ. Реализм босқичига яқинлашган сари драматургияда трагедия ўрнини, етакчилик мавқеини Д. эгаллай бошлайди. Чунки Д. реалликдан олинувчи турли мавзуларни, характер ва зиддиятларни бадиий талқин қилишга кенг имкониятлар очиши, худди ҳаётнинг ўзидағи каби трагизм ва комизм элемантларини уйғунлаштира олиши, реал ҳаётга яқинлиги билан драматик жанрлар орасида алоҳида ўрин тутадики, унинг реалистик адабиётда етакчи мавқе эгаллаши шу билан изоҳланади.

ДРАМАТИЗМ – бадиийлик модуси. Драматиклек сифатида идиллия, элегия билан бир гурӯхни ташкил этади (қ. бадиийлик модуслари). Драматик “мен” ўзлигини бошқа бир “мен” билан ўзаро муносабатдагина англайди ва намоён этади. Унинг учун дунё олам тартиботи эмас, балки ўзганинг (ёки ўзгаларнинг – жамиятнинг) ҳаёти сифатида идрок этилади. Драматик шахс ўзга билан муносабатда ўзлигини намоён этиш имкониятларининг чегараланганигидан қўйналади. Мас., “Ўтган кунлар”даги Отабек трагик қаҳрамон сингари олам тартиботига қарши турәётгани йўқ, балки ўзгалар нуқтаи назарига (маиший ҳаёт доирасида эскича урф-одатларга, ижтимоий доирада эскича идора тизимига) қарши туради. Трагизмда олам тартиботи қадриятлар, анъаналар кўринишида қаҳрамон онгига унинг шахсий майл ва истаклари, интилишлари билан зиддият юзага келтиради. Драматик қаҳрамон эса ўзига қарши турган кучларнинг қадриятларини ўзганинг қадрияти сифатида англайди ва уларни қабул қила олмайди (мас., “Ўтган кунлар”да Отабек, “Даҳшат”да Унсин). Шунга кўра, драматик конфликт трагик конфликт каби келиштириб бўлмас зиддият эмас, ундан ҳал этиш имкониятларининг мавжудлиги билан фарқланади. Драматизмда айб ва хато трагизмдаги каби ўнглаб бўлмас фожеа, жиноят сифатида тушунилмайди. Драматизмда хато ва айблар, қаҳрамон бошдан

Адабиётшунослик луғати

кечирган можаролар сабоқ чиқариш учун ҳам зарур. Шунинг учун драматизмда муаллиф қаҳрамонни, кўпинча, янги йўл бошида қолдиради (мас., “Диёнат”да Отакўзи Умаровнинг Нормурод домла қабри тепасидаги ўйлари, “Даҳшат”да Нодирмоҳбегимнинг додхо хонадонидан бош олиб кетиши). Демак, драматик конфликт характерига кўра шахснинг ўзлигини намоён этишини чегаралаётган ташқи кучлар билан зиддиятидир. Драматик қаҳрамон ҳаётда ўзига белгиланган ролнинг ижро чегараларига сиймайди, драматизмнинг юзага келиши учун элегиявий қаҳрамондан фарқли ўлароқ, драматик қаҳрамон ўзининг ташқи, ўзгалар билан алоқадаги ҳаёти учун масъулликни ҳис қиласидан шахсадир. Элегиявийликдаги каби мавжудликнинг драматизмга хос кўриниши ҳам – ёлғизлик, бироқ бу элегиявийликдаги иложисиз ёлғизлик эмас, балки ўзга “мен” билан биргаликдаги ёлғизлик. Негаки, драматик вазият ўзига хос “мен” билан ўзига хос “сен”нинг ўзаро муттасил алмашиниб турувчи яқинлашиш ва узоқлашиш жараёнидир (Нормурод Шомуродов – Отакўзи).

ЕЧИМ – сюжет унсури; эпик ёки драматик асар асосида ётган асосий воқеалар ривожининг якуни, уларнинг ниҳоясида қаҳрамонлар рухиятида, тақдирида юзага келган ҳолатни, персонажлар орасидаги конфликтнинг ечимини баён этувчи сюжет қисми. Еда конфликтли ҳолат, қаҳрамонлар орасидаги зиддиятлар ўзининг бадиий ечимини топади. Бироқ бу қатъий қоида эмас. Кўплаб асарларда Е.дан сўнг ҳам зиддиятлар, қаҳрамонлар тақдиридаги чигалликлар ҳал қилинмаганича қолаверадики, бу ўқувчини ўйлашга, мушоҳада қилишга ундейди. Яъни том маънодаги Е.нинг мавжуд эмаслиги асарнинг таъсир кучини, ўқувчининг иходий фаоллигини оширишга хизмат қилувчи усулга айланади. Мас., П.Қодировнинг “Эрк”, О.Ёкубовнинг “Матлуба”, “Қанот жуфт бўлади”, Х.Султоновнинг “Саодат соҳили” каби қиссаларида шундай. Демак, Е.ни асардаги конфликт (ва у орқали қўйилган проблема)нинг ечими сифатида эмас, балки ундаги воқеалар ривожининг якуни, натижаси сифатида тушуниш түғрироқдир. Е. турли типдаги сюжетларда турли даражада намоён бўлади. Арасту таъбирича, “бошланиши, ўртаси ва охири” бўлган концентрик (қ. сюжет) сюжетли, тугундан Е.га томон ривожланиб борувчи ўзаро сабабнатижа муносабати асосида боғланган воқеалар силсиласидан

Адабиётшунослик луғати

иборат сюжет асосига қурилган асарларда Е., яъни “түгуннинг ечими” бўлган воқеанинг охири яққол кўзга ташланади. Айни пайтда, адабиётда хроникали (қ. *сюжет*), Арасту таъбирича, эписодик сюжетга қурилган асарлар ҳам кенг тарқалган бўлиб, уларда Е. яққол кўзга ташланмайди. Аникроғи, бундай асаддаги ҳар бир эпизод ўз Е.ига эга бўлади, эпизодлар орасида эса сабаб-натижа муносабати эмас, даврий муносабат ётади. Mac., “Ўтган кунлар” романида биринчи эпизоднинг Е.и – Отабекнинг уйланиши, иккинчи эпизодники – Отабекнинг ғанимларини ер билан яксон қилиши, учинчи эпизоднинг Е.и – Кумушнинг ўлими. Асада сюжетнинг хроникалилик дарражаси ортгани сари сюжет Е.и хиралашшиб боради, яъни энди ундаги “түгуннинг ечими” маъноси йўқолиб, “воқеаларнинг охири” маъноси бўртади. Mac., П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи.

ЖАНР (фр. *genre* – жинс, тур, хил) – адабий жанр, адабий асарларнинг тарихан шаклланувчи типи, муайян давр миллий ёки жаҳон адабиётида умумий хусусиятлари билан турли кўламдаги гурухларни ташкил қилувчи асарларни англатувчи тушунча. Ж. терминининг қўлланишида турличалик кузатилади: айрим манбаларда Ж. термини адабий тур (эпос, лирика, драма) маъносида ишлатилса, бошқа бирларида анча тор маънода (эпос – тур, роман – хил, тарихий роман – жанр) қўлланади. Шунга қарамай, Ж.терминининг бир адабий тур доирасидаги умумий хусусиятлари билан фарқланувчи асарлар гуруҳи (мас., эпос – адабий тур, ҳикоя, қисса, роман – Ж.) маъносида қўлланиши кенроқ оммалашган. Тарихий категория сифатида адабий Ж.лар системаси муттасил ҳаракатда яшайди: янги Ж.лар вужудга келади, такомиллашади, истеъмолдан чиқади; ҳар бир алоҳида Ж.да ҳам муттасил сифат ўзгаришлари кузатилади, бадиий ижод амалиёти унинг шаклий ва мазмуний хусусиятларига муттасил ўзгартиришлар киритиб боради. Иккинчи томондан, янги давр адабиётида, XVIII асрдан бошлаб, бадиий ижода индивид ролининг муттасил ортиб бориши баробарида анъанавий Ж. канонлари ҳам емирилиб боради: эндиликда муайян ижодкорнинг у ёки бу Ж.да яратган асари ҳам қатор ўзига хосликларни, яъни конкрет асарга хос Ж. хусусиятларини намоён этаверади. Яна бир жиҳати, ҳар бир давр адабиётидаги Ж.лар тизими адабий анъаналарнинг давоми ва адабий алоқалар натижаси ўлароқ, янада ранг-баранг тус олади: фаол Ж.лар билан бир қаторда анъанавий ва хорижий адабиётлардан ўзлашган

Адабиётшунослик луғати

Ж.лар ҳам истеъмолда бўлади. Демак, ҳар бир давр адабиётининг Ж.лар тизимини синхрония/диахрония аспектларида ўрганиш тақозо этилади. Айтилганларнинг бари, албатта, Ж. назариясини ишлаб чиқишида қийинчилик туғдиради, ҳали бу борада умумэътироф этилган, тугалланган таълимот ёхуд тизимли тарзда амалга оширилган Ж.лар таснифининг мавжуд эмаслиги шундан. Бу табиий ҳам, чунки, биринчидан, Ж.лар системаси муттасил ўзгаришда экан, у ҳақдаги назарий қараш ҳам адабиёт тараққиётининг ўтиб бўлинган муайян босқичига нисбатангина тугал бўлиши мумкин. Иккинчидан, ижод амалиётида индивидуалликнинг роли ортган шароитда Ж. канонларини қатъий белгилаб бўлмайди, шу боис таъриф ва таснифда ҳар бир Ж.га хос энг умумий белгиларни асосга олиш билан қаноатланишга тўғри келади. Бундай умумий белгилар сифатида конкрет асарнинг адабий турга мансублиги, асосий эстетик белгиси, композицион хусусиятлари, тасвир кўлами, бадиий нутқ шакли ва табиати кабилар кўрсатилиши мумкин. Mac., асосий эстетик белгисига кўра драматик жанрлар (комедия, трагедия, драма), ҳаётни қамраб олиш кўламига кўра эпик жанрлар (хикоя, қисса, роман) бир-биридан яққол фарқланади. Яъни бу белгиларни дастлабки асос қилиб олгач, эътиборни Ж.нинг бошқа белгиларига қаратиш мумкин бўлади. Mac., трагедиянинг асосий эстетик белгиси трагиклик бўлса, бу Ж.га мансуб этилиши учун асарда яна трагик ҳолат, трагик конфликт ва трагик қаҳрамон бўлиши ҳам тақозо этилади. Ёки ҳикоя, асосан, қаҳрамон ҳаётидаги битта воқеани қаламга олади, бу – жанрнинг асосий белгиси. Лекин битта воқеа қисса, ҳатто романга ҳам материал бериши мумкин. Демак, асарни ҳикоя жанрига мансуб этиш учун яна унинг ҳажман кичик бўлиши, характернинг тайёр ҳолда берилиши; сюжет асосида “воқеалар ривожи” эмас, балки “воқеанинг ички ривожи” (яъни воқеадан воқеага тарзида эмас, воқеанинг эпизодидан эпизодга тарзидаги ривожланиш) ётиши талаб этилади. Бундан кўринадики, Ж.лар тизими муттасил ўзгаришда бўлса ёки конкрет асарнига хос Ж. хусусиятларини намоён этса-да, ҳар бир адаф юқоридаги каби муайян даражада тургун хусусиятлар экан. Бу эса Ж.ни поэтик матрица деб ҳисоблаш им'ди. Поэтик матрица бадиий воқеликни ташкиллаш бўлиб, асарларда бадиий воқеликларнинг турфаз ўзида уларнинг бари учун умумий жиҳатларни

Адабиётшунослик луғати

матрицани бадий ёки кундалик мулокот нутқидаги клише(қолип, синтактик конструкция)ларга қиёсан тушуниш қулай. Нутқий мулокотга киришаётган инсон тил воситаларидан фойдаланган ҳолда информация етказиш, унга муносабатини ифодалаш ва тингловчига муайян таъсир кўрсатиш мақсадларини кўзлади. Бунинг учун у онгода мавжуд тайёр клишеларга тил материали (сўзлар)ни муайян алоқа ва муносабатда жойлаштириши лозим. Шуниси мұхимки, бир томондан, клишеларнинг тилдан фойдаланувчиларнинг барі учун умумий эканлиги ўзаро бир-бирини тушунишнинг асоси, иккинчи томондан, умумий клишелардан фойдалангани ҳолда ҳар бир сўзловчи нутқи индивидуал хусусиятларини ҳам намоён этаверади. Шунга ўхшаш, поэтик матрицалар ҳам моҳияттан юқорироқ дараражадаги клишелар бўлиб, улар бадий хотирада мавжуд, улар воситасида ижодкор бадий воқееликни яратади, яъни ҳаёт материалини муайян бадий информациини етказидиган, унга муносабатини ифодалайдиган ва ўқувчига муайян таъсир ўтказадиган тарзда жойлаштиради.

ЖАРГОН (фр. jargon – бегона, тушунарсиз тил) – муайян ижтимоий қатлам, кичик гурухга хос “шева”, умумхалқ тилидан фарқланиб, асосан, шу “шева” вакилларига тушунарли бўлган унсурлардан таркиб топади. Ж., асосан, лексик ва фразеологик бирликлар ҳисобига юзага келади, шунинг учун ҳам у тилнинг лексик ва фразеологик сатҳларида воқе бўлувчи ҳодиса сифатида таърифланади. Бироқ амалда Ж. , кўпинча, бу икки сатҳ чегарасидан чиқади, яъни бутун бошли гап ҳам Ж. саналиши мумкин. Шунинг учун ҳам терминнинг кенгроқ – “шева” сифатида тушунилиши тўғрироқ бўлади. Ж. бадий асарда персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, мұхит колоритини бериш мақсадида, асосан, персонажлар нутқида қўлланади.

ЖИМ ҚОЛИШ – стилистик фигуранлардан бири, шеърий мисраларда ифодаланаётган фикр ифодасини атайин тугатмай қолдириш. Ж.қ.да фикр охиригача ифодаланмаса-да, унинг аниқ англашилиб туриши шарт, бунинг учун эса аввалги мисраларда пухта замин ҳозирланиши лозим. Мас.:

Мен сендан кетмоқ истайман
Ёмғирдек эмас, –
Ёмғир яна қайтиб келади.

Адабиётшунослик луғати

Мен сендан кетмоқ истайман
Шамолдек эмас, –
Шамол яна қайтиб елади.
Мен сендан кетмоқ истайман
Мұхаббат каби... (Х.Даврон)

Шеърнинг дастлабки икки сатри учинчи мисра билан, кейинги икки сатри олтинчи мисра билан изоҳланса, сўнгги икки сатрда шоир бу йўлдан бормайди – жим қолади, изоҳни шеърхоннинг ўзи ўзича шакплантириши зарур бўлади. Бунга матнда етарли асос бор: шеърнинг биринчи ва иккинчи уч мисрали бандлари синтактик (строфик) параллелизм усулида қурилган бўлиб, учинчи мисралар дастлабки икки мисрани изоҳлайди, яъни “нега ёмғирдек эмас? – чунки у қайтиб келади”, “нега шамолдек эмас? – чунки у қайтиб келади”. Сўнгги мисрадаги “каби” билан аввалги мисралардаги “эмас”нинг зидлиги охиригача ифодаланмаган фикрни “муҳаббат каби – чунки у қайтиб келмайди” тарзида тушунишга асос бўлади.

ЖОМИЙ УЛ-ҲУРУФ (ар. جامع الحروف – ҳарфларни жамловчи, ўз ичига қамраб олувчи) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, алифбодаги барча ҳарфларни такрорсиз қўллаган ҳолда байт айтиш. Яъни Ж.ҳ. асосида ёзилган байтда алифбодаги барча ҳарфлар иштирок этиши ва уларнинг ҳеч бири иккинчи ўринда такрорланмаслиги талаб этилади. Ўз-ўзидан аёнки, мазкур талабни уддалаш ғоят мушкул. Бир томондан, юзага келтириш имконининг жуда ҳам чеклангани, иккинчи томондан, кўпроқ шаклбозлилка мойил бўлганидан шеъриятда у қадар оммалашмаган.

ЖОНЛАНТИРИШ – кенг маънода метафоранинг бир кўриниши, жонсиз нарса-ҳодисаларга инсон, умуман, жонли мавжудотга хос сифатларнинг берилиши. Шунингдек, жониворларга инсонга хос сифатларнинг берилиши ҳам Ж.нинг бир кўриниши (антропоморфизм) саналади. Ж. бадий асарда турли даражада воқе бўлади: 1) стилистик фигура. Инсон тафаккурига хос аналогиялар асосида (метафорик) фикрлаш, тип анъаналари билан боғлиқ ҳолда ва муайян ғоявий-эстетик мақсадни кўзлаб бадий нутқда нарса-ҳодисаларга жонли мавжудотларга хос хусусиятлар берилади. Мас., “Ховлиқма жилғалар чопар безга” (А.Орипов) сатрида инсонга хос сифат (“ховлиқма”) ва ҳаракат тарзи (“чопмоқ”) жилғага берилмоқдаки, бу билан манзаранинг жонли, таъсирчан чиқишига эришилмоқда. Стилистик фигура сифатидаги яна бир кўриниши

Адабиётшунослик луғати

эса апострофадир (қ.); 2) бадий усул. Муайян бир мақсадни кўзлаган ҳолда нарса-буюмлар инсон каби ҳаракатлантирилади: улар ўйлайди, изтироб чекади, қувонади ва ш.к. Мас., "Ўтган кунлар"даги Кумушнинг ҳуснига маҳлиё ариқ суви, Х.Султоновнинг "Ёзниг ёлғиз ёдгори" қиссасидаги милтиқ; 3) образлилик тури. Кўп ҳолларда Ж. асосида рамзий ва аллегорик образлар яратилади. Жумладан, мумтоз адабиётдаги ташхис санъати (қ. ташхис) бунга мисол бўла олади. Образлиликтининг бу тури ҳозирги адабиётда ҳам фаол қўлланади.

ЖУЗВ (ар. جزو – бўлак, қисм, парча, бутун эмас) – арузда сокин ва мутаҳаррик ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлувчи ритмик бирлик, ҳарф билан руҳн орасидаги ритмик бўлак. Ҳозирги адабиётшунослиқда Ж. термини кўпроқ мазкур маънода қўлланса-да, мумтоз арузшунослиқда ушбу тушунча баъзан руҳн (Қайс Розий, Ҳусайнний, Навоий), баъзан эса асл (Тарозий) деб юритилган. Ж. термини араб арузига татбиқан фаол, туркий арузга нисбатан эса кам қўлланади, чунки туркий арузда ҳижо термини ҳарф ва жузе маъноларини аксар ўзига қамраб олади. Шу боис ҳам Фитратдан кейинги ўзбек арузшунослигида бу икки термин ўрнига ҳижо терминини қўллаш кўпроқ оммалашган. Ж. мутаҳаррик (чўзғили) ва сокин (чўзғисиз) ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлади ва шундан келиб чиқиб, Ж.нинг уч хили ажратилади: сабаб, ватад, фосила (қ.).

ЗАРБ (ар. ضرب – урмоқ, зарба бермоқ; иккинчи мисранинг сўнгги бўлагини зарб билан, ургу билан айтиш) – қаранг: **тақтиъ**

ЗИҲОФ (ар. زحاف – ўзгарган, аслидан узоқлашган, четлашган, жойидан қўзғолган) – аруз шеър тизими асосини ташкил қилувчи 8 аслнинг сифат ёки миқдор жиҳатидан турли ўзгаришларга учраши. Аслларнинг 3.га учраши натижасида уларнинг турли тармоқлари – фуруълар ҳосил бўлади. Асллар уч хил йўл билан 3.га учраши мумкин: 1) ҳижоларнинг миқдор жиҳатдан ўзгариши. Бунда руҳн таркибидаги ҳижолар сони ўзгаради, яъни асосан, руҳн таркибидан бир ёки бир неча ҳижо тушиб қолади. Мас., фоилотун аслининг ҳазоф 3.ига учраши натижасида охирги чўзиқ ҳижо (тун) тушиб қолади ва фоилун (маҳзуф) фуруъси ҳосил бўлади; 2) ҳижоларнинг сифат жиҳатдан ўзгариши. Бунда руҳн таркибидаги ҳижолар сифа-

Адабиётшунослик луғати

ти ўзгаради, яъни чўзиқ ҳижо қисқа ёки ўта чўзиқ ҳижога, қисқа ҳижо чўзиқ ёки ўта чўзиқ ҳижога, ўта чўзиқ ҳижо қисқа ёки чўзиқ ҳижога айланади. Mac., мафоийлун аслининг кафф З.ига учраши натижасида охирги чўзиқ ҳижо (лун) қисқа ҳижога айланади ва мафоийлу фуруъси (макфуф) ҳосил бўлади; 3) руҳн таркибидаги ҳижолар бир пайтнинг ўзида ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан ўзгаришга учрайди, яъни руҳн таркибидаги бир ёки бир нечта ҳижо туширилиб, қолган ҳижолардан бирида сифат ўзгариши юз беради. Mac., мафоийлун аслининг қаср З.ига учраши натижасида охирги чўзиқ ҳижо (лун) туширилиб, ундан олдинги чўзиқ ҳижо (ий) ўта чўзиқ ҳижога (ийл) айланади ва мафоийл фуруъси (мақсур) ҳосил бўлади.

ЗУЛҚАВОФИЙ (ар. *ذو القاففي* – уч ва ундан ортиқ қофияли) – қофия билан боғлиқ шеър санъатларидан бири, байт таркибида уч ёки ундан ортиқ қофиядош сўзлар жуфтлигини келтириш. З. ритми-ни айрича таъкидлаш орқали байтга ўзига хос мусиқийлик, хушоҳанглик баҳш этади. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан олинган қуйидаги байт З.га яхши мисол:

Ҳар қиссада шукр сол тилимга,
Ҳар гуссада сабр бер илимга.

Мазкур байтда “тилимга – илимга” жуфтлиги асосий қофия бўлса, “шукр – сабр” ва “қисса – гусса” жуфтликлари ҳам ўзаро қофияланиб келмоқда. З.ни тарсеъдан фарқлаш керак (қ. *тарсеъ*). Яъни тарсеъда мисралардаги барча сўзлар ўзаро қофиядош бўлади, З.да эса келтирилган байтдаги каби (сол – бер) бир ёки бир неча қофиядош бўлмаган жуфтликлар қолиши мумкин.

ЗУЛҚОФИЯТАЙН (ар. *ذو القافتين* – икки қофияли) – қофия билан боғлиқ шеър санъатларидан бири, байт таркибида асосий қофиядан ташқари яна битта қофиядош сўзлар жуфтлигини келтириш, яъни З. байтда қофиядош сўзлар жуфтлиги иккита бўлишини тақозо қиласи. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан олинган қуйидаги байт З.га мисол бўлади:

Лола қадаҳини тошиқа урдуңг,
Жола гуҳарини бошиқа урдуңг.

ИБТИДО (ар. *ابتدا* – бошланиш) – қаранг: **тақтиъ**

Адабиётшунослик луғати

ИБХОМ (ар. **ابهام** – ёпик сўзлаш, ёпиб ўтмоқ, беркитмоқ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъатлардан бири. И.да гап бўлаклари (асосан, бош бўлаклар) шундай жойлаштириладики, уларнинг синтактик вазифасини турлича (эгани кесим, кесимни эга тарзида) тушуниш мумкин бўлади ва шу асосда бошқа бир маъно келиб чиқади. Яъни И. қўлланган байт (мисра)даги гап бўлакларининг ўрнини алмаштириб, шунга мос ургу ва оҳангда ўқилса, байтнинг иккинчи маъноси келиб чиқади. Мас., “Висолинг шавқидан кун бўлди тун” мисрасида “тун” эга деб тушунилса, “тун ёришди” маъноси; “кун” эга деб тушунилганда эса “кун тунга айланди, куннинг ўтгани билинмай қолди” маъноси англашилиши мумкин. “Кутадгу билиг”даги:

*Баъзиси золимдан чекади алам,
Баъзига йўқчилик келтиради ғам, –*

байтида “йўқчилик келтиради ғам” жумласини “йўқчилик кишига ғам келтиради, киши йўқчилик туфайли ғам чекади” тарзида ҳам, “ғам инсонга йўқчилик келтиради, ғам чеккан инсон йўқчиликка учраши мумкин” тарзида ҳам тушуниш мумкин. И. санъати мумтоз шеъриятда у қадар фаол қўлланмаса ҳам, ўзига хослиги билан ҳамиша ижодкорлар қизиқишига сабаб бўлиб келган. Шу боис ҳозирги шеъриятда ҳам И. санъатининг яхши намуналарини учратиш мумкин. Мас., Эркин Воҳидовнинг:

*Аслида ким қарапди ётганда хор сурма,
Бўлди азиз кўзига суртганда ёр сурма, –*

матлаъсидаги иккинчи мисрани “ёр кўзига суртгани учун сурма азиз бўлди” тарзида ҳам, “кўзига сурма суртгани учун ёр азиз бўлди” тарзида ҳам тушуниш мумкин.

ИДЕАЛ, эстетик идеал (юн. *idea* сўзидан фр. *ideal* – тасаввур, тушунча) – эстетика, жумладан, адабиётшуносликнинг муҳим илмий категорияларидан бири, гўзаллик, эстетик мукаммалликнинг юксак даражаси ҳақидаги ҳис этиладиган конкрет-тимсолий шаклда акс этувчи тасаввурлар жами. Жамиятда яшаётган ҳар бир инсон онгида мукаммал жамият, мукаммал ижтимоий муносабатлар, мукаммал инсон ҳақидаги тасаввурлар мавжуд бўлиб, уларнинг бари И.ни ташкил қиласи ва унинг воқеликка муносабатини белгилайди. Умуман олганда, эстетик И. ҳам шунинг бир қирраси, конкрет-тимсолий шаклда воқе бўлувчи гўзаллик тасаввуридир. Ҳақиқатда И.нинг қирралари бутуннинг қисми бўлиб, уларни бир-

Адабиётшунослик луғати

биридан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мутахассислар И.нинг серқирралигини, унинг моҳияти: онг соҳасида – ҳақиқат, ахлоқ соҳасида – эзгулик, эстетика соҳасида – гўзалликдан иборат эканлигини таъкидлайдилар. Албатта, бу қирраларнинг ҳар бири ўзининг муайян меъёрларига эга бўлиб, улар давр ўтиши билан ўзгариб, конкретлашиб боради. Мас., тасаввуф адабиётининг И.ига қўра, ҳақиқат – Ҳақ, Аллоҳ; эзгулик – Ҳақнинг буюрганини қилиш ва у қайтарганни қилмаслик; гўзаллик – шу иккисига мувофиқлиқда, нимаики буларга мувофиқ эмас, у гўзаллиқдан айро тушади. Инсоннинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ ҳолда И. ҳам ҳаётга яқинлашади, у ижтимоий-сиёсий мундарижа касб этади. Мас., жадид адабиётининг И.га қўра, ҳақиқат – миллат тараққийси (эркин ва адолатли жамият, маърифат, муносиб миллӣ турмуш, миллӣ озодлик ва б.); эзгулик – миллат тараққийсига хизмат қилувчи амал; гўзаллик – шу иккисига мувофиқлиқ. Давр билан боғлиқ ўзгаргани ҳолда, И.ни замонга буткул боғлаб қўйиш хато бўлур эди. Негаки, И. ижтимоий характерга эга, у жуда қадим замонлардан шаклланиб, тўлишиб, конкретлашиб келади ва, айни чоғда, у моҳияттан ҳамиша келажакда бўлиб, бу ҳол уни вақт ҳукмидан холи этади. Худди шу нарса санъат асарининг боқийлигини таъминловчи асосий омилдир, чунки санъат олам ва одамни И. асосида акс эттиради, И. асосида баҳолайди. Яъни ижод онларидағи санъаткор И. оламида яшайди, воқеликни унинг нури билан ёритади. Зоро, фақат шундагина ижодкор шахс том маънодаги маънавий-руҳий бутунликка эга бўлади. Маънавий-руҳий бутунлик эса шахс интилган И.нинг мавжудлиги ва унинг ҳаётий принциплари ўша И.дан келиб чиқиши демакдир. Шунга қўра, бутунлик муайян хусусиятларни ўзида жам этган инсоннинг турғун ҳолати эмас, балки узлуксиз ва адоқсиз бир жараёндир. Негаки, реаллик билан тўқнашув ҳар вақт шахснинг маънавий-руҳий бутунлиги – моҳияти ва мавжудлиги орасида зиддиятлар келтириб чиқараверади. Мана шу зиддиятларни И.дан руҳ олган ҳолда бартараф этиш орқали мавжудлигини моҳиятига мувофиқлаштириб бориш, шу асно қадамбақадам И.га яқинлашиб, янги-янги маъноларни кашф этиш ва уларни ўз ҳаётига, жамият ҳаётига татбиқ этиб бориш – ижоднинг бош шартидир. Бу жиҳатдан том маънодаги ижодкор ҲАҚ йўлига кирган сўфийга монанд: сўфий ҲАҚқа яқинлашгани сари мавжудликнинг моҳиятини теранроқ идрок қилганидек, ижодкор И.га

Адабиётшунослик лугати

яқынлашгани сари ҳаётнинг, инсоннинг моҳиятини теранроқ илғайди. Сўфийлик йўлининг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам **ҲАҚ** бўлганидек, ижодкор фаолиятининг мотиви (сабаб) ҳам, мақсади (натижака) ҳам И.дир.

ИДИЛЛИЯ (юн. *eidyllion* – кичик манзара, унча катта бўлмаган асар) – шаклий тузилишга кўра турлича, мазмун хусусиятларига кўра таснифланувчи поэтик жанр. И. дастлаб қадимги Юнонистонда чўпон қўшиғи сифатида юзага келган. Антик юонон шоири Феокритнинг аксар асарлари И. деб аталган. Шаклан турлича бўлган Феокрит И.лари мазмун жиҳатидан умумийликка эга: уларни инсоннинг кундалик ҳаёти, интим туйғулари, табиатга қизиқиш бирлаштириб туради, шоир эътибори кўпроқ кишиларнинг ғамташвишдан холи, осойишта ҳаётига қаратилади. И.да табиатдаги уйғунлик ва гўзаллик мутлақлаштирилади, уларга дахлсиз ва ўзгармас ҳодисалар сифатида қаралади. И. жанр сифатида, айниқса, XVII – XVIII асрларда Европа, XVIII аср ўрталарида эса рус шеъриятида кенг оммалашди ва ривожландиди, бу кўп жиҳатдан сентименталистларнинг “табиий инсон” ғояси билан боғлиқдир. Кўчма маънода И. тинчлик ҳолати, ички ва ташки уйғунлик, осойишталик ва хотиржамликни ифодалайди.

ИДИЛЛИЯВИЙЛИК (русчадан калька “идиллическое”) – бадиийлик модуси. И. модус сифатида элегия, драматизм билан биргалиқда қаҳрамонлик, сатира ва трагизмдан фарқланадиган гурӯҳни ташкил этади. Яъни И.да дунё мутлақ тартибот сифатида эмас, балки шахс бевосита муносабатда бўладиган борлиқ (яъни конкрет инсон ҳаракатланаётган мухит) сифатида идрок этилади. Идиллиявий “мен” ўзини ташки олам билан бирлиқда ҳис қилиши нуқтаи назаридан қаҳрамонликка (қ.) яқин, бироқ ундан фарқли равишда, И.да кишилик жамияти, мамлакат тақдиди билан боғлиқ муаммо қўйилмайди. Идиллиявий “мен” ўзи бевосита муносабатда бўлаётган мухит қадриятларини сўзсиз қабул қиласди ва ўзлигини уларга оғишимай амал қилиш, мухит билан бирлашиб, уйғунлашиб кетиш орқали намоён этади. Идиллиявий қаҳрамон бутун олам тартиботи олдидаги эмас, ўзгалар (ва улар ташиётган анъана, қадриятлар) олдидаги масъулият ҳисси билан яшайди (мас., Т.Мурод. “Юлдузлар мангу ёнади”). Шунинг учун идиллиявий модус қаҳрамони, кўпинча, майший турмуш доирасидагина

Адабиётшунослик луғати

ҳаракатланади. У ўзини борлиқнинг ажралмас қисми сифатида идрок этади, ўзини қуршаган мұхит (табиат, маиший түрмуш) стихиясига берилади. Идиллиявиий модусга хос асосий хронотоп – аждодлар билан авлодларни бирлаштириб турувчи “қадрдон уй”, “қадрдон гұша”. Авлодлар үртасидаги ворисийлик, инсон ҳәётининг авлодларда давом этиши – идиллиявиий қаҳрамон мавжудлигининг асоси, унинг учун ҳәётнинг мазмун-моҳияти шунда. Айни шундай қараш идиллиявиий қаҳрамонга ўлимнинг мұқаррарларыдан келувчи изтироб ва тушкунликни енгішга күч беради, И.ни злегиявиийликдан фарқлайди.

ИЖОДИЙ НИЯТ, муаллиф нияти – бадий ижод жараёнидаги илк босқич. И.н. санъаткорнинг воқелик билан муносабати, воқеликни ЎЗИЧА (узининг эстетик идеали, дунёқараши, сажиаси, маданий-маърифий даражаси, ҳәётий ва ижодий тажрибаси, туғма истеъоди күввати асосида) қабул қилиши ва идрок этиши натижаси ўлароқ юзага келади. И.н.да яратилажак асарнинг асосий чизгилари, бироз хирапқ тарзда бұлса-да, күзга ташланиб туради, бошқача айтсақ, И.н. асарнинг санъаткор онгидаги хомаки эскизидир. Бадий ижод жараёнининг ўзига хослиги шундаки, санъаткор И.н.даёқ ўқувчига муайян таъсир қилишни күзде тутади, яъни мақсад ижрода таъсир қилади, ният ва ижро бирлашади. Зеро, санъаткорнинг эстетик идеали билан мавжуд воқелик орасидаги номувофиқлик бадий ижодға ундовчи мотив бұлса, идеалга яқынлашиш унинг мақсадидир. Демак, И.н. билан унинг ижроси, ижод мотиви билан мақсадининг бирлиги бадий ижод жараёнини яхлит, бутун ҳодисага айлантиради. Шунга күра, ижод – И.н.ни амалға ошириш, санъаткорнинг ўй-фикарлари, баҳоси, бадий концепциясини бадий образлар тизими воситасида модийлаштириш жараёни демакдир. Албатта, И.н. түргүн тушунча әмас, яъни у ижод жараёнининг бошида пайдо бұлғанича қолмайды, аксинча, бевосита ижод жараёнида сайқалланиб, конкретлашиб боради, муайян ўзгаришларга учрайди. Яна бир томони, И.н. турли дараҗада амалға ошади ва бу табиий ҳам. Чунки И.н.нинг қай даражада амалға ошиши қатор омиллар (муаллифнинг ижодий тажрибаси, бадий маҳорати, конкрет давр шароити ва ш.к.) билан боғлиқдир.

ИЖРОВИЙ ЛИРИКА (русчадан калька: “ролевая лирика”) – лириканинг субъектив шакллантирилишига күра фарқланувчи

Адабиётшунослик луғати

кўринишларидан бири, лирик кечинма ўзга шахс тилидан ифода этилувчи шеър. Яъни бунда шоир гўё ўзга шахсга эврилади, унинг "роли"ни ижро қиласди, натижада И.л. қаҳрамони лирик кечинманинг ягона субъекти бўлиб қолади. И.л.нинг илдизлари куртак ҳолида ҳалқ оғзаки ижодида (мас., келин тилидан, етим тилидан, ҳўқиз тилидан), мумтоз шеъриятимизда кузатилса-да, унинг кенг оммалашиши XX асрга тўғри келади. Жумладан, Чўлпоннинг "Мен ва бошқалар" шеъри И.л.нинг янги ўзбек шеъриятидаги илк ва сара намуналаридан бири сифатида кўрсатилиши мумкин. Ўтган асрнинг 20 – 30-йилларида кенг тарқалган "Қўшчи қўшиғи", "Колхозчи қиз қўшиғи", "Сувчи қўшиғи" тарзида яратилган шеърларнинг аксарияти И.л.га мансуб этилиши мумкин. Шеърнинг бу кўриниши 60-йиллардан бошлаб, айниқса, кенг тарқалди: "Ҳамза" (А.Орипов), "Абдулла Набиев" (Э.Воҳидов). 70 – 80-йиллар шеъриятида янада фаоллашган И.л.нинг асосий қаҳрамонлари тарихий шахслар бўлиб қолди: мавжудликнинг манг муаммолари, миллат ва юрт тақдирни масалалари, жамиятнинг жорий ҳолати уларнинг кўзи билан кўрилди ва баҳоланди. Х.Давроннинг "Тўмариснинг кўзлари" шеърий тўплами, У.Азимнинг "Тушларингизга кирадиган кўзлар" туркуми аксар шундай шеърлардан таркиб топган бўлиб, улар миллий ўзликни англаш жараёнида муҳим аҳамият касб этди.

ИЗДИВОЖ (ар. ازدواج – жуфтлашмоқ, уйланиш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъатлардан бири, байт мисрасида икки ёки ундан ортиқ сўзнинг ёнма-ён ёки бир-бирига яқин ҳолда оҳангдош (ўзаро қофиядош) бўлиб келиши. Манбаларда И.ни тазмини муздавараж деб ҳам атайдилар. Mac., Нодиранинг:

Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж,

Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж, –

байтида "зинҳор" ва "изҳор" сўзларининг ёнма-ён келиб ўзаро оҳангдош бўлиши И.ни юзага чиқармоқда.

ИЗОМЕТРИЯ (юн. *isometria* – тенг ўлчовлилик) – шеърий нутқни ташкил қилувчи бўлак (мисра)ларнинг тенг ўлчовлилиги. И. туфайли шеърдаги нутқий бўлакларнинг ҳар бири талаффузда ажralади ва шунинг ҳисобига ритмиклик яққол ҳис этилади. И. метрик шеър тизимида ритмик бўлаклар талаффуз вақтининг тенглиги (изохронизм), силлабик шеър тизимида бўғинлар сонининг тенглиги (изо-

Адабиётшунослик луғати

силлабизм), тоник шеъриятда эса урғулар миқдорининг тенглиги (изотонизм) ҳисобига таъминланади.

ИЙЖОЗ (ар. **ابجاز** – қисқа, лўнда) – оз сўз (лафз) билан кўп маъно ифода этиш. Айрим манбаларда И. ҳам санъатлар сирасида саналса-да, аслида, у санъатга нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, умуман нутқ услубига хос хусусиятни англатади. Нутқдаги И.га зид бўлган хусусият, яъни оз маънони кўп сўз билан ифода этиш итноб (ёки баст), маъно кўлами ва сарф этилаётган сўз миқдорининг мувофиқлиги эса мусовот деб юритилади. Мавжуд шеърий санъатларнинг бир қисми (*ташибех, истиора, талмеҳ ва б.*) И.ни юзага чиқаради, чунки улар ёрдамида, одатда, аслида тушунтириш учун кўпроқ сўз сарф этиладиган нарса-ҳодиса, тушунчаларга оз сўз билан ишора қилинади, шу ишора туфайли байт ёки мисра мазмуни сўз билан ифодаланганига нисбатан бекиёс даражада кенгаяди. Зеро, ишора ўқувчини матндан ташқаридағи контекстга (воқелик, тарихий воқеа, бошқа бир асар ва ш.к.) йўналтиради, натижада матн мазмуни ўша контекст мазмуни билан бойийди. Аксинча, бир қатор санъатлар (*тафсир, тақрир, жам, тақсим, тафриъ* каби) маънони ифодалаш учун кўп сўз сарфланишига, яъни итнобга олиб келади. Mac., *тафсир* (қ.) санъати байтда ифодаланган фикрнинг кейинги байтларда шарҳланишини тақозо этади, маъно кўлами ўзгармагани ҳолда матн кенгаяди. Шунинг учун ҳам илми балогада И. ва мусовотнинг маънога халал бермаслиги, фойдасиз итнобдан сақланиш талаб этилади. Яъни барча ҳолларда ҳам меъёрни сақлаш зарур: оз сўз билан кўп маъно ифодалаш ёки сўз ҳажмининг маънога мувофик бўлишини кўзлаб мазмунни хиralаштириш ҳам, шу билан бирга, ортиқча ва фойдасиз итноб ҳам маъкул эмас.

ИЙҲОМ (ар. **ابهام** – шубҳага солиш, адаштириш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъатлардан бири, шеърда (баъзан насрда ҳам) бир сўзни бир жойнинг ўзида икки маънода ишлатиш. И.да матндағи сўзнинг бир қарашда англашилиб турган яқин маъносидан ташқари яна бир узоқроқ маъноси мавжуд бўлади ва шу узоқ маъно шоирнинг асл муддаоси ҳисобланади. Икки турли маънода ишлатилган биргина сўз бутун бошли байтни икки хил тушуниш имконини беради. Атоуллоҳ Ҳусайний И. санъати “таврия”,

Адабиётшунослик луғати

“тәхйил”, “тасвия” номлари билан ҳам юритилишини қайд этган. Mac., Навоийнинг:

Лабингни *сўргали* муҳри сукут оғзима тушмиши

Ки, ул шаккар била эрним бири бирига ёпушиши, – байтидаги “сўргали” сўзининг яқин маъноси “сўрамоқ” бўлса, узоқ маъноси “сўрмоқ”, яъни “бўса олмоқ”дир. Ушбу сўзнинг икки хил маъносига таяниб Бобур ҳам қуидаги машҳур байтида И. санъатини моҳирона кўплаган:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон раөон қилди,

Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир *сўорим* бор.

ИЛМИ АРУЗ (ар. علم العروض – аруз илми) – мумтоз адабиётшуносликнинг таркибий қисми, аruz шеър тизимининг ўзига хос қонуниятларини ўрганувчи соҳа, арузшунослик. И.а.нинг асосчиси сифатида IX асрда яшаган араб олими Ҳалил ибн Аҳмад эътироф этилади. Араб адабиёти заминида пайдо бўлган аruz шеър тизими ўтган асрлар давомида маҳсус ўрганилиб, алоҳида илм сифатида такомиллашиб борди, аruz назариясига доир кўплаб тадқиқотлар яратилди. Ҳалил ибн Аҳмаддан кейин араб арузшунослигига Ибн Усмон Мазиний, Имом Аҳмад ибн Абдураббиҳ, Ибн ал-Хатиб ат-Табризий; форс арузшунослигига Мавлоно Юсуф Нишобурий, Рашидиддин Вотвот, Шамс Қайс, Носириддин Тусий, Салмон Савоний, Абдураҳмон Жомий; туркий арузшунослиқда Алишер Навоий, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Шайх Аҳмад Худойдод Тарозий каби олимлар яратган асарлар И.а.нинг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Бундан ташқари, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абул Қосим Замаҳшарий, Абу Яъқуб Юсуф ибн Абубакр Саккокий каби алломаларнинг бошқа масалаларга бағишланган рисолала-рида ҳам арузга оид қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилганки, И.а. ривожида уларнинг ҳам сезиларли улуши борлиги эътироф этилади. Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигига ҳам аruz масалалари атрофлича тадқиқ этилган: ўтган асрнинг 20-йилларида Фитрат бошлаб берган арузшунослик бобидаги изланишларни кейинчалик С.Мирзаев, А.Рустамов, У.Тўйчиев, С.Ҳасанов, А.Ҳожиаҳмедов, А.Аъзамов каби кўплаб олимлар муваффақиятли давом эттиридилар.

ИЛМИ БАДИЪ (ар. علم البدایع – чиройли сўзлаш, гўзал, нафис, нодир, ажойиб; бадиият илми) – мумтоз адабиётшуносликнинг тар-

Адабиётшунослик луғати

кибий қисми, нутқа безак берувчи санъатлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, таснифланиши, асар бадииятини белгилаш, эстетик функциясини ошириш, фикрни гўзал ва мазмунли ифодалашдаги ўрни каби масалаларни ўрганувчи соҳа. И.б.нинг ўрганиш обьекти бўлган нутқни гўзал қилувчи бадиий усул ва воситалар умумий ном билан санойиъ (қ.) деб юритилади. Атоуллоҳ Ҳусайнин нутқни гўзал қилувчи воситаларни икки турга – зотий гўзапликлар ва оризий гўзапликларга бўлади. Зотий гўзапликлар деганда, нутқнинг табиий гўзаплиги тушунилиб, Атоуллоҳ Ҳусайнин таърифига кўра, улар “дилбарларнинг табиий хусни янглигидир”. Яъни бунда нутқа атайн безак берилмайди, нутқни безаш учун ишлатилаётган воситалар (сўз, ибора, тасвирий ифода ва ш.к.)дан табиий ҳолича фойдаланилади. Улардан фарқли ўлароқ, оризий гўзапликлар нутқни безаш учун атайн ҳосил қилинади. Атоуллоҳ Ҳусайнин нутқ гўзапликларининг биринчи тури *илми балоганинг*, иккинчи тури эса *илми бадиънинг* обьекти эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, лирик жанрларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш ҳам И.б.нинг вазифаси ҳисобланган. Шуни ҳам айтиш керакки, И.б.га оид рисолаларда обьект доим ҳам қатъий чеклаб олинмайди: уларда, кўпинча, *илми балоға*, *илми қофия*, *илми аруз* масалалари ҳам ёритилаверади (мас., А.Ҳусайнин. “Бадойи ус-санойиъ”).

И.б.га оид дастлабки асарлар араб тилида яратилган бўлиб, улар сирасига IX – X асрларга мансуб Наср бинни Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом”, Ибн Мўтазнинг “Китоб ул-бадеъ”, Қудама ибн Жаъфарнинг “Нақд уш-шеър” каби рисолалари киради. Кейинроқ, XI асрдан бошлаб, форс тилида И.б.га оид қатор асарлар яратилдики, унинг кейинги ривожи форс адабиёти билан боғлиқ ҳолда кечди. Жумладан, Умар Родуёнийнинг “Таржимон ул-балоға”, Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадойиқ ус-сехр”, Қайс Розийнинг “Алмўжам”, Атоуллоҳ Ҳусайниннинг “Бадойи ус-санойиъ”, Воҳид Табризийнинг “Жамъи муҳтасар” каби асарлари И.б. ривожида муҳим ўрин тутган мўътабар манбалар саналади. Туркий тилдаги И.б.га оид илк асар сифатида Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг XV асрда яратилган “Фунун ул-балоға” рисоласи эътироф этилади. XX асрдан бошлаб ўзбек адабиётшунослигига И.б.га оид масалалар кенг кўламда, тарихий-назарий аспектда атрофлича тадқиқ қилина бошлади. Утган асрнинг 20-йилларида Фитрат, А.Саъдий каби адабиётшунослярнинг бу борада бошлаган ишлари А.Ҳайитметов,

Адабиётшунослик луғати

А.Рустамов, Ё.Исҳоқов, Б.Саримсоқов, В.Раҳмонов, А.Ҳожиаҳмединов каби кўплаб олимлар томонидан давом эттирилди ва сезиларли ютуқларга эришилди.

ИЛМИ ҚОФИЯ (ар. علم الْقَوْفِيَة – қофия илми) – мумтоз адабиётшуносликнинг таркибий қисми, қофия ва унинг турлари, тузилиши, унинг бадиий санъатлар ва вазн билан муносабати, шеърнинг оҳангдорлигида қофиянинг тутган ўрни каби масалаларни тадқиқ этувчи соҳа. Шарқ адабиётшунослигига И.қ.га оид маҳсус рисолалар (мас., Абулҳасан Али Сарахсий Баҳромий. “Канз ул-қофия”; Абдураҳмон Жомий. “Рисолаи қофия”; Атоуллоҳ Ҳусайнин. “Қофия илми қоидалари ҳақида рисола” ва б.) яратиш билан бирга, илми бадиъга оид рисолаларнинг аксариятида ҳам И.қ. масалаларини ёритиш учун алоҳида боблар ажратилган. Мас., Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балога” асари уч бобдан иборат: “аҳли табыга қофия илмин билмак мухимдир” деб билган муаллиф рисоланинг “Ал-фанну-с соний фи қофия ва-р-радиф” (Иккинчи фан қофия ва радиф хусусида) номли иккинчи бобида И.қ. масалаларидан баҳс юритади.

ИЛТИФОТ (ар. الطُّفَات – алангламоқ, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтмоқ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, байтда бир шахсдан бошқа бир шахсга кўчиш, яъни I шахсдан II ёки III шахсга, II шахсдан I ёки III шахсга, III шахсдан I ёки II шахсга кўринишда кўчиш. Шайх Аҳмад Худойоддод Тарозий И.ни “мухотабадин муғойибаға бормоқ ё ғайбдин хитобқа келмоқ”, деб таърифлаган. Яъни хитоб қилинувчи (II шахс)дан нутқ сўзланиб турган вазиятда мавжуд бўлмаган III шахс (муғойиба – ғайб)га кўчиш И. дейилади. Мас., Атойининг:

Эл тирик дерлар мени, кўнглимда фикр этсам vale,

Бу тириклидка бўлур юз минг бало сизсиз менга, –

байтида аввал III шахс (Эл тирик дерлар) ҳақида сўз боради, ундан I шахсга (фикр этсам), сўнг эса II шахсга (сизсиз менга) кўчилади.

ИЛҲОМ (ар. الْهَام – едирмоқ, руҳлантируммоқ) – санъаткор руҳиятида юзага келувчи ижодий-руҳий ҳолат, ижодий фаолиятнинг юксак завқ билан, кўнгилли ва енгил кечишини таъмин этувчи кўтаринки ишchan кайфият. Ижодкор кишиларда кузатилувчи мазкур

Адабиётшүнослик луғати

холат одамларга қадимдаёк мәйлүм бўлганки, уни турлича изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Жумладан, қадимги юоннлар И. музалар – аёл қиёфасидаги илоҳий мавжудотлар томонидан берилади деб ҳисоблаганлар, Шарқда ҳам И.ни ғайбдан дейишга мойиллик кучли бўлган: ҳозирда ҳам тез-тез тилга олинадиган “илҳом париси” қабилидаги гаплар шунинг изларирид. Албатта, И. онларини, унинг юзага келишини мантиқий изчилликда тушунтириб бериш қийин. Бироқ шуниси аниқи, И. ижодий қобилиятга эга шахснинг ижодий-руҳий фаолиятидаги муайян бир босқич бўлиб, ушбу онларда бунга қадар пишиб-етилиб келган жараён тезлашади; ижодкорнинг умумий руҳий қуввати ортади: ақлий ва ҳиссий мушоҳада тезлиги ошади, хотира максимал жонланади, нарса-ҳодисалар орасидаги ассоциатив алоқаларни илғай олиш қобилияти, нигоҳ ўтиклиги, таъсирчанлик кучаяди, ижодий тасаввур кўлами кенгаяди. Айни шу дамларда ижодий жараён кўнгилли, осон ва маҳсулдор кечади – асар гўё “қуюлиб” келади. Демак, И.ни ғайбдан келган нарса сифатидагина эмас, балки санъаткор онгию қалбида кечган ижодий-руҳий жараённинг энг юксак нуқтаси, туғма имкониятлари ўта кучайган, бир нуқтага йигилган ҳолда эстетик объектга йўналган палла сифатида ҳам тушуниш мумкин.

ИМПРЕССИОНИЗМ (фр. impression – таассурот) – XIX асрнинг сўнгги чорагида дастлаб рангтасвир санъатида пайдо бўлиб, кейинчалик бошқа санъатларга ҳам сезиларли таъсир ўтказган йўналиш. Адабиётта татбиқан И. термини кенг ва тор маъноларда кўплланади. Кенг маънода И.га турли ижодий методлар доирасида кузатилган услуб ҳодисаси сифатида қаралади. Жумладан, импрессионистик услуб реалист санъаткорлар (Ги де Мопассан, А.П.Чехов, И.А.Бунин ва б.)ижодида ҳам кузатилиб, реалистик тасвир имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган. И. услуби оламни янгича кўришга интилиш маҳсулидир, унинг дастлаб рангтасвирда қарор топгани ҳам шундан. Бу услубда тасвирланган нарса реалликдагига монанд аниқ ва мукаммал шакл касб этмайди: у гўё штрихлар билан чизилади ва ҳар бир штрих ўзида ўша нарсадан олинган оний таассуротни акс эттиради. Шунга қарамай, бу штрихлар бутун таркибида бир-бири билан узвий алоқадор, таассуротлар бирлиги ўша нарса ҳақидаги яхлит тасаввурни бераверади. Шунга ўхашаш, сўз билан амалга оширилган импрессионистик тасвирда ҳам оний таассурот қайд этилади: гўё воқелиқдаги нарса-

Адабиётшунослик луғати

ҳодисалар маълум мақсаддан келиб чиққан ҳолда сайлаб эмас, таассуротлар асосида тасодифий тарзда тасвирдан жой олади. Натижада реалистик тасвирга хос мұхым деталларни мақсадли танлаш ("саңнада милтиқ бўлса, у отилиши керак") ва шундан келиб чиқувчи барча деталларнинг бир-бирига боғлиқлиги тамойили бузилади, тасвирланган нарса тасаввурда яхлит шакли-шамойили билан жонланмайди. Лекин деталларнинг ассоциатив алоқалари бутунликни ҳосил қилаверади, чунки тасвир битта субъект нигоҳи орқали берилган, фақат бу нигоҳ оламни фотоаппарат объективи каби эмас, чин маънода "қалбдан ўтказиб" кўради. Бу эса тасвирга сержилолик, қўпмачонолилик, эмоционал тўйинтирилганлик баҳш этади, унинг эстетик таъсир кучини оширади. Шу жиҳатлари туфайли импрессионистик услуб хусусиятлари реализм, натурализм, неоромантизм, символизм сингари турли ижодий тамойилларга таянган адабий йўналиш ва оқимларга мансуб ижодкорлар эътиборини тортди, услубининг таркибий қисмига айланди.

Мазкур хусусиятларни мутлаклаштириш, уларни услуб ҳодисаси эмас, дунёни янгича кўриш ва идрок этиш деб билиш оқибатида XX аср бўсағасига келиб И. алоҳида йўналиш, ижодий метод сифатида шаклланди. Бу метод инсон онгининг оний ҳолатларида ҳосил бўлувчи, фақат ҳис этилиши мумкин бўлган тутқич бермас таассуротларнигина ҳақиқий деб билди. Шунга қўра, у сирли ишораларга асосланган образлар яратади, уларнинг ёрдамида инсон онгининг чуқур пучмоқларига назар солмоқчи бўлади. Айни шу жиҳатлари билан у "онг оқими" адабиётига асос яратди. Алоҳида адабий йўналиш (ижодий метод) сифатидаги И. XX аср ўрталарига келиб барҳам топди.

ИМПРОВИЗАЦИЯ (лот. improvisus – кутимаган, бирдан) – бадиий ижоднинг алоҳида бир кўриниши бўлиб, бунда асар бевосита ижро жараёнида яратилади. И. кўпроқ ижро билан боғлиқ санъат турлари (музиқа, рақс, театр санъати)да, шунингдек, шеъриятда кузатилади. И.нинг илдизлари фольклордан сув ичади. Халқ баҳшилари (аэдлар, бардлар, қўбизчилар, оқинлар, ошиқлар ва б.) фольклор намуналарини ижро қилиш жараёнида И. йўли билан уларга янгиликлар қўшиб боришган, шу йўл билан янги асарлар яратишган. Жумладан, термаларни ижро қилиш, айтишувларда И.нинг роли ва улуши сезиларли бўлган. И. фольклордан ёзма адабиётга, хусусан, шеъриятга қўчган. Ўтмишда мунтазам ўтказиб

Адабиётшунослик луғати

турилган нафис мажлислардаги шеърхонликнинг ижро билан боғлиқлиги бунга асос бўлган. Шеъриятдаги И.нинг ўзига хослиги аввалдан муайян мавзу белгилаб қўйилиши, яъни маълум шарт асосида воқе бўлишидадир (қ. бадиҳа, экспромт).

ИНВЕКТИВА (лот. *invehor* – ташланмоқ, ҳужум қилмоқ) – бирон шахс, ижтимоий гурӯҳ ёки ҳодисани кескин танқид қилиш, фош этиш, қоралашга қаратилган нутқ. Жанрларни мазмун жиҳатидан таснифлаган ҳолда баъзан И.ни алоҳида лирик жанр деб кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Бироқ бу унчалик тўғри эмас. Чунки И. турли адабий шакллар, турли жанрларда намоён бўлади. Мас., антик Римдаги айблов нутқлари (Цицерон. “Филиппикалар”), айрим эпиграммалар, памфлетлар, ҳатлар И. намунаси саналиши мумкин. XX аср ўзбек шеъриятида И. руҳида кўплаб шеърлар яратилган. Жумладан, Чўлпоннинг “Улуг Британиянинг бу кунги ҳукуматига”, “Қўзғолиш”,Faфур Ғуломнинг “Шараф қўлёзмаси” каби шеърлари И.га мисол бўла олади.

ИНВЕРСИЯ (лот. *inversion* – ағдариш, ўрнини алмаштириш) – гап бўлакларининг одатдаги тартибини ўзgartариш асосида юзага келувчи синтактик усул, стилистик фигура. И. гапдаги бирон бир сўз ёки сўз бирикмаси (гапнинг бир қисми)ни эмфатик ёки мантиқан ажратиш, шеърий нутқни ритмик-интонацион жиҳатдан ташкил этиш (қофияланувчи сўзни керак ўринга ўтказиш) каби мақсадларда кўлланади. И. шеърий нутқда энг кўп кўлланувчи, деярли барча шеърларда учрайдиган синтактик усуздир. И. маъно ургуси тушаётган сўзни таъкидлаб кўрсатиш, уни мисрадаги ургули позиция – кўпроқ мисра охирига суриш имконини беради. Мас., А.Ориповнинг: “Улуғвор бир қудрат билан Чайқалади чўнг денгиз”, – сатрлари синтактик сатҳдаги нормадан оғиши бўлмаган ҳолда “Чўнг денгиз улуғвор қудрат билан чайқалади” тарзида берилиши керак. И. ҳодисасининг юз бериши натижасида “қудрат билан” сўз қўшилмаси ва “денгиз” сўзи мисраларда ургули позицияга ўтади, айни шу сўзларга маъно ургусининг тушиши муаллиф ижодий ниятига, шеър мазмуни ва эмоционал тоналлигига мувофиқ келади. Шеърнинг кейинги сатрлари – “Қанча оғир ҳарсанг тошлар Тубда унга чўккан тиз” – И.нинг ритмик-интонацион функциялари ҳам борлигини кўрсатади. Одатдаги тартибда бу мисралар “Тубда унга қанча оғир тошлар тиз чўккан” шаклида бўлиши лозим эди. Инвер-

Адабиётшунослик луғати

сия натижасида, биринчидан, ифодалаш кўзланган мазмун учун энг муҳим сўзлар ("ҳарсанг тошлар", "тиз чўккан") урғули позицияга ўтказилади, иккинчидан, "денгиз" ва "тиз" сўзлари қофияланади. Ўхашашлик асосида синтактик И. билан бир қаторда баъзан композицион И. ҳақида ҳам гапириладики, бунда сюжетда воқеаларнинг юз бериш тартибига мос бўлмаган тарзда жойлашиши (яъни даврий жиҳатдан аввал юз берган воқеанинг кейин тасвирланиши) назарда тутилади.

ИНСЦЕНИРОВКА (лот. in – га, scaena – саҳна) – аслида саҳнага мўлжаллаб ёзилмаган асарларни (кўпроқ, эпик асарларни) саҳналаштириш учун қайта ишлаш. И. саҳналаштирилиши мўлжалланган асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини (асосий мазмуни, сюжети, услуби ва ш.к.) қайта яратишни тақозо этади. Бу эса, оригиналга нечоғли боғланган бўлмасин, И. қилувчидан маълум даражадаги ижодийликни ҳам талаб этиши шубҳасиз, чунки асарни саҳнага мослаштириш ундан ниманидир олиш, нималарнидир қўшишни тақозо этади. Яъни И. қилинган асар оригиналнинг асосий мазмуни, муҳим сюжет чизиқларини сақласа ҳам, унга тенг бўлмайди, моҳияттан у тамом бошқа асардир. Худди шу ҳол кўплаб ижодкорлар, талабчан ўқувчиларнинг И.га нисбатан салбий муносабатини келтириб чиқаради. Радио ва телевидениенинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда И.нинг радиоинсценировка, теленисценировка каби кўринишлари пайдо бўлди.

ИНТЕРМЕДИЯ (лот. intermedium – ўртада жойлашган, ичидаги) – 1) ўрта асрлар театрларида ўйналаётган асосий спектаклнинг парда ораларидаги танаффус пайти ижро этилган майший мавзудаги кичик ҳажвий саҳна кўриниши; 2) эстрада санъати ва телевидениенинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда фаоллашган комик характердаги кичик драматургик жанр, баъзан миниатюра номи билан ҳам юритилади. Ўзбек адабиётида С.Аҳмад, Алл Жамол каби ижодкорларнинг "Телевизион миниатюралар театри" учун ёзилган И.лари халқимиз орасида шуҳрат топган. Шунингдек, ҳозирги вақтда турли маданий-маърифий тадбирларда (кўриклар, кувноқлар ва зукколар баҳси ва ҳ.) ижро этилаётган майший мавзулардаги саҳна кўринишларини ҳам И. санаш мумкин. Ушбу саҳна кўринишларини ҳаваскорларнинг (кўпинча, колектив тарзда) ўзлари

Адабиётшунослик луғати

ёзиши эътиборга олинса, уларни замонавий фольклор намунаси дейиш мумкин.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ (лот. *interpretation* – тушунтироқ) – талқин; адабий асар мазмунини идрок қилиш, унинг мазмуни, бадий концепциясини англаш, тушуниш. Кенг маънода И. ўзга томонидан айтилган гап, ёзилган асар (илмий, фалсафий, диний, бадий ва х.) мазмунини бир бутун сифатида тушуниш ва тушунтириб бериш маъносини билдиради. Бадий И. турли қўринишларда, жумладан, бадий мазмунни, яъни асардаги “образлар тили”ни мантикий тушунчалар тилига (танқид, адабиётшунослик), лирик-публицистик (эссечилик) ёки бошқа бир “бадий тил” тизимиға (рассомлик, кино, театр ва б.) ўғириш орқали амалга ошади. И. адабиётшунос фаолиятида етакчи ўрин тутадиган бирламчи амал, чунки адабий асар ҳақида фикр билдириш ва баҳолаш учун, аввало, уни бир бутун сифатида тушуниш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам И. бадий таҳлил жараёнида ҳар вақт ҳозир бўлган муҳим ва белгиловчи амал ҳисобланади (қ. бадий таҳлил).

ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК (лот. *inter – apo, textum – тўқима, мато, матн*) – фанга француз филологи Ю.Кристева киритган термин. Унга кўра, ҳар қандай матн аввал мавжуд бўлган матнларни трансформация қилган ҳолда ўзига сингдирган цитаталар мажмудири. Мутахассислар И. концепцияси рус олими М.Бахтин қарашларини ривожлантириш, бошқача айтганда, қайта идрок этиш асосида вужудга келганини таъкидлайдилар. М.Бахтин адабиётнинг мавжудлик қонуниятлари ҳақида тұхталиб, ҳар қандай асар ўзида ижодкор воқелигини акс эттиргани ҳолда, ўзидан аввалги ва ўзига замондош адабиёт билан мунтазам диалогик алоқада бўлади, яъни адабиётнинг мавжудлиги интерсубъектив характерга эта деб билади. М.Бахтин таълимотининг формал томонига ургу берган Ю.Кристева эса диалогни матнлар доираси билан чекиаб, интерсубъективлик ўрнига интертекстуалликни олдинги планга чиқаради. И. тушунчаси структурализм ва постструктураллизм йўналишидаги адабиётшуносликда жуда тез оммалашди. Жумладан, француз адабиётшуноси Р.Барт ҳам И.ни қўллаб қувватлайди, ҳар қандай матн “қўштироқсиз цитата” деб билади. Яъни унга кўра, ҳар қандай матн моҳиятан интертекст бўлиб, унда аввалги ва жорий маданиятга оид матнлар у ёки бу даражада таниб олиш мум-

Адабиётшүнослик лүгати

кин бўлган алфозда мавжуддир. Албатта, адабий асар ўзидан олдинги ва жорий замондош адабиёт билан диалогик алоқада экан, унда бошқа матнларнинг излари сезилиши (қ. реминисценция) табиий. Бироқ поструктуралистлар бу ҳолни мутлақлаштирадилар, уни бадиий асар табиатини белгиловчи қонуният мақомига кўтариадилар. Аввало, улар матнни ғоят кенг тушунишади: адабиёт, маданият, жамият, тарих, инсон – буларнинг бари матн, бари матн тарзида ўқилиши ва уқилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, инсоният маданияти тўлалигича битта интертекст сифатида тушунилдики, у янги яратилаётган ҳар қандай матнга асос (подтекст) бўлиб хизмат қиласади. Демак, янги яратилаётган матн субъекти маданиятнинг улкан интертекстини ташкил қилаётган саноқсиз матнларга сингиб кетади, йўқолади. Шу тариқа матн муаллифи интертекстуал ўйин проекция қилинадиган бўшлиқ деб тушунилади, матнга эса индивиднинг мақсадли фаолияти эмас, онгиз тарзда амалга ошуви “интертекстуал ўйин” маҳсули сифатида қаралади. Бу эса бадиий ижодда индивидуалликни инкор этиб, табиий равишда, “субъект ўлими” (Фуко), “автор ўлими” (Р.Барт) концепцияларига боғланади.

ИНТИМ ЛИРИКА (лот. *Intimus* сўзидан фр. *intime* – ички, ўта шахсий) – лириканинг тематик жиҳатдан таснифлаш асосида ажратилувчи бир тури, лирик қаҳрамоннинг ишқий кечинмалари тасвирланган лирик асарлар. Муҳаббат қадимданоқ шеъриятнинг дикқат марказида турган ва ҳануз интенсив ишланиб келаётган “мангу мавзу”ларидан бири саналади. Ижтимоий-сиёсий лирика ҳар жиҳатдан рағбатлантирилган шўро даврида И.л.га менсимасдан, ижтимоий аҳамиятга молик бўлмаган ҳодиса сифатида паст назар билан қаралган. Ҳолбуки, ижтимоий ҳодиса бўлмиш инсоннинг қалби муҳаббат туфайли тозаради, муҳаббат уни маънан юксалтиради: муҳаббат кўтарган юксакликдан туриб тоза қалб билан боққанда, оламнинг гўзаллиги ҳам, ҳикматлари ҳам яқол кўринади; ёрга муҳаббат билангина лиммо-лим тўлгандек кўринган қалб оламни тўласича қамрашга қодир. Шу боис жаҳон адабиёти И.л.нинг гўзал ва бетакрор намуналарини бера олганки, улар инсониятнинг бебаҳо маънавий мулкига айланган. Жумладан, Ҳофиз ва Навоий, Петрарка ва Шекспир, Пушкин ва А.Блок, Чўлпон ва Миртемир каби кўплаб шоирлар яратган И.л. намуналари ҳануз севиб

Адабиётшунослик луғати

ұқилади, юксак қадрланади, зеро, улар мұхаббатнинг үзи каби бοқийдир.

ИНТОНАЦИЯ (lot. intone – күчли талаффуз этаман) – жонли нутқнинг ифодавийлигини таъминловчи асосий омил, тилнинг фонетик воситалари (товуш тони, талаффуз темпи, тембр, паузалар, мелодика, мантиқий ва эмфатик ургулар) мажмуди. И. жумла мазмунининг реаллашувида (яъни сўзловчи юклётган мазмун, хабар қилинаётган нарсага модал муносабат, сұхбатдошга муносабат ва ш.к.ларнинг ифодаланишида) ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ёзма нутқда И. жумла курилиши, шунингдек, тиниш белгилари, график воситалар (маълум сўз ёки бўлакни остига чизиб, курсив, қорайтириш ёки бош ҳарфлар билан ёзиб таъкидлаш; сўзларни ўзгача тарзда, мас., бўғинларга ажратиб, айрим товушларни иккилантириб ва б.) орқали берилади. Бироқ бу воситалар ҳам жонли нутқ И.сини тўлиқ беришга қодир эмас, ёзма нутқ И.си “ички қулоқ” билан ҳис қилинади, демакки, бунгача у хаёлан “талаффуз этилади”. Нутқ ҳодисаси саналувчи бадий асар мазмунини ифодалаш, ўқувчига ғоявий-эмоционал муносабатни юқтириш ва шу асосда унга муайян эстетик таъсир ўтказишида И.нинг жуда катта роли борки, у шеърий нутқда, айниқса, мухимдир. Адабиётшунослиқда поэтик И. ҳақида гап кетганды, кўпроқ шеърий нутқ назарда тутилиши ҳам шундан. Шеърий нутқнинг турок, мисра ва бандларга бўлиниши, уларнинг ҳар бири турли узунликдаги паузалар билан ажратилиши, поэтик синтаксиснинг ўзига хослиги шеър ритмик-интонацион қурилишини белгилайди. Ёзувда шеър И.сини таъкидлаб кўрсатиш, уни ўзига хос тарзда кодлаштиришда эмфатик ургулар, қофияланиш тартиби, мисрадаги сўзларнинг алоҳида қаторга чиқарилиши, турли сатҳдаги (товуш, сўз, мисра) такрорлар, синтактик параллелизмлар, турли график воситалар ҳам мухим аҳамият касб этади. Кўринадики, шеър И.си унинг синтактик қурилиши, график ифодаланиши билан бевосита боғлиқ экан. Бунгача, асосан, шеърнинг шаклий томони ҳақида гапирилди. Бироқ шунинг үзи билан кифояланиш камлик қиласади, чунки И.ни белгилашда тил воситалари орқали ифодаланаётган мазмун ҳам катта аҳамият касб этади. Зоро, аслида, шеърнинг ilk мисрасидаги сўзлар, унинг жумла қурилиши бизга И.дан дарак беради. Mac.: “Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим” (Э.Воҳидов) ёки “Юртим, сенга шеър битдим бугун” (А.Орипов) мисралари ўқувчини

Адабиётшунослик луғати

тантанавор, ифтихор билан түлиқ И.га; “Олти ойким, шеър ёзмайман, юрагим зада” (А.Орипов) ёки “Дўстим, дилда не бор сўзлайнин сенга” (Р.Парфи) мисралари – ўйчан, фалсафий мушоҳадага мойил И.га созлайди. Демак, шеър И.си унинг синтактик-семантик қурилиши, ритмик ташкилланиши, график ифодаланиши орқали юзага чиқади, дейилса, тўғрироқ бўлади.

ИНТОҚ (ар. **انطاق** – сўзлатиш, гапиртириш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, бадиий асарда ҳайвонлар, қушлар ва жониз нарсаларни худди инсонлар каби сўзлатиш. И. шоирга ўзининг кечинмалари, борлиққа муносабати, ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларини билвосита ифодалаш имконини беради. И. санъатининг илдизлари қадимги асотир ва афсоналар, эртак ва дostonларга бориб тақалади. Кейинчалик ушбу усул ёзма адабиётда ҳам кенг кўпланилган. Жумладан, ёзма адабиётдаги мунозара, масал каби жанрлар, асосан, И. санъати асосида яратилган. Адабиёт тарихида мазкур санъат асосида “Мантиқ ут-тайр”, “Лисон ут-тайр” каби йирик асарлар ҳам ёзилган. И. фаол кўпланувчи бадиий усуллардан бўлиб, унинг гўзал намуналари деярли барча мумтоз шоирларимиз ижодида, шунингдек, ҳозирги шеъриятда ҳам кўплаб учрайди. Мас., А.Ориповнинг:

Шивирлаб гуллар деди: “Кирма бу бокқа, эй йигит,

Бунга кирганлар киуруллар сочини қор этгали”, –
байтида И. санъати моҳирона қўлланган.

ИНТРИГА (лот. *intrico*, фр. *intrigue* – чалкаштираман) – воқеабанд асар персонажларининг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлидаги мураккаб, тобора чигаллашиб борувчи хатти-ҳаракатлари, ҳақиқий мақсадини яширган ҳолда ишлатган турфа ҳийла-найранглари. Одатда, бундай хатти-ҳаракатлардан қарши томон бехабар қолади, бу эса сюжет воқеаларининг қизиқарли, асарнинг ўқишли бўлишига хизмат қилади. Шунга кўра, И. саргузашт типидаги, авантюр сюжет асосига қурилган асарларда, айниқса, кенг кўпланилади. И. асар воқеаларини, қаҳрамонлар тақдирини чалкаштириб юборади, тұқнашувларни кучайтиради, сюжетнинг у ёки бу томон ривожланишига туртки беради. “Утган кунлар” романидаги Ҳомиднинг Кумушга эришиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари (чақув, сохта талоқ хати, рақибини маҳв этишга инти-

Адабиётшунослик луғати

лиш, Кумушни олиб қочиш режаси) И.нинг ёрқин намунаси бўла олади.

ИРОНИЯ (юн. eíroneia – айнан, ўзини гўлликка солиш) – қаранг: киноя

ИРСОЛ УЛ-МАСАЛ (ар. ارسال المثل – мақол, масал келтириш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъатлардан бири, шеърда маълум бир поэтик мақсадда машхур мақол, матал ёки ҳикматли сўз келтириш. Шоир бирор фикрни ўртага ташлар экан, ўз фикрининг исботи, изоҳи, тасдиги учун халқ мақоллари, ҳикматли ибораларни тамсил йўли билан келтиради. Бу уч хил кўринишида амалга ошиши мумкин:

1) мақол ёки матал “масалдурким”, “масалким”, “дерлар”, “айтадиларки”, “элда бор шундай масал” каби ишоралар билан келтирилади:

Касб этар шоҳи Бухоро ҳазрати Хондин камол,
Бу масалдур: “Ой этар хуршиддин нур иқтибос” (Нодира).

2) мақол ёки матал ҳеч қандай ишораларсиз айнан келтирилади:

Ерга кирсам кошки, чун етмас ул ойга илик,
Мушкул аҳволе тушубдур: “Ер қатиқу кўк йирок” (Лутфий).

3) мазмуни байт ёки мисра ичига сингдириб юборилгани ҳолда мақол ёки матал ўз шаклини бутунлай йўқотиши, бир оз ўзгартириши ёки янгича шаклга келиши мумкин:

Севги дардидан менинг ҳам бўлди рангим каҳрабо,
Йўқ илож, не наф ўқинмак бўлмаса кўзгуда айб (Э.Воҳидов).

Мазкур байтда “Юзинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама” мақоли ўзгарган шаклда бериляпти.

Агар байтда ишлатилаётган мақол ёки маталлар сони икки ёки ўндан ортиқ бўлса, ирсол ул-масалайн дейилади. Mac., Атойининг:

Бўлди бағрим су ғамингдин, яхшилик қил сол суға,

Охир, эй гул, хирманни албатта ҳар эккан ўрар, –
байтида “яхшилик қил сувга от” ва “ҳар ким экканини ўради” мақоллари сингдириб юборилган.

ИРСОЛ УЛ-МАСАЛАЙН (ар. ارسال لمثلين – мақоллар, масаллар келтириш) – қаранг: ирсол ул-масал

ИСТИДРОК (ар. استدراك – англамоқ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, ҳажв йўли билан бирор фикрни айтиб, сўнг ундан кечгандай, ҳажвни мадҳга айлантириш. Бунинг моҳияти шундан иборатки, гўё шоир аввал ўзи билмай йўл қўйган хатосини, келтирган нотўғри ташбеҳини англаб, сўнг хатони тўғрилаш учун ундан кучлироқ ташбех келтиради. Айни шу жиҳати билан И. ружуъга яқин туради, шунинг учун ҳам илми бадиъга оид айрим манбаларда унга ружуъ(қ.)нинг бир кўриниши сифатида қарапади. Уларнинг фарқи шундан иборатки, И.да аввалги фикрнинг ҳажв йўли билан айтилиши шарт қилинади. Шу туфайли ҳам кўпчилик алломалар (мас., Рашидиддин Ватвот) И. қўлланган ўринларда “ўқувчи ёки тингловчи келтирилган ҳажв билан чалғиб, кейинги ташбеҳдан лаззат топа олмайди”, деган важ билан уни маъқул кўрмаганлар.

ИСТИОРА (ар. استعاره – вақтинча омонатга, ориятга олмоқ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, бир сўз шаклини вақтинча “омонатга олиб”, бошқа, яъни кўчма маънода ишлатиш. И.да сўзни ўз маъносидан бошқа маънода ишлатиш ўхшашлиқ асосида амалга ошади. А.Хусайнин таъкидлашича, И.ни “ажам шуароси санойиъ қабилидан, араб фусаҳоси эса каломнинг зотий гўзалликларидан” деб ҳисоблаганларки, бунда муайян асос бор. Ҳақиқатан ҳам тил ҳодисасига айланиб бўлган (мас., “кун ботди”, “хўроз” ва х.) И. билан ҳали тил ҳодисасига айланиб улгурмаган (яъни санъаткорона нигоҳ билан қўрилган ўхшашлиқ асосидаги образли ифода) И. бадиий-эстетик қиммат жиҳатидан тенг эмас, уларнинг биринчиси зотий гўзалликларга, иккинчиси оризий гўзалликларга (қ. санойиъ) мансуб этилиши тўғри бўлади. Мас., Навоийнинг:

Ул ой авсофини аҳли замондин
Эшитур эрди бал яхши-ямондин, –

байтидаги “ой” сўзи “ернинг табиий йўлдоши” маъносидан “омонатга олиниб”, “ёр” маъносида ишлатилган ва ўзига хос образли ифода юзага келган. Бир қараашда ой сўзини маъшуқа, ёр маъноларида ишлатиш нотабийдек туюлса-да, нур таратиб турган ой билан ёрнинг нурли жамоли ўртасидаги ўхшашлиқ мана шу нотабийликни табиий, гўзал ифодага айлантиради. Бу эса “фасоҳату балоғат арбоби қошинда ҳақиқаттин яхшироқдир”(А.Хусайнин). Илми бадиъга оид манбаларда И. билан ташбеҳи киноятга берилган таърифлар ўртасида фарқ сезилмайди. Бу бежиз эмас, чунки моҳиятан И. биргина mushabbiҳун биҳ иштирок этган ташбеҳдир (қ.).

Адабиётшунослик лугати

ИСТИФХОМ (ар. استفهام – сўрамоқ) – иншо йўлларидан бири, фикрни ифодалаш усули, ўй-фикр, ҳис-туйғу, кечинмаларнинг савол шаклида баён этилиши. И.да савол беришдан мақсад бирор ноаниқ нарсага аниқлик киритиш эмас, балки сўроқ шаклида чиройли ташбех кўллаш, ўз кечинмаларини баён этиш, ҳаётий хуласаларини айтишдир. Бошқа томони, тажоҳули ориф (қ.)дан фарқли равишда, И.даги сўроқ риторик характерда бўлмайди, яъни у мазмунан сўроқ гапдир. Mac., Лутфийнинг:

Кўкарди чаман, гулузорим қани?

Сиҳи сарв бўйлук нигорим қани? –

байтидаги савол орқали ҳукм ифодаланаётгани йўқ, балки савол шаклида маъшуқа тавсиф этилмоқда ва шу орқали лирик қаҳрамон дилидаги ҳижрон, соғинч ҳислари ифодаланмоқда.

ИСТИХРОЖ (ар. استخراج – келтириб чиқармоқ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, байтда қўлланаётган ташбехларда араб ҳарфларини мушабиҳун бих вазифасида келтириб, уларнинг йигиндисидан бирор сўз чиқариш. И. санъатини юзага келтиришда араб ҳарфларининг турли шакллари билан бирор нарса (кўпроқ ёрнинг бирор аъзоси) ўртасидаги ўхшашиблик асос бўлади. Mac., Навоийнинг машҳур “Жонимдаги жим...” деб бошланган рубоийсида сочининг гажаги билан “жим” (ج) ҳарфи, тик қомат билан “алиф” (ا), эгилган қош билан “нун” (ن) ҳарфи, кўз қорачиги билан “жим” ва “нун”нинг нуқтаси ўртасидаги ўхшашибликдан фойдаланиб “жон” (جان) сўзи келтириб чиқарилган. Огаҳийнинг “Устина” радиофли ғазали матлаъсида “нас” (نص) – “хукм” сўзининг келтириб чиқарилиши ҳам И.нинг яхши намунасидир. Яна бир мисол, Сўфи Оллоёрнинг:

Калиди ганжи маъниким забондур,

Анга бир нуқта кўп бўлса зиёндур, –

байтида муҳим ахлоқий масала ўртага ташланиб, “забон” – (زبان) сўзига битта ортиқча нуқта кўйиш орқали “зиён” – (زیان) сўзи келтириб чиқарилмоқда. Муҳими, мазкур мисоллардаги сўз ўйинлари мазмунни гўзал поэтик шаклда, ўқувчи шуурида муҳрланиб қоладиган тарзда ифодалашга хизмат қиласи.

ИТНОБ (ар. اتناب – кўп сўз, оз маъно) – қаранг: ийжоз

Адабиётшүнослик луғати

ИТТИФОҚ (ар. اتفاق – ўзаро мувофиқлашиш) – мұмтоз адабиётдаги шеърий санъат, шеърда шоир тахаллусининг ҳам луғавий маъносидә, ҳам тахаллус сифатида ишлатилиши. Яъни шоир мақтаъда ўз тахаллусини көлтираётган бўлса-да, байт мазмуни уни луғавий маънода ҳам тушунишни тақозо этади. И. санъати қўлланган байтларни Гадой, Бобур, Феруз, Фурқат, Чўлпон, Э.Воҳидов каби шоирлар ижодида кўплаб учратиш мумкин. Мас., Бобурнинг:

Оёғим етганча Бобурдек кетар эрдим vale,

Сочининг савдоси тушди бошима боштин яна, –

байтида Бобур сўзининг шоир номи маъносидан кўра луғавий маънода, яъни “шердек қайтмас бўлиб кетардим” маъносидә англаш ўқувчига кўпроқ эстетик завқ беради. Қуйидаги байтларда ҳам И. санъатидан моҳирона фойдаланилган:

Гарчи эрурман толеи Феруз ила оламға шоҳ,

Лек ул парилар сарвари олдида дурман қул букун (Феруз).

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим дўстлар,

Қуёшининг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку (Чўлпон).

Сенга ўн тўртмда боғландим, ҳануз Эркин бўлолмас дил,

Ўзим доғман, ақл кирмас, тўзимсиз ўттизимдан ҳам

(Э.Воҳидов).

Дамлар шиквасига учма, Омон бўл,

Фазлу камолингни эл билса бўлди (Омон Матжон).

ИФРОТ (ар. افراط – ҳаддан ошиш, ошириш) – қаранг: муболаға

ИЧКИ МОНОЛОГ – персонажнинг моддийлашмаган, ўзига қаратилган ва ичидагина кечувчи нутқи; бадиий психологизмнинг бевосита шакли. И.м. шартли равишда инсон онгида кечаетган ўйлов (хис этиш) жараёни сифатида қабул қилинади. Персонаж руҳиятини тасвирлаш воситаси сифатида И.м. антик драматургиядаёт маълум бўлган, уйғониш давридан бошлаб, айниқса, кенг қўлланила бошлаган. Драматик асарлардаги И.м.ларда “икки карра шартлилик” кузатилади. Чунки драмадаги И.м. моддийлашади – талаффуз этилади, лекин персонаж саҳнада ёлғизлиги ва нутқининг ўзига қаратилгани шартлилик асосида бу гапларни ҳақиқатда вое бўлмаган, балки унинг онгида кечган жараён имитацияси деб

Адабиётшунослик луғати

қабул қилишни тақозо этади. Шунга ўхшаш, персонажнинг бошқа персонажлар билан мулоқот чоғида “четга” гапириши ҳам ҳақиқатда гапирилмаган деб қабул қилинади. Янги давр ривоявий эпик асарларида ҳам И.м. саҳнавийлик хусусиятини саклаб қолади: унинг воситасида персонаж юз берәётган воқеаларни мушоҳада қиласди, изланади, ўзини тафтиш қиласди, изҳор этади, икror қиласди ва ҳ. – шу тарзда унинг руҳияти драматиклаштирилади. Инсон ички олами, унинг туйғу-кечинмаларини биринчи ўринга кўйган сентиментализм адабиёти И.м.ни кенг истифода этиш билан бирга, унинг имкониятларини кенгайтиришга ҳам катта ҳисса қўшди. Реалистик адабиёт эса И.м.ни инсон онгига кечувчи жараёнларга яқинлаштиришга интилди. Гап шундаки, реализмга қадар И.м. грамматик жиҳатдан тартибга солинади, унда мантиқий изчиллик кузатилади. Ҳақиқатда эса инсон онгидаги ўйлов (ҳис этиш) жараёни бундай батартиб кечмайди: унга зиддиятлар, парадокслар, чалғышлар, узилишлар ва ш.к.лар ҳам хосдир. Реалистик адабиёт, бир томондан, ўйлов жараёнини тартибга солишни мукаммаллаштириди, иккинчи томондан, унинг мураккаб томонларини ҳам акс этиришга интилгани учун И.м.га ўрни билан грамматик ва мантиқий жиҳатдан изчил тартибга солинмаган унсурларни ҳам киритди. Хусусан, Л.Н.Толстой ва Ф.М.Достоевский асарларида И.м. персонаж онгига ёзувчи аралашувисиз кечәётган жараён тасвири сифатида берилиб, онг ва онгости қатламлари фаолиятини бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан тасвирлашга ҳаракат кузатилади. Бу икки адид тажрибалари асосида И.м.ни буткул эркин кечәётган психик жараён сифатида тасвирлаш, худди шундай эффект хосил қилишга интилиш кучайди ва бунинг натижаси сифатида XIX – XX асрлар чегарасида И.м.нинг “онг оқими” шакли вужудга келди (қ. онг оқими).

Ҳозирги адабиётда ҳам И.м. персонаж руҳиятини тасвирлашнинг энг мухим воситаларидан бири бўлиб, унинг асрлар давомида сайқалланган турли шаклларидан персонаж руҳиятини очиб беришда кенг фойдаланилмоқда.

ИШБО (ар. – اشیاع – тўйдириш) – қаранг: **муқайяд қофия**

ИШТИҚОҚ (ар. – اشتراق – ёриш, бўлиш, сўздан сўзни ажратмоқ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, шеър ёки насрда бир ўзакдан ташкил топган сўзларни ишлатиш. И. санъатида насрда бир жумла

Адабиётшунослик луғати

ицида, шеъриятда бир байт, рубоий, туюқ, ғазал ёки қасида доира-сида ўзакдош сўзлар икки ёки ундан ортиқ ўринда келтирилади. Идан мурод ўзакдош сўзларни шунчаки келтириб шеърга безак бериш эмас, бунда ўзакдош сўзлар орасидаги маъно алоқадорлиги асосида мазмунни тиник ва теран, хушоҳанг ифодалаш каби муҳим эстетик самаралар кўзланади. Mac., Навоийнинг:

Фигонким, кўнглим олғон дилбарим дилдорлиғ билмас,

Билур ошиқни ғамгин қилмоқу ғамхорлик билмас,—

байтида “дилбар – дилдор”, “ғамгин – ғамхорлик” ўзакдош жуфт-ликлари бир-бирига қарши қўйилади ва шу асосда ошиқнинг изти-роблари ёрқин ифода этилади. Айрим ҳолларда И. тақрир (ёки рафд)га ўхшаса-да, уларни фарқлаш жоиз. Mac., Навоийнинг:

Саревинозим гул чоги гулшанга кирди, эй насим,

Ҳам они елпию ҳам гул яфрогин бошига соч,—

байтида “гул чоги”, “гулшан”, “гул яфроги” қаторидаги сўзлар ўзакдош эмасдек, бу ўринда шеърий санъат ўзакдош сўзларни эмас, балки “гул” сўзи тақрори асосида юзага чиқаётгандек туюли-ши ва бу ўринда И. эмас, тақрир санъати қўлланган, деган янглиш хуносага келиб қолиш мумкин. Ҳолбуки, “гул чоги” маълум бир пайтни (гуллаш вақтини), “гул яфроги” эса нарсани (“гулбарг”) анг-латувчи қўшма сўзлар бўлиб, улар морфологик усулда ясалган “гулшан” сўзи билан ўзакдошдир.

ИҚТИБОС (ар. اقتباس – илм ўзлаштироқ, ўзаро фойдаланмоқ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат. Кенг маънода И. “бир сўз ёки ёзувни бўлгани каби ё қисқартириб олмоқ. Биридан илман истифо-да этмоқ... Сўз орасида Қуръони Каримдан ёхуд Ҳадиси Шарифдан ё бошқа мақбул асарлардан бир жумланинг тўлиқ ёки қисман оз тасарруф ила ёхуд тасарруфсиз олиниши”ни англатади ва бу маъносида И. цитата (қ.) билан синонимдир. Шеърий санъат си-фатида эса И. “Қуръон ё ҳадисдин бир нимани анинг Қуръон ёки ҳадисдин олинганига ишора бўлмаған тарзда каломға киритмактин ибораттур” (Атоулло Ҳусайнний). Яъни И. санъати Қуръон ва ҳадис илми билан боғлиқ бўлиб, ижодкорнинг ўз фикрини шу икки мўътабар манбага таяниб асослашини англатади. И. санъати мум-тоз адабиётимизда кенг қўлланган бўлиб, унинг икки нави мавжуд. Биринчи навида оят ёки ҳадис айнан келтирилади ва “дарж” деб юритилади. Оят ёки ҳадисни айнан эмас, балки таржимаси ёки мазмунини келтириш эса “ҳалл” деб аталади. Демак, умумлашти-128

Адабиётшунослик луғати

риб айтиш мумкинки, байтда оят ёки ҳадисни ҳеч қандай ишорасиз айнан келтириш ҳам, байтга оят ёки ҳадиснинг мазмунини сингдириб юбориш ҳам И. саналади. Оят ёки ҳадисни байтга киритишдан мурод шунчаки безак бериш эмас, балки муайян ғоявий-эстетик мақсад (фирки тасдиқлаш, қувватлантириш, кучайтириш ва ш.к.) билан амалга ошади ва лирик қаҳрамон фикр-кечинмаларини ёрқин ифодалашга хизмат қиласи. Мас., Ҳазинийнинг:

Худовандо, Ҳазинийнинг гуноҳин магфират айлаб,

Ки, дохили жаннат "мин таҳтиҳ-ал-анҳар" бўлгайму? –

байтидаги "мин таҳтиҳ-ал-анҳар" ("остиларидан дарёлар оқиб турвчи") жумласи Қуръони Каримнинг "Бақара" сураси 25-оятидан олинган. Мазкур оят (таржимаси) да шундай дейилади: "Иймон келтириб, яхши амал қулган зотларга хушхабар берингки, улар учун остиларидан дарёлар оқиб турувчи боғлар. Қачон ўша боғларнинг бирор мевасидан баҳраманд бўлсалар, «Илгари то-тиб кўрган нарсамизку», – дейишади. Зоро, уларга сурати бир-бирига ўхшаган мевалар берилади. Ва улар учун жаннатда покиза жуфтлар бордур. У зотлар жаннатда абадий қолажаклар". Яъни бу ўринда И. лирик қаҳрамоннинг айни дамдаги руҳий ҳолатини ёрқин ифодалайди. Худога илтижо этаёттан лирик қаҳрамон ўзининг осий банда эканини билади, шунга қарамай, умидворлик билан яшайди, чунки Аллоҳнинг карами кенглигига ионади, ундан мағфират тилаб, ўзини севимли бандалари, жаннатда абадий қолувчи зотлар қаторига қўшишидан умидвор бўлади. Албатта, шоир байтда айтмоқчи бўлган фикрлар, унинг айни дамдаги ўйхислари И. орқали ишора қилинган манбадан хабардор кишиларга қўпроқ тушунарлидир.

ИФРОҚ (ар. اغراق – чўқтиromoқ, чукурлаштиrmok) – қаранг: муболага

КАЛОМИ ЖОМИЙ (ар. کلام – сўз, جامع – жамловчи, умумлаштирувчи) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, шеърга ёки байтга панд-насиҳат, ўгит, ахлоқ-одобга оид ҳикмат, замондан ёки замондошлардан нолиш маъноларини сингдириш. Яъни К.ж. маънавий санъат бўлиб, у байт ёки шеърнинг маъно-мазмун томони билан белгиланади. Сираси, мумтоз шеъриятдаги деярли барча асарларда ё панд-насиҳат, ё бир ҳаётий ҳикмат, ё замондан, дўст-биродарлардан шикоят мазмуни мавжуд. Шу жиҳатдан қаралса,

Адабиётшунослик луғати

К.ж.нинг санъат саналишида муайян даражада шартлилик, анъанавийлик таъсири бор. Демак, мумтоз шоирларимизнинг мингминглаб асарларини, байтларини бемалол К.ж.га мисол сифатида келтириш мумкин. Мас., Навоийнинг “Топмадим”, “Аввалгиларга ўхшамас”, Бобурнинг “Қолдиму” радифли ғазаллари, қатор рубоййларида замондан, ёр-биродарлардан нолиш кузатилса, кўплаб асарларида панд-насиҳат, ахлоқ-одобга оид ҳикматлар акс этган. Дидактик йўналишда ижод қилган Яссавий, Сўфи Оллоёр, Хувайдо, Ҳазиний каби кўплаб шоирларнинг асарларида эса панд-насиҳат мазмуни устувордир. Мас., Яссавийнинг:

Бедор бўлғил, эй мўъмин, саҳар вақти ичинда,
Қутқор ўзунгни ўтдин саҳар вақти ичинда.

Сўфи Оллоёрнинг:

Уялма маърифатни ўрганурдин
Жойинг танур бўлур қолсанг танурдин.

Хувайдонинг:

Хоки пойи яхшилар бўл, хок бўлмасдан бурун,
Бу қаро ер қўйни сенга чок бўлмасдан бурун.

Ҳазинийнинг:

Худонинг ёди бирла йиглагил шому саҳарларда,
Яқонгни чок этиб, сан йиглагил шому саҳарларда, –
мисраларида мана шундай ҳолатни кузатишимиз мумкин.

КАТАРСИС (юн. *katharsis* – халос бўлиш, покланиш) – адабиётшуносликка Арасту томонидан киритилган термин. Арастуга кўра, томошабин трагедияни кўриш асносида ҳамдардлик ва қўрқув туфайли ўзидағи шундай аффектлар (хис-туйғулар)дан тозаланади. Яъни К. эстетик кечинманинг моҳиятини ташкил қилиб, қаҳрамоннинг кечинмаларини қалбда қайта кечириш асосида воқе бўлади. Арасту давридан буён ушбу термин турлича, баъзан ҳатто бир-бiriга зид талқинларга учради. Шунга қарамай, ҳозирги адабиётшуносликда кўпроқ икки маънода фаол ишлатилади: 1) томошабиннинг драматик асар, айниқса, трагедия қаҳрамони билан у *катасстрофа* (қ.)га учраган онлардаги эмоционал алоқаси; 2) ҳар қандай адабий асарни ўқиши асносида юзага келадиган қаҳрамон, ўқувчи ва муаллиф онгларининг учрашуви, асарнинг мазмун (маънавий) доирасини белгилаб, унга эстетик объект сифатидаги тугаллик бахш этувчи муҳим омил. Яъни бу маънода К. терминининг, гарчи у кўпроқ *трагизм* билан боғлиқ ҳолда тушунилса-да,

Адабиётшунослик лұғати

доираси кенгаяди, трагик К. билан бир қаторда, унинг бошқа күринишлари (мас., комик К.) ҳақида ҳам гапириш мүмкін бўлади. Албатта, адабиётшунослик ва эстетикада бадиий асарни қабул қилиш (бадиий рецепция) муаммоларини ўрганиш чуқурлашиб боргани сари К.нинг маъно диапазони кенгайиб, талқинлар турличалиги ҳам ортиб боради, шунга қарамай, термин ўзининг ўзак маъносини сақлаб қолмоқда.

КАТАСТРОФА (юн. *Katastrophe* – бурилиш, тўнтариш) – трагедия ёки драма қаҳрамони ҳаётида кескин бурилиш юз берувчи ҳолат, ташқи ҳаракат динамикасига асосланган сюжетларда *перипетия* ўтқир намоён бўлувчи нуқта, аксар ҳолларда ечим билан ҳам мос тушади. Мас., М.Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедиясида Улуғбекнинг тахтдан кечиши ва охириги фармонни бериши ёки Ўйғуннинг “Имон” драмасидаги ҳақиқат ошкор бўлган саҳнани К.га мисол қилиб кўрсатиш мүмкін. К. термини антик даврларда илмий муомалага киритилган бўлиб, ҳозирги адабиётшунослиқда кўлланниши жиҳатидан пассив ҳисобланади.

КИНОЯ – 1) мумтоз адабиётшунослиқда мажоз (кўчим)нинг бир тури. Атоуллоҳ Ҳусайний К.нинг лугавий маъносини “бир нимани дерлар, лекин андин ўзга нимани ирода қилурлар” тарзида ифодалайдики, бу таъриф кўчим термини маъносига яқин келади. Бироқ бошқа бир ўринда у фикрини қўйидагича аниқлаштиради: “...андин ибораттурким, бир маънони анга лозиму табиъ маъно учун ясолғон лафз ила ул тарзда таъбир қилурларким, агар ул лафзнинг ўз ясогин ирода қилсалар ҳам раво бўлур...” Мазкур таърифга “фазл арбоби қошиға кўп бориб келмак анга лозиму тобиъ бўлған кўп кафш йиরтмоқ била таъбир этилиптур...” мисолининг келтирилганидан К. алоқадорлик асосидаги кўчим деб тушунилгани англашилади. Ҳозирда кўчимнинг бу тури *метонимия* (қ.) деб юритилади; 2) ҳозирги адабиётшунослиқда ирония терминининг муқобили сифатида фаол кўлланади. Кўчим тури сифатида К. сўз ёки бирикманни асл маъносидан бошқа, тескари маънода кўллаш демақдир. Метафора ҳамда метонимияга кўчимнинг асосий турлари сифатида қараб, бошқа кўчим турларининг улардан келиб чиққани назарда тутилса, К.ни метафора типидаги кўчим, яъни “тескари ўхшатиш” асосидаги маъно қўчиши дейиш мүмкін. Мас., А.Қодирий Калвак маҳзумнинг бадбашаралигига ишора қилиб, уни “хусни Юсуф” деб

Адабиётшунослик луғати

атайдики, бу моҳиятан тескари ўхшатишdir. Бироқ К.га фақат кўчим турларидан бири сифатидагина қарап мунозарали масала. Жумладан, К.нинг ўхшатиш объектисиз ҳам намоён бўла олиши уни бошқа кўчим турларидан фарқлайди. Оддийгина “яхши” деган сўзни тескари маънода кўллаш учун оҳангини ўзгартириб айтиш кифоя. Ёки “Лолазор” (М.Муҳаммад Дўст) романида собиқ Иттифоқ раҳбари “КАТТА ПАХТАКОР” деб аталадики, бунда аллюзия (к.) орқали маъно кўчирилади. Кўчим сўз ёки сўз биримасини кўчма маънода ишлатишни кўзда тутади, К. эса модаллик ифодаси сифатида тилнинг барча сатҳларида ва шу сатҳ унсурлари (товуш, интонация, сўз, жумла ва х.) воситасида ифодаланиши мумкин. Мас., К. нафақат сўзни тескари маънода кўллаш, балки жумлани киноявий маъно ифодалайдиган тартибда тузиш ва шунга мос оҳанг ёрдамида ҳам юзага чиқарилиши мумкин. Бу ҳолда стилистик фигура сифатидаги К. ҳақида гапириладики, унинг бир кўриниши сифатида антифразис (к.) кўрсатилиши мумкин.

КИНОЯВИЙЛИК – 1) комиклик кўринишларидан бири, воқеликка ғоявий-ҳиссий муносабат тури. Бу ҳолда муаллиф бутун асар воқелигига ёки унинг бир қисмига (айрим характерларга) нисбатан киноявий муносабатда бўлади, асар композицияси киноявий нұқтаи назарни ифодалашга мос равишда курилади. Киноявий муносабат идеал ва воқелик ўртасидаги кескин номувофиқликни англашдан туғилади. Шунга кўра, К.нинг мақсади фақат кулги ҳосил қилишгина бўлиб қолмай, вазиятнинг қанчалик жиддийлиги ва ҳатто фожейлигини ҳам таъкидлаб кўрсатишдан иборат бўлади. К.да тасдиқ орқали инкор ёки инкор орқали тасдиқ маъноси ифодаланади. К. комикликнинг алоҳида тури сифатида юмор ва сатирадан субъектив ибтидонинг етакчилиги билан фарқланади, яъни объектдаги комик зиддият кўпроқ муаллиф муносабати орқали юзага чиқарилади. Г.Поспеловга кўра, кино ва унинг юқорироқ даражаси бўлган сарказм комикликнинг асосий турлари – юмор ва сатиранинг субъектив томонини ташкил этади. Яъни воқеликни маънавий-ахлоқий (юмор) ёки ижтимоий (сатира) мавқедан идрок этиш жараёнида муаллифда кино ёки сарказм туйғуси түғилади. Кўп ҳолларда К.га юмор ва сатиранинг фонида, юмористик ва сатирик асарларнинг ёрдамчи воситаси деб қаралади. Бироқ К. юмористик ёки сатирик бўлмаган асарларда ҳам кузатилиши мумкин (мас., Ф. де Ларошфуко максималари, Умар Хайём рубоийлари). Объект

Адабиётшунослик луғати

тандамаслиги, субъект кайфиятидан келиб чиқиб ҳар қандай обьектга ҳам қаратилиши мүмкінлиги туфайли Г.Поспелов унга пафос турларидан бири сифатида қарамайды. Шундай бұлса-да, К.га муаллиф эмоционаллығы типларидан бири (В.Хализев) сифатида қараш зарур; 2) бадиййлик модуси. Сұнгги давр жағон адабиёти тараққиеті давомида киноявий муносабатнинг бутун асар тузилишини белгилашдаги ақамияти ортди. Агарда илгари киноявий муносабат факат кичик жанрлардаги асарлар (мас., халқ латифалары, Умар Хайём рубойлари, Ф. де Ларошфуко максималари) структурасини белгилаган бұлса, XX аср адабиётида, хусусан, 80-йиллар ўзбек насирида (М.Мұхаммад Дұст. "Лолазор") бошдан-оёқ киноявийлікка асосланған асарлар яратилдіки, уларни айни модус хусусиятларини әтібиорға олган ҳолдагина бадииятта дохил асарлар ҳисоблаш мүмкін бўлади. Киноявийлік бадиийлік модуси сипатида "ўзим учун мен"нинг "бошқалар учун мен"дан кескін ажралиши (фарқланиши) натижасида юзага келади. Киноявий "мен" ташқи борлиққа ичдан алоқасызлиги, у билан муносабатда бўлмаслиги билан характерланади. Киноявий асар муаллифи масалани ахлоқийлаштирмайды (бу, айни пайтда, ахлоқа зид нұқтаи назар эмас), муаллиф қаҳрамон ва воқеликни баҳолар экан, ҳатто ана шу баҳо принципларидан ҳам четлашиб, уларга бошқа тарафдан назар ташлайди. Зеро, К. сатира ва юмордаги каби реаллікни баҳолаш билангина чекланмайды, шу боис ҳам воқелик ва бадиий асардаги ҳар қандай ижтимоий-маънавий (баъзан эстетик) идеал ёки ғоявий-хиссий муносабат кинояниянг обьекти бўла олади. Шу маънода киноя "хукм устидан ҳукмдир". Киноявий нұқтаи назар субъекти ҳамма нарсадан – нафақа қаҳрамон, балки умуман воқеликдан четлашган, узилган ҳолда уларни юқоридан кузатади, қаҳрамоннинг ожизлиги, у тушиб қолган вазиятнинг абсурд – маънисизлигини гүё ўта ҳиссизлик, бефарқлик билан кузатар, тасвирлар экан, бундай маънисиз вазиятта муаллиф ҳам, китобхон ҳам тушиб қолиши мүмкінлигини англаб турдиган. Шунга кўра, киноявий нұқтаи назар эгаси нафақат обьектдан, балки ўз-ўзидан ҳам четлашган бўлади. Бу эса, ўз навбатида, китобхондан ҳам ўзидан, маънавий-ахлоқий принципларидан, әттиқод ва аъмолидан четлаша олиш (воз кечиш эмас), уларга четдан назар ташлай олишни талаб қиласиди, бусиз ўкувчи киноявий модусдаги асар бадииятини тушуна олмайди, унда катарсис рўй бермайди. Шу-

Адабиётшунослик луғати

нинг учун ҳам киноявий адабиёт китобхонларни кескин ажратиб қўяди. Яъни киноявий асарнинг қабул қилиниши, киноявий бадииятнинг юзага чиқишида муваллиф-объект-адресат училигидаги адресатнинг аҳамияти янада ортади.

КИРИТМА ҲИКОЯ – воқеабанд сюжетли асар таркибига киритилган мустақил ҳикоя. К.ҳ., одатда, асар сюжети билан бевосита боғланмайди, ўзининг мустақил сюжетига эга бўлиб, асар бутунлигига мазмуний жиҳатдан боғланади ва бадиий концепцияни ифодалашга хизмат қиласади, шу жиҳатлари билан у моҳиятан гап таркибидаги киритма конструкцияларга ўхшашdir. Mac., “Ўтган кунлар”даги уста Олим ҳикояси роман асосий сюжетига бевосита боғлиқ эмас: у бош қаҳрамон билан тасодифан учрашиб қолган кишининг ҳикояси сифатида берилади. Лекин айни шу ҳикоя асарда бир қатор бадиий-эстетик функцияларни бажаради: Отабек билан уста Олимни қалбан яқинлаштиради, уларнинг қиёматлик дўст бўлиб қолишини асослайди; Отабек шу дўстлик туфайли душманини танийди, ғанимлари режасидан воқиға бўлади – яъни К.ҳ. билосита сюжетнинг кейинги ривожини асослайди; адигба икки типдаги одам (янгича фикрлайдиган Отабек ва эскича фикрлайдиган уста Олим)ни қиёслаш ва шу асосда ўзининг бадиий фалсафасини янада ёрқин ифодалаш имконини беради. Ёзувчининг олам, одам ва замон концепцияси – бадиий фалсафасини шакллантириш ва ифодалашда К.ҳ. нечоғли муҳим унсур экани “Асрга татигулик кун” (Ч.Айтматов) романи мисолида яққол кўринади. Романга киритилган “Найман она ҳикояси” адигба асар ёзилган даврда ўта дол зарблашган манқуртлик фожиаси, Чингизхон ҳаётидан нақл этувчи “Сариўзакдаги қатл” ҳикояси чекланмаган мустабид тузум моҳияти ва у инсониятга келтириши мумкин бўлган фожиалар, Раймали оға ҳақидаги ҳикоя эса шахс эрки ва унинг дахлсизлиги масалаларини бадиий мушоҳада этиш имконини беради. Асар тўқимасига сингдириб юборилган мазкур К.ҳ.лар асосий сюжет воқеалари билан яхлит мазмуний бутунликни ташкил қиласди ва айни шу бутунлик адабнинг олам, одам ва замон ҳақидаги бадиий концепциясини ифодалайди. К.ҳ.лар ҳажми, жанр хусусиятларига кўра турлича (киритма эпизод, ривоят, афсона, латифа, ҳикоя, қисса) бўлиши, уларнинг асар структурасига киритилиши турлича усувлар (персонаж ҳикояси, бирорнинг қўллэзмаси ва б.) билан асосланиши ёки

Адабиётшунослик луғати

асосий сюжетга параллел тарзда бериб борилиши (мас., У.Ҳамдам. "Исён ва итоат") мумкин.

КИТОБАТ (ар. *كتاب* – ёзув, ёзиш, кўчириб ёзиш, хат ёзиш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, байтда араб ҳарфлари воситасида ўзига хос ташбеҳ яратиш. Яъни К. санъатида араб ҳарфлари мушаббихун биҳ вазифасини ўтайди: ушбу санъат араб ҳарфларининг ёзуvdаги шакли билан бирор нарса-ҳодиса, ҳолат (кўпроқ ёрнинг аъзолари, ошиқнинг эгилган қадди ва ш.к.) ўртасидаги ўхшашлик асосида воқе бўлади. Шунинг учун ҳам К.ни алоҳида санъат эмас, ташбеҳнинг бир кўриниши сифатида тушуниш тўғрироқ бўлади. Мас., Эркин Воҳидовнинг:

Ҳажрда қаддимни дол эттинг, десам бергай жавоб,
Ким қўйибди севгини қадди букилган чол учун, –
байтида ошиқнинг ҳижрон азобидан эгилган қадди – мушаббих,
“дол” (↓) ҳарфи эса мушаббихун биҳдир.

КЛАССИКА (лот. *classicus* – намунали, мумтоз) – энг яхши, намунали, мумтоз дея эътироф этилганлик. Яъни, аслида, К. термини ўзида баҳо муносабатини ифодалайди. Шунга қарамай, К. сўзининг муомала амалиёти ва адабиётшуносликдаги қўлланишида турличалик мавжуд. Жумладан, у конкрет асар ("Хамса", "Ўтган кунлар", "Анор" ва.х.), муайян бир ижодкор (А.Навоий, А.Қодирий, А.Қаххор) ёки бутун бир даврга (Ўзбек классик адабиёти) нисбатан ҳам қўлланаверади. Мазкур ҳолатларнинг биринчисида баҳо муносабати тўлиқ сақланади, чунки бу ўринда ҳар жиҳатдан намунали бўлган мукаммал бадиий асар назарда тутилади. Иккинчи ҳолда ҳам баҳо муносабати устувор, шунинг учун терминни ўйлаброқ ишлатган маъқул: ўз ижоди билан бадиий тафаккурни сезиларли олға силжита олган ижодкорларга нисбатангина классик дейиш тұғри бўлади. Учинчи ҳолда эса баҳо муносабати ўрнини давр маъноси эгаллади, яъни ўзбек классик адабиёти дегани “энг яхши, намунали” дегани эмас, балки X – XI асрлардан бошлаб XX аср бошлирагача бўлган ўзбек адабиёти демақдир.

КЛАССИЦИЗМ (лот. *classicus* – намунали, мумтоз) – XVII асрдан XIX аср бошлирага қадар Европа санъатида кузатилган эстетик ҳодиса, шу давр адабий жараёнида етакчи мавқе тутган адабий йўналиш. Мутахассислар К.нинг пайдо бўлишини 1515 йил –

Адабиётшүнослик луғаты

итальян ёзувчиси Трессинонинг «Софонисба» трагедияси яратилишидан бошлаб белгилашади. Трессино бу асарини антик трагедия намуналариға таянган ҳолда, сюжет воқеаларини антик Рим тарихчиси Тит Ливий асарларидан олиб, Арасту “Поэтика”сида қўйилган талабларга риоя қилган ҳолда яратган эди. Худди шу нарса, антик адабиётни этalon деб билиш, ундаги образлар ва поэтик шакллардан фойдаланиб ва антик даврда ишлаб чиқилган қоидаларга амал қилган ҳолда ижод қилиш талаби К.нинг асосий хусусиятларидан бири саналади. К.нинг назарий асослари Уйғониш даврининг охирларида, хусусан, Л.Кастельветро, Ю.Ц.Скалигерларнинг поэтикага оид рисолаларида пайдо бўла бошлаган эди.

Францияда К. адабий йўналиш сифатида тўла қарор топиб, адабий жараёнда етакчи мавқе эгаллаган бўлиб, француз К.и Европадаги бошқа ҳалқлар адабиётларига жиддий таъсир кўрсатган. Францияда К. маданиятининг гуллаб-яшнашига асос бўлган қатор омиллар мавжуд эди. Аввало, мавжуд ижтимоий-тарихий шароитда К. давлат ва миллат манфаатларига тўла мос эди. XVII асрга келиб марказлашган давлат ташкил қилиш ҳаракати ниҳоясига етган, том маънодаги абсолют монархия ўрнатилиб, Франция Европадаги энг қудратли мамлакатга айланган эди. Мазкур шароитда К. ҳукумат тан олган расмий ва чин маънода етакчи бадиий метод бўлиб қолди. Қирол ҳукумати классицист адилларга маош тайин қиласди, уларни қўллаб-қувватлайди; ҳукуматнинг тил ва адабиёт соҳасидаги сиёсати Француз академияси томонидан амалга оширилади. Ҳукуматнинг бу масалага жиддий эътибор бериши бежиз эмас. К. адабиёти француз давлатчилигининг мустаҳкамланиши, французларнинг ягона миллат сифатида бирлашишига хизмат қилиши лозим эдики, у ушбу миссияни шараф билан уddyалади, француз жамияти ва миллий маданияти тарихидаги жуда муҳим босқич бўлиб қолди.

Француз К.нинг гуллаб-яшнашига асос бўлган яна бир муҳим омил Декарт таълимоти бўлиб, у XVII аср француз фалсафий тафқурининг чўққиси ҳисобланади. Декарт фалсафада рационализм оқимининг асосчиси, унга кўра, ҳақиқатнинг бош мезони ва манбаи онгдир. Яъни Декарт ҳақиқат манбаи борлиқда ёки тажрибада эмас, балки тафқур қурилмаларида деб билади. Шундан келиб чиқсан ҳолда К.нинг асосий тамойиллари белгиланади. Уларга кўра, санъат ақл томонидан қатъий тартибга солиниши ке-

Адабиётшүнослик луғати

рак, бадий асар ақлга мувофиқ ва аниқ таҳлилга имкон берадиган тарзда қурилиши лозим, санъат асарининг кучи тафаккур қудрати ва мантиғи билан белгиланади. К. эстетикаси, поэтикасининг асослари, уларнинг норматив характерга эгалиги санъатни шундай тушишдан келиб чиқади. К. назариётчиларидан бири Ла Менардьер ўзининг «Поэтика» (1639) асари ҳақида “Мен Санъат бўйича йўриқнома ёзишга ҳаракат қилдим”, бу машаққатли ишга жазм қиларкан, “Файласуфга (Арастуга – тузувчилик) бадий маҳоратга оид барча ҳақиқатларнинг манбаи деб қарадим”, дейди. Яъни, унга кўра, “Поэтика” ижодкорлар амал қилиши лозим бўлган қоидалар мажмуи (йўриқнома), антик даврда ишлаб чиқилган қоидалар эса эталондир. Худди антик даврдаги каби, К. ҳам адабиётни табиатта тақлид деб билади, унинг вазифасини қатъий қоидалар асосида табиат (олам)ни идеал уйғунликдаги тартиби билан намоён этиш – санъат ҳодисасига айлантиришда кўради. К. учун мангу, вақт хукмiga бўйсунмайдиган қадриятларгина эстетик қимматга эга. Шундай қадриятларни ифодалаш учун К. антик адабиётдаги образлар, сюжетларни асос қилиб, уларга универсаллик баҳш этишга интилади. Оламга хос муайян қонуният асосидаги тартибот санъатда ҳам бўлиши лозим деб билган К. назариётчилари бадий ижодда белгиланган қоидаларга оғишмай амал қилишни талаб этади. Мас., улар “юксак” (трагедия, эпопея, ода) ва “тубан” (комедия, сатира, масал) жанрларни ажратишади, уларга хос хусусиятларнинг араплашиши мумкин эмас; ҳар бир жанрга хос сюжет, материал, мазмун, рух, қаҳрамонлар қатъий белгиланган; драматик асарда уч бирлик (воқеа, вақт ва жой бирлиги) қоидасига амал қилиш шарт ва ҳ. деб билишган. Эътиборли томони шуки, К. даврида адабиётнинг моҳияти, вазифалари, бадий асарнинг қурилиши масалаларидан баҳс этувчи кўплаб асарлар яратилган, жумладан, Н.Буалонинг “Шеърий санъат” асарида К.нинг адабий-эстетик қарашлари муфассал ифодасини топган.

КОЛЛИЗИЯ (лот. *collisio* – тўқнашув) – бадий асарда тасвирланган воқеа асосида ётувчи персонажлар орасидаги тўқнашувлар, зиддиятлар. Илмга Гегель томонидан киритилган К. термини адабиётшүносликда баъзан конфликтнинг синоними сифатида қўлланади. Шунга қарамай, уларни сезиларли фарқ билан қўллаш амалиёти ҳам мавжуд. Жумладан, зиддиятларни ўтирилик жиҳатидан даражалаган ҳолда К.ни ўткир зиддият маъносида тушуниш;

Адабиётшунослик луғати

күлам жиҳатидан даражалаган ҳолда тарихан глобал характердаги тұқнашувларни К. деб аташ; шунингдек, К.ни конфликтта нисбатан торрок күламда құллаб, конфликтнинг бир күриниши, асосан, эпик асарлар воқеа ривожидаги бир ҳолат – *ситуациядаги (к.) персонажлар зиддияти сифатида ҳам тушуnilади*. Кейинги давр адабиётшунослигіда К.ни сүнгги маңнода, яъни тасвир предмети сифатидаги зиддият (конфликт) эмас, унинг таркибий қисми – ички структуранинг элементи сифатида тушуниш кенгроқ оммалашмоқда.

КОМЕДИЯ (юн. *komos* – құвноқ маросим, *ode* – қүшик) – драматик турнинг учта асосий жанридан бири, антик даврдағы жанр сифатида шаклланған. К. драматик турнинг комиқликка асосланған жанри бўлиб, унда характерлар, ҳолат ва воқеалар кулгили тарзда, комиқликка йўғрилган ҳолда тақдим этилади. Антик замонлардан то классицизм даврига қадар К.да трагедиянинг зидди кўрилган (трагедия фожиали якун топади – К. баҳтли; трагедия фавқулодда кучли шахслар – К. да куйи табақа кишилари; трагедия тарихий воқеага асосланади – К.да тўқима ва ҳ.), адабиётшуносликка оид рисолаларда трагедияга юксак, К.га эса тубан жанр сифатида қаралған. Мазкур ҳол XVIII асрларда, маърифатчилик адабиётида оралиқ жанр сифатида драма пайдо бўлгунга қадар давом этган. Кейинги икки аср давомида К. муттасил ривожланди, турфа жанр хусусиятларини касб этиб, имкониятлари кенгайди.

К.нинг асосида ётувчи ижебий куч – кулги, у жамият ҳаётида, кишилар феъл-авторида мавжуд камчиликлар, идеалга номувофиқ жиҳатларга қаратилған бўлади. К.нинг марказида комик характерлар туради. Одатда, комик характер деганда, ўзида идеалга тамоман зид иллатларни жамловчи ёки улардан айримларини намоён этувчи персонажлар назарда тутилади. Бу ўринда асосий шартлардан бири шуки, комик персонаж ўзининг мавжуд ҳолатини идрок этмайди, ўзига реал баҳо беришга ожиз. Аксинча, у ўзини бор ҳолига нисбатан тамоман тескари баҳолашга мойил: фирт тентак бўлгани ҳолда ўзини ақлли санайди, маңнан тубан бўлгани ҳолда ўзини покдомон билади – ўзини ўзгаларга шундай сифатларда тақдим этишга чиранади. Mac., Уйгуннинг “Парвона”сидаги Ўткурий маңнан тубан, ахлоқан бузук, оддий маҳмаданаю фирибгар бўлгани ҳолда ўзини ақлли, сўзамол, уддабурон, яшашни биладиган ва ҳ. фазилатлар эгаси деб ҳисоблайди, шундай күринишга

Адабиётшунослик луғати

уринади. Худди шу нарса – характернинг моҳияти билан мавжудлиги орасидаги номутаносиблик комикликни, характер комиклигини юзага чиқаради. К. ҳолат комиклиги асосига ҳам қурилади. Мас., С.Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони”, “Қуёв” асарларида ҳолат комиклиги устувор мавқега эга. Аслида, бу хил фарқлашда шартлилек бор, чунки К.да характер комиклиги билан ҳолат комиклиги уйғунлашиб келади, улар бир-бирини тўлдиради, бири иккинчисини намоён этади.

К. сатирик ёки юмористик руҳда бўлиши мумкин, ҳар икки ҳолда ҳам у ғоявий-ҳиссий инкор қиласи: сатирик руҳдаги комедия қаламга олинган характер ёки ҳолатни тўла инкор қилса, юмористик руҳдаги комедия характер ёки ҳолатдаги айrim жиҳатларни қисман инкор қиласи. Мас., А.Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш”, “Оғриқ тишлар” К.лари сатирик руҳдаги асарлар саналса, Э.Воҳидовнинг “Олтин девор” асарида юмористик руҳ устуворлик қиласи. К.даги кулгини жўн тушунмаслик лозим, чунки чинакам комиклик ижтимоий аҳамиятга молик кулгини тақозо этади, бундай кулги кишини ўйлатади, кулдириб куйдиради, йиғлатади. Шу маънода, ҳар қандай кулгили сахна асарини К. санаш хато бўлур эди. Чинакам комизм билан йўғрилган драматик турнинг бу жанрини кўпроқ ташқи сахна эфектлари орқали кулдиришга қаратилган фарс, қувноқ кулги қўзғатувчи водевиль ёки халқ сайилларида ижро этилувчи қизиқчи-масхарабоз томошаларидан фарқлаш керак.

КОМИКЛИК (юнон. *komikos* – кулгили, қувноқ) – ҳаётдаги ва санъатдаги кулгилилик; бадиий асарда ижодкор идеалига зид характер ва ҳодисаларнинг кулги йўли билан инкор этилиши. К. умумэстетик категория саналиб, бадиий санъатларнинг барида (меъморликдан ташқари) кузатилиши мумкин. Ҳар қандай кулги ҳам К. саналавермайди, бу ўринда ижтимоий аҳамиятга молик кулги назарда тутилади. Яъни К. муайян тарихий шароитда жамият тараққиётининг мавжуд ҳолати, ундаги тараққийпарвар кучлар, илғор идеалларга номувофиқ бўлиб қолган ижтимоий фактлар (воқеа-ҳодисалар, ғоялар, урф-одатлар, турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлар; инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, маънавий-ахлоқий қиёфаси ва ш.к.) устидан кулиш сифатида воқе бўлади. Яъни К. обьект ва субъект бирлигида намоён бўлади: унинг юзага келиши учун обьектдаги номувофиқликни кўра оладиган ва идеал нуқтаи назаридан баҳолай оладиган субъектнинг бўлиши шарт қилинади. Шу

Адабиётшунослик луғати

билан бирга, К.нинг турли кўринишларида объектив ва субъектив ибтидолар нисбати, К.нинг юзага чиқиши йўсини бир хил бўлмайди. Mac., *сатира* (қ.) ва *юморда* (қ.) субъект муносабати кўпроқ обьектдаги зиддиятни бўрттириб кўрсатиш орқали намоён бўлса, *киноя* (қ.) ва *сарказмда* (қ.) обьектдаги зиддият, асосан, муаллиф муносабати орқали юзага чиқарилади. Шунинг учун ҳам сарказм ва киноя обьектида номувофиқлик яқъол кузга ташланмайди, улар кўп жиҳатдан контекст билан боғлиқ бўлади. Комик муносабат обьекти ўзида идеалга тамоман зид иллатларни ёки улардан айримларини намоён этадики, шу жиҳатдан сатира ва юмор кўринишлари фарқланади. Сатира обьектда идеалга мутлақо зид, жамиятнинг жорий ҳолати нуқтаи назаридан тўла инкор қилинувчи зиддиятларни акс эттира, юморда обьектдаги айрим жиҳатларнигина инкор қилиш кўзда тутилади. Адабиётнинг бадиий арсеналида К.ни юзага чиқарувчи қатор бадиий усул ва воситалар мавжуд бўлиб, уларга гротеск, карикатура, пародия, каламбур, закийлик, эзоп тили, комик контраст каби қатор воситаларни мисол қилиш мумкин. Ушбу воситаларнинг бир қисми обьектни деформацияланган тарзда тасвирлашга, бошқа бир қисми эса субъектив муносабатни турли йўсин ва даражада ифодалашга хизмат қиласди.

КОМИЛ (ар. **کامل** – етук, мукаммал) – аруз баҳрларидан бири, ҳаракатининг (унглиларининг) кўплиги жиҳатидан воғирга нисбатан етукроқ, мукаммалрок бўлгани учун шундай номланган. *Мутафоулун* (vv – v –) аслининг тақроридан ҳосил бўлади. К., асосан, араб шеъриятига хос бўлиб, ўзбек шеъриятида жуда кам қўлланган баҳрлардан биридир. Навоийнинг “Мезон ул-авзон”ида К. баҳрининг биргина *комили мусаммани солим* вазни, Бобурнинг “Мухтасар”ида эса унинг йигирма икки вазни мисоллар билан келтирилган. К. баҳри ўзбек шеъриятига илк бор Навоий ижоди орқали кириб келган, ундан кейин Мунис, Оғаҳий, Увайсий, Муқимий, Ҳабибий каби шоирлар ҳам мазкур баҳрда шеърлар битганлар. Mac., Навоийнинг:

Не бало эмиш сенинг ул хиром ила қоматинг,
Гаҳи суръатинг, гаҳи ноз бирла иқоматинг, –
байти комили мусаддаси солим (v v – v / v v – v – / v v – v –) вазнида ёзилган.

Адабиётшунослик луғати

КОМПАРАТИВИЗМ (лот. comparatives – қиёс, қиёсий) – 1) кенг ва күпчилик томонидан истифода этиладиган маънода қиёсий адабиётшунослик (қ.), адабиёт тарихининг миллий адабиётлар тараққиётидаги ўзаро муштарак ва фарқли томонлар, миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва таъсири масалаларини ўрганувчи бўлими; 2) тор маънода қиёсий адабиётшуносликнинг шаклланиш давридаги бир босқич, адабий фактлардаги ташки ўхшашикларни (тарихий шарт-шароит, адабий анъана, ижодкор дунёқарashi, услуби каби контекстлар билан боғламаган ҳолда) қиёспаш билан чекланилган давр.

КОМПОЗИЦИЯ (лот. composition – тузиш, бириктириш) – бадиий асар қисмларини яхлит бадиий ният (муайян концепцияни шакллантириш ва ифодалаш, кўзланган ғоявий-эстетик таъсир) ижроси учун энг оптимал ҳолда жойлаштириш, бадиий система (асар)даги унсурларни ўзаро алоқа ва муносабатлари равshan англашиладиган тарзда бутунликка бириктириш. Яъни композиция бадиий шаклнинг унсури эмас, у, аввало, шакл компонентларини бадиий мазмунни шакллантириш ва ифодалаш учун энг қулай тарзда уюштиришга қаратилган амал, шуни амалга ошириш принциплариди. Айни амал туфайли асар унсурлари шундай уюштириладики, натижада унда биронро ҳам ортиқча унсур бўлмайди, ҳар бир унсур бутун таркибида ўз функциясига эга бўлади ва муайян ғоявий-бадиий юқ ташийди. К. тушунчаси бадиий асарнинг барча сатҳларига бирдек тааллуқли, унинг қайси сатҳи ҳақида гап кетмасин, қурилишининг айни шу аспекти диққат марказида туради: матн қурилиши (боб, сарлавҳа, асосий ва ёндош матн), бадиий нутқ шакллари (ҳикоялаш, тавсиф, диалог), ривоя субъектлари (муаллиф, персонаж, ўзга шахс), нуқтаи назар (ровий ёки персонаж нигоҳи орқали қўриш)ларнинг мақсадли алмашиниб туриши, персонажлар системаси (бош, иккинчи даражали ва ёрдамчи персонажлар тарзида даражаланиши, уларнинг шунга мос ўзаро муносабатдорлиқда жойлаштирилиши), сюжет қурилиши (вокеаларнинг замон ёки сабаб-натижага муносабати асосидаги алоқадорлиги, юз бериш ва ҳикоя қилиниш вақти, турли макон ва замонда кечайётган воеаларнинг ўзаро боғлиқлиги, маконий ва замоний ўзгаришларнинг асосланиши ва б.) – буларнинг бари К. билан боғлиқ тушунчаларнинг бир қисминигина ташкил қиласиди. К. бадиий асарнинг чинакам система, яъни қисмлардан таркиб топган, лекин барча

Адабиётшунослик луғати

қисмлари ўзаро мустаҳкам алоқадаги бутунликка айланишини таъминлайды. Бунинг учун эса қисмларнинг ҳар бири ўз ўрни ва ўз меъёрида, бутун билан мустаҳкам алоқада бўладиган ва бу алоқалар англанадиган тарзда жойлаштирилиши муҳим. Яъни ижодий ниятдаёқ ўқиш жараёни назарда тутиладики, айни шу нарса ижод жараёнига ҳам таъсир қиласи, яратилажак асар К.сининг қандай бўлишини белгилайди. Ўқувчи К. жихатидан яхши ташкилланган асардан то сўнгги нуткага қадар янги-янги мазмун қирраларини кашф этиб боради, ўқиш давомида турфа ҳиссий ҳолатларни қалдан кечиради, ақлий ёхуд руҳий толиқиш, зерикиш ҳисларидан фориг бўлади. Демак, бадиий асар К.си нафақат асарнинг барча компонентларини уюштириб, унинг шаклий ва мазмуний бутунлинини таъминлайдиган, балки унинг ўқилиши, ўқилиши ва китобхонга ғоявий-эстетик таъсирини бошқарадиган, хуллас, асарни чинакам санъат ҳодисасига айлантирадиган энг муҳим унсур экан. Шунинг учун ҳам К.га бадиий шаклнинг гултожи сифатида қаралади, муайян асар бадиияти ҳақида гап кетганда, унинг композицион хусусиятларига, бадиий маҳорат ҳақида сўз борганда, шу борадаги маҳоратга айрича эътибор берилади. Зоро, бадиий асарда ҳаёт муайян бадиий шаклга солинган ҳолда акс эттирилади, унда янги реаллик – бадиий воқелик яратилади. Яъни санъаткор бир бутунликдан иккичи бир бутунликни – воқеликнинг бадиий моделини яратиши, ҳаёт материали (диспозиция)ни бадиий асар (композиция)га айлантириши зарур бўлади. Шу боис ҳам диспозицияни К.га айлантира олиш иқтидори ижодкор шахснинг туғма имкониятлари сирасида энг муҳими саналиб, истеъдод кучи шу иқтидорнинг қайдаражада эканлиги билан белгиланади.

КОНТЕКСТ (лат. *con* – бирга, *textus* – мато, тўқилган) – 1) алоҳида сўз (матн бирлиги)ни куршаб турган ва унинг маъноси тушунилишига асос бўлувчи матн, уни ташкил этаётган сўзларнинг бевосита луғавий маъносидан кенг бўлган маъно тизими. К. нутқий бўлакнинг шаклий ифодаси билан мазмунининг уйғун бирлигини таъминлайди, ундаги турфа маъно жилваларининг реаллашуви, сўзловчининг етказилаётган инфомацияга муносабатини ифодалашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, илмда К.ни фақат матн (оғзаки ёки ёзма) доираси билан чекламай, кенгроқ тушиниш амалиёти ҳам мавжуд бўлиб, бунда нутқ моменти, мулоқот субъектлари, мулоқотнинг умумий мавзуси кабиларга ҳам К. сифа-

Адабиётшунослик луғати

тида қаралади. Яъни бундай ёндашишда К. кенгайиб бориш хусусиятига эга бўлади; 2) адабий асар – сўзлардан таркиб топган матн. Бадиий матнни ташкил этайтган унсурлар бир-бири билан қисм-бутун (текст – контекст) муносабатида бўлиб, қисмнинг мазмуни бутун ичида, бутуннинг мазмуни эса қисм орқали реаллашади. Агар асарнинг тўлиқ матнини К. деб олсак, у ўз ичидаги кичикроқ К.ларга (бўлим, боб, абзац, жумла) ажралади. Булар асарнинг ички алоқаларигагина оид бўлиб, аслида, адабий асар матн (текст) сифатида ўзидан ташқаридаги бошқа К.лар доирасига ҳам киради. Бадиий асар санъаткорнинг яратиш онларидаги ижодий-руҳий ҳолати маҳсули сифатида, аввало, айни шу ҳолат К.ига киради, ўз навбатида, бу К. ҳам кенгайиб боради: муаллифнинг асарни яратиш пайтидаги ижодий-руҳий ҳолати – муаллиф биографияси – давр ҳаёти – миллат тарихи. Иккинчи томондан, конкрет асар миллий адабиёт тараққиётининг муайян бир босқичи маҳсули сифатида давр адабиёти К.ига киради ва у ҳам кенгайиб боради: ижодкор мансуб адабий авлод – давр адабиёти – миллий адабий анъаналар – жаҳон адабиёти анъаналари. Мазкур К.ларнинг ҳар бири асарнинг у ёки бу қиррасини англаш, очиб беришга хизмат қиласди.

КОНТРАСТ (фр. *contraste* – кескин қарама-қарши қўйиш) – бадиий адабиёт ва санъатнинг бошқа турларида тасвирланаётган нарса-ҳодисаларни бир-бирига кескин қарши қўйишга асосланган бадиий усул. К. тасвирланаётган нарсани бўрттириб, қабартириб кўрсатиш имконини беради, бадиий усул сифатида қадимдан кўлланиб келади. К. бадиий асарнинг барча сатҳларида (тил, сюжет, характер ва шароит, композиция) намоён бўлиши, унда зидлаш ошкора ёки пинҳона амалга оширилиши мумкин. Жумладан, К. тил сатҳида *антитеза* (ёки *тазод*) кўринишида, сюжет сатҳида бир воқеа (ёки ҳолат)нинг иккинчи воқеа (ёки ҳолат)га қарши қўйилиши (мас., “Зумрад ва Қиммат”) тарзида, композиция сатҳида эса асарнинг бир қисмини иккинчи қисмига қарши қўйиш (мас.: Чўлпон. “Новвой қиз”) орқали намоён бўлади.

КОНФЛИКТ (лот. *conflictus* – тўқнашув) – персонажларнинг асар сюжетида бадиий ифодасини топадиган ўзаро тўқнашув ва курашлари, қаҳрамон билан мухит орасида ёки унинг руҳиятида кечувчи зиддиятлар, қарама-қаршиликлар. К. термини анъанавий тарзда кўпроқ эпик ва драматик асарларга нисбатан қўлланади. Чунки

Адабиётшунослик лугати

улар воқеабанд сюжетга эга бўлиб, тасвирий-динамик санъат турлари саналади, яъни уларда ривожланиб борувчи воқеалар силсиласи – макон ва замонда кечувчи ҳаракат қаламга олинади. Сюжет воқеалардан, воқеалар эса персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, ўзаро мураккаб муносабатлари, зиддиятларидан таркиб топгани сабабли ҳам ҳаёт зиддиятларини умумлаштирувчи воқеалар тизими сифатида таърифланади. Сюжет билан К. орасида иккιёклама алоқа кузатилади: бир томондан, сюжет К.ларни умумлаштириб намоён қиласи; иккинчи томондан, К. сюжетни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлиб, сюжетнинг асосий босқичларини белгилайди: К.нинг қўйилиши – тугун, К. кескинлашган энг юксак нуқта – кульминация, К.нинг ўёки бу тарзда ҳал этилиши – ечим.

Бадиий асар воқеликни акс эттиргани, унинг марказида инсон образи тургани учун ҳам, инсоннинг реал ҳаётида мавжуд конфликтларнинг бари унда бадиий инъикос этади. Шу нуқтаи назардан бадиий К.нинг учта турини фарқлаш мумкин: 1) ҳарактерларро; 2) қаҳрамон ва муҳит; 3) ички (психологик). К.нинг мазкур турлари бадиий асарда аралаш ҳолда зухур қиласи ва ўзаро узвий алоқада бўлади: бири иккинчисига ўтади, бири иккинчисини келтириб чиқаради, бири иккинчиси орқали ифодаланади ва ҳ. Мас., Чўлпоннинг “Кеча” романидаги Мирёқубнинг муҳит билан зиддияти унинг Акбарали билан ўзаро зиддиятли муносабатлари фонида етилади, шу муносабатлар қаҳрамон руҳиятидаги мураккаб жараёнга – ўй-фирклар курашига туртки беради. К.нинг барча турлари ҳам қаҳрамонни муайян бир ҳаракатга ундейди, бу эса уни сюжетни юргизувчи куч дейишга асос беради: Акбарали билан очик тўқнашув даражасига етмаган зиддияти Мирёқубни ҳаракатга – ўзини валинеъмати билан қиёслаш асосида ўзининг кимлигини, ҳаётдаги ўрнини англашга ундариди, унинг руҳиятида мураккаб ўйлов жарайёни (“ички ҳаракат”) бошланди; ўйловлар натижасида у ўзини ижтимоий шахс сифатида танишга, ўзининг ижтимоий мақомини англашга келдики, бу энди уни фаол ижтимоий ҳаракат (“ташқи ҳаракат”)га ундаши табиий (унинг жадидларга хайрихоҳ мавқени эгаллаши романнинг иккинчи китобида Мирёқуб ижтимоий фаолиятда тасвиirlаниши мумкин эди, деган тахминни пайдо қиласи). Демак, К. персонажнинг қай йўсин ҳаракат қилишини белгилаб, сюжет воқеаларининг қай тарзда ривожланишига ҳам таъсир қиласи. Мас., “Ўтган кунлар”даги Отабек руҳиятидаги зиддият шуки, у

Адабиётшунослик луғати

замонасининг илғор зиёлиси сифатида инсон шахсини ҳурмат қилади ва, айни чоғда, ўз даври, муҳити таъсиридан буткул ҳоли ҳам эмас. Натижада Отабек муҳит билан К.да (ота-онаси уни иккинчи бор уйлантиришга жазм қилганда қарши тургани моҳияттан қаҳрамон-муҳит К.и, фақат бу нарса ота-она билан муносабат орқали ифодаланади) ён берди: “бир бечораға кўра-била туриб жабр ҳам хиёнат...” бўлаётганини, Зайнаб “қархисида бир жонсиз ҳайкал” бўлишини билатуриб, уйланишга розилик берди. Яъни Отабек руҳиятидаги эскилик ва янгилик курашида аввалгиси устун келди: у ўша дамда Зайнаб шахсини, унинг ҳуқуқини ҳимоя қилолмади. Кейинроқ, Зайнабнинг ўзига нисбатан муҳаббатини билгач, Отабек айбини чуқур ҳис қилди, шу боис ҳам Кумушнинг қатъий талабларига қарамасдан, унинг жавобини беришга журъат қилолмади, натижада ўзи истамагани ҳолда фожиага йўл очиб берди. Кўринадики, қаҳрамон руҳиятидаги зиддиятлар унинг муҳит ва шу муҳитдаги кишилар билан зиддияти асосида юзага келади, айни пайтда, уларга фаол таъсир ҳам қилади – сюжетнинг у ёки бу тарзда ривожланишини белгилайди. Бу эса К. сюжетни ҳаракат-лантирувчи куч эканлигини кўрсатувчи яна бир ёрқин далилдир. Айтилғанлардан К.нинг яна бир муҳим функцияси аён бўлади: у шакл унсури сифатида бадиий концепцияни ифодалашда муҳим ўрин тутади, К. мазмун компоненти бўлмиш проблема билан бевосита боғлиқдир. Бошқача айтсак, К. проблематиканинг жавҳарини ташкил этса, уни ҳал қилиш йўсини ва йўналиши бадиий концепциянинг ўзагини ташкил этади. Зеро, ҳар бир конфликтли ҳолат турлича ҳал этилиши, демак, воқеалар ривожи ҳам шунга боғлиқ сифат кўринишига эга бўлиши, бу эса мос равишда ғоявий-ҳиссий муносабатни ўзгартириши ва пировард натижада бадиий концепциянинг ўзгаришига олиб келиши табиийдир.

Адабиётшуносликда К. билан боғлиқ ҳали тугал тўхтамга келинмаган, баҳсли масалалар ҳам бор. Жумладан, лирик асардаги К. масаласи. Албатта, бу ўринда мураккаблик кўп жиҳатдан лирик асарларда воқеабанд сюжетнинг йўқлиги, адабиётшуносликда лирик асарга сюжетсиз деб қарашнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Модомики, лирик асарда ҳам ҳаракат – ҳис-туйғу, ўй-кечинмалар ривожи, сюжетнинг специфик кўриниши бор экан, уни ҳам К. ҳаракатга келтиради. Фақат лирикада К. нинг намоён бўлиши ўзига хос, эпик ва драматик асардаги каби очиқ кўзга ташланмайди. Лирик

Адабиётшүнослик лүгати

қаҳрамон ҳис-туйғуларини ҳаракатлантираётган К. характерлараро, қаҳрамон ва мұхит орасидаги күренишлари күп ҳолларда асардан ташқарыда қолса ҳам, у лирик ҳолатдан (қарама-қарши ҳис-туйғулар, зид қўйилган деталлар, тасаввурдаги обьектга мурожаат; ҳаёт ва ўлим, савоб ва гуноҳ, вафо ва хиёнат, ўтмиш ва ҳозир сингари тематик антиномияларни келтириш ва ш.к. бошқа унсурлар ёрдамида) ҳар вақт англашилиб туради. Яъни лирик асардаги К. доим ҳам тасвирда бўртиб турмайди, лекин ҳар вақт ҳис этилади. Бу эса ҳар қандай бадий асарда К. бор, муайян бир адабий турга мансуб асарда бадий К.нинг муайян бир тури етакчилик қиласи, деганидир. Дейлик, драматик асарларда характерлараро К., лирик асарларда ички К. (асарда акс этиши жиҳатидан) етакчилик қиласа, эпик асарларда К.нинг ҳар учала тури қоришиқ ҳолда намоён бўла олади, дейишга асос беради. Негаки, турлича намоён бўлгани ҳолда, ҳар қандай бадий асарда, унинг қайси турга мансублигидан қатъи назар, К.нинг ҳар учала нави мавжуд; улар ўзаро алоқада бўлиб, бири иккинчисини юзага чиқаради, бири орқали иккинчиси ифодаланади.

КУЛЬМИНАЦИЯ (лот. culmen – чўқки) – бадий асарда воқеалар ривожининг энг юксак нуқтаси, сюжетнинг зиддиятлар кескинлашиб, конфликт яққол намоён бўладиган ўрни. К. воқеабанд сюжетнинг мұхим ва зарурый компоненти саналиб, ечимнинг йўналишларини белгилайди, шу боис ечим бўлмаган ҳолларда ҳам асар тугаллик, эстетик бутунлик касб эта олади. Асарнинг сюжет-композицион хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда К. турли даражада ва турли сифат кўринишида бўлиши мумкин: концентрик сюжетларда К. бўртиб (мас., “Мехробдан чаён”: Анварнинг хон билан тўқнашуви) кўзга ташланса, хроникали сюжетларда у қадар очик кўзга ташланмайди; йирик эпик асарларда К. бутун бошли воқеани ўз ичига олса, кичик эпик шаклларда жажоқи эпизод (мас., “Ўғри”: Қобил бобо билан амин сухбати) ёки биргина деталь (мас., “Анор”: “Ажаб қилдим, жагарларинг эзилиб кетсин!”) кўринишида бўлади; одатда, асар финалига яқин жой олса, бальзан муайян ғоявий-бадий мақсад билан бошланишдаёқ (мас., “Даҳшат”: Унсиннинг доддоҳ билан шарт боғлаши) берилади ва ҳ. Мураккаб сюжет курилишига эга эпик асарларда ҳар бир сюжет линиясининг ўз К.си мавжуд (мас., “Кечা”: Зеби сюжет линиясининг К.си – тўй арафаси; Мирёқуб линиясиники – ноиб билан сухбат; Акбарали линиясиники

Адабиётшунослик луғати

– Құмариқ воқеалари) бўлиб, улар асарнинг бош К.сига (мас., “Кече”да – суд жараёни) бўйсундирилади. К.нинг муҳим хусусияти шуки, у персонажлар тақдиди, қарашлари, ўзаро муносабатларида сезиларли сифат ўзгаришларига олиб келади, воқеалар оқимини ўзгартиради. Демак, К. деганда, воқеалар кескинлашган ҳар қандай нұқтани эмас, юқоридаги талабларга жавоб берадиган нұқтани тушиниш керак.

КУНДАЛИКЛАР – кўрган-кечиргандарни кунма-кун, одатда, сасини қайд этган ҳолда ёзib бориш; адабиётдаги шу тарзда амалга оширилган ривоя шакли. Маиший-шахсий жанр сифатида К. анча кенг тарқалган бўлиб, турли соҳа кишилари томонидан юритилган К.ни бирлаштирувчи қатор умумий хусусиятлар мавжуд. Аввалио, К.да муаллифнинг кўрган-кечиргандарни, ҳис қилганлари билан уларнинг қайд этилиши орасида вақт масофаси йўқ ҳисобида, яъни олинган таассуротлар совумасиданоқ қайд этиладики, шу жиҳати билан улар мемуарлардан фарқланади. Иккинчи муҳим хусусият шуки, К. бировларнинг ўқиши учун мўлжалланмайди, улар муаллифнинг ўзи учун ёзилади. Шу туфайли ҳам К.даги муаллиф ўй-фикрлари баёни, изҳорларида самимият, муносабат ва баҳо ифодасида ҳаққонийлик (яъни муаллифнинг ўйидагини яширмайнетмай, ҳеч бир истихоласиз ёзиши) кузатилади. Худди шу нарса уларга қарийб ҳужжатлилик даражасида ишонарлилик баҳш этади. Одатда, К.да кўпроқ муаллифнинг шахсий реаллиги, унинг ўзи билан бевосита боғлиқ воқеалар акс этади, бироқ шулардан келиб чиқкан ҳолда, уларда олам ва одам, ҳаётнинг моҳияти, бирон бир конкрет ҳаёттй масала юзасидан умумий тарздаги мушоҳадалар ҳам ифода этилаверади.

Мазкур хусусиятлари туфайли ёзувчи-шоирлар юритган К. адабиётшунослик учун, айниқса, биографик йуналишдаги тадқиқотлар учун бекиёс манбага айланади. Бундан ташқари, К.га хос хусусиятлар айрим ҳолларда бадиий ният ижроси учун жуда қулай имкониятлар яратади. Шунинг учун адабиётда К. шаклида қурилган асарлар ҳам, К. шакли муҳим композицион унсур сифатида истифода этилган асарлар ҳам кўплаб учрайди.

КЎРИНИШ – драматик асарнинг энг кичик таркибий қисми. Одатда, пардалар К.ларга бўлиниб, улар шу саҳна эпизодидаги иштирокчилар таркиби билан белгиланади; К.лар бир-биридан

Адабиётшұнослик луғаты

персонажлардан бириңінг сақнадан кетиши ёки бошқа персонаж-нинг келиб құшилиши билан ажратиласы. Антик Рим адабиётидағы драматик асар матнда К.лар алоқида ажратилиб, рақамлаб күрсатылған. Драматургияда узоқ вақт ҳукм сурган бу анъанадан XIX аср охири – XX аср бошларидан чекинила бошланған. Ҳозирда ҳам драматик асарда парда ичидаги К.лар фарқланып тұрады, лекин матнда буни доим ҳам таъқидлаб, алоқида ажратып күрсатыш шарт қилинмайды.

КҮЧИМ, троп – сұзнинг одатий маъносидан үзга маънода құлланиши, муайян бадий-эстетик мақсадни құзлаған ҳолда воқе бұлувчи семантик сатхдаги нормадан оғиш. Күчма маънода құлланған сұзлар троп деган умумий ном билан ҳам юритиласы. Маъно күчишининг асосига таянған ҳолда, К.нинг метафора, метонимия, синекдоха, киноя, перифраза, аллегория (мажоз), рамз (символ) каби бир қатор күринишилари ажратиласы. Айтиш керакки, К.нинг турлари адабиётшұносликка оид манбаларда турлича күрсатиласы. Жұмладан, баъзан К.лар сирасында эпитет, оксиморон, липота, муболаға кабиларни ҳам құшиш ҳолларига дуч келиш мүмкін. Албатта, бундай қилишгә асос берін оладиган айрим мисоллар борлығы, умуман, бу воситаларда ҳам К.га яқын хусусиятлар күзатилиши бор гап. Лекин К. деганда, бадий матнда муайян бир асосга (нарса-ходисалар орасидаги үхашашлик, алоқадорлик, вазифадошлик ва ҳ. жиҳатидан муштаракликка) таянған ҳолда сұз(баъзан бирикма)нинг үз маъносидан бошқа маънода құлланишини тушуниш керакки, шунда чалкашлайлар үз-үзидан бархам топады. Бадий асарда құлланилувчи К.лар үзларининг ишлатилиш күлами, бадий бүёқдорлиги, таъсирдорлик даражасы каби жиҳатларига құра бир-биридан жиддий фарқланады: а) уларнинг бир қисми аллақачон тил ҳодисасында айланиб ултурған. Мас., “кун ботди”, “соат юрятпі” каби бирикмаларда сұз маъноси күчгалиги аник, бироқ биз уларға шу даражада күникиб кетғанмизки, ҳозирда уларға К. сиғатида қарамаймиз ҳам. Бадий асар матнда мазкур К.лар құлланғанида, табиийки, муаллиф муайян бадий-эстетик мақсад билан семантик сатхда оғишта ійіл қўйған, дея олмаймиз, зоро, улар ёзувчи томонидан тайёр ҳолда олинған ва матнда эстетик функция бажармайды. Демак, уларни бадий ҳодисаси сиғатида тушуниб бұлмайды; б) асар матнда бадий адабиётда анъанавий тарзда ишлатылған К.лар ҳам күп уч-

Адабиётшунослик луғати

райди. Мас., “шакар лаб”, “гул юз”, “булбул”, “сарв қомат”, “қоши камон”, “наргис күз” ва ҳоказо. Бу хил К. лар ҳам юқоридагилар сингари тайёр ҳолда олинади, бироқ, улардан фарқли ўлароқ, матнда эстетик функция ҳам бажаради: тасвирийликни, ифодавийликни кучайтиради. Шунга қарамай, уларнинг қабул қилинишида кўнишиб қолганлик оқибатида ҳосил бўлган “автоматизм” кузатиладики, бу уларнинг эстетик таъсир кучини сусайтиради; в) бадиий-эстетик функциядорлиги, тасвирийлик ва ифодавийликни кучайтириши жиҳатидан муайян матнагина кўчма маънода қўлланган, муаллифнинг ассоциатив фикрлаши маҳсули ўлароқ дунёга келган К.лар алоҳида ўрин тутади. Уларни шартли равишда “хусусий муаллиф кўчимлари” деб аташимиз мумкин. Шу хилдаги К.ларгина ёзувчининг муайян бадиий-эстетик мақсадни кўзлаб йўл қўйган семантик сатҳдаги оғиши натижасидирки, бадиий тил маҳорати хусусида гап борганда, аввало, шу хил К.ларни эътиборга олиш лозим.

ЛАКОНИЗМ (юн. *Iakonísmos* – лаконикача) – фикрни ихчам шаклда, лўнда ва аниқ ифодалаш. Бу хусусият антик Юноистоннинг Лакония вилояти худудида жойлашган Спартада юксак қадрланган, спарталиклар оз сўз билан кўп маъно ифодалашга интилишган, шу билан боғлиқ ҳолда “лаконикача нутқ”, “лаконизм” тушунчалари оммалашган. Л. афористика, мақол ва маталлар учун мұҳим, айтиш мумкинки, белгиловчи хусусият саналади. Шунингдек, Л. термини айрим ижодкорлар услугуга хос хусусият маъносида ҳам ишлатилади. Мас., баъзан А.Қаҳҳор услуги ҳақида гап борганда, ундаги ўзига хос жумла курилиши, сиқиқликни назарда тутиб, Л. термини қўлланади.

ЛАТИФА (ар. *لطفة* – нозик, ёқимли, зариф, мулойим) – Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан, Марказий Осиё ҳалқлари оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида кенг тарқалган жанр; ихчам ҳикояча, анекдот. Ҳалқ оғзаки ижодида Л.лар тематик жиҳатдан турли-туман, марказида кўпроқ қулгили воқеа ётади, аксар ҳолларда воқеа биргина эпизод билан чекланиб, ҳажвий-юмористик рух билан йўғрилган бўлади. Умумий қаҳрамонга эгалик оғзаки Л.ларнинг яна бир хусусиятидир. Жумладан, ўзбек фольклорида – Насриддин Афанди (қисман, Машраб, Кал), тожикларда – Мушфиқий, қозоқларда Алдаркўса, туркманларда – Камина Л.ларнинг умумий қаҳрамони сифатида ҳаракатланадилар. Фольклорга хос вариантлилик Л.лар-

Адабиётшунослик лугати

да ҳам кузатилади, жумладан, битта Л.нинг турли қаҳрамонлар билан боғланиш ҳоллари кўп учрайди. Ёзма адабиётдаги Л.лар кўпроқ ибратли мазмундаги, ўзгалар учун ибрат бўла оладиган шахслар ҳақидаги мўъжаз ҳикоячалар шаклида учрайди. Агар Л.ни жанр сифатида белгиловчи хусусиятлар (ихчамлик, сюжетнинг биргина ҳаётий эпизод асосига қурилиши, тасвирланган воқеанинг кулгили ёки ибратли бўлиши, қаҳрамонларига толқирлигу закийлик хослиги) эътиборга олинса, Шарқ мумтоз адабиётидаги Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”, Жомийнинг “Баҳористон”, Навоийнинг қатор асарлари ёки Хожа ҳикоятлари, шунингдек, Восифийнинг “Бадоэъ ул-вақоे” типидаги қатор тарихий асарлар таркибига Л. жанрига мансуб асарлар киргани аён бўлади. Л. жанри замонавий фольклорда ҳам анча фаол: истеъдодли замондошларимиз томонидан бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турфа мазмундаги Л.лар яратилиб, оммалашмоқда, бу – жанрнинг барҳаётлиги белгиси. Шунингдек, ахборот алмасиш жараёнини тезлашган, информацион глобаллашув шароитида бошқа ҳалқлардан ўзлаштирилиб, миллий ҳаётимиз ва менталитетимизга мослаштирилган Л.лар – анекдотлар ҳам кўплаб пайдо бўлмоқдаки, бу фольклоршунослар учун алоҳида мавзудир.

ЛАФЗИЙ САНЪАТЛАР – қаранг: санойиъ

ЛАФФ ВА НАШР (ар. لف و نشر – йиғмоқ ва ёймоқ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат. Л.н. санъатида бир неча нарса-тушунча номи саналиб, кейин уларга ўхшаш, алоқадор, таалуқли ёки мувофиқ келадиган бошқа нарса-тушунча номлари келтирилади. Л.н. санъати бир мисра доирасида ҳам воқе бўлиши мумкин, шунга қарамай, унинг байт доирасида воқе бўлиши, яъни биринчи мисрада саналган нарса-тушунчаларга ўхшаш, алоқадор, таалуқли ёки мувофиқ келадиган бошқа нарса-тушунчалар номининг кейинги мисрада келтирилиши кўпроқ учрайди. Бунда саналаётган нарса-тушунчалар бир-бирига очик ўхшатилмайди, уларнинг бир-бири билан боғлиқ ёки алоқадор эканлиги ҳам очик айтилмайди, улар ўртасидаги ўхшашлик ёки мувофиқликни идрок этиб олиш ўқувчининг ўзига ҳавола қилинади. Л.н.нинг икки нави мавжуд: 1) мураттаб, яъни тартибли Л.н. Бунда ҳар иккала гуруҳдаги саналаётган нарса-тушунчалар тартиби бир-бирига мос бўлади, яъни биринчи мисрада саналаётган нарса-тушунчалар қандай тартибда

Адабиётшунослик луғати

берилса, кейинги мисрада нарса-тушунчалар шунга мувофиқ тартибда саналади. Мас., Навоийнинг:

Чун ўлармен чин дейин ишқи бузуғ кўнглимдадур,
Мен ўлиб, ул ганж бу вайронда пинҳон қолмасун, –

байти биринчи мисрасида “ишқ” ва “кўнгил” сўзлари саналиб, кейинги мисрада “ишқ” “ганж”га, “кўнгил” “вайрона” қиёсланмоқда. Байтда кўлланган Л.н.да саналаётган тушунчалар тартиби бирбирига мос (биринчи мисрада аввал “ишқ” кейин “кўнгил”, иккинчи мисрада аввал “ганж”, кейин “вайрона”) бўлгани учун *мураттаб* ҳисобланади; 2) мушавваш, яъни тартибсиз ёки номураттаб Л.н. Бунда саналаётган нарса-тушунчалар тартиби бузилган бўлади, яъни биринчи мисрадаги нарса-тушунчаларни бериш тартиби кейинги мисрада бузилади, иккала мисрадаги саноқ тартиби бирбирига мос келмайди. Мас., Навоийнинг:

Доми зулфунг ичра хуштур, баски, кўнглум тойири,
Жаврдур бу кушга, эй сайёд, озод айламак, –

байти биринчи мисрасидаги “доми зулф”, “кўнглум тойири” тушунчаларига иккинчи мисрадаги “куш” ва “сайёд” тушунчалари мувофиқ, лекин иккинчи мисрада саноқ тартиби ўзгарган (биринчи мисрада “доми зулф … кўнгил тойири”, кейингисида “куш … сайёд” тартибида берилган, ҳолбуки, “доми зулф” “сайёд”га, “кўнгил тойири” эса “куш”га алоқадор, яъни биринчи мисрада аввал саналган тушунча иккинчи мисрада кейин келган тушунчага, кейин келгани эса аввал келганига алоқадордир). Баъзи манбаларда мушавваш Л.н. ўз ичидаги яна икки турга ажратилади: биринчи тури “маъкус уттартиб” деб номланиб, унда кейин саналаётган нарса-тушунчалар аввал саналганларига акс тартибда (яъни 1, 2, 3, 4 – 4, 3, 2, 1 тарзидаги) берилади; иккинчи тури “мухталит ут-тартиб” деб аталади, унда тартиб ўзгарган-у, саноқда акс тартиб сақланмайди, чалкаш берилаверади (мас., 1, 2, 3, 4 – 2, 4, 1, 3 каби).

ЛЕЙТМОТИВ (нем. *leitmotiv* – етакчи мотив) – мусиқадан ўзлаштирилган термин бўлиб, кенг маънода муаллиф томонидан илгари сурилаётган асосий ғоянинг бутун асар давомида таъкидлаб ўтказилиши бўлиб, шу маънода ғоявий лейтмотив атамаси ҳам ишлатилади. Мас., А.Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърида ватанга бегараз муҳаббат, “ватанга муҳаббат моҳиятан ҳалққа муҳаббат”, деган асосий ғоя Л. сифатида бутун шеър матнидан сизиб ўтади. Кенгроқ қаралса, шоирнинг “Ўзбекис-

Адабиётшунослик луғати

тон”, “Карши құшиғи”, “Саратон” каби үнлаб шеърларида ҳам худди шу ғоя устуворки, бу үринде алоҳида шеър Л.и билан бир қаторда, шоир ижодининг Л.и ҳақида ҳам гапириш имкони юзага келади. Шунга үхшаш, баъзан муайян адабий йұналиш, оқим ёки мактабга хос Л. ҳақида ҳам гапириш мүмкін бўлади. Мас., жадид адиллари ижодининг Л.и маърифат ва тараққийдир. Адабиётшунослиқда Л. термини тор маънода ҳам қўпланиб, бунда асарда илгари сурилган муҳим ғоя, ҳис-туйғу, характер ҳолати ва ш.к.ларни ифода этаётган образ ёки нутқий унсур (сўз бирикмаси, жумла, мисра ва ш.к.)нинг қайта-қайта тақрорланиши назарда тутилади.

ЛИБРЕТТО (итал. *libretto* – китобча) – 1) театрда ижро этиладиган опера, оперетта ва балет спектаклларининг қисқача баёни берилган китобча. XVII аср охирларидан бошлаб театрга келган томошабинларга шундай китобчалар тақдим этилган, терминнинг пайдо бўлиши ҳам шу билан боғлиқ. 2) опера спектаклининг матний асоси, шунингдек, балет спектаклининг адабий сценарийси. Ҳар икки ҳолда ҳам асарни саҳнада ижро қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Л. махсус, яъни янги мавзудаги оригинал асар сифатида яратилиши ҳам, мавжуд асарни мослаштириш, опера ёки опереттага мос инсценировка қилиш йўли билан ҳам ёзилиши мумкин.

ЛИРИКА (юн. *lyra* – мусиқа асбоби, қадимда шеърлар унинг жүрлигига ўқилган) – бадиий адабиётнинг учта асосий туридан бири. Л.да воқелик лирик субъект ҳис-туйғулари орқали аксланади, унинг учун бадиий нутқ обьекти эмас, субъекти бирламчиidir. Л.нинг ўзига хос хусусиятлари қадимдаёқ таъкидлаб ўтилган. Жумладан, поэзияни тақлид деб билган Афлотун поэзиянинг бу тури “тўлалигича шоирнинг айтганларидан иборат”, деса, Арасту фикрича, поэзиянинг бу турида “тақлид қилувчи қиёфасини ўзгартирмаган ҳолда” тақлидни амалга оширади. Немис файласуфи Гегель Л.нинг турга хос хусусияти сифатида унда обьект ва субъектнинг битта шахсда уйғунлашиши, лирик асар учун муаллифнинг ўзи, унинг ички олами мавзу бўлиб қолишини кўрсатади. Шунга кўра, Л.нинг тасвир предмети – ҳис-туйғу, кечинма бўлиб қолади. Яъни эпос ва драмадан фарқли ўлароқ, Л. воқеликни тасвирламайди, унинг учун воқелик лирик субъект руҳий кечинмаларининг асоси, уларга туртки берадиган омил сифатидагина аҳамиятлидир. Шу

Адабиётшунослик луғати

боис ҳам лирик асарда воқелик лирик қаҳрамон қалб призмаси орқали ифодаланади, яна ҳам аниқроги, Л.да воқеликнинг кечинмани тасвирлаш учун етарли миқдордаги “парчалари”, деталларгина олинади. Ҳатто лирик асарда субъект яққол кўзга кўринмай, унда бирон-бир объектив нарса тавсифланган ёки тасвирланган ҳоллар (манзара шеърлар, воқеабанд шеърлар)да ҳам у асосий эмас, асосийси – шу тавсиф ёки тасвир замидаги лирик субъект, унинг кечинмалари. Л.да субъектнинг воқелик таъсирида юзага келган оний кечинмалари мангуга муҳрлаб қўйилади. Бу кечинмалар алоҳида шахсга тегишли бўлгани ҳолда, умумбашарий мазмун ва қимматга эга бўлаверади, шеърхон ундан ўз дардини, ўз кечинмаларини топади, зеро, ўзгарувчан дунёда туғилувчи инсонга хос туйғу-кечинмаларнинг нисбий барқарор асоси, жавҳари мавжуддир.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, Л.нинг адабий тур сифатидаги айрим ўзига хос хусусиятларини санаб ўтиш мумкин. Аввалио, оний кечинмани тасвирловчи лирик асарлар, одатда, ҳажман кичик бўлади. Ҳис-туйғу ва кечинмани ифодаловчи Л.да шунга ҳар жиҳатдан мос – эмоционал тўйинтирилган ва ритмик жиҳатдан тартибга солингани боис ифодаланаётган ҳис-туйғуга мувофиқ оҳангда жаранг топадиган шеърий нутқ шакли устуворлик қиласди. Шу билан бирга, насрый йўлда ёзилган лирик асарлар ҳам, кам бўлса-да, бор. Алоҳида субъект кечинмаларини ифодалагани учун Л.да монологик нутқ шакли устувор, унда учрайдиган диалогик нутқ кўринишлари эса монологик нутқнинг таркибий элементига айланади. Оний кечинмани тасвирловчи Л.нинг бадиий вақти ҳамиша – “ҳозир”: у айни ҳозир кўнгилда кечаётган ҳис-туйғуларни тасвирлайди, шеър қачон ёзилганидан қатъи назар, шеърхон уни ҳозир кўнгилда кечаётган туйғу каби қабул қиласди.

Лирик асарларни жанр жиҳатидан таснифлашда маълум мураккабликлар мавжуд бўлиб, адабиёт тараққиётининг турли босқичларида жанрларга ажратиш асоси турлича бўлган. Жумладан, халқ оғзаки ижодидаги лирик асарлар кўпроқ функцияси, яъни ижро этилиш вақти, жойи муносабатига (мавсум, маросим, меҳнат кўшиқлари) кўра; антик шеърията ижро этилиш тарзи (хор кўшиқлари, соло)га кўра; кейинги даврларда асосий эстетик белгиси (ода, дифирамб, элегия), қатъий шакл кўрсаткичлари (сонет, октава), тематик хусусиятлари (интим, гражданлик, фалсафий, сиёсий, интеллектуал) ва ҳ. жиҳатлардан жанрларга ажратилган. Мурак-

Адабиётшунослик луғати

каблик шундаки, тарихий категория сифатида ўз фаоллик даврини үтиб бўлган жанрлар ҳам шеъриятда анъанавий тарзда қўлланаверади. Мас., ҳозирги ўзбек шеъриятида ҳалқ оғзаки ижодидаги жанрлар (лапар, ёр-ёр) ҳам, мумтоз шеърият жанрлари (ғазал, мухаммас) ҳам, хорижий адабиётлардан ўзлашган жанрлар (сонет, хокку, танка) ҳам, ҳозирда фаоллашган жанр кўринишлари ҳам мавжуд. Шу сабабли лирик жанрлар масаласига синхрония/диахрония аспектларида ёндашиш талаб қилинади.

ЛИРИК ҚАҲРАМОН (рус. калька: “лирический герой”) – лирикадаги субъект кўринишларидан бири, муаллифнинг қалб кечинмаларини, ўй-туйгуларини ифодалаш шакли (қ. лирик субъект). Терминнинг ўзиёқ, яъни “қаҳрамон” дейилиши Л.қ. шоирнинг реал “мен”и эмас, балки унинг асосида яратилган “мен” эканлигини англатади. Термин фанга илк бор Ю.Тинянов томонидан рус шоири А.Блок ижодига татбиқан киритилган бўлиб, бунда шоирнинг лирик ижоди (ёки шеърий туркуми) бағридан ўсиб чиқувчи нопластик образ, тасаввур қилинадиган ШАҲС назарда тутилади. Шунга қура, Л.қ. ҳақида гапириш учун у бир қадар бутунлик (мавзу-муаммолар доираси, ўй-қарашлар бирлиги, барқарор руҳий-психологик белгилар, биографик чизгилар) касб этиши, алоҳида бир ШАҲС (қалб)ни тасаввур эттира олиши лозим. Л.қ. ва муаллиф муносабати масаласи ҳануз баҳслилигича қолмоқда. Бу масалада кўпчилик эътироф этган қараш шуки, шоир ва Л.қ. орасига тенглик аломати қўйиб бўлмайди, айни чоғда, Л.қ.ни шоирдан мутлақо бошқа ҳодиса ҳисоблаш ҳам тўғри эмас: у шоир шахси билан боғлиқлиқида идрок этилади. Шундай бўлганда ҳам, Л.қ. шоирнинг айнан ўзи эмас: у “мен”дан яратилган бошқа бир “мен”дирки, кўп ҳолларда Л.қ. ва шоир муносабати прототип ва характер муносабатига қиёсан тушунирилади. Яъни Л.қ. билан шоирни бир-биридан буткул ажратиш ҳам, тамом қўшиб юбориш ҳам мумкин эмас, улар “ажралмас қўшилмаслик”дир. Зоро, Л.қ. эпос ёки драмадаги характер сингари объектига айланмайди, у воқеликка нисбатан ҳам, ўзига нисбатан ҳам субъектлигича қолади.

ЛИРИК ЧЕКИНИШ (рус. калька: “лирическое отступление”) – муаллиф нутқининг кўринишларидан бири, эпик ёки лиро-эпик асарларда учрайдиган композицион унсур. Л.ч. дейилишининг сабаби шуки, унда сюжет воқеаларини ҳикоя қилиш тўхтатиб қўйи-

Адабиётшунослик луғати

лади ва муаллиф уларга муносабати ошкор тарзда ифодалашга ўтади, яъни асосий воқеадан чекинади. Моҳият эътибори билан Л.ч. гап таркибидаги модал сўз ва конструкцияларга ўхшашdir. Л.ч. муаллиф айтмоқчи бўлган фикрни янада таъкидлаш, қабул қилиш жараёнини йўналтириш, эмоционал муносабатни юқтириш каби бадиий-эстетик мақсадларга хизмат қиласди. Л.ч.ларнинг нутқий қурилиши ҳам, одатда, шунга мос бўлади: ҳиссий тўйинтирилганлик, ўқувчига бевосита мурожаат қилиш, турли дараражадаги такоррлар ва ундовларнинг бўлиши, нутқ бўлагининг насрый асарда ҳам айрича ритмикликка эгалиги ва ш.к. Шу хусусиятларнинг барини "Кеча" романидаги бир Л.ч.да кўриш мумкин. Романинг бошланшида Чўлпон қизларнинг сафарга рухсат олиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, Зеби кўнглидаги умид ва умидсизлик курашини ба-тафсил тасвирлайди. Сафар орзуисида ёнган Зеби билан Салтанат тамом умидсизликка тушаёзганларида, Қурвонбибининг устомонлиги сабаб Раззок сўфи рухсат бериб юборди. Қизларнинг туриштурмушини бунгача бир қафас сифатида кўрсатган Чўлпон уларнинг беадад шодликларини тасвирлашга ўтиш учун қуидагича кўпrik солади: "Қафаснинг даричаси очилди! Энди кушларга қанотларини ростлаб туриб "пир!" эта учмоқдан, кенг кўкларга, фазоларга парвоз қилмоқдан бошқа нарса қолмади. Паранжини ёпиниб ўтирасдан, шундоқ бош устига ташлаб, чимматни "хўжа кўрсин"га туттган бўлиб югуриш керак, холос. Фақат, унда даричанинг очилганига ким севинади? Шодликни ким қиласди? Эркинликнинг лаззатини ким тотииди? Шу қадар қайсар бир одамни бу қадар усталик билан йўлга соглан онанинг хурматини ким ўрнига келтиради? Уни ким кучоқлаб, ким ўпади?"

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Л.ч.ларни қўллашда муайян меъёрни сақлаш зарур, акс ҳолда, асар ортиқча сентименталлик, ошкор дидактиклик каби хусусиятлар касб этиши ва бу охироқибатда бадиий жиҳатдан ютқизиққа айланиши мумкин. Адабиётшуносликда лирик муқаддима, лирик хотима тушунчалари ҳам мавжуд бўлиб, улар моҳият эътибори билан Л.ч.нинг ўзи, фақат асарда жойлашиш ўрни ва шу билан боғлиқ бадиий-эстетик вазифалари жиҳатидан бирмунча фарқланади. Жумладан, лирик кириш ўқувчидаги тасвирланажак воқени қабул қилишга мос эмоционал ҳолатни юзага келтириш, лирик хотима эса асар воқеаларига эмо-

Адабиётшунослик луғати

ционал муносабатни яхлит ифодалаш ва шу орқали ўқувчи таассуротини мустаҳкамлаш каби мақсадларни ҳам кўзлайди.

ЛИТОТА (юн. *lītōtēs* – соддалиқ) – 1) нарса-ҳодисага хос хусусиятни унинг аксини инкор қилиш орқали ифодалашга асосланган услубий фигура, моҳиятан кинояга яқин туради. Л. кундалик мулоқотда ҳам анча фаол қўлланади. Мас.: “бу кишим ҳам аҳмоқ эмас” – ақпи-ҳуши жойида; “уям шаҳар кўрмаганмас” – содда эмас, ишига пишик ва ҳ.; 2) тасвиrlанаётган нарса-ҳодиса, унга хос белгиларни ўта кичрайтиришга асосланувчи бадиий усул, стилистик фигура; гиперболанинг зидди, мумтоз адабиётшунослигимизда *тафрит* (к. *тафрит*) деб юритилади. Жаҳон ҳалқлари оғзаки ижодида Л. усулида қатор образлар яратилган: Нўхатполвон, Ёртиқулоқ, Бармоқча бола (“мальчик-спальчик”), Дюймовочка ва б. Стилистик фигура сифатида қўлланган Л. нарса-ҳодисани ўта кичрайтириш орқали қиёсан тасвиrlанаётган нарса-ҳодисанинг маҳобатию улуғворлигини, муайян бир сифатда беқиёслигини таъкидлаб кўрсатади.

ЛУҒЗ (ар. لفظ – топишмоқ, сир, махфий) – шеърий топишмоқ, нарса-тушунчанинг номини айтмаган ҳолда, ўхшашлик ёки алоқадорлик асосидаги белгиларини тавсифлашга асосланган жанр. Яъни Л.да шоир нарса-тушунчага ишора қиласди, тингловчи (ўқувчи) эса зикр этилган белгиларга таяниб яширилган номни топиши лозим бўлади. Шу жиҳати билан Л. ўқувчида теран фикрлаш, кузатувчанлик, ҳозиржавоблик каби кўникмаларни шакллантиради. Л. ҳалқ оғзаки ижодида қадимдан мавжуд бўлган, кейинчалик ёзма адабиётга ҳам кириб келди. Л. жанри форс-тоҷик адабиётида X – XII асрлардан, ўзбек адабиётида эса XV асрдан бошлаб кенг оммалашган. Ҳусусан, ўзбек адабиётида Л. жанрининг илк намуналари Навоий ижодида учрайди, Увайсийнинг ушбу жанрдаги асарлари (мас., “Анор”) машҳур бўлган. Шунингдек, Л.нинг яхши намуналари Шавқий, Дилафгор, Муазззам, Мунис, Оғаҳий, Фақирий каби шоирлар ижодида ҳам учрайди. Илми бадиъга оид айрим манбаларда Л. мустақил жанр сифатида таърифланса, бошқаларида (мас.: А.Хусайний. “Бадойиъ ус-санойиъ”)да у шеърий санъатлардан бири сифатида курсатилади. Л.нинг яна бир номи чистон, бу жанрнинг форс адабиётидаги номланиши бўлиб, ўзбек адабиётшунослигига иккала термин ҳам ишлатилади.

Адабиётшунослик луғати

МАВЗУ (ар. موضوع – қўйилган, тартибга солинган) – бадиий мазмун компоненти, асарда қўйилган ижтимоий, фалсафий, маънавий-ахлоқий ва ҳ. муаммоларни бадиий идрок этиш учун танлаб олинган ва тасвирланган ҳаёт материали; тема. Адабиётшуносликда М. (тема) термини икки маънода ишлатилади: 1) асарда тасвирланаётган ҳаёт материали; 2) асарда бадиий идрок этиш учун қўйилган ижтимоий, маънавий-ахлоқий, фалсафий ва бошқа проблемалар мажмуи. Табиийки, иккита тушунчанинг битта термин билан юритилиши муайян чалкашликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун уларнинг мавзу ва проблема тарзида икки хил номлангани маъкул. Агар бадиий ижод табиатидан келиб чиқиб, бадиий мазмун компонентлари ижод жараёни ва унинг бадиий асарда намоён бўлиши нуқтаи назаридан фарқланса, шуниси тўғрироқ экани кўринади. Бадиий асар ижодкорнинг борлиқ билан муносабати маҳсули ўларок воқе бўлади. Яъни борлиқда яшаётган инди вид сифатида ижодкорни муайян муаммолар ўйлатади, ташвишга солади. Ижодкор учун ўша муаммони идрок этиш ички эҳтиёжга айлангани сабабли ҳам асарга қўл уради. Шу маънода бадиий асар – “эҳтиёж фарзанди” (А.Орипов) саналади. Ижодкор ўзини қийнаган муаммоларни бадиий идрок этиш учун кенг ва қулай имкон берувчи ҳаёт материалини танлайди ва тасвирлайдики, бу бадиий асар М.си (темаси)дир.

МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ МАКТАБ – Европа адабиётшунослигида XIX аср ўрталарида шаклланган илмий йўналиш, мактаб. М.-т.м. немис маърифатчилари (И.Гердер), француз романтизми тарихшунослари (Ф.Гизо, О.Тьери) ва қисман адабиётшуносликдаги биографик методни (Ш.Сент-Бёв) ижодий ривожлантириш натижаси ўлароқ вужудга келган бўлиб, назарий асосларини белгилашда О.Контнинг позитивистик фалсафаси муҳим аҳамият касб этган. М.-т.м. ўз фаолиятида тарихийлик тамойилига таянади, уни асосий тадқиқ методи сифатида қабул қиласди. Бу эса адабиётшуносликдаги муҳим ўзгариш эди. Агар М.-т.м.га қадар адабиёт норматив поэтикалар асосида тадқиқ этилиб, уларнинг меъёрларига мос келадиганлари “тўғри” ёки “етук”, мос келмайдиганлари эса “нотўғри” ёки “ёввойи” адабиёт сифатида баҳоланганд бўлса, тарихийлик принципи адабиёт тарихига, миллий адабиётларга ўзгача ёндашиш имконини берди. М.-т.м. адабиётни миллат ҳаётининг муайян тарии-

Адабиётшунослик луғати

хий босқичидаги халқ руҳининг ифодаси деб билди ва шундан келиб чиққан ҳолда, барча адабиётлар (миллий мансублиги, қайси даврда ёки услугда яратилганидан қатыназар) тенг ҳуқуқли, тенг қимматга эга, деган қарашни олдинга сурди. М.-т.м. асосчиларидан бири И.Тэн адабий асарни юзага келтирувчи омиллар сифатида миллатга хос туғма сажия ("ирқ"), ўша миллат яшаётган табиий, ижтимоий шарт-шароитлар ("муҳит") ҳамда айни вақтдаги маданий савия ва анъаналар ("давр")ни таъкидлаб күрсатади. Тэнга кўра, худди шу омиллар адабий ҳодиса генезисини эмпирик ўрганиш имконини беради ва шу асосда чиқарилган хulosаларгина чинакам илмий бўлади. Албатта, олимнинг бу қарашлари асосли, булар адабиётни илмий ўрганиш йўлида олдинга ташланган дадил қадам эканлигини ҳам эътироф этиш лозим. Бироқ буларни мутлақлаштириш оқибатида бирёқламалик келиб чиқади: М.-т.м. вакилларига эмпирик билишни устувор ҳисоблаш, гуманитар билим соҳаларига табиий фанларда кўлланувчи методларни татбиқ этишга интилиш, улардан ҳам худди табиий фанлардаги каби конкрет фактларга асосланган илмий хulosалар чиқаришни талаб қилиш ҳам хос эди. Табиийки, бу гуманитар соҳаларнинг ўзига хослигини инкор этиш бўлиб, шу даврда табиий фанлар эришган ютуқларга маҳлиёллик ва позитивистик фалсафанинг салбий таъсиридан бошқа нарса эмас эди. Жумладан, адабий асар билан биологик организм орасида аналогиялар ўтказилиши, адабиёт тарихини эволюциялар назарияси асосида ўрганишга уриниш бунинг ёрқин мисолидир. Натижада эса М.-т.м.нинг айрим вакиллари учун адабиёт ўз ҳолича, санъат ҳодисаси сифатида эмас, балки ўз даври ҳаётини акс эттиргани билан аҳамиятли; адабиёт тарихи эса ижтимоий тафakkур тараққиёти тарихидан бошқа нарса бўлмай қолди. Бу эса адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини пасайтириш, унинг воқелик билан алоқаси иккιёлама эканлигини, ижтимоий ҳаётга таъсирини инкор қилишга олиб келади. Албатта, М.-т.м.нинг бундай қарашлари ўз давридаёқ асосли танқидга учради (қ. руҳий-тарихий мактаб). Мазкур бирёқламалик оқибатидаги йўқотишларга қарамай, М.-т.м. адабиётшунослик ривожида муҳим из қолдирди: у қатор мамлакатларда адабиёт тарихини илмий ўрганишни бошлаб берди, тарихий-генетик тадқиқот методологиясига асос солди; тарихий-қиёсий адабиётшунослик, психологик

Адабиётшунослик луғати

мактаб ва социологик методнинг пайдо бўлиши учун замин ҳозирлади.

МАДИД (ар. **مَدِيد** – чўзиқ) – аруз баҳрларидан бири, фоилотун (— v — —) ва фоилун (—v —) аслларининг кетма-кет тақоридан ҳосил бўлади, фоилотунидаги сабаблар – фо ва тун орасидаги масофа чўзиқ бўлгани учун шундай номланади. М. баҳри араб шеъриятига хос бўлиб, ўзбек шеъриятида қўлланмайди. Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Бобурнинг “Муҳтасар” асарларида М. баҳрининг айрим вазнлари келтирилиб, уларга мисол қилиш учун муаллифлар маҳсус байтлар битганлар. Хусусан, “Муҳтасар”да мадиди мусаммани солим (— v — / — v — / — v — / — v —) вазнига:

Неча тортай ҳажридин сөнсизин озормен,

*Келки ҳижронингда мен умрдин бэзормен, –
байти мисол сифатида келтирилган.*

МАЖОЗ (ар. **مَجَاز** – кўчма маънодаги сўз) – 1) мумтоз адабиётшунослика сўзни ўз маъносида эмас, бошқа бир кўчма маънода ишлатиш, кўчимнинг умумий номи; трол. Атоуллоҳ Ҳусайний М.га “...лафзни ўз ясогидин ўзга маънода ясогу лафзу ўшул маъно орасиндағи бирор алоқаю муносабатқа асосланароқ қўлламоқтинг иборатдур, ўз ясогида тушунмакка мониъ бўлғучи жумладошин келтирмак шарти била”, дея таъриф беради. Яъни сўзнинг кўчма маъноси доим матн ичида, у боғланиб келаётган бошқа (ўз ясогида тушунмакка мониъ бўлғучи жумладош) сўз орқали англашилади. Сўзнинг матндан ташқарида англатган маъноси эса ўз маъноси ҳисобланади. Мас., “хона тинчланди” жумласида “хона” сўзи кўчма маънода, унинг кўчма маънода эканлиги эса “тинчланди” сўзига боғланаётганидан англашилади. Бошқача айтсак, “хона” сўзини ўз маъносида тушунишишимизга “тинчланди” сўзи мониъ бўлмоқда, шунинг учун уни “хонадаги одамлар” маъносида тушунамиз. Бу ўринда сўзнинг кўчма маънода тушунилишига унинг ўз маъноси (хона – жой) ва матндан келиб чиқиб англанаётган маъно (шу жойдаги кишилар) орасидаги алоқадорлик асос бўлмоқда. Демак, сўзнинг кўчма маънода ишлатилишига унинг ўз маъноси билан кўчма маъноси ўртасида бирор боғлиқлик, ўхшашлик ёки алоқадорлик бўлиши шарт қилиб қўйилади. Шу жиҳатдан қаралса, истиора, киноя (метонимия), синекдоха, рамз кабилар М.нинг турли асосларга таянувчи навларидир. Ҳозирда М. атамасини бу маъно-

Адабиётшунослик лугати

да күллаш пассивлашган; 2) ҳозирги адабиётшунослиқда М. атамасини күчим турларидан бири, яъни аллегория (к.) сифатида күллаш кенгроқ оммалашган.

МАЖРО (ар. مجر - сув йўли, ўзан) – қаранг: мутлақ қофия

МАЗИД (ар. مزيد – орттирилган) – қаранг: мутлақ қофия

МАЗҲАБИ КАЛОМИЙ (ар. مذهب کلامی – дахлдорлик, алоқадорлик) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, шоирнинг ўз фикрини ҳақиқий, ҳаётий далил билан хуласалаши. М.к.да келтирилаётган далил ҳусни таълилдаги (к.) каби шунчаки шоирона, тўқима бўлмасдан, ҳақиқий, ҳаётий бўлмоғи ва унинг келтирилиши натижасида шеър ўзига хос ҳикмат даражасига кўтарилиши талаб этилади. Мас., Пахлавон Маҳмуднинг:

Уч юз Кўҳи Кофни келида туймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ,
Нодон сұхбатидан кўра яхшироқ, –

рубойиси М.к.га яхши мисол бўла олади.

МАКСИМА (лот. maxima regula – олий тамойил) – афористика жанрларидан бири, мустақил жанр сифатида XVIII аср Европа адабиётида кенг истеъмолда бўлган; бу даврда яшаб ижод этган қатор ёзувчи, олим ва файласуфлар (Ф. де Ларошфуко, И.Гёте, Б.Паскаль, А.Шопенгауэр ва б.) қаламига мансуб М.лар машхур бўлган. М.ларда маънавий-ахлоқий масалаларга тааллуқли қоидалар қатъий ифода этилиб, уларга қўшилиш ё амал қилиш лозим бўлади. Ифодадаги қатъият, маълум нормаларни ишлаб чиқиш, универсаллик даъвоси М.ларнинг айни шу даврда, яъни классицизм даврида фаоллашгани билан боғлиқдир.

МАНБАШУНОСЛИК, адабий манбашунослик – адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳаларидан бири. М. адабиётга тааллуқли манбалар (асар кўлёзмалари, қораламалари, ижодкорларнинг кундаликлари, ёзишмалари, уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ хужжатлар ва б.)ни излаб топиш, тавсифлаш, таснифлаш ва муайян тартибга солиш, илмий муомалага киритиш ҳамда тадқиқ этиш билан шуғулланади, бу ишларни амалга оширишнинг назарий тамойилларини ишлаб чиқади ва амалда кўплайди. М.

Адабиётшунослик луғати

фаолияти адабиёт тарихи ва матншунослик соҳасидаги тадқиқотлар учун муҳим аҳамиятга эга.

МАРСИЯ (ар. مرثیه – йигламоқ, аза тутмоқ, ачинмоқ) – бирор кишининг вафоти муносабати билан, унинг фазилатларини эътироф этиш, вафотидан афсусланиш мазмунида ёзиладиган лирик жанр. Адабиёт тарихида шоирнинг бирор яқин кишиси, қариндоши, оила аъзоси вафоти муносабати билан ёзилган М.лар билан бир қаторда, шоҳлар ва бошқа амалдорлар, устозлар вафоти муносабати билан ёзилган М.лар ҳам кўп учрайди. Мак., Навоийнинг Абдураҳмон Жомий вафотига бағишлиланган М.си. Асосан мазмунга қўйиладиган талаб етакчи бўлгани учун М.нинг ҳажми, қофияланиши билан боғлиқ талаблар қатъий белгиланган эмас. Шу боис ҳам М.лар ғазал, мухаммас, мусаддас каби лирик жанрларнинг шаклларида битилиши мумкин. Янги давр адабиётида ҳам Мақсад Шайхзода, Миртемир, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби шоирлар ижодида М.нинг яхши намуналари бор.

МАСАЛ (ар. مثل – ўхшамоқ) – сўз санъатидаги энг кўхна ва қадимдан кенг оммалашган жанр, насрой ёки шеърий йўлда ёзиладиган мўъжаз ҳикоя; тарбиявий мақсаднинг устуворлиги ва ошкор дидактиклик хусусиятига эгалиги сабабли М.га дидактик адабиёт жанри сифатида қаралади. М.нинг курилиши унинг дидактик характеристига мос: аввал мўъжаз ҳикояча берилади, сўнг “қиссадан ҳисса” шаклидаги хулоса билан унинг мажозий маъноси таъкидлаб кўрсатилади. М.нинг ҳикоя қисми эртак ва латифаларга, “қиссадан ҳисса”си эса мақолларга яқинлашади. М.ларда образлар тизими ҳам дидактик мақсадга мос, ҳаётий ҳолат аллегорик образлар (жониворлар, дараҳт ва ўсимликлар, нарса-ҳодисалар) орқали тасвирланади, шунинг учун ҳам улар универсаллик касб этади. Универсаллик шу маънодаки, М.да тасвирланган конкрет ҳолат ҳаётда учровчи турфа ҳолатлар учун ечим бўла олади. Адабиётшуносликда аксар мақоллар М. асосида пайдо бўлган, деган қараш ҳам бор. Яъни муайян М. шу даражада оммалашадики, натижада хулоса қисмининг ўзи (албатта, кишилар тасаввурида ҳикоячани уйғотган ҳолда) ҳаётий ҳолатга ечим бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан қаралса, М.нинг қадимдан оммалашгани унинг инсонлар учун амалий аҳамият касб этгани, уларнинг ўзаро мулоқотида фикр ифодалаш учун тайёр ва самарали восита бўлгани билан изоҳланади.

Адабиётшунослик луғати

Зеро, М.ларда қадим аждодларнинг ҳаётий тажрибалари, турли майший, ахлоқий, сиёсий ва ҳ. ҳолатларга оид ҳукм-хулосалари умумлашма ифодасини топган. Антик ритор (нотик)лар ва файласуфларнинг М.ларга кўп мурожаат этганлари ҳам бунинг ёрқин далилидир. Шунинг учун барча халқлар оғзаки ижодида ҳам, қадимги ёзма манбаларда ҳам М. ва моҳияттан унга яқин жанрлар кенг тарқалган. Жумладан, “масалнинг отаси” саналувчи Эзоп тахминан милоддан аввалги VI асрда яшаган ярим афсонавий шахс бўлиб, унга нисбат берилувчи М.ларнинг аксарияти унга қадар яратилган, деб ҳисобланади. Қадимги ҳиндларнинг “Панчатаңтра” (“Калила ва Димна”) каби асарларнинг мавжудлиги ҳам юқоридаги фикрнинг далилидир. Ёзма адабиётда ҳам М. жанрида кўплаб гўзал асарлар яратилган. Жумладан, француз адаби Ж.Лафонтен, немис адаби Лессинг, рус масалчиси И.Криловларнинг М.лари дунёга машҳур.

МАСНАВИЙ (ар. مشتوى – икките – үзаро қофияланган мисралардан таркиб топувчи банд тури, шундай бандлардан таркиб топувчи шеърий асар; шеър шакли. Мисраларининг үзаро қофияланниши (aa, bb, cc, dd каби) М.ни воқеалар баёни учун жуда қулай шаклга айлантиради. Шунинг учун ҳам Шарқ адабиётида воқеабанд шеърлар ва достонлар, асосан, М. шаклида яратилган бўлиб, улар бирдек М. деб юритилаверган. Ҳусусан, Бобур Навоий ҳақида: “Олти маснавий китоб назм қилибтур, беш “Хамса” жавобида, яна бир “Мантиқ ут-тайр” вазнида “Лисон ут-тайр” отлик”; Муҳаммад Солиҳ ҳақида эса: “Шайбонийхон отига бир туркий маснавий битибдур”, – дейдики, ҳар икки ҳолда ҳам М. термини достон маъносида кўпланаётир. Дарҳақиқат, ўзбек адабиётидаги илк достон “Қутадғу билиг”, ундан кейин дунёга келган “Ҳибат ул-ҳақиқиқ”, “Мұхаббатнома”, “Гул ва Наврӯз”, “Сұхайл ва Гулдурсун” каби деярли барча достонлар ҳам М. шаклида яратилган. Шунингдек, адабиётимизда турли (диний, фалсафий, майший ва б.) мавзулардан баҳс юритувчи ёки воқеабанд характердаги ўрта ҳажмли кўплаб шеърлар ҳам М. шаклида ёзилган. Mac.: Яссавийнинг айрим ҳикматлари, Ферузнинг диний-тасаввуфий руҳдаги катта ҳажмли шеърлари, Муқимиининг “Танобчилар”и, Фурқатнинг “Илм хосияти”, “Акт мажлиси хусусида”, “Нағма базми хусусида”, “Виставка хусусида”, “Суворов”, “Сабоға хитоб”, Комилнинг “Ҳасби ҳол”, Сиддиқий Ажзийнинг “Анжумани арвоҳ” (“Рухлар йигини”) асарлари шулар жумласидандир. Янги давр ўзбек шеъриятида ҳам М. шаклини топувчи бандларни таҳдид менорида боради.

Адабиётшунослик луғати

лида шеър битиш анъанаси давом эттирилди (мас.: Миртемир. “Бўлмаса”; Ҳ.Олимжон. “Ўзбекистон”; А.Орипов. “Маймуният”, “Кўнгил”; Э.Воҳидов. “Оғриқли саволлар”, “Ўзбекистон боғларига қайтиб келди булбуллар”; О.Матжон. “Қуш йўли” достони ва б.).

МАТЛАЬ (ар. مطاع – бошланиш, қўёш чиқиши) – ғазал ёки қасиданинг мисрлари ўзаро қофияланган (а-а) биринчи байти, маббадъ деб ҳам юритилади. Мумтоз шоирларимиз М.нинг шакл ва мазмун жиҳатидан мукаммал, ҳусни матлаъ (қ.) санъати талабларига мувофиқ бўлишига жиддий эътибор қаратганлар. М.да шоирнинг ғазал ёки қасидада айтмоқчи бўлган фикри ўртага ташланади, бу фикр кейинги байтларда ривожлантириб борилади, далилланади, асосланади ва мақтаъда хulosаланади. Мас., Ҳувайдонинг бир ғазали ушбу М. билан бошланади:

Эй дило, ҳар кимга тегса дарди ишқ,

Бўлгуси икки жаҳонда фарди ишқ, –

ва шеър давомида ривожлантирилган мазкур фикр мақтаъда қуидагича хulosаланади:

Дарди йўқ тани, Ҳувайдо, тан дема,

Бўлмаса ул тан ичиди дарди ишқ.

МАТНШУНОСЛИК – филология фанининг тармоғи, адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳаси. М. соҳасидаги илмий изланишларнинг натижаси адабиёт тарихи ва назарияси учун манбавий (матний) асос бўлиб хизмат қиласи, шу сабабли унга адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳаларидан бири сифатида қараб келинади. Шунга қарамай, М.ни филологиянинг алоҳида тармоғи, мустақил бир соҳаси сифатида тушунишга асос берувчи жиҳатлар ҳам бор. Биринчидан, М. фаолияти адабиётшунослик, тилшунослик ва тарих фанлари кесишган нуқтада кечади; иккинчидан, М.нинг ўзи қатор ёрдамчи соҳалар (палеография, услубшунослик, археография ва ҳ.)га эга. М.нинг вазифаси – адабий матнларни ўрганиш ва нашрга тайёрлашдир. М.нинг вазифаси қисқа ифодаланган бўлса-да, унинг амалга оширилиши жуда катта меҳнатни, чукур билим ва тажрибани талаб қиласи. Адабий матнни ўрганаётган матншунос олдида турли-туман илмий муаммолар қўндаланг бўлади. Дейлик, матншунос муаллифи номаълум асар (матн)га дуч келди. Бу ҳолда у асар муаллифини, матннинг ёши (ёзилган, кўчирилган вақти)ни аниқлаши зарур. Бунинг учун эса у адабиёт тарихи, тил тарихи,

Адабиётшунослик луғати

манбашунослик, услугушунослик каби соҳалардан яхши хабардор бўлиши ва уларга таянган ҳолда матнни тадқиқ этиши лозим бўлади. Ёки М.нинг бошқа бир вазифаси – асарнинг илмий-танқидий нашрини тайёрлаш ҳам жуда мashaқатли иш. Mac., Алишер Навоий асарларининг турли даврларда, турли котиблар томонидан кўчирилган қўлёзмалари мавжуд. Матншунос қаршисида уларни қиёсий ўрганиш, бирининг камчиликларини бошқалари билан тўлдириш ва шу асосда энг мукаммал – илмий-танқидий матнни тайёрлаш вазифаси турди. Тайёр бўлган илмий-танқидий матнни нашр эттириш учун матншунос уни изоҳлар, шарҳлар, луғатлар билан таъминлаши керак. “Мукаммал асарлар” ортидаги ҳар бир изоҳ, ҳар бир шарҳ ёки луғат бирлиги жуда катта меҳнат орқасида дунёга келади. Зоро, матнда учраган сўз маъносини тошиш, ундаги бирор шахс, жой номи ва ш.к.ларга изоҳ бериш учун матншунос жуда кўп изланиши, кўплаб манбаларни кўриб, ўрганиб чиқиши зарур бўлади. Шу билан бирга, M. адабиётшуносликнинг айrim муаммоларини ҳал қилишда муҳим ёрдамчи соҳа, тадқиқот усули бўлиб ҳам хизмат қилади. Mac., унинг тадқиқ усууллари, тажрибаларидан ёзувчи ижодий лабораториясини, муайян асарнинг ижодий тарихини ўрганиш йўлидаги изланишларда кенг фойдаланилади.

МАЪНАВИЙ САНЪАТЛАР – қаранг: санойиъ

МАЪРИФАТЧИЛИК, МАЪРИФАТЧИЛИК АДАБИЁТИ – феодал асосларга қарши ўлароқ майдонга чиқиб, XVII – XVIII асрларда Фарбий Европа мамлакатлари ва Шимолий Америкада кенг ёйилган ғоявий-мафкуравий ҳаракат; шу ҳаракат ғояларини ўзига сингдирган ва тарғиб этган адабиёт. Европанинг турли мамлакатларида M.нинг майдонга келиши вақт жиҳатидан фарқланади: у дастлаб Англияда юзага келган бўлса, ижтимоий шарт-шароитларнинг ётилиши баробаридадада қитъанинг бошқа мамлакатларига ёйилган ва уларнинг ҳар бирида конкрет шарт-шароитлар билан боғлиқ тарзда кечган. Жумладан, Россияда M. анча кеч – XVIII асрнинг 2-ярмида майдонга чиқсан; шунингдек, XIX аср охири – XX аср бошларида қатор Шарқ мамлакатлари, жумладан, Россия таркибидаги туркий халқлар яшовчи минтақалар (Қрим, Татаристон, Озарбайжон, Туркистон)да кузатилган M. ҳаракатлари ҳам Европа M.и билан кўплаб муштарак жиҳатларга эгадир.

Адабиётшунослик луғати

Мутахассислар М.ни “фалсафий, ижтимоий, ахлоқий концепция”, янгича дунёқараашга асос бўлган МАФКУРА деб ҳисоблайдилар. Янги мафкурунинг ўзагини “инсон ақлу заковати дунёни ўзгартиради”, деган қараш ташкил этади. М. ҳаракати буржуа демократияси, ижтимоий тараққий, ижтимоий тенглик ва адолат, шахс эркинлиги каби ғоялар билан майдонга чиқсан. Дунёқарааш нуқтаи назаридан кўпроқ моддиюнчилик ва деизм мавқеида турган М. намояндалари феодал-монархик тартиботларга, унинг мафкуравий тираги бўлган черковга, илм-фандаги схоластикага қарши турди, табиий фанларни чуқур ўрганиш, техникани ривожлантириш каби вазифаларни долзарб билди. Ижтимоий соҳада “ақлга мувофиқ жамият” қуриш мақсадини қўйган М. бунга маърифат ёйиш (жумладан, уларнинг бир қисми “маърифатли монарх” ғоясига таянган), ташвиқот-тарғибот орқали эришиш мумкин деб ҳисоблади. М. ижтимоий онгнинг кейинги ривожига жиддий таъсир кўрсатди, жамият ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса, адабиёт ва санъатда туб бурилишлар ясади. Европада М. ғоялари таъсирида янгича эстетик принципларга таянган адабиёт шаклландиди, унинг асосида “дунёни ва инсонни ўзгартиришга қодир ғоявий адабиёт керак”, деган ақида ётади. Яъни бошқача айтсак, М.нинг ижтимоий идеали – “инсон табиати ва “ақл”га мувофиқ жамият қуриш” М.а.нинг эстетик идеалига айланди. Бу эса адабиётнинг-да шунга мувофиқ ҳолда ўзгаришини тақозо қилди. Мазкур ўзгаришлар орасида энг муҳими – идеалнинг “ерга тушгани” дирки, бунинг натижаси ўлароқ бадиият, гўзаплик тушунчаларига ҳам жиддий таҳрирлар киритилди. М. адабиётда, аввало, ўкувчиларни тарбиялаш асосида ижтимоий ҳаётни исплоҳ қилиш воситасини кўрди, уни конкрет мақсадга эришиш воситаларидан бири деб билди. Шунинг учун ҳам М.а. на муналарида кўпинча қаҳрамонлар орасида очиқ ғоявий қуаш кечади, уларнинг тилидан муайян ғоялар декларатив тарзда айтилади, қисқаси, ғоя асарнинг бирламчи унсурига, уни ифодалаш муаллифнинг асосий мақсадига айланади. М. мақсадларини амалга ошириш учун қулай имкониятлар берувчи санъат турлари ва жанрларга айрича аҳамият берилди. Жумладан, М. театрни ўз ғояларини тарғиб этиш минбари деб билган, шу боис драматик жанрлар ривожлантирилган, улар оммалаштирган драматик жанрларда ҳаётга яқинлашиш (мешчанлик драмаси, оилавий драма), олам ва одам ҳақидаги яхлит бадиий концепцияни ифодалашга

Адабиётшунослик луғати

интилиш (фалсафий драма) кучаяди; М.нинг Дидро, Лессинг каби йирик намояндалари театр санъатига, драматургияга багишиланган маҳсус тадқиқотлар яратишган. М.а.да бадиий проза, айниқса, ҳаётни атрофлича бадиий таҳлил этиш ва яхлит бадиий концепцияни ифодалаш имконини берувчи роман жанри гуркираб ривож топди; “эпистоляр роман” (О.Голдсмит. “Дунё фуқароси”; Ш.Монтесхью. “Форс хатлари”), “саёҳатнома роман” (Ж.Свифт. “Гулливернинг саёҳатлари”), “тарбия романни” (Руссо. “Юлия ёки Янги Элоиза”), “фалсафий қисса” (Дидро. “Рамо жиян”) каби қатор янги жанрлар ишлаб чиқилди; инсон характеристини яратишнинг янги-янги имкониятлари кашф этилди, янги усулу воситалар жорий қилинди.

Қайд этиш лозимки, М.а. деганда, маълум бир ғоявий ҳаракат адабиётини эмас, балки ижтимоий тафаккурда шу ғоялар устуворлик қилган давр – М. даври адабиётини тушунган тұғрироқ бўлади. Зоро, бу давр адабиётидаги маърифатчилик классицизми, маърифатчилик реализми, сентиментализм каби йўналиш ва оқимларнинг бари М. ғоялари таъсирида бўлган ва уларни тарғиб этган.

МАЪРИФАТЧИЛИК РЕАЛИЗМИ – маърифатчилик даври (қ. маърифатчилик) Европа адабиётидаги йўналишлардан бири, шу даврда ҳаётни бадиий акс эттиришнинг реалистик принципи (қ. реализм) асосида яратилган қатор асарларга хос умумий хусусиятлардан келиб чиқиб қўлланувчи атама. М.р. адабиётни ҳаётга яқинлаштириди, классицизмдан фарқли ўлароқ, оддий кишилар ҳаёти, уларнинг кундалик турмуши, орзу-интилишларини қаламга олди. М.р.нинг қаҳрамони – ўзининг фаоллиги, ақл-заковати ва ирода кучи билан жамиятда ўз ўрнини топиш, унда ўз мавқеини яхшилаш учун курашаётган шахс. Яъни бу қаҳрамон ўзида маърифатчиликка хос инсон концепциясини ифодалайди, инсон ўзининг ақл-заковати ва ирода кучи билан жамиятни ва ўз тақдирини ўзгартиришга қодир, деган ғояга иллюстрация бўлиб хизмат қилади. Шу боис ҳам айрим адабиётшунослар “маърифатчилик реализми” атамасидан кўра “дидактик реализм” атамасини кўпроқ маъкул кўрадиларки, бунга етарли асос бор. Зоро, М.р., бир томондан, адабиётни ҳаётга яқинлаштириди, иккинчи томондан, унга тарбия воситаси сифатида қаради. Яна ҳам аникроғи, адабиётни ҳаётга яқинлаштириш ҳам унинг тарбиявий кучини ошириш мақсади билан изоҳланиши мумкин. Яъни ҳаётни аслига монанд

Адабиётшунослик луғати

тасвирлаб, ундаги фожеа ва иллатларни ҳаққоний күрсатгани ҳолда, М.р. шу реал воқелик фонида идеал қаҳрамонни ҳаракатлантириди, унинг жамиятдаги мавқенини яхшилаш, инсонлик шаънига муносиб турмуш учун курашини ибрат, намуна сифатида талқин қилди. Табиийки, М.р.да шунга мос адабий жанрлар ("тарбия романы", "саёжатнома роман", "саргузашт роман"; очерк, саёжатнома, мешчанлик драмаси) кенг оммалашди ва ривожлантирилди. М.р.нинг йирик намояндапари сифатида эътироф этилувчи Д. Дефо, Г. Филдинг, Д. Дидро, Г. Лессинг каби адибларнинг асарлари бадиий тафаккур ривожида, адабиётда реалистик тенденцияларнинг қарор топишида катта аҳамиятта эга бўлди. Европа М.р.га хос хусусиятлар XIX аср охири – XX аср бошида қатор Шарқ ҳалқлари адабиётида, жумладан, ўзбек жадид адабиётида ҳам кузатилдики, бу, бир томондан, адабий алоқа ва таъсир, иккинчи томондан, уларни юзага келтирган шарт-шароитлардаги типологик умумийлик билан изоҳланади.

МАҚТАЬ (ар. مقتطف – тугаш жойи, кесмоқ) – ғазал ёки қасиданинг охирги, якунловчи байти. М.да шеър давомида билдирилган фикрлар, изҳор этилган ҳис-түйғулар хulosаланади, шоирнинг уларга муносабати ифода этилади. Мумтоз адабиётшуносликда шеърни чиройли, таъсирли ва мазмундор қилиб якунлаш ғоятда муҳим саналган, хусни мақтаъга (қ.) алоҳида эътибор берилган. Дарҳақиқат, охирги байт шеър мазмун-моҳиятини ўзида мужассам ифода этиб, унинг бадиий савиясини белгиловчи муҳим омил бўла олади. Анъянага кўра, аксарият М.ларда шоир тахаллуси келтириладики, у шеър муаллифини кўрсатиб турувчи ўзига хос имзо, тамға вазифасини утайди. Mac.:

Олимни нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,
Шуҳратни шеър бобида Машраби мўътабар ўзум.

Бироқ М.да тахаллус келтириш қатъий қоида мақомига эга эмас, шеъриятишимизда тахаллус келтирилмаган М.лар ҳам талайгина. Хусусан, тахаллус келтирилмаган М.лар Бобур ижодида кўплаб учрайди. Mac., Бобурнинг ғазалларидан бири қуйидаги М. билан якунланган:

Бу маҳвашларга кўнгул бермагилким, асрай олмаслар,
Кўнгулни асрагил, бўлғайки, бир дилдор топқайсан.

Адабиётшунослик луғати

МАҲАЛЛИЙ КОЛОРИТ, жой колорити – бадий асарда муайян худуд (минтақа, вилоят ва ҳ.)га хос турмуш тарзи, урф-одатлар, шева, пейзаж ва ш.к.ларни қайта яратиш. М.к. тасвириңнинг ҳаққоний бўлишига хизмат қилиши билан бирга, маърифий жиҳати билан ҳам аҳамиятли, чунки у муайян худудда яшовчи кишилар ҳаёти билан яқиндан танишиш имконини яратади.

МЕЛОДРАМА (юн. *meīos* – кўшиқ, *drama* – ҳаракат) – 1) драматургия жанрларидан бири. М.нинг характерли хусусиятлари сифатида ўткир интрига асосига қурилган сюжетга эгалик, бир қадар бўрттирилган эмоционалликка йўғрилганлик, эзгулик билан ёвузликнинг кескин ва қабариқ тарзда зидлантирилиши, ахлоқийтарбиявий йўналтирилганлик кабилар кўрсатилади. М. драматургия ва театр жанри сифатида XVIII аср охирида Францияда шаклланган, гуллаб-яшнаган даври эса XIX асрнинг иккинчи чорагига тўғри келади; 2) мусиқали драматик асар, унда персонажларнинг монолог ва диалоглари мусиқа жўргилиги ижро этилади; 3) ҳозирги адабиётшуносликда ва, кўпроқ, сўзлашув амалийетида М.га хос (интригага бой сюжет, яхшилик билан ёмонлик кескин контрастда тасвирланувчи, ошкора кучайтирилган эмоционаллик ва б.) хусусиятларга эга, лекин бадий жиҳатдан бўш, оммавий китобхон ёки томошабин савиясига мўлжаллаб ёзилган асарларга салбий баҳони ифодалайди. Терминнинг салбий маънода қўлланиши “оммавий санъат” билан боғлик бўлиб, унинг М.га хос юқоридагича хусусиятлардан ўқувчи (томушабин)ни ўзига осон жалб этувчи восита сифатида ўринли-ўринсиз фойдаланиш натижасида бадий ночор асарлар пайдо бўлади, ўз ҳолича яхшигина бадий усул ва воситалар сийқалашади.

МЕМУАР (фр. *mémoires* – хотиралар, эсдаликлар) – муаллифнинг ўтмишда ўзи бевосита иштирок этган ёки шоҳиди бўлган воқеалар ҳақидаги хотиралари баён қилинувчи адабий асар. М. асарлар ўзининг баён йўсими, воқеаларнинг сюжетли тарзда берилмаслиги, вақт тартибига риоя қилиниши, фактографиклик хусусиятлари билан кундаликларга, материалнинг ҳаққонийлиги ва тўқиманинг йўқлиги жиҳатидан хужжатли-тарихий очерк, илмий биографияларга яқин туради. Бироқ М.ни булардан фарқловчи қатор муҳим жиҳатлар ҳам бор. Жумладан, хотиранавис умуман воқеани эмас, унинг ўзи кўрган томонлари ва ундан бевосита олган

Адабиётшунослик луғати

таассуротлари ҳақида ёзади. Шундай экан, М. субъективликдан холи эмас, демак, фактик аниқлиги жиҳатидан ҳужжат санала олмайди. Бироқ бу субъективлик муаллифнинг жонли иштироки, таассуротларнинг табиий ва жонлилиги, шунингдек, ҳужжатларда доим ҳам акс этавермайдиган кўплаб тафсилотларни қамраши ҳисобига ювилиб кетади, шу жиҳатлари билан М. асар муайян воқеа (давр) ҳақида маълумот берувчи қимматли манба бўлиб қолади. М. асарлар ҳажми, ҳаётни қамраш кўлами, услубий хусусиятлари каби қатор жиҳатлари билан бир-биридан фарқланади: айрим М. асарлар хронологик жиҳатдан чекланган (Н.Мухитдинов. "Кремлда ўтган кунларим") бўлса, бошқалари муаллиф онгли ҳаётини тўла қамраб олади ("Бобурнома"); баъзилари диққатни конкрет воқеага (О.Шарафиддинов. "Бир нутқ тарихи"), бошқалари жамият ҳаётидаги муҳим бир даврнинг қатор воқеаларига (М.Муҳаммаджонов. "Турмуш уринишлари") қаратади; *портретга* яқин бўлган айрим М.лар бирон бир шахс ҳаётини деярли тўласича (З.Сайдносирова. "Ойбегим менинг") қаламга олса, бошқалари унинг ҳаётидан бир-икки эпизодни (С.Аҳмад. "Йўқотганларим ва топганларим") қамраш билан чекланади. Ёки айрим М.ларда "Бобурнома"даги каби турли тафсилотлар (этнографик, географик, флора ва фауна ва х.)га кенг ўрин берилса, бошқаларида муаллифни қизиқтирган асосий мавзуга оид тафсилотларни қайд этиш билан чекланилади; баъзи М.ларда баён объектив тарзда (фактларни қайд этиш билан) олиб борилса, баъзан фактларни атрофлича мушоҳада қилиш, уларга ғоявий-ҳиссий муносабатни ошкор ифодалаш кузатилади. Яна бир жиҳати, М.лар ёзиш билан профессионал ёзувчиларгина эмас, бошқа соҳа кишилари (давлат арбоблари, санъаткорлар, спортчилар ва х.) ҳам шуғулланадилар.

МЕТАФОРА (юн. *metaphora* – кўчириш) – маъно кўчишининг кенг тарқалган турларидан бири, нарса-ҳодисалар орасидаги ўхшашликка асосланувчи кўчим тури, троп. М. моҳияттан яширин ўхшатиш бўлиб, унда ўхшатилаётган нарса тилга олинмагани ҳолда, унинг маъносини ўхшаетган нарса (яъни уни ифодалайтган сўз) билдиради. Албатта, бу ўринда ўхшатилаётган нарса-ҳодисаларнинг айнан ўхшашлиги талаб қилинмайди, балки икки нарса-ҳодисага хос бўлтилардан бирортаси асос учун олинади. Дейлик, "олтин куз", "олтин давр" бирикмаларининг биринчисида ўхшатиш асоси учун "ранг", иккинчисида эса "қиммат" олинган. Бадий мат-

Адабиётшунослик луғати

ндаги М.нинг маъноси ғоят серқирра, чунки у контекстдаги бошқа сўзлар билан бирга мазмуний бутунликни ташкил қиласр экан, улар билан алоқада ҳосил бўлган ассоциациялар туфайли маъно диапазонини кенгайтиради. Mac., матндан ажратиб олинган ҳолда “сув синди” бирикмасининг маъноси жуда хира, унинг М. эканлигини идрок қилиш учун ақлни зўриқтириш талаб этилади. Бироқ Р.Парфининг “Сув остида ялтирайди тош, Харсангларда синади сувлар” сатрларида бадиий матн контекстидаги бирикма маъноси ёрқин намоён. “Сув синиши” учун унинг ойнага ўхшатилиши зарур, лекин шеърда сув ойнага ўхшатилган эмас. Шунга қарамай, ассоциатив алоқалар асосида “остида ялтираган тош” кўринадиган дарражада тиник сувни ойнага ўхшата оламиз ва шунинг учун ҳам унинг “синиши” табиий кўринади. Шоирнинг “Деразамга урилади қор, Жаранглайди жарангисиз кумуш” сатрларида М.нинг маъно ассоциациялари янада кенгроқ. Ранг ўхашалиги асосида қорни кумушга ўхшатиш шеъриятда анча кенг кўлланади. Бироқ бу Р.Парфи учун таянч нуқта, холос, ундан туртки олиб бошқа ассоциациялар уйғотилади: “жаранглайди, жарангисиз” сўзлари метонимик асосда “кумуш танга”ларни тасаввурга келтиради ва қор ёғиши “кумуш тангаларнинг сочилиши”га ўхшатилаётгани аён бўлади. Яъни лирик қаҳрамон наздида гўё кимдир хайр-эҳсон қилиб танга сочаётгандек. Лирик қаҳрамон “қор ёғиши тўқинлик, баракотдан нишона” деб билувчи халқ вакили экани эътиборга олинса, унинг айни дамдаги кечинмаларини ҳис этиш мумкин бўлади. Бу ўринда М.нинг воқе бўлишини таъминлаётган ассоциациялар занжирини мана бу тарзда ифодалаш мумкин: кумуш (кор, ранг ўхашалиги) – жаранг (танга, алоқадорлик асосида) – “танга сочиш” (саховат) – қор ёғиши (яратганинг саховати, барака ёғилиши). Демак, лексик М.нинг маъноси бир сўз доирасида англашилиши мумкин ва у номинатив (аташ) функция бажаради, бадиий М.нинг функцияси эса аташдан анча кенг, у матндан бошқа сўзларнинг маънолари таъсирида мазмунини кенгайтиради ва эстетик функция бажаради. Mac., лексик M. сифатида “баҳор” – ёшлиқ, “кузак” – етуклиқ, “куз” – кексалик маъноларида ишлатилиши мумкин, яъни учала ҳолда ҳам М. инсон умрининг бир босқичини бошқа сўз билан атайди, холос. И.Мирзонинг “Кузагимга хуш бўй берган баҳорим” мисрасидаги М.лар алоҳида ҳолда эмас, бир бутунлигига муҳим: улар етуклиқ палласи навқирон гўзалга кўнгил қўйган киши кечинмаларини ифо-

Адабиётшунослик лугати

далайди, образ яратади. Бу каби ҳолларда ёйик М. ҳақида гапирилади, яъни бутун бошли жумла ёки матннинг йирикроқ бўлаги доирасида воқе бўлувчи образ назарда тутилади. Албатта, бу ўринда М.ни энди кўчим тури деб бўлмайди, унга образлиникнинг бир кўриниши сифатида қараш тўғрироқ. Адабиётшуносликда бир нарса-ҳодисанинг моҳиятини иккинчи бир нарса-ҳодиса орқали очиш метафориклик, шу асосга курилган образни *метафорик образ* деб юритилади(қ. образ).

МЕТОД (юн. *methodos* – тадқиқ усули) – 1) ижодий метод; марксистик эстетиканинг асосий категорияларидан бири, XX асрнинг 20-йилларидан кенг оммалашган ва маъноси ўзгариб борган термин. 30 – 40-йиллар адабиётшунослигига адабиёт ва санъатдаги ҳаётни бадиий акс эттиришнинг асосий тамойиллари М. деб юритилиб, иккита – реалистик ва нореалистик ижодий методлар мавжуд деб хисобланган. Кейинроқ М. деганда бадиий асарнинг ғоявий мазмуни билан боғлиқ бўлган ҳаёт материалини танлаш, бадиий идрок этиш ва баҳолаш принциплари тушунила бошланган. Яъни бунда М. бадиий тафаккур тарзи сифатида тушунилиб, ижодкор эътиборини воқеликнинг у ёки бу қирраларига қаратиши, типиклаштириши ва баҳолашида намоён бўлувчи ҳодиса саналган. Кейинги маъно кўчиши адабиётнинг мафкура куролига айланишини илмий асослаш жараённида амалга ошган ва мафкуралашган шўро адабиётшунослигига М. тушунчасига ўта муҳим аҳамият берилган. Терминнинг кейинги маънода қўлланиши бадиий ижоддаги иккি муҳим унсур – метод ва услубни алоҳида категориялар сифатида тушунишга имкон берган. Бунда бадиий тафаккур тарзини англатувчи М.га гносеологик (яъни бадиий билиш билан боғлиқ), услубга эса антропологик (яъни ижодкор шахси билан боғлиқ) категория сифатида қаралади (қ. услуг). Адабиётшуносликда М. терминини бу маънода қўллашда ҳам турличаликлар бор. Жумладан, романтизм, реализм, танқидий реализм, социалистик реализм кабилар ижодий М. сифатида кўрсатилса, классицизм баъзан М., баъзан эса адабий йўналиш сифатида кўрсатилади. Ҳолбуки, классицизмда ҳам ўзига хос ҳаёт материалини танлаш, бадиий идрок этиш ва баҳолаш принциплари мавжуд бўлиб, бу жиҳатдан у бемалол М. саналиши мумкин. Ҳозирги адабиётшуносликда ижодий М. термини қўлланишда пассивлашди; 2) тадқиқот усули. Бу маънода М. бадиий асар ва адабий жараённи тадқиқ этиш тамойиллари ва усулла-

Адабиётшунослик луғати

рини билдиради: биографик метод, қиёсий метод, социологик метод ва ҳ.

МЕТОНИМИЯ (юн. metonymia – қайта номлаш, бошқа нарса орқали аташ) – маъно кўчишининг кенг тарқалган турларидан бири, кўчимнинг нарса-ҳодисалар орасидаги алоқадорликка асосланувчи тури. Нарса-ҳодисалар орасидаги алоқадорлик турлича кўринишларда намоён бўлади: нарса-ҳодиса, ҳолат ёки ҳаракат билан улар эгаллаган жой (“стадион ҳайқирди”, “бутун шаҳар қатнашди”), вақт (“оғир кун”, “омадли йил”); ҳаракат билан у амалга ошириладиган восита (“аччиқ тил”); нарса ва унинг эгаси, яратувчиси (“Фузулийни ўқимоқ”); нарса ва у ясалган модда, хом ашё (“бармоқлари тұла тилла”); руҳий ҳолат, хусусият ва унинг ташки белгиси (“кўз юммоқ”) ва ҳ. Бадиий адабиётда, айниқса, метафорик тафаккур етакчилик қилаётган замонавий адабиётда М. метафорага нисбатан кам учрайди, зеро, эстетик функциядорлиги жиҳатидан у метафорадан қуирик туради. Шундай бўлса-да, бадиий матнда метафора билан ёндош кўлланган ҳолда у катта бадиий самара беради, фикрни лўнда ва таъсирли ифодалашга хизмат қиласди. Mac.: А.Ориповнинг “Фарёд чекканим йўқ эл ичра тақир, Ўч ҳам олганим йўқ на қаламимдан” сатрларида восита орқали жараён назарда тутилади ва у “ўч олмоқ” метафораси билан бирга кўлланади. Бу иккиси бирлиқда “бутун вужудим билан ижодга берилиб, ғамларимни унтишга ҳаракат қилмадим”, деган маънони ифодалайди ва, муҳими, шу мазмунни образли, таъсирли ифодалашга хизмат қиласди. У.Азимнинг: “Кўзларини очиб-юмар Митти күшча – ярадор. Фалак, унга нажот юбор, Ўлим, бўлма харидор”, – сатрларида жой М.си қўлланган: “фалак” сўзи тафаккуrimизда ўринлашган ишонч асосида “Яратган”ни англатади. Баъзи ҳолларда метафора ва М.нинг қоришик ҳолда воқе бўлиши, биргина сўзнинг ҳам метонимик, ҳам метафорик асосдаги кўчма маънолари ишлатилиши мумкин. Mac., Ш.Раҳмоннинг куйидаги шеърида шу ҳол кузатилади:

Хазонга айланди кунларим...
Мотамда тургандай боқаман.
Фасллар тўқнашган лаҳзада
хазонлар тўпини ёқаман.
Кўзларим ачишар бехосдан
юрагим, қўлларим титрайди.

Адабиётшунослик луғати

*Аланга олмайды күнларим,
тутайди, ох, мунча тутайди.*

Шеърнинг лирик қаҳрамони – кечмишини сарҳисоб қилаётган, ўтган күнларидан қониқмаслик ҳиссини туяётган одам: у “хазон”да метонимик асосда кузни (матнда йўқ “куз” сўзи “умр кузи”ига ҳам ишора қиласди), метафорик асосда эса ўтган, ҳаёт дараҳтидан гўё узилиб тушган күнларини кўради. Шеърнинг кайфиятини ҳис қилишда, уни тушунишда “хазон” етакчи аҳамият касб этади, гўё калит вазифасини бажаради. Шунга ўхшаш, Х.Давроннинг “Қаршида дераза сўйлайди эртак, Унда икки соя – баҳтиёр малул” сатрларида ҳам ёлғиз аёл руҳиятини очишида М.дан моҳирона фойдаланилган ва унда ҳам М. метафора билан бирга қўлланган. Деразадаги “икки соя” – ёлғиз аёлга армон бўлган сокин оилавий ҳаёт ва шу армон туфайли дераза унга эртак сўйлаётгандек бўлади. Ҳар икки ҳолда ҳам адабиётшуносни М.нинг номинатив функцияси эмас, унинг бадиий-эстетик функцияси – лирик субъектларнинг кечинмасини образли ифодалашга, уларнинг образини яратишга хизмат қилаётгани қизиқтириши лозим.

МИГРАЦИЯЛАР НАЗАРИЯСИ – қаранг: сайёр сюжетлар назарияси

МИСТИФИКАЦИЯ, адабий мистификация (юн. *mystes* – сирга ошно, *facio* – қиласман) – 1) асарнинг муаллиф томонидан атайин бошқа бир шахс (ё ҳақиқатда мавжуд ё тўқима)га тегишли, ўзга шахс томонидан ёзилган қилиб кўрсатилиши. Муаллифнинг яширин қолишига интилиши жиҳатидан адабий М. аноним (имзосиз эълон қилинган ёки тарқалган асар) ва тахаллус кўллаш (яъни яширин қолиш мақсадида асарни тахаллус билан эълон қилиш)га яқин. Улардан фарқли томони шуки, адабий М.да асар нисбат берилётган муаллифнинг услуби, руҳияти, дунёқараши ва ш.к. индивидуал жиҳатларни яратиш орқали реал муаллифдан тамом ўзга муаллиф образи вужудга келтирилади. Mac., кейинги йиплар ўзбек матбуотида эълон қилинган Уста Гулмат ғазаллари бунинг ёрқин намунаси бўлиб, уларда ҳақиқий муаллиф А.Обиджондан тамом ўзга муаллиф образи – лирик қаҳрамон бўй кўрсатади. Уста Гулмат ғазалларидан бир туркумини “Шарқ юлдузи”да эълон қиларкан, ҳақиқий муаллиф унга муҳтасар сўз бошини илова қиласди. Унда, жумладан: “Аҳли шуарога маълум бўлғайким, Гулмат Шошийнинг

Адабиётшүнослик луғати

сүнгти ғазалларини тиклаш ишлари ниҳоясига етди. Ғазалларнинг бу қисми 1916 ва 1917 йилнинг бошларига тўғри келади”, – дейилади. Табиийки, ҳақиқий муаллиф туркумда нисбат берилган муаллифга хос услубни ҳам, ғазаллар нисбат берилаётган даврга хос мазмун ва рухни ҳам тиклайди, ҳеч жойда ўз номини келтирмайди; 2) ҳикояни асослаш (*мотивировка*) мақсадида қўлланувчи бадиий усул, эпик асарларда воқеаларнинг тасодифан ёзувчи қўлига тушиб қолган бирорнинг хати, кундалик дафтари, қўлёзмаси ва ш.к. йўсинларда баён қилиш. Бироқ мазкур усул сифатидаги М.нинг дастлабки маънодаги М.дан фарқи шуки, биринчидан, бундай асарларда муаллиф яширин қолиш мақсадини кўзламайди, иккинчидан, уларда муаллиф образи ўёки бу тарзда (мас., кундалик, хат, қўлёзма ва ш.к.ларни топиб олган ва шунчаки эълон қиласаётган шахс сифатида) ҳамиша акс этади. Асар тўласича шу усул асосига қурилиши ҳам, М. йўсинидаги баён ривоянинг бир қисмини ташкил қилиши ҳам мумкин (мас., О.Ёкубов. “Кўхна дунё” – Жузжоний кундаликлари; О.Мухтор. “Минг бир қиёфа” – Абдулла Ҳакимнинг машқ дафтари).

МИФ (юн. *mythos* – ривоят, ҳикоя, масал) – халқ оғзаки ижодининг энг қадим даврларида пайдо бўлган, воқелик (олам) ҳақидаги тасаввурларни конкрет образлар воситасида акс эттирувчи ривоявий асарлар. М. ривоявий асарлар (олам ва одам ҳақидаги ҳикоялар) бўлса-да, уларни том маънода сўз санъати ҳодисаси деб бўлмайди. М.лар қадимги одамлар учун тафаккур шакли, улар М. воситасида олам сир-синоатлари (оламнинг ўёки инсоннинг яратилиши, қуёш чиқиши ва ботиши, шамол эсиши ва момагулдурак сабби ва ҳ.)ни билишга интилганлар, М.ларда уларнинг олам ҳақидаги билимлари ўз ифодасини топган. М.ларда яратилган образлар (маъбудлар, турли махлуқлар ва ҳ.) улар учун ижодий тасаввур махсусли эмас, аксинча, асл ҳақиқатдир. Дейлиқ, қадимги юнонлар чақмоқ чақишини Зевснинг, денгиздаги даҳшатли довулларни Посейдоннинг ғазаблангани билан изоҳлаганлар, инсон тақдиридаги турфа эврилишларда илоҳларнинг аралашувини кўрганлар. Кейинча, мифологиядан ижтимоий онгнинг дин, фан, санъат, адабиёт, сиёsat каби соҳалари ажralиб чиққанидан сўнг, М.лар уларнинг таркибига сингиб кетади. Буни адабиёт мисолида кўрадиган бўлсак, қадимги М.лар антик адабиётда ўзининг иккинчи умрини яшай бошлаганига амин бўлиш мумкин. Зоро антик адаби-

Адабиётшунослик луғати

ётдаги күплаб асарларга мифологик сюжетлар асос бўлгани, уларда мифологик унсурлардан кенг фойдаланилгани бунинг ёрқин далилидир.

МИФОЛОГИК МАКТАБ – XIX аср Европа адабиётшунослигига вужудга келган илмий йўналиш. М.м.нинг фалсафий негизини Ф.Шеллинг, А.Шлегель ва Ф.Шлегель каби мутафаккирлар таълимоти ташкил этади. Бу мутафаккирлар эстетикасида мифлар жуда катта ўрин тутади. Уларга кўра, адабиёт ва санъатнинг вужудга келишига мифлар асос бўлган, миф – поэзиянинг жавҳарири. Маълумки, романтизм экзотикага мойиллик билан характерланади, айни шу нарса ҳалқ оғзаки ижодига қизиқиш кучайганининг бош омили бўлди. Зоро, классицизм даври сифинган антик эталонлардан, маърифатчилик топинган ақл культидан безган романтизм вакиллари ҳалқ оғзаки ижодида чинакам экзотика, битмас-туганмас хазинани кўрдилар. Шунинг учун ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва нашр қилиш, уларни атрофлича тадқиқ этиш ишлари авж олди. Бунда немис олимлари – ака-ука Гриммлар, айниқса, жонбозлик кўрсатдилар: 1812 йилда улар тўплаган эртакларнинг илк жилди чоп этилди; фольклоршунослик соҳасидаги тадқиқотлари асосида “Немис мифологияси” (1835) асари яратилиб, унда М.м.нинг назарий қарашлари тугал шакллантирилди. Ака-укалар адабиётнинг пайдо бўлишини немис романтизм фалсафасидаги ҳалқ руҳи тушунчаси билан боғлайдилар: ғайбдан илҳомлантирувчи ҳалқ руҳи аввал мифларни яратади, кейин эса мифлардан эпос, эртак, лирик қўшиқ ва ш.к. бошқа жанрлар туғилади; илоҳий илҳом туфайли яралгани учун ҳам фольклор – ҳалқ руҳининг англаммаган ижод маҳсули, унинг шахсизлиги ҳам шу билан боғлиқдир. Ака-ука Гриммлар турли ҳалқлар фольклорини қиёсий ўрганишади, уларда кузатилувчи ўхшашликларни эса, худди барча ҳинд-европа тиллари учун умумий бобо тил (санскрит) бўлгани каби, барча ҳалқлар (хусусан, ҳинд-европа ҳалқлари) учун умумий қадимги мифология мавжуд бўлгани билан изоҳлашади. Европа нинг турли мамлакатларида күплаб издошлари бўлган М.м.нинг илмий изланишлари, асосан, икки (этимологик ва аналогик) йўналишда кечди. Биринчи йўналиш (А.Кун, М.Мюллер, Ф.Буслаев ва б.) ўз олдига қадимги мифлар мазмунини тиклаш, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлашни мақсад қилиб қўйса, иккинчиси (В.Шварц, В.Манхард ва б.) турли ҳалқлар фольклорини қиёсий

Адабиётшунослик луғати

ўрганиш орқали ўхшашилкларни аниқлаш йўлидан борди. М.м.нинг бир қатор қарашларини кейинги давр адабиётшунослиги инкор қилган бўлса-да, у адабий назарий тафаккур тараққиётида сезиларли из қолдирди. Жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзib олиш ва чоп этиш ишларининг йўлга қўйилгани, мифология, фольклор ва ёзма адабиёт намуналарини қиёсий ўрганишнинг бошлаб берилгани бевосита М.м. фаолияти билан боғлиқдир. Шунингдек, М.м.нинг назарий қарашларини ижодий ривожлантириб (қ. ритуал-мифологик танқид) ёки инкор қилган ҳолда (қ. саёр сюжетлар назарияси) янги йўналишларнинг майдонга чиққани ҳам унинг адабиётшунослик ривожига жиддий таъсир этганинини кўрсатади.

МОДЕРНИЗМ (фр. moderne – энг янги, замонавий) – XIX аср охири – XX аср бошларида оммалашган термин, санъат ва адабиётда декадансдан кейин майдонга чиққан нореалистик оқимларнинг умумий номи сифатида тушунилади. Табиийки, адабиёт ва санъатда кенг тарқалган мазкур ҳодиса бўш жойда пайдо бўлган эмас, унинг куртаклари аввалдан мавжуд эди. Жумладан, илгарироқ вужудга келган “санъат восита эмас – мақсад”, “санъат – ўзни ифодалаш”, “соф санъат” қабилидаги назарий қарашлар, барокко доирасида саналувчи маньеризм, гонгоризм, прециоз адабиёт намояндларининг ижод амалиётида М.га хос жиҳатларни кузатиш мумкин. Аслида, адабий жараёнда ҳаётни бадиий акс этириш принциплари (реалистик ва нореалистик), адабиётнинг моҳияти, билиш имконлари, вазифаси ва ш.к. масалаларда зиддиятли қарашлар азалдан мавжуд бўлгани эътиборга олинса, М. куртакларини жуда қадим замонлардан ҳам топиш мумкин бўлади. Яъни М.га реалистик ва нореалистик йўналишлар орасидаги зиддиятнинг муайян ижтимоий-тариҳий шароитда қуюқлашиб, кескин намоён бўлиши, янгилangan назарий асосларга эга бўлиши ва оммалashiши сифатида қараш мумкин. М. ўтган аср охирларидан бошлаб майдонга чиққан, ижодий дастурлари ва ижод амалиёти жиҳатидан турли-туман адабий мактаб ва йўналишлар (экспрессионизм, импрессионизм, символизм, акмеизм ва б.) ўзига асос билган эстетик тизим, ижодий метод сифатида тушунилади. М. доирасидаги мактаб ва оқимлар нечогли турфа бўлмасин, уларни умумлаштирувчи қатор нуқталар мавжуд. Аввало, дунёқараш жиҳатидан улар нафақат XIX асрда оммалашган позитивизм, балки

Адабиётшунослик луғати

асрлар давомида шаклланган анъанавий христиан дунёкарашидан ҳам деярли узилиб, Ф.Ницше, З.Фрейд, А.Бергсон, У.Жеймс каби мутафаккирлар қарашларидан озиқланади. Шунга мос тарзда М. йўналишидаги мактаб ва оқимларнинг аксарияти адабий-маданий анъаналарни ҳам турли даражада инкор қилади ва янги даврга мос янги адабиёт яратиш даъвосини олға суради. Янги адабиёт воқеликни реалистик тасвирилашдан воз кечиб, уни идрок қилиш мумкин эмас деб билади, инсоннинг ҳиссий билиш имконидан ташқаридағи моҳиятга интуитив тарзда яқинлашишни қўзлайди (қ. символизм); воқеликда сабаб-натижага асосидаги тартибот мавжудлигини қабул қўлмайди (қ. абсурд), унда воқелик гоҳ бирдан пайдо бўлган оний таассуротлар йигиндиши (қ. импрессионизм), гоҳ таниб бўулмас даражада ўзгарган, тасодиф ва ғаройиботга тўла макон (қ. сюрреализм) сифатида аксланади. М.га хос умумий хусусиятлардан бири шуки, у объектив воқеликнинг тасвири ўрнига унинг ижодкор тасаввуридаги бадиий моделини яратишни мақсад қиласди. Яъни бу ўринда воқеликни акс эттириш эмас, ижодкорнинг ўз-ўзини ифодалashi (қ. экспрессионизм) устувор аҳамият касб этади. Ижодда субъективликнинг олдинги ўринга чиқарилиши, мантиқий билишдан интиутив билишнинг юқори қўйилиши, инсон ички оламида кечувчи тизгисиз эврилишларга айрича эътибор берилиши (қ. онг оқими), ижодкор шахс ижодий тахайюли ва у акс эттирган воқеликнинг бетакор ҳодиса сифатида тушунилиши, ўз ўйхисларини ҳеч қандай (маънавий, ахлоқий, сиёсий ва х.) чекловларсиз ифодалаш хуқуқининг эътироф этилиши ҳам М.га хос хусусиятлардандир. Ижодий эркинлик нафақат гоявий-мазмуний, балки шаклий изланишларда ҳам мутлақо дахлсиз. М. асрлар давомида шаклланган адабий канонларни инкор қиласди ва ҳар қандай нормативликка қарши (қ. фурутизм) туради. Бу ҳол М.даги бадиий образ структураси, асарнинг субъектив ва объектив ташкилланиши, баён тарзи, сюжет-композицион курилиши, тил хусусиятлари – хуллас, адабий асарнинг барча сатҳларида шаклий ўзига хосликларни юзага келтиради.

М. ўз ичига санъатнинг моҳияти ва мавжудлиги ҳақида бирбиридан жiddий фарқланувчи қарашларга асосланган ва, айни чоғда, қатор муштарак жиҳатларга эга турфа оқим ва мактабларни бирлаштирган фалсафий-эстетик ҳодиса бўлиб, у XX аср адабиёти ва санъатида чукур из қолдирди. У кўплаб улуғ адиллар (мас.,

Адабиётшунослик луғати

Ф.Кафка, Ж.Жойс ва б.) таянган ижодий тамойилларни белгиладигина эмас, яхлит олганда реализм мавқеида турган қатор адиллар (М.Пруст, В.Булф) ижодий йўсинига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Шу ўринда М.га берилган таърифларнинг фарқли экани, унинг юзага келиш вақти, даврлаштирилиши каби масалаларда билдирилган фикрларда жиддий тафовутлар борлиги, ниҳоят, унга муносабатнинг турлича эканлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Жумладан, шўро даври адабиётшунослигига М.га салбий ҳодиса деб қаралди, буржуа мафкурасининг хизматчиси, капиталистик турмуш тарзи, ахлоқсизлик, индивидуализм ва ш.к. иллатларни тарғиб қилувчи адабий ҳодиса сифатида баҳоланди. Албатта, бу хил айбловларни буткул асоссиз дейиш ҳам адолатдан эмас. Бироқ шўро империясидан ташқаридаги жуда катта ҳудудга ёйилган, кўплаб мутараққий халқларнинг энг ёрқин истеъоддларини ўзига жалб этиб, адабиёт ва санъатига кучли таъсир ўтказган ҳодисани бундай бирёқлама баҳолаш “мағзавага қўшиб чақалоқни ҳам тўкиб юбориш”нинг айни ўзи эди. Зоро, адабиёт тарихи реалистик ва нореалистик ижодий тамойиллар орасидаги кураш жараёни, айни чоғда, уларнинг бир-бирини тўлдириш, бойитиш жараёни ҳам бўлганини кўрсатди. Ҳатто, шўроларнинг мафкуравий иҳотаси ҳам бу табиий жараённинг кечишини батамом йўқ қилишга ожиз эди. Хусусан, рус адабиётида инқилобгача мавжуд бўлган М. адабиёти анъаналарининг таъсири шўро даврида ҳам қатор ижодкорлар асарларида сақланиб қолди; хориждаги рус адабиёти, шўро даври берган имкон даражасидаги Farb адабиётидаги янгиликлардан хабардорлик ҳам беиз кетмади. Бундан ташқари, шўро давлати таркибига 40-йилларда қўшилган Болтиқбўйи халқлари адабиёти, иккинчи жаҳон урушидан кейин социалистик лагерни ташкил қилган ва ўзида демократик тамойилларни бир қадар сақлаб қололган мамлакатлар адабиётлари билан алоқалар шўро адабиётининг М. адабиётидан буткул узилиб қолишига имкон бермади. Шу омиллар натижаси ўлароқ, 80-йилларга келиб ўзбек адабиётида М. га хос айрим хусусиятлар бавосита ижодий ўзлаштирила бошлангани (М.М.Дўст, А.Аъзам, О.Мухтор, F.Хотам ва б.), 90-йиллардан кейин эса кўпроқ модерн йўналишида ижод қилувчи қатор ёшлар (Н.Эшонкул, Т.Рустам, Б.Рўзимуҳаммад, Фахриёр ва б.) майдонга чиққани кузатилилади. Ҳозирча ўзбек адабиётшунослигига мазкур ҳодисани ўрганиш “маъқуллаш – инкор қилиш” тарзидаги баҳслар доираси-

Адабиётшунослик луғати

дан чиққанича йўқ, уни фундаментал асосда тадқиқ этиш эртанинг вазифаси бўлиб қолмоқда.

МОДУС (лот. modus – кўриниш, тур, ўлчов, усул) – қаранг: **бадиийлик модуслари**

МОНОЛОГ (юн. monos – якка, logos – сўз) – якка шахснинг айни пайтда жавоб берилишини талаб қилмайдиган, ўзгалар репликалари билан бўлинмаган нутқи. М. оғзаки шаклда (турли йигинлардаги нутқ, маъруза, ҳисботлар) ҳам, ёзма шаклда (публицистика, мемуарлар ва х.) ҳам кенг қўлланади. Бадиий адабиётда М.лардан турли мақсадларда фойдаланилади. Айниқса, драматик асарларда М.ларнинг бадиий-эстетик вазифалар доираси анча кенг. Жумладан, М. – драматик персонажнинг руҳий ҳолати, унинг онгию қалбида кечеётган жараёнларни тасвирлашнинг асосий шакли. Айни чоғда, шартли равишда тасвирланувчи бундай руҳий жараёнлар воқеаларга ғоявий-ҳиссий муносабатни ифодалаш, айрим муҳим тафсилотларни бериш, сюжет ривожини асослаш каби қатор муҳим функцияларни ҳам бажаради. М. лириканинг устувор нутқ шакли, лирик қаҳрамон кечинмалари, асосан, унинг М.и орқали ифодаланади. Бу нарса *ижровий лирика* намуналарида, айниқса, яқол кўзга ташланади, шунинг учун ҳам амалиётда бундай шеърлар монолог деб ҳам юритилади (А.Орипов. “Ҳамза”; Х.Даврон. “Абулҳай сўзи”). Сифат жихатидан М.нинг турли кўринишлари мавжуд (қ. *бадиий нутқ, ички монолог*).

МОНТАЖ (фр. montage – йиғмоқ) – кино санъатидан ўзлаштирилган термин, турли макон ва замонда кечган воқеалар тасвирининг бир-бирига тўғридан-тўғри уланишини англатади. Кинонинг ривожланиши, унинг сўз санъатига таъсири натижаси ўлароқ, М. адабиётда ҳам композицион усуllibардан бири сифатида кенг қўллана бошлади. Аслида, М.га хос айрим хусусиятлар, жумладан, воқеабанд асарда турли макон ва замонда кечиб, бир-бирининг узвий давоми бўлмаган ва бир-бирига фақат мазмунангина боғланган воқеа(эпизод)ларнинг тасвирланиши адабиётда эскидан мавжуд эди. Кино санъатида М. усули янада ривож топди, натижада сўз санъатида ҳам унинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланила бошланди. Эндилиқда эпик асарларда бир қарашда бир-бирига боғлиқ бўлмаган воқеа (эпизод)ларни алоҳида, ўз ҳолича мустақилдек жойлаштириш ҳам мумкин бўлаётирки, сиртдан алоқасиз-

Адабиётшунослик луғати

дек кўринган бу парчалар бадиий ният, ғоя асосида бир бутунликни ҳосил қиласди. Ўзбек адабиётида М.нинг бу хили илк бор F.Фуломнинг “Нетай” қиссасида синаб кўрилган бўлса, унинг яхши на-муналаридан бири сифатида Ч.Айтматовнинг “Қиёмат” романини кўрсатиш мумкин. Ҳар икки асарда ҳам қисмларнинг шаклий боғланиши шартли ва анча заиф, шунга қарамай, улар концептуал асосда бир бутунга бирикади.

МОТИВ (лот. *motivus* – ҳаракатлантираман) – мусиқашуносликдан ўзлаштирилган термин. М. мусиқада асарнинг энг кичик шакл бирлиги саналиб, асар унинг айнан тақорланиши (шунингдек, ўзгартирилиши ёки зид М.лар киритиш) асосида ривожланади. Адабиётшуносликда М. термини турлича маъноларда кўлланади. Жумладан, воқеабанд асарларда М. сюжет схемаси (мас., қаҳрамон банди этилади, унга бирон-бир қиз ёрдам беради; ўгай она ва муштипар солиҳа қиз; қаҳрамон кимсасиз етимликдан юксак мартабага етади; қаҳрамон отасини танимайди, фавқулодда вазиятда унга дуч келади ва ҳ.) ёки бирон бир нарса (мас., кўзгу, тумор), ҳолат (мас., туш кўриш, арвоҳ билан сухбат, ўзини танитмай юриш), образ (доно вазир, вафодор дўст, рақиб) каби қатор кўринишларда воқе бўлади. М.га хос муҳим жиҳатлардан бири муайян турғунликка эгаликдир. Яъни М.лар ярим тайёр ҳолда олинади: мавжуд М.лар айнан эмас, ўзак сақлаб қолингани ҳолда ёзувчининг бадиий фантазия имконияти ва ижодий ниятидан келиб чиқиб турли варианtlарда талқин этилади. Мас., “Алпомиш”даги Қоражон, “Фарҳод ва Ширин”даги Шопур, “Ўтган кунлар”даги уста Олим – бари дўст мотивининг турли варианtlари бўлиб, улар асар сюжетидаги функциялари, бадиий концепцияни ифодалашда тутган ўрни жиҳатидан фарқланади. Лирикада ҳам М.лар кенг ўрин тутади. Хусусан, анъанавий тарзда ишлатилувчи “ошиқ – ёр – ағёр”, “кутаётган ошиқ – келмаган ёр”, “борлигини тутган ошиқ – бепарво ёр” сингари қатор лирик сюжет М.лари турли варианtlарда кўлланиб, лирик қаҳрамоннинг турфа ўй-хисларини лўнда ва таъсирили ифодалашга хизмат қиласди. Шунингдек, бир шоир ижоди ёки бир даврда яшаган шоирлар ижоди доирасида тақорлланувчи поэтик образлар М.-образлар саналади. Мас., Чўлпон шеъриятида “йўлчи”, “йўл”, “юлдуз” поэтик образлари жуда кўп қўлланган бўлиб, улар Элбек, Боту, Ойбек, У.Носир асарларида ҳам тез-тез учрайди. Шу ўринда М.ларнинг тагмаънога ишора қилиш функциясини ҳам

Адабиётшүнослик луғати

таъкидлаш жоиз. Жумладан, “йўл”, “йўлчи”, “юлдуз” мотивлари ижтимоий мазмунга (“йўл” – кураш, “йўлчи” – курашчи, “юлдуз” – мақсад) ишора қиласди. Поэтик М.лар мазмун жиҳатидан муайян “уя”ни ташкил қиласди, “уя”даги М.лар матнда аксар ҳолларда бирга қўлланади ёки назарда тутилади (мас., “куш” М.и ҳамиша “парвоз”ни назарда тутган ҳолда англанади). Тилдаги сўзлар каби М.лар маъно жиҳатидан кенгайиб ё торайиши, баъзан эса тамомила ўзгариб бориши мумкин. Mac., мумтоз шеъриятда “ёр” – Ҳақ, “ошиқ” – Ҳақ йўлидаги сўфий, “висол” – Ҳаққа етиш маъноларини берган бўлса, Чўлпон шеъриятида улар ижтимоий мазмун касб этади: “ёр” – эрк, истиқлол, “ошиқ” – эрк ва истиқлол йўлидаги курашчи, “висол” – мақсадга эришиш.

МОТИВИРОВКА (фр. motiver – асослаш, далиллаш) – адабий асарда тасвирланадиган воқеа-ҳодисалар, персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғу ва гап-сўзларини бадий асослаш. Адабиёт тараққиётининг илк босқичларида М.нинг зарурати бўлмаган, унда муайян ҳодисалар, қаҳрамонлар тақдиридаги бурилишлар, конкрет ҳаётий ҳолат ва ш.к.лар илоҳий, ғайритабиий кучлар аралашуви билан изоҳланган. Реалистик тенденцияларнинг кучайиб бориши билан адабиётда М.нинг аҳамияти ҳам ортиб борган. Дунёни бадий идрок этиш ва тушунтиришга интилган реалистик адабиётда М. ҳал қилувчи аҳамият касб этади: реалистик асардаги ҳар бир воқеа, персонажлар хатти-ҳаракати, ҳис-туйғу ёки гап-сўзлари бадий асосланади, яъни ўзининг ижтимоий-тарихий, маънавий-психологик ва ш.к. омилларига эга бўлади ва шу боис уларни мантиқан изоҳлаш мумкин. Mac., Чўлпон “Қор қўйнида лола” ҳикоясида Самандар аканинг Эшон совчиларига “Бир қизимиз бўлса, ҳазрат эшонимизға тутдик...” деб жавоб беришини пухта далиллашга интилади. Бунинг учун аввал муаллиф характеристикасида “от чиқарғон савдогар” Самандар аканинг сингани ва эшонга қўл бериб, “сўфи бўлиб қолғон”и, яъни персонаж ҳаётидаги бурилиш, омадсизлик унга кучли руҳий таъсир қилгани айтилади. Кейин “эшонникида катта ва қизғин зикр бўлган”и, назр-ниёз бериш маросимида Самандар aka ўзи тушиб қолган аҳволдан нечоғли эзилгани, шу асно сўфининг “Ҳа, бой ака, назрдан дарак борми?” деб тагдор мазахлашидан оғринган нафс тўлғонишлари, аламли ўйлари тасвирланади. Ниҳоят, уйига қайтиб, эшондан совчилар келганини эшитади ва “Бир қизимиз бўлса, ҳазрат эшонимизға тутдик...” деган

Адабиётшунослик лугати

қарорини беради. Мазкур қарор қатор омиллар асосида етилган, ёзувчи уларни очиб беради, яъни сабаб-натижа алоқалари асосида бадий асослайди ва шу туфайли ўқувчи персонаж айни шароитда худди шундай қарорга келишига ишонади. Бундан кўринадики, М. асар бутунлигига амалга ошади, буни ҳис қилиш учун эса асардаги ҳеч бир унсурни эътибордан четда қолдирмаслик талаб этилади. Зеро, реалистик асарда қатор композицион унсурлар, усул ва воситалар (деталлар, муаллиф характеристикаси, персонажнинг олдинги тарихи, ретроспекция ва ш.к.) ўзининг бевосита функцияси билан бир қаторда, бадий далиллашга ҳам хизмат қилаверади. Кейинги давр адабиётида, хусусан, модернистик йўналишдаги асарларда М. ўзининг мавқеини йўқотган. Уларда ғайриоддий (қ. сюрреализм), сабаб-натижа тарзидаги ички алоқага эга бўлмаган воқеа ва ҳолатлар (мас., абсурд адабиёти), персонажларнинг доим ҳам мантиқан изоҳлаб бўлмайдиган кутилмаган хатти-ҳаракатлари, табиий кечаётган тизгинсиз ўй-ҳислари (қ. онг оқими)ни тасвирлаш одатий ҳол ҳисобланади.

МУАЛЛИФ (ар. مؤلف – тузувчи, тартиб берувчи) – адабий асарни яратган одам, автор терминига синоним сифатида ишлатилади. Замонавий адабиётшуносликда биографик М. билан бадий матнда намоён бўлувчи М. (қ. муаллиф образи) фарқланади. Биографик М. – реал ҳаётда мавжуд бўлган, муайян асарнинг яратувчиси, унга нисбатан муаллифлик ҳуқуқига эга бўла оладиган шахс. Ҳозирги вақтда биографик М. фаоһияти билан боғлиқ равишда муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик шартномаси, муаллиф қўлёзмаси, муаллифлаштирилган матн, муаллиф таржимаси каби қатор тушунчалар амалиётда фаол ишлатилади. Ҳолбуки, М. тушунчаси сўз санъатининг илк босқичларида – ҳалқ оғзаки ижодида бўлмаган; адабиёт тараққиёти давомида, бадий тафаккур ривожида алоҳида ижодкор шахс роли, унинг ижодий тажрибалари нечоғли муҳим эканлиги англаниб борилиши баробаридадада М. тушунчаси ҳам қарор топиб, тобора катта аҳамият касб этиб борган.

МУАЛЛИФ НУТҚИ – адабий асардаги бевосита муаллиф тилидан берилган баён, тавсиф, изоҳ ва ш.к. ўринлар. Гарчи биз “бадий асар тили” десак-да, аслида, гап “бадий нутқ” ҳақида боради, чунки адабий асар тил унсурлари воситасида яратилган текст, яъни нутқ ҳодисасидир. Бадий нутқ услубий жиҳатдан фарқла-

Адабиётшунослик луғати

нүвчи компонентларнинг бирикувидан ҳосил бўлади: унда М.н. билан персонажлар нутқи ажратилади. Мазкур фарқланиш, асосан, эпик ва лиро-эпик характердаги асарларга хос бўлиб, уларда воқеа, воқеа кечайтган жой ёки шароит тасвири, персонажларга берилаётган таъриф, муаллиф фикр-мулоҳазалари ва ш.к.лар бевосита муаллиф тилидан берилади. Муаллиф образи асарда тасвирланган ва тасаввуримизда жонланувчи бадий воқеликни яхлитлаштирувчи субъектив асос бўлганидек, М.н. асарнинг моддий тарафини (тил унсурлари воситасида яратилган матнни) яхлитлаштирувчи унсурдир. М.н. грамматик жиҳатдан адабий тил нормаларига яқинлашади, бироқ унинг адабий тил нормаларига тўла мувофиқ келишини талаб қилиш хато бўлур эди. Зоро, ёзувчи ўзининг ҳис-кечинмаларини, ўй-фикрларини имкон қадар ёрқин ифодалашга интиларкан, баъзан адабий тил нормаларидан чекинади, бу билан миллий тил имкониятларини кенгайтиришга ҳисса кўшади, чунки айни шу чекинишларнинг вақти келиб адабий тил нормасига айланиши эҳтимолдан йироқ эмас.

МУАЛЛИФ ОБРАЗИ – бадий асар матнида англашилиб турувчи муаллиф шахси. Муаллиф шахси асар бадий воқелигига сингиб кетади, чунки бадий воқелик ижодкор томонидан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта яратилган воқеликдир. М.о.нинг наамоён бўлиши конкрет асарнинг турга мансублиги, жанр хусусиятлари билан боғлиқ. Мас., драматик асарда М.о. йўқдек, лекин унда тасвирланаётган воқеани танлаган, уни у ёки бу тарзда тасвирланган муаллифнинг қарashi, нуқтаи назари, бадий концепцияси барибир англашилиб тураверади. Лирик асарларда эса ҳис-туйғулар кўпроқ “мен” тилидан ифода этилгани учун лирик субъектни шоир деб билишга мойилмиз. Ҳолбуки, гарчи кечинмалар “мен” тилидан берилаётан бўлса ҳам, лирик субъект ҳаммавақт шоирнинг ўзи бўлмайди. Ёки ижорий лирика намуналарида шоир ролини ижро этаётган шахсга эврилади, унинг тилидан “мен” шаклида гапиради (мас., А.Орипов. “Ҳамза”). Шунга ўхшаш, ривоя “мен” тилидан олиб борилган эпик асарлардаги ровий-муаллиф ҳам биографик муаллифга teng эмас. Бошқача айтсан, асардаги М.о.га биографик муаллифнинг кўп жиҳатлари сингани ҳолда, улар орасида маълум даражадаги прототип – бадий образ муносабати мавжуд. Зоро, бадий асарда биографик муаллиф идеал оламида яшаган ижод онларидаги бетакрор маънавий-рухий ҳолат, унинг шу вақт мобай-

Адабиётшунослик луғати

нида тасаввурдаги ўқувчиси билан мұлоқоти акс этгандир. Шунга күра, реал мұаллиф биографияси асарни тушуниш учун тұғридан тұғри “калит” эмас, балки ўша бетакор маңнавий-рухий ҳолатни хис этишимиз учун асосдир. Иккінчи томондан, М.о. асардаги бадий воқеликни яхлітлаштирувчи композицион асос сифатида ҳам мұхим: ўқувчи бадий воқеликни мұаллиф орқали “күради”, “әши-тади”, “хис қилади”. Нихоят, М.о. бадий концепция нұқтаи назаридан ҳам мұхим: мұаллифнинг тасвир предметига ғоявий-хиссий мұносабати асарнинг ўқувчи томонидан муайян йұналишда тушунилишини бошқаради. Булар бары М.о. адабиётшунослиқдаги мұхим илмий категориялардан бири эканини күрсатади. Шунга қарамай, XX аср ўрталаридан бошлаб Farb адабиётшунослигидә “мұаллиф ўлими” концепцияси пайдо бўлди. Унга күра, бадий ижодда субъективлик излари йўқолади ва субъектдан мосуво бўлган матнгина қолади. Мазкур концепцияга қўшилиш шу жиҳатдан қийинки, адабий асар – нутқ ҳодисаси, нутқ эса субъектдан мосуво бўлолмайди.

МУАЛЛИФ ЧЕКИНИШЛАРИ, автор чекинишлари – эпик асарларнинг матний унсурларидан бири, сюжет воқеалари баёни (ри-воя)ни тұхтатиб, мұаллифнинг ўқувчига бевосита мурожаат қилиши ёки фалсафий, публицистик, лирик, адабий-танқидий ва ш.к. масалаларда мушоҳадага берилиши. Анъанавий тарзда құлланувчи лирик чекиниш (қ.) термини мазкур тушунчанинг бир қисмнингина қамраб олади. Яъни лирик чекинишлар ҳам моҳиятан М.ч.нинг бир кўринишидир. Mac., “Ўтган кунлар”да мұаллифнинг “Мен – ёзгуви...” дея роман воқеаларини бобосидан кўп бор эшитгани ва кундош можароларини зерикарли бўлгани сабаб ташлаб кетмоқчилигини айтиши, “Наво куйи” бобида романда тасвирланган тарихий давр (“Халқымиз таъбирича, бу замонлар мусулмонобод бўлса-да, бироқ бу тантаналик таъбирни бузиб қўятурған ишлар ҳам йўқ эмас эди”) ҳақидаги мұлоҳазалар; “Мехробдан чаён”да Раънога таъриф бериш асноси исм билан жисм мувофиқлигига тұхталыб, ўз ёшлигидан бир (Лола исмли қызы билан боғлиқ) воқеанинг мұхтасар ҳикоя қилиниши – буларнинг бары М.ч.дир. М.ч.нинг бадий-эстетик функциялари турлича бўлиши мумкин. Жумладан, М.ч.нинг бир тури бўлмиш лирик чекинишларнинг бирламчи функцияси тасвир предметига мұносабатни ифодалаш, шунинг учун ҳам уларда

Адабиётшунослик луғати

хиссий бўёқдорлик, эмоционаллик кучли бўлиб, бу нарса нутқ қурилишида ҳам ўз аксини топади.

МУАШШАР (ар. **مُعْشَر** – ўнлик) – мусаммат турларидан бири, ўн мисрали бандлардан таркиб топувчи шеър шакли; ўн мисрали банд. Мусамматнинг бошқа турларидағи каби М. шеър шаклида ҳам дастлабки банд мисраларининг ўзаро (а-а-а-а-а-а-а-а-а) қофияланиши, кейинги бандларда аввалги тўққиз мисранинг ўзаро, охирги мисранинг эса биринчи банд билан (б-б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-в-в-а ва ҳок.) қофияланиши кўзда тутилади. Шунингдек, М.да ҳам бир ёки икки мисра таржеъ сифатида тақорланиши мумкинки, бунда қофияланиш тартиби шунга мос бўлади. Худди *мутасса* (қ.) каби, М. ҳам мумтоз шеъриятимизда кам қўлланган шеър шаклларидан саналади.

МУАММО (ар. **مُعَمَّة** – кўр қилинган, кўрмайдиган) – мумтоз шеъриятдаги топишмок жанрлардан бири, кўпроқ фард, яъни бир байтдан (2-3 байтлilarи кам учрайди) ташкил топувчи шеърий асар. М.да бирор исм (ёки жой номи) яширинган бўлиб, уни топиш учун байтдаги бирор сўз (ёки бирикма) устида ишора қилинган амалларни бажариш лозим бўлади. Ушбу амаллар сўзнинг араб ёзувидағи шакли билан боғлиқ, гоҳ сўзни чаппа ўқиш, гоҳ бирон бир ҳарфни тушириб қолдириш ёки қўшиш, гоҳ ҳарфлар ўрнини алмаштириш каби қўринишларда бўлади. Худди шу нарса М.ни нарса-ҳодисага хос белгиларни васф этиш билангина жумбоқ ҳосил қилувчи луғз (қ.)дан фарқлаб турадиган ўзига хос хусусиятдир. Шунингдек, айрим манбаларда М.да бирор исмнинг яширилиши ҳам шундай хусусият сифатида кўрсатилади. Мас., Навоийнинг қуидаги муаммосини олайлик:

Чок бағрим тарфин айладинг икки парканӣ,
Бирини ташлабон охир бирин эттинг пайванд.

М.даги “бағир” сўзи араб ёзувида фақат ундошлар билан ифодаланади, яъни “бр” (بَرْ) тарзида ёзилади. “Бағир”ни “икки парканӣ” қилиб (парчалаб), улардан бирини охирига ташлаб пайвандлаш кераклигига ишора қилинмоқда. Шу шарт бажарилиб, “б” охирига олиб пайвандланса, “бр” (بَرْ) сўзи келиб чиқади. Демак, М.да “Фарид” исми яширилган экан.

Адабиётшунослик луғати

МУБОЛАҒА (ар. مبالغة – ошириш, орттириш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, нарса-ҳодисалар, инсонлар ва бошқа мавжудтларга хос хусусиятларни табиий ҳолига нисбатан бўрттириб, катталаштириб ёки кичрайтириб тасвирлаш. М. ҳалқ оғзаки иходида ҳам, ёзма адабиётда ҳам жуда кенг қўлланган санъатлардан саналади. Илми бадиъга оид манбаларда М.га берилган таърифларда тафовутлар деярли бўлмаса-да, унинг турларга бўлнишида айrim фарқлар сезилади. Шунга қарамай, уларни умумлаштириб, М.нинг қўйидаги кўринишларини фарқлаш мумкин:

1. Тасвир обьектини ўта кичрайтириши ёки ўта катталаштириши жиҳатидан М.нинг *тафрит* ва *ифромт* деб юритилувчи турлари ажратилади. *Тафрит* тасвир обьектини ўта кичрайтириш, кучсизлантириш демакдир. Mac., Атойининг:

Юрурда енг била оғзингни туттма,

Нимаким, йўқтуур ёширмогинг не? –

байтида енги билан оғзини беркитган ёрга “Ўзи асли йўқ бўлган нарсани беркитиб нима қиласан?” дея мурожаат қилинадики, бундан ёрнинг оғзи йўқ даражада кичик, деган маъно келиб чиқади. Оғизнинг кичик бўлиши гўзаллик белгиларидан бири саналгани эътиборга олинса, шоир ёр гўзаллиги таърифида муболага қилаётгани аён бўлади.

Тафритга зид ўлароқ, *ифромт* тасвир обьектини ўта катталаштириш, кучайтиришни кўзда тутади. Mac., Навоийнинг қўйидаги байти *ифромтинг яхши намунаси бўла олади*:

Не тушики, ҳажр балосин кўрарда сескансам,

Ўқилдамоқ бирла қўшнини уйғотур юрагим.

Яъни тушида ёридан айрилиб, ҳижрон балосини ҳис қилган ошиқ сесканиб уйғонса, юраги шу қадар қаттиқ урап эканки, унинг “дук-дук”идан қўшнилар уйғониб кетаркан.

2. М.нинг даражаси, яъни М.ли тасвир (ҳолат, хусусият ва ш.к.)га ақлнинг ишониш ё ишонмаслиги, тасаввурга сиғдириш мумкин ё мумкин эмаслиги, унинг воқелиқда мавжуд бўлиш имкони бор ё йўқлигидан келиб чиқиб, М.нинг *таблиц*, *игроқ*, *гулув* деб юритилувчи турлари фарқланади. Албатта, муайян бир М.ни мазкур турлардан бирига тааллуқли этишда маълум даражада шартлилик бўлиши табиий, чунки ҳамманинг тасаввур имкониятлари, ҳаётий тажрибаси бир хил эмас. Демак, М.ни мазкур турлардан бирига киригтанда, буни назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётшунослик луфати

Кишининг ақлан ишониши ва ҳаётда учраш эҳтимоли бўлган М.ли тасвир (ҳолат, хусусият ва ш.к.) таблиғ деб юритилади. Mac., Лутфийнинг машҳур:

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу,

Масалдурким: "чароғ туби қаронғу", –

матлаъсида ёр сочларининг узунлиги ҳақида бир қадар М. қилинаётгани шубҳасиз, бироқ бунга ақлан ишониш у қадар қийин эмас, зеро ҳаётда сочи узун қизлар кўп. Яъни бу ўринда таблиғ мавжуд белги-хусусиятни бирмунча орттириб, бўрттириб тасвирлашда намоён бўлмоқда.

Ақлан ишониш, тасаввур қилиш мумкин-у, ҳақиқатда мавжуд бўлмайдиган М.ли тасвир иғроқ деб аталади. Mac., Навоийнинг:

Фироқ иситмаси андоқ танимдан ўт чиқарур,

Ки, гар табиб илигим тутса бормоги қабарур, –

байтидаги ҳолатни тасаввур қилиш мумкин, лекин ҳақиқатда иситманинг бу даражада, яъни бемор қўлини тутган табибининг бармогини куйдириб-қабартирадиган даражада бўлиши мумкин эмас.

Ниҳоят, ақлан ишониш ва тасаввур қилиш ҳам мушкул, ҳаётда мавжуд бўлиши ҳам истисно қилинадиган М.ли тасвир ғулувв деб юритилади. Mac., Атойининг:

Қилни икки ёрмишу қилмиш азалда бир қалам,

Белингиз тасвирини қилганда наққошинг, бегим, –

байтида айтилишича, ёрнинг бели шу қадар ингичкаки, унинг тасвирини чизиш учун қилдан қалам қилинса, белнинг сурати йўғон бўлиб қолади, шу боис наққош қилни иккига ёриб, сўнг қалам қилиши лозим, гўё шундагина ёр белининг тасвири аслига монанд бўлади.

МУВАШШАҲ (ар. موشح – зийнатланган, безалган) – қаранг: тавшиҳ

МУВОЗАНА (ар. موازنہ – вазндош) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, байтнинг биринчи мисрасидаги барча сўзларнинг иккинчи мисрадаги ўз муқобилларига вазнда тенг бўлиши. Кўп ҳолларда М. санъати тарсеъ (қ.) билан қоришиқ ҳолда юзага келади, яъни битта байтнинг ўзи ҳам тарсеъга, ҳам M.га мисол бўлиши мумкин. Mac., Навоийнинг куйидаги фарди:

Адабиётшунослик луғати

*Мурувват барча бермакдур емак йўқ,
Футувват барча қилмакдур демак йўқ,—*

Бироқ М. бўлиши учун мисралардаги муқобил сўзларнинг вазнда тенг бўлиши талаб этилади, лекин уларнинг қофиядош бўлиши шарт эмас, яъни тарсеъда қофиядошлик бирламчи бўлса, М.да вазнда тенглик бирламчи шартдир. Mac., “Ҳайрат ул-аброр”дан олинган кўйидаги:

*Барча хиёнатни диёнат билиб,
Барча диёнатда хиёнат қилиб,—*

байт мисраларидаги муқобил сўзлар вазнда бир-бирига тенг, лекин хиёнатни-диёнатда жуфтлиги қофиядош эмас. Яъни бу ўринда М. санъати бор, лекин тарсеъ воқе бўлган эмас.

МУЖТАСС (ар. **مُجْتَسِّ** – илдизи билан юлинган) – аруз баҳрларидан бири, ҳафифдан юлиб олинганга ўҳшаганлиги учун шундай номланади. *Мустафъилун* (– – v –) ва *фоилотун* (– v – –) аслларининг кетма-кет тақоридан ҳосил бўлади. Ўзбек шеъриятида фаол қўлланадиган баҳрлардан бири. Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида М. баҳрининг тўқиз вазни, Бобурнинг “Мухтасар”ида эса йигирма вазни мисоллар билан кўрсатиб берилган. Шеъриятимизда мазкур баҳрнинг, асосан, бешта вазnidан фойдаланилган. Атойи, Саккокий, Гадоий, Лутфий, Мунис, Оғаҳий, Нодира каби мумтоз шоирлар ижодида М. баҳрининг бир неча вазнида ёзилган шеърлар учрайди. Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” кулиётида эса 348 та шеър (11 фоиз) М. баҳрида яратилган. М. нинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг кўп вазнли эканлигидир, яъни бир шеърда унинг бир неча вазнлари аралаш қўлланиши мумкин. Бу эса шеърга ўзига хос ўйноқи оҳанг бахш этади. Навоийнинг кўйидаги байти *мужтасси мусаммани маҳбуни маҳсур* (v – v – / – v – – / v – v – / – v ~) вазнида ёзилган:

*Кўнгул ҳароратин англатти оҳи дардолуд,
Үй ичра ўт эканин элга зоҳир айлар дуд.*

Нодиранинг машхур:

*Нигори гулбаданимни тушибимда кўрсам эдим,
Лаби ширин шиканимни тушибимда кўрсам эдим,—
матлаъли ғазали эса мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф* (v – v – / v v – – / v – v – / v v –) вазнидадир.

Адабиётшунослик луғати

МУЗОРИЙ (ар. مضارع – ўхшовчи) – аруз баҳрларидан бири, ҳазаж баҳрига ўхшагани учун шундай номланган. Мафойилун (v — —) ва фоилотун (— v —) аслларининг кетма-кет тақороридан ҳосил бўлади. М. шеъриятимизда анча кенг қўлланадиган баҳрлардан саналади. Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асарида М.нинг ўн икки вазни, Бобурнинг “Мухтасар”ида йигирма тўрт вазни мисоллар билан кўрсатиб берилган. “Қиссаси Рабгузий”дан бошлаб Атойи, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби мумтоз шоирлар ижодида ҳам М. баҳрининг бир неча вазнларидан фойдаланилган. Хусусан, Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонидаги 105 та турли жанрдаги шеърлар мана шу баҳрда яратилган. Mac., Навоий:

Ишқу жунун эрурлар беихтиёр манда,

Мендумрану бу икки, ўзга не бор манда, —

байтини музориъи мусаммани ахраб (— v / — v — / — v / — v —) вазнига мисол сифатида келтирган.

МУКАРРАР (ар. مكرر – тақорорланган) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, байт мисраларида жуфт ёки тақорорий сўзларни қўллаш. Илми бадиъга оид манбаларда M.га берилган таърифлар бироз фарқланади: айримларида битта жуфт ёки тақорорий сўзнинг икки ёки ундан ортиқ ўринда қўлланиши М. дейилса, бошқаларида байт таркибида ҳар қандай жуфт ёки тақорорий сўз қўллаш M. саналади. Шу жиҳатдан, Навоийнинг:

Гарчи келмай-келмай ўлтурдинг Навоийни, валек,

Эй Maciҳ, анинг мазори бошига гоҳ-гоҳ кел, —

байтида “келмай-келмай” ва “гоҳ-гоҳ” сўзларининг қўллангани M. санъатини юзага келтирган.

МУЛАММА (ар. ملعم – ярқироқ, ранг-баранг) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, бир байтни икки ёки ундан ортиқ тилда ёзиш. Мумтоз шоирлар, асосан, араб ва форс, араб ва туркий (ўзбек), форс ва туркий (ўзбек), араб ва озарбайжон, кейинчалик ўзбек ва рус, тоҷик ва рус тилларида M. битганлар. M.нинг икки тилдан фойдаланилган тури шишу-шакар, уч тилдан фойдаланилган тури шаҳду-шишу-шакар деб аталади. Mac., Машрабнинг:

Мендин саломе ба суйи жонон,

Эй бод, еткур арзи гарибон,

Адабиётшунослик луғати

ёки:

Аз дардми ту намонда сабрам,
Эмди кетарман тахти Сулаймон, –

байтлари ўзбек ва форс тилларида ёзилган бўлиб, улар ширушакар усулига мисол бўла олади. Фузулийнинг:

Қад анорал-ишқа лип ушишоқи минҳожал худо
Солики роҳи ҳақиқат ишқа айлар иқтидо, –

байти эса шаҳду-ширу-шакарга мисол бўлиб, у араб, форс ва туркӣ тилларда ёзилган.

МУНАҚҚИД (ар. **منقاد** – сараловчи, муҳокама қилувчи) – адабий танқид билан шуғулланувчи шахс; танқидчи сўзига синоним тарзида қўлланади. Кенг маънода М. деганда, адабий танқид билан профессионал тарзда шуғулланувчи шахснигина эмас, балки бирон асарни муҳокама қиласётган, у ҳақда фикр билдираётган ҳар қандай одамни ҳам тушуниш мумкин.

МУНСАРИХ (ар. **منسخر** – эркин) – аруз баҳрларидан бири, аруз ва зарбida эркинлик бўлгани учун шундай аталган. *Мустафъилун* (— v —) ва *мафъулоту* (— v) аслларининг кетма-кет тақоридан ҳосил бўлади. Ўзбек шеъриятида анча фаол қўлланади. Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асарида М. баҳрининг ўн бир вазни, Бобурнинг “Муҳтасар”ида эса ўттиз тўрт вазни мисоллар билан кўрсатиб берилган. Шеъриятимизда М. баҳрининг, асосан, учта вазнидан фойдаланилади. Навоийга қадар М. баҳридан фойдаланилмаган. Унинг “Хазойин ул-маоний” девонига киритилган 12 та шеъри ўзбек шеъриятидаги М. баҳрида яратилган дастлабки асарлар саналади. Жумладан, Навоийнинг:

Эй оразинг кўнглум коми, лаъли лабинг жон ороми,
Васлинг кунин еткургилки, жоним олур ҳажринг шоми, –
байти мунсариҳи мусаммани солим (— v — / — — — v / — — v
— / — — — v) вазнида ёзилган.

МУРАББА' (ар. **مربع** – тўртлиқ) – 1) мусаммат турларидан бири, тўрт мисрали бандлардан таркиб топувчи шеър шакли; тўрт мисрали банд. М. шеър шаклида дастлабки банд мисралари ўзаро қофияланади (а-а-а-а), кейинги бандларнинг дастлабки уч мисраси ўзаро, тўртинчи мисраси эса биринчи банд билан қофияланади (б-б-б-а; в-в-в-а ва х.). Шунингдек, шеъриятимизда М.нинг сал ўзгачароқ (а-б-а-б, в-в-в-б, г-г-г-б ва х.) қофияланувчи шакллари

Адабиётшүнослик луғати

(мас., Машраб ижодида), биринчи банднинг охирги мисраси кейинги бандлар охирида таржеъ сифатида айнан тақрорланиб келувчи шакллари (мас., Мұқимий ижодида) ҳам күп учрайди; таржеъли М., күпинча, б-б-б-а, в-в-в-а, г-г-г-а тарзида қофияланади. Ғазалдаги каби М. охирги бандида тахаллус келтириш одат бўлган. М. шакли туркий ҳалқлар оғзаки ижодидаги асосий шеър шакли бўлган, Маҳмуд Кошғарийининг “Девону луготит турк” асарида келтирилган ҳалқ қўшиқларининг аксарияти М. шаклида экани шундай дейишга асос беради. А. Яссавий кенг оммага мўлжалланган ҳикматлари учун М. шаклини танлагани ҳам шундан, яъни ҳалққа яқинлиги дандир. Шунга қарамай, адабиётимизда М. шеър шаклининг фаоллашуви, асосан, XVII аср охирларидан қузатилади: Машраб, Сўфи Оллоёр, Оғаҳий, Ҳувайдо, Ҳазиний, Мұқимий каби шоирлар ижодида М.нинг кўплаб гўзал намуналари учрайди; 2) арузда руқннинг байтда тўрт марта тақрорланишини билдирувчи ўлчов, М. вазн. Mac., агар мағоийлун руқни байтда ўзгаришсиз тўрт марта тақрорланса, ҳазажи мураббаи солим деб аталади.

МУСАББАЬ (ар. مسبع – еттилик) – мусаммат турларидан бири, етти мисрали бандлардан таркиб топувчи шеър шакли; етти мисрали банд. М. шеър шаклида дастлабки банд мисралари ўзаро қофияланади (а-а-а-а-а-а), кейинги бандларнинг дастлабки олти мисраси ўзаро, еттинчи мисраси эса биринчи банд билан қофияланади (б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-а ва ҳ.). Шеъриятимизда М.нинг қофияланыш тартибига кўра бирмунча ўзгачароқ кўринишлари ҳам учрайдики, бунда дастлабки банд мисралари ўзаро (а-а-а-а-а-а) қофияланса, кейинги бандларнинг аввалги беш мисраси ўзаро, охирги мисраси эса биринчи банд билан (б-б-б-б-а, в-в-в-в-а ва ҳ.) қофияланади. Шеъриятимизда М.нинг биринчи бандидаги охирги икки мисра кейинги бандлар сўнгида таржеъ сифатида тақрорланувчи хили ҳам учрайди, унинг қофияланishi а-

МУСАДДАС (ар. مسدس – олтилик) – 1) мусаммат турларидан бири, олти мисрали бандлардан таркиб топувчи шеър шакли; олти мисрали банд. М. шеър шаклида дастлабки банд мисралари ўзаро қофияланади (а-а-а-а-а-а), кейинги бандларнинг аввалги беш мисраси ўзаро, охирги мисраси эса биринчи банд билан (б-б-б-б-а, в-в-в-в-а ва ҳ.) қофияланади. Шеъриятимизда М.нинг биринчи бандидаги охирги икки мисра кейинги бандлар сўнгида таржеъ сифатида тақрорланувчи хили ҳам учрайди, унинг қофияланishi а-

Адабиётшунослик луғати

а-а-а-а, б-б-б-а-а, в-в-в-в-а-а кўринишида бўлади (мас., Фурқат. "Сайдинг кўябер сайёд"). Ўзбек мумтоз адабиётида М. ёзиш, асан, Навоий ижодидан бошланган, кейинчалик Машраб, Оғаҳий, Нодира, Увайсий, Фурқат, Ҳазиний каби шоирлар ҳам жанр тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар. Шунингдек, худди мухаммас каби М. мустақил ёки ўзга шоир ғазали асосида ёзилиши мумкин. М.нинг кейинги хили охирги бандида ғазал муаллифи ва М. боғлаган шоир тахаллуслари келтирилади. Mac., Навоийнинг Ҳусайний ғазали асосида ёзилган М.нинг охирги банди кўйидагича:

Чун Навоий жонини май орзуси куйдуур,
Йўқ гадолиқقا ажаб майхоналарда гар юрур,
Журъаи дайр аҳли бергунча замоне телмурур,
Шоҳ агар мундоқ гадони салтанатқа еткурур,
Эй, Ҳусайний, салтанатдин онча фахрим йўқтурур
Ким, дөғайлар кўйининг хайли гадосидин мени;

2) арузда рукннинг байтда олти марта такрорланишини билдирувчи ўлчов, М. вазн. Mac., агар фоилотун рукни байтда ўзгаришсиз олти марта такрорланса, рамали мусаддаси солим деб аталади.

МУСАЖЖАЪ (ар. مساجع – сажъли, қофияли) – мумтоз адабиётдаги қофия билан боғлиқ шеърий санъат. М. санъати асосида ёзилган байтлар бир-бири билан ҳажман тенг бўлган тўрт бўлакка бўлиниб, биринчи, иккинчи ва учинчи бўлаклар ўзаро қофиядош, тўртинчи бўлак эса асосий қофия билан оҳангдош бўлади. М. санъати байтга ўзига хос оҳанг, мусиқийлик баҳш этади. Навоий, Бобур, Машраб, Фурқат каби мумтоз шоирлар ижодида, шунингдек, Эркин Воҳидов шеъриятида М. санъатининг кўплаб тўзал намуналари учрайди. Mac., Бобурнинг қўйидаги байти M.га яхши намуна бўла олади:

Даврон ғамин барбод қил, ишрат уйин обод қил,
Жону кўнгулни шод қил, овозу чангу най била.

Агар мазкур байтнинг ҳар бир бўлаги бир мисра кўринишига келтирилса, М. санъатини яхшироқ тасаввур қилиш мумкин бўлади:

Даврон ғамин барбод қил,
ишрат уйин обод қил,
Жону кўнгулни шод қил,
овозу чангу най била.

Адабиётшунослик луғати

МУСАЛЛАС (ар. *مسنث* – учлик) – мусаммат турларидан бири, уч мисрали баңлардан таркиб толувчи шеър шакли; уч мисралы баңд. М. шеър шаклида дастлабки баңд мисралари ўзаро қофияланади (а-а-а), кейинги баңларнинг дастлабки икки мисраси ўзаро, учинчи мисраси эса биринчи баңд билан қофияланади. Худди шу шакл М.нинг каноник шакли саналади. Адабиётимизда М. шеър шаклининг ҳар бир бандидаги мисралари ўзаро (а-а-а, б-б-б, в-в-в...), ҳар бир баңди ўрама (а-б-а, в-г-в, д-е-д...) тарзида мустақил қофияланувчи, шунингдек, баңлараро кесишган (а-б-а, б-в-б, в-г-в...) қофияланиш тартибидаги кўринишлари ҳам учрайди. А.Хусайниний М.ни “устодлар шеърида камина назариға тушмаган” шеър шакллари қаторида санайди. Дарҳақиат, М. шаклидан Атойи, Лутфий, Навоий, Бобур каби шоирларимиз фойдаланган эмаслар, М.нинг оммалашуви адабиётимизнинг кейинги даврларига тўғри келиб, унинг яхши намуналари Увайсий, Ҳамза (Ниҳоний) каби шоирлар ижодида учрайди. Шунингдек, учлик шеър шакли Ойбек, Мирмуҳсин, А.Мухтор, Шуҳрат, F.Гулом, Р.Парфи, О.Матжон, О.Хожиева, А.Обиджон каби шоирларнинг бармоқда ёзилган шеърларида ҳам кўлланган.

МУСОВОТ (ар. *مساوات* – тенглаштириш, тенглик) – қаранг: ийжоз

МУСТАЗОД (ар. *مستزاد* – орттирилган) – мумтоз адабиётдаги лирик жанр, ҳар бир мисрасидан кейин унинг иккита (биринчи ва охириги) рукнига тенг ярим мисра орттирилувчи шеър. М.нинг асосий мисралари ғазал типидаги мустақил қофияланишни ҳосил қиласа, ярим мисралари ҳам мустақил ҳолда шундай қофияланишга эга бўлади (А-а-А-а, Б-б-А-а, В-в-А-а, Г-г-А-а...). Ҳофиз Хоразмий шеъриятимизда М. жанридаги илк шеърлар муаллифи сифатида эътироф этилса, кейинча Навоий, Машраб, Оғаҳий, Аваз, Комил, Анбар Отин каби шоирлар ҳам М. жанрида самарали ижод қилганлар. А.Навоий “Мезон ул-авzon”да халқ орасида қўшиқ оҳангига мос “бир суруд” борлиги ва унинг М. деб аталишини айтади. Дарҳақиат, М.нинг ўзига хос ритмик-интонацион қурилиши ўйноқи оҳангни юзага келтирадики, у қўшиқ оҳангига мос ва куйлаш учун жуда қулайдир. М.ларнинг аксарияти қўшиқ қилиб куйлангани ҳам шундан. Хусусан, ўз шеърларини танбур ва сетор жўрлигига

Адабиётшунослик луғати

ижро этиб юрган Машраб ижодида М.ларнинг салмоқли үрин тутиши ҳам шу билан изоҳланиши мумкин. Машрабнинг М.лари, мас.: –

Раҳм айла манга эмди, аё руҳи равоним, –

Жон чиққали етти,

Турди бу замон ишқ ўтида куйгани жоним, –

Боқсанг манга нетти? –

байти каби ўз мусиқаси билан жаранг топади, қўшиқдек эшитилади. Айрим ҳолларда М.нинг асосий мисрасидан сўнг битта эмас, иккита ярим мисра орттирилиши ҳам мумкини, бу ҳолда М.даги мисралар ғазал типидаги учта мустақил қофияланиш тартибини ҳосил қиласди. Mac.: –

Эй ёр, санга ушбу жаҳон боғи аро гул

бир ошиқи ҳайрон,

дийдоринга шайдо,

Бир шейфтадур кокули мушкинига сунбул,

ҳам ҳоли паришон,

ҳам бошида савдо.

МУТАДОРИК (ар. متدارك – орқадан келиб қўшилувчи) – аруз баҳрларидан бири, фоилун асли (– v –) тақороридан ҳосил бўлади. М. баҳрининг номланиши Ҳалил ибн Аҳмад келтирган 15 та баҳр қаторига Абул Ҳасан Ахфаш томонидан қўшилгани билан изоҳланадики, унинг айрим манбаларда баҳри муҳдас (янги топилган) ёки ғарив (четдан келган) деб юритилиши ҳам шунга далолат қиласди. Манбаларда М. баҳри вазнларини ўзбек шеъриятига илк бор олиб кирган шоир сифатида Алишер Навоий эътироф этилади. Унинг “Мезон ул-авзон” асарида М.нинг 7 вазни, Бобурнинг “Мұхтасар”ида эса 26 вазни мисоллар билан кўрсатиб берилган. М. ўзбек шеъриятида кам кўлланган баҳрлардан саналади. Mac., Навоийнинг “Мезон ул-авзон”ида:

Фурқатингда мани сўрмадинг,

Раҳм кўзи билан кўрмадинг, –

байти мутадорики мусаддаси солим (– v – / – v – / – v –) вазнига мисол сифатида келтирилган.

МУТАССАЬ (ар. منسخ – тўққизлик) – мусаммат турларидан бири, тўққиз мисрали бандлардан таркиб топувчи шеър шакли; тўққиз мисрали банд. Мусамматнинг бошқа турларидағи каби, М. шеър шаклида ҳам дастлабки банд мисраларининг ўзаро (а-а-а-а-

Адабиётшунослик луғати

шаклида ҳам дастлабки банд мисраларининг ўзаро (а-а-а-а-а-а-а-а) қофияланиши, кейинги бандларда аввалги саккиз мисранинг ўзаро, охирги мисранинг эса биринчи банд билан (б-б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-в-в-а ва ҳок.) қофияланиши кўзда тутилади. Шунингдек, М.да ҳам бир ёки икки мисранинг таржеъ сифатида такрорланиши мумкинки, бунда қофияланиш тартиби шунга мос бўлади. М. шеъриятда кам кўлланувчи шеър шакли саналади. Шу боис ҳам ўз вақтида А.Хусайнин мусамматнинг бу хилига таъриф бермайди ва бунинг сабабини “устодлар шеърида камина назариға тушмади”, дея изоҳлаш билан чекланади.

МУТАҚОРИБ (ар. **متقرّب** – бир-бирига яқин) – аруз баҳрларидан бири, фаулун асли (*v – –*) такроридан ҳосил бўлади. М. деб номланиши баҳр чизмасида (*v – – / v – – / v – – / v – –*) ватадларнинг бир-бирига яқин туриши билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Чизмага эътибор берилса, унда ватад (*v –*)лар биргина сабаб (*–*)дан сўнг такрорланиб келаётганини кўриш мумкин. М. баҳри мумтоз ўзбек шеъриятида, ҳусусан, ғазаликлика анча фаол қўлланган: А.Навоийнинг “Мезон ул-авзон”ида М.нинг ўн бир, Бобурнинг “Мұхтасар”ида қирқдан зиёд вазн кўринишлари саналади, уларнинг ҳар бирига мисол сифатида байтлар келтирилади. Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”, Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonлари ҳам шу баҳрда ёзилган. Mac., Лутфийнинг:

Кўкарди чаман, гулузорим қани?

Сиҳи сарв бўйлуқ нигорим қани? –

матлаъли ғазали ҳам мутақориби мусаммани солим (*v – – / v – – / v – – / v – –*) вазнида ёзилган.

МУТЛАҚ ҚОФИЯ (ар. **متلق** – шартсиз, бирор нарса билан чекланмаган, **قافية** – сўзнинг сўзга мос бўлиши) – илми қофияда қофиянинг тузилишига кўра фарқланувчи бир тури, равийдан кейинги унсурлар (хуруж, нафоз, нойира, мажро, мазид) ҳам иштирок этувчи, яъни равийдаёқ тўхтаб қолмайдиган қофия. Mac., Нодиранинг:

Нигори гулбаданимни тушимда кўрсам эдим,

Лаби ширин шиканимни тушимда кўрсам эдим, –

байтида М.қ. (баданимни – шиканимни) қўлланган бўлиб, унда равий – бадан ва шикан сўзларидағи охирги “н” ундошидан кейин ҳам оҳангдош товушлар иштирок этган. М.қ.да равийдан кейин ке-

Адабиётшунослик луғати

лувчи ундош ёки чўзиқ унли васл, васлдан кейинги ундош ёки чўзиқ унли ҳуруж, ҳуруждан кейинги ундош ёки чўзиқ унли мазид, мазиддан кейинги ундош ёки чўзиқ унли нойира дейилади. Равийдан кейинги қисқа унли мажро, ундан кейин келувчи барча қисқа унлилар эса нафоз деб юритилади. Келтирилган мисолдаги “баданимни-шиканимни” жуфтлигига равийдан кейинги тартибда “и” – мажро, “м” – васл, “н” – ҳуруж, “и” – нафоздир. М.к. саналиши учун рвийдан сўнг шу унсурлардан бирининг бўлиши кифоядир.

МУХАММАС (ар. مُخَمَّس – бешлик) –) мусаммат турларидан бири, беш мисрали бандлардан таркиб топувчи шеър шакли; беш мисрали банд. М. шеър шаклида дастлабки банд мисралари ўзаро қофияланади (а-а-а-а), кейинги бандларининг аввалги тўрт мисраси ўзаро, охирги мисраси эса биринчи банд билан (б-б-б-а, в-в-в-в-а ва ҳ.) қофияланади. М. мумтоз адабиётимизда кенг тарқалган жанрлардан бири бўлиб, у икки хил бўлади: 1) мустақил М.: мумтоз адабиётшуносликда “табъи худ мухаммас” деб юритилиб, унинг барча мисралари бир шоир қаламига мансубдир. М.нинг бу тури Ҳофиз Ҳоразмий, Навоий, Машраб, Оғаҳий каби шоирлар ижодида катта ўрин эгаллайди. Шеъриятимизда М.нинг биринчи банд охиридаги бир ёки мисра кейинги бандлар сўнгида таржеъ сифатида такрорланувчи хили ҳам учрайди. Бир мисра таржеъ қилинган М.ларда қофияланиш одатдагидек бўлса, икки мисра таржеъ қилинган М.ларда қофияланиш а-а-а-а, б-б-б-а, в-в-в-а-а-а кўринишида бўлади. Mac., Машрабнинг “Эй сафобахши баҳорим, бўстоним, қайдасан?” мисраси билан бошланувчи М.ида ҳар бир банд охирода “Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, қайдасан?” мисраси таржеъ қилинган; 2) ўзга шоир ғазалига боғланган М. тахмис деб юритилиб, у тахмисчи шоирнинг ўзга шоир ғазалидаги ҳар бир байтга ўзидан яна уч мисра қўшиш орқали яратилади. Бунда тахмис боғлаётган шоирнинг ўша ғазал мазмунига путур етказмаслиги, қўшилаётган мисраларнинг ғазал вазни, қофияси, радифи ва бошқа жиҳатларига мос бўлиши талаб этилади. Шеъриятимизда тахмис М.нинг Навоий, Оғаҳий, Увайсий, Но-дира каби қатор мумтоз сўз санъаткорлари ҳамда Ҳабибий, Чустий, Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон, Ж.Камол каби янги давр шоирлари боғлаган гўзал намуналари мавжуд. Шунингдек, адабиётимиз тарихида шоирнинг ўзи ёзган ғазалга боғлаган тахмис М.лар сийрак бўлса-да учрайди (мас., Навоий ва Оғаҳий ижодида).

МУШОИРА, мушоара (ар. **مشاعر** – шеър айтишиш) – 1) шоирлар анжумани, шеър мажлиси. Ўтмиш адабий жараёнида М.лар муҳим ўрин тутади, яна ҳам аниқроги, ўтмишда адабий жараён, кўпроқ, М. шаклида кечган. М.ларда шоирлар ўз асарларини тақдим этиш, улар ҳақидаги ўзгалар фикрини билиш, шунингдек, бошқа шоирлар билан ижодий фикр алмашиш, ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлганлар. Мумтоз адабиётимиздаги бир қатор жанрлар, айрим шеър санъатларининг юзага келиши бевосита М. билан боғланади: уларнинг бир қисми М. иштироқиларининг бир-бirlарига жавоб айтиши (тазмин, тахмис), бошқа бир қисми шеърий мусобақа (муаммо, чистон, бадиҳа) руҳи билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. М.лар дастлаб санъат ва адабиётга меҳр қўйган подшо саройларида, ижод аҳлига ҳомийлик қилган бадавлат кишилар хонадонларида ўтказилган. Ҳусусан, Ҳусайн Бойқаро саройи ва Навоий хонадонида ўтказиб турилган М.лар давр адабиёти тараққиётининг муҳим омилларидан бўлди. Шу фикр Қўқон адабий муҳитининг юксалишида Умархон, Хива адабий муҳити фаолиятида Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройларида ўтказилган М.ларга нисбатан ҳам бемалол айтилиши мумкин. Айни чоғда, М.ларни фақат подшолар ёки бадавлат ҳомийлар билангина боғлаш тўғри бўлмайди, чунки санъатга меҳри, табъи назми бор кишилар ҳамиша ижодий мулоқотга талпинади, уларнинг ўзаро йигинлари мунтазам ўтказилиб турилган, уларда нафақат шеърият, балки умуман санъат ҳусусидаги сухбатлар бўлган, ўз шеърларидан ташқари бошқа шоирлар, салафлар ижодидан намуналар ўқилган, улар таҳлил қилинган, шарҳланган, муносабат билдирилган. Мумтоз адабиётимизнинг кейинги даврларида шу анъана устуворроқ бўлди: М.лар кўпроқ мадраса ҳужралари, шоирлар хонадонларида ўтказиб турилган. Mac., XIX аср охири – XX аср бошларида гоҳ “Кўкалдош”, гоҳ “Бекларбеги” мадрасаларида Тавалло, Тошқин, Сидқий, Мискин, Хислат каби шоирлар иштироқида М.лар бўлиб турган. Жумладан, Сидқий “авзон, сажъ, қофия” каби тушунчаларни шундай давраларда ўрганганини эътироф этади. Ёки Қўқонда ўтказилган М.лар ҳақида Фурқат ёзади: “... аср шуаролариким, чунончи: мавлоно Муҳий, мавлоно Муқимий, мавлоно Завқий, мавлоно Нисбаттурлар, ҳамиша мажлис бунёд айлаб, зодаи табъларимиздин мушоира қилур эрдик ва бир ғазалда тутаббуъ курсатиб,

Адабиётшунослик луғати

бир мазмун ҳар навъ тарзда ифода топар эди... ва баъзи вақт тавсифи ва хусн таърифида ғазал машқ айлаб, қадимий шуаролар девонларидин бир шўх ғазални топиб, унга ҳар қайсимиш алоҳида мухаммас боғлар эдик. Дигар шеър арбоблари бизлар сұхбатимизни орзу айлаб келур эдилар. Агар бирор марғуб ғазал зодаи табъ бўлса, табиатлик кишилар нусха сўраб олур эдилар". Фурқатнинг бу гаплари М.ларнинг аҳамияти ҳақида юқорида айтилган фикрларни тасдиқлайди. Шунингдек, ўтмишда маълум бир шоир мухлисларининг йигинлари ўтказиб турилган бўлиб, бундай М.лар "бедилхонлик", "фузулийхонлик", "машрабхонлик" каби номлар билан юритилган; 2) икки ёки ундан ортиқ шоир айтишуви шаклидаги шеър. Ижодий мусобақа руҳида яратилувчи бундай шеърларда, одатда, маълум бир мавзу, радиф, вазн, муайян бир қофияни сақлаш талаб қилинади, бу эса шеърнинг бир бутунлигини таъминлаш омилидир. XIX асрда яшаган шоира Манзурабону шундай дейди: "Айш-ишрат ботқоғига ботиб қолган пошаойимларни танқид қилувчи шеърнинг дастлабки:

Ҳаддидин ошмасинлар вайсақи пошаойимлар,

Эшон бобомга қиссин минг-мингни лошаойимлар, –

байтини Нозимахоним айтган бўлиб, биз етти шоир давом эттирган эдик. Отинча аям энг яхши чиқсан мушоираларимизни биздан хотира сифатида ўз дафтарларига кўчириб қўяр эдилар. Уша шоир дугоналаримнинг исмлари бундай эди: Муаттар, Гулчеҳра, Насиба, Париваш, Сайёра, Сурайё. Биз етти шоир биргаликда қирқдан ортиқ мушоира – шеър ижод этган эдик. Афсуски, улардан бирортаси менда сақланиб қолмаган". Шунингдек, М.лар икки шоир савол-жавоби тарзida ҳам ёзилиб, уларнинг айримлари топишмоқ (мас., Махтумқули ва Дурди шоир) шаклида бўлса, бошқаларида ҳазил-мутойиба (мас., Завқий ва Муқимий М.лари) руҳи устунлик қилган.

МУШОКИЛ (арп. مشاكل – шаклдош) – аруз баҳрларидан бири, 1 та фоилотун (– v – –) ва 2 та мафоийлун (v – – / v – –) асплари ning кетма-кет такоридан ҳосил бўлади, қариб билан шаклдош бўлгани учун шу ном билан юритилади. Асосан, араб шеъриятида қўлланади. Навоийнинг "Мезон ул-авzon" асарида ҳам, Бобурнинг "Мухтасар"ида ҳам мушокили мусаддаси солим (– v – – / v – – – / v – – –) вазнига:

Адабиётшүнослик лұғати

Нече сансиз фироқингда фигон айлай,
Нола бирла улус бағрини қон айлай, –

байти мисол сифатида көлтирилган. Бундан ташқари, Бобур “Мұхтасар”да М. баҳрининг яна үн етти вазнини маҳсус мисоллар билан көлтирган. Жумладан:

Йұқ сенингча жафокори жафожүй,

Йұқ менингча вафодори дуогүй, –

байти мушокили мусаддаси макфуфи мақсур (— v — — / v — — —
/ v — ~) вазнига мисол қилинган.

МУҚАЙИД ҚОФИЯ (ар. مفہید – боғланған қофия) – илми қофияда қофиянинг тузилишига күра фарқланувчи бир тури, равий билан тұхтайдиган қофия. Мас., Оғажийнинг:

Мұнчаким, эй дил, етишди ҳажридин заҳмат санга,

Узмадинг ҳарғыз умидинг өаслидин, раҳмат санга, –

байтида М.қ. құлланған (заҳмат – раҳмат). Мутлақ қофиядаги каби М.қ. таркибидеги ҳар бир ҳарф алоҳида ном билан юритилади: қайд – равийдан олдинги үндош, ридф – равийдан олдинги чүзик үнли, ишбо – равийдан олдинги қысқа үнли; дохил – ишбодан олдинги үндош, ҳазе – қайддан олдинги қысқа үнли, таъсис – дохилдан олдинги чүзик үнли. Көлтирилган мисолдаги “заҳмат – раҳмат” жуфтлигіда равийдан олдинги “а” қысқа үнлиси – ишбо, ишбодан олдинги “м” үндоши – дохилдір.

МУҚОБАЛА (ар. مقابلہ – бир нарсаның қаршиисида бўлиш, қарши келиш) – мұмтоз адабиётдеги шеърий санъат, байтда аввал иккى ёки үндан ортиқ бир-бирига мувофиқ келувчы нарса-түшунчаларни англатувчи сўзларни, сўнг уларнинг зидди бўлган нарса-түшунчаларни билдирувчи сўзларни көлтириш. Мас., Э.Воҳидовнинг:

Сенга бўлсин нурли кундуз, менга қолсин қора тун,

Барча гулшан сенга бўлсин, бор тиканзорлик менга, –

байтида бир-бирига мувофиқ келувчи “нурли”, “кундуз”, “гулшан” түшунчаларига “қора”, “тун”, “тиканзор” түшунчалари зидланмоқда, улар ҳам ўзаро мувофиқдир. Гарчи М. билан тазодга бериләётган таърифлар бир-бирига яқин ва бу ҳол муайян асосга эга бўлса ҳам, уларни фарқлаш зарур. М.нинг тазоддан фарқи шуки, биринчидан, үнда байт таркибидеги зидлик ҳосил қилаётган жуфтликлар сони иккى ёки үндан ортиқ бўлиши, иккинчидан, зидлантирилаётган түшунчаларнинг бир гурухга мансублари ўртасида ўзаро муво-

Адабиётшунослик луғати

фиқлик, яқинлик (нурли, кундуз, гулшан каби) бўлиши талаб этилади. Яъни М. тазоднинг мазкур шартлар билан мураккаблашган бир кўриниши, демак, аслида ҳар қандай М. тазоддир, лекин ҳар қандай тазод ҳам М. бўла олмайди.

МУҚТАЗАБ (ар. **مقتضب** – кесилиш, қисқариш) – аруз баҳрларидан бири, мунсариҳдан кесиб олинганга ўшаганлиги учун шундай аталади. *Мафъулоту* (— — v) ва *мустафъилун* (— — v —) аслларининг кетма-кет тақороридан ҳосил бўлади. М. араб шеъриятига хос баҳр бўлиб, ўзбек шеъриятида қўлланмаган. Навоий “Мезон ул-авзон” асарида мазкур баҳрнинг мұқтазаби мусаммани матвий (— v — v / — v v — / — v — v / — v v —) вазнига:

Эй нигори маҳвашим, эй ҳарифи журъакашим,

Тут қадаҳқи, беҳад эзур ишқ тобидин оташим, –
байтини мисол сифатида келтирган. Бобур эса “Мухтасар” асарида М. баҳрининг жами ўн беш вазнига тўхталган ва маҳсус байтлар битиб, мисол сифатида келтирган.

НАЗИРА (ар. **نظیره** – ўхшаш, ўхшаш нарса, намуна) – ўзга шоир шеърига эргашиш йўли билан, унга ўхшатма тарзида ёки жавоб сифатида яратилувчи шеър. Шарқ адабиётида Н. битиш анча кенг тарқалган, замондош шоирлар ёки салафлар билан ўзига хос ижодий мусобақа тусини олган анъанадир. Н.да шоир ўзга шоир шеъридан бир байт ёки мисрани айнан олиб, уни давом эттиради ёхуд ўз шеърига айнан келтирилган байт ёки мисрани сингдириб юборади. Бундай шеърлар форс-тоҷик адабиётида *татаббуъ* (ар. бирор нарсанинг кетидан тушиш, изидан бориш) деб юритилади, лекин ўзбек шеъриятида Н. истилоҳи кенгроқ оммалашган. Баъзан Н.га нисбатан *тазмин* атамаси ҳам ишлатилади. Бироқ илми бадиъга оид айрим манбаларда Н. билан *тазмин* жиддий фарқланади: ўзга шоирнинг мисра ёки байтини шеърда айнан келтириш – *тазмин*, бироннинг шеърига жавоб сифатида, адабий мусобақа тарзида ёзилган шеър эса Н. ёки татаббуъ атамалари билан юритилади. Ўзга шоир асарига боғлаган Н.нинг тақлиддан иборат бўлиб қолмаслиги, шоирнинг унга ижодий ёндашиши талаб этиладики, бунда мавзунинг янада ёрқинроқ ифодаланиши ва бадиий савиянинг юксалиши кўзда тутилади. Н. деярли барча мумтоз шоирларимиз ижодида учрайди. Mac., “Девони Фоний” Навоийнинг Ҳофиз Шерозий, Дехлавий, Абдураҳмон Жомий, Саъдий, Мавлоно

Адабиётшунослик луғати

Қотибий, Мавлоно Шоҳий, Камол Ҳўжандий, Ҳусайнӣ, Вафоӣ, Қосим Анвор каби ўнлаб шоирларига боғланган Н.лардан таркибланган. Мумтоз адабиётимизда ғазал, қасида, мураббъ ва маснавийларга Н. боғлаш кенгроқ оммалашган. Мас., Жомийининг “Лужкат ул-асрор” қасидаси Хисрав Дехлавий қасидасига, Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонига, нома жанридаги “Таашшуқнома” (Сайд Аҳмад) билан “Латофатнома” (Ҳўжандий) Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сига, Ҳазинийнинг “Арзим эшил, эй золиму ситамгар” мисраси билан бошланувчи мураббаъси эса Муқимиининг “Арзим эшил, аё сарви равоним” мисраси билан бошланувчи машҳур мураббаъсига Н.лардир. Шунга қарамай, шеъриятимизда ғазалларга боғланган Н.лар кўпроқ учрайди (мас., Навоийнинг “Кошки” радифли ғазалига Ҳусайнӣ ва Бобур, Фурқатнинг “Кўзларинг” радифли ғазалига Ҳазиний боғлаган Н.лар ва б.).

НАЗМ (ар. نظم – тузук, тартиб, тартибга келтириш, териш, тишиш) – бадиий нутқ шаклларидан бири, тизма, шеърий нутқ (қ. бадиий нутқ). Нисбатан кам ҳолларда Н. кенг маънода қўлланиб, умуман шеъриятни билдиради, бу кенг маънодаги наср билан қарши қўйилган ҳолда юзага чиқади.

НАСР (ар. نسیم – тизилмаган, тарқоқ, сочма) – бадиий нутқ шаклларидан бири, сочма; прозаик нутқ (қ. бадиий нутқ). Муомала амалиётда умуман бадиий проза, Н.да битилган асарлар жами маъносида, проза терминига синоним сифатида ҳам қўлланади. Термин иккала маънода ҳам фаол ишлатилади.

НАСРИЙ ШЕЪР (русчадан калька: “стихотворение в прозе”) – насрый йўлда ёзилган лирик асар; ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигида сочма, мансур шеър, мансура каби терминлар билан ҳам юритилади. Н.ш. лирик қаҳрамон ҳис-туйғу ва кечинмаларини тасвирлаши, одатда, кичик ҳажмга эга бўлиши, эмоционаллиги каби жиҳатлардан лирик шеърнинг ўзи, ундан факат нутқий ташкилланиши жиҳати билан фарқланади. Агар лирик шеър муайян ўлчов асосида тартибга солинган нутқ шаклига эга бўлса, Н.ш. ритмик жиҳатдан ўлчовга солинмайди. Иккиси ҳам лирикага мансуб бўлгани ҳолда, шеър атамасини қўллашдаги турличалик (насрый шеър бирикмасида шеър сўзи турга – лирикага мансубликни, лирик

Адабиётшунослик луғати

шөөр деганда эса нутқ шаклини билдиради) сабабли Н.ш. терминини ҳам ишлатиш зарурати юзага келади. Шу маънода Н.ш.ни ритмик проза, сажъ (кофияли проза) каби эпос ёки сарбаст, оқ шеър каби лирика ҳодисалари билан чалкаштирмаслик керак. Ўзбек адабиётида Ойбек, Миртемир, Р.Парфи, О.Матжон, И.Гафуров каби ижодкорлар Н.ш. шаклида самараали ижод қилиб, унинг яхши намуналарини яратганлар.

НАТУРАЛИЗМ (лот. *natura* – табиат) – 1) табии тарзидаги фанлар соҳасида эришилган улкан муваффақиятлар таъсирида XIX асрнинг 60-йилларидан бошлиб Европа адабиётларида шаклланган адабий йўналиш. Илк бор Францияда майдонга келган Н.нинг фалсафий асоси – позитивизм, О.Конт таълимотидир. XIX асрнинг 70-йиллари ўрталарига келиб Э.Золя атрофида шу йўналишга мансуб ижодкорлар (Г.Флобер, Ги де Мопассан, Г.Ибсен ва б.) мактаби шаклланган. Э.Золя ўзининг “Экспериментал роман”, “Натуралист романнавислар” номли асарларида Н.нинг назарий асосларини ишлаб чиқди. Табии тарзидаги сирларини ўрганиш борасидаги ютуқларидан илҳомланган натуралистлар жамиятни, инсонни шу каби теран, юксак даражадаги аниқлик билан тадқиқ этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар, уларга кўра, бадиий билиш илмий билишга монанд бўлмоғи зарур. Шунга кўра, улар асарнинг бадиийлик даражасини ҳам унда билиш амали нечоғли кўламли ва чуқур амалга ошганидан келиб чиқсан ҳолда белгилаганлар. Улар ҳаётни борича, бўяб-бежамасдан, бирон-бир мафкура ёки ахлоқий тарбия мақсадларига йўналтирган ҳолда тасвирлаш керак деб билишади. Яъни натуралистлар адабиёт ҳаёт материалини танлаб тасвирлаши керак эмас, уни борича тасвирлаши керак, адабиёт учун бегона мавзу ёки сюжет йўқ, деб ҳисоблагдилар. Натуралистлар асосий эътиборни майший тафсилотларга, инсон руҳиятининг физиологик асосларига, унинг феъл-хуий, хатти-харакатлари, тақдиридаги тушунтириш қийин жиҳатларига қаратадилар. Улар учун ижодий қайта яратиш эмас, натурани аслига мувофиқ тасвирлаш муҳим. Буларнинг бари Н. ақидаларини мутлақлаштирган ижодкорларни, уларнинг асарларини санъатдан йироқлаштиради. Айни чоғда, Н. адабиёт тарихида ўзининг муайян ижобий изини ҳам қолдирди. Жумладан, жамиятнинг энг куйи қатламлари турмушини икир-чикиригача тасвирлашга интилиш, инсон руҳиятининг энг чуқур пучмоқларигача кириб боришга инти-

Адабиётшунослик луғати

лиш каби жиҳатлар реалистик адабиёт имкониятларининг кенгай-ишига хизмат қилди; 2) адабиётшунослиқда Н. термини реализмга зид қўйилган ҳолда ҳаёт материалини сайламасдан, бадиий-фалсафий идрок этмасдан оддийгина қайд этиш, бадиий умумлаштириш ва ғоявий-хиссий муносабатдан мосуво, ҳаётдан оддийгина нусха кўчиришдан иборат, том маънодаги ижодийликдан йироқ, демакки, чинакам санъатга ёт ижодий метод маъносида ҳам тушунилади. Баъзан шу йўсин тасвир реализм мақомида турган адиллар ижодида, реалистик асарларнинг алоҳида эпизодларида ҳам учраб қоладики, бундай ҳолларда Н. термини баҳо маъносида, йўл қўйилган камчиликларнинг умумий номи сифатида ҳам ишлатилади.

НАФОЗ (ар. **نفاذ** – сўзи ўтиш, ҳукми жорий бўлиш) – қаранг: мутлақ қоғия

НЕКРОЛОГ (юн. nekros – ўлик, logos – сўз, нутқ) – бирон бир шахснинг (одатда, таниқли кишилар, давлат ёки жамоат арбоблари, санъаткорлар, адиллар ва х.) ўлими муносабати билан ёзилган мақола; кейинги вақтда бирон-бир шахсга яқин кишиси вафоти муносабати билан билдирилган мўъжаз таъзияномалар ҳам Н. деб юритилмоқда. Одатда, Н.ларда вафот этган шахснинг фаолияти, бу фаолиятнинг аҳамияти муҳтасар ёритилади. Шу жиҳати билан Н.лар вақти келиб қўмматли манба бўлиб қолиши ҳам мумкин. Mac., жадид нашрларида И.Фаспрали вафоти муносабати билан эълон қилинган Н.лар унинг Туркистон билан алоқалари ҳақида маълумотлар бериши билан муҳим бўлса, Чўлпоннинг “Икки йўқотиш” номли Н.и қўқонлик маърифатпарварлар – домла Йўлдош Мавлавий билан шоир Иброҳим Давронлар ҳақида маълумот берадики, улар давр адабиёти ва тарихини ўрганиша асқотади.

НЕОСТРУКТУРАЛИЗМ – қаранг: постструктурализм

НИДО (ар. **ندو** – қичқириқ, чақириқ, ундов) – иншо йўлларидан бири, фикрни ифодалаш усули, ўй-фикр, ҳис-туйғу, кечинмаларнинг кимгадир ёки нимагадир мурожаат тарзида баён этилиши, шеърда ундалма қўллаш. Яъни шоир сабога, кўнгилга, маъшуқага ёки ўз-ўзига мурожаат этар экан, шу орқали ўз ҳис-туйғуларини, кечинмаларини баён қилиб олади. Mac., Бобур ёрга:

Адабиётшунослик лугати

Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкулдур,
Сенинг бирла чиқишмоқлик дағы бисёр мушкулдур, –
тарзида, Машраб:

Эшият арзимни, эй дилбар, юрак-бағрим кабоб үлди,
Рақиблар шодумон бўлди нигоримнинг жафосидин, –
тарзида мурожаат қилиб, шу орқали ишқ изтироблари, ҳижрон
азоблари билан боғлиқ туйгуларни изхор этишни мақсад
қиласдилар. Аксар ҳолларда, шоир шеър давомида баён этган
фирклар ўз-ўзига мурожаат тарзида хулосаланиши мумкин. Mac.,
Навоий бир мақтаъсида:

Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча күй
Ким, сенга ишқ ўти-ўқ эрмиш азалнинг қисмати, –
дер экан, ўзига мурожаат қилиш орқали, “бошдан кечирилган ишқ
изтиробларида ҳеч ким айбдор эмас, балки ишқ сенга тақдирнинг
битигидир”, деган хулосага келади. Умуман, шеъриятимизда “Эй
бод, еткур ёра саломим”, “Эй сорбон, оҳиста юр, оромижоним бо-
радур”, “Дўстлар, бу кун ажаб бир сарвқомат кўрмишам”, “Эй Наво-
ий, событ ўлсун шоҳи ғозий давлати”, “Ул паридин мен нечук жон
элтайинким, Бобиро”, “Машрабо, ўлгунча даргоҳида мақсадинг бу-
дур” каби кўринишларда байтлар битмаган, Н. усулига мурожаат
қилмаган шоир деярли топилмайди.

НОВАТОРЛИК (лот. novator – янгиловчи, янгиланувчи) – адабий жараён билан боғлиқ категория, адабий жараёнда анъана билан ҳар вақт диалектик алоқада мавжуд бўлган ҳодиса, адабиёт тараққиётининг муҳим ички омили, бадиий тафаккур ривожига сезиларли таъсир ўтказиб, кейинчалик анъанага айланувчи муҳим бадиий-эстетик янгилик. Адабий анъанага сайлаб ва танқидий муносабатда бўлолган, ўз даврининг бадиий-эстетик эҳтиёжларини теран ҳис этолган ижодкоргина янгилик яратишга қобил бўла олади. Mac., ўзбек мумтоз адабиёти анъаналари бағрида етишган Чўлпон ўз ижоди билан шеъриятимизга қатор янгиликларни олиб кирди. Жумладан, унинг бадиий шакл соҳасидаги Н.и шеърларининг ритмик-интонацион қурилишида бармоқ ва сарбаст имкониятларидан кенг фойдаланиши, мумтоз шеъриятдаги шеърий шаклларни ўзгартириб қўллаши, шеърият тилини жонли сўзлашув тилига яқинлаштиришга интилиши, шеъриятимизга ижровий лирика, персонажли лирика каби жанр кўринишларини олиб кирганида; бадиий мазмун соҳасида эса шеъриятга ижтимоий “мен”ни олиб кир-

Адабиётшунослик луғати

гани, шахсийланган ижтимоий дардни күйлагани, анаъанавий поэтик образлар (ёр, ошиқ, висол ва б.) маъносини ўзгартиргани қабиларда кўринади. Унутмаслик керакки, даврнинг бадиий-эстетик талаб-эҳтиёжларини шу даврда қалам тебратган ижодкорларнинг бари ҳам хис этади, шу маънода, талантли ижодкорларнинг ҳаммасида ҳам муайян даражадаги Н. мавжуд. Айни чоғда, Н. хусусиятлари даврнинг йирик санъаткорлари ижодида мужассам ифодасини топади.

НОВЕЛЛА (итал. novella – янгилик) – кичик эпик жанр. Адабиётшунослика Н. масаласида яқдил тұхтамга келинган эмас: “хикоя” ва “новелла” атамаларини синоним деб билүвчилар ҳам, уларни кескин фарқловчилар ҳам бор. Яна бир тоифа Н.ни хикоянинг бир кўриниши деб ҳисоблайди. Сўнгги қарашга кўра, хикоянинг икки типи бор: биринчисида очерклилик (тавсифий-ривоявий), иккинчисида новеллистиклик (конфликтли-ривоявий) хусусияти устундир. Бу ўринда гап икки турли жанр ҳақида эмас, балки бир жанрнинг икки сифат кўриниши ҳақида боради, ҳикоя ва Н. атамалари шу икки типни фарқлаш учун қўлланади. Ҳикоядан фарқли ўлароқ, Н.га муфассал тағсилотларга бой ривоя хос эмас, мутахассислар уни ҳикоядан фарқлаш учун соғ сюжет санъати деб ҳисоблайдилар ва унда драмага хос хусусиятлар устунлигини таъкидлайдилар. Булардан Н. ҳикоядан ўзининг сюжет-композицион хусусиятлари билан фарқланиши англашилади. Н.нинг (новеллистик ҳикоянинг) композицион қурилиши: 1) ровийнинг холис “кузатувчи” мавқеида туриши; 2) ҳикоя қилинаётган воқеанинг юз бериш вақти билан ҳикоя қилиниш вақтининг бир-бирига мослиги; 3) “саҳнавийлик” – ўкувчи наздида ҳаёт саҳнасида кечәётган воқеани томоша қилаётганлик иллюзиясининг юзага келтирилиши; 4) сюжетнинг шиддатли ривожланишию кутилмаган бурилишларга эгалиги билан ажralиб туради. Мазкур хусусиятлар мавжуд бўлиши учун эса Н.да биргина воқеа – “ҳаётнинг бир парчаси”ни поэтик жонлантириш тақозо этилади. Шундай экан, Н. сюжети ҳам “воқеалар тизими” деган таърифга мувофиқ эмас: унда бир-бирига боғлиқ воқеалар ривожи эмас, балки бир ҳаётий ҳолат ичидаги ўсиш, ривожланиш кузатилади (мас.: Чўлпон. “Тараққий”; А.Қаҳҳор “Бемор”). Шу йўсин тушунилган Н.нинг нодир намуналари сифатида Мопассаннинг “Дўндиқ”, А.Чеховнинг “Хамелеон”, О’Генрининг “Фаришталар туҳфаси”, И.Буниннинг “Хилват йўлкалар” каби асар-

Адабиётшүнослик лұғаты

ларини күрсатиш мүмкін. Чүлпоннинг “Ойдин кечаларда” асари эса замонавий Н.нинг ўзбек адабиётидаги илк ва гўзал намунасиdir. Шунингдек, жанрнинг сара намуналари А.Қаҳҳор, Ш.Холмирзаев каби адиблар ижодида ҳам кўплаб топилади.

НОЙИРА (ар. نایرہ – нурлантириш, ёритиш) – қаранг: **мутлақ қоғия**

НУТҚИЙ ХАРАКТЕРИСТИКА – инсон образини яратишнинг мұхым воситаларидан бири, эпик ва драматик асарларда персонаж харakterига хос хусусиятларни унинг нутқини индивидуаллаштириш орқали бериш. Кишининг нутқи унинг харakter хусусиятлари, интеллектуал даражаси ва маънавий олами, муайян ижтимоий гуруҳ ёки худудга мансублиги ва ш.к.лар ҳақида хабар берувчи энг ишончли манбадир. Шу боис ҳам адабий асарда персонаж нутқини индивидуаллаштириш (ўзига хос жиҳатларини акс эттириш) тўлақонли бадиий характер яратишнинг мұхым шарти саналади.

ОБРАЗ (рус. образ – акс) – қаранг: **бадиий образ**

ОБРАЗЛАР СИСТЕМАСИ – бадиий асардаги бир-бири билан узвий боғланган образлар тизими. Амалиётда О.с. деганда, қўпинча, асардаги персонажлар тизими назарда тутилади, бироқ бу терминнинг тор маъносидир. Зеро, О.с. факат персонажларни эмас, балки бадиий воқеликни ташкил қилаётган жами (нарса, ҳодиса, жой ва х.) образлардан таркиб топади. Яъни бадиий асардаги ҳар бир образ яхлит системанинг унсури, шунга кўра, у бутуннинг қисми саналади (қ. *бадиий образ турлари*) ва ўзининг мазмун-моҳиятини бутун контекстидагина тўлиқ намоён этади. Чунки О.с.даги барча образлар бир-бири билан узвий алоқада бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, изоҳлайди, ойдинлаштиради. О.с.даги унсурларнинг алоқалари сифат жиҳатидан турлича. Жумладан, образлар орасида интегратив (ҳоким-тобе) алоқанинг мавжудлиги уларнинг системадаги мавқеи, ташиёттган ғоявий-бадиий юқ залвори жиҳатидан даражаланиши билан изоҳланади. Мас., асардаги нарса-буюм ёки жой образлари персонаж образига тобеланади: уни тўлақонли яратишга хизмат қиласи. Шунингдек, О.с.нинг таркибий қисми бўлмиш персонажлар тизимида ҳам худди шундай алоқалар кузатилади: ёрдамчи ва иккинчи даражали персонажлар бош персонажларга нисбатан тобе муносабатдадир (қ. *ситуация*).

Адабиётшунослик луғати

О.с.даги иккита образ орасида доим ҳам бевосита алоқа кузатилмаслиги мумкин, лекин билвосита (мазмуний) алоқа ҳамиша бор. Мас., “Кеч”даги Зеби билан Марям орасида бевосита алоқа йўқ. Бироқ улар Акбарали билан Мирёкуб орасидаги бевосита алоқа асосида билвосита боғланади: мингбоши хонадони ва фоҳишахона, Зеби ва Марям тақдирларида муштараклик туфайли бу алоқа бадиий концепцияни ифодалашда муҳим аҳамият касб этади. Шунга ўхшаш, романдаги кундошлар – Ҳадичахон, Пошшахон ва Султонхон образлари Зебини мазмунан тўлдиради, унинг тўйдан кейинги хатти-ҳаракатларини асослайди, Зебидек беугубор қизларнинг шулардан бирига айланиш жараёни ҳақида тасаввур беради. Умуман, романда образларнинг бу каби алоқалари ижтимоий ҳаётнинг кенг эпик полотносини яратиш имконини беради: Рассоқ сўфи, Эшонбобо, Кумариқ масжиди имоми ва судда қатнашган имом-хатиб образларининг бир-бирини тўлдириши эътиқоди суст диндорлар; нойиб тура, рус инженери, адвокат ва судьяларнинг ўзаро алоқалари эса мустамлакачиларнинг умумлашма образини яратиб, давр картинасини кенг тасаввур қилишимизга имкон беради. Демак, модомики гап О.с. – СИСТЕМА ҳақида бўрар экан, асар мазмун-моҳиятини тушуниш учун уни ташкил қилаётган образларнинг турфа кўринишдаги алоқаларини теран идрок этиш талаб этилади.

ОКСИМОРОН ёки ОКСЮМОРОН (юн. oxymoron – закиёна нодонлик) – услубий фигура, мантиқан тамомила зид тушунчалардан ҳосил бўлган синтактик бирлик. Адабиётларда О. сикиқ ва шунинг учун ҳам парадоксал мазмун касб этувчи антитеза деб ҳам таърифланади, бироқ бу ҳамиша ҳам тўғри эмас. Чунки антитетизада зид маънодаги икки сўз бир-бирига қарама-қарши кўйилса, О.да мазмун жиҳатидан зид тушунчаларни ифодаловчи сўзлар ажралмас бирлик ҳосил қиласи, кўпроқ аниқловчи-аниқланмиш муносадатида келади. Мас., “Ёмоннинг яхиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл” нақли, “сукунат овози”, “нафис ҳақорат”, “ёлғон ҳақиқат” бирикмаларида, “Ўтган кунлар”даги Отабекнинг “ширин ўлим” дейишида О. ҳодисаси кузатилади. Шунингдек, Ҳ.Давроннинг: “Энг даҳшатли бақириқ – соқовнинг бақириғи” сатридаги соқовнинг бақириғи; И.Мирзонинг “Ишқ қадими масалдир: Ҳам заҳар, ҳам асалдир. Иккисига коса бир, Асалдайин заҳарим!” сатрларидағи “асалдайин заҳарим”; Фахриёрнинг “Бизлар узоқ чекиндик олға,

Адабиётшунослик луғати

Енгавердик... мағлуб бұлғани” мисраларидаги “олға чекинмоқ”, “мағлуб бўлиш учун енгмоқ” бирикмалари ҳам О.га мисол бўла олади.

ОКТАВА (лат. octo, octava – саккиз, саккизлик) – саккиз мисрадан таркиб топувчи, беш ёки олти стопали ямб (қ. *стопа*) ўлчовидаги мисралари abababcc тартибида қофияланувчи банд шакли. Ўйониш даври итальян шеъриятида юзага келган ва тез орада итальян ҳамда испан эпик поэзиясининг асосий банд шакли бўлиб қолган. Жумладан, Л.Ариосто, Т.Тассо сингари машхур адиларнинг эпик поэмалари О. банд шаклида ёзилган. Кейинчалик О. банд шакли бошқа ҳалқлар адабиётларида ҳам ўзлашган: немис адабиётида Гёте (“Фауст”га ёзилган бағишилов), инглиз адабиётида Байрон (“Дон Жуан”), рус адабиётида В.Жуковский, А.Пушкин ва б. бой ритмик-интонацион имкониятлари, қофияланыш тартиби ва ўлчовнинг қулайлиги сабабли О. банд шаклида лирик шеърлар ҳам ёза бошлаганлар. О.да аввалги олти мисранинг кесишган тартибида ва сўнгги икки мисранинг жуфт қофиялангани катта қулайлик туғдиради: дастлабки 6 мисрада ҳис-туйғуни ё ўй-фиркини ривожлантириб келиб, сўнгги икки мисрада лирик якун ясаш мумкин. Шу қулайлик туфайли О.дан лирик шеърлар ёзишда ҳам фойдалана бошланган. Бу ҳолда энди О. қатъий шеър шакли, шеърий жанр сифатида тушунилади.

“ОНГ ОҚИМИ” – XX аср модернистик адабиётида майдонга келган ҳаётни тасвирлаш усули; инсон руҳиятида кечувчи жараёнларни бевосита, улар ҳақиқатда қандай кечса, ўшандай тасвирлашга интилган адилар ва уларнинг асарларига нисбатан қўлланувчи шартли атама. О.о. термини XIX аср охиirlарида оммалашган бўлиб, американлик файласуф У.Жемс фаолияти билан боғлиқ. У.Жемсга қўра, инсон онги дарё оқимиға монанддир, бу оқимда ҳис-туйғулар, ўй-фирклар, туйқус пайдо бўлувчи ассоциациялар бир-бири билан бетартиб алмашиниб туради, мантиқан изоҳлаб бўлмайдиган даражада бир-бирига чатишиб кетади. Адабиёт ҳамиша инсон руҳиятида кечувчи жараёнларга қизиқкан, уларни турли ўйлар билан ифодалашга интилган. Бу нарса, айниқса, инсон ҳатти-ҳаракатларини ҳам ижтимоий, ҳам руҳий жиҳатдан асослашга интилган реалистик адабиётда кучли намоён бўлди. XIX аср реалистик адабиётида ички монологнинг кенг ом-

Адабиётшунослик луғати

малашгани, Л.Толстой, Ф.Достоевский каби адабларнинг ички монолог имкониятларидан максимал даражада фойдаланиб, руҳий жараёнларни имкон қадар ҳақиқатга монанд тасвирлаш йўлида самарали изланганлари шу интилишнинг натижасидир. О.о.ни шу изланишларнинг бевосита давоми, ички монологнинг шартлилик асосида мантиқ қолилларига солинмаган кўриниши сифатида тушуниш мумкин. Яъни реалистик адабиёт О.о. (ички монолог)ни тасвир усулларидан бири деб билади, унда инсон онгидаги жараёнлар воқелик билан боғланади ва уни бадиий идрок этиш воситаси бўлиб қолади. Ўтган асрнинг бошларидан шаклланган О.о. адабиёти эса унга ҳётни бадиий акс эттиришнинг универсал методи деб қаради, инсон руҳиятида кечувчи жараёнларни аслича акс этиришга интилди, уларни воқелик билан боғлаш, мантикий изчил кўринишга келтириш, қолипга солишдан воз кечди. Натижада О.о. адабиётининг В.Вульф, М.Пруст, Ж.Жойс каби йирик намояндалари асарларида асосий мақсад инсон руҳиятига имкон қадар чуқур кириб бориш, унинг қоронгу пучмоқларига назар солиш бўлиб қолдики, натижада улар кўп жихатдан эксперименталлик хусусиятини касб этди, анъанавий эпосга хос ривоя структураси парокандаликка учради, характер бутунлигига путур етди. О.о. адабиёти инсон руҳияти тасвири ва таҳлилида, ҳеч шубҳасиз, олға қадам эди, бироқ, иккинчи томондан, унда руҳият тасвири бобида натурализмга оғиш кузатилди. Яъни натурализм воқеликни бор ҳолича тасвирлашга интилгани каби, О.о. адабиёти инсон руҳиятидаги жараёнларни аслича акс эттиришни мақсад қилди. Мазкур камчилик ва чекланганликдан қатъи назар, О.о. адабиёти инсонни англаш имкониятларини кенгайтирди, инсон ва унинг руҳияти ҳақидаги тасаввурларни бойитди. О.о. адабиёти, хусусан, унинг ёрқин намояндаси Ж.Жойснинг “Улисс” асари бадиий тафаккур ривожида чуқур из қолдирди. Жумладан, О.о. адабиёти Э.Хемингуэй, У.Фолкнер каби бир қатор йирик адабларнинг ижодий ўсишига туртки берди, унинг анъаналари сюрреализм, янги роман намояндалари излашиларида ижодий давом эттирилди; О.о.нинг пайдо бўлишига замин ҳозирлаган реалистик адабиёт ҳам унинг маъқул томонларини ўзлаштириди.

ОЧЕРК (рус. очеркать – тасвирлаш) – эпик турнинг кичик шакли, бадиий-публицистик жанр. О. ҳажм эътибори билан ҳикояга яқин туради, лекин ундан қатор жиҳатлари билан фарқланади. Аввало,

Адабиётшунослик луғати

О. конфликт асосида ривожланиб ечимга интилувчи сюжетта эга эмас. Ҳикояда ҳаётдаги воқеалар ижодий тафаккур кучи билан қайта ишланиб бадиий воқеликка айлантирилса, О.да мавжуд воқеликнинг характерли (муаллиф мақсадига мос) жиҳатларини танлаб олиб тасвирилаш билан чекланилади. Бошқача айтсак, О. ҳамиша ҳужжатлилик хусусиятига эга: унда тасвириланган шахслар ҳаётда мавжуд, воқеалар ҳақиқатда юз берган ва ҳ. Ҳикоя бадиий образлар воситасида фикрлайди, О.да эса муаллиф мушоҳадалари фактографик ва иллюстратив образларга таянади; ҳикоянинг диққат марказида мухит билан алоқадаги шахс характери турса, О. марказида ижтимоий мухитнинг шахс образи орқали қўйилаётган муаммолари туради. Шу жиҳатдан, О.нинг турли муаммоларни идрор қилиш, билиш имкониятлари жуда кенг. Шу боис ҳам, мутахассислар фикрича, миллий адабиётлар тарихида О.нинг гуллабяшнаши жамият ҳаётида туб ўзгаришлар юз бераётган даврларга тўғри келади. Зоро, деярли барча О.ларнинг материали – муаллиф яшаган давр ҳаёти, уларда шу даврга оид фактлар, замондошлар қаламга олинади.

Айрим манбаларда О.лар табиатига кўра бадиий адабиёт, белл-петристика (қ. белл-петристика) ёки публицистикага киритилиши мумкин деб кўрсатилади. Бироқ бу ҳолда О. билан ҳикояни фарқловчи жиҳатни белгилаб бўлмай қолади, зоро айрим ҳикоялар очерклилик хусусиятига (қ. ҳикоя) эга. Шунинг учун О.ни белл-петристика ва публицистика жанри сифатида тушунган маъқулроқдир.

ОҚ ШЕЪР (русчадан калька: “белый стих”) – муайян ўлчовга эга бўлгани ҳолда мисралари ўзаро қофияланмаган шеър. Европа шеъриятида XVI асрдан бошлаб, қофияси бўлмаган антик шеъриятга эргашиш натижаси сифатида пайдо бўлган. Дастлаб эпик ва драматик (Шекспир, Мильтон, Жуковский) поэзияда қўлланган, кейинчалик бу шеър шаклидан лирикада ҳам фойдаланила бошланди. О.ш. билан қофияланиш тартиби эркин бўлган шеър шаклларини чалкаштираслик керак. Юқорида айтилганидек, О.ш.да ҳамиша маълум ўлчов асосидаги изометрия мавжуд бўлади. Мас., У.Носирнинг қўйидаги шеъри:

Шафақ ўчай деб қолди,
Каптар қонидек рангсиз...
Кўзларимни узмайман.

Адабиётшунослик лугати

Дединг: Энди ұчар у!
Үтган қайтиб келмайди,
Эртани севиниб күт, –

7 бүгінли бармоқ вазнида ёзилған бўлиб, унда шу ўлчов бутун шеър давомида сақланади, лекин мисралари үзаро қофияланган эмас. XX аср ўзбек адабиётида О.ш. намуналари Ойбек, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, А.Орипов, Р.Парфи каби кўплаб шоирлар ижодида ҳам учрайди. Шунингдек, адабиётимизда О.ш.дан шеърий драмалар ёзишда ҳам фойдаланилган (М.Шайхзода. “Мирзо Улуғбек”).

ПАЛИНДРОМ (юн. palindrome – орқага югурмоқ) – сўз ўйинларидан бири; сўзни чаппа ўқиганда ҳам маълум маъно чиқадиган тарзда қўллаш, мисра ёки жумлага шу тарзда тартиб бериш; мумтоз шарқ адабиётшунослигига қалб (қ.) деб юритилади. П.да ўнг ё чаппа ўқилишидан қатъи назар, бир хил маъно чиқиши (айрим манбаларда турли маънолар чиқиши ҳам П.га мансуб этилаверади) кўзда тутилади. Мисра (жумла) доирасидаги П. сўзмасы сўз тартибда ёки ҳарфлар бўйича ўқилганда, сўз доирасидагиси эса ҳарфлар бўйича ўқилганда воқе бўлади. Агглютинатив тилларга мансуб туркӣ тилларда мисра (жумла) доирасидаги П.нинг воқе бўлиши жуда қийин, бунга сўз ўзгартирувчи кўшимчаларнинг сўз охирида келиши ва кетма-кет қўшилиб бориши халал беради; флексив тиллардаги шеъриятда мисра доирасидаги П.нинг ҳарфлар бўйича воқе бўлувчи хили сийрак бўлса-да, учраб туради (мас., “А роза упала на лапу Азора”). Булардан фарқли ўлароқ, П.нинг мазкур хилидан фойдаланиш имкони аморф тилларда (мас., хитой шеъриятида) анча кенг. Сўз доирасидаги П. нисбатан кўпроқ учрайди, ундан турли сўз ўйинлари қилган ҳолда муайян фикрни ифодалаш мақсадида фойдаланилади. Mac.:

Мен “йўқ”дан “кўй” қилдим,
“Йўқ” сўзини тескари ўқиб.

“Овсар” – “расво” бўлди.

“Нодон” эса...

Барибир “нодон”лигича қолди (И.Искандар).

Адабиётшунослик луғати

Агар келтирилган шеърда сўзнинг ўнг ва чаппа ўқилиши очик қиёсланган бўлса, Фахриёрнинг қуидаги шеърида ўзгача ҳол кузатилади:

*Қорни сира тўймаган шу Йўқ
Зарбоф тўн ҳақида ўйларми сира?
Ва ҳечса мингямоқ жандасину у
Тескари киймоқни ўйлаб кўрарми?*

Аввалги шеърдан фарқли ўлароқ, бунисида сўзни чаппа ўкиш кераклигига ишора қилиш (*тескари киймоқ*) билан чекланилган. Шоир “йўқ” сўзини мисрада грамматик жиҳатдан амалдаги қоидаларга хилоф позицияга қўяди ва бу билан уни алоҳида, бўрттирибтаъкидлаб кўрсатади, натижада сўз П. объектигина эмас, қўйилаётган саволларга жавоб сифатида лирик қаҳрамон изтиробларининг асоси бўлиб қолади.

Шунингдек, П. усулидан асарга, унда иштирок этувчи персонажлар, нарса-ҳодиса, тушунча ва ш.к.ларга ном беришда ҳам фойдаланилади. Мас., А.Каримовнинг “Қаро кўзим” фантастик қиссасида ҳаракатланувчи Аснрон, Азурефи, Аруҳшама каби персонажларнинг исми Анора, Феруза, Машхура исмларини чаппа ўгириб ҳосил қилинган. Фақат янги исмлар талаффузига ўзига хослик (гўё ўзга сайёраликлар тилига мослик) бағишлиш учун ҳосил қилинган исмларда товуш орттирилган.

ПАМФЛЕТ (фр. pamfe feuillet – учар варақа) – публицистика жанри, аниқ бир шахс ёки ижтимоий тузилма (тузум, партия, ҳаракат, гурӯҳ ва б.)ни кескин фош этиш мақсадига қаратилган кичик ҳажмли асар. П.нинг услубий хусусиятлари шу мақсадга мос: таъкидлар, мурожаатлар ва кучли эмоционаллик асосида юзага келувчи риторик интонациялар, патетик рух, афористик характерда ифодаланган ҳукм-хуносалар, ўткир сарказм даражасига етадиган яксон қилувчи киноявильик. Булар П.нинг ошкор тенденциоз руҳда бўлишини, ўкувчига бевосита таъсир қилишини таъминлайди. Гарчи П. жанр сифатида Реформация даврига келиб қарор топган бўлса-да, унга хос хусусиятлар антик адабиётдаёқ мавжуд бўлган. Жаҳон адабиёти тарихида М.Лютер, Э.Роттердамский, Ж.Мильтон, Ж.Свифт, В.Гюго, Э.Золя, Г.Манн, А.Герцен, Л.Толстой каби ижодкорлар қаламига мансуб П.лар машҳур ва муҳими, улар ўз даври ижтимоий-сиёсий тафаккурига жиддий таъсир ўтказган. XX асрда, айниқса, 20 – 30-йилларда F.Фулом, X.Олимжон, А.Қаҳҳор сингари

Адабиётшунослик луғати

адибларимизнинг қатор публицистик чиқишлари, гарчи уларнинг жанри аксар фельетон деб белгиланган бўлса-да, моҳиятан П. саналиши мумкин (мас., F.Гулом. “Янкилар, уйингга йўқол!”, “Жомаси пок, ўзи нопок бандалар” ва б.). П.га хос юқоридагича хусусиятлар баъзан бадиий асарларда ҳам кучли воқе бўлади ва шу билан боғлиқ ҳолда памфлетлилик ҳақида гапириладики, бундай асарнинг ҳамма унсури – тили, услуби, образлар тизими тўлалигича фош этиш мақсадига йўналтирилади. Шуни назарда тутиб, адабиётшуносликда баъзан ҳикоя-П., роман-П., пьеса-П. сингари атамалар ҳам ишлатиладики, улар асарнинг жанрини эмас, кўпроқ услубий хусусиятлари, ғоявий йўналишини аниқлаштиришга хизмат қиласди.

ПАЛЕОГРАФИЯ (юн. *palaios* – қадимги, *grapho* – ёзмоқ) – ёзувлар тарихини ўрганувчи тарихий-филологик фан соҳаси. П.нинг вазифалари доирасига қадимги ёзма ёдгорликларни тадқиқ этиш, битикларни ўқиш (расшифровка), улар яратилган жой ва вақтни аниқлаш кабилар ҳам киради. П. бу вазифаларни ёзув асосида, қадимги битикларнинг ёзув хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширади. П. ўз фаолиятини тарих, тил тарихи, адабиёт тарихи, матншунослик каби соҳалар билан мустаҳкам алоқада олиб боради. Жумладан, матншунослик фаолиятида П. муҳим ёрдамчи соҳа бўлиб хизмат қиласди.

ПАРАДОКС (юн. *paradoxos* – кутилмаган, ғалати) – жамиятда анъянавий тарзда ҳукм сурниб келаётган, аксарият томонидан қабул қилинган фикрга, баъзан эса зоҳиран соғлом мантиққа зид гап. П. афористикага хос лўнда ва ўткир ифода шаклига эга бўлади ва ўзи инкор қилаётган фикр зиддига ишонтира олиш ё олмаслиги, қайдаражада тўғрилигидан қатъи назар, оригиналлиги билан эътиборни жалб қиласди. Мазкур жиҳатлари билан П. баҳс-мунозаралар, публицистик чиқишлар, сатирик асарлар, замонавий анекдотларда самарали бадиий усулга айланади. Мас., Фахриёрнинг “Аксилэнология”(1985) шеърида кўпчилик онгига қарор топган “инсон табиатни бўйсундира олади”, деган қараш П. тарзида инкор этилади:

Пайҳон қилар одамни экин,
Ташбиҳ надур, далаларнинг ўзи бий.
Чўллар уни куввлаб боради,
Ё раббий.

Адабиётшунослик лугати

П. тарзида ифодаланган фикрдаги күтилмаганлик унинг ўкувчи онгида муҳрланиб қолишига, кейинчалик қайта-қайта мушоҳада қилинишига асос бўлиши билан, айниқса, эътиборлидир (мас., Фахриёр: “Юрак қушдир. Қафас билан бирга туғилган қуш”; “Дарё, сени қандоқ чўмилтирамиз, Қайда ювинарсан, булғанчик дарё?”). Баъзи асарлардаги сюжет ситуациялари, ҳатто асар тўлалигача П. принципи асосига курилиши мумкин. Жумладан, Фахриёрнинг қуидаги шеъри:

Ун бўлмаса ҳам уйида,
Дехқон элагини соттмайди.
Шикоятлар келмас ўйига,
Бирорга арз қилиб ёттмайди.

Очлик енгигб, тоқ бўлса тоқат,
Икки дунё тор келса кўзга,
У зорланмас, сўкинмас, фақат
Элагини тутар оғизга.

Шоир П. асосида “Эл оғзига элак тутиб бўлмайди” мақолини қайта мушоҳада этади, мустабид тузум шароитида мутелашган халқ фожиасини, замона ва тузумга кинояли муносабатини ифодайди.

ПАРАЛЛЕЛИЗМ (юн. *parallelos* – ёнма-ён турувчи ёки борувчи)

– 1) халқ оғзаки ижодида жуда кенг қўлланган, кейинчалик ёзма адабиёт томонидан ўзлаширилган тасвир усули, муайян ўхшашликка эга нарса-ҳодисаларни параллел (ёнма-ён) тарзда тасвирлаш. П. тасвирланаётган нарса-ҳодисалар орасидаги ўхшашлик ёки зидлик туфайли образни жонли тасвирлаш, ҳистийғуни ёрқин ифодалаш имконини беради. Поэтик усул сифатида П. илдизлари инсон ўзини табиатнинг узвий бўлаги ҳисоблаган, уни илоҳийлаштириб ва сифиниб яшаган қадим замонларга бориб тақалади. Шу боис ҳам халқ ижодида табиат билан инсон ҳаёти (муайян ҳаётий вазият, воқеа, руҳий ҳолат ва ҳ.) манзараларини параллел тарзда тасвирлаш, айниқса, кенг қўлланган. Мисол учун машҳур “Ёр-ёр” мисраларини олайлик:

Далада тойчоқ кишинайди
От бўлдим деб, ёр-ёр.
Үйда келин йиглайди
Ёт бўлдим деб, ёр-ёр.

Адабиётшунослик луғати

Мазкур парчада уйда йиглаётган келин билан далада кишинаёт-
ган тойчоқнинг параллел тасвирлангани келиннинг руҳий ҳолатини
ёрқин ифодалайди. Тойчоқ “от бўлдим деб кишинайди”, чунки “от
бўлиш” – етим ташланди демак, энди у олдингидек онасининг
бағрида беташвиш яшай олмайди; кишинаётган тойчоқ ўзга уйга
келин бўлиб тушган, “чиқкан қиз чилдан ташқари” ақидасига кўра
энди яқинларига “ёт” бўлган келиннинг дардини ифодалайди; 2)
аналогия асосида П.нинг синтактик П., лексик-морфологик П., пси-
хологик П., интоацион П. каби қатор бошқа кўринишлари ҳақида
ҳам гапирилади. Бу ҳолда ташкилланиши (фонетик, лексик-
морфологик, ритмик, синтактик ва б.) жиҳатидан бир-бирига ўхаш
нутқ бўлакларини матннинг турли бўлакларида таъкидлаб жойлаш-
тиришга асосланган стилистик фигура, матн композициясига дах-
лдор бадиий усуслар тушунилади. Жумладан, энг кўп тарқалган
кўринишларидан бири синтактик П.дир:

Йўлин йўқотса одам – муҳаббатга суюнгай,
Ғуссага ботса одам – муҳаббатга суюнгай,
Чорасиз қотса одам – муҳаббатга суюнгай...

Келтирилган мисолда П. банд доирасида, мисраларда жумла
курилишининг бир хиллиги асосида воқе бўлса, бъязан П. банд-
ларнинг синтактик курилишидаги бир хиллик асосида ҳам юзага
чиқадики, бу строфик П. деб юритиласи.

Синтактик П.нинг мураккаблаштирилган кўринишлари ҳам
бўлиб, бунга хиазм ва инкорли П.ларни мисол қилиш мумкин.
П.нинг жумладаги сўзларни тўла ёки қисман тескари тартибда так-
рорлаш асосига курилган кўриниши хиазм, кейингиси аввалги
бўлакни инкор қилувчи тури эса инкорли П. деб аталади. Қуйидаги
мисолда уларнинг иккиси ҳам мавжуд:

Ёмоннинг яхшиси бўлгунча,
Яхшининг ёмони бўл.
Сомоннинг буғдои бўлгунча,
Буғдоининг сомони бўл;

3) яна аналогия асосида композицион П. тушунчаси ҳам юзага
келган. Композицион П. турли кўринишларда намоён бўлади. Мас.,
эпик асарлардаги бир пайтда ёнма-ён кечётган (мас., Ч.Айтматов-
нинг “Қиёмат” романидаги Авдий, Акбара ва Бўстон сюжет чизик-
лари) ёки турли замонда кечгани ҳолда параллел тасвирланётган
воқеалар ётган сюжет линиялари (мас., Ҳ.Султоновнинг ўтмиш-

Адабиётшунослик луғати

ҳозир параллелига курилган “Ажойиб кунларнинг бирида” қиссаси) композицион П.га мисол бўла олади. Шунингдек, табиат тасвири билан қаҳрамон руҳияти, хаёлдаги ҳолат билан ҳаётий ҳолат, туш билан ўнг ва ш.к.ни параллел тасвирлаш ҳам композицион П. усулида амалга ошади.

ПАРАФРАЗ(А) (юн. *paraphrases* – қайта ҳикоя қилиш) – адабий матнни бошқа сўзлар билан, баъзан эса бошқача йўсинда (насрин асарни шеърий, шеърий асарни насрин йўлда) қайта баён қилиш. П. турлича сабаблар (матнни муайян ўкувчи оммага мослаштириш зарурати, асарни қабул қилишни осонлаштириш, қисқача мазмун билан таниширишнинг етарли экани, нашр имкониятлари ва ш.к.) билан амалга ошади. Мак., антик Римда Эзоп масаллари Федр ва Бабрийлар томонидан шеърга солинган; А.Навоий “Хамса”сига кирган достонларнинг насрин баёни амалга оширилган; ўкувчилар учун чиқарилган хрестоматияларда йирик асарларнинг боблари тушириб қолдирилади-да, уларнинг мазмуни анча муфассал баён қилинади ва ҳ. Гарчи П. адабиёт тарихида ва ҳозирги ноширлик амалиётида учраб турса-да, терминнинг адабиётшунослиқда қўлланиши фаол эмас.

ПАРДА – драматик асарнинг саҳнага кўйилганда узлуксиз воқеа сифатида ижро этилувчи бўлғаги. Одатда, саҳнада шу бўлак ижроси тутагач, парда туширилади: ўзбек адабиётшунослигида П. термини шу асосда пайдо бўлган, жаҳон адабиётшунослигида *акт* (лот. *actus* – ҳаракат) термини билан юритилади. Драмани П.ларга бўлиш антик даврдаёқ анъана тусига кирган, П.лар орасида хорнинг қўшиқ-рақслари ижро этилган. Антик адабиётда драматурглар асарни беш П.га бўлганлар, бу нарса классицизм даврида қатъий қоидага айлантирилган. Кейинги давр адабиётида бундай қатъийлик йўқ: драматик асарлар бир ёки бир нечта П.дан иборат қилиб бўлинаверади. Шу билан бирга, ҳозирда драматик асарни П.ларга эмас, бир-бирини давом эттирувчи “эпизод”ларга бўлиш ва спектаклни битта антракт (танаффус) билан тугатиш анъанаси шаклланган. Драматик асарнинг ижро учун мўлжаллангани П.ларга бўлининини табиий ва зарур ҳолга айлантиради. Чунки, одатда, бир П. воқеалари узлуксизлиги ва бир жойда кечиши, иштирок этувчи персонажлар таркиби билан бутунлик ҳосил қиладики, ундан сўнг П. туширилиши кейингисининг ижроси учун зарур ишларни

Адабиётшүнослик луғати

амалга ошириш (саҳна декорацияси, костюм ўзгариши, грим ва ш.к.) имконини беради.

ПАРОДИЯ (юн. parodia – тескари қилиб күйлаш) – 1) бирон бир асар, ижодкор, ижодий услугуб, жанр кабилар устидан қулиб ёзиладиган асар. П.да күлгига олинган асар (ижодкор, услугуб, жанр ва б.)га хос белгилар сақлаб қолингани ҳолда, мазмуни унга номувофиқ бўлади. Шунга кўра, П.нинг моҳияти күлгига олинган обьект (асар, ижодкор, услугуб, жанр ва б.) билан бирлиқда англешилади, бу ҳолда П. обьекти билан күлги обьекти битта. Mac.:

Тошқинлик, шошқинлик сувгадир хос,
Порлоқлик, ёрқинлик нургадир хос.
Учириш, ўчириш – сувгадир хос,
Барқ уриш, бўй тараш – гулгадир хос.
Ё.Исҳоқовнинг "Хусусият" шеъридан

Чўктириш сувга хос, бўктириш – ошга,
Оёқдан чалмоқлик хос эрур тошга.
Мен сенга янги гап айтмоқчи эдим,
Найлай шу эски гап кебқолди бошга.
Ў.Сайдов пародияси;

2) муайян асар, одатда, кўпчиликка таниш асарга хос шаклий хусусиятларни сақлаган ҳолда, бошқа бир мавзуни ҳажвий талқин қилишга қаратилган асарлар ҳам П. деб юритилади. Бу ҳолда П. обьекти билан күлги обьекти битта эмас. Яъни бунда обьект қилиб олинган асар устидан кулиш мақсади эмас, бошқа мақсадлар кузатилади. Mac., "Камайиб қолмас-ку давлатинг ахир, Бир бор кўкрагимга тақиб кўйсанг гул" – "Камайиб қолмас-ку давлатинг ахир, Бир бор чўнтағимга солиб кўйсанг пул".

ПАРЦЕЛЛЯЦИЯ (фр. parcelle – узв, бўлак) – нутқ ифодавийлигини ошириш усуулларидан бири, мелодика билан боғлиқ нутқ фигураси; битта жумла таркибидаги бўлакларнинг интонацион жиҳатдан алоҳида гап шаклида берилиши. П.га учраган бўлаклар ёзувда тиниш белгилари билан ажратилади. Mac., У.Азим шеъридан:

Дарахтларни зулумот кўмди.
Дарахтларга қарғалар қўнди.

Адабиётшүнослик лүфати

*Зулумотни оралаб нохуш
Қанот қоқиб ўтди бир бойқуш.
Бир вахима!.. Ҳасрат!..*

Парчадаги сўнгги икки мисра грамматик жиҳатдан бир бутунни (Қанот қоқиб ўтди бир бойқуш – бир вахима, ҳасрат...) ташкил қилиб, мисрада алоҳида гап шаклини олган бўлаклар (Бир вахима!.. Ҳасрат!..) аслида ажратилган изоҳловчилардир. Уларнинг алоҳида гап шаклини олиши шеърга ўзига хос оҳанг бағишлаб, мазмунни кучайтиришга (нохуш ҳолатнинг ёрқин ифодасига) хизмат қиласди. Ўзбек шеъриятида П. ҳодисаси кўпроқ уюшик бўлакларни (У.Азим: “Юравер. Қолма йўлдан. Қолган қолар. Ачинма. Чўчима ҳеч нарсадан”), ундалма ва ундовларни (У.Азим: “Майдада одам! Шошма! Ўз бошинг қолиб, Яна ўзга бошни олиб кетяпсан”; “Нодон! Мақсад тириклиқ, ишон!”), шунингдек, санаш оҳангидага боғланган йигиқ содда гапларни (У.Азим: “Ботир бўл. Олға юур. Қўрқма ҳар хил қотилдан”) алоҳида ажратиш орқали воқе бўлади.

ПАУЗА (юн. pausis – тўхтам) – нутқнинг бир текис оқимидағи узилиш, тўхтам. Жонли нутқда П.лар фикрни аниқ-равшан, керак ўринларни ажратиб-таъкидлаб ифодалашга ёрдам беради ва шу жиҳатдан мазмун ифодаловчи муҳим унсурлардан саналади. Бадийи нутқда П.нинг икки тури ажратилади: жумланинг синтактик қурилиши билан белгиланувчи мантиқий П. ва унга боғлиқ бўлмаган ритмик П.лар. Агар мантиқий П.лар ҳар қандай нутқка хос бўлса, ритмик паузалар фақат шеърий нутққа хос ҳодиса саналади. Ритмик П.лар баъзан мантиқий П.ларга ҳам мос келади, лекин шунга қарамай, шеърий нутқда ритм талабидан келиб чиқувчи ритмик П.лар етакчилик қиласди. Шеърий нутқ ритмини ҳис этишда П.лар жуда муҳим бўлиб, улар ритмик бўлакларни (туроқ, мисра, банд) талаффузда бир-биридан ажратади ва шу асосда ритмиклик яққол сезилади. Ритмик П.лар сифат жиҳатидан даражаланади: туроқлардан кейинги П. том маънодаги тўхтам эмас, у кўпроқ мелодиканинг ўзгариши ҳисобига тасаввур қилинади; мисрадан кейин анча сезиларли П., банд ниҳоясида эса бундан-да аниқ сезилувчи П. бўлади (қ. ритм).

ПАФОС (юн. pathos – ҳис, эҳтирос) – ижодкорнинг ўзи тасвирлаётган воқеликка ғоявий-ҳиссий муносабати, автор эмоционаллиги. П. термини антик эстетика ва риторикада ишлатилган бўлиб,

Адабиётшунослик луғати

кейинчалик турли маъно ўзгаришларига учраган. Жумладан, Арасту П. дегандан инсон қалбининг хусусияти, кучли эҳтиросни назарда тутади. Унга кўра, П. нотиқлик усулларидан бўлиб, унинг ёрдамида нотиқ тингловчиларда ўзи истаган ҳисларни уйготади. Терминни трагедияга нисбатан қўллаганида, Арасту П.нинг қаҳрамон фожиаси, руҳий изтироблари орқали намоён бўлиши ва томошабинда ҳам шунга мос ҳисларни уйготишни таъкидлайди. Кейинчалик, хусусан, Уйгониш давридан бошлаб П. инсон қалбининг хусусияти деб эмас, балки асарнинг муайян ҳис-туйгуларни уйғота олиш хусусияти сифатида тушунила бошланди, шу боис ҳам у кўпроқ услуб, қаҳрамон, кўтаринкилик, трагиклик каби тушунчалар билан боғлиқ ҳолда ишлатилди. Гегель эстетикасида П. жуда муҳим ўрин тутади, у санъатнинг ўзаги, "санъат салтанати"нинг асоси сифатида талқин қилинади. Гегельга кўра, П. инсон моҳиятини ташкил этувчи объектив мавжудлик, қални ҳаракатлантирувчи қудратли куч бўлиб, ижодкор ўз асарида уни ифодалашни мақсад қиласди, яъни муайян П.ни ифодалаш санъат асарининг муддаоси, ижоднинг мотивидир. Шу асосда Гегель ижодга туртки берувчи мотивлар, П. кўринишлари сифатида "оила, ватан, давлат, черков, шон-шараф, дўстлик, ғурур, номус, муҳаббат" кабиларни кўрсатади. Гегель таърифидаги П., кўпроқ, асар персонажлари билан боғлиқ бўлса, В.Белинский уни ижодкор шахси билан боғлайди. Унга кўра, П. "ѓоя-эҳтирос" бўлиб, у ижодкорнинг маънавий борлиғидан келиб чиқади. Бу ҳолда алоҳида олинган асар П.и ҳақида ҳам, муайян ижодкорга хос П. ҳақида ҳам гапириш мумкин бўлади. П.ни бундай тушуниш шўро адабиётшунослигида, жумладан, ўзбек адабиётшунослигида ҳам устуворлик қилди. Мас., Г.Поспелов П.ни бадиий мазмуннинг мавзуу, проблематика, бадиий ѓоя қаторидаги муҳим узвларидан деб билади ва унинг қаҳрамонлик, трагизм, сентиментализм, романтика, драматизм, сатира ва юмор каби турларини ажратади. Шуни қайд этиш лозимки, Г.Поспелов П. термини билан бир қаторда, воқеликка ғоявий-ҳиссий муносабат терминини ҳам кўллайди. Адабиёт назариясига оид айрим манбаларда эса П. ўрнига автор эмоционаллиги, воқеликка муносабат турлари каби терминлар ишлатилади. Мазкур ҳол ҳозирги адабиётшунослиқда П. термини кўлланиши жиҳатидан пассивлашганидан далолат беради. Бунинг сабаби эса унинг ҳодиса моҳиятини тўла қамрай олмаётгани билан боғлиқдир. Агар Арасту-Гегель

Адабиётшүнослик луғати

анъанаси бўйича П. кўпроқ персонажлар (объект) билан, Белин-сийдан бошлаб ижодкор (субъект) билан боғланган бўлса, ҳозирда субъект – объект – адресат учлигини бирлиқда олиб қараб, уларни қамраб оловчи бадиийлик модуслари (қ.) термини фаоллашди.

ПЕЙЗАЖ (фр. *paysage* – жой, юрт) – адабий асарда яратилувчи бадиий воқеликнинг муҳим компоненти, воқеалар кечувчи очик макон (ёпик макон – *интерьер*) тасвири. Анъанага кура, П. дейилганда, табиат тасвири тушунилади, лекин бу хил тушуниш бирмунча торроқ. Чунки П. нафақат табиатни (агар бу сўз остида бирламчи табиат тушунилса), балки у билан бирга инсон томонидан яратилган нарсалар тасвирини ҳам кўзда тутади. Шу маънода, мас., бирон-бир хиёбон ёки шаҳар кучасининг тасвири ҳам П., ҳолбуки, улар табиат тасвири эмас, жой тасвиридир. Ёзувчи П.ни воқеалар ривожини тўхтатиб қўйганча муфассал тасвирлаши (*статик* П.) ёки унга таалуқли деталларни воқеалар давомида бериб бориши (*динамик* П.) мумкин. Асарда П. бажарувчи бирламчи функция воқеалар кечаетган жой ва вақт ҳақида тасаввур беришdir. Бироқ П.нинг асардаги функциялари бу билан чекланмайди, у полифункционаллик хусусиятига эга. Жумладан, П. қаҳрамон руҳиятини очиш воситаси сифатида кенг қўлланади. Бунда жой тасвири (ундаги “ранг”лар) персонаж руҳияти билан уйғунлик касб этиши ҳам, унга контрастли фон бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин; қаҳрамон руҳиятидан ўтказиб берилган П. эса унинг айни дамдаги ҳолатини тасвирлаш воситаси (мас., “Ўтган кунлар”даги ҳайдалган Отабек кўзи билан кўрилган тол) бўла олади. Шунингдек, айрим ҳолларда П. сюжет воқеаларини асослайди ёки уларнинг у ёки бу йўналишда ривожланишига (мас., А.Орипов. “Ҳангома”) туртки беради. Турли адабий турларга мансуб асарларда П.нинг ўрни ва сифати фарқланади. Эпик асарларда анча муфассал тасвирланган П.лар кенг ўрин тутса, драматик асарларда фақат шартли равишдагина П. ҳақида гапириш мумкин. Зеро, ремаркаларда жойга хос бир нечта асосий деталларни умумий тарзда келтиришнинг ўзини фақат шартли равишдагина жой тасвири дейиш мумкин. Лирик асарларда ҳам П. кўпроқ деталлар тарзида мавжуд, бироқ улар лирик сюжетни ривожлантириш, асослашга хизмат қиласди, лирик ҳолат вақти ва макони ҳақида тасаввур беради, лирик субъект руҳиятидан ўтказиб берилгани боис ўша кайфиятнинг суратига айланади ёки

Адабиётшунослик луғати

уни ифодалаш учун фон вазифасини ўтайди ва б. Яъни П.нинг лирикадаги функциялари кўламлироқ, фақат тасвир кўлами (пейзаж лирикаси истисно қилинса) торроқ.

ПЕЙЗАЖ ЛИРИКАСИ – тавсифий лиrikанинг бир тури, лирик субъектнинг ҳис-туйғу ва кечинмалари табиат тасвири орқали ифодаланган асарлар. П.л.да тасвирланган табиат манзарасида лирик субъект қалби суратланади, лирик субъект қалбидан ўтказиб берилган манзара оний кайфиятнинг образига айланади. Шу маънода, П.л.да табиатни тасвирлаш мақсад эмас, балки бир воситадир. Лирик асарларни таснифлашда П.л. кўп ҳолларда тематик жиҳатдан ажратилади. Бироқ бу хил таснифда муайян шартлилек мавжуд. Зеро, шеърда пейзаж тасвирланган ҳолда, у тематик жиҳатдан фалсафий (А.Орипов. “Куз хаёллари”), ижтимоий-сиёсий (А.Орипов. “Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси”), интим (А.Орипов. “Сен баҳорни соғинмадингми?”) ва б. йўналишларда бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда шеърда тасвирланган манзара рамзий образга айланади ва мавжудликнинг мангу муаммолари, ижтимоий ҳаёт, инсон феъл-автори, ҳаётнинг мазмуни ва ш.к.лар моҳиятини образли тарзда очиб беришга қаратилади (Ойбек. “Наъматак”). Шеърни П.л.га киритиш учун унда тўлақонли манзаранинг чизилиши тақозо этилади. Шу маънода, пейзаж деталлари кечинмаларга туртки берувчи, лирик ҳолатни яратувчи ва ш.к. композицион унсур вазифасини ўтаган шеърлар билан П.л.ни фарқлаш жоиз. Мас., А.Ориповнинг “Баҳор” шеърида пейзаж элементлари ҳис-туйғуларга туртки беради, уларнинг ривожидаги бурилишларни асослайди, шеърнинг айрим парчалари – тўлақонли табиат манзараси. Шунга қарамай, “Баҳор” П.л. намунаси эмас, пейзаж деталлари кенг истифода этилган медитатив лирика намунасидир.

ПЕРИПЕТИЯ (юн. *peripeteia* – кутилмаган бурилиш) – сюжетшунослик категорияларидан бири, воқеа ривожи ва қаҳрамон тақдиридаги кутилмаган кескин бурилиш. Антик драма назариясида П. термини фаол кўлланган бўлиб, бу ҳол антик драма хусусиятлари билан изоҳланади. Жумладан, Арасту “Поэтика”да трагедиядаги П.ни қаҳрамон саъй-ҳаракатининг кўзланганига тамоман зид ҳолатга олиб келиши сифатида тушунтиради. Яъни П.га кутилмаганлик, қандайдир тасодиф туфайли воқеалар ривожи ва қаҳрамон тақдирида кутилмаган эврилишлар юз бериши хос бўлиб, бу

Адабиётшунослик луғати

қаҳрамон билан тақдири азал конфликтги асосига қурилган сюжетларда мұхим ақамиятта эга бўлган. Мас., Софоклнинг “Шоҳ Эдип” трагедиясида аввал чўпон, кейин эса элчи олиб келган хабар сюжет воқелари ривожида кескин бурилиш ясади, натижада шодлиқдан қайғуга ёки, аксинча, қайғудан ҳурсандчиликка бирдан ўтиш кузатилади. П.да қаҳрамон ҳаётидаги эврилишлар “баҳтиёрлик – баҳтсизлик” ёки “баҳтсизлик – баҳтиёрлик” схемалари асосида амалга ошади, сюжетнинг бундай тартибда қурилиши асарга қизиқарлилик, ўқишлилик баҳш этади. Шунинг учун ҳам П. антик адабиётда, ўрта асрлар ва Уйғониш даври адабиёти намуналарида воқеабанд сюжетларнинг мұхим структуравий унсури бўлган. Бадиий тафаккурнинг реализм босқичига яқинлашиши баробарида дадада қаҳрамон тақдирида тасодиф, умуман, тақдири азал роли сусайиб, ундаги ўзгаришларнинг ижтимоий-психологик омилларини очишга интилиш кучаяди, шу билан боғлиқ ҳолда, П.нинг сюжет структурасидаги роли ва салмоғи ҳам ўзгаради. Албатта, у изсиз йўқолгани йўқ, чунки, биринчидан, у сюжетга қизиқарлилик баҳш этувчи унсур, иккинчидан, инсон ҳаётида тасодиф сезиларли ўрин тутишини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Бироқ реализм адабиётида тасодиф ҳам муайян ҳаётий асосга эга, яъни у ҳақиқатга монанд тасвиrlанади. Мас., “Ўтган кунлар”да Отабекнинг уста Олим билан учрашиб қолиши – тасодиф, уста Парфи сабаб душманини таниши – тасодиф, ғанимлар режасидан воқиф бўлиши – тасодиф ва буларнинг бари ҳаётий заминга эга. Ҳозирги адабиётшунослиқда П. термини, асосан, драматик асарларга нисбатан қўлланади, эпик асарлар таҳлилида эса тушунчани *ситуация* термини ўзига қамраб олади.

ПЕРИФРАЗ(А) (юн. peri – яқин, атрофида, phrasis – гапираман) – нарса-ходиса, жой ёки шахсни ўз номи билан эмас, унга хос тавсифий белгиларни ифодаловчи сўз бирикмаси билан аташ; мөхияттан кўчимга яқин бўлгани учун манбаларда кўчим тури деб кўрсатилади. Мас., “Икки дарё оралиғида Ҳақ адолат топмади қарор” мисраларида географик жойлашишига оид белги орқали Ўзбекистон аталмоқда, бу ўринда нарса ва унинг жойлашиши ўни алоқадорлиги асосидаги кўчим кузатилади. Ёки “Шарқнинг юлдузи” (Ўзбекистон), “юртимнинг юраги” (Тошкент), “Шарқ дарвозаси” (Тошкент) каби П.ларда ҳам ўхашлик, функциядошлиқ асосидаги маъно кўчиши мавжуд. Бироқ П.да ҳаммавақт ҳам маъно кўчиши

Адабиётшунослик луғати

кузатилавермайди. Мас., Тошкент ўрнига “юртимиз пойтахти”, А.Қодирий ўрнига “миллий романчилигимиз асосчиси”, С.Аҳмад ўрнига “қаҳрамон адібимиз” тарзіда атаган П.ларда маъно күчиши мавжуд әмас, улар объектни унга хос белгиларни ўз маъносида ифодалаш орқали атайди.

ПЕРСОНАЖ (лот. *persona* – шахс, театр маскаси) – бадий адабиётдаги инсон образи, адабий асардаги воқеа иштирокчиси, ҳис-кечинма ва нутқ субъекти. П. термини қаҳрамон, *иштирок этувчи* (драматик асарда), *характер* терминлари билан битта синонимик қаторни ташкил қилиб, маъно жиҳатидан нейтрал бўлгани боис бу қаторда доминанта вазифасини ўтайди. Яъни П. термини уларнинг ўрнида бемалол қўлланиши мумкин, бироқ ҳамма П.ларга нисбатан ҳам қаҳрамон, иштирок этувчи ёки характер терминини ишлатиб бўлмайди. Зоро, улар ўзининг асарда тутган мавқеи, ташиётган ғоявий-бадиий юкнинг салмоғи, воқеалардаги иштироки, умумлаштириш даражаси каби қатор жиҳатлардан фарқланади, даражаланади.

ПЕРСОНАЖЛИ ЛИРИКА – субъектив шакллантирилишига кўра фарқланувчи лирика кўринишларидан бири, лирик кечинма ҳам лирик қаҳрамон, ҳам ўзга бир шахс тилидан ифодаланувчи шеър. Яъни бундай шеърда лирик қаҳрамон билан бир қаторда персонаж (ўзга бир шахс)нинг иштироки ҳам кўзда тутилади. П.л.нинг илдизлари ҳалқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётга бориб тақалади, уларда П.л.нинг куртаклари мавжуд. Жумладан, мумтоз адабиётимиздаги қўплаб шеърларда ёр, ағёр каби персонажлар иштирок этади. Бироқ, мас., ёр образи мавжуд шеърларнинг барини ҳам П.л. намунаси дейиш тўғри әмас, уларнинг аксариятида ёр тавсифланади, холос. П.л.га киритиш учун эса ўзга шахс шеър субъектларидан бирига айланиши, унинг тилидан ифода этилган лирик кечинма (ўй-фикр, ҳис-туйғу) мустақил ғоявий-бадиий қиммат касб этиши, бошқача айтсак, шеър диалогиклик (полифониклик) хусусиятига эга бўлиши тақозо этилади. Мас., Э.Воҳидовнинг “Ҳозирги ёшлар” шеърини П.л.нинг яхши намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Шеърдаги лирик персонаж – чолнинг ўй-ҳислари лирик қаҳрамон ўй-ҳисларига уйқашгина әмас, тўлақонли ғоявий-эстетик қимматга ҳам эга, чунки шеърда эстетик мушоҳада обьектига иккита нигоҳ билан қаралади, лирик субъект иккиланган. П.л.га хос

Адабиётшунослик луғати

бундай белгиловчи хусусият А.Ориповнинг “Самолётда ёзилган шеър”, Х.Давроннинг “Дунё гўзал...”, “Бобур” каби қатор шеърларида ҳам кузатилади.

ПЛАГИАТ (лот. *plagio* – ўғирламоқ) – адабий ўғирлик, ўзга ижодкорнинг асарини ўзлаштириб, ўзининг номидан (ёки тахаллус остида) эълон қилиш. Шунингдек, бировнинг асаридан айрим парчаларни айнан ўзлаштириб олиш ҳам, мазмунини сақлаган ҳолда шаклини бироз (жумла тузилишини, услубини, айрим сўзларни ва ш.к.) ўзгартириб ўзлаштириш ҳам П. саналади. Афсуски, П. бадиий ижод амалиётида ҳам, илмий ижод амалиётида ҳам учраб туради. Бу эса қонун билан ҳимояланган муаллифлик ҳукукини топташ бўлиб, юридик жиҳатдан ҳам, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам номақбулдир.

ПЛЕОНАЗМ (юн. *pleonasmos* – ортиқчалик) – кўпсўзлилик; нафақат муайян мазмунни тўлиқ ифодалаш учун, балки услубий жиҳатдан ҳам ортиқча сўз қўллаш. П. стилистик фигуralар сирасига киритилади, лекин меъёрдан бирозгина чекиниш уни услубий камчиликка айлантиради. Фикрни кучайтириб ифодаловчи восита сифатида сўзлашув нутқида (мас., “ўз кўзим билан кўрдим”), фольклор асарларида (“Қора сиёҳ қошлари... Қаро-қаро сочлари...”) кенг қўлланади. П.нинг меъёрни сақлаган ҳолда қўлланиши ифоданинг таъсирли, оҳангдор бўлишига хизмат қиласи (Э.Шукур: “Карвон хоки туроб – теварак сароб, Қаёққа кетармиз, эй дил, қаёққа?”). F.Фуломдан олинган қуйидаги шеърий парчада эса меъёр бир қадар бузилган, шу боис унда ортиқчалик сезилади, П. услубий камчиликка айланади:

*Қўш чиқди
МТС қўрасидан,
“Формол”, Челябин,
Харьков тракторлари,
Бир эмас, қатор ряд-ряд,
Якка эмас қўш чиқди, қўш чиқди.*

Бу ўринда бутун бошли шеърий банд биргина “тракторлар қатор-қатор бўлиб чиқди” деган фикрни ифода этади. Албатта, шоир қишлоқда техниканинг кўпайганидан бенихоя қувонганини изҳор этмоқчи, лекин меъёр сақланмагани учун ифода ва мазмун орасида номутаносиблик юзага келади.

Адабиётшунослик луғати

ПОВЕСТЬ (рус. ҳикоя, ривоят, қисса) – қаранг: **қисса**

ПОДТЕКСТ – қаранг: **тагмаъно**

ПОЛИФОНИЯ (юн. polys – күп, phone – овоз) – мусиқашуносликдан ўзлашган термин, М.Бахтиннинг “Достоевский ижоди муаммолари” (1929) асарида илк бор адабиётта татбиқан ишлатилган. Мазкур асарида олим Ф.Достоевский романнинг янги типи – “полифоник роман” яратганини асослаб берди. М.Бахтинга кўра, Достоевскийга қадар яратилган романларда маллиф онги устувор бўлиб, қолган ҳамма нарса, жумладан, қаҳрамон шунга тўла бўйсундирилган. Олим буни “романнинг монологик типи”, деб атайди ва, ундан фарқли равишда, полифоник романнинг асосий белгиси сифатида муаллифнинг қаҳрамонларга нисбатан диалогик мавқеда туриши, яъни уларнинг ҳар бири олам ҳақидаги ўз нуқтаи назарига эгалиги ва бу нуқтаи назарларнинг ҳар бири мустақил ҳолда (муаллиф нуқтаи назари билан параллел тарзда, унга бўйсундирилмаган ҳолда) яшашини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, М.Бахтин полифоник роман ғояси индивидуал онгда эмас, онглар диалогида яшайди, икки ёки ундан ортиқ онгнинг диалогида воқе бўлади, деб ҳисоблади. Яъни полифоник романдаги ғоялар интериндинвидуал, интерсубъектив характерга эгадир. Монологик типдаги романдан фарқли равишда, ғоянинг муаллиф онгига бўйсундирилмаганидан полифоник роман проблематикасининг ўзига хослиги келиб чиқади: унда инсон мавжудлиги билан боғлиқ узил-кесил ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар, инсон ҳаётидаги тасвирланётган вақтда ҳали тугалланмаган (давом этаётган) ҳолат ва манзаралар акс этади. М.Бахтин роман мисолида кўрсатиб берган П.ни фақат роман доираси билан чеклаб бўлмайди, зоро, олим роман мисолида XIX аср охирларидан бадиий тафаккурда содир бўлган ўзгаришларни очиб берган эдики, шу маънода П.ни бадиий тафаккурнинг янги сифат кўриниши деб тушуниш лозим. Айни чоғда, бадиий тафаккурнинг бу шакли монологик тафаккурни инкор қилмайди, яъни бу иккиси бадиий ижод амалиётида ёнма-ён яшайверади.

Полифонизм XX аср фалсафий-эстетик тафаккурига жиддий таъсир кўрсатиш билан бирга, адабиётшуносликда турлича талқинлар, терминни турли маъноларда қўллашларни ҳам келтириб чиқарди. Жумладан, ўзбек адабиётшунослигида баъзан конкрет

Адабиётшүнослик лұғаты

романни *полифоник* дейиш учун М.Бахтин Достоевский романлари мисолида күрсатған барча хусусиятларни излаб топиша интилиш кузатилади. Ҳолбуки, М.Бахтин асарлари 80 йиллар муқаддам ёзилған, полифоник роман ҳақидағи таълимоти эса қарийб 130 – 140 йиллар муқаддам яратылған асарлар асосида ишлаб чиқылған. Демак, полифоник роман айнан М.Бахтин айтған барча хусусиятларни үзида намоён этиши лозим, деган даъво үринсиз, сабаби, орада үтган вақт ичидә полифонизм бадий тафаккурда үзлашиб бұлған, баски, энди у үзини үзгачароқ шаклларда намоён қила олади. Яъни монологик роман (тезис)га зид үлароқ пайдо бұлған полифоник роман (антитетис) кейинчалик уларнинг ҳар иккисига хос жиҳатларни үзиге сингдириши (синтез), синтезлашиш йўлидан бориши табиий. Шу боис ҳам полифоник бадий тафаккур ҳозирда нафақат роман, балки қисса, ҳикоя каби эпик, шунингдек, драматик ва ҳатто айрим лирик асарларда ҳам кузатилиши мумкин.

ПОРТРЕТ (фр. *porterre* – тасвирламоқ) – 1) персонажнинг сүз воситасида тасвирланған ташқи күриниши (қиёфаси, жүссаси, кийими, юз-күз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракатлари, қилиқлари), үқувчи тасаввурда жонланадиган тұлақонли инсон образини яратыш ва унинг ҳарактерини очиш воситаларидан бири. П. эпик асарнинг композицион үнсүри бұлмиш *тасвиғнинг* бир күринишидір. Шартли равищда *статик* ва *динамик* П. турлари фарқланади. Статик дейилишига сабаб шуки, П.нинг бу навида персонажнинг ташқи қиёфаси сюжет воқеаси тұхтатылған ҳолда анча муфассал, деталлаштыриб чизилади. Одатда, бундай П.лар персонаж асар воқелигига илк бор кириб келған паллада (мас., “Кечә”даги Рассоқ сүғи П.и) берилади. Динамик П. деганда эса муфассал тасвир змас, балки воқеа ва диалоглар тасвирида, яъни ҳаракат давомида беріб борилувчи персонаж ташқи күринишига хос айрим деталлар назарда тутилади. Бундай П. деталлари (юз-күз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракати, қилиқлари) күпроқ ремаркалардан жой олади ва персонажнинг айни пайтдаги рухий ҳолатини ифодалашга хизмат қилади. Адабий асар муаллифи персонаж П.ини муфассал чи-зиши (А.Қодирий яратған Кумуш, Раъно П.лари) ёки унинг қиёфасига хос айрим деталларни бериш билан кифояланиши мумкин. Чунки П. – восита, демак, унинг қандай бўлиши муаллиф бадий нияти, унинг үзиге хос тасвир услуги, персонажнинг асарда тутган мавқеи каби қатор омиллар билан боғлиқдир. Мас., Чўлпон

Адабиётшунослик луғати

севимли қаҳрамони Зеби П.ини чизмаган, у персонажнинг сийратилини чизади, хатти-харакатларини жонли тасвирлайди, гап-сўзларидаги жонли оҳангни ифодалашга интилади, хуллас, ҳар бир ўқувчининг ўз Зебисини тасаввур этиб олишига имкон яратади. Натижада қаҳрамон қиёфасини чизмасликнинг ўзи ўзига хос бадиий усулга айланадики, унинг ёрдамида адид ўқувчини қаҳрамонига “яқинлаштиради”. Демак, П.нинг қандай ва қай даражада чизилиши белгили эмас, бунда асосий мезон – П. (ёки П. деталлари)нинг инсон образини ўқувчи тасаввур эта оладиган даражада тұлақонли яратиш учун етарли бўлишидир; 2) бирон бир шахс ҳәёти ва фаолиятини атрофлича ёритувчи ҳужжатли ёки мемуар очерк типидаги асарлар ҳам аналогия асосида баъзан П. деб аталади (мас., Ажойиб кишилар ҳәёти нашр туркумидаги асарлар). Шунингдек, танқидчилиқда кенг тарқалган ёзувчи ҳәёти ва ижодини ёритувчи адабий танқидий асарлар жанри адабий портрет деб белгиланиб, муомала амалиётида, кўпинча, П. деб юритилади.

ПОСТМОДЕРНИЗМ (фр. *postmodernisme* – модернизмдан кейинги) – ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб адабиёт ва санъатда, умуман, ижтимоий-гуманитар соҳаларда кузатила бошлаган оқим, ижодий метод. Француз постструктурализмининг деконструкция (Ж.Деррида), постфрейдизмнинг “шизоанализ” ва “онгсизлик тили” (Лакан, Ж.Делёз, Ф.Гаттари) таълимотлари ҳамда семиотикадаги киноявийлик концепцияси (У.Эко) П.нинг фалсафий асосини ташкил қиласди. П.нинг юзага келиш вақти, ўзига хослиги масаласида турлича фикрлар мавжуд. Айрим мутахассислар П. 40-йилларда, Ж.Жойснинг “Финнеган маъракаси” (1939) асари билан бошланган деса, бошқалари ўтган асрнинг ўрталарини, яна бир хиллари 70 – 80-йилларини кўрсатадилар. Ҳолбуки, П. термини анча аввал пайдо бўлган: илк бор П.Винницининг “Европа маданияти инқирози” (1917) асарида ишлатилган бўлса, Тойнбининг “Тарихни ўрганиш” (1947) асарида термин культурологик маънода, жаҳон маданиятида европоцентризмнинг барҳам топиши маъносида қўлланади. Адабиётшунослиқда ҳам П. термини XX асрнинг 20-йилларданоқ ишлатилган бўлиб, у адабий жараёндаги модернизмга акс таъсир ҳодисаларини, 60 – 70-йиллар америка адабий танқидчилигига эса ультрамодернистик ижодий тажрибаларни англатган. Терминнинг кенг оммалашиши Ч.Женкс номи билан боғлик: у ўзининг “Постмодернистик меъморлик тили”(1977) асарида П.ни

Адабиётшунослик луғати

неоавангардга хос экстремизм ва нигилизмдан чекиниш, қисман анъаналарга қайтиш маъносида қўллайди. Аслида, П. терминига турли вақтларда берилган таърифларнинг ҳар бири ўзида ҳодисанинг бир қиррасини мужассам этадики, бу маъно ўзгаришлари, маълум даражада, П.нинг шаклпаниш жараёнини акс эттиради. Аввало шуни қайд этиш лозимки, модернизм билан П. муносабати масаласида ҳам фикрлар турлича: П.га модернизм тараққиётидаги бир босқич сифатида қараш ҳам, уни модернизмга акс таъсир сифатида майдонга чиқсан янги ҳодиса деб билиш ҳам, эскирган бадиий шакллардан янгиларига ўтиш даври ҳодисаси деб ҳисоблаш ҳам бор. Шунга қарамай, ўтган асрнинг сўнгги чорагидан П.нинг модернизмдан жиддий фарқланувчи ҳодиса эканлиги тобора ошкор кўзга ташланиб, табиийки, у ҳақдаги шунга мос қарашлар ҳам устуворлик касб этиб борди. Ҳозирги адабиётшуносликда бу икки ҳодисанинг жиддий фарқланиши эътироф этиладики, фарқлардан айримларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

Модернизм	Постмодернизм
Янги адабиёт ва санъатни яратиш даъвоси, анъаналарни инкор қилиш	Анъаналарни ўзига сингдириш ва уларга синоявий муносабатда бўлиш
Оlamни хаос деб билиш, ундан қочиш	Хаос деб билинган оламни қабул қилиш, уни ўйин тарикасида ўзлаштириш
Гўзалликни реалликдан ташқаридан излаш	Гўзалликни реалликдан излаш
Антрапоцентрик гуманизм: инсонга муҳаббат	Универсал гуманизм, унинг обьекти жами тирик мавжудот, табият, коинот – бутун ОЛАМ
Маданиятда европоцентризм, Европа халқлари маданиятини умумбашарий маданият асоси деб билиш	Шарқ, Лотин Америкаси, Африка, Океания халқлари маданиятига кучли қизиқиш, барча маданиятларни қиммат жиҳатидан тенг билиш
Элитар санъат	Элитар ва оммавий санъат орасида чегаранинг йўқолиши, асарда элита ва оммага мўлжалланган қатламлар мавжуд бўлиши – иккиёклама код-

Адабиётшүнослик луғати

лаштириш	
Семантика, мазмун муҳим	Риторика, мазмунни етказиш шакли муҳим
Жанрлар, улар орасида аниқ чегаралар мавжуд	Жанрлар мутацияси
Ижодий жараённинг натижаси – тугал асар муҳим	Ижодий жараённинг ўзи муҳим
Ижодни индивидуал ҳодиса деб билиш, ижодкор фаоллигини ва унинг мазмунни шакллантирувчи марказ эканини эътироф этиш	Ижодда индивид ролини инкор қилиш, "муаллиф ўлими" концепцияси
ва бошқалар	

П. назариётчиларига кўра, “П. асри” ҳисобланмиш 70 – 80-йиллардан олам манзараси тамом ўзгартган, аввалгилардан фарқли шарт-шароитлар юзага келган. Жумладан, электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва Интернет тармоғининг ривожланиши маданиятларнинг ажаб қоришувига олиб келдики, турмуш тарзи ва маданиятдаги эклектиклик санъат ва адабиётда ҳам шунга мос эклектикликни келтириб чиқаради. Хусусан, адабиёт ва санъатда европоцентризм, этноцентризмнинг емирилиши, турли санъат “тил”ларининг қоришиб кетиши айни шу ҳол натижаси деб қаралади. Мазкур ҳолнинг яна бир омили сифатида оммавий дидсизлашиш кўрсатилади. Яъни бадиий дид ўтмаслашган, бадиий асар қиммати унинг қанча фойда келтиргани билан ўлчанадиган шароит адабиёт ва санъатдаги турли, ҳатто бир-бирига зид тамойилу услубларнинг қоришуви изн беради. Бу эса анъанавий бадиият мезонларини емиради, ҳақиқий санъат билан оммавий санъат орасидаги фарқни йўқотиб, санъатнинг дизайнлашувига олиб келадики, бундай санъатнинг ўзи бадиий дидни ўтмасластиради. П. назариётчилари нафақат реализм, балки умуман анъанавий санъат оламни тушуниш ва тушунтиришга интилган, шу мақсадга қаратилган “метаривоятлар”ни яратган деб биладилар. Бундан фарқли ўлароқ, П. оламни тушунтириш, у ҳақда яхлит тасаввур ҳосил қилиш, инсоннинг олам ва ундаги ўз ўрнини англашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатни бекор ҳисоблайди ва “метаривоятлар” ўрнига “кичик ҳикоятлар”ни, яъни олам ҳақида умумий эмас, балки фрагментлар тарзидаги узуқ-юлуқ “ривоя”ни тақдим этади.

Адабиётшунослик луфати

Зеро, П.га кўра, оламнинг мавжуд қиёфатида фақат фрагментларгагина ишониш мумкин. Айрим мутахассислар айни шу жиҳатни П.ни модернизмдан фарқловчи муҳим хусусият сифатида кўрсатишади. Уларнинг фикрича, воқеаликни бадиий идрок этиш мумкинлигини инкор қилгани ҳолда, модернизм унинг бадиий моделини яратадики, ҳақиқатда бу модель анъанавий санъат яратувчи "метаривоят"нинг муқобилидир. Яъни модернист санъаткор барибир ўзи англаган ҳақиқатни ифода этишга интилади, демак, унинг асари муайян ижодий ният асосида шакллантирилган концепциядир. Аксинча, П. учун бадиий асар ижодий ният ижросининг натижаси, яъни олдиндан белгиланган ният асосидаги ижодий жараён маҳсул эмас, балки унинг ўзи жараёндир. Натижада мазмун энди асардан ташқаридаги воқелик билан боғлиқ "объектив миф" эмас, балки пароканда оламда иҳоталаниб яшаётган индивиднинг шахсий таассуротларигина бўлиб қолади. Шу тариқа П. анъанавий маданият асосида ётuvчи "логоцентризм"ни инкор қиласи. Модомики, асосда маъни (логос) турмас экан, демак, уни шакллантираётган субъект – муаллифнинг фаол мазмунни шакллантирувчилик роли ҳам аҳамиятини йўқотади. П.га кўра, муаллифлик масаласининг актуаллашви янги давр – XVIII асрдан бошланган бўлиб, бу шахс мақомининг ўзгариши, рационализмга хос инсон дунёни ўзгартира олади деган ишонч натижаси эди. Эндилиқда, бу ишончга путур етган бир шароитда, бетартиб ва пароканда оламда инсон ўз ўрнини йўқотгани каби, адабиётда субъектнинг роли ҳам йўқолиши муқаррардир. Бундай қараш, биринчидан, "муаллиф ўлими" концепциясини келтириб чиқаради, иккинчидан, ижодни шахснинг мақсадли йўналтирилган яратувчилик фаолияти эмас, моҳияттан колектив ижод бўлган "интертекстуал ўйин" сифатида тушунишга олиб келади.

П. ўта мураккаб, серқирра ва зиддиятли, муҳими, фаол ҳаратдаги ҳодисадирки, у ҳақдаги мавжуд фикрлар тўлиқлик ва туғаллик даъвосини қилолмайди. Юқоридагилар П. ҳақида мутахассислар билдирган турлича фикрларни умумлаштириб, мухтасар ифодалашга бир уриниш холос. Ҳозирги ўзбек адабиётида П.га хос айрим белгилар (мас., киноявий модус, интертекстуал ўйин) модернизмга хос хусусиятлар билан қоришиқ ҳолда зухур қилаётгани ҳам бор гап. Бироқ ўзбек адабиётшунослигига хали бу масалани тадқик этиш деярли бошланмади, уни атрофлича ўрганиш ҳануз эртанинг вазифаси бўлиб қолмоқда.

Адабиётшунослик луғати

ПОСТСТРУКТУРАЛИЗМ (фр. poststructuralisme – структурализмдан кейинги) – ижтимоий-гуманитар билим соҳаларида ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб шаклланган илмий ёндашувларнинг умумий номи. П. структурализм бағрида етишган, унинг давоми ва қисман зидди сифатида майдонга чиқкан бўлиб, баъзан *неоструктурализм* деб ҳам юритилади. П. учун дастурий саналувчи айрим асарлар (мас., Ж.Деррида, “Грамматология ҳақида”) 60-йилларнинг охиридаёқ чол этилган бўлса ҳам, 70-йилларда унга структурализмнинг бир қаноти деб қаралган, 80-йиллардан бошлаб концептуал мустақилликка эришган. П.нинг ватани – Франция, унинг йирик намояндлари сифатида Ж.Деррида, К.Касториадис, Ж.-Ф.Лиотар, Ж.Делез, Ю.Кристева сингари олимлар эътироф этилади; АҚШдаги “деконструкция” йўналишидаги адабиётшунослар (Х.Блум, Д.Миллер, П.де Ман ва б.) ҳам П.га мансуб этилади. Мутахассислар француз структурализмининг йирик намояндаси Р.Барт фаолиятининг сўнгти босқичида П. мавқеида турганини таъкидлайдиларки, бу ҳам структурализм ва П. орасидаги генетик алоқани яқъол намоён этади. Структурализм каби П. ҳам маданиятга лисоний фаолият, матн деб қарайди, лекин уларнинг матнга муносабати кескин фарқланади. Агар структурализм матнга имманент ҳолда ёндашиб, унинг ички курилишини ўрганиш билан чекланса, П. асосий эътиборни матннинг ортидаги контекстга қаратади. Структурализм матнга турғун ҳодиса сифатида қараб, унинг унсурларини ажратиш ва таснифлаш орқали универсал қонуниятларни очишга интилса, П. матнни ҳаракатдаги ва ўзгарувчан ҳодиса деб билади, бу билан структуралистлар интилган “универсал структура” – “матрица”ни топиб бориш мумкинлигини инкор қиласди. Яъни структуралистлар матнлараро ўхашашликларни матн қурилишининг универсал қонуниятлари натижаси деб билса, П. уларни матнларнинг ўзаро алоқаси (*интертекстуаллик*) натижаси деб ҳисоблайди. Контекстга эътибор қаратиши билан П. герменевтикага яқинлашади, лекин матнни тушуниш масаласида ундан фарқидир. П.га кўра, матнни тушуниш “деконструкция” орқали амалга ошади: аввалига матн элементар узвларга ажратилади (“деструкция”), кейин қайта ийғилади (“реконструкция”) ва шу асно матнга ижод онлари контекстида муаллиф иҳтиёридан ташқари, англаммаган тарзда ёки ўзи яширишни хоҳлаганига зид ўлароқ кириб қолган маъноларни очишга интилади. Яъни П. мат-

Адабиётшунослик луғати

нда контекст қолдирган “из”ларни қидирадики, бу излар ғайришурый (онгсизлик) тарзда акс этгани учун уларни интуитив тарздагина фарқлаш мумкин. Яна бир жиҳати, П.га кўра, конкрет матнда фақат ижод онлари контекстининггина эмас, балки унга қадар мавжуд бўлган бошқа матнлар “из”и бор, аниқроги, матн ўша изларнинг йиғиндиси (“текст – кўштироқсиз цитата”. Р.Барт), матнлараро ўхшашликлар (фоя, мотив, образ) эса интертекстуал ўйин, турли аллюзиялар, англанган ёки англанмаган цитациялар натижасидир. Шунга кўра, ижодкор воқеликка эмас, балки ўзигача мавжуд бўлган матнларга тақлид қиласи. Бу қараш эса ижодда индивидуаллик ролини пасайтириш (автор ўлими), асаддаги образларнинг воқелик билан алоқасини инкор этишга (яъни белги воқеликка ишора қилмайди, у ўзинигина ифодалайди) олиб келади. Модомики, матн “из”лар йиғиндиси экан, талқин ҳам матндан ташқарида қоладиган нарсаларни тушунишдир, демак, тушуниш натижка эмас, балки жараёндир. Айни чоғда, П. учун муҳими тушуниш эмас, балки матн конструкцияси, унинг қандай ясалгани, матн яратиш технологиясини ўрганиш бўлиб қолади.

П.нинг асосчилари, айни чоғда, постмодернизм классиклари ҳам саналади. Худди постмодернизм каби, П. ҳам ҳозирда фаолиятда бўлган, демак, ўзгариб, шаклланиб, такомиллашиб бораётган ғоят серқирра ҳодисадир. Шу маънода, юқоридагиларни унинг айрим жиҳатларигина деб тушуниш, у ҳақда тўла маълумот олиш учун кўплаб маҳсус адабиётларни ўрганиш лозим.

ПОЭЗИЯ (юн. *poieo*, *poiesis* – ижод қилмоқ сўзидан) – 1) ҳозирда кенг қўлланувчи маънода бадий нутқни ташкил қилишнинг икки асосий типидан бири, ритмик жиҳатдан ўлчов асосида тартибга солинган нутқ, назм. Шу билан боғлиқ ҳолда, умуман шеърий йўлда ёзилган асарларни – шеъриятни билдиради: ўзбек поэзияси, 20-йиллар поэзияси ва ҳ.; 2) термин қарийб XVIII асрга қадар санъат тури, бадиият ҳодисаси сифатидаги адабиёт, бадиий адабиёт маъносида ишлатилган ва прозага қарши қўйилган. Бунда П. турга мансублигидан қатъи назар, барча адабий-бадиий (яъни бадиий образ воситасида иш кўрилган) асарлар жамини, проза эса адабий асарлар (кундаликлар, хотиралар, саёҳатномалар, тарихий ҳикоялар, фалсафий рисолалар ва ҳ.) жамини англатган.

Адабиётшунослик луғати

ПОЭМА (юн. *poieo*, *poiemta* – ижод қилмоқ, ижод қилинган) – қаранг: достон

ПОЭТИКА (юн. *poietike techne* – ижод санъати) – кенг маънода адабиёт назарияси, тор ва ҳозирда кўпроқ кўпланилаётган маъно-да адабиёт назариясининг таркибий қисми, адабий асар ҳақидаги таълимот. П.ни умуман адабиёт, сўз санъати ҳақидаги фан – адабиёт назарияси маъносида тушуниш антик даврлардан анъанага айланган. П.ни тор маънода – адабиёт назариясининг таркибий қисми сифатида тушуниш XX асрнинг илк чорагидан бошлаб қарор топган бўлиб, бунда рус адабиётшунослигидаги формал мактаб вакилларининг хизмати катта. Улар адабий асарнинг шаклий томонларига, унинг қурилиши масалаларига асосий эътиборни қаратдилар. Гарчи бу мактабнинг илк босқичида шаклни устун қўйиш, бадиий асар “приёмлар йигиндиши” (В.Шкловский) қабилидаги даъволар бўлса ҳам, кейинча бадиий шакл ва мазмунни уйғун бирликда олиб ўрганиш томон бурилиш кузатилади. Формал мактаб вакиллари ва унга яқин илмий мавқеда турган олимлар тил ва нутқнинг услубий қуринишлари (В.В.Виноградов), бадиий асар тили (Г.О.Винокур), шеър композицияси, ритм ва метрика (В.М.Жирмунский), шеърий синтаксис ва поэтик интонация (Б.М.Эйхенбаум), сюжет қурилиши (В.Шкловский), сеҳрли эртаклар структураси (В.Я.Пропп) каби қатор масалаларни атрофлича чуқур тадқиқ этдилар. Бу илмий изланишлар адабий асар моҳиятига кириб бориш, унга бадиий жозиба баҳш этган унсурларни очиб беришга қаратилган бўлиб, улар адабий асар қурилиши билан боғлиқ ўрганилиши лозим бўлган масалалар кўлами бениҳоя кенглиги ва муҳимлигини кўрсатди. Б.В.Томашевский ўтган асрнинг 20-йилларида: “П.нинг (бошқача айтсак – адабиёт ёки сўз санъати назариясининг) вазифаси адабий асар қурилиши усуулларини ўрганишдан иборатdir. П.нинг объекти – бадиий адабиёт”, – деб ёзаркан, П.ни адабиёт назариясига синоним тарзида ишлатса-да, унинг вазифаси “адабий асар қурилиши усуулларини ўрганиш”, деб таъкидлайди. Шунинг ўзидаёқ П.ни адабиёт назариясининг маҳсус соҳаси сифатида тушунишга мойиллик кузатилади. Худди шу йилларда В.М.Жирмунский П.ни “адабиётни санъат сифатида ўрганувчи фан”, дея таърифлайди. Унинг фикрича, эстетик обьект ва эстетик кечинма хусусиятларини белгилаш алоҳида фан бўлмиш П. доирасидан ташқарида, П.нинг вазифаси эстетик обьект – адабий асар

Адабиётшунослик луғати

структурасини ўрганишдир. Формал мактабга қарши турган М.М.Бахтин социологик П. ҳақида сўз юритади ва унинг вазифаси “Адабий асар нима? Унинг структураси қандай? Бу структуранинг элементлари қайсилар, уларнинг функциялари нималардан иборат? Жанр, услугуб, сюжет, мавзу, мотив, қаҳрамон, метр, ритм, мелодика ва ҳ. – нима?” каби масалаларни ўрганиш”, деб таъкидлайди. М.М.Бахтин назарда тутган социологик П.нинг предмети формал мактаб тушунчасидаги П. предметига, асосан, мос келади. Баҳслашувчи томонлар қарашларидаги бу муштараклик ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ П. адабиётшуносликнинг ўз предмети, вазифаларига эга бўлган маҳсус тармоғи сифатида кенг эътироф этила бошланганини кўрсатади. XX аср ўрталарига келиб П.ни адабиёт назариясининг таркибий қисми сифатида тушуниш тўла қарор топди, дейиш мумкин. Айни шундай талқин, одатда, кўпчилик томонидан эътироф этилган қарашларни акс эттирадиган энциклопедик луғатлар, ўкув адабиётларидан жой олгани ҳам бу фикри тасдиқлади. Жумладан, В.М.Жирмунский ўкув кўлланмасида: “Сўз санъатининг умумфалсафий, эстетик асосларини адабиёт назарияси ўрганади. П. эса адабиёт назариясининг асосий хулосалари га таянган ҳолда поэзия фойдаланадиган ифода воситалари системасини ўрганади”, – деб ёзди, адабиёт назарияси ва П.нинг вазифалар доирасини аниқ чегаралаб, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини таъкидлади. Ўтган аср ўрталарида чоп этилган б жилдлик “Қисқача адабиёт энциклопедияси”да эса П.га “адабий асарларнинг қурилиши ва уларда фойдаланиладиган эстетик воситалар системаси ҳақидаги фан”, дея таъриф берилган.

Тадқиқ обьектини қайси жиҳатдан ўрганиши, масалалари доираси, ўз олдига қўйган мақсади ва шуларга мос илмий ёндашувидан келиб чиқсан ҳолда, П. доирасида умумий (ёки назарий) П., хусусий П. ва тарихий П. соҳалари фарқланади. Умумий П., кўпинча, назарий П., баъзан эса “макропоэтика” деб ҳам юритилади. Умумий П. асарнинг ички қурилиши (фоника, ритмика, строфика, стилистика, образлар тизими, сюжет-композиция сатҳлари) билан боғлиқ умумий қонуниятларни очиш, бадиий воситалар ва усуllibар тизимини ишлаб чиқишини мақсад қиласи. Назарий П.дан фарқли ўлароқ, хусусий П. худди шу ишни конкрет асар доирасида амалга оширади, ўша асарнинг бадиий ўзига хослигини очиб бериш, тавсифлаш мақсадини кўзлайди. Тарихий П. эса алоҳида бадиий усул

Адабиётшунослик лугати

ва воситаларнинг тарихий тадрижини қиёсий ва типологик аспектларда ўрганади. Таъкидлаш жоизки, адабиётшунослиқда тез-тез учрайдиган “романтизм П.си”, “Чехов П.си”, “структурал П.” каби бирикмалар маъноси ҳам бевосита атаманинг асосий маъносидан ўсиб чиқади. Mac., “романтизм П.си” дейилганда, романтизм йўналишига мансуб асарларнинг курилишига хос умумий хусусиятлар, бадий усул ва воситалар тизими назарда тутилади.

ПОЭТИК ТИЛ – қаранг: бадий тил

ПРОЗА (лот. prosa – тўғри, одатий) – 1) ҳозирда кенг қўлланувчи маънода бадий нутқнинг икки асосий типидан бири, ритмик жиҳатдан ўлчовли тартибга солинмаган нутқ, наср. Шу асосда умуман насрда ёзилган асарларни – эпик турга мансуб асарларни билдиради: ҳозирги ўзбек прозаси, замонавий проза ва ҳ.; 2) XVIII асрга қадар поэзия билан қарши қўйилган ҳолда санъатга мансуб бўлмаган, яъни бадий образ воситасида фикрламайдиган адабий асарларни билдирган.

ПРОЗАИЗМ – бадий матн таркибида бегона, ўринисиз кўринадиган сўз, сўз шакллари, синтактик бирликлар П.лар деб юритилади. Адабиётда анъаналар, хусусан, бадий тил анъанавийлиги кучли бўлган даврларда бадий матнга одатий мулоқотга хос нутқ бирликларининг киритилишига жиддий камчилик деб қаралган. Бундай муносабат наср бадий нутқнинг назм билан тенг ҳуқуқли шакли сифатида кечроқ (Фарбда XVIII асрдан кейин) тан олингани, поэзия билан проза бир-бирига кескин қарши қўйилгани билан изоҳланади. Ўзбек шеъриятига бадий тил анъаналарига хилоф сўз ва синтактик конструкциялар – П.ларнинг қўплаб кириб келиши XX аср бошларига тўғри келади ва бу ҳол адабиётнинг тематик доираси кенгайгани, унинг ҳаётга яқинлашуви билан изоҳланади. Mac.:

Нонвойда йўқдур инсоф, андин ўтадур аллоф,
Кўр, чакса ун ҳамири қирқ икки нон бўлубдур.

Алҳол муҳтасиб йўқ, бир-икки қилса ул дўйқ
Ичкуга халқ рогиб, доим фиён бўлубдур.

Кўб қозиҳоналарда ушбу замоналарда
Ишдин закунчилар кўб, эмди ямон бўлубдур.

Адабиётшүнослик луғати

Ёки:

*Бир кунда ўн десят ер ҳайдаб қилурга тайёр,
Гар ҳайдар эрса бир бор, обод этиб трактур.*

Яна:

*Бир неча йиллар ичинде шахримиз жаннат бўлар,
Бул тариқа бошчилар қўлса ташаббуслар агар.*

Ибрат ғазалларидан келтирилган бу парчаларда фақат ўз даври учун янги сўзларнинг киритилиши эмас, ифоданинг ўзи ҳам П.лар саналиши мумкинки, улар оддий гаплар вазнга солиб айтилгандек таассурот қолдиради. Адабиётда реалистик тенденцияларнинг кучайиб бориши баробаридадада П.ларга муносабат ҳам юмшадики, бу сўз эстетик қимматининг қайта кўриб чиқилиши билан боғлиқ. Айни чоғда, бу бадиий тил анъаналарини тўла инкор қилиш дегани эмас, яъни бадиий тилни, айниқса, шеърий нутқни сўзлашув тилига яқинлаштиришда муайян меъёрни сақлаш зарур.

ПРОЛОГ (юн. pro – олдидағи, logos – сўз) – адабий асарнинг кириш қисми, муқаддима. П.лар мазмун мундарижасига кўра турлича бўлади: асарнинг ёзилиш сабабини изоҳлаш, асосий мазмунини мухтасар баён этиш, асар вақтигача юз берган воқеаларнинг қисқа баёни ва ҳ. Шунга кўра, П.лар турли бадиий-эстетик мақсадларга хизмат қилади: ўкувчини асар воқеалигига олиб кириш, тасвирланажак воқеаларнинг юз бериш омиллари ҳақида умумий тасаввур бериш, муайян эмоционал-хиссий ҳолат ҳосил қилиш ва ҳ. Ҳар қандай муқаддима эмас, фақат бадиий муқаддимагина П. саналиши мумкин. Яъни П. саналиши учун муқаддима бадиий матннинг узвий қисми бўлиб қолиши зарур, асосий матндан яқол ажralиб (ўзаро асосий матн – ёндош матн муносабатидаги) турган сўз бошиларни П. санаш тўғри эмас. Mac., “Ўтган кунлар”нинг “Ўзувчи-дан” деб номланган кириш қисми асосий матннинг узвий қисми бўлмай, балки ёндош матндири. Чўлпоннинг “Кеча” романи бошлинишидаги мўъжазгина баҳор тасвири эса матннинг узвий бўлаги. Шу маънода, “Ўтган кунлар”да муаллиф ижодий ниятлари изҳор этилган алоҳида сўз боши, “Кеча”да эса ўкувчини тасвирланажак воқеаларни қабул қилишга эмоционал жиҳатдан тайёрлашга қаратилган лирик характердаги П. мавжуддир.

ПРОТОТИП (юн. prototypon – образ асоси) – адабий асардаги образнинг яратилишига асос бўлган реал шахс. П. бадиий образ

Адабиётшунослик луғати

учун материал бўлиб, унинг ёзувчи бадий ниятига мувосф ик кайта
ишланиши асосида бадий персонаж – бадий образ яр, тилади.
Яъни бадий персонаж ҳеч вақт П.нинг айнан ўзи эмас, балки
унинг ёзувчи ижодий тафаккури маҳсулї ўлароқ дунёга келган "ба-
дий эгизаги"дир: улар орасида ўхшашлик бор, айнан мослук эмас.
Шунинг учун ҳам ҳужжатли асарлардаги персонажлардан фарқи
равишда, бадий асарлардаги П. асосида яратилган персонажлардан, а сарни
кўпроқ, ўзга ном билан ҳаракатлантирилади. Mac., "Ой инг П.И
чақа" (С.Мозем) романидаги Чарлз Стрикленд образининг П.И Малик
машҳур рассом Поль Гоген бўлса, "Қалдирғоч" С.Малик
қиссасидаги Асадулла Мираълом образининг П.И улуғ маърифат-
парвар Абдулла Авлонийдир. Замонавий мавзуларда бу реал
асарларда ҳаракатланувчи персонажлар ўқувчига у ёки персо-
шахси эслатади, ўша реал шахс қанчалик машҳур бўлсан, Mac.,
нажда уни таниб олувчилар доираси шунчалик кенг бўлади. Марни
ўтган асрнинг 80-йиллари охирлари – 90-йиллари бошларида
М.М.Дўстнинг "Лолазор" романидаги Ошно, Назар Яхшибоев анидаги
пахтакор, Қурбоной ёки С.Аҳмаднинг "Жимжитлик" романидаги
Мирвали образларининг П.ларини аксарият ўқувчилар таҳтиериали
ганлар. Умуман, кенг маънода қаралса, образнинг маъниси, асоси,
воқелик экан, ҳар қандай образнинг ҳам ҳаётда маълум шахс-
яъни ёзувчи ҳаётида дуч келган, кузатган, мулоқотда бўлғандида акс-
лар борлиги, ўша шахсларнинг маълум жиҳатлари обрасида-
этиши табиийдир. Бироқ П. ҳақида, одатда, у билан образ автория-
ги ўхшашликлар яққол сезилса ёки П. ёзувчи ижодий лаборатория-
сини ўрганишда аҳамиятли бўлсагина гапирилади.

ПСИХОЛОГИК МАКТАБ – XIX асрнинг охирги чорагидаги Европа
ва рус адабиётшунослигига майдонга келган илмий йўналаш. П.М.
маданий-тарихий мактаб ва биографик метод қараларни
қайта идрок этиб, уларни ривожлантириш асосида шаклланган.
Худди маданий-тарихий мактаб каби, П.м. ижодкор шакллангант
шаклланишида оила, ижтимоий муҳит, давр сингари омил асарда
муҳимлигини эътироф этади, биографик метод каби бадии ишларни
ижодкор шахси акс этади деб билади. П.м. мазкур қарашларни
бирлаштиради, яъни бу омилларнинг бари ижодкор руҳияти орқали
намоён бўлади деб ҳисоблайди ва шундан келиб чиқиб, ожоддор
руҳий биографияси, бадий ижоднинг руҳий томонларини ўзининг
ни дикқат марказига қўяди. П.м.га кўра, бадий образ индо-

Адабиётшунослик луғати

лида дунё билан алоқа таъсирида пайдо бўлган кечинмаларнинг ташқарига чиқиши, моддийлашуви натижасидир. Ижодкор, аввало, ўзи учун ёзади: у асарда ўзини қийнаётган дардлар, ўй-хисларни ифодалайди ва шу орқали улардан фориг бўлади, асар ижодкор қалби моделидан ўзга нарса эмас. Шунга асосан, П.м. конкрет асарга хос жами хусусиятлар илдизини ижодкор шахсияти, унинг руҳий ўзига хослигидан қидиради, асарлар бир-биридан фарқли бўлишининг сабабини эса турли кечинмалар ва турли ижодкор психологоик типлари мавжудлиги билан изоҳлайди. Яъни асарнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан ижодкор психологоик типи билан боғлиқ. Мас., Д.Н.Овсянико-Куликовскийга кўра, объектив ижодкор табиатан ўзига ёт бўлган қаҳрамонларни, субъектив ижодкор эса ўзига руҳан яқин бўлган қаҳрамонларни тасвирлайди; эгоцентрик бўлмаган ижодкор (мас., Пушкин, Чехов) ҳаётни кузатиш орқали ўз хулосаларини хотиржам ифода этишга, эгоцентрик ижодкор (мас., Гоголь, Достоевский) эса воқелик устида турли тажрибалар ўтказишга мойил бўлади ва ш.к. Албатта, ижодкор типларини бу тарзда фарқлашни ҳам, асарга хос айрим хусусиятларни тушунтиришда уларнинг аҳамиятини ҳам инкор этиб бўлмайди, бироқ П.м.нинг қарашларида буларни мутлақлаштириш кузатилади ва оқибатда адабиёт (бадиий тафаккур) тараққиёти қонуниятлари, унинг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги деярли четга сурилиб қолади. Мутлақлаштириш бадиий асар мазмунни масаласида ҳам яқол кўзга ташланади, бунда ҳам субъектив ибтидо устуворлик касб этади. П.м. бадиий мазмунни оний ҳодиса ҳисоблайди, яъни бадиий асар мазмунни ўкувчи онгода шаклланади, ҳар бир ўкувчи ўзининг бетакрор ҳаётий тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда мазмунни шакллантиради. Бундай қараш адабиётшунослик масалаларини фалсафий асосда, тил ва лисоний мулоқот қонуниятларидан келиб чиқсан ҳолда тушунтирган А.Потебня фикрларига асосланади. А.Потебняга кўра, лисоний мулоқотда фикр эмас, балки фикрнинг моделигина ("ташқи шакл") етказилади: тингловчи уни "ички шакл" (ташқи шакл онгда уйғотган тасаввур) билан боғлаган ҳолда фикрни (мазмунни) англайди. Яъни сўзловчи фикрни бевосита етказаётгани йўқ, уни моделга таянган ҳолда тингловчининг ўзи қайта ҳосил қилмоқда. Олимнинг фикрича, адабий асарнинг ўқилишида ҳам худди шу қонуният амал қиласи. Табиийки, бундай ёндашув диалогиклик қонуниятига зид бўлиб, адабиёт моҳиятини торайти-

Адабиётшунослик лүгати

ришга олиб келади. Жумладан, А.Потебня санъаткорнинг вазифаси асарни яратадиган вақти унга муайян мазмун минимумини юклаш эмас, балки образни ўкувчи онгидаги турли мазмунларни шакллантиришга асос бўла оладиган даражада серқирра қилиб яратишдан иборат деб ҳисоблайди.

П.м.нинг алоҳида илмий мактаб, йўналиш сифатидаги фаолияти XX аср бошларида барҳам топиб, унинг ўрнини интуитивизм ва психоанализ эгаллади. Шунга қарамай, П.м. адабиётшунослик ривожида сезиларли из қолдирди, унга хос таҳлил тамойиллари қатор илмий муаммоларни янгича ёритишига имконият яратди ва бу билан сўз санъатини илмий билиш доирасини кенгайтирди. Ҳозирги адабиётшуносликдаги кўплаб йўналишлар П.м. ишлаб чиқкан таҳлил усусларини ижодий ўзлаштириб, улардан ўз адабий-эстетик системалари доирасида самарали фойдаланмоқда.

ПЬЕСА (фр. *pièce* – парча, қисм) – драматик турга мансуб ҳар қандай асар. Термин XX асрдан бошлаб шу маънода қўлланади, драматик асар, жанридан қатъи назар – у трагедия, комедия ё драма бўладими, П. деб ҳам юритилаверади.

РАВИЙ (ар. *رَوْيٌ* – юкни туяга боғлайдиган арқон) – қофияланиб келаётган сўз ўзаги ёки негизи охирида айнан тақрорланиб келувчи чўзиқ унли ёки ундош. Мумтоз поэтикада қофияланаётган сўзларда Р.нинг айнан тақрорланиши шарт ҳисобланган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Атойининг машҳур:

Ул санамким сув яқосинда паритек ўлтурур,

Ғояти нозуклигидин сув била ютса бўлур, –

байти ҳақида “қофиясинда айбинаси бор”, деганида, айнан Р.нинг йўқлигини назарда тутган (бўлур – ўлтурур). Яъни биринчи мисрадаги “ултурур” сўзининг ўзаги “р” билан, “бўлур” сўзининг ўзаги эса “л” билан тугамоқда.

РАДД (ар. *رَدَّ* – қайтармок) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, бир сўзни байтнинг турли ўринларида тақрорлаш. Сўз байтнинг қайси ўринларида тақрорланаётганига қараб, Р.нинг бир неча турлари фарқланади ва уларнинг ҳар бири тақрорланиш ўрнини ифода этувчи алоҳида номга эга. Mac.: *раддул ъажз Ѣала садр* (к.) каби. Бундан ташқари, шеърда қофия, матлаъ каби унсурларнинг турли кўринишларда тақрорланиб келиши ҳам мана

Адабиётшунослик луғати

турли кўринишларда тақрорланиб келиши ҳам мана шу истилоҳ билан юритилади: *радд ул-қофия* (к.), *радд ул-матлаъ* (қ.) каби.

РАДД УЛ-МАТЛАЪ (ар. رد المطاع – матлаънинг қайтарилиши, тақрорланиши) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат. Номланиши “матлаъни тақрорлаш” маъносини берса ҳам, амалда ғазал матлаъси ёки қасиданинг биринчи байти таркибидаги мисралардан бирининг сўнгги байтда (баъзан оралиқдаги байтлардан бирида) тақрорланиши ҳам Р.м. деб юритилаверади. Мисранинг тақрорланиши шунчаки тақрор бўлмай, балки маълум бир поэтик мақсадни кўзлайди. Ғазал матлаъси ёки қасиданинг биринчи байтида илгари сурилган фикр-гояни шоир кейинги байтларда ривожлантириб боради, шеър ниҳоясида эса байт (мисра)ни тақрорлаш орқали ўша фикр-гояни таъкидлайди. Натижада матлаъ (ёки унинг бир мисраси)да ифодаланган фикр-гоя, ҳис-кечинма тўлишади, ёрқинроқ ифодасини топади. Зоро, тақрорланаётган матлаъ (мисра) гўё ўзидан аввал келган байтлардаги мазмунни сингдириб олади ва умумлаштириб ифода этади. Ўзбек мумтоз шеъриятида Навойдан бошлаб кенг қўллана бошлаган ушбу санъатнинг гўзал намуналарини деярли барча шоирлар ижодида учратиш мумкин. Хусусан, Э.Воҳидов шеъриятида Р.м. санъатидан жуда самарали фойдаланилган. Мас., шоирнинг:

Тушда кўрдим дилбаримни, эй сабо, уйғотмагил,
Олма бир дам васл шавқин, қўй, мени қўзғотмагил, –
матлаъси билан бошланувчи ғазали мақтаъсида матлаънинг илк
мисраси тақрорланади:

Гар ўйқотсам бу кечада мен қайга боргум ахтариб,
Тушда кўрдим дилбаримни, эй сабо, уйғотмагил.

РАДД УЛ-ҚОФИЯ (ар. رد القافية – қофиянинг қайтиши, тақрор келиши) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, ғазал ёки қасиданинг биринчи байти мисраларидағи қофия ҳосил қилаётган сўзлардан бири ёки ҳар иккисининг кейинги байтларда, баъзан эса мақтаъда айнан тақрорланиши. Мас., Лутфийнинг:

Қон бўлди кўнгул фироқингиздин,
Жон куйди ҳам иштиёқингиздин, –
матлаъси билан бошланувчи ғазали биринчи мисрасидаги қофия мақтаъда яна тақрорланиб келган:

Адабиётшүнослик луғати

*Бу Лутфийи ҳастани сұрунгким,
Бечора ұлар фироқингиздин.*

РАДД УЛ-ҖАЖЗ МИН АС-САДР (ар. رد العجز من الصدر – садрдан ажга қайтиш) – мұмтоз адабиётдаги шеърий санъат, бир сұзниң байтнинг турли үринлари (садр, ҳашв, аruz, ibtidio, зарб)да тақрорланиши. Бунда тақрорланаётган сұзлар бир хил маңноли булиши, үзаро тажнис (омонимик муносабат) ёки иштиқоқ (үзакдош) ҳосил қилиши, шунингдек, шибхи иштиқоқ, яғни аспи үзакдош бўлмаса-да, ёзилиши (омограф) ёки талаффузи (омофон)га кўра яқин бўлиши мумкин. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, Р.а.м.с. тарзида умумий ном билан юритилувчи мазкур санъатнинг турли қўринишлари фарқланади. Mac., куйидаги байтларда бир хил маңноли сўзлар байтнинг турли үринларида тақрорланади:

*Ишқ ӯти тушган кўнгулга ӯзга ўт бегонадир,
Мен бўлибман, воҳ ажаб, дардманди шеър, бемори ишқ.*

*Ой жамолининг акси кўзгу бағрига тушди,
Рашк ӯтида бағримни ўртар-у ёқар кўзгу.*

Навоийнинг:

*Гар Навоий хўблар сайдидур, аммо қилмамиш
Сендин ӯзга кимса ул ошуфтаи расвони сайд, –*

байтида тақрорланаётган сўзлар үзаро омонимик муносабатда (биринчи мисрадага **сайд** сўзи “ўлжа” маңносида, иккинчи мисрада “ов жараёни” маңносида келган) бўлиб, тажнис ҳосил қилса, Атой-ининг:

*Номуроде бўл Атойи, дилбарунг йўлиндаким,
Дилбар ўқтур, ошиқи содиққа дилбардин мурод, –
байтида эса ӯзакдош сўзлар тақрорланиб, иштиқоқ ҳосил қиласи.*

РАДДУЛ ҖАЖЗ ҖАЛА САДР (ар. رد العجز على الصدر – аждан садрга бориш) – мұмтоз адабиётдаги шеърий санъат, байт охри (ажз ёки аruz)да келган сұзни кейинги байт боши (садр)да тақрорлаш. Ушбу санъат илми бадиъга оид манбаларда мутобиқ, муқаддар истилоҳлари билан ҳам юритилади. Mac.:

*Кеча-кундуз қилма гулбонгингни бас, эй андалиб,
Ким санга беш кун бу гулшан ичра мөхмон бўлди гул.*

Адабиётшунослик луғати

*Гул чоги ёри сафар айлаб, Навоий жонига
Хар бири бир тоза қонлиг дого ҳижрон бўлди гул.*

РАДИФ (ар. **رِدِيف** – отнинг орқасига эргашиб, мингашиб келувчи, изма-из борувчи) – мумтоз лирикадаги шеър унсурларидан бири, шеър давомида барча байт (ёки мисра)лар охирида қофиядан сўнг айнан тақорланиб келувчи сўз, сўз бирикмаси. Яъни, моҳиятан, Р. ҳам сўз тақорининг хусусий кўриниши бўлиб, фақат унинг тақорланиш ўрни қатъий белгиланган. Иккинчи томондан, шеър унсури сифатида Р. ритмни таъкидлаб кучайтириш функциясини ўтайдики, бу сўз тақорининг ҳамма кўринишларига ҳам хос эмас. Ниҳоят, Р. сўз ёки сўз бирикмасининг шунчаки тақорори эмас, у байт (ёки мисра) билан ажралмас мазмуний алоқада бўлиб, фикр-туйғуларни таъкидлаш, кучайтириш каби вазифаларни ҳам бажаради. Mac., Огаҳийнинг:

*Дўстлар, бу кун ажаб бир сарв қомат кўрмишам,
Сурати боштин оёқ ғарқи латофат кўрмишам, –*

матлаъсида “қомат” ва “латофат” жуфтлиги қофияни ҳосил қиласа, улардан кейин тақорланиб келаётган “кўрмишам” сўзи Р. бўлиб, у ғазалдаги кейинги барча байтларнинг иккинчи мисрасида “қомат-латофат” жуфтлиги билан қофиядош сўзлардан кейин тақорланади. Машрабнинг қуидаги байтида Р. бир неча сўздан иборат:

*Муродингга етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,
Ситам аҳлин ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.*

Айрим ҳолларда Р. бундан ҳам кўпроқ сўзлардан таркибланиб, мисранинг асосий қисмини эгаллаши ҳам мумкин. Mac., Навоийнинг “Жондин сени кўп севармен эй умри азиз”, Бобурнинг “Туз ох, Заҳириддини Муҳаммад Бобур” мисраси билан бошланувчи рубоийларида ўзаро қофияланадиган мисралар фақат қофия ва Р.дангина иборатdir. Мумтоз шеъриятимизда Р. ғазалларда, айниқса, кенг кўлланади. Шу боис ҳам ғазални ё матлаъ, ё Р. билан аташ кўпроқ расм бўлган: “Навоийнинг “Топмадим” Р.ли ғазали”, Бобурнинг “Қолдиму” Р.ли ғазали” ва ш.к.

РАЖАЗ (ар. **رَجْز** – тия ҳолдан тойганда пайдо бўладиган қалтироқ касали) – аруз баҳрларидан бири, мустафъилун аслининг (– – v –) тақороридан ҳосил бўлади. Мазкур баҳр изтиробли оҳангга эгалиги учун шундай номланган. Р. ўзбек шеъриятида анча фаол

Адабиётшүнослик лүғати

қўлланадиган баҳрлардан ҳисобланади. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”ида Р.нинг ўн уч вазни, Бобурнинг “Муҳтасар” асарида эса олтмиш уч вазни мисоллар билан санаб ўтилган. Ўзбек шеъриятида Р. баҳрининг саккиз руқни, тўрт руқни вазнларидан кенг фойдаланилган. Р. баҳрида ёзилган шеърларнинг ўзбек шеъритидаги дастлабки намуналари “Қиссанаси Рағбузий”да учрайди. Навоийнинг жами ийгирма тўрт шеъри (жумладан, ийгирма икки ғазал, бир қитъа, бир муаммо) Р. баҳрида ёзилган. Бундан ташқари, Атойи, Саккокий, Лутфий, Гадоий, Огаҳий каби мумтоз шоирлар билан бирга, замонавий шоирлар ижодида ҳам Р. баҳридан кенг фойдаланилди. Мас., Огаҳийнинг “Устина” радиофли машхур ғазали раЖази мусаммани солим вазнида бўлиб, унинг чизмаси: --
v - -- v - / -- v - / -- v - кўринишидадир:

Қылғыл тамошо қомати зебоси бирла оразин,
Гар күрмасанғ гүл бўлғонин пайванди шамшод устинага.

РАМАЛ (ар. **رمل** – түянинг лўқиллаши, куй номи) – аруз баҳрларидан бири, фоилотун асли (– v – ~) такоридан ҳосил бўлади. Баҳрнинг оҳангি түянинг лўқиллашига ўхшагани учун шундай номланган. Фоилотун рукнида бир ватад икки сабаб орасига бўйра тўқилганга ўхаш ҳолатда жойлашгани учун рамала, яъни тўқиш маъносини билдирувчи сўздан олинган, деган фикрлар ҳам бор. Р. баҳри ўзбек мумтоз шеъриятида энг кўп ишлатилгани учун уни туркий баҳр деб ҳам юритилади. А.Навоийнинг “Мезон ул-авзон”ида Р.нинг ўн уч вазни, Бобурнинг “Муҳтасар” асарида эса эллик тўққиз вазни мисоллар билан санаб ўтилган. Ҳусайний (Хусайн Бойқаро) қаламига мансуб ғазалларнинг бари шу баҳрда ёзилган бўлиб, бу Р.нинг жуда фаол қўлланганига ёрқин далиллар. Шеъриятимизда Р.нинг 8 ва 6 рукнли жами йигирма тўрт вазнидан кенг фойдаланиб келинган. Р. баҳрида ёзилган шеъларнинг дастлабки намуналари “Қиссаси Рабгузий”да учрайди. Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонидаги 1827 та (ярмидан кўпи) шеър Р. баҳрида ёзилган. Mac.:

Дилбаро, сендин бу ғамким, менда бордур, кимда бор?

Фурқатингдин бу аламким, менда бордур, кимда бор? –
матлаъли ғазали рамали мусаммани маҳзуз вазнидадир. Манбаларда фоилотун рукнининг байт таркибида ҳеч қандай зиҳофга учрамаган ҳолда такрорланишидан ҳосил бўладиган вазн (рамали мусаммани солим: –у – – / – у – – / – у – – / – у – –) шеъриятимизда

Адабиётшунослик луғати

Навоийгача ҳам, ундан кейин ҳам мутлақо құлланмагани, фақат Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" күллиётида биргина ғазал мана шу вазнда яратилгани айтилади. Унинг матлаьси:

Эй жамолу раҳматингдин гар залипу гар муazzаз,

Сафҳау кавнайн ўлуб отинг тарозидин мутарраз.

"Мезон ул-авзон"да эса ушбу вазнга мисол сифатида қуйидаги байт келтирилган:

Келки, ишқингдин құңгулда йұқтурур сабру қарорим,

Бошима еткүр қадамким, ҳаддин ошти интизорим.

РАМЗ (ар. رمز – имо, ишора, имлаш) – символ; құчим турларидан бири, фақат шартли равишда ва шу матн доирасида құчма маъно касб этувчи сўз ёки сўз бирикмаси; образлилек тури. Р. моҳияттан аллегорияга яқин, ундан фарқи шуки, Р. контекст доирасида ҳам ўз маъносида, ҳам құчма маънода құлланади. Р.нинг маъноси контекст доирасида ва шартдан хабардорлик бұлғанда реаллашади. Мак., Чүлпон шеъриятидаги "юлдуз", "булут", "баҳор", "қишлоғ" образлари Р.нинг ёрқин мисоли бұла олади. Жумладан, машхур "Қаландар ишқи" шеърини ишқий мавзудаги шеър сифатида тушунавериш мүмкін. Бироқ унданға Р.лар қатида бошқа маъно ҳам мустақил ҳолда мавжуд булып, уни ўз вақтида шоирға рухан яқин кишилар яхши тушунишган. Сабаби, улар рамзларнинг маъноси англашиладиган контекстдан – шоирнинг ҳаёт йўли, орзу-интилишлари, шеър ёзилган пайтдаги рухий ҳолати ва ҳ. омиллардан хабардор бұлғанлар. Демак, Р. маъноси ҳозирда ҳам Чүлпоннинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси контекстидагина англаниши мүмкін. Р.нинг табиатини Р.Парфи шеъридан олинган қуйидаги парча мисолида кўриш мүмкін:

Яна келдим маҳзун гүшага,

Бунда бир най ётибди синиб.

Қўй, сигинма ортиқ ўшанга,

Қўй, сигинма унга, сөвгилим...

Парчадаги "синган най" рамздир. Мазкур рамзни ўз маъносида ҳам (яъни гарчи нотабиий кўринса-да, ўша гүшада чинданам синган най ётибди, маъносида), лирик қаҳрамоннинг йұқотилған ҳислари, армонга айланған орзулари маъносида ҳам тушуниш мүмкін. Кейинги ҳолда "синган най"ни Р. сифатида қабул қылған бұламиз. Мұхим томони шуки, "синган най" билан "йұқотилған ҳислар, армонга айланған орзулар" орасида метафорадаги каби

Адабиётшунослик луғати

ўхашашлик ёки метонимиядаги каби алоқадорлик асосидаги муносабат йўқ. Яъни “синган най” фақат шу контекст доирасидагина шартли равишда ўша мазмунни ифодалайди. Худди шу гап Чўлпоннинг “Қаландар ишқи” шеъридаги “ёр”, “муҳаббат”, “денгиз”, “юлдуз”, “қуёш” Р.ларига ҳам таалуқли. Зеро, улар ҳам ўзлари ифодалаётган рамзий маъно билан ўхашашлик ёки алоқадорлик муносабатида эмас, фақат шартли равишдагина (шартдан, контекстдан боҳабар кишиларга) рамзий маънони ифодалайдилар. Шартдан, контекстдан бехабар ўқувчи учун эса шеърнинг фақат бевосита мазмуни, юзадаги мазмунигина мавжуддир.

РЕАЛИЗМ (лот. *realis* – мавжуд, ҳақиқий) – адабиётшуносликда Р. термини тор ва кенг маъноларда қўлланади. Кенг маънода Р. терминининг маъноси бадий асар (унда тасвирланган бадий воқелик) билан реал воқелик муносабатидан келиб чиқади. Яъни бу ҳолда Р. умумэстетик тушунча бўлиб, ҳаётни ҳақиқатга (реаликка) мувофиқ тасвирлашни, ҳаёт ҳақиқатини билдиради. Ҳар қандай бадий асарда воқелик у ёки бу тарзда акс этиши, воқеликни ҳаётга монанд тарзда акс эттириш эса қадимдан мавжудлиги эътиборга олинса, бу маънодаги Р.нинг илдизлари жуда қадим замонларга тақалиши табиийдир. Шу боис ҳам адабиётшуносликда антик Р. (ёки мифологик Р.), уйғониш даври Р.и, маърифатчиллик Р.и каби атамалар ишлатилади, табиийки, бу маънодаги Р. классицизм, сентиментализм каби йўналишларга ҳам хосдир. Демак, бу маънода Р. термини ҳаётни бадий акс эттириш принциплари, бадий тафаккур типини англатади.

Тор маънода Р. ҳаётни ҳақиқатда мавжуд нарса-ҳодисалар моҳиятига мувофиқ тарзда, воқелиқда мавжуд фактларини типиклаштириш (қ.) асосида яратилган бадий образлар орқали акс эттиришга асосланувчи ижодий метод ва онгли равишда шу методга таянган адабий йўналишни билдиради. Ушбу метод (йўналиш)нинг майдонга чиқиши XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Р. методида адабиётнинг билиш функцияси устувор аҳамият касб этади, реалист ижодкорлар адабиётни олам ва одамни (жумладан, ўзини) идрок этишининг мухим ва самарали воситаси деб биладилар. Шунга кўра, Р. ҳаётни бутун мураккаблиги билан кенг кўламда акс эттиришга интилади. Билиш мақсадининг устуворлиги боис Р. инсонни ижтимоий мухит билан узвий алоқада тасвирлайди, ижтимоий-тарихий шароитнинг инсон тақдирни ва феъл-атворига таъсирини

Адабиётшунослик луғати

теран бадий тадқиқ этади. Зеро, реалист санъаткор инсон тақдири, унинг амаллари, орзу-интилишлари ижтимоий асосга эга деб билади, буларнинг барини ижтимоий-психологик жиҳатдан асослашга интилади. Айни чоғда, етук Р. адабиётида инсон ижтимоий шароитта боғлабгина қўйилмайди, инсон ўз иродага кучи билан ундан юқори кўтарила оладиган, унга қарши тураладиган куч сифатида ҳам кўрсатилади. Худди шу жиҳати билан Р. натурализмдан фарқланади, ҳаётни унга қараганда теранроқ ва ҳаққонийроқ акс эттира олади. Инсонни мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида тасвирларкан, Р. ҳаётни кенг кўламда тасвирлашга эришади, жамиятнинг жорий ҳолати, ундаги тараққиёт ёки таназзул тенденцияларини бадий идрок этади, у ҳакда ўзининг бадий хукмини исфодалаб, адабиётнинг концептуал функциясини амалга оширади. Айни чоғда, Р.ни ҳаётдан оддийгина нусха кўчириш (қ. натурализм) деб тушунмаслик керак. Зеро, ижодий метод сифатида Р. ҳам воқеликни ижодий акс эттиради, ижодий қайта яратади. Р. адабиётидаги ижодий қайта яратиш типиклаштириш, яъни воқеликнинг муайян давр ва муҳит учун энг характерли жиҳатларини умумлаштириш орқали амалга ошади. Бироқ ту ҳол ижодийликка зид деб тушунилмаслиги керак, зеро, Р.даги типиклаштириш бадий тўқимани асло инкор қўймайди, фақат унинг ҳам воқелик моҳиятига мувофиқ бўлишини тақозо этади. Шу билан бирга, Р. тараққиёти давомида, хусусан, XX аср Р.ида бадий шартлилек (рамзий образлар, ривоятлар, фантастика элементлари ва ш.к.)нинг турли кўринишлари ҳам кенг қўлланила бошлади. Мазкур ҳолга реалистик тасвир принципларидан чекиниш деб қарамаслик керак. Аксинча, бу Р. адабиётининг ҳаётни теранроқ идрок этиш, ўз бадий имкониятларини бойитиш йўлидаги ҳаракати, унинг адабий жараёндаги бадий-эстетик ҳодисалар (турли адабий йўналишлар, оқимлар; янги услубий оқимлар, тасвир принциплари ва б.) билан ижодий рақобат-мулоқоти натижасидир.

XIX аср ўрталаридан майдонга чиқсан Р. метод (йўналиш)и шўро адабиётшунослигига танқидий Р. деб, шўро адабиётининг методи эса социалистик Р. деб юритилган. Ҳар икки терминнинг илмий муомалага кириши ҳам М. Горький номи билан боғлиқдир. Булардан биринчисини танқидий Р. деб атаркан, М.Горький бу давр реалистик адабиёти намуналарининг аксарияти мавжуд буржува тузумидаги ижтимоий муносабатларни теран таҳлил этиши ва

Адабиётшунослик луғати

унинг инсонийликка зид моҳиятини очиб бериши ҳамда ғоявий-бадиий инкор қилишидан келиб чиқади. Иккинчиси, яъни социалистик Р. ҳам худди шу каби ғоявий-мафкуравий асосда таърифланган, у воқеликни марксча-ленинчча дунёқараш асосида баҳолаши билангина фарқланади. Ҳолбуки, биринчидан, ижодий метод сифатида Р. моҳиятан битта ҳодиса бўлиб, унинг доирасида турлича дунёқарашлар ифода этилиши мумкин; иккинчидан, у ўз тараққиёти давомида сифат жиҳатидан ўзгариб-такомиллашиб, ўзининг тасвир ва ифода имкониятларини муттасил бойитиб борган.

РЕАЛИЯ (лот. *realis* – ашёвий) – муайян ҳалқнинг турмуш тарзи, маданияти, тарихи билан боғлиқ бетакрор, ўзга ҳалқларда учрамайдиган нарса-ҳодиса, тушунча; шундай нарса ва тушунчаларни англатувчи сўз. Адабий асарда муайян давр, жой колоритини беришда, миллий турмуш тарзи, миллий рухни ифодалашда Р.лар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни таржимада адекват ифодалаш катта қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам таржима амалиётида Р.лар, кўпинча, айнан берилиб, изоҳ билан таъминланади. Муайян ҳалқ турмушида ишлатилувчи нарса-буюмлар (мас., каноз, тамогавк, мокасин ва ш.к. – ҳиндуларда; исириқ, обрез, тахмон ва ш.к. – ўзбекларда), ҳудудий-маъмурӣ бўлиниш номлари (аббатлик, губерния; улус, туман, музофот), диний унвон ва даражалар (аббат, поп, епископ; шайхулислом, муфтий, қози), мансаб номлари (граф, барон, дъяк; bek, амир, тунқотор, ҳудайчи, ҳоким), шунингдек, географик ёки маданий-этнографик тушунчаларни англатувчи сўзлар ҳам Р.лар сирасига киритилади.

РЕМАРКА (фр. *remarque* – изоҳ) – драматик асарларда муаллиф томонидан саҳна воқесининг бошланиши олдидан берилувчи ёки унинг кечиши давомида қавс ичидаги бериб борилувчи изоҳлар. Р. парда ёки кўриниш олдидан берилган ҳолларда воқеа кечаетган жой, вақт, иштирок этувчилар ва ш.к.лар ҳақидаги зарур маълумотлардан иборат бўлади. Воқеа давомида берилаётган Р.лар эса нутқ жараёнига (овоз тони, оҳанги, темпи, паузалар; персонажнинг тана ҳолати, юз-кўз ифодаси, имо-ишоралари, қиликлари) ёки саҳнадаги ҳаракатга (персонажларнинг саҳна бўйлаб ҳаракатлари, янги персонажнинг саҳнага чиқиб келиши ё кетиши ва б.) оид тафсилотларни ўз ичига олади. Р.лар драматик асарни саҳналаштиришда ва, айниқса, уни ўқиш жараёнида воқеаларни тасаввурда

Адабиётшунослик луғати

жонлантиришда жуда мұхим. Чunks Р.лар мұаллифнинг ўзи асар воқеаларини қандай “күргани”, персонажларнинг гап-сўзларини қандай “эшитгани”ни ифода этади.

Анъянага кўра, Р. термини драматик асарларга нисбатан қўлланиб келинган бўлса, эпик асарларда диалогнинг (саҳнавийлик хусусиятига эгаликнинг) кенг ўрин олиб бориши баробари дадада термин эпик асарларга нисбатан ҳам қўлланила бошлади. Ҳозирда эпик асарлардаги диалоглар давомида мұаллиф томонидан бериб борилувчи (овоз тони, оҳанг, темп, паузалар; мимика, имоишоралар, персонажнинг ҳаракати ва ш.к.ларга оид) изоҳлар ҳам, кўпинча, Р. деб юритилмоқда.

РЕМИНИСЦЕНЦИЯ (лот. *reminiscentia* – хотирлаш, эслаш) – 1) адабий ҳодисаларнинг диалогик муносабатда бўлиши натижаси ўлароқ юзага келувчи ҳодиса, адабий асардаги илгари мавжуд бўлган асарларни ёдга солувчи нуқталар. Бундай Р.лар англанган ёки англанмаган (асарда ижодкор хотирасида мухрланиб қолган ўзга асардаги нуқталарнинг ғайрихтиёрий тарзда акс этиши) равища вое бўлади; улар очиқ-ошкор эмас, шу боис илғаб олиниши ҳам бирмунча қийин ва шу жиҳати билан ўзлаштириш ва тақлиддан фарқланади. Мас., Ш.Раҳмоннинг шеърида Торобий тилидан айтилган қўйидаги сўзлар Чўлпон шеърларини ёдга солади:

Жоним-жигаримсан
сен-да одамсан,
лоақал кўзингда бир ёш кўрсайдим,
лоақал қовушиб қолган кўлингда
ёвларга аталган бир тош кўрсайдим.

Ҳозирги китобхон учун парчадаги Р.лар аниқ қўринар, лекин шеър ёзилган 1983 йилда кўпчилик учун ўхшашликни илғаб олиш қийин бўлгани ҳам аниқ. Ёки шоирнинг “Мен севган дарёлар шундоқ қолурму, мени ўйлатган йўл қолурми шундоқ? Мен суюнган тоғлар шундоқ қолурми, шундоқ қолармикан юракларда доғ?” сатрлари жадид шеъриятидаги оҳангларни ёдга солади. Шунга ўхшаш, Ҳ.Олимжоннинг “Муқанна”сида Муқанна тилидан айтилган қўйидаги гаплар ҳам Чўлпоннинг “Бузилган ўлка”га шеъридаги оҳангларни эслатади:

Нима учун юрт чиқмайди оловдан?
Нима учун эл қутулмас таловдан?
Нима учун элни босган ҳашарот?

Адабиётшунослик луғати

Дин, ҳирож деб ўз-ўзига қўйди от?
Нега қилди элни бунча гадой, хор?
Нега бўлди ҳамма сенга отбоқар?
Қиз онадан, хотин эрдан ажралди,
Косиб уйдан, деҳқон ердан ажралди?
Нима учун?

Кейинги мисоллардаги Р.лар ритмик хотира туфайли вужудга келган бўлиб, Р.нинг бу тури деярли барча шоирлар ижодида кўплаб кузатилади; 2) адабий асардаги ўзидан илгариги адабий ҳодисаларни эслатувчи, онгли равишда ёки англанмаган тарзда юзага келган нуқталарнинг бари, адабиётдаги адабиёт образи. Мазкур маънода терминнинг қамров қўлами кенгаяди ва у, табиийки, биринчи маънони ҳам ўз ичига олади. Бунда асардаги (кўштироқда ёки қўштироқсиз берилган) цитаталар, шеърий мисралар (жумладан, назира, тахмис), образлар (мас., талмех санъати), ғоявий-тематик ва эмоционал мотивлар (мас., А.С.Пушкиннинг “Куз” – А.Ориповнинг “Куз хаёллари” шеърлари) билан бирга, бошқа ижодкорларнинг асарларини эслатиш (мас., А.Қодирий романларида Фузулий ва Саъдий; Чўллон романида М.Арцибашев, Л.Андреев асарлари тилга олинади), улар ҳақида билдирилган мулоҳазалар ҳам Р.лар ҳиссобланади. Шунингдек, бу маънода адабий асарда бошқа санъат турларига мансуб асарларнинг эслатилиши, муҳокама этилиши ёки шарҳланиши (мас., А.Ориповнинг “Муножотни тинглаб”, У.Азимнинг “Театр” туркуми, Х.Давроннинг “Гулливер лилипутлар диёрида” шеърлари) ҳам Р.ларга киритилади.

РЕТАРДАЦИЯ (лот. retardation – секинлаштириш, тутиб туриш) – эпик асарларга хос сюжет-композицион усул, воқеалар ҳақида ҳикоя қилишни, сюжет ривожини секинлатиш. Р. асарга сюжетдан ташқари элементлар (лирик чекинишлар, муфассал портрет, пейзаж тасвири, персонаж характеристикасини бериш, персонажнинг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилиш, киритма ҳикоялар, ривоят ва ш.к.лар)ни киритиш орқали амалга ошади. Мас., “Мехробдан чаён”нинг бошланишида шу усулда ҳар бир персонаж ҳақида тафси-потлар берилади, натижада Солиҳ маҳдум асарнинг бошида буюрган манти 17-бобга бориб ейилади, яъни асосий воқеанинг ҳикоя қилиниши секинлаштирилади.

Адабиётшунослик луғати

РЕПЛИКА (фр. *réplique* – жавоб, эътиroz) – диалогнинг нутқ субъекти алмасиши билан чегараланувчи қисми, битта нутқ субъекти томонидан айтилган нутқ бўллаги. Ҳажм жиҳатидан Р. чегаралган эмас: у биргина товуш, сўз, сўз бирикмаси, битта гап ёки бир-бирига боғлиқ бир неча гапдан иборат бўлиши мумкин. Шунингдек, диалог иштирокчиларидан бирининг бошқасига жавобан жим қолиши (бу ёзувода кўп нуқта билан ифодаланади) ҳам Р.дир, чунки у шаклан нолга teng бўлса-да, ҳамиша мазмунга эга бўлади.

РЕФРЕН (фр. *refrain* – нақорат, қўшиқнинг ҳар бир бандидан сўнг айнан қайтариладиган банд, ярим банд ёки мисра. Р. ёзма адабиётга фольклордан ўтган бўлиб, у халқ қўшиқпарида кенг қўлланган; 2) шеърдаги ҳар бир банд охирида такрорланиб келувчи мисра. Бу маънода Р. мумтоз шеъриятимиздаги *таржеъ санъатига тўғри* келади. Farb шеъриятида Р. асосига қурилган рондо, рондель, триолет, баллада каби, ўзбек мумтоз шеъриятида эса *таржеъбанд* каби қатъий шеър шакллари мавжуд.

РИВОЯ (ар. *رواية* – ҳикоя қилиш) – воқеликни объектив-воқеабанд тарзда акс эттирувчи эпик асарларнинг ўзаги, эпик асар қурилишининг асосий шакли, ундаги муаллиф ёки персонаж-ҳикоячи нутқи, яъни асар матнининг персонажлар нутқидан ташқари қисми. Р.нинг асоси замон ва маконда кечувчи воқеалар ҳақидаги ҳикоя бўлиб, ўша воқеалар кечётган замон ва макон, уларнинг иштирокчилари бўлган персонажларга оид турли тафсилотлар (пейзаж, нарса-буюмлар, портрет, муаллиф характеристикиси), муаллифнинг фалсафий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий ва ш.к. мазмундаги мушоҳадалари, муаллиф тилидан берилган персонаж ўй-фикрлари (ўзиники бўлмаган муаллиф нутқи) ҳам бевосита унинг таркибий қисмидир. Эпик асардаги Р. муаллиф, ровий ёки персонаж ҳикоячи тилидан, яъни турли мавқе, “нуқтаи назар”дан туриб олиб борилиши мумкин. Шунга кўра, Р. композицияси “нуқтаи назар”ларнинг муайян ғоявий-бадиий мақсадлар билан ўзаро алмашиб туриши, параллел берилиши, бирлаштирилиши, зидланиши кабилар билан белгиланади. Эпик асарда Р.нинг объектив ва субъектив кўринишлари кузатилади. Биринчи ҳолда Р. “холис кузатувчи” мавқеидан туриб олиб борилади, яъни ровий воқеаларга аралашмайди, тасвир предметига муносабат очиқ ифодаланмайди; иккинчисида эса, аксинча, воқелик “ич-

Адабиётшунослик луғати

дан ўтказиб” берилади, тасвир предметига муносабат ҳам ошкор ифодаланади (қиёсланг: А.Қаххор. “Үғри” – F.Фулом. “Менинг ўғригина болам”). Яна бир фарқ Р. субъективининг тасвиirlанаётган воқеадан хабардорлик даражасида ҳам кузатилади. Анъанавий эпосда Р. субъекти воқеанинг барча икир-чикирларидан воқиф шахс сифатида намоён бўлади (мас., эртакларда), у асарнинг ҳар нуқтасида ҳозиру нозир, воқелик, асосан, унинг нигоҳи орқали берилади. Замонавий эпосда кенг оммалашган объектив Р. гўё айни дамда ўз ҳолича кечайётган воқеа-ҳодисаларни тасвиirlаётганлик иллюзиясини ҳосил қила олади (бу жиҳат кичик эпик шаклларда тўла, йирик эпик шаклларда эса кўпроқ эпизодик тарзда намоён бўлади), бу эса ўқувчида Р. субъекти ҳам воқеаларни шу вақтда кузатаётгандек (яъни воқеаларнинг юз бериш ва ҳикоя қилиниш вақти орасида тафовут йўқдек) таассурот қолдиради. Шунингдек, ҳозирги эпосда етакчилик қилаётган бу нав Р. асар давомида нуқтаи назарнинг ўзгариши, воқеликнинг гоҳ муаллиф, гоҳ ҳикоячи-персонаж, гоҳ эса бошқа бир персонаж нигоҳи билан кўрилиши ва баҳоланишига имкон беради. Бу эса тасвиirlнинг динамиклигини таъминлайди, унга жонлилик ва ҳайтийлик бахш этиб, эстетик таъсир кучининг ошишига хизмат қиласи. Бундан ташқари, тасвир предметига баҳо бераётган субъектларнинг кўлпайиши Р.нинг полифониклик касб этиши, яъни муаллиф, ҳикоячи-персонаж ва қаҳрамон ғоявий мавқеларининг турлича бўлишига имкон яратади (қ. полифония). Замонавий эпик асарларда Р.нинг турли кўринишлари мавжуд эканлиги, улар конкрет асарда синтезлашган ҳолда воқе бўлаётганини таъкидлаш лозим.

РИДФ (ар. ردف – изма-из келтириш) – қаранг: муқайяд қофия

РИТМ (юн. *rhythmos* – тенг ўлчовлилик) – кенг маънода Р. муайян бўлакларнинг маълум вақт оралиғида тартибли такрорланиб туришидир. Бу маънодаги Р. борлиқдаги жуда кўп нарса-ҳодисаларда бор. Мас., тарновдан томчилаб турган томчилар чиқараётган товушда, ариқ сувининг маромли шилдираб оқишида, йил фаслларининг, кун билан туннинг алмашинувида; инсоннинг юрак уриши, нафас олиши, маълум бир ҳаракатни бажариши – буларнинг барида Р. кузатилади. Р. табиий равишда инсон нутқига ҳам хос. Ҳар бир индивид нутқининг ўзига хос Р.и бўлиб, бу ритм унинг физиологик имкониятлари (мас., ҳар бир одамнинг нафас

Адабиётшунослик луғати

олиши ўзига хос, нутқ ритми эса күп жиҳатдан шунга боғлиқ) билан белгиланади. Кундалик мuloқот нутқидаги ритмга турли омиллар (мас., касаллик, рухий ҳолат, бирор нарсадан таъсирланиш, ҳаракат мароми ва б.) таъсир қилиши ҳамда уни ўзгартериши мумкин. Оғзаки нутқа хос Р. табиий равишда ёзма нутқа ҳам күчади, зеро, ёзув оғзаки нутқининг ҳарфлар воситасида моддийлашуви: одам ёзганида “мия”да гапиради, ўқиганда “тасаввурда” эшитади. Демак, нутқ ҳодисаси бўлмиш ҳар қандай адабий асарда Р. бўлиши қонуний ва табиий ҳол экан. Ритмиклик адабий асарнинг турли сатҳлари (нутқ, ривоя, композиция)да намоён бўлса-да, нутқий қурилишида, айниқса, аниқ кўзга ташланади, шунинг учун Р. ҳақида кўпроқ бадиий нутқ билан боғлиқ ҳолда гапирилади. Бадиий нутқининг насрый ва шеърий шакллари Р. жиҳатидан фарқланади. Насрий нутқ Р.и умуман инсон нутқининг ритмиклигидан келиб чиқади, ундаги ўзгаришу товланишлар эса матннинг конкрет бўлгадаги тасвир предметининг мазмун-моҳияти, унга муаллиф муносабати билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Насрдагидан фарқли ўлароқ, шеърий нутқ Р.и маҳсус ҳосил қилинган, муайян ўлчов асосида тартиба солинган. Шеърий Р.нинг ўлчов бирликлари ўзаро қисм-бутун алоқасидаги нутқий бўлаклар (бўғин, турок, мисра, банд) бўлиб, улар ритмик бўлаклар ёки ритмик бирликлар деб юритилади. Р.нинг ҳис этилиши учун шеърни ўқиганда (талаффузда) ритмик бирликлар бир-биридан ажralиб турганини ҳис қилиш керак, бунда ритмик воситалар муҳим аҳамиятга эга. Ритмик воситалар шеър Р.ининг таъкидланиши, кучайтирилишига хизмат қилади, уларнинг асосийлари сифатида ритмик пауза, қофия ва қофияланиш системасини кўрсатиш мумкин. Ҳар бир ритмик бўлак бошқаларидан ритмик пауза билан ажратилади, шу ажратилиш ҳисобига улар талаффузда ўлчов бирлиги сифатида намоён бўлади. Дейлик, бўғин бир товуш зарби билан айтилади ва жуда ҳам қисқа, сезилар-сезилмас пауза (аслида бу пауза эмас, икки товуш зарбининг бир-биридан фарқланиб туриши ҳисобига “пауза”дек таассурот қолдиради, холос) билан ажралади. Туроқлардан кейинги пауза бироз сезиларлироқ бўлса, мисралар ниҳоясидаги пауза яққол сезилади, банд якунидаги катта пауза унга ритмик-интонацион тугаллик баҳш этади. Ритмик пауза билан мантикий пауза доим ҳам бир-бирига мос келавермаслиги мумкин, яъни шеърий нутқда вергул қўйилмаган ўринларда ҳам тўхталиб ўтиш

Адабиётшунослик луғати

ва, аксинча, вергулли ўринларда тұхталишни сезилмаслик даражасында көлтириш зарурати юзага келиши одатий ҳолдир. Мисра якунида келувчи қофиялар ритмик жиҳатдан мисрани таъкидлаб күрсатышга, шеърнинг оҳангдорлиги, мусиқилиги, таъсирдорлигини оширишга хизмат қиласы. Шеърни ўқиш давомида қофия мисранинг тугаганидан дарап беради, пауза бажараёттан ажратыш функциясини таъкидлайды. Шунга ўхшаш, қофияланыш тартиби банднинг шаклланиб бўлгани, тугаганини таъкидлайды. Mac., турт мисрали а-б-а-б тарзида қофияланган шеър ўқилаётган бўлса, ўқувчи кейинги бандларда ҳам шу хил тартибни кутади, тартиб ниҳояланганида, банддаги тугалланганликни ҳис қиласы. Яъни қофияланыш тартиби, бир тарафдан, шеър ритмининг ҳис этилишига, иккинчи тарафдан, мазмун ва ритмнинг уйғунлашувига, уларнинг ўқувчи тасаввурида яхлит бирлик ҳосил қилишига ёрдам беради. Хуллас, Р. шеърий нутқнинг эмоционаллиги, мусиқилигининг асоси, пойдеворидир.

РИТОРИКА (юн. *rhetorike* – нотиқлик) – 1) нотиқлик санъати хақидағи фан. Антик Юнонистонда мил. ав. V асрларда пайдо бўлган. Мил. ав. II – I асрларга келиб тизим ҳолини олган, антик Римда ҳам изчил ривожланган. Р.нинг назарий асослари файласуфлар, амалиётчи нотиқлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бунда Арасту, Цицерон, Квинтилианларнинг хизматлари, айниқса, катта. Антик Юнонистон ва Рим ижтимоий тузумида нотиқликнинг катта ўрин тутгани Р.нинг гуркираб ривожланишига асос бўлган. Шунга кўра, Р.нинг предмети нутқ бўлиб, у билан боғлиқ барча масалаларни (материал танлаш, жойлаштириш, жумла тузиш, фикрни далиллаш ва инкор қилиш, сўз танлаш, услугуб, услугубий фигурандардан фойдаланиш, нутқни ўқиш ва ҳ.) ўрганган. Шу билан бирга, қадимдаёқ Р.нинг ўрганиш обьектига проза ҳам кирган бўлиб, бу жиҳатдан у поэтикага қарши қўйилган. Яъни поэтика бадиий тўқима билан иш курувчи поэзия – бадиий адабиётни, Р. эса реал материал билан иш курувчи проза – нутқлар, фалсафий ва тарихий асарларни ўрганган; 2) ҳозирда Р. адабиётшуносликнинг бадиий матнни, унинг ташкилланиш қонуниятларини ўрганувчи соҳаси сифатида ҳам таърифланади ва шу маънени таъкидлаш учун баъзан неориторика термини билан ҳам юритилади. Бу қарашга кўра, Р. бадиий матннинг ташкилланишини, поэтика эса бадиий

Адабиётшунослик луғати

воқеликнинг ташкилланишини ўрганади, яъни улар бадий асар-нинг турли сатҳларида иш юритади.

РИТОРИК МУРОЖААТ – бадий ундалма. Жонли сўзлашувда ундалма нутқ қаратилган шахснинг муайян жавоб ҳаракатини (диқкатини жалб этиш, гапиравчига қарашиб, яқинлашиш ва б.) талаб қиласиди. Яъни худди риторик савол жавоб талаб қилмагани каби, Р.м. ҳам мос реакцияни талаб қилмайди, нутқни безаш, муайян кайфият ё ҳиссий муносабатни ифодалаш воситаси бўлибгина хизмат қиласиди. Р.м. шеърий нутқда, айниқса, кенг қўлланилиб, кўпроқ нарса-ҳодиса, жой кабиларга қаратиласиди: “Қайда ўсдинг, қайда яшнадинг, Япроқ, япроқ, айтиб бер менга...” (Р.Парфи), “Юртим, сенга шеър битдим бугун...”(А.Орипов), “Гул бўйларини боғдан келтирган, эй шабода...”(Э.Воҳидов), “Ай, қалдирғоч, ўқи “Вал-лайли...”(З.Мирзо) . Шунингдек, ўзи ҳозир бўлмаган одамга шу ерда каби мурожаат қилиш ҳам Р.м.нинг бир кўринишиидир: “Эшитдим, онажон, хафа эмишсан, Кечир, ойлаб сенга ёзолмадим хат...” (Р.Парфи). Булардан Р.м. апострофа (қ.) термини билан синонимик муносабатда экани аён бўлади.

РИТОРИК СЎРОҚ – жавоб берилишини талаб қилмайдиган савол, фикрнинг сўроқ шаклида тасдиqlаниши. Худди риторик мурожаат каби, Р.с. ҳам нутқ безаги, эмоционал муносабатни кучайтириш, фикрни таъкидлаб ифодалаш сингари мақсадларга хизмат қиласиди. Мас., А.Ориповнинг “Ахир у эмасми, дўстни ғаниму, Ғанимни дўст қилиб кўйгувчи одам?” тарзидаги Р.с.и “ҳа, айнан ўша – учинчи одам”, деган фикрни таъкидлаб ифодалайди. Р.Парфининг “Япроқ, япроқ, сўзлаб берсанг-чи, Ўз севгингдан бўзлаб берсанг-чи, Нечун тушдинг, нечун оёққа?..” тарзидаги Р.с. эса лирик қаҳрамонни ўйлатаётган муаммо, қийнаётган дардга ишора қиласиди. Ёки “Сени, оҳанг, эй ғамли оҳанг, Танимасдим, билмасдим олдин. Томиримда хун талашур жанг, Шунча ғамни қаердан олдинг?” мисраларини олсак, Р.с. дастлабки уч мисрадаги ўйхисларни хulosалаб, бир зарб каби кучайтириб ифодалаётгани кўринади. Келтирилган миссоллардан Р.с. лирик асарда турлича бадий-эстетик мақсадларда ишлатилиши, унинг полифункционал табиати маълум бўлади. Мумтоз шеъриятимиздаги тажоҳули ориф санъати Р.с.нинг айрим кўринишларига ўхшаш, бироқ

Адабиётшунослик луғати

юқоридагилардан келиб чиқылса, Р.с. мазкур санъатга нисбатан анча кенг ҳодиса экани аёп бўлади.

РИТУАЛ-МИФОЛОГИК ТАНҚИД – Фарб маданиятшунослиги ва адабиётшунослигидаги метод, XX асрнинг 30-йилларида, кўхна маданиятларни ўрганишдаги ритуал-мифологик йўналиш (Ж.Фрейзер) ва К.Юнг аналитик психологиясининг синтези сифатида майдонга чиққан. Агар мифологик мактаб вакиллари адабиётнинг пайдо бўлишини мифлар билан боғлаган бўлсалар, Р.-м.т. мифларнинг ўзи ритуаллардан келиб чиққан, деб ҳисоблайди. Уларга кўра, нафақат антик театр, балки қаҳрамонлик эпоси ҳам, қадим Шарқнинг муқаддас манбаларию антик фалсафа, ўрта асрлар эпосиу роман – хуллас, адабиёт тўласича ритуалдан келиб чиққан. Муҳим жиҳати шуки, Р.-м.т. ритуал-мифологик моделларни ижодий тасаввурга қанот берувчи манба эмас, балки унинг структурасини белгиловчи бош омил деб билади. Шунинг учун ҳам К.Юнгнинг архетиплар (қ.) ҳақидаги таълимоти уларнинг қарашларида муҳим ўрин тутади. Албатта, энг қадимги даврларда яратилган кўплаб асарларга, архаик жанрларга бундай ёндашув асосли. Лекин Р.-м.т. бундай ёндашувни адабиёт тарихининг энг қадимги даврларидан то ҳозирги кунига қадар татбиқ этади, замонавий адабиёт на муналарида ҳам ритуал-мифологик илдизларни очиш ва уларни шу асосда тушуниришга интилади. Тўғри, XX аср жаҳон адабиётида мифларга мурожаат этишнинг кучайиши бунга маълум даражада асос ҳам берар, лекин бу ҳолатни инсоният хотирасида “коллектив онгсизлик” сифатида яшаётган архетипларнинг ўзини намоён этиши сифатидагина тушуниш, архетипнинг бадиий тафаккурдаги ролини мутлақлаштириш тўғри бўлмайди. Зеро, худди шу ҳол Р.-м.т.ни бадиий ижодда коллектив ролини индивид ролидан устувор деб билишга, ундаги биографик факторни буткул инкор қилишга олиб келади. Шу каби бирёқламаликларга қарамай, Р.-м.т.га хос ёндашув архаик жанрларни, ҳақиқатан ҳам ритуал-мифологик асоси кучли бўлган ўрта асрлар ва қисман Уйгониш даври (умумлаштириб айтганда, ижодда традиционализм етакчилик қилган даврлар) адабиётини ўрганишда самарали натижалар берганини ҳам қайд этиш лозим. Жумладан, унга хос ёндашув рус олими М.Бахтиннинг “Франсуа Рабле ижоди ва ўрта асрлар ҳамда ренесанс даври халқ маданияти” асарида қўлланган, бу эса муҳим назарий умумлашмалар чиқаришга асос бўлган.

Адабиётшунослик луғати

РИЦАРЛИК РОМАНИ (фр. roman chevaleresque – кавалерлик романи, нем. Ritterroman – рицарлик романи) – ўрта асрлар курту-аз адабиётининг асосий жанрларидан бири, дастлаб XII аср ўрталарида, рицарлик ҳаракати гуллаб-яшнаган Францияда пайдо бўлиб, кейин бутун Европага тарқалган. Жанр генезиси қаҳрамонлик эпосига бориб тақалса-да, Р.р. қатор хусусиятлари билан ма-жусийлик даври мифлари, қадимги кельтлар ва германларнинг ри-воятлари, халқ эртаклари, шунингдек, Шарқ адабиёти намуналари-га ҳам яқин туради. Р.р. марказидаги қаҳрамон – рицарь ўзининг бекиёс жасорати, олижаноблиги билан ажralиб туради. Айни шу нарса, қаҳрамон шахсининг олдинги планга чиқарилиши, уни алоҳида шахс сифатида (ҳам руҳиятидаги жараёнларни, ҳам ўзи ва суюкли ёри шон-шарафи йўлидаги кураши, бу йўлдаги жонбоз-лик ва бекиёс қаҳрамонликларини) тасвирлашга ургу берилгани Р.р.ни роман жанри тараққиётидаги муҳим босқичга айлантиради. Р.р.лари аввалига шеърий шаклда яратилган бўлса, XIII аср ўрталаридан унинг насрый баёнлари ҳам пайдо бўла бошлаган. Кўплаб Р.р.лари тематик жиҳатдан туркумларга бирлашган бўлиб, ўз даврида улардан Тристан ва Изольда муҳаббати, “юмалоқ стол” рицарлари, қирол Артур, Ланселот ҳақидаги туркумлар машхур бўлган. Гарчи Р.р. Европа адабиёти ҳодисаси бўлса-да, Узоқ, Ўрта ва Яқин Шарқ адабиётларида ҳам унинг ўхшашлари (аналоглари) мавжуд бўлганки, бу миллий адабиётлар тараққиётидаги стадиал умумийликнинг ёрқин далилидир. Жумладан, ўзбек халқ оғзаки ижоди (мас., Гўрўғли туркуми) ёки ёзма адабиётимиздаги қатор достонлар (мас., “Фарҳод ва Ширин”) моҳият эътибори билан Р.р.ларига яқин туради.

РОВИЙ (ар. راوي – ҳикоячи, қисса айтuvчи, хабар, маълумот берувчи) – эпик асарлардаги ривоя субъекти, воқеаларни ҳикоя қилаётган, улар кечайётган макон ва замон, уларда иштирок этаёт-ган персонажларга оид тафсилотларни етказиб, тасвир предметига у ёки бу тарзда муносабат билдираётган шахс. Эпик асарда ривоя, кўпроқ, муаллиф (конкретлаштирилмаган “учинчи шахс” ҳам аксар муаллиф сифатида тушунилади), баъзан эса персонаж (мас., F.Фулом. “Шум бола”) тилидан олиб борилади. Шунингдек, баъзан асарда бир неча Р.нинг иштирок этиши ҳам кузатилади (мас., Ў.Хошимов. “Икки эшик ораси”; М.Муҳаммад Дўст. “Лолазор”). Шунга қарамай, Р.ларнинг кўпайиши ривоянинг бутунлигига птур ет-256

Адабиётшунослик луғати

казмайди, чунки бу ҳолда ҳам матндан муаллиф (ёки асосий Р. вазифасидаги персонаж)нинг тингловчи мақомида тургани англашилаверади.

РОМАН (фр. roman – “лотин тилида эмас, роман тилларидан бирида ёзилган” маъносида) – замонавий адабиётда эпик турнинг ирик ҳажмли жанри. Р.га таъриф берилганда, одатда, унинг ҳажман катталиги, ҳаётни кенг кўламда тасвирлаши, қаҳрамон ҳаётидан катта даврни олиб, турли ижтимоий муносабатлар билан боғлаб талқин қилиши, кўплаб ва турфа кишилар тақдирлари орқали жамиятнинг жорий ҳолатини акс эттира олиши; мураккаб кўп чизиқли сюжеттага эга бўлиши каби жанр хусусиятлари қайд этилади. Дарҳақиқат, бу хусусиятлар аксарият Р.ларга хос, лекин жанр хусусиятларини шуларнинг ўзи билангида белгилаш камлик қиласди: амалда ҳажман қиссадан фарқ қилмайдиган ёки қисқагина давр мобайнида кечган воқеалар тасвири билан чекланган Р.лар ҳам, марказида биргина шахс тақдери (бошқа персонажлар унинг характеристини очишга хизмат қиласди) турган ёки биргина сюжет чизигига эга Р.лар ҳам учрайди. Шунинг учун мутахассислар Р.нинг жанр сифатида белгиловчи муҳим хусусиятлари деб яна романий проблема, романий қаҳрамон ва романий тафаккурни кўрсашибади. Табиийки, бу учала тушунча бир-бирига узвий боғлиқ, бири иккинчисини тақозо этади. Романий проблеманинг моҳияти шундаки, у инсон тақдери, унинг жамият (кенгроқ қаралса – олам) билан ўзаро муносабати бадиий тадқиқи орқали оламу одам моҳиятини англашга интилади. Г.Лукач фикрига кўра, дунёning яхлитлигию бутунлигини, мавжудликнинг туб моҳиятини англаш Р.нинг бош муаммоси бўлса, қаҳрамоннинг дунё билан зиддияти ўша муаммони ҳал қилиш воситасидир. М.М.Бахтин эса қаҳрамон тақдери ва эгаллаган мавқеининг унинг ўзига номувофиқлиги Р. жанрининг марказий мавзу-муаммоларидан бири, деб ҳисоблайди. Демак, Р.да қўйилган проблемани бадиий идрок этиш учун қаҳрамон ҳам шунга мос бўлиши талаб қилинадики, бунинг учун романий қаҳрамон жамиятда яшагани ҳолда, ўзининг индивидлигини теран идрок этадиган, муҳит билан зиддиятга киришган шахс бўлиши лозим. Зоро, Р.нинг класик тушунчадаги – “буржуа эпоси” (Гегель), “янги давр эпоси” (Белинский) сифатидаги кўриниши шахснинг жамиятдаги мақоми ўзгарган, у ўзини ўз ҳолича бутун бир олам сифатида идрок эта бошлаган бир шароитда шаклланди.

Адабиётшунослик луғати

Үзини апоҳида олам сифатида идрок этган шахснинг жамият билан, олам билан зиддиятларини бадий талқин қилишу йўқотилган эпик бутунликни тиклаш классик Р.нинг бош муаммоси бўлиб қолдики, шу маънода у “янги давр эпоси” саналади. Шу боис ҳам Р. марказида шахснинг ҳаёти, унинг зиддиятларию тўқнашувлари турди. Немис файласуфи Шеллинг Р. воқеани эпосдан, тақдирни драмадан олади, деганида айни шу нарсани назарда тутган. Эпик бутунликни тиклашга интилаётган шахс деганимиз, аввало, ижодкорнинг ўзи, Р. марказида турган қаҳрамоннинг ташки олам билан тўқнашувлари (кенг маънода шахс драмаси) ўша бутунликни тиклаш воситаси эканлиги эътиборга олинса, Р.ни ўз ҳаёт йўлида чигал муаммоларга дуч келган ижодкорнинг “зиддиятли ҳолатни адабий йўл билан ечишга уриниши”(А.Прието), дейиш мумкин бўлади. Қўйилган проблемани шунга мос қаҳрамон воситасида идрок этиш жараёнида жамиятнинг жорий ҳолати, оламу одам ҳақидаги яхлит бир концепция, Р. бадий фалсафаси шаклланадики, бу романний тафаккур маҳсулидир. Албатта, Р. жанрининг бир неча асрлик тараққиёти давомида унинг турли хил ва қўринишлари яратилгани, жанрнинг ҳозирда ҳам такомиллашиб бораётгани эътиборга олинса, юқорида саналган хусусиятларни барча Р.лардан излаш, уларни қатъий қоида деб тушуниш тўғри бўлмайди. Бу ўринда ҳар бир даврнинг бадий-эстетик талаб-эҳтиёжлари Р.га маълум ўзгаришлар киритиши, ўтган давр мобайнида Р.нинг турфа (тарбиявий, мәиший, ишқий, саргузашт-детектив, ижтимоий-психологик, тарихий-биографик, сатирик ва х.) хиллари яратилгани, ниҳоят, Р. ҳозирда ҳам такомиллашиб бораётган жанр эканлигини ҳамиша ёдда тутиш лозим.

РОМАНТИЗМ (фр. romantique, ингл. romantic) – Европа адабиётида XVIII аср охири – XIX асрнинг биринчи ярмида етакчилик қилган адабий йўналиш. Этимологик жиҳатдан термин испанча “romance” сўзи билан боғлиқ бўлиб, XVIII асрда китоблардагина учратиш мумкин бўлган ғайритабиий, ажабтовур, фантастик нарсларнинг бари шу сўз билан юритилган. Дарҳақиқат, Р. адабиёти яратган бадий оламни шундай сўз билан номлашга етарли асос бор эди. Зеро, Р. мавжуд воқеликдан қониқмаслик туфайли, маърифатчиликка хос олам (одам ва жамият)ни ақл билан расо ҳолга келтириш ғоясига ишончнинг барбод бўлиши натижаси ўлароқ юзага келган бўлиб, “реалликдан қочиш”га, реал оламдан

Адабиётшунослик луғати

кұра мұкаммалроқ олам яратышга интилади. Р. классицизмга хос “табиатта тақлид” ва ундан келиб чиқуучи ҳақиқатта монандлық талабларини инкор қилади, унинг учун бадий реаллік мавжуд реаллікден ҳаққонийрекдір. Мавжуд воқеликдаги түссизлікден безган Р. вакиллари, күпинча, күхна ўтмишдан маъни излашади (мас., В.Скотт, В.Гюго, А.Дюма романлари), улар тасвирланаған воқеа-ходисалар аксар узоқ, экзотикаға бой юртларда кечади ва ш.к.

Р. адабиёттінинг умумлаштириш принципи – идеаллаштириш, у воқеликка боқий ва мутлақ идеаллар асосида ёндашади, шунинг учун ҳам Р.да воқелик билан идеал орасидаги номутаносиблик яқынади, уларнинг зиддияти ўта кескин намоён бўлади. Натижада Р. адабиётида олам иккига ажралади, иккиси – идеал олам билан мавжуд олам алоҳида яшайди. Р. адабиёттінинг бош зиддияти – эзгулик ва ёвузлик кураши, унга кўра, ёвузлик ҳам, унга қарши кураш ҳам бирдек боқийдир. Яъни бу кураш ёвузликни илдизи билан йўқотишу оламни тубдан ўзгартиришга ожиз, кўлидан келадигани – ёвузликнинг оламда мутлақ ҳоким бўлишига йўл бермаслиқ, холос. Ёвузликка қарши курашаётган бетакрор шахс – Р. адабиёттінинг бош қаҳрамони. Р. адабиётта ўзининг янгича шахс концепцияси билан кириб келди. Унинг учун шахс – алоҳида олам. Шахснинг сирли ва ададсиз ички олами Р. адабиёттінинг марказий муаммосига айланади. Р. шахсдаги бетакрор индивидуал хусусиятларга ургу беради, асосий эътиборни унинг ички оламидаги зиддиятлар, қалбию онгидаги изоҳлаш мушкул ҳаракатлар, ғайришурний ҳолатларга қаратади. Мавжуд воқеликдаги майшат қулига айланаб бораётган одамларга зид ўлароқ, Р. адабиёти муҳаббатию нафрати, меҳрию қаҳри чексиз, юксак түйгуларга, изтиробли ўйловлару ўзини бешафқат тафтиш қилишга қобил қаҳрамонни яратади. Бу қаҳрамон олам сир-синоатини англашга ожизлигидан изтироб чекади, мавжуд воқелик соғлом ақлга номувофиқ экани, ўзининг шахсий эркига дахл қилаётганидан изтиробга тушади. Р. адабиёттінинг қаҳрамони шахсий эркини, инсонлик шаънини юксак қадрлайди, уларга қарши ҳар қандай ҳаракатта бутун вужуди билан қарши туради.

Шахсга бу хил қараш Р.нинг ижодкор шахсга муносабатида ҳам ўз аксини топади. Ижодкорни муайян қоидалар билан чеклаган классицизмдан фарқли ўлароқ, Р. том маънодаги ижодий эркинлик тарафдори, у ҳар қандай чекловларни инкор қилади. Шунинг учун

Адабиётшунослик лугати

Р. назариётчилари адабий тур ва жанрлар орасига қатъий чегара қўймайдилар, адабиётнинг бошқа санъат турлари билан синтезлашуви ёки конкрет бадиий асарда турли эстетик белгилар (трагизм ва комизм, тубан ва юксак ва б.)нинг қоришик ҳолда намоён бўлишини табиий ҳол деб биладилар. Улар бадиий асарни тирик организмга қиёс қиласидилар, бадиий шакл мазмундан табиий равишда ўсиб чиқади ва у билан узвий боғлиқ ҳолда яшайди деб тушунадилар. Яъни бунда ҳам норматив характердаги поэтиказа оид қўлланмаларда қатъий белгиланган меъёрларни инкор қилиш, ижодкорнинг яратувчилик ҳуқуқини эътироф этиш кузатилади. Р. адабиётни тарихий роман, фантастик қисса, лиро-эпик поэзия каби жанрлар билан бойитди; ифодада метафориклик, юксак дарражадаги ассоциативлик ва шу асосда кўп маънолиликка интилагани сабаб бадиий тилнинг ифода имкониятларини кенгайтира билди. Р. бадиий тафаккур ривожида сезиларли из қолдирди, унинг анъаналари символизм, экспрессионизм, сюрреализм сингари оқимлар томонидан ижодий ўзлаштирилди, романтик пафос адабиёт ва санъатга хос эстетик белгилардан бири бўлиб қолди.

РУБОИЙ (ар. رباعي – тўртлик) – Шарқ мумтоз шеъриятида кенг тарқалган лирик жанр, ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларида ёзилиб, кўпроқ а-а-б-а тарзида қофияланувчи тўрт мисрали мустақил лирик асар. Арабча номланишига қарамай, Р. дастлаб форсий адабиётда пайдо бўлиб, кейин араб ва туркий адабиётларга ўтган. Р.нинг келиб чиқиши масаласида ихтилофлар мавжуд: айрим мутахассислар жанр генезисини туркий халқлар оғзаки ижодидаги тўртликлар билан боғласа, бошқалари уни форс шеъриятига хос ва жанр асосчиси Абу Абдулло Рудакий деб ҳисоблашади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида, шунингдек, ёзма адабиётимизнинг Навоийгача бўлган даврида дубайтий (дубайтий – икки байт ёки тўрт мисрадан иборат шеър, яъни тўртлик) вазнига (ҳазажи мусаддаси маҳзуф ёки мақсур) тушадиган тўртликлар кўплаб яратилган бўлсада, Р. вазнига тушадиган тўртликлар учрамайди. Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асаридаги тўртликлар мутақориб, Насимий ва Лутфий тўртликлари эса рамал баҳрида яратилган. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида Р. сифатида келтирилган форс тилидаги мисоллар ҳазаж баҳрида, туркийдагилари эса рамали мусаддаси мақсур (ёки маҳзуф) вазнидадир. Бундан ўша давр (XV аср бошлари) ўзбек адабиётидаги Р. жанри вазн

Адабиётшунослик луғати

жихатдан ҳали қатъий тартибга солинмагани күринади. Навоийдан бошлаб ўзбек адабиётида ҳам Р.нинг ҳазаж баҳри тармоқларида ёзилиши қатъий қоида тусини олдики, шу боис Навоийни ҳақли рашвашда ўзбек адабиётида Р. жанри асосчиси дейиш мумкин. Дарҳақиқат, барча манбаларда Р.ни жанр сифатида белгиловчи муҳим хусусиятлардан бири сифатида унинг вазни, яъни ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб шажараларида ёзилиши эътироф этилади. Яъни бундан бошқа вазнга тушувчи ҳар қандай тўрт мисрали шеър Р. эмас, балки қитъя, дубайтий ёки тўртликдир: “Бирор тўртликни Р. деб аташ учун унда тугал мазмун, Р. шакли бўлишидан ташқари, Р. вазни ҳам бўлиши керак. Тўртлик қанчалик чукур маъно ва гўзал шаклга эга бўлмасин, агар у Р.нинг маҳсус вазнига тушмаса, Р. бўла олмайди” (Ё.Исхоқов). Мумтоз поэтикага оид асарларда Р.нинг нега айнан ҳазаж баҳрида ёзилиши ва бу вазннинг нега қатъийлиги ҳақида аниқ фикр йўқ. Ўтмиш адабиётшунослари фақат фалсафий фикрлар, ҳаётий кечинмаларни ифодалаш учун мазкур вазнларнинг қулайлиги хусусида гапириш билан киояланадилар.

Р. икки хил қофияланиш тартибига эга: биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари ўзаро қофияланаби, учинчи мисраси очик қоладиган (а-а-б-а) тури хосий Р. ёки Р.и хоса дейилади. Mac.:

Ҳижронда соғиниб мени **шод** этгайсен,
Мен ҳастани муҳлис **эътиқод** этгайсен,
Бу хатни анинг учун битидим мунда,
Кўргач бу хатимни мени **ёд** этгайсен (Бобур).

Тўрталса мисраси ўзаро қофияланадиган (а-а-а-а) Р., қўпроқ, тарона ёки Р.и тарона, айрим манбаларда эса мусарраъ деб юритилади. Шунингдек, А.Навоий Р.нинг бу хилини рубоия деб атаган. Mac.:

Қўнглумни ғаму дард ила **қон** айлади ишқ,
Кўз йўлидин ул қонни **равон** айлади ишқ.
Ҳар қатрани билмадим **қаён** айлади ишқ,
Бедил эканим буйла **аён** айлади ишқ (Навоий).

Қайд этиш керакки, хосий Р. билан таронаи Р.нинг турли даврлардаги фаоллик даражаси, уларга ижодкорларнинг муносабати бир хил бўлмаган. Хусусан, Навоий меросида таронаи Р. Салмоқли (ўзбекча Р.ларининг 95 фоизи, форсий Р.ларининг ҳаммаси) бўлса, Бобур хосий Р.ни маъқул кўрган (унинг 211 та Р.сидан 181

Адабиётшунослик луғати

тасида уч мисра ўзаро қофияланган); X – XI асрларда таронаи Р. ёзиш урф бўлса, Навоийдан кейинги даврда хосий Р.лар салмоғи ортиб борган.

Рубоийнинг композицион қурилиши маълум бир масала юзасидан фикрни изчил ривожлантириб, ихчам ва тугал ифодалашга мос: дастлабки икки мисрада ғоя ва мақсад, кейинги икки мисрада далил ва хулоса ўз аксини топади. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги адабиётшуносликда Р.нинг биринчи мисраси *тезис*, иккинчиси *антитезис*, учинчиси *моддаи рубоия* (ёки хулоса учун асос бўладиган кўприк), тўртинчи мисра эса *синтез* дейилади. Яъни Р.нинг биринчи мисрасида жуда муҳим бир фикр тезис қилиб қўйилади, кейинги уч мисра шу фикр талқинига бағишлиданади; ёки биринчи ва иккинчи мисрадаги фикрий тезисга учинчи мисрада антитетис қўйилиб, тўртинчи мисрада синтез (хулоса) берилади.

РУЖУЙ (ар. رجوع – қайтиш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, аввал айтилган фикр (бирор нарса-тушунча, ҳолат ҳақида айтилган гап, унга қилинган қиёс, ташбех, тамсил ва ш.к.)дан қайтиб, сўнг уни янада кучлироқ, таъсирилироқ, гўзалроқ тарзда ифодалаш. Яъни Р. санъатида шоир шеърда ўзи келтирган чиройли ўхшатиш ва сифатлашларни гўё билмасдан айтиб қўйгандек ёки улардан қаноатланмагандай бўлиб, фикридан қайтади ва аввалгилардан кўра гўзалроқ ташбеху сифатлашларни келтиради. Атоуллоҳ Ҳусайний таърифига кўра, Р.да лирик қаҳрамон маъшуқа гўзаллиги ёки бошқа бирор сабаб туфайли ҳушини йўқотар ҳолатга келади ва шу ҳолатида беихтиёр фикр айтиб қўйиб, кейин, ҳушига келгач, “аслида мана бундоқ эди” тарзида “гапини тўғрилаб олади”. Mac., Мунис:

Сабо таҳрикидин, йўқ, балки оғзинг шармидин бошин
Күйи солмоққа мойил бўлғусидур ҳар замон ғунча, –
байтида ғунчанинг бош эгиб туришини аввал шамол ҳаракати (“са-
бо таҳрикидин”) туфайли деб айтади, сўнг фикридан қайтиб, бунинг сабаби ғунчанинг ёр “оғзи шарми”, яъни ёр оғзи гўзаллиги олдида бош эгиб туриши деб изоҳлайди. Бу ўринда Р. санъати ҳусни таълил (қ.) санъати билан қоришиқ ҳолда намоён бўлади, бу эса ифоданинг янада гўзал ва таъсирили чиқишини таъминлайди. Илми бадиъга оид манбаларда Р. *истидрок* (қ.) деб ҳам юритилади, бироқ бу масалада яқдиллик йўқ, истидрокка берилган таърифлар Р.дан бирмунча фарқлидир.

Адабиётшунослик луғати

РУКН (ар. رکن – устун) – арузда жузв (туркий арузда ҳижко)ларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлувчи ритмик бўлак, жузв билан баҳр орасидаги ритмик бирлик. Ҳозирги адабиётшунослиқда Р. термини, кўпроқ, мазкур маънода қўллансанда, мумтоз арузшунослиқда у жузв (қ.) маъносида ҳам фаол ишлатилган. Аксинча, ҳозирда Р. термини билан юритилувчи тушунча мумтоз арузшунослиқда афойил, тафойил, ажзо, вазн, аркон (Р.нинг кўплиги) каби истилоҳлар билан ҳам ифодаланган. Арузда жузвларнинг маълум тартибда қўшилишидан саккизта афойил ёки асллар, яъни асл Р.лар юзага келади:

Фаувлун = ватади мажмуъ + сабаби ҳафиф

Фоилун = сабаби ҳафиф + ватади мажмуъ

Мафоийлун = ватади мажмуъ + сабаби ҳафиф + сабаби ҳафиф

Фоилотун = сабаби ҳафиф + ватади мажмуъ + сабаби ҳафиф

Мустафъилун = сабаби ҳафиф + сабаби ҳафиф + ватади мажмуъ

Мафъулоту = сабаби ҳафиф + сабаби ҳафиф + ватади мафруқ

Мафоилатун = ватади мажмуъ + фосилаи суро

Мутафоилун = фосилаи суро + ватади мажмуъ

Мазкур саккиз асл Р.нинг такоридан баҳрлар (қ.) ҳосил бўлади. Аслларнинг зиҳофга (қ.) учрашидан тармоқ (ёки фаръий, фуруъ) Р.лар ҳосил бўлади.

РУХИЙ-ТАРИХИЙ МАКТАБ – XIX аср охири – XX аср бошларида романтизм эстетикаси ва немис файласуфи В.Дильтейнинг “ҳаёт фалсафаси” таълимоти асосида маданий-тарихий мактабга зид ўлароқ вужудга келган адабиётшунослик мактаби. Дильтей таълимотига кўра, тарихий руҳ – миллат ва даврнинг уйғун бирлиги бўлиб, мазкур бирлик, аввало, санъаткор даҳоси туфайли воқе бўлади. Яъни тарих ва руҳият санъаткор қалбида ягона кечинмага айланади ва худди шу кечинма бадиий шаклда моддийлашиб, яхлит маънавий-руҳий реалликка айланадики, бу маънавий-руҳий реаллик нафақат ўқувчи, балки санъаткорнинг ўзига ҳам илк бор намоён бўлаётган ҳақиқатнинг ўзиdir. Дильтей санъат воқеликни бошқа гуманитар фанларга қарагандан адекват акс эттиришга кўпроқ қодир, санъат турлари орасида эса адабиёт руҳий-тарихий мавжудлик моҳиятини ҳаммадан кўра теранроқ идрок эта олади деб билади. Чунки адабиёт тил билан иш қўради, руҳ эса тилда

Адабиётшунослик луғати

ўзининг бутун теранлиги билан тұла ва объектив ифодасини топади. Шулардан келиб чиқиб, Р.-т.м. бадий асар талқинида рухий-тарихий ва психологик ёндашувларни синтезлаштиришга интилади. У маданий-тарихий мактабга хос адабиётта позитивистик ёндашувні қабул қылмайды, адабиётшуносликнинг вазифаси табиий фанлардаги каби рационал тушунтириб бериш эмас, балки бадий бутунликни күпроқ интуитив тарзда ("ҳамдардлик", "асар рухига кириш" асосида) бевосита тушуниш ва талқин қилишдан иборат деб билади. Р.-т.м. бадий асар таҳлилида "кечинма"ни марказий ўринга құяды, унга субъект (ижодкор) ва объект (давр) бирлиги сифатида қарайды, ҳар бир ижодкор бетакрор, "рух тарихи"даги ўзига хос ва автоном ҳодиса деб билади. Бироқ бу биографик ёндашувдан мутлақо фарқланади. Зоро, бадий асарда тарихий рух акс этади деб билган Р.-т.м. ижодкор шахси, дунёқараши масалаларига жиддий эътибор бергани ҳолда, асарда аксланган тарихий рух илдизини биографик фактлардан эмас, даврнинг умуммаданий контексти (даврнинг умумий руҳи, етакчи фалсафий қарашлар, шуларга бевосита боғлиқ ижодкор дунёқараши)дан қидиради. Р.-т.м. ўтган асрнинг 20-йилларида гуллаб-яшнаган бұлса, 30-йилларда унинг алоҳида адабий мактаб сифатидаги фаолияти тугади: унинг бир қисм тарафдорлари ўз фаолиятини феноменологик мактаб, башқа бир қисми янги гегелчилар қаторида давом эттиреди.

САБАБ (ар. سبب – чодирнинг арқони) – сокин ва мутаҳаррик ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бұлувчи ритмик бирлик, жуз (қ.). Ҳарфларнинг қай тартибда бирикишидан келиб чиқиб, С.нинг иккى тури фарқланади: С.и ҳафиф (ёки енгил С.) ва С.и сақиyll (ёки оғир С.). Битта мутаҳаррикка бир сокин ҳарфнинг құшилишидан С.и ҳафиф ҳосил бұлади: "гул", "күз", "қад" каби сұзлар шу вазнга мес. Mac., "гул": мутаҳаррик (гу) + сокин (л). Иккита мутаҳаррик ҳарфнинг құшилишидан С.и сақиyll (талаффузи С.и ҳафиғфа нисбатан қийинроқ эканы учун шундай номланади) ҳосил бұлади: "гала", "сана", "била" каби сұзлар шу вазнга мес. Mac., "била": мутаҳаррик (би) + мутаҳаррик (ла).

САВОЛУ ЖАВОБ (ар. سوال و جواب – савол-жавоб) – мұмтоз адабиётдаги шеърий санъат, байтни иккى шахснинг ўзаро савол-жавоби тарзыда шакллантириш. С.ж. санъати, шунингдек, байт доирасидан чиқиши, яъни бир байт савол, иккинчиси эса жавоб

Адабиётшунослик лугати

тарзидা шакллантирилиши ҳам мумкин. Рашидиддин Вотвот ушбу санъатни форсийзабон шоирлар ғоят қадрлаши, форс шеъриятида бошдан-оёқ шу санъат асосида ёзилган қасидалар мавжудлигини қайд этган. С.ж. санъати ўзбек шеъриятида ҳам жуда фаол кўлланган, у шеърга жонлилик, ҳаётийлик баҳш этиши билан деярли барча мумтоз шоирларимиз эътиборини тортган. Мас.:
Сўрса малакулмавт: “Санга ҳур керак?” деб,
“Иўқ-йўқ, манга дилҳоҳ!” дегумдур, дағи ўлгум (Атойи).

Дедим: кўнглумга ҳар ёндин ҳадангинг недурур ёра?
Муҳаббат ўтига, деди, ўтиндорким қалайдурман (А.Навоий).

Ҳажрда қаддимни дол эттинг, десам, бергай жавоб:
Ким қўйибдур севгини қадди бўкилган чол учун (Э.Воҳидов).

САДР (ар. صدر – кўқрак) – қаранг: **тақтиъ**

САЁХАТНОМА – адабий жанр, йўлчининг сафар давомида кўрган-кечиргандари, ўзга юртларнинг табиати, ижтимоий-маший турмуши, халқи, урф-одатлари ва бошқа ш.к. муаллиф мансуб миллат ўқувчилари учун қизиқарли ва фойдали бўлиши мумкин маълумотлар берувчи асар. Аксар ҳолларда С.лар ўз олдига ўзга юртлар ҳақида маълумот бериш, яъни маърифий мақсад билан бир қаторда, публицистик, бадиий-эстетик, фалсафий, сиёсий мақсадларни ҳам қўяди. Жанрнинг генезиси фольклор ва ёзма адабиёт анъаналарининг синтезлашуви натижаси бўлиб, марказида сайёҳ-ҳикоячи турган асарлар фольклор (мас., эртаклар) ва ёзма адабиётда (мас., антик саёҳатномалар) жуда қадимдаёқ яратилган. С.ларнинг жанр-композицион хусусиятлари сифатида марказида сайёҳ-ҳикоячи образининг туриши ва сафар (муайян йўналишдаги макон ва замонда ўзгарувчи ҳаракат) фактининг мавжудлиги, сайёҳ-ҳикоячининг кузатувчи мақомида туриши ва ўзга юртда кўрганларини ўз ютидаги ҳолат билан қиёслаб бориши кабиларни кўрсатиш мумкин. Жанрнинг ушбу асосий хусусиятлари сақлаб қолингани ҳолда, адабиёт ривожи давомида С.нинг бир қатор бошқа кўринишлари ҳам пайдо бўлди. Жумладан, кўпроқ публицистик ҳарактердаги ва ижтимоий-маърифий мақсадларни қўзловчи “ўз юрти бўйлаб сафар”лар (А.Радишчев. “Петербургдан Москвага саёҳат”; Муқими. “Саёҳатнома”; Чўлпон. “Вайроналар

Адабиётшунослик луғати

орасидан"); ўз юртидаги ҳолатни шартлы равишда таҳлил қилиш, муайян ижтимоий-сиёсий қарашларни ифодалаш мақсадларига қаратилған ва күпроқ сатирик характердаги асли мавжуд бўлмаган "фантастик юртлар"га саёҳатлар (Ж.Свифт. "Гулливернинг саёҳатлари"); хорижникларнинг муаллиф юртидаги саёҳати (Монтескье. "Форс ҳатлари"; Фитрат. "Сайёҳ ҳинди") ва б. Шунингдек, адабиёт тарихида жанрга хос шаклий хусусиятлар (сайёҳ, сафар факти) олингани ҳолда, С.лардан ўзгача мақсадларни кўзловчи асарлар ҳам кўплаб учрайди. Мас., Чўлпоннинг "Йўл эсдалиги"да С.га хос шакл асосида сайёҳ-муаллиф руҳияти, дунёқарашидаги ўзгариш жараёнлари ифодаланганки, уни рамзий лирик-публицистик асар ҳисоблаш мумкин.

САЖЬ (ар. سچ - булбул, тўти, қумри каби қушлар овозининг уйғунлашиб келиши, ўлчовли) – мумтоз адабиётдаги лафзий санъат, бир ёки бир неча гаплардаги айрим бўлакларнинг ё вазнда, ё қофияда, ё ҳар иккаласида мос келиши. Илми бадиъга оид айрим манбаларда С. насрга хос дейилса, бошқаларида ҳам насрга, ҳам назмга хослиги эътироф этилади. Шунга қарамай, С.ни насрга хос деб билиш, уни қофияли наср сифатида тушуниш кенгроқ оммалашган ва бу илмий жиҳатдан тўғрироқдир. Чунки назмдаги С. ва унинг турларига берилган таърифлар тарсеъ, мувозана, зулқофијатайн, зулқавофиъ, издивож каби қатор шеърий санъатларни қамраб олади. Яъни бу ҳолда бир ҳодиса турли номлар билан юритилади, холос, С.ни бундай кенг маънода тушуниш терминологик чалкашликларни янада кучайтиради. Шунинг учун ҳам С.ни наср билан боғлиқ ҳодиса деб билиш мақсадга мувофиқдир. С.нинг илдизлари туркӣ ҳалқлар фольклорига бориб тақалади. Агар ҳалқ оғзаки ижоди жанрларининг, асосан, ижрога мўлжаллангани, ижронинг мусиқа жўрлигига амалга ошгани эътиборга олинса, С.нинг фольклорда кенг оммалашиш сабаби (ўзига хос оҳанг, мусиқийлик ҳосил қилиши, эстетик таъсир кучининг ошиши каби) аён бўлади. Мас.: "Шўйтиб ҳут кириб, мушуклар миёв бўлиб, қозонлар сутга тўлиб, битта-ярим эрта қочган қўйлар қўзилаб, қорлар қошоқ бўлиб эрби, қўзигуллар очилиб, одамзот баҳрига оламга бир ажойиб эрта кўклам иси сочилибди" ("Юнус билан Мисқол").

С. ёзма адабиётда ҳам анча кенг тарқалган санъатлардан биридир. Жумладан, мумтоз адабиётимизда достон бобларига қўйилган насрий сарлавҳаларда (мас., Навоий "Хамса"си), девон-

Адабиётшунослик луғати

ларга ёзилган дебочаларда, насрый муножотларда С. санъати кенг құлланған. Ҳозирги насрда ҳам матнинг айрим ўринларида, хусусан, тасвир предметига эмоционал муносабат қуюқ ифодаланувчи лирик чекинишларда, воқеа ривожидаги ҳаяжонли нұқталар ёки персонажлар рухиятида жунбишга келган кечинмалар тасвирида С.га хос хусусиятларни күриш мүмкін.

САЙЁР СЮЖЕТЛАР НАЗАРИЯСИ, миграциялар назарияси – XIX нинг иккінчи ярмида пайдо бўлган назария. Унга кўра, турли ҳалқлар оғзаки ижодида бир-бирига ўхшаш сюжетлар мавжудлиги адабий асарлар бир маданий-тарихий ҳудуддан бошқа маданий-тарихий ҳудудларга кўчиб юриши билан изоҳланади. Мутахассислар С.с.н.нинг вужудга келишини ҳалқаро маданий алоқаларнинг кучайиши билан боғлайдилар, унинг асосчиси сифатида эса немис олими Т.Бенфей эътироф этилади. 1859 йилда Т.Бенфей ҳинд фольклори намунаси бўлмиш “Панчаратра”ни нашр эттиради, унга олимнинг бу нодир асар юзасидан олиб борган тадқиқотлари ҳам қўшилган эди. Бу тадқиқотида Т.Бенфей аксарият ҳикоят ва эртаклар Ҳиндистонда пайдо бўлган, кейин бутун дунёга тарқалган, деган хulosса чиқаради. Мазкур хulosса *мифологик мактаб* (к.) қарашларига зид бўлиб, икки йўналиш орасидаги баҳс-мунозаралар натижасида уларнинг тадқиқ предмети чегараланади: *мифологик мактаб* вакиллари асосий эътиборни фольклор генезисига, миграциялар назарияси эса унинг кейинги ҳаётига қаратди. С.с.н. фольклорни муайян бир злат ёки ҳалқ мулки тарзида тушунишни чеклади, унга турли юрт, даврлар поэтик маданиятларидан ўзлаштириш натижаси деб қаради. Албатта, бундай қарашда муайян бирёқламалик бор. Зоро, турли ҳалқлар фольклоридаги ўхашашликлар фақат адабий алоқа, ўзлаштириш билангина изоҳланмайди, бунда типологик ўхашашликларни ҳам назарга олмоқ зарур. Бироқ С.с.н. қиёсни, кўпроқ, формал-схематик асосда амалга ошириди, бу типологик ўхашашликларнинг ҳам аксар ўзлаштириш сифатида тушунилишига олиб келди. Шуларга қарамай, С.с.н. фольклоршунослик ва адабиётшунослик ривожида сезиларли из қолдирди: фаолияти турли ҳалқлар фольклорини қиёсий ўрганиш билан боғлиқ бўлгани учун ҳам, у илмий муомалага жуда катта ҳажм ва қўламдаги материални жалб этди, қиёсий адабиётшунослик ривожига хизмат қилди, тарихий поэтика соҳасининг шакллашишига ҳам маълум даражада асос солди.

Адабиётшунослик луғати

САНОЙИЙ (ар. صناع – санъатнинг кўплиги) – нутқни гўзал қилувчи бадиий воситаларнинг жами. Нутқни безовчи воситалар, нутқ гўзалликлари дастлаб икки турга бўлинади. Биринчиси, нутқнинг атайлаб ишлов берилмаган, тил ҳодисасига айланиб ултурсган табиий гўзаллиги бўлиб, улар зотий гўзалликлар дейилади. Нутқа безак бериш учун атайин яратиладиган воситалар орезий гўзалликлар дейилади. Атоуллоҳ Ҳусайнний таъбири билан айтганда: “Биринчи навъи ... дилбарларнинг табиий ҳусни янгалигдур ва иккинчи навъи ... безаклар сингаридур”. Илми бадиъда С.ни нутқнинг кўпроқ қайси жиҳатига безак бериши жиҳатидан лафзий, маънавий ҳамда лафзию маънавий санъатлар кўринишида таснифлаш анъанаси шаклланган. Нутқнинг маъно томони билан боғлиқ бўлиб, унинг маъно гўзаллигини таъминлашга хизмат қилувчи шеърий санъатлар маънавий санъатлар деб юритилади. Адабиётларда ийхом, тавжих, тажоҳули ориф, талмех, ирсол улмасал, ҳусни таълил, лаффу нашр, муболага, ташбеҳ, тамсил, истиора каби ўнлаб санъатлар маънавий санъатлар сирасига киритилади. Шеърнинг кўпроқ шакл томонига эътибор қаратган ҳолда унинг услубига безак берувчи санъатлар эса лафзий санъатлар дейилади. Айни пайтда, бу ўринда маъно ҳам эътибордан четда қолмайди, аксинча, “алфозни маъноға тобиъ қилмоқ” (А.Ҳусайнний) талаби қўйилади. Илми бадиъга оид асарларда тарсевъ, тажнис, сажъ, қалб, тажзия, зулқофиятайн кабилар лафзий санъатлар сифатида тавсифланади. Нутқни гўзал қилувчи бир гурӯҳ воситалар ҳам шаклга, ҳам маънога алоқадор бўлгани боис лафзию маънавий ёки муштарак санъатлар деб юритилиб, унга тақобул, муқобала, таъдил, тансиқ ус-сифот, иқтибос, тазмин, ҳусни ибтидо, ҳусни тахаллус, ҳусни матлаъ, ҳусни мақтаъ кабилар киритилади. Санъатларни бундай гурӯҳлашда бирмунча шартлилек бор. Чунки шаклнинг маънодан, маънонинг эса шаклдан айри ҳолда санъат ҳосил қилиши мумкин бўлмаган ҳолдир. Бу ҳақда яна Атоуллоҳ Ҳусайнний ёзади: “борча гўзалликларнинг асоси улдурким, нутқ ул тарзда адо этилгайким, маънони англашға, аниңг латоғати, таркиби ва соғламлиғига ҳеч бир халал етмагай. Асос ул эмаским алфозға ҳусни зийнат бермакка сайъ қилғайлар-у, маъноға халал етур ҳолдин кўз юмғайлар ёхуд аксинча холис маъно баён этиб, ҳусн-и адо тариқига йўламагайлар”.

Адабиётшунослик луғати

САРБАСТ, верлибр – ўзбек адабиётида XX асрдан бошлаб ом-малаша бошлаган шеър шакли. С.да ёзилган шеър мисраларидаги бўғинлар сони ҳам, уларнинг чўзиқ-қисқалиги ҳам, туроқланиш ёхуд қофияланиш тартиби ҳам мутлақо эркиндир. Шунинг учун ўзбек адабиётшунослигига С. ва эркин шеър терминлари, кўпинча, синоним тарзида ишлатилади, бироқ бу терминлар бошқа-бошқа тушунчаларни англатади (қ. эркин шеър). С. шеър насрый нутқдан аввалбошдан нутқий бўлак (мисра)ларга бўлиниши билан фарқ қилиб, бу нарса график (ҳар бир мисрани алоҳида сатрга ёзиш) ва интонацион (ритмик пауза ва ритмик акцентлар ҳисобига) жиҳатдан таъкидланади. Х.Давроннинг “Энг кучли бақириқ...” номли шеъри С.га мисол бўла олади:

Энг кучли бақириқ –	6
Соқовнинг бақириғи.	7
Ў, қандай куч билан бақирап	9
Қабртошлар...	3
Энг кучли сукунат – на кўз сукути,	11
на соқов сукути, на тош сукути.	11
Энг даҳшатли сукунат – Шоур жим юрса...	12

Келтирилган шеърда мисралардаги бўғинлар сони турлича, мисраларнинг ўзаро қофияланиши кузатилмайди, лекин график қўриниши унинг шеър эканини, эмоционал тўйинтирилган нутқ эканлигини таъкидлаб турадики, уни мос оҳанг билан ўқиймиз. Прозаик нутқдан фарқли ўлароқ, бунда нутқнинг мусиқий бўлишига ҳам эътибор берилади, лекин унинг мусиқийлиги тенг ўлчовлилик ёки тартибли қофияланиш асосида эмас, балки сўз ва товуш такрорлари, ритмик ургулар ҳисобига таъминланмоқда, С.да ёзилган шеърнинг анъанавий бармок ёки аруздаги шеърдан фарқли томони шуки, ундаги оҳангдорлик аввалбошдан маълум маромга солинмайди, муайян маромга мос кечинмалар ифодаланмайди. Аксинча, бунда фикр-туйғуга мос оҳанг сўзининг маъноси асосида юзага келади, яъни бу ўринда маъно асосида ўқилади ва сўзлар шунга мос оҳангларга ўралади.

САРГУЗАШТ АДАБИЁТИ – ҳақиқатда юз берган ёки тўкиб чиқарилган воқеаларни қизиқарли тарзда ҳикоя қилувчи воқеабанд

Адабиётшунослик луғати

асарларнинг умумий номи. С.а. намуналарига хос умумий хусусиятлар сифатида сюжет воқеаларининг шиддат билан ривожланиши, сирли ва ажабтовур воқеаларнинг юз бериши, ўтирик интригагарга бойлиги, сюжет ситуацияларининг кескин ўзгариши ва персонажлар тақдирида терс бурилишлар юз бериши (омад – омадизлик, баҳтиёрлик – баҳтисизлик), қаҳрамонларнинг турли синовларга дуч келишию уларни енгигб ўтиши ва ш.к.ларни кўрсатиш мумкин. Бу жиҳатлари билан С.а. фантастика, илмий фантастика ва детектив адабиётга яқин туради, аникрофи, саргузаштлилик бу турдаги асарларнинг барчасига хос хусусиятдир. Шунга кўра, кўплаб асарларда саргузаштлилик, детектив ва фантастика элементларининг қоришиқ ҳолда намоён бўлиши табиийдир. Айни чоғда, саргузаштлиликка енгил-елпи ҳодиса сифатидагина қараш ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Чунки жаҳон адабиёти саргузаштлилик асосида яратилган жиҳдий асарларни, сўз санъатининг нодир намуналарини ҳам билади. Жумладан, Сервантеснинг “Дон Кихот”, Ф.Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэль”, Ж.Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” каби асарлари ҳам саргузашт сюжет асосига курилган. Умуман олганда эса, кўпроқ, оммавий китобхонга мўлжаллангани, китобхонни ўзига жалб этишни асосий мақсад қилишидан келиб чиқиб, С.а. беллестристикага мансуб дейилади. Айримлар эса болалар ва ўсмирлар томонидан севиб ўқилгани учун С.а.нинг кўплаб намуналари, жумладан, А.Дюма, Ф.Купер, М.Рид, Р.Стивенсон, Р.Хаггард каби адибларнинг дунёга машҳур асарларини болалар адабиёти сирасига киритадилар. Ўзбек адабиётида саргузашт сюжет асосида яратилган асарлар (А.Навоий. “Фарҳод ва Ширин”; Ф.Гулом. “Шум бола” ва б.) ҳам, С.а.нинг яхши намуналари ҳам (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”) мавжуд.

САРИЙ (ар. سریع – тез) – аруз баҳрларидан бири, тез айтиладиган баҳр бўлгани учун шундай номланган. 2 та мустафъилун (– – V – / – – V –) ва 1 та мафъулоту (– – – V) аслларининг кетмакет тақрорланишидан ҳосил бўлади. Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида С. баҳрининг беш вазни, Бобурнинг “Мухтасар”ида ўн етти вазни мисоллар билан келтирилган. С. баҳрининг бир неча вазнлари бўлса ҳам, шеъриятимизда, асосан, икки вазnidан кенг фойдаланилади. Ўзбек мумтоз шеъриятида илк бор Алишер Навоий ўзининг икки ғазали ва бир фардини ҳамда “Хамса” таркибидаги “Ҳайрат ул-аббор” достонини С. баҳрида яратган. Навоийдан сўнг

Адабиётшүнослик луғати

Огаҳий, Мұқимий, Ҳабибий каби шоирлар ҳам ушбу баҳрда шеърлар ёзғанлар. Mac., Навоийнинг:

Сендин иироқ күзнинг эзур ҳайронлиги,
Хажринг аро ҳар лаҳза саргардонлиги, –

байти шу баҳрда бўлиб, у сариъи мусаддаси солим (— — V — \ — — V — / — — V) вазнидадир.

САРКАЗМ (юн. *sarkaso* – этини юлмоқ) – 1) комикликнинг тури, тасвирланаётган нарсага қаратилган заҳарли кулги. Антик даврлардан келувчи анъанага кўра, С.га кинояниң бир тури, унинг кескин ва юқори даражада намоён бўлиши сифатида қаралади. С. билан киноя орасида ўхшашлиқ катталигига қарамай, уларни жиддий фарқловчи жиҳатлар ҳам бор. Жумладан, кинояда ҳамиша кўчма маънолилик хусусияти сақланади ва объект билан ифода алоқаси пардаланади, С.да эса кўчма маънолилик, пардаланганилик хусусияти емирилади – назарда тутилган объект билан ифоданинг алоқаси анча очиқ бўлади. Агар кинояда баҳо контекстда реаллашса, С.да салбий баҳо матннинг ўзиданоқ англашилади – у гўё ҳарир мато билан пардаланган (юзадаги мақтov ёки нормал муносабат замиридаги кулги шундоқ сезилиб туради). Маълум даражада пардаланганилик С.ни инвективадан, ошкора фош этувчи ғазабли нутқдан фарқлайди. Айни чоғда, С. субъектив муносабатнинг намоён бўлиши жиҳатидан ҳам киноя билан инвектива оралиғида туради: кинояда объектга нисбатан яшириб, хотиржам турган ҳолда кулинса, С.да субъект муносабати яширилмайди, лекин унинг ифодаси инвектива даражасида кескин бўлмайди; 2) бадиийлик модуси. С. бадиийлик модуси сифатида юмор билан бирга бир гурухни ташкил қиласди. Агар юморда ниқоб остида индивидуаллик бўлса, С. ниқоб остида индивидуалликнинг йўқлиги билан характерланади. С. бадиийлик модуси қаҳрамони учун ниқоб оламда мавжудликнинг ягона шакли, унинг бору йўғи ниқоб, шунинг учун ундан айрилиб қолмасликка ҳаракат қиласди. Яъни С.даги “мен” – ноль, йўқ даражадаги “мен”, у оламда ниқобсиз мавжуд бўлолмайди. Mac., “Парвона”даги Ўткурий турли ниқоблар (шоир, ошиқ, улфат ва ҳ.)ни кетма-кет алмаштираверади, бироқ бу ниқоблар ортида унинг ўзига хос шахсияти кўринмайди. Ёки M.Муҳаммад Дўстнинг “Истеъфо” қиссасидаги бошқа қаҳрамонларга киноявий муносабат кузатилгани ҳолда, Бинафшахонга муносабат С. даражасига чиқадики, унда ҳурмат қилишга, қадрлашга

Адабиётшүнослик луғати

арзийдиган шахсиятнинг ўзи йўқ. Бинафшахон фақат роль ўйнайди, унинг турган-битгани ниқобдан (“элга таникли шоира”, “кatta арбобнинг хотини”) иборат, холос. “Бинафшахон шеър ёзганда тақадиган тақинчоқларини тақиб... фарангি атирнинг анвойи бўйларини ҳар ён таратиб” каби жумлалардан унинг барча хатти-ҳаракатлари ниқобга мос қиёфани ўхшатишга қаратилганини англаш мумкин. Худди юморда бўлгани каби, С. бадиийлик модуси учун ҳам энг олий қадрият – индивидуаллик. Фарқи шуки, юмор ниқоб остидаги ҳақиқий индивидуалликни очишга қаратилса, С. қаҳрамон ниқоб қилиб олган сохта индивидуалликни инкор қилишга қаратилади.

САТИРА (лот. *satura* – аралаш, қурама) – 1) комиқликнинг асосий турларидан бири. С.нинг юмордан фарқи шундаки, у ўз обьектида айрим нуқсонлар, тузатса бўладиган камчиликларни эмас, балки бутунлай танқид ва инкор этиладиган моҳиятни – жамият ва унинг тараққиёти учун жиддий зарар келтирадиган, ижтимоий хавфли иллатларни кўради. Шунга кўра, С. тузатишни эмас, бутунлай йўқотиш мақсадини кўяди. С.даги кулги юмордаги каби дўстона, бегараз кулги эмас, балки фош қилувчи бешафқат кулгидир (мас., А.Қаҳҳор. “Оғриқ тишлар”, “Тобутдан товуш”); 2) бадиийлик модуси. С., одатда, қаҳрамонликка тескари модус сифатида талқин этилади. Сатирик модус қаҳрамони жамият ҳаёти учун муҳим ва долзарб мақомга даъво қилгани ҳолда, шахс сифатида бундай мақомга муносиб бўлолмайди. Унинг барча интилишлари, муҳим ва ноёб шахс эканига ўзини ва бошқаларни ишонтиришга уринишлари, ўзи эгаллаб турган мақомни сақлаб қолиш учун хатти-ҳаракатлари – барчаси ўз-ўзини тасдиқлаш шаклида бўлишига қарамай, моҳияттан ўз-ўзини инкор қилишгача олиб келади. Сатиранинг идеали ҳам худди қаҳрамонлик модусидаги каби жамият ҳаётидаги энг муҳим ва долзарб вазифани адо этувчи шахсдир. Фарқи шуки, сатирик қаҳрамоннинг моҳияти (имкони, савияси ва б.) у ижро этаётган рол (ижтимоий мавқеи, вазифаси)дан анча тор. Қаҳрамон буни англаб турганни ҳолда, ўзини эгаллаб турган мавқеига муносиб қилиб қўрсатишга интилади, бу эса уни қаҳрамонлик ва трагик модуслардан фарқлайди. Сатирик модуснинг воқе бўлишида муаллифнинг фаол муносабати, кулги орқали инкор қилиш мавқеида туриши муҳим. Шу билан бирга, сатирик модус марказидаги шахс муаллиф учун кулги обьектигина бўлиб қолмайди, у ҳам, модус назарияси-

Адабиётшунослик лугати

даги «мен-оламда» концепциясига кўра, трагик ва драматик қаҳрамонлар каби муаллиф (китобхон) учун ўз-ўзини англаш имкониятидир. Айтиш керакки, модус маъносидаги С. комиклик тури сифатида тушунилган С. билан доим ҳам мувофиқ келмайди. Бу ўринда С. қаҳрамонлик модусининг трансформацияга учраши натижасида ва унинг зидди сифатида пайдо бўлгани (қаҳрамон – аксилқаҳрамон), шунингдек, комиклик С.нинг бош хусусияти эмас, балки унинг учун факультатив ҳодиса эканлигини эсда тутиш лозим. Бундан ташқари, битта асар доирасида турли бадиийлик модулари қоришиқ ҳолда намоён бўла олади. Агар шулардан келиб чиқилса, мас., А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романидаги Саидийга фақат драматик модус эмас, сатирик модус қаҳрамони сифатида ҳам қараш керак. Муаллиф уни инкор қиласи, бироқ қаҳрамон эстетик аналогия сифатида ёзувчи учун ўз-ўзини англаш воситаси бўлиб, Саидийнинг йўли нотўғри эканлигини ўзи учун тасдиқлаб олишни хоҳлайди. Табиийки, ўқувчида ҳам худди шу ҳолнинг кечиши кўзда тутилади. Демак, “Сароб”дан трагик ёки фақат драматик катарсисни кутиш ўзини оқламайди, чунки бу ҳолда субъект – объект – ўқувчи бирлигига эришилмайди. “Сароб”нинг баъзан нотўғри талқин ва баҳоларга учрагани асар бадииятининг айни шу хусусияти доим ҳам эътиборга олинмагани билан изоҳланиши мумкин.

СЕНТИМЕНТАЛИЗМ (фр. *sentiment* – ҳис) – XVIII асрнинг иккинчи ярмида Европа миллий адабиётларида вужудга келган оқим, номланиши инглиз адиби Л.Стерннинг “Сентиментал саёҳат”(1768) асари билан боғланади. Маърифатпарварлик рационализмининг таназзулга учраши натижасида майдонга чиқсан С., ундан фарқли ўлароқ, инсон табиатининг жавҳари онг эмас, ҳисдир, деган қарашга асосланади. Шунга кўра, С. мукаммал инсонни тарбиялашнинг шарти дунёни ақлга мувофиқ тарзда қайта қуриш эмас, унга табиатан хос бўлган ҳисларни эркинлаштириш ва ривожлантиришdir, деб билади. С. адабиётининг қаҳрамонига хос мухим хусусият юқори даражада индивидуаллаштирилганлик бўлиб, бу жиҳати билан у жонли инсонга яқинроқ туради. Яна бир жиҳати, С.да қути табақа кишилари ҳаёти, ички дунёси тасвирига кўпроқ эътибор бериладики, бу унинг ютуқ томони, кашфи сифатида баҳоланади. Табиийки, С.да инсонни баҳолаш мезони ҳам шунга мос ўзгарди: инсон қиммати унинг ҳис эта олиш даражаси, катта туйғуларга қобиллигига қараб белгиланади, ҳис эта олиш инсонга

Адабиётшунослик луғати

хос энг юксак фазилат ҳисобланади. С. адабиёти инсон рухиятини чуқур таҳлил қилишга интилди, инсон бир қолип доирасида қолмаслиги, унинг турли омиллар таъсирида “ҳар хил” бўлиб туриши мумкинлигини кўрсата олди ва бу билан инсонни анча ҳаётий тасвирлашга эриши. С.нинг кўплаб вакиллари инсон рухиятини, умуман, инсонни ижтимоий муҳит билан боғлиқлиқда тасвирлашга интилдилар (Ж.Руссо. “Янги Элоиза”; Д.Дидро. “Фаталист Жак”). Булар С. бағрида адабиёт тараққиётининг кейинги босқичлари – романтизм ва реализмга хос хусусиятлар ниш уриб етилгани, унинг бадиий тафаккур ривожида сезиларли аҳамият касб этганидан да-лолат беради. Айни чоғда, С. адабиётининг ўртамиёна намуналарида меъёрдан ошган, сунъийлик даражасига етган эмоционаллик – ийғлоқилик, ҳиссиётга ўта берилувчанлик, ҳиссиётлар оламида ўралашиб қолишилик каби жиҳатлар ҳам учрайди. Илмий муомала-да салбий маънода кўпланувчи “сентименталлик” терминининг келиб чиқиши шунга бориб тақалади. Шу билан бирга, жаҳон бадиий тафаккури С.нинг бош хусусияти бўлган ҳиссийликни ўзига сингдириб олганини ҳам эътироф этиш керакки, *сентименталлик* (қ.) адабиётдаги воқеликка муносабат турларидан бири сифатида ту-шунилиши шундандир.

СЕНТИМЕНТАЛЛИК (русчадан калька: “сентиментальность”) – муаллиф эмоционаллиги кўринишларидан бири; маънавий дунёси ғоят бой бўлгани ҳолда, ҳаётда шунга муносаб ӯрин тополмаган, тақдирнинг изми ёки жамиятнинг жорий тартиботлари бир четга суриб қўйган инсонларга ачиниш ҳисси билан йўғрилган муносабат. Бадиийлик модусларидан фарқли равиша, С. кўпроқ субъект билан боғлиқ. Яъни бу ӯринда субъект – объект – ўқувчи учлигидан биринчиси (ижодкор) етакчилик қиласи. Шуни ҳам таъкидлаш жо-изки, ижодкор С.и барча ўқувчиларга бирдек таъсири қиломайди, бу нарса конкрет ўқувчининг характер хусусиятлари, бадиий диди, дунёқараши кабилар билан бевосита боғлиқдир. Яъни ижодкор С.и айрим ўқувчиларда шунга мос катарсисни юзага келтирса, бошқаларида киноявий муносабат ҳам уйғотиши мумкин. Мазкур ҳол С.нинг обьект (қаҳрамон)даги асоси аниқ-равшан, мустаҳкам эмаслиги билан боғлиқдир. Ривоя персонаж тилидан берилган ёки муаллиф ўзи билан персонаж орасида эстетик дистанцияни сақлай олмаган (бу нарса, айниқса, бошловчи ижодкорларга хос) ҳолларда обьект (қаҳрамон)нинг ўзида С. бордай туюлади, лекин бу ҳол-

Адабиётшунослик луғати

да ҳам С., аслида, муаллифнинг ғоявий-эмоционал муносабати асосида юзага чиқади. Чунки объект ўз табиатига кўра трагик ёки драматик хусусиятга эга бўлиши мумкин, бироқ муаллиф ундаги бу жиҳатларга ургу беришга эмас, унга ачиниш туйғуларини ифодалаш ва ўқувчига юқтиришга интилади. Мас., Чўлпоннинг “Курбони жаҳолат” ҳикояси қаҳрамони Эшмуродда драматизмдаги каби ўзини ўзгаларга (муҳит, жамият ҳолати) қарши қўйган ҳолдаги ички фаол муносабат бор. Лекин муаллиф қаҳрамонида мавжуд драматизм имконларини рўёбга чиқариш ўрнига унга сентиментал муносабтини ифодалаш ва шу орқали ўқувчида ачиниш туйғуларини уйғотишга интилади. Натижада Эшмурод ўқувчи ачиниши керак бўлган “курбон” мақомида қолади, муаллиф С.и қаҳрамонни ёқлаб, уни “курбон” қиласётган муҳитни инкор этишга қаратилади. Сентиментал қаҳрамонлардан фарқли ўлароқ, трагик ва драматик қаҳрамонлар ўз мавжудлигини намоён этиш учун олам тартиботига (трагизм) ёки бошқа бир “мен”га – ўзгаларга (драматизм) қарши тура олади, яъни улар ҳаракатсиз, пассив курбон эмас, уларнинг ҳатто ўлими ҳам ўз мавжудлигини намоён қилиш йўлидаги ҳаракат, уриниш бўлиб қолади (Анна Каренина, Жюльен Сорель). Агар бадиийлик модуслари асосида ётувчи «мен-оламда» концепцияси қаҳрамоннинг ўз мавжудлигини англаши ва намоён этишини талаб этса, С.да қаҳрамоннинг мавжудлигини идрок этгани ҳолда уни намоён қилолмаслиги кузатилади ва айни шу ҳол уни “курбон” мақомида қолдиради (қиёсланг: “Утган кунлар”даги Кумуш ва “Даҳшат”даги Үнсиннинг ўлими).

СИЛЛАБИК ШЕЪР ТИЗИМИ (юн. syllabe – бўғин) – бир хил миқдордаги бўғинлардан таркиб топган мисралар тақорорига асосланувчи шеър тизими. С.ш.т. ургуси турғун бўлган тиллар (мас., француз тили) табиатига мос бўлса-да, тарқалиш қўлами анча кенгки, бу турли омилларга боғлиқ. Мас., роман тилларидағи адабиётларда у антик шеър тизими асосида, бу тил эгалари учун лотин тилидаги ҳижолар қисқа-чўзиқлиги аҳамиятсиз бўлиб қолиши оқибатида (яъни қисқа-чўзиқлик фарқланмай қолгач, антик шеърларда изометрия фақат ҳижолар сонига боғлиқдек бўлиб қолган) юзага келган ва у миллий тил табиатига мос шеър тизимига ўтишда бир босқич бўлиб хизмат қилган. Жумладан, рус шеъриятига поляк адабиётидан ўзлашган силлабик шеърларда мисра охир иш ёки ўртасида ритмни таъкидлаш учун ургули бўғин келтирилганки, бу кей-

Адабиётшүнослик лугати

инчалик силлабо-тоник шеър тизимиға ўтишга асос бўлган. Баъзида С.ш.т. билан бармоқ битта нарса деб тушунишга мойиллик кузатиладики, бу тўғри эмас. Бармоқ тизимида, силлабик шеърдан фарқли ўлароқ, мисрадаги бўғинлар сонигина эмас, уларнинг қай тартибда туроқланиши ҳам аҳамиятлидир (қ. *бармоқ*).

СИЛЛАБО-ТОНИК ШЕЪР ТИЗИМИ (юн. syllabe – бўғин, tonos – ургу) – шеър мисраларида ургули ва ургусиз бўғинларнинг бир тартибда гурухланишиб тақорланишига асосланган шеър тизими, XX асрга қадар ушбу шеър тизими “силлабо-метрик” деб номланган. Рус шеъриятида В.Тредиаковский ва М.Ломоносовлар ўтказган ислоҳотдан сўнг мазкур шеър тизими етакчилик қила бошлаган. Рус силлабо-тоник шеър тизимида бешта стола (рун) бўлиб, улар: *хорей*, *ямб*, *дактиль*, *анапест* ва *амфибрахий* тарзида антик шеър тизимидан ўзлаштирилган терминлар билан юритилади. Шу стопаларнинг тартибли тақорори ритми ҳосил қиласди, конкрет шеър ўлчови эса уч стопали ямб, тўрт стопали ямб қабилида номланади.

СИМВОЛИЗМ (юн. simbolon, фр. symbolisme – белги, нишон) – Европада XIX аср охири – XX аср бошларида кузатилган маданий маънавий инқироз шароитида, позитивистик ёндашув (қ. *натурализм*) ва тобора урчиб бораётган омма адабиёти (*беллестристика*) намуналари обрўсизлантирган реалистик тасвир принципларига қарши ўлароқ, вужудга келган адабий оқим. С.нинг адабий-эстетик асослари XIX асрнинг 60 – 70-йилларида П.Верлен, А.Рембо, С.Малларме каби француз шоирлари ижоди билан қўйилган. Мутахассислар С.га *романтизм* вориси сифатида қарайдилар, шу боис ҳам унинг фалсафий асосларини А.Шопенгауэр, Э.Гартман ва, қисман, Ф.Ницше таълимотида қўрадилар. Символистлар конкрет-ҳиссий идрок доирасидан ташқарида турувчи ғоялар, “ўзи-ўзидағи нарса”ларни бадиий акс эттиришга интиладилар. Уларга қўра, символ кундалик майшат домидан қутулиш ва дунёнинг идеал моҳиятини англаш учун образдан қўра самаралироқ воситадир. Улар шоир қалбан мутлақ ҳақиқатга яқин туради, шу боис у оламни символлар орқали интуитив тарзда идрок эта олади, деб ҳисоблайдилар. Умуман олганда, С. намояндалари дунёқараш нуқтаи назаридан Афлотунизм таълимоти, пантеизм фалсафаси, оламни рамзли идрок этишга қаратилган христиан диний-мистик таълимот-

Адабиётшүнослик лұғаты

лар (мас., Псевдо Дионисий, Августин ва б.) билан ҳам bogланади. Рус С.ининг фалсафий-эстетик қараашлари (улар В.Соловьев таълимотига асосланади) ҳам күп жиҳатдан ғарблік ҳаммаслаклари қараашларига мос, бироқ улар рус менталитети ва мамлакат ижтимоий-тарихий шароити билан боғлиқ үзига хос жиҳатларга ҳам зәга. Жумладан, рус С.ининг етакчиларидан бири Д.Мережковский уни юзага келтирған асосий омилни жамиятда "энг ашаддий моддиюнчилик билан рухнинг эңг эхтиросли идеал интилишлари" түкнеш яшаган давр шароитида құради. Яъни бу үринде ашаддий моддиюнчилар реалистлар бұлса, рухнинг идеал интилишлари С.га хосдир. Уларга құра, реалистлар ҳаётнинг оддий кузатувчилари, С.лар эса ҳамиша мутафаккирdir (К.Бальмонт). Символистларнинг реалликдан безгани, оламни интуитив тарздагина идрок қилиш мүмкін деб билгандар үларни романтизмнинг бевосита ворислари дейишигә асос беради. Улар учун дунё қоронғу бир зин-дон, ундан чиқадиган биргина түйнүк борки, у ҳам бұлса ижод онларидаги экстаз ҳолатидир, айни шу онларда санъаткор оламнинг мөхиятига кира билади. Санъатнинг вазифаси эса шу онларни мангуға муҳрлашдан иборатдир. Яъни санъат бошқа соҳаларда ваҳий деб атапувчи нарсанинг үзгинасидир. Шунга құра, ижодкор үз қалбининг қоронғу пучмоқларини үзи учун ойдинлаштиришға киришган палладагина санъат бошланади (В.Брюсов). С. вакиллари учун символ – мангулика очилған дарича. Айни чоғда, символлар воқелик қаъридан табиий равишда ва беихтиёр оқиб чиқиши лозим, мабодо ижодкор бирон бир ғояни ифодалаш учун үларни үйлаб топса, унинг үлік аллегориядан фарқи қолмайди. Яъни конкрет мазмунға bogланған аллегориядан фарқылы үлароқ, символ доимий ҳаракатда – у турфа мазмун қирраларини очиб бораверади; символ воситасида ифодаланған фикр сирли милтираб, ҳамиша үзига жалб этиб туради, у инсон қалбига сүз билан айтғандаң құра күчлироқ таъсир қылади. Майдонга келған давр ижтимоий ҳаётидаги бұхронлар, маънавий танazzул билан боғлиқ ҳолда, С.да ҳам декаданс кайфияти сезиларли, шунга қарамай, унинг эңг иқтидорли вакиллари ижоди умумбашарий ва мангу муаммоларнинг бадий идрокига қаратилған бўлиб, бадий тафаккур ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилған.

СИНЕДОХА (юн. synekdoche – нисбат бериш) – күчим тури, бутун-қисм алоқаси асосидаги маъно күчиши, метонимиянинг бир

Адабиётшунослик луғати

кўриниши. С.да ҳам маъно алоқадорлик асосида кўчади, шу сабабли унга метонимиянинг бир тури (унинг миқдорий кўриниши) сифатида қаралади. Мас., X.Давроннинг “Кулол муҳаббати” шеъридаги илк банд:

Саҳардан то оқшомга қадар,
Кўкда порлаб ёнмагунча ой,
Эртак сўйлар сархуш бармоқлар,
Эртак тинглар қизил рангли лой...

Бунда “эртак сўйлар” деганда, кулол ўз ишига бутун меҳри, қалб кўри билан берилган ижоднинг сеҳрли онлари назарда тутилади. Эртак сўйлаётган “бармоқлар” – қисм, у бутунни – кулолни англатади. Метафора билан С.нинг бирлиги ифоданинг гўзал ва таъсирли бўлишини таъминлайди: гўё йирик планли кино кадри каби сеҳрли бармоқлар тафтидан ийиб, гўзал бир шаклга кираётган чарҳдаги лойни шеърхон кўз олдига келтиради. Ёки М.Юсуфнинг:

Фақат шу ер яқин юракка,
Фақат шунда қувонар *кўзлар*, –

мисраларида “кўз” одам маъносида ишлатилгани ҳам С.га мисолдир. Якка нарса номини аташ билан умумни назарда тутишлик ҳам С. саналади. Ш.Раҳмон бир шеърида: “Қадимда мевалар етилган пайтда савоб деб яшаган комил аждодим мусофирир чанқоғин боссин деб атай бузиб кўяр экан боғлар деворин”, – деб ёзаркан, “қадим аждодим” бирикмаси остида аждодларни, бутун халқни назарда тутади. Шунга ўхшаш, “Ўзбекнинг қоракўз болаларига битта дунё қолсин ҳайратлик”, деганида ҳам ўзбек халқи назарда тутилган. Бадиий асарларда атоқли отларнинг турдош от маъносида қўлланиши ҳам С.нинг бир кўриниши саналади. Чунки, мас., шоир “фақат Жумавоий бўлгани учун ҳавасларинг келар робинзонларга” деганида, машҳур романга ишора қилгани ҳолда, Робинзонга ўхшаш ҳаёт кечириувчи кишиларни – кўпчиликни назарда тутади.

СИТУАЦИЯ (фр. *situation* – ҳолат, шарт-шароит) – сюжетшунослик категорияларидан бири, воқеабанд сюжетнинг муҳим унсурни. С. деганда сюжетнинг икки муҳим воқеаси орасидаги шундай ҳолат назарда тутиладики, унда иштирок этувчи персонажлар ва улар орасидаги ўзаро муносабатлар муайян даражада тургунлик касб этади. Бироқ сиртдан турғун кўринган ҳолат ўз ички зиддиятларига эга: турли персонажлар мавжуд ҳолатни у ёки бу тарзда ўзгартиришни истайди. Ички зиддиятлар ҳолатни кескинлаштиради ва бу

Адабиётшунослик луғати

кескинлашув С.ни коллизияга (қ. коллизия) айлантирадики, энди сифат жиҳатидан бошқа С.га ўтилади. Шу маънода, сюжет ривожини бир С.дан иккинчисига ўтиш, шундай алмашишлар йигиндиси сифатида таърифлаш мумкин. Мас., Чўлпоннинг “Кечা” романидаги Зеби сюжет чизигининг илк С.и: сўфининг хонадонида тутқун мақомида яшаётган, энди кўнгли кенгликларга талпинаётган Зеби (бу ҳолат роман вақтига қадар шаклланган, унинг иштирокчилари Зеби, Рazzоқ сўфи ва Қурвонбиби). С.да мавжуд ички зиддият Салтининг келиши ва дугонасини қишлоқ сафарига таклиф этиши билан очикроқ намоён бўлади. Рazzоқ сўфининг кириб келиши билан коллизияга айланади ва сафарга рухсат берилиши билан сифат жиҳатидан янги С.га алмашади. Умуман, Зеби сюжет линияси яна сафар – тўй арафаси – мингбошига таслим бўлиш – кундошлар орасидаги турмуш – суд каби С.ларни ўз ичига олади. Ушбу С.ларнинг ҳар бирида иштирок этувчи персонажларнинг ўзаро муносабатлари маълум даражадаги турғунликдан коллизияга ва сўнг сифат жиҳатидан янги С.га айланини кузатиш мумкин. С.нинг сюжетда намоён бўлиши асар жанри, турга мансублигига қараб турлича бўлади. Жўмладан, драматик асар сюжетида С. ва унинг алмашиниши яққол кўзга ташланиши муҳим хусусият, ҳикояларда эса С. ва унинг ўзгариши бир воқеанинг ички эпизодлари даражасида намоён бўлади.

СИФАТЛАШ – қаранг: эпитет

СОНЕТ (итал. sonetto, провансча sonet – қўшиқ сўзидан) – қатъий шеър шаклларидан бири, шакл хусусиятларига кўра тасниф этилувчи лирик жанр. С. ўн тўрт мисрадан таркиб топиб, иккита катрен ва иккита терцетни ўз ичига олади. С.нинг каноник шакли икки кўринишда бўлиб, “итальянча” вариантида катренлари abab abab, терцетлари cdc dcd (ёки cde cde); “французча” вариантида катренлари abba abba, терцетлари ccd eed (ёки ccd ede) тарзида қофияланади. Шеърият тарихида С.нинг каноник талаблардан чекиниш ҳоллари ҳам учрайди. Жўмладан, “инглиз” С.ида учта катрен ва битта дистихдан ташкил топиб, катренлари abab cdcd efef тарзидаги кесишган, дистих эса gg тарзида жуфт қофияланади. Шунингдек, С.га бундан бошқа ҳам турли ўзгаришлар (қофияланишига: бошдан охиригача жуфт ва тоқ мисралари ababab... тарзидаги схема; композициясига: аввал икки терцет, кейин икки кат-

Адабиётшунослик луғати

рен; ўлчовига: катренлардаги тұрткынчи мисра бошқа ўлчовда ва б.) киритиб, турфа вариантылари тажриба қилиб құрылған. Бироқ С.нинг каноник шакллари барыбер үз мавқеини дахлсиз сақлаб қолған, ҳозирда ҳам С. деганда шулар назарда тутилади.

СОНЕТЛАР ГУЛЧАМБАРИ – *сонетлар гулдастаси*; ўн тұртта сонетдан таркиб топған түркүм бўлиб, ҳар бир сонет ўзидан аввалинг сонетнинг охирги мисраси билан бошланади, ўн тұртта сонетнинг бириңчи мисраларидан эса ўн бешинчи сонет – магистрал таркиб топади. Магистрал түркүмнинг ғоявий-композицион асоси бўлиб, одатда, у бошқаларидан аввали ёзилади. Бу жиҳатдан қаралса, магистралнинг ҳар бир мисраси тартыб бўйича қолған ўн тұрт сонетнинг бириңчи мисраси бўлиб келади. Ўзбек шеъриятида С.г. шоир Б.Бойқобилов ижодида кузатилади.

СОЦИАЛИСТИК РЕАЛИЗМ – XX аср бошларыда Россия ва Европанинг бошқа мамлакатлари адабиётида юзага келған адабий йұналиш; шуролар ҳукумати томонидан расман құллаб-қувватланған ва собиқ Иттифоқ ҳамда жаһоннинг бошқа социалистик мамлакатлари адабиётида етакчиллик қылған ижодий метод. Фалсафадаги тушунчаларни адабиёттега “диалектик-материалистик ижодий метод” тарзыда тұғридан-тұғри құчиришга қарши ұлароқ, С.р. термини шуро матбуотида илк бор 1932 йилда ишлатилған. Кейинроқ, собиқ Иттифоқ ёзувларининг бириңчи съезді (1934) М.Горький томонидан инқилобий гуманистик ғояларни амалга татбиқ этишга қаратылған ижодий дастур сифатида таърифланған С.р.ни шуро адабиётининг асосий методи дея әзтироф этган. Тұғри, XX аср бұсағасига келиб Европанинг қатор мамлакатлари, айниқса, Россиядаги инқилобий ҳаракатлар сабаб жиддий ўзгарған ижтимоий-тарихий шароитта адабиёттинг дүнёни идрок қилишида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди: реализмни инкор қилиш билан бир қаторда, уни сифат жиҳатидан янгилашга, янгиланған ижтимоий воқеликни янгича акс эттиришга интилиш ҳам мавжуд эди. Худди шу шароитта яратылған М.Горькийнинг “Она” романы, “Душманлар” пьесаси С.р. адабиётининг илк намуналари сифатида күрсатилади. Ижодий принциплари нұқтаи назаридан қаралса, бу асарлар моҳият әзтибори билан реалистик адабиёт намунаси зди, лекин уларда ҳаёт материалини танлаш, тасвирлаш ва баҳолаш принциплари янгиланғанди. Яъни бу адабиёт, аввало, ғоявий

Адабиётшунослик луғати

нуқтаи назардан фарқланди. Шу жихатдан С.р.ни XX аср бошларида вужудга келган ва собиқ Иттифоқ, шунингдек, жаҳоннинг қатор социалистик мамлакатлари адабиётида 70-йилларга қадар етакчилик қилган адабий йўналиш деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур йўналишнинг табиий ва қонуний равища, ижтимоий-тарихий шароитдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда юзага келгани ва адабий жараёнда бошқа йўналиш ва оқимлар қатори мавжуд бўлгани шубҳасиз. Бироқ адабиёт соҳасида ўз гегемонлиги, яккаҳокимлигини ўрнатишга бел боғлаган шўро сиёсати уни муайян адабий-эстетик канонга айлантириш ва барча ижодкорларни шу асосда бирлаштирган ҳолда, ўз мағкурасига хизмат қилдиришга интилиди. С.р.нинг қатор талаблари ишлаб чиқилди. Жўмладан, воқеликни инқилобий ривожланишда тасвирлаш, асарнинг инқилобий фаол гуманизм билан йўғрилган бўлиши, унинг марказида коммунистик ғоялар ғалабасига ишонган ва шу йўлда толмай курашаётган ижодий қаҳрамоннинг туриши, давр зиддиятларини марксистик синфийлик нуқтаи назаридан тушуниш ҳамда баҳолаш ва ш.к. Мазкур талаблар туб моҳияти билан ғоявий асосда бўлиб, улар воқеликни бир ғоявий қолипда кўришни тақозо этиши билан, табиийки, ижодий индивидуалликка рапхна солади. Иккинчи томондан, улар 30-йилларнинг ўрталарида, марксизм-ленинизм асосчиларининг қарийб 50 – 100 йиллар аввалги шароитда айтган фикрларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Ҳолбуки, ўтган даврлар мобайнида ҳаёт XX аср шиддатига мос муттасил ўзгаришда бўлган. Албатта, бу зиддиятли ҳолатда С.р. назариясининг иход амалиётидан орқада қолиши, унинг дормага айланиши табиий эди. Натижада назария бир томон, адабий жараён бир томонлигича қолди. Ҳозирда совет даври адабиёти билан социалистик реализм адабиёти битта нарса эмаслиги кенг эътироф этилади. Зоро, чинакам санъаткорлар мағкура зууми остида ҳам дунёни ўзича кўриш, тасвирлаш ва баҳолашга интилдилар. Аксинча, шу қолиплар асосида, шўро адаби олдига кўйилган талабларга оғишимай амал қилиб ёзилган асарларнинг аксарияти ғоявий схематизм қурбони бўлди, метод зууми сабаб ижодий имкониятлар рӯёбга чиқмади. Ўтган асрнинг 60 – 70-йилларидан бошлаб методнинг дормага айланиб бораётгани очиқ кўзга ташлана бошлади. Ҳудди шу шароитда назарияда С.р.ни очиқ система сифатида талқин этиш, бошқача айтсак, уни ислоҳ қилишига интилиш ҳам кучайди. Бироқ бу ҳаракат методни инқи-

Адабиётшунослик лугати

роздан сақлаб қолишга ожиз эди, чунки яккахоким мафкура шароити методнинг асоси (яъни марксча-ленинча фалсафа) дахлсиз қолишини тақозо этарди. Ҳозирги адабиётшунослиқда С.р. методи ва адабиёттига салбий муносабат, уни “соҳта метод” деб аташ устуворроқ. Албатта, бунга муайян асос ҳам йўқ эмас. Айни чоғда, С.р. адабиёт тарихининг маълум босқичида табиий равишда вужудга келганини ҳам эътироф этиш зарур. Фақат шу ҳодисани мутлақлаштириб, уни бадиий ижоддаги ягона ва энг тӯғри йўл деб тушунилгани, муайян давр адабиёттига хос хусусиятлар асосида гўё универсал қоидалар ишлаб чиқилгани ва ижодкорларнинг уларга риоя қилиши лозимлиги деярли маъмурий тарзда белгилаб қўйилгани уни муқаррар таназзулга олиб келди.

СОЦИОЛОГИК МЕТОД – бадиий адабиётни, адабий ҳодиса ва фактларни ижтимоий ҳаёт билан узвий алоқада ўрганишга асосланувчи тадқиқот методи. Адабиёт ва санъатга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш қадимдан мавжуд (мас., Афлотун. “Давлат”) бўлсада, уларнинг ижтимоий табиатини илмий асосда ўрганиш XIX аср ўрталаридан бошланди. Адабиётта социологик ёндашув тамойиллари илк бор маданий-тарихий мактаб фаолиятида кўзга ташланади. Жумладан, шу мактабнинг йирик намояндаси И.Тэн адабий асарда маълум бир тарихий даврдаги “халқ руҳи” акс этади деб билади, бу руҳ эса миллатнинг айни шу даврдаги тафаккур дараҷаси, турмуш тарзи, урф-одатлари ва ш.к.лар билан чамбарчас боғлиқ. Тэнга қўра, адабий асар табиати “ирқ” (миллатга хос туғма сажия), “муҳит” (табиат, иқлим, ижтимоий шароит) ва “давр” (эришилган маданий дараҷа ва анъана) хусусиятлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам адабий асарни алоҳида олиб эмас, балки шу омилларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил ва талқин қилиш зарурки, шундай ёндашувгина илмий жиҳатдан асосли хуносалар чиқаришга имкон беради. Шундан бўлса керак, XIX аср ўрталаридан бошлаб адабиётшунослиқда социологик ёндашувнинг саломоги муттасил ортиб борди; социологик ёндашув марксистик адабиётшунослиқнинг, хусусан, шуро адабиётшунослигининг ҳам асосини ташкил қилди. Дарҳақиқат, С.м. адабиётшунослиқнинг қатор масалаларини ўрганишда муҳим ўрин тутади. Мас., бадиий воқелик билан реаллик муносабатлари, унинг тарихан ҳақонийлик дараҷаси, ҳаёт ҳақиқати билан бадиий ҳақиқат муносабати каби масалаларни ўрганишда С.м.гина қўл келиши мумкин. Унга таяниб, асарнинг

Адабиётшунослик луғати

ғоявий-мафкуравий томонлари, қаҳрамонларнинг характер хусусиятлари, асардаги конфликтлар табиати, образлар тизими ва ҳ. бадиий унсурларнинг ижтимоий илдизларини очиш мумкин. Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланиш жараёни, характер ва прототип, тарихий шахс образи ва реал тарихий шахс муносабати каби ижод жараёни билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда ҳам социологик ёндашув асос вазифасини ўтайди. С.м.нинг адабиётшуносликда муҳим аҳамиятга моликлиги шубҳасиз, бироқ уни мутлақлаштириш ярамайди. Аксинча, унга мавжуд тадқиқ методларидан бири сифатида қараш, муайян масалани ўрганиш учун зарур ўринларда ва бошқа методлар билан бирликда қўллаш самаралироқ натижга беради. Зеро, адабиёт фақат ижтимоий омилларгагина боғлиқ эмас, адабиётшуносликнинг предмети, уни қизиқтирган масалалар ғоят серқиррадир. Буни эътиборга олмаслик эса адабиёт учун заарарли оқибатларга олиб келиши мумкинки, бунга ёрқин мисолларни шўро адабиётшунослигидан истаганча топишимиш мумкин бўлади. Mac., шўро адабиётшунослигидаги вульгар социализм кўринишлари С.м. мавқенини мутлақлаштириш натижаси эди. Бадиий асарлар, адабий ҳодисалар таҳлилида С.м. бузиб қўлланган, уларни шу асосдан баҳолаган танқидий мақолалар кейинча кўплаб ижодкорларни қатағон қилиш учун дастакка айланди, ўқувчи оммани ўша ижодкорларни “халқ душмани”, асарларини “заарарли” деб тушунишга тайёрлади. Айтиш керакки, шўро даврида айрича аҳамият берилган С.м. ҳозирда анча эътибордан қолган, кўпинча унга салбий муносабат кузатилади. Бироқ бунга кўшилиб бўлмайди, чунки гап методда эмас, ҳамма гап унинг қандай ва қай мақсадда қўлланишидадир. Демак, ундан воз кечиш тўғри эмас, зеро, адабиётшуносликдаги талай масалаларни тадқиқ этишда С.м.нинг муҳимлиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатdir.

СОҚИЙНОМА (ар. ساقی – сув улашувчи, руҳий озуқа берувчи, نامه – хат) – мумтоз адабиётдаги ўзига хос композицион қурилишга эга йирик ҳажмли лирик жанр. С. бир неча банддан ташкил топиб, унинг ҳар бир банди маснавий шаклидаги бир неча байтдан (а-а, б-б, в-в ва ҳ.) таркибланади. Манбаларда С.нинг қатъий шаклий белгилари сифатида мутақориб баҳрида ёзилиши ва ҳар бир бандининг соқийга мурожаат билан бошланиши курсатилади. Mac., Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонига киритилган С. жами 32 банд

Адабиётшунослик луғати

ддан иборат бўлиб, унинг биринчи банди қўйидаги байт билан бошланади:

*Соқиё, тут қадаҳи шоҳона,
Қатраси лаъл vale якдона.*

СТИЛИЗАЦИЯ (юн. *stylos* – мумланган таҳтачага ёзиш учун ишлатилган таёқча; услуб) – муайян бадиий-эстетик мақсадларни кўзлаб, ўзга бир ижодкор, давр, адабий йўналиш ва ш.к.ларга хос услугубий хусусиятларни қайта тиклашга асосланган усул. Манбаларда бирон бир ижтимоий гурӯҳга мансуб шахс тилининг ўзига хос жиҳатларини қайта яратиш ҳам С.нинг бир кўриниши деб таърифланади. Бироқ буни персонаж нутқини индивидуаллаштиришдан фарқлаш лозим: С. ҳақида ривоя персонаж-ҳикоячи тилидан олиб борилган ва ўша ҳикоячи нутқига хос услугуб қайта тикланган ҳолларда гапириш тўғрироқ бўлади. Mac., F. Фуломнинг “Шум бола” қиссасида ривоя персонаж тилидан олиб борилган ва унга хос услугубий хусусиятлар қайта яратилган. Ёки X. Султоновнинг “Кўнгил озодадур” қиссасида XIX аср адабий тили, хусусан, Гулханий услугубига хос жиҳатлар қайта яратилади. Ёзма адабиётда фольклорга хос услугуни қайта яратиш ҳам С.нинг анча кенг тарқалган кўринишидир. Бунга ҳалқ йўлида ёзилган шеърлар (И. Мирзо. “Фарғонача”; Э. Шукур. “Менгим момонинг йўқлови”), адабий эртакларни (F. Фулом. “Ҳасан Кайфий”, “Афанди ўлмайдиган бўлди”) мисол қилиш мумкин. У. Азимнинг “Бахшиёна” туркуми, X. Давроннинг “Бахши ўғиллари ҳақида ривоят”, Фахриёрнинг “Бахшининг севгиси” асарлари ҳалқ достонларига С. қилиш асосида яратилган. Шунингдек, С. пародиянинг ўзак хусусияти саналади, унда обьектга хос услугубий хусусиятлар сақлангани ҳолда, бу иш ҳажвий-кулгили тарзда амалга оширилади.

СТОПА (юнон тилидан русчага калька: оёқ, товоң) – антик шеър тизимидағи ритмик бирлик, чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг муайян тартибдаги гуруҳи, уларнинг тақрорланиши ҳисобига маълум ўлчовли ритм юзага келади. Терминнинг пайдо бўлиши қадимда шеър ритми оёқни кўтариб-тушириш орқали белгилаб (доирада усул белгилангани каби) борилгани билан боғлиқ: қисқа ҳижода оёқ (товоң) ердан узилиб, чўзиқ ҳижода ерга урилган. Термин рус силлабо-тоник шеърияти томонидан ўзлаштирилган бўлиб, унда С. ургули ва ургусиз ҳижоларнинг муайян тартибдаги гуруҳини билди-

Адабиётшунослик луғати

ради. Бу шеър тизимида бешта стола (рун) бўлиб, улар: хорей (– V), ямб (V –), дактиль (– V V), аналест (V V–) ва амфибрахий (V – V) тарзида антик шеър тизимидан ўзлаштирилган терминлар билан юритилган (ургусиз: V, ургули: –). Моҳиятига кўра, С. аruz тизими-даги рунн (к.) билан ўхшашдир.

СТРОФИКА (юн. strophe – бурилиш; банд) – шеършуносликнинг банд тузилиши ҳақидаги бўлими, шеърий мисраларнинг бандга бирикиш тамойиллари (ҳажм, жумла қурилиши, ритмик композиция) ва қонуниятларини, шунингдек, қатъий банд тузилишига (строфик) эга ва эга бўлмаган (астрофик) шеър шакллари, шаклий белгиларига кўра таснифланувчи қатъий шеърий шаклларни ўрганади.

СТРУКТУРАЛИЗМ (лот. structura – қурилиш, жойлашиш) – XX асрдаги иккита жаҳон уруши оралиғида шаклланган ва 60-йилларга келиб кенг (айниқса, Францияда) оммалашган йўналиш, ижтимоий ва гуманитар илм соҳаларидаги тадқиқот методи. С.нинг отаси сифатида замонавий тилшуносликнинг асосчиси Ф. де Соссюр (1857 – 1913) эътироф этилади. Олим ўзининг “Умумий тилшунослик курси” асарида реал нутқ бирлиги билан унинг асосида ётувчи системани фарқлайдики, бу система инсон томонидан тил ўрганиш жараёнида ўзлаштирилади. Соссюрга кўра, шу системанинг структураси (тузилиши, унсурлари, уларнинг ўзаро муносабати)ни тавсифлаш ва ўрганиш тилшуносликнинг асосий вазифасидир. Худди шу тамойил кейинча, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бошқа ижтимоий-маданий ҳодисаларга ҳам кўчирилиб, тилшунослик методлари эстетика, санъат ва маданиятнинг барча соҳаларига татбиқ этила бошланди. Тилшунослик методлари билан бирга, С. ўз фаолиятида мантиқий-математик тадқиқ усуулларига таянди, психоанализдаги онгиззлик категориясини ўзлаштириди. Дунёкараш нуқтаи назаридан С. экспицентризмга зид мавқе эгаллагани ҳолда, фалсафадаги баъзи (марксизм, феноменология, герменевтика) таълимотлар билан муштарак нуқталари ҳам бор. Ҳусусан, мутахассислар С.нинг ҳаммадан ҳам неопозитивизмга яқин туришини таъкидлайдиларки, бу гуманитар билим соҳасини аниқ ва табиий фанлар (яъни аниқ ва қатъий қонуниятларига эга илм) даражасига етказиш мақсади билан изоҳланади. Ҳуллас, ўтган аср ўрталарига келиб С. ижтимоий-маданий ҳодисалар замирида ётувчи моделларни очиш,

Адабиётшунослик луғати

шу асосда ижтимоий-гуманитар соҳаларда объектив илмий билиш имкониятларини намоён этишни мақсад қилган илмий йўналиш, методга айланади. С. тилшунослик, адабиётшунослик ва антропология бошқа соҳаларга қараганда кучлироқ намоён бўлдики, илмий йўналиш сифатидаги С.нинг етакчилари сифатида тилшунос Р.Якобсон, адабиётшунос Р.Барт, антрополог К.Леви-Строссларнинг эътироф этилиши шундан.

С.нинг адабиётшуносликдаги илк куртаклари рус формал мактаби намояндалари (Р.Якобсон, В.Шкловский, Ю.Эйхенбаум, Ю.Тинянов ва б.) фаолиятида юз кўрсатган бўлса, В.Проппнинг «Сехрли эртак морфологияси» (1928) асари мазкур метод анча изчил кўлланган тадқиқот саналади. Кейинча структур адабиётшунослик маркази Францияга кўчиб, унинг ривожи Р.Якобсон, Р.Барт, Ц.Тодоров каби олимлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечди. Шунингдек, структур адабиётшунослик ривожида Ю.М.Лотман бошчилигидаги Москва-Тарту илмий мактабининг ҳам катта хизмати бор. Шу ўринда структурал адабиётшуносликка хос хусусиятлардан айримларини келтириб ўтиш ўринли. Жумладан, у адабий асарга имманентлик тамойили асосида ёндашади, яъни адабий асарни алоҳида ҳодиса сифатида олиб, унинг ички қурилишини тадқиқ этади, асардан ташқаридаги омиллар (генезиси, ривожланиши, ташқи вазифалари ва ш.к.) эътибордан соқит қилинади. Имманент таҳтилнинг мақсади эса тадқиқ этилаётган асарнинг ички қурилиши, ундаги унсурларнинг асарнинг систем бутунлик сифатида намоён бўлишини таъминловчи ўзаро алоқа ва муносабатларини ўрганишдан иборатdir. С. ифода ва маъно муносабатига ноанъанавий ёндашади. Анъанага кўра, маъно аввалдан мавжуд ва ифодалашни тақозо этадиган нарса сифатида тушунилса, С. буни инкор қилиб, структура – шакл унсурларининг ўзаро алоқа-муносабатлари системани юзага келтириши давомида маъно воқе бўлади, деб билади. Яъни бу хил ёндашувда, бир томондан, маъно структуранинг ҳосиласи сифатида тушунилади; иккинчи томондан, ҳар қандай ҳодисанинг туб ва универсал структуралари мавжуд деган қарашдан келиб чиқиб, айни шу структураларга маънени шакллантирувчи омил деб қаралади, натижада эса ижода субъектнинг роли пасайтирилади ё буткул истисно қилинади. Туб универсал структураларни аниқлаш, нарса-ҳодисаларнинг математик аниқликдаги моделларини яратиш С. ўз олдига қўйган асосий

Адабиётшунослик луғати

мақсадлардан биридир. Жумладан, Ц.Тодоров структурал поэтика ўз тушунчаларини конкрет асарга эмас, балки ҳар қандай адабий матнга қаратади, деб айтади. Яъни модель жанрга мансублигидан қатъи назар, ҳар қандай асар таҳлилини асослашга ярамоги керак. Р.Барт эса ўз олдига янада максимал мақсадни қўяди: у “сўнгги структура” ёки “матрица”ни излайдики, у нафақат адабий, балки умуман ҳар қандай матн, бунга қадар яратилган, яратилаётган ва яратилажак матнлар моҳиятини акс эттира олсин. Модель ва структураларни яратиш, табиийки, тадқиқ объектининг структуралвий унсурларини ажратиш, таснифлаш, улар орасидаги турли (бинар оппозиция, контраст, зидлаш, тўлдириш, симметрия, асимметрия ва б.) муносабатларни ўрганишни тақозо этади. Шунга кўра, структур адабиётшунослиқда мазкур талабга мос тушунчалар тизими, таҳлил усуслари ишлаб чиқилган.

70-йилларга келиб С. ўз имконларини сарфлаб бўлди, ўрнини ўзининг бағрида етишган, ўзининг давомчиси ва зидди сифатида майдонга чиқсан постструктурализмга (к.) бўшатиб берди. Умуман олганда, С. ўз олдига қўйган улкан мақсадларга, хусусан, адабий асарга бадиий-эстетик қадрият сифатида ёндашиш масаласини ҳал қилишга эриша олмади. Зоро, бадиий асарнинг ички тузилиши, структура элементлари ва уларнинг ўзаро алоқалари, қисмларнинг бутунликка бирикиш қонуниятларини нечоғли чуқур ва атрофлича ўрганмасин, унинг таҳлиллари бадиий асарнинг эстетик таъсир кучи ва бадиий қимматини белгилайдиган қатор омилларни эътибордан соқит қўлган эди. Шунга қарамай, С. адабий-назарий тафаккурни, бадиий асар ҳақидаги мавжуд тасаввурларни бойитди, унинг илгари етарли эътибор берилмаган томонларига дикъатни жалб қила билди, у ишлаб чиқсан методлар ҳозирги адабиётшуносликнинг бадиий таҳлил имконларини кенгайтирди.

СЮЖЕТ (фр. sujet – предмет, асосга қўйилган нарса) – бадиий шаклнинг энг муҳим элементларидан бири, асардаги бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда кечадиган, қаҳрамонларнинг хатти-харакатларидан таркиб топувчи воқеалар тизими. Сюжетлилик бадиий адабиётнинг хос хусусиятларидан бири бўлиб, С. тур ё жанридан қатъи назар, барча асарларда бор, бироқ унинг намоён бўлиши кўп жиҳатдан қайси тур ёки жанрга мансублигига боғлиқ. Mac., лирикада воқеалар тизими йўқ, лекин унда ўй-фикрлар, ҳис-кечинмалар

Адабиётшунослик луғати

ривожи бор ва бу унинг С.ини ташкил қилади. Ёки эпоснинг кичик шакллари, хусусан, новеллалардаги С. ҳам "воқеалар тизими" деган таърифга мувофиқ эмас: бунда бир ҳаётий ҳолат ичидаги ўсиш, ривожланиш кузатилади (мас.: Чұлпон. "Тараққий"; А.Қаххор. "Бемор"). Шуни күзде тутган ҳолда, адабиётшунослиқда воқеабанд ва воқеабанд бұлмаган С. лар ажратилади. Айрим адабиётшунослар (мас., Г.Поспелов) С. эпик ва драматик асарларга хос, лирик асарлар С.га эга эмас, деб ҳисоблайди. Бу қарашга күра, лирик асарда композиция С. (воқеалар тизими) ўрнини босиб, ўй-кечинмаларни муайян тартибда үюштиради. Мазкур қараш терминологияның чалкашликлардан қочиш, С. терминини бир маънода – воқеалар тизими деб тушуниш имконини беради. Кенг оммалашған таърифлардан бирига күра, С. "у ёки бу характернинг, типнинг тарихий ривожланиши, ташкил топиб боришидир"(М.Горький). Бирок характер доим ҳам ривожланиш, ўсиш ва шаклланишда құрсатылмайди. Мас., ҳикояда характерлар тайёр ҳолда берилади, воқеа давомида ривожланмайди, С. бу ўринде воқеанинг ички ривожини намоён этауди, холос. Демак, мазкур таъриф универсал эмас, у айрим типдаги асарларга (мас., "Күтлуг қон") нисбатангина түғридир. Албатта, С. ривожи давомида характернинг шаклланиши, очилиши ҳам бор гап, лекин бу С.нинг бадиий функцияларидан бири, унинг моҳияти эмас. Хуллас, агар "сюжет" термини остида эпик ва драматик асарларга хос С. назарда тутилса, унда С. асардаги "бир-бирига боғлиқ воқеалар тизими" ёки "конкрет ҳолат, битта воқеанинг ички ривожи"дир.

С.нинг бирламчи функцияси асар проблемасини бадиий тадқиқ этишга имкон берадиган ҳаёт материалини үюштириб беришдан иборатдир. Демак, С. нинг қандай бұлиши мазмунга, муаллиф ижодий ниятига боғлиқ. Мас., А.Қодирий "Ұтган кунлар" учун танланған С. Отабекнинг Тошкентдан, Кумушнинг Марғилондан бұлиши – ижодий ният ижроси учун энг мақбул вариант. Негаки, С.нинг "ўқ"и – "ишқий-маиший" С. чизиги Тошкент билан Марғилонни боғлагани ёзувчига ўзини үйлатған проблемалар тадқики учун зарур воқеа ва тағсилоттар (хон ўрдаси, Тошкент исёни, қипчоқ қыргини кабијини асарга олиб кириш имконини беради. Мұхими, улар асарга ҳеч бир зұракиликсиз, ўқувчи хаёlinи банд этган Отабек-Кумуш линиясига узвий боғланған ҳолда олиб кирилади, натижада адига шахс эрки, миллат және миллат тақдиди муаммоларини атрофлича бадиий

Адабиётшунослик луғати

тадқиқ этиш, фикрларини ифодалаш имкони яратилади. Кўрина-дики, С. ҳаёт материалини шунчаки эмас, балки бадий концепцияни шакллантириш ва ифодалашга энг қулай (оптимал) тарзда уюштириш экан.

С. персонажларнинг “ҳаракат”ларидан таркиб топади. Персонажларнинг макон ва замонда кечувчи хатти-ҳаракатлари ҳам, руҳиятидаги ўй-фикрлар, ҳис-кечинмалар ривожи ҳам ҳаракатдир. Шу ҳаракат типларидан қайси бири етакчилик қилишига қараб, С.нинг икки типи ажратилади: а) “ташқи ҳаракат” динамикасига асосланган С.; б) “ички ҳаракат” динамикасига асосланган С. Биринчи типдаги С.ларда персонажларнинг бирор мақсад йўлидаги хатти-ҳаракатлари, кураши, тўқнашувлари, ҳаётидаги бурилишлар тасвирланади ва шу асосда уларнинг тақдири, ижтимоий мавқеида муайян ўзгаришлар юз беради. Бу нав С.ларда воқеа тўлақонли тасвирланади ва ўз ҳолича ҳам бадий-эстетик қиммат касб этади. Келиб чиқиши жиҳатидан С.нинг бу тури қадимиyroқ (фольклордаги сеҳрли эртаклар, ривоятлар, достонлар). Янги ўзбек адабиётида ҳам С.нинг бу типи кенгрок тарқалган: “Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён”, “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон”, “Сароб” – буларнинг барida ташқи ҳаракат динамикаси етакчилик қиласи. Албатта, бу асарларда “ички ҳаракат” динамикаси ҳам бор, бироқ у мавқе жиҳатидан С. типини белгилашга оқизлиқ қиласи. С.нинг иккинчи типида воқеалар ўз ҳолича эмас, персонаж руҳиятидаги жараёнга туртки бериши жиҳатидан аҳамият касб этиб, асар давомида персонажлар ҳаётida, тақдирида ёки ижтимоий ҳолатида эмас, унинг руҳиятида бурилишлар, ўзгаришлар содир бўлади. Бу тип С.лар адабиётимизда анча кейин, XX асрнинг 80-йиллардан пайдо бўлиб, ҳозирча насрнинг кичик ва ўрта (мас., А.Аъзам. “Бу куннинг давоми”, “Асқартоғ томонларда”) шаклларида, шунингдек, бир қатор драматик (мас., Ш.Бошибеков. “Тақдир эшиги”, “Эшик қоқсан ким бўлди”) асарларда синаб кўрилди.

Воқеаларнинг ўзаро муносабатига кўра С.нинг хроникали ва концентрик турлари ажратилади. Хроникали С.да воқеалар орасида вақт муносабати (А воқеа юз берганидан сўнг, Б воқеа юз берди) етакчилик қиласа, концентрик С. воқеалари орасида сабабнатижа муносабати (А воқеа юз бергани учун, Б воқеа юз берди) етакчилик қиласи. Хроникали С., бир томондан, ҳаётни кенг эпик кўламда тасвирлаш, иккинчи томондан, қаҳрамон тақдирини дав-

Адабиётшунослик луғати

рий изчиллиқда, харәктерини ривожланишда күрсатиш учун қулай. Чунки унда асосий сюжет билан ёндош ҳолда ёрдамчи сюжет чизиқтарини ҳам юргизиш, жуда катта ҳаёт материалини қамраб олиш имконияти мавжуд. Хроникали С.да асарнинг "бадиий вақт" и исталганча кенгайтирилиши мумкин: унда "параллел вақт" да кечәётган воқеаларни тасвирлаш, ретроспекция – замонда ортга қайтиш усулидан фойдаланиш имкониятлари анча кенг. Шунингдек, хроникали С.га қурилган асарга С.дан ташқари унсурлар (ривоятлар, кирирма эпизодлар ва б.), мұаллиф мушоҳадалари, тағсилотларни табиий равишида киритиш, бадиий матнга сингдириб юбориш мумкин. Шу боис ҳам катта эпик асарларда (С.Айний. "Күллар"; П.Қодиров. "Юлдузлы тунлар") күпроқ хроникали С. күлланади. Концентрик С. эса воқеаларнинг битта асосий воқеа теграсида айланиши билан харәктерланади. С.нинг бу тури воқеаларнинг конфликт асосида шиддат билан ривожланиб, ечимга томон интилишини тақозо қиласы. Концентрик С. асарнинг шакл-композицион жиҳатдан мұкаммал, ўқишли ва қизиқарлы бўлишига имкон беради. Чунки бу нав С. ўқувчи диққатини битта нуқтада тутиб туради, унинг ўқиши жараёнидаги фаоллигини оширади (мас., детектив асарлар). Концентрик С. нисбатан қисқа вақт ичидә кечган воқеаларни қамраши, ёндош С. чизиқтарини киритиш имкониятларининг камлиги билан ҳам харәктерланади. Саналган хусусиятларни О.Ёкубовнинг "Мұқаддас", "Биллур қандиллар", "Улуғбек хазинаси" каби асарлари мисолида кузатиш мумкин. Айтиш керакки, С.нинг бу икки турига хос хусусиятлар, күпроқ, аралаш ҳолда зухур қиласы. Зоро, хроникали С. воқеалари орасида сабаб-натижә (олдин юз берган воқеа кейин юз берган воқеага қисман сабаб бўлиб келади) муносабати, концентрик С. воқеалари орасида эса вақт муносабати (натижә сабабдан кейин келади) кузатилиши табиий. Шунга кўра, конкрет асардаги С. типи мазкур муносабатларнинг қайси бири етакчи мавқега эгалигига қараб белгиланади. Баъзи асарларда С.нинг иккала типига хос хусусиятлар ҳам салмоқли ва уйғун ҳолда намоён бўлади, айни шу уйғунлик уларнинг жозибасини таъминлайди. Мас., А.Қодирийнинг "Ўтган кунлар", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романларида шу хил уйғунликни кўрамиз. Иккала романда ҳам хроникалилик етакчи бўлгани ҳолда, концентрик С. хусусиятларидан кенг фойдаланилганки, ҳар икки

Адабиётшунослик луғати

тигпа хос энг яхши жиҳатларнинг уйғунлашуви бадий мукаммал-ликка хизмат қиласди.

СЮРРЕАЛИЗМ (фр. surrealisme – олий реализм, реализмдан юқори) – адабиёт ва санъатдаги XX асрнинг 20-йилларида майдонга келган авангардистик йұналиш. С.нинг пайдо бўлиши француз шоири А.Бретон (1896 – 1966) бошчилигидаги ёзувчи ва рассомлар гурухининг фаолияти билан боғлиқ. С.нинг илк намунаси сифатида А.Бретон билан Ф.Суло ҳаммуаллифлигига ёзилган “Магнит майдонлари” (1919) асари эътироф этилади, унинг адабий-бадий ҳаракат сифатидаги фаолиятининг бошланиши 1924 йилга тұғри келади. Худди шу йили А.Бретоннинг “Сюрреализм манифести” (унинг яратилишида Л.Арагон ҳам қатнашган) эълон қилиниб, унда гурухнинг адабий-эстетик қарашлари дастурий тарзда ифодаланган. С. Биринчи жаҳон урушидан кейинги маънавий инқироз шароитида вужудга келган бўлиб, унинг назарий асосини Беркли, Кант, Ницше каби мутафаккирлар, шунингдек, Б.Кроче томонидан янгича идрок этилган Гегель таълимотлари ташкил қиласди. 20-йилларда ижодкор зиёлилар орасида урф бўлган Фрейд таълимотининг С.га таъсирини алоҳида таъқидлаш лозим.

С. рационализмни, шу билан боғлиқ ҳолда реализмни инкор қиласди. Жумладан, “Сюрреализм манифести”да ёзилишича, инсоният “ҳамон мантиқ зулми остида яшамоқда”, ҳолбуки, ҳозирги вақтда мантиқ фақат иккинчи даражали масалаларни ҳал қилишгагина яроқли, рационализм бевосита тажриба билан боғлиқ фактларнигина идрок эта олади, холос. Позитивизм пойдеворига қурилган реализм эса – инсондаги ҳар қандай ақлий ва руҳий парвоз душмани, у тушунтириб бўлмайдиган нарсаларни тушунтиришга телбаларча берилган ва бу билан ақлларни мудроқ ҳолга солади, ундаги таҳлил истаги жонли сезимларни босиб кетади. Буларга қарши ўлароқ, С. тахайюл эркинлиги, инсонни цивилизация зуғумидан озод қилиш шиорлари билан майдонга чиқди, объектив воқе-ликни тасвирлаш ва бадий билиш эмас, балки ундан-да юқори турувчи реалликни яратиш, инсон онгининг чукур пучмоқларини тасвирлаш, унинг онгости қатламларига таъсир қилиш орқали бадий мулоқотни амалга оширишни мақсад қилди, “автоматик ёзиш”ни ижоднинг асосий усули деб билди. Ижоднинг мазкур усулига манифестда қуйидагича таъриф берилади: “Соф психик автоматизм кўзлайдиган мақсад – хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма ва хоҳ исталган

Адабиётшунослик луғати

бошқа йўсинда фикрнинг реал яшашини ифодалашдир. Фикрни ақл назоратидан холи тарзда, ҳеч бир эстетик ёки маънавий андишаларсиз ўқиб бериш демақдир". "Магнит майдонлари", муаллифларининг таъкидлашларича, худди шу йўсинда, фикр ва ассоциацияларни бевосита, қандай тезликда туғилган бўлса, ўшандай тезликда қайд этиш натижасида дунёга келган. Яъни бунда, бир томондан, четда холис турган ижодкор гўё фикрларни қайд этувчи аппаратга айланади; иккинчи томондан, ижодкор ўзидан ўтказиб берилаётган олам, объективнинг бир қисми, тил эса восита эмас, балки субъект бўлиб қолади. Сюрреалистик образда воқелик деформацияланган (бу ҳол, айниқса, рассомликда яққол кўзга ташланади, тасвирланаётган нарсаларнинг шакл-шамойили кучли ўзгаришга учрайди) ҳолда аксланади, унга эркин ассоциативлик (к.), бир-бирига асло қўшилолмайдиган (мисоли ўт билан сувдек) нарсаларнинг бирлашиб кетиши хос. С.га хос образнинг табиати терминни илк бор ишлатган Аполлинернинг: "Инсон юришга тақлид қилмоқчи бўлганида, ғилдиракни – оёққа ўхшамайдиган нарсани яратди. Бу ғайришуурый сюрреализм эди", – деганида ўзининг муҳтасар ифодасини топган. Сюрреалистик образда нарса гўё қисмларга ажратилади-да, кейин мантиқа тўғри келмайдиган тарзда қайта бирлаштирилади, натижада нарса реализмдаги каби аслига монанд аксини топмайди, у ҳақда ирреал таассурот ҳосил қилинади. Бу умуман С. эстетикасига хос бўлиб, ундаги гўзаллик тушунчаси "гўзаллик анатомик столда тикув машинаси билан ёмғирпўшнинг тасодифий учрашуви" дегувчи француз шоири Лотреамон (1846 – 1870) қарашларидан озиқланади. Реализм воқеликдаги сабабната натижада асосидаги ўзаро боғлиқликни диққат марказига кўйса, С. унда "объектив тасодиф" (А.Бретон) устувор деб билади. С. эстетикасида "объектив тасодиф" билан бир қаторда "ғаройиблик"ка ҳам катта аҳамият берилади: "ғаройиб нарса ҳар вақт гўзал, барча ғаройиб нарсалар гўзал, фақат ғаройиб нарсаларгина гўзал", – дейилади "Сюрреализм манифести"да. Шунинг учун ҳам сюрреалистик асарларда ғайриоддий, фантастик элементлар кенг ўрин тутади, улар реалистик деталлар билан ғалати тарзда бирикади ва гўё олий реализмни, аслидагидан ҳам ҳақиқийроқ воқеликни яратишга хизмат қиласи. С. образни санъат доирасидан чиқаради, уни белги эмас, балки моддий мавжудлик деб билади. С.нинг йирик намояндаси рассом С.Дали ҳазилнамо йўсинда буни қўйидагича

Адабиётшунослик лугати

ифодалайди: "Гўзаллик ё ейишли бўлади, ё умуман бўлмайди". Табиийки, бунда бадий асарнинг эстетик объект эмас, балки мавжуд нарса сифатида қабул қилиниши, эстетик таъсири ҳам жисман (шахвоний лаззат, даҳшат, ташвиш ва ш.к. тарзда) ҳис этилиши кўзда тутилади. С. санъатни мифологик асосга эга деб билади, мифларга мурожаат қилиш билан бирга яқин ўтмиш адабиёти ва санъатидаги образлар, мотивлар асосида янги мифлар яратишга интилади; бадий ижодда субъект ролини юқоридагича тушунгани боис ҳам санъатни кўпроқ колектив ижод маҳсули деб ҳисоблашшга мойил. Яна бадий ижодга ўйин деб қараш ҳам хос бўлиб, С.нинг мавжуд воқеликка муносабатида киноя, юмор устувор, бироқ у кўпроқ "кора юмор" кўринишида, мавжуд қадриятларни анархик инкор қилишга қаратилган бўлиб, моҳиятан абсурдга яқин туради. Булардан кўринадики, байроғига "Севги, гўзаллик, исён" сўзларини битганча "дунёни қайта тузиш" (К.Маркс), "ҳаётни ўзгартириш" (А.Рембо) мақсадлари билан майдонга чиқкан С. Ўзидан аввалги ва ўзига замондош исёнкор, авангардистик оқимларга хос жиҳатларни ўзига сингдирган эди.

С.нинг адабий-бадий мактаб сифатидаги фаолияти узоқ давом этмади, Иккинчи жаҳон уруши арафасида тарқалиб кетди. Шунга қарамай, у XX аср адабиёти ва санъатида чуқур из қолдирди: унинг бағридан П.Элюар, Л.Арагон, Г.Лорка каби улкан шоирлар, С.Дали каби рассомлар, Ж.Кокто, А. Мишо, А.Хичкок каби кино арбоблари етишиб чиқдилар. С. вакилларининг назарий қарашлари эса ўзидан кейинги структур психоанализ, структурализм, постструктурализм каби қатор илмий йўналишларга сезиларли таъсир кўрсатди.

СЎЗ БОШИ – адабий асар (китоб)га муаллиф, бошқа бир ижодкор ёки танқидчи, таржимон, таҳририят, ношир кабилар томонидан ёзилган, асосий матндан ажralиб турувчи адабий-танқидий характеристдаги мухтасар мақола, қайд ва ш.к.лар. Муаллиф томонидан ёзилган С.б.лар кўпинча ўқувчига бевосита мурожаат шаклида бўлиб, у асарнинг тушунилиши учун зарур деб билган қўшимча маълумотларни (ёзилиш сабаби, мақсад-муддаоси, муайян рецептив йўналишни таъкидлаш ва ш.к.) ўз ичига олади ва турли сарлавҳалар ("Ёзувчидан", "Муаллифдан", "Ўқувчиларимга" ва б.) остида берилади. Ноширлик ишида асарга бошқа шахслар томонидан ёзилган С.б.ларни бериш ҳам кенг тарқалган. Бундай

Адабиётшунослик луғати

С.блар ҳам, аввало, асарни тарғиб қилиш, унинг тушунилишига кўмаклашиш мақсадини кўзлайди ва шунга мос маълумотлар (муаллифнинг ҳаёти ва ижоди, асарнинг ёзилиш тарихи, ёзилган даври билан боғлиқ жиҳатлари, муҳтасар танқидий мулоҳазалар ва ш.к.)ни ўз ичига олади. Аксарият ҳолларда бу хил С.блар мутахассислар (танқидчи, адабиётшунос, матншунос ва ш.к.) томонидан ёзилади, улар муайян даражада ўзининг жанр хусусиятларини шакллантирган бўлиб, ҳақли тарзда адабий-танқидий жанрлар сиррасида саналади. Мутахассислар томонидан ёзилган С.бларнинг алоҳида номланиши ҳам, бошқа турли умумий номлар (“Сўз боши”, “Сўз боши ўрнида”, “Нашрга тайёрловчидан”, “Таржимондан” ва б.) остида берилishi ҳам кузатилади. Шунингдек, вақтли матбуотда кенг оммалашган таникли ёзувчи-шоирлар томонидан ёш ижодкорларнинг илк асарларига ёзилган “оқ йўл”лар ҳам С.бларнинг кўринишларидан биридир.

СЎНГСЎЗ – адабий асар охирида берилувчи қўшимча. С. муаллиф ёки бошқа бирор (ёзувчи, танқидчи ва б.) томонидан ёзилиб, одатда, асарнинг тушунилиши учун зарур маълумотларни ўз ичига олади ва асосий матндан яққол ажralиб (ўзаро асосий матн – ёндош матн муносабати асосида) туради. Эпилог ва кейинги тарихдан фарқли равишда С. сюжетнинг бевосита ёки билвосита давоми эмас, у бадиий матн таркибига тўлиқ сингиб кетмайди, яъни структуравий жиҳатдан мустақилдир. Муаллиф томонидан ёзилган С.лар услубига, кўпроқ, ўқувчига бевосита мурожаат этиш, у билан дўстона самимий мулоқотга мойиллик, мазмун-мундарижаси жиҳатидан турличалик (асарни муҳтасар лирик-фалсафий хulosалаш, айрим нуқталарга ўқувчи диққатини қайта жалб этиш, миннатдорчилик ёки узроҳлик ва ш.к.) хосдир. Ноширлик амалиётида асарга ўзгалар томонидан ёзилган С.ларни илова қилиш ҳам кенг оммалашган. Бундай С.лар ҳам мазмун-мундарижасига кўра турлича (ёзувчи ҳаёти ва ижоди билан таништириш, асар ҳақидаги мулоҳазалар, унинг яратилиши билан боғлиқ айрим тафсилотлар, муаллиф ҳақидаги хотиралар ва ш.к.) бўлиши мумкин. Асосийси, бундай С.ларнинг пировард мақсади битта – асарни тарғиб этиш, унинг тушунилиши, китобхонлар дилидан ўрин олишига кўмаклашиш бўлиб қолаверади.

Адабиётшунослик луғати

ТААЖЖУБ (ар. تاج - ажабланиш) – мұмтоз адабиётдаги шеърий санъат, бирор нарса-ходиса, ҳолат ва ш.к.лардан ҳайратда қолғанлик, ажабланишни ифодалаш. Т. санъати құлланған үринларда шоир гүё үзини ҳайратда қолғандай құрсатыб, асл муддаосиңи баён қилиб олади, асл муддаоси ёрни васф этиш, ошиқ ақвөли руҳиясими тасвираш ва ш.к.лар бўлади. Мас., Машраб ёрга хитобан “Малаксан ё башар, ё ҳуру ғилмонсан, билиб бўлмас” дея Т. изҳор қиласди, асл муддаоси эса ёрнинг гўзаллиқда тенгизлизгини таъкидлашдир. Ёки Навоийнинг байтларидан бирида қўйидагича Т. изҳори бор:

Гар қүёшқа эл назар қилса кўзига ёш тўлар,
Ул қуёш боргач назардин, кўзларимга тўлди ёш.

Мазкур байтда шоир “аслида, одам қүёшга қараса қўзи ёшланади, менинг кўзларим эса қүёшим (ёrim) кетгач ёшланмоқда” дея ҳайратланади ва шу орқали ҳижронда қолаётган ошиқ ақвөлини моҳирона тасвирашга эришади.

ТАБДИЛ (ар. تبدیل – алмаштириш, үзгартириш) – қаранг: **тарду акс**

ТАБЛИФ (ар. تبلیغ – юқори даражага, меъёрига етказиш) – қаранг: **муболага**

ТАВЗЕЙ (ар. توزع – тарқатмоқ, тақсим қилмоқ, жойлаштирумок) – мұмтоз адабиётдаги шеърий санъат, байтда бир хил товушларни тақрорлаш. Т.га берилган таърифларда ихтилофлар мавжуд: айрим манбаларда Т.нинг юзага чиқиши учун фақат ундош товушлар тақрорланиши шарт қилинади, бошқаларидан эса бу шарт қўйилмайди, ундош ё унлилар тақрорланаётганидан қатъи назар, Т. деб юритилаверади. Т.дан ҳосил бўлувчи поэтик самара шуки, бир неча бора тақрорланувчи товуш (ёки товушлар турғи) байтга ўзига хос оҳанг, мусиқийлик бахш этади. Мас., Навоийнинг:

Ошиқ ўлдум, билмадим ёр, ўзгаларга ёр эмиш,
Оллоҳ-оллоҳ, ишқ аро мундок балолар бор эмиш, –

байти ғоят хушоҳанг, чунки унинг таркибида “О” унлисисининг ўн бир марта тақрорлангани, яна бир жиҳати, биринчи ва иккинчи мисралардаги “О” товуши эгаллаган позицияларнинг бир-бирига мослиги мусиқийликни кучайтириб бермоқда. Мирзо Кенжабекнинг қўйидаги байтида эса Т. санъати “с” ва “қ” ундошларининг бир неча марта тақрорланиши натижасида воқе бўлган:

Адабиётшүнослик луғати

*Секин-секин сузардим сувдан сұраб саодат,
Қалқа-қалқа қайигим қолмиш сароб ичинда.*

Қайд этиш керакки, Т. товушларнинг механик тақорори ёки шаклбозлилкка мойилллик эмас, аксинча, унинг сара намуналарида тақрорланаётган товушлар ифода этилаётган мазмун билан уйғунлик касб этади, мазмун ифодасини ритмик-интонацион жиҳатдан күчайтиради. Жумладан, мисолга олинган байтда сирғалувчи "с" товуши тақорори ҳосил қилаётган оханг секин-секин қалқиб бораётган қайиқ ҳолатига мос ва бу нарса унинг үкувчи тасаввурида жонланшиига ёрдам беради.

ТАВИЛ (ар. طويل – узун) – аруз баҳрларидан бири, араб назмидаги энг узун вазнли баҳр бўлгани учун шундай номланади. Фаулан (V– –) ва мафоийлун (V– – –) аслларининг кетма-кет тақороридан ҳосил бўлади. Т. араб шеъриятига хос баҳр булиб, форсий ва туркий шеъриятда деярли қўлланмаган. Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асарида Т. баҳрининг биргина вазни, Бобурнинг "Мухтасар"ида эса олти вазни мисоллар билан келтирилган. Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" девонидаги уч шеър тавили мусаммани солим (v – – / v – – – / v – – / v – – –) вазнида яратилган бўлиб, улардан бирининг матлаъси қўйидагича:

Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар йўқтур,
Шажар бўлса ҳам анда, лабингдек самар йўқтур.

ТАВСИФ (ар. توصيف – сифатлаш, мақташ) – ривоявий асар композициясининг узвий қисми, асар воқелигига киритилаётган нарса-ҳодиса, жой, портрет, интеръер, экстеръер ва ш.к.лар тасвири. Т.нинг статик ва динамик қўринишлари ажратилади: воқеа ривожи тўхтатилган ҳолда берилган Т.лар статик, воқеа ривожи давомида берилган Т.лар эса динамик деб юритилади (қ. пейзаж, портрет). Воқеабанд сюжет асосидаги асарларда Т. қадимдан бор. Жумладан, ҳалқ оғзаки ижодидаги достонларда Т. кенг ўрин тутади: қаҳрамон портрети, унинг оти, курол-яроғи ва ш.к.ларнинг бўртма Т.и асарнинг таъсир кучини оширади, воқеаларни асослайди, характерологик хусусиятлар касб этади. Замонавий адабиётда, хусусан, эпик асарларда статик Т. салмоғи бирмунча камайиб, кўпроқ динамик Т.лар бериладиган кузатилади. Шунингдек, Т. бошқа турларга мансуб асарларда ҳам мавжуд бўлиб, у ҳар бир жанрнинг композицион-услубий хусусиятларидан келиб чиқкан

Адабиётшунослик луғати

холда күлланади. Мас., драматик асарлардаги ремаркаларда берилгандар алохыда мұхым деталлар қайдиданғина иборат, улар ярим тайёр холда бўлиб, саҳналашириш вақтида конкретлаштирилиш ва тўлдирилишни кўзда тутади. Лирик асарлардаги Т. деталлари, умуман олганда, ҳис-туйғу обьекте сифатида мұхым. Шу билан бирга, *тавсифий лирика*, жумладан, пейзаж лирикасида Т. жанр белгиловчилик хусусиятига эга бўлади.

ТАВТОЛОГИЯ (юн. *tauto* – айнан ўша, *logos* – сўз) – матнда битта сўзниң тақорланиши; бу ҳодиса мумтоз адабиётшуносликда *тақрир* (к.) деб аталган. Халқ оғзаки ижодида, поэтик нутқда Т.дан шеърий нутқ эмocioналлигини ошириш, ифодаланаётган фикр ёки туйғуга алоқадор мұхым сўзни таъкидлаш орқали таъсирни кучайтириш воситаси сифатида кенг фойдаланилади. Мас., И.Мирзо шеъридан олинган бир бандда “юмшоқ” сўзи тўрт бора айнан тақорланади:

Ушуқ урган қўсаклар юмшоқ,
Пахта юмшоқ,
гўдаклар юмшоқ –
Домлага гап қайтармас эдик,
Ер ҳам юмшоқ – ботарди этик...

Тақорланаётган “юмшоқ” сўзи шуро замонида пахтага қул қилинган халқ фожиасини “юмшоқлик” билан очиб беради, лекин бу “юмшоқлик”нинг таъсири анча-мунча инвектива руҳидаги хитоблардан таъсирлироқ. Бунинг бош омили Т.нинг ўринли, мақсадли амалга оширилганидир. Гап тақорланаётган сўзларнинг ўрнига тушганидагина ҳам эмас, мұхими, улар фикр-туйғуни таъкидлаб бўрттириб ифодалаётганида. Тақорланаётган “юмшоқ” сўзи “осмон узоқ, ер қаттиқ” нақли билан пинҳон зид қўйилади ва шу асосда ҳолатнинг мантиқа сигмайдиган, чидаб бўлмайдиган эканлиги англашиллади. Демак, бу ўринда Т. ўзини ҳар жиҳатдан оклади. Бироқ бадиий нутқда биргина сўз тақорланар экан, бунда меъёрини унутмаслик, айни сўз ҳар гал тақорланганида, қўшимча тарзда муайян бадиий-эстетик юқ ташиши лозимлигини эътиборда тутиш зарур. Зоро, бадиий усул сифатидаги Т. билан нуқсон саналувчи Т. орасидаги чегара деярли шаффоф бўлади. Матнда битта сўзни ўринисиз, муайян бадиий-эстетик вазифа юкламаган ҳолда тақорлаш салбий маънодаги Т.ни юзага келтиради. Амалда термин шу маънода фаолроқ ишлатилади.

Адабиётшунослик луғати

ТАВШИХ (ар. توشح – зийнатлаш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, мисра ёки байт бошидаги (баъзан эса тақтеълар чегарасидаги) ҳарфлар йигиндисидан бирор сўз (исм) келтириб чиқариш. Мазкур санъат асосида ёзилган шеър мувашшаҳ деб номланади. Т. санъати ғоят нозик, у шоирдан жуда катта маҳоратни талаб этади, чунки келтириб чиқариш кўзда тутилган сўз мисра (ёки байт)ни маълум бир ҳарф билан бошлишни талаб этади. Бу эса мисра (ёки байт)ни мазмун ифодаси учун энг мақбул сўз билан эмас, чиқариладиган исмга мос сўз билан бошлишни тақозо қилади, натижада шакл мазмундан устуворроқ бўлиб қолади. Яъни Т. санъати юксак маҳорат ва дид билан қўллансагина, шеърга зеб бўлади, акс ҳолда, у шеърнинг бадиий савиясини тушириб юбориши ҳам мумкин. Mac., XX бошларида шоирлар давраларида "мувашшаҳбозлик" кенг русум бўлган: Муқимий, Фурқат, Ҳамза каби давр шоирларининг кўпгина шеърлари Т. санъати асосига курилган, лекин уларнинг бари ҳам бадиий жиҳатдан етук бўлолмаган. Албатта, адабиётимизда Т. санъати маҳорат ва дид билан қўлланган шеърлар ҳам талайгина. Шулардан бири сифатида Э.Воҳидовнинг "Исми не ул қушниким..." деб бошланувчи ғазалини келтириш мумкинки, унинг ҳар бир байти бошидаги ҳарфлар йигиндисидан "истак" сўзи келиб чиқади.

ТАГМАЪНО – матннинг бевосита мазмунига мувофиқ келмайдиган, контекст доирасида ва муроқот субъектларига маълум бўлган муайян шарт асосидагина воқе бўлувчи маъно. Т. фикрнинг "коса тагида нимкоса" тарзида ифодаланиши натижасида воқе бўлади, шунинг учун ҳам бундай ҳоллар "тагдор қилиб гапирмоқ" дея таърифланади. Сўзлашув жараёнида Т.га турлича йўллар билан ишора қилиниши (баъзан эса, аксинча, нутқ ситуацияси билан боғлиқ ҳолда Т. яширилиши) мумкин. Mac., тасаввур қилингки, бир неча киши орасидаги суҳбат асноси куйидагича иккита гап айтилди:

- Ҳаво совуб кетдими?
- Ҳа-а, бу йил ҳаво пастроқ, Аҳмаджон, қиши ҳам келиб қолди...

Агар биринчи суҳбатдош қишида қайтариш шарти билан Аҳмаджондан қарз олган бўлса, унда кейинги гап Т. касб этади, яъни Аҳмаджон суҳбатдошига қарзни қайтариш муддати яқинлашиб қолганини эслатган бўлиб чиқади. Бироқ бу маъно фақат уларнинг иккисига (шартдан хабардор бўлганлари учун) маълум, холос, бошқа суҳбатдошлар гапнинг бевосита маъносини қабул қила-
298

Адабиётшунослик луғати

дилар. Т.нинг мұхым хусусияти ҳам шу, бунда маттнинг зохирий (бевосита) маъноси билан ботиний маъноси мустақил ҳолда яшайди, бир-бирига халақит бермайды. Бадиий адабиётда Т. турли омиллар (мас., фикрни очиқ ифодалаш имкони йұқлиги; хослар учун ёзиш истаги ва ш.к.) таъсирида юзага келади ва турли ғоявий-бадиий мақсадларни күzlайди. Мас., Чүлпоннинг "Мен қочмадим" (1921) номли шеъри нома жанрида ёзилган бўлиб, сарлавҳа остида адресат аниқ кўrsатиб қўйилган: "Тошкентдаги ўртоқларимга". Шеър "Тошкентдаги ўртоқлари" шоирнинг Бухорога жўнашини қайноқ ижтимоий ҳаётдан қочиш деб баҳолаганларига жавоб тарзida ёзилган. Эскидан алоқада бўлган кишилар орасида "мулоқот контекстси" мавжуд, шунинг учун шеър адресатга ўзининг бевосита маъносидан кўпроқ маъноларни етказади:

Мен янгилар ўлкасидан синмаган
Бир қанотни тақиб олиб қўзгалдим:
Шу ўллимда япроқлари сўлмаган
"Ёш ёғоч"нинг соясида тўхтадим.

Шоирнинг ўртоқлари Чўлпон "янгилар ўлкаси" деганида, қизил Туркистанни назарда тутаётгани, бу ерда унинг "бир қаноти синган"и, яъни озодликка бўлган умидлари чилпарчин бўлганини биладилар. Энди шоир синмаган қанотини тақиб, "йўл"га тушган, у ҳали ўз "йўл"идан ("Шу йўлим", яъни кураш йўлидан) қайтган эмас. Яъни унда озодликка эришиш орзузи ҳали ҳам бор ва шу йулдаги курашни давом эттириш учун янги ташкил топган Бухоро Жумҳурияти ("Ёш ёғоч")га борган. Чўлпон "ёш ёғоч"нинг япроқлари сўлмаганлигини айрича таъкидлайдики (бунинг Т.си шоир ижоди контекстидагина очилади), контекстдан хабардор дўстлари унинг нима демоқчилигини пайқаб олишларига ишонади. Чўлпон шеъриятида инқилоб фақат бир бора күёшга ўхшатилган: "Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар, Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку". Худди шу асосда Чўлпонни "ерга ботирган" қуёш ҳали "ёш ёғоч"нинг япроқларини сўлдириб улгурмаган, шоир шу дарахт "сојси"да ундан омонлик топмоқчи, деган Т. келиб чиқади. Бундан аён бўладики, шоир ижодида такрорланувчи поэтик мотивлар Т.га ишора қиласи (қ. мотив). Умуман, бадиий адабиётдаги Т. кўпроқ рамзий образлар (мас., Ойбек. "Наъматак"), нарса-ҳодисалар орасидаги аналогиялар (мас., тарих – замона),

Адабиётшунослик луғати

ассоциатив алоқалар (мас., табиат – жамият) асосида юзага чиқади.

ТАДРИЖ (ар. تدریج – саралаш) – мұмтоз адабиётдеги шеърий санъат, шеърнинг бошланишида күйилган мавзунинг охирига қадар изчил давом эттирилиши. Яғни Т. санъати матлаъда айттылган фикр (холат, тавсиф, таъриф ва ш.к.) кейинги байтларда муттасил кучайтириб борилишини тақозо этади. Мас., Сайфи Саройининг бир ғазали:

Топилмас ҳусн мулкинда сенга тенг бир қамар манзар,
На манзар? Манзари шоҳид. На шоҳид? Шоҳиди дилбар, –
матлаъси билан бошланиб, унда маъшуқанинг гўзал юзи таърифланади. Кейинги байтларда ҳам шоир ёр юзининг гўзаллиги таърифида давом этади, уни деталлаштириб, бўрттириб, рангларини бойитиб, хуллас, изчил ривожлантириб боради:

Бу кун Юсуф жамолини қилибтур ҳақ сенга баҳшиш,
На баҳшиш? Баҳшиши давлат. На давлат? Даевлати мағхар.

Сўзунг дурру жавоҳирдур, кўнгуллар ганжина лойиқ,
На лойиқ? Лойиқи хусрав. На хусрав? Хусрави кишвар.

Шакардин топлидур хулқунг, карамда хотиринг матлаб,
На матлаб? Матлаби маъдан. На маъдан? Маъданни жавҳар.

Зиҳи давлатлу ошиқум, сенинг бирла қилур ишрат,
На ишрат? Ишрати жаннат. На жаннат? Жаннати кавсар.

Бу ҳуснунг шавқу завқини кўнгул тўтилари топти,
На топти? Топти хуш лаззат. На лаззат? Лаззати шаккар.

Шоир ёрнинг юз гўзаллигини шу тариқа таърифлаб келади-да, мақтаъда асли мақсади шу бўлганини, ушбу ғазали “ёр жамоли шавқи”дан сўз воситасида тортилган сурат эканлигини таъкидлайди:

Жамолинг шавқина Сайфи Саройи боялади сурат,
На сурат? Сурати ҳусно. На ҳусно? Ҳусни жонпарвар.

Айрим манбаларда Т. санъатига берилган таъриф бирмунча фарқланади. Унга кўра, Т. санъатининг воқе бўлиши учун биринчи байт қайси сўз билан тугаса, кейинги байтнинг шу сўз билан бошланиши ва бу тартиб шеърнинг бошидан охиригача сақланиши та-

Адабиётшунослик луғати

лаб этилади. Гарчи бу таърифда шеърнинг шаклий томонига кўпроқ эътибор берилада, у юқоридаги таърифни инкор қилмайди. Чунки аввалги байт охиридаги сўзниңг кейинги байт бошида такрорланиши табиий равишда мазмун изчиллигини ҳам таъминлайди. Таърифлардаги фарқнинг асоси шуки, уларнинг бирида Т.га шеър санъати (яъни нутқ безаги), иккинчисида эса композицион усул сифатида қаралмоқда.

ТАЖЗИЯ (ар. تجزیه – бўлак-бўлак қилмоқ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, байт мисраларини икки бўлакка ажратиб, ҳар бир бўлакни ўзига муқобил бўлган иккинчи бўлак билан қофиядош қилиш. Яъни биринчи мисранинг биринчи бўлаги иккинчи мисранинг биринчи бўлаги билан, биринчи мисранинг иккинчи бўлаги эса иккинчи мисранинг иккинчи бўлаги билан қофияланади. Мисраларнинг бу кўринишда қофияланиши, асосан, фард, ғазал ёки қасиданинг матлаъси ҳамда маснавий шаклида қофияланувчи байтларда кузатилади. Mac., Машрабнинг машхур:

Агар ошиқлигум айтсам, куйиб жону жаҳон ўртар,

Бу ишқ суррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар, –
байтида биринчи мисрадаги “айтсам” сўзи иккинчи мисрадаги “этсам” сўзи билан, биринчи мисрадаги “жаҳон” сўзи иккинчи мисрадаги “хонумон” сўзи билан ўзаро қофияланган. Т. мусажжаъга (к.) ўҳшаб кўринса-да, ҳақиқатда ундан фарқлидир: мусажжаъда тўрт бўлак қилинган байтнинг уч бўлаги қофияланса, Т.да фақат остин-устин бўлаклар ўзаро қофияланади.

ТАЖНИС (ар. تجليس – ҳамжинс, жинсдош) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, шакли бир хил (омоним) ёки бир-бирига яқин (омограф, омофон, омоформа) бўлган сўзларни байтнинг турли ўринларида келтирган ҳолда, ҳар бир ўринда алоҳида маънони ифодалаш. Т. мумтоз шеъриятда энг фаол қўлланган санъатлардан бири саналади. Унинг асосида алоҳида шеърий жанр (*туюқ*) шакллангани, айрим санъатларнинг маҳсус навлари (тажнисли тарсеъ, радднинг айрим кўринишлари ва б.) воқе бўлиши ҳам ижодкорлар шаклдош сўзлар тақдим этувчи бадиий-эстетик имконларга алоҳида эътибор билан қараганларидан далолатдир. Mac., Навоийнинг машхур:

Қаро қўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,

Қўзум қаросида мардум киби ватан қилғил, –

Адабиётшунослик луғати

матлаъсининг биринчи мисрасида “мардум” сўзи инсон маъносида (яни мардумлиг – одамийлик, одамгарчиллик), иккинчи мисрасида эса “кўз қорачиғи” маъносида кўлланган. Навоийнинг бошқа бир:

Зулфи саёдоси мени суду зиёндин қилди фард,

Мену ул савдо, ишиш йўқтур зиёну суд ила, –
байти биринчи мисрасида “савдо” сўзининг “шайдолик”, “савдо-
сотиқ” каби маънолари, иккинчи мисрасида эса “савдойилик”, “эс-
хушдан айрилганлик” маъноси назарда тутилган.

Илми бадиъга оид манбаларда Т.ни турларга ажратиш масала-
сида ихтилофлар мавжуд. Ушбу масалага маҳсус тўхталган адаби-
ётшунос Ё.Исҳоқов Т.ни, аввало, иккига – *T.и том ва T.и ноқисга*
ажратиши, сўнг эса *T.и ноқиснинг турларини фарқлашни таклиф*
қиласдики, бу назарий жиҳатдан тўғри йўлдир. *T.и том* деганда, так-
рорланаётган сўзларнинг ёзув ва талаффузда айнан бир хил
бўлгани ҳолда, турли маъно ифодалаши, *T.и ноқис* деганда эса
уларнинг ёзилиши ё талаффузида жузъий фарқлар бўлиши назар-
да тутилади. Юқоридаги иkkala байт ҳам *T.и томга* мисол бўла
олади. Навоийнинг куйидаги туюғида эса *T.и ноқис* кузатилади:

*Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин “ё” қилур,
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилур.*

Бунда “ёқилур” сўзи биринчи мисрада “ёқмоқ, алангалатмоқ”
маъносида, иккинчи мисрада “ё қилмоқ, эгмоқ” маъносида,
тўртинчи мисрада эса “қилармикан ё қилмасмикан” маъносида
кўлланган. Лекин биринчи ҳолда “ёқилур” битта сўз, иккинчисида
қўшма феъл, учинчисида эса сўз кўшилмасининг бир қисми бўлиб,
улар ёзилишда фарқланади. Шу фарқ ушбу Т.нинг нуқсони бўлиб,
тажниси ноқис (нуқсонли тажнис) аталишига сабабdir. Манбалар-
да нуқсонли Т.нинг тажниси музаййл, тажниси музориъ, тажни-
си лоҳий, тажниси акс, тажниси муздаваж, тажниси мураккаб,
тажниси хаттий, тажниси мушавваш каби кўринишлари санала-
ди. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, уларнинг номланишида турлича-
никлар мавжуд.

ТАЖОҲУЛ УЛ-ОРИФ (ар. تجاهل العارف – билувчининг билмаган
бўлиб кўриниши, ўзини билмасликка солиш) – мумтоз адабиётдаги
шеърий санъат, шоирнинг аслида билган нарсасини билмагандек
қилиб кўрсатиши, бунда шоирнинг асл муддаоси бирор нарсанинг
302

Адабиётшунослик лүгати

асл ҳолатини билмагандек, уни бошқа бирор нарсага үхшатиш, ё мадҳ этиш, ё муболаға, ё ҳазил қилиш бўлади. Т.о. қўлланган байт риторик сўроқ гап тарзида шаклланади, яъни шоир, аслида, бирор нарсани сўраш, ноаник нарса ёки белгига аниқлик киритишни эмас, риторик сўроқ орқали ёрнинг гўзаллиги, ошиқнинг ҳолати ёки бошқа шу каби бирор вазиятни үхшатиш, қиёслаш орқали эътироф этишини мақсад қилади. Mac., Атойининг:

Кўз учидин қиё-қиё шева била боқишиларинг,

Жон тамурин қиёр учун тиғму ё назармудур? –

байтида ёрнинг “қиё-қиё” боқишиларини “бу шунчаки бир назарми, ё жон томирини қийиш учун тиғми?” тарзида ёр нигоҳларининг тиғдек ўткир эканлигини эътироф этмоқчи. Ёки Навоийнинг:

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,

Ё юзингга тегди қонлар бизни қурбон айлагач? –

байтида ҳам ёр юзидаги қизилликнинг асл сабабини билмагандек бўлиб, “юзингни гуллар билан безаганмисан ёки бизни қурбон қилиш чоғида қон сачраганми?” тарзида ифода этмоқда. Шеъриятимизда бошдан охир Т.о. санъати асосида ёзилган ғазаллар ҳам учрайди. Mac., Атойининг:

Эй пари пайкар санам, сен насли одамдинмусен,

Ё малак, ё хур, ё руҳи мужассамдинмусен? –

матлаъли ғазали шу тарзда битилган.

ТАЗКИРА (ар. تذكرة – зикр этиш, тилга олиш, эслаш) – Шарқ мумтоз адабиётида кенг тарқалган адабий-танқидий жанр. Т.ларда шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мухтасар маълумотлар зикр этилиб, уларнинг асарларидан намуналар (одатда, бир неча байт ҳажмиди) келтириллади ва ижодига умумий тарзда баҳо берилади. Т.ларда ижодкорлар ҳақида маълумотлар бериш билангина чекланниб қолинмасдан, шеърият ва унинг назарий масалалари билан боғлиқ эътиборга лойиқ фикр-мулоҳазалар, маълум бир давр адабий ҳаёти ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам ўрин олади. Адабиёт тарихида шоирларгина эмас, балки олимлар, авлиёлар ҳақидаги Т.лар ҳам яратилган (мас., А.Навоий. “Насойим ул-муҳаббат”; Сидқий. “Тазкираи Имоми Аъзам”). Т. ёзиш анъанаси дастлаб араб ва форс адабиётларида шаклланган бўлиб, кейинроқ туркий адабиётда ҳам кенг оммалашган. Т.нинг энг қадимги намунаси сифатида Абу Мансур ас-Саолибийнинг “Ятимат ад-даҳр фи маҳосили аҳли аср” (“Замона аҳлининг фазилатлари ҳақида ягона дурдона”, XI

Адабиётшунослик луғати

аср) асари эътироф этилади. Мазкур Т.дан ўша давр Араб, Ажам, Мовароуннахр, Хоразм ва Ҳурисон адабиёти ва санъати ҳақидаги қимматли маълумотлар ўрин олган. Туркий тилдаги илк Т. сифатида Навоийнинг "Мажолис ун-нафойис" асари кўрсатилади. Т.лар мумтоз адабиёт тарихи, алоҳида ижодкорлар асарларини, улар билан боғлиқ назарий масалаларни ўрганишда муҳим манба саналади. Жумладан, Мұхаммад Авғий Бухорийнинг "Лубоб ул-албоб" ("Билимлар мағзи", XIII аср), Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" (XV), Малеҳо Самарқандийнинг "Музаккир ул-асҳоб" (XIX аср), Раҳматулла Возеҳнинг "Түхфат ул-аҳбоб" (XIX аср), Фазлийнинг "Мажмуаи шоирон" (XIX аср), Аҳмад Табибийнинг "Мажмуаи шоирон" (XIX аср); XX аср бошлари адабиёти ҳақида маълумот берувчи Неъматулла Мұхтарам, Мирсиддик Ҳашмат ва Абдиларнинг бир хил – "Тазкират уш-шуаро" номли, шунингдек, П.Қаюмовнинг "Тазкирайи Қайюмий" асарлари шундай Т.лар сирасидандир.

ТАЗМИН (ар. تضمين – ўз ичига олиш) – қаранг: назира

ТАЗОД (ар. تضاد – зид қўйиш, қаршилантириш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, наср ё назмда бир-бирига қарама-қарши маъноли сўзларни ишлатиш. Илми бадиъга оид асарларда Т. санъати *тибоқ*, *табоқ*, *татбиқ*, *такоффу*, *мутобақа*, *мутобиқа*, *тақобул*, *мутазод* каби номлар билан ҳам юритилган, номланиши турлича бўлса ҳам, улар моҳияттан деярли бир хил. Шоир лирик қаҳрамон кўнглидан кечачётган зиддиятли кечинмаларни баён этиш, бир-бирига зид манзаралар чизиш ё бошқа шу каби мақсадларни кўзлаб, байт таркибида бир-бирига қарама-қарши маъноли сўзлар (антонимлар)дан фойдаланади. Т.ни юзага келтираётган қарама-қарши маъноли сўзлар англатувчи тушунчалар бир-бирига мутлақо зид (*ўт* ва *сув*) бўлиши, зидлик даражаси у қадар кескин бўлмаслиги (*қора* ва *қизил*), феълнинг бўлишли-бўлишсиз шакллари орасидаги каби (келди-келмади) фақат шартли равишдагина зидланishi ҳам мумкин. Мумтоз адабиётшунослиқда шу жиҳатлардан келиб чиқиб, Т.нинг бир неча турлари фарқланган бўлса ҳам, ҳозирги адабиётшунослиқда зидликнинг қайси кўриниши бўлишидан қатъи назар, Т. атамаси билан юритилади. Mac., Лутфий ғазалларидан бирини:

Адабиётшунослик лугати

*Йўқтумур ёлғиз бу Лутфий жонига жаври рақиб,
Қайдা бир доно дурур, ул жаври нодон тортадур, –*

мақтаьси билан якунларкан, "рақиб жабру жафосини тортаётган фақатгина Лутфий эмас, қаердаки бир доно бўлса, у нодон жабрини тортади", аслида ҳаётнинг қонуни шундай, деган чуқур фалсафий холосага келади. Байтда қўлланган Т., доно ва нодон сўзлари орасидаги зидлик мазкур фалсафий холосага асос бўлиб, уни ёрқин ифодалашга хизмат қилган.

ТАКРИР (ар. تکریر – тақрор) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, бир сўзни байтнинг турли ўринларида тақрорлаш. Айрим манбаларда раддинг бир кўриниши сифатида таърифланса ҳам, Т.ни алоҳида санъат сифатида тушуниш, уни раддан фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Чunksи, биринчидан, Т.да сўзнинг тақрорлаши ўрни қатъий белгиланган эмас: битта сўз кетма-кет тақрорлаши ҳам, байт ё шеърнинг турли ўринларида тақрорланиши ҳам мумкин; иккинчидан, Т.нинг бадиий-эстетик функцияси фикрни таъкидлаш бўлиб, ушбу санъат қўлланган байт (ёки шеър) оҳангни ҳам шунга мосдир. Mac., Ферузнинг:

*Кипурман ютуб шавқи лаълингда қон
Фигону фигону фигону фигон, –*

байтида Т. маънони таъкидлаб кучайтиради ва шунга мос оҳанг билан ўқишини тақозо этади. Ёки Эркин Воҳидовнинг:

*Кечир, янгишмаган ким бор, менинг ҳам кўп гуноҳим бор,
Одамзот асли нокомил, кечир, ё раб, кечир, ё раб.*

байтидаги "кечир" сўзининг тақорори илтижо оҳангини кучайтириб, лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини ёрқин ифодалашга хизмат қиласди.

ТАКРОР – матний, композицион ёки тематик бирликларнинг маълум бадиий-эстетик мақсадларни кўзлаган ҳолда тақрорланиши, бадиий матн (ва асар композицион қурилиши)га хос шундай усулларнинг умумий номи. Т. бадиий асарнинг турли сатҳларида кузатилади. Жумладан: а) бадиий нутқда: фонетик (аллитерация, ассонанс, фонетик анафора, иштиқок), лексик (сўз Т.и, климакс, анафора, элифора, анадиплосис ва б.), семантик (градация, маъно Т.и) синтактик (синтактик параллелизм, хиазм); б) ритмик бирликларнинг ўлчов асосида тартибли тақрорланиши: туроқ (рукн), мисса (ёки баҳр), банд; в) шеър композицияси даражасида: мисра Т.и

Адабиётшунослик лугати

(рефрен, маржө), банд Т.и (нақорат); г) образли-тематик Т.лар (тематик параллелизм, мотив).

ТАЛМЕХ (ар. تلمخ – чақмоқ чақиши, күз қирини ташлаш, назар солмок) – мұмтоз адабиётдаги шеърий санъат, шеърда машхур тарихий воқеа, шахслар, бадий асарларға ишора қилиш. Т. шоирни күзда тутилған фикрни батафсил айтиш, ҳолатни батафсил тас-вирилаш заруратидан халос этиб, күзланған самараға үша фикр ёки ҳолаттағы мос келадиган бошқа бирор ҳәеттій ёки бадий фактта ишора қилиш билан оқылыштың имконини беради. Натижада оз сүз билан күп маңында ифода қилиш (к. иайжоз) мүмкін бўлади, зеро, Т. қўулланған байт мазмуни ишора қилинаётган тарихий воқеа ёки бадий асар мазмуни билан боййиди. Т.даги ишора тарихий воқеа ёки бадий асар номини келтириш, улар билан боғлиқ бирор лафзни тилга олиш орқали очиқ ёки яширин тарзда амалга оширилиши мүмкін. Шу жиҳатдан Машрабнинг:

*Шайх Санъондин бўлуб тўрт юз мурид соҳибкамол,
Кўрди тарсозодани, хўқбону тарсо қилди ишқ, –*

байти билан Нодиранинг:

Зоҳидо, ишқу муҳаббат аҳлини маъзур тут,

Ёр кўйида на бўлди шайх Санъон оқибат, –

байтини қиёслаш мүмкін. Иккала байтда ҳам машхур “Шайх Санъон қиссаны”га ишора қилингандай. Байтлардаги маънони теран англаш учун, аввало, ўқувчининг қисса воқеаларидан, Шайх Санъон тақдидидан хабардор бўлиши талаб этилади. Келтирилған байтларнинг биринчисида ишора иккинчи байтдагига нисбатан батафсил ифодаланған: унда мазкур қиссаны ёдга солувчи “Шайх Санъон”, “тўрт юз мурид”, “тарсозода”, “хўқбону тарсо” каби бир неча тушунчалар бўлиб, қиссага ишора ҳам, ундан мурод ҳам очиқ ифодаланған. Шундай бўлса ҳам, шоирнинг ишқ қудрати ва қудратли ишққа мубтало бўлган очиқ аҳволи ҳақидаги фикр-тасаввурларини тула англаш учун Шайх Санъон ҳолатини ёдга олиш, қисса руҳини байт руҳига кўчириш лозим бўлади. Иккинчи байтдаги ишора эса у қадар очиқ эмас: шоир шайх Санъонга нима бўлганини очиқ айтмайди, “шайх Санъоннинг ёр кўйида нима бўлганига қара” дейа эслатиш билан чекланади, биринчи байтдаги каби қисса воқеаларини эслатувчи сўзларни ишлатмайди, хуллас, ишора ва ундан күзланған муддао бирмунча яширин қолади. Шунинг учун ҳам А.Ҳусайнин Т.ни лугзга ўхшатади: “Билгилким, талмехнинг баъзиси луғзга

Адабиётшунослик луғати

ўхшар, ул жиҳатдинким, андин мақсад зоҳирий маъоний бўлмай, имо йўли била адо этилган маъно мақсад бўлур". Яъни Т.да шоир асл мақсадини гўё атайлаб яширгандай бўлади ва уни топиш учун худди топишмоқтардаги сингари асл мақсадга етакловчи белги-ишораларни келтиради, ўқувчи эса шу белгилар билан байтда айтилаётган фикрлар ўртасидаги ўхашликлар асосида асл мақсадни англаб етади.

Т.да ишора қилинаётган тарихий ёки бадиий фактнинг машҳур, яъни кўпчиликка таниш бўлиши кўзда тутилади, шу шартнинг ба-жарилиши Т.нинг тушунарли бўлиши гарови ҳисобланиб, ишора қилинаётган фактнинг машҳурлик даражаси нечоғли юқори бўлса, Т. моҳиятини тушунувчилар доираси ҳам шунча кенг бўлади ва ак-синча. Mac., Э.Воҳидовнинг:

Минг Самарқанд, минг Бухоро ҳадя этгум ҳол учун,

Лек нигоримда ҳавас ўйқ мулку давлат, мол учун, –

байтини ўқибоқ Ҳофиз Шерозийнинг машҳур матлаъсига ишора қилинаётгани, шоир салафи билан ижодий мусобақага киришгани англашилади. Зоро, бундаги ошиқ муҳаббати Ҳофиз талқинидаги ошиқницидан кам эмас – ундан минг карра ортиқ ҳадяга тайёр; маъшуқа эса мол-мулк ҳавасидан фориғ, яъни шу томони билан у ҳам Ҳофиз талқинидаги маъшуқадан баланд туради. Бу жиҳатдан қаралса, бадиий асар ёки тарихий воқеага умумий тарзда қилинган ишорани тушунувчилар доираси улардаги конкрет эпизод, деталларга қилинган ишорани тушунувчилар доирасига қараганда то-раяди. Mac.: Машраб ва Нодира байтларидағи каби Навоийнинг:

Кўнглум ўтидин не тонг гар топса руҳсоринг фуруғ,

Шўх тарсо мусхаф ўртар шайх Санъон ўтиға, –

байтида ҳам "Шайх Санъон қиссаси"га ишора қилинган. Бироқ аввалги байтларда ишора умуман асарга (яъни ишқ кудрати шайхни динидан-да кечтирганига) қаратилган бўлса, бунда қиссадаги конкрет эпизод – тарсо маъшуқа шартига биноан мусхафнинг кўйдирилишига ишора қилинади. Яъни бу байтдаги Т. моҳиятини англаш учун қиссадан умуман хабардорлик кам, уни яқиндан билиш талаб этилади. Бундан ташқари, Э.Воҳидов байтида кузатилгани каби, Т.да ишора қилинаётган обьект номи аталмасдан, унинг мазмунига ишора қилинган ҳолларда ҳам тушуниш қийинлашади. Mac., Машрабнинг:

Адабиётшунослик луғати

Ризо мулкидаман ҳалқумни тутдим тиги Акбарга,

Бу йўлда сийнаи поки Забеҳуллоға сиғмамадур, –

байтида Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исмоилни қурбонликка келтириши билан боғлиқ ривоятга ишора қилинади. Лекин байтда бу нарса ошкор айтилмайди-да, шоир ўз ҳолатини ризолик билан бўғзини пичоқча тутган пайғамбарзодага қиёсан ифода этади. Байтдаги Т. моҳиятини англаш учун ўқувчидан, аввало, ишора обьектини таниб олиш, шундан кейингина лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини ривоятга қиёсан тасаввур этиш талаб қилинади. Хуллас, шеърда тасвирланаётган ҳолат, ифода этилаётган фикр билан тарихий ёки бадиий фактлар орасида муштарак нұқталар мавжудлиги Т. санъатининг замини бўлиб, у ҳамиша ўхшатиш асосида юзага келади. Яъни Т. матннинг мазмун доирасини кенгайтиради, байтдаги ва ишора қилинган фактлардаги фикр, ҳолат, воқеа ва ш.к.ни аналогиялар асосида қиёслаш, муқобил қўйиш, қаршилантириш орқали бадииятни кучайтиради, адабий асарларнинг диалогик алоқасини таъминлайди ва намоён этади.

ТАМАННИЙ (ар. تمنی – орзу қилиш) – иншо йўлларидан бири, фикрни ифодалаш усули, лирик қаҳрамон үй-кечинмалари, ҳистийғуларининг орзу-истак изҳори тарзида ифодаланиши. Т.да зоҳиран лирик қаҳрамон орзусигина ифодаланса ҳам, ботинда бошқа мақсад (маъшуқа васфи, ўз ҳолининг баёни ва б.) кўзда тутилади. Мас., Оғаҳийнинг:

Менинг мақсудим улдурким, сенинг бошингдин айлансанам,

Оёғингга бўлуб садқа, кўзу қошингдин айлансанам, – байтида лирик қаҳрамоннинг “бошингдан, кўзу қошингдан айлансанам, оёғингга садқа бўлсанам” тарзидаги орзуси, бир томондан, маъшуқанинг ҳар жиҳатдан етуқ ва гўзал эканлиги эътирофи бўлса, иккинчи томондан, ошиқнинг чексиз муҳаббати изҳоридир.

ТАМСИЛ (ар. تمثیل – мисол келтириш, далиллаш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, шеърда ифода этилган фикрни ҳаётий мисоллар ёрдамида далиллаш, тасдиқлаш, изоҳлаш. Моҳиятан, Т. ирсолу масал (қ.) санъатига ўхшаш, фақат ундан фарқли ўлароқ, фикр тасдиғи учун мисол ҳаётнинг ўзидан олинади. Яъни агар ирсолу масалда фикр тасдиғи учун халқнинг минг йилликлар давомидаги ҳаётий тажрибасини ўзида мужассам этган мақолларга таянилса, Т.да, кўпроқ, шахсий тажриба, ҳаётий кузатишларга асосла-

Адабиётшунослик луғати

нилади. Т. ўхшатиш асосида воқе бўлади, чунки айтилаётган фикр (ёки тасвирланаётган ҳолат) ва унинг тасдиги (ёки иллюстрацияси) учун келтирилаётган ҳаётий мисол моҳиятида ўхшашлик бор. Бирок ўхшатишдан фарқли равишида, Т.да ўхшатиш воситаларидан фойдаланилмайди, фикр (ёки ҳолат) параллел берилади-да, улар орасидаги ўхшашлик, боғлиқлик, алоқадорликни англаб олиш ўқувчининг ўзига ҳавола этилади. Mac., Алишер Навоийнинг қуйидаги машҳур қитъасида фикрни далиллаш учун моҳирона Т. қилинган:

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсин дебон,
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами.
Ким, кучук бирла хўтукка неча қипсанг тарбият,
Ит бўлур, доги эшак, бўлмаслар асло одами.

Қитъанинг биринчи байтида шоир тарбияда насл ҳал қилувчи аҳамиятга эга, шунинг учун “нокасу ножинс”лар авлодини одам қиласман деб уриниш бефойда, деган асосий фикрини айтади, сўнг уни асослаш учун кучук билан хўтикни қанча тарбияласанг ҳам, одам бўлиб қолмайди, тарзидаги ҳаётий мисолни келтиради.

ТАНКА (японча “қисқа қўшиқ”) – япон шеъриятидаги қўхна лирик жанрлардан бири, тургун шеърий шакл. Т. беш мисрадан таркиб топади, унинг биринчи ва учинчи мисралари беш бўғинли, қолган учта мисраси эса етти бўғинли ўлчовга эга ($5+7+5+7+7$), мисраларнинг қоғияланиши талаб қилинмайди. Манбаларда бизгача етиб келган энг қадимги Т.лар VIII асрда ёзиб олинган. Жанрнинг гуркираб ривожланиши X – XIII асрларга тўғри келади, бунинг омииллари сифатида япон ҳукмдорлари саройларида мунтазам ўтказиб турилган мушоиралар, танканавислар мусобақалари, Т.лардан мамлакат миқёсида маҳсус тўпламлар тузиб борилгани кўрсатилади. Тематик жиҳатдан Т.лар чегараланмаган бўлса ҳам, анъанага кўра уларда кўпроқ севги-муҳаббат, ҳижрон, сафар, йил фасллари каби мавзулар қаламга олинган. Кейинча шакл томонларига эътиборнинг кучайиши жанр тараққиётида тургунликка сабаб бўлди. XIX аср охири – XX аср бошларида ижтимоий мавзуларда яратилган Т.лар жанр тараққиётида янги саҳифа очди. Т. жанрининг бошқа ҳалқлар шеъриятига жадал кириб кела бошлиши ҳам шу даврга тўғри келади.

Адабиётшунослик луғати

ТАНОСИБ (ар. تاسب – дахлдорлик, алоқадорлик) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, фикрни бир-бирига алоқадор, маъно жиҳатидан яқин ва ўзаро мутаносиб тушунчаларни билдирувчи сўзлар орқали ифодалаш. Мас., Навоийнинг:

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этса не тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар руҳдек қироқ, –
байтида шаҳ, фарзин, арса(шахмат тахтаси), руҳ сўзлари бир-
бирига узвий алоқадор ва мутаносиб сўзлар бўлиб, шоир улар во-
ситасида ўзига хос образли лавҳа яратган.

ТАНСИҚ УС-СИФОТ (ар. تنسيق الصفات – сифатлар тизмаси, кетма-кет, изма-из сифат келтириш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, нарса-тушунча ёки шахс таърифида бир неча сифатлашларни кетма-кет санаш. Изма-из келтирилаётган сифатлар ёрда-
мида шоир ўша тушунча ёки шахсни васф этиш, тасвиrlаш ёки салбий жиҳатларини эслатишни мақсад қилиб қўяди. Мас., Фурқатнинг:

Узоринг барги гулдин нозигу, хушранг, хушбуйроқ,
Бу янглиғ тозау тар гулки, ё раб, қай чамандандур, –
байтида сифатларни кетма-кет санашдан мурод тавсифланаётган нарсанинг белгига ортиқлигини таъкидлаб, муболағали таърифу тавсифни юзага келтиришдир. Т.с. санъати бир байт доирасида ҳам, бутун бошли шеър (робойй, ғазал, қасида кабилар) доирасида ҳам юзага келиши мумкин.

ТАНҚИД (ар. تقدیم – сайлаш, саралаш; муҳокама қилмоқ) – бади-
ий танқид; кенг маънода ҳозирги бадиий жараён муаммоларини ўрганиш, янги пайдо бўлган санъат асарларини муҳокама қилиш, уларнинг мазмун-моҳияти, ютуқ ва камчиликларини очиб бериш, бадиий тафаккур тараққиётининг жорий ҳолати ва ижтимоий дид нуқтаи назаридан баҳолаш билан шуғулланувчи соҳа. Санъат турларининг қайси бири билан шуғулланишига қараб, Т. соҳалари ажратилади: кино Т.и, театр Т., мусиқа Т.и ва ҳ. Бадиий адабиёт билан шуғулланувчи Т. адабий танқид деб юритилади.

ТАНҚИДИЙ РЕАЛИЗМ – XIX асрнинг ўрталарида майдонга келган адабий йўналиш, ижодий метод (қ. реализм). Термин илк бор М.Горький томонидан қўлланган ва шўро даври адабиётшунослигида фаол истеъмолда бўлган. Дарҳақиқат, XIX аср ўрталаридан

Адабиётшунослик луғати

адабий жараёнда етакчилик мақомини әгаллай бошлаган реалистик адабиётнинг кўплаб намуналарида мавжуд тузум теран бадиий таҳлил этилиб, унинг инсонийликка зид моҳияти очиб берилади (мас., О.Бальзак, Ф.Достоевский, Л.Толстой ва б.). Яъни реалист санъаткорлар ўз идеалларидан келиб чиқиб, кўпинча, воқеликка танқидий муносабатда бўладилар ва уни ғоявий-ҳиссий инкор қиладилар. Ҳолбуки, биринчидан, давр адабиётида воқеликни инкор эмас, тасдиқ этувчи асарлар ҳам бўлган, демак, ушбу атама давр адабиётидаги ҳодисани тўлиқ қамрай олмайди; иккинчидан, конкрет бадиий асардаги ғоявий-ҳиссий инкор куннинг долзарб ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлари билангина боғлиқ мазмун қатлами, холос, унда боқий умуминсоний қадриятлар ва мангу муаммолар талқинидан келиб чиқувчи умумбашарий мазмун қатлами ҳам бор, демак, бутун бошли адабий-бадиий ҳодиса моҳиятини инкор руҳи билангина белгилаш учналиқ тўғри бўлмайди. Ҳозирги адабиётшунослиқда Т.р. термини анъанавий равиша қўлланиб турган бўлсада, унинг фаоллиги сезиларли даражада пасайган.

ТАРДУ АКС (ар. طرد عکس – қувмоқ; тескари қилмоқ, тескари қилиб тақрорлаш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, байт таркибидаги икки сўз ёки бирикмани аввал маълум бир тартибда келтириб, сўнг уларнинг ўрнини алмаштириб тақрорлаш. Бу ҳолнинг бир мисра доирасида воқе бўлиши маҳраж (тугалланмаган) Т.а. дейилади. Мас.:

Зулфи савдоси, бу савдои бошинда кўптуур,

Бўлса савдо аҳли, тонг йўқ, аҳли савдо бирла дўст (Навоий).

Т.а. нинг байт доирасида воқе бўлган кўриниши мукаммалроқ ҳисобланади, шунинг учун ҳам у комил (тугалланган) Т.а. деб аталади:

Офатижон, десам, кулиб: **роҳатижон** ўзим, деди,

Роҳатижонмисан, десам: **офатижон** ўзим, деди (Чустий).

Маъно нуқтаи назаридан ҳам Т.а.нинг икки кўриниши фарқланади. Агар ўрнини алмаштириб тақрорлаганда сўз ёки бирикма маъноси ўзгармаса, акси мутаҳодий дейилади. Мас., Э.Воҳидовнинг қуидаги байтида “Зухрою Ой” бирикмасини “Ою Зухро” тарзида тақрорлаш билан маъно ўзгаришсиз қолади:

Мен сени **Зухрою Ой** деб илтижо қилдим ва лек

Сен ийроқсан, гарчи менга **Ою Зухро** бир қадам.

Адабиётшунослик луғати

Т.а.нинг маъно жиҳатидан фарқланувчи иккинчи кўриниши акси мужрий деб номланиб, бунда ўрин алмашиши натижасида янги маъно ҳосил бўлиши назарда тутилади. Мас., Э.Воҳидовнинг қўйидаги:

Интилар борлиқни инсон баркамол этмоқ учун,

Не ажаб, инсонни борлиқ баркамол этган эмас, –

байтида “борлиқни инсон” бирикмасининг “инсонни борлиқ” тарзида қайтарилиши натижасида эга-кесим муносабати ўзгаради ва натижада янги мазмун ҳосил бўлади.

Шунингдек, Т.а. санъатида байтда аксланиб, ўрни алмашиб келаётган сўз ёки бирикмалар сони бирдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Мас., Навоийнинг:

Дема раъно қад ила жилвасидин холингни,

Жилва жонимга бало, ул қади раъно офат, –

байтида “раъно қад” бирикмаси ичида ҳам, бу бирикма билан “жилва” сўзи орасида ҳам ўрин алмашиб такрорланиш кузатилади.

ТАРЖИБАНД (ар. **تَرْجِيع** – такрорлаш, айлантироқ, форс. **پند** – боғлаш) – мумтоз адабиётдаги ўзига ҳос композицион қурилишга эга йирик ҳажмли лирик жанр. Т. бир неча байтдан ташкил топиб, унинг ҳар бир банди ғазал типида қофияланувчи (а-а, б-а, в-а, г-а...) бир неча байтдан таркибланади, ҳар бир банд охирида эса маснавий типида қофияланган бир байт айнан такрорланади. Т.лар, одатда, ҳар бири 8 – 11 байтдан таркибланувчи 7 – 8 банддан ташкил топади, бирок бу борада қатъий меъёрлар белгиланган эмас. Т.лар, кўпроқ, фалсафий-ахлоқий мавзуда ёзилади, шеър давомида қўйилган мавзу кенг ва атрофлича ёритилади. Мавзу бирлиги, яъни шеър давомида битта мавзунинг изчил ривожлантирилиши, бандларнинг барини боғловчи *таржеънинг* мавжудлиги Т.нинг яхлитлигини таъминлайди. Бандларни ўзаро боғлагани учун такрорланувчи байт – таржеъ *восила байт* (боғловчи байт) деб аталади, унга Т.нинг энг муҳим композицион унсури сифатида қаралади, жанрнинг номланиши ҳам шу билан изохланади. Такрорланётган байтнинг яна бир вазифаси лирик қаҳрамон кечинмаларини таъкидлаш, ўкувчи дикқатини асосий фикрга (қ. лейтмотив) қайта-қайта жалб қилишдан иборат. Мазкур хусусиятлари билан Т. жиддий фалсафий-ахлоқий масалаларни лирик мушоҳада қилишга кенг имкон беради, шу боис Ҳофиз Хоразмий, Навоий, Фу-

Адабиётшунослик луғати

зулпий, Юсуф Амирий, Равнақ, Мирий, Мунис, Огаҳий, Увайсий, Но-
дира, Табибий каби мумтоз шоирлар ижодида кенг ўрин тутади.

ТАРЖИЙ (ар. ترجیح – такрорламоқ, айлантирумок) – мумтоз шеъриятдаги санъат, шеърнинг ҳар бир банди охирида мисра ёки байт ҳам таржиъ дейилади (қ. рефрен). А.Хусайнин Ажам шоирлари Т.ни шундай тушунганини, араб шоирлари эса Т.ни такрир турларидан бири, байт таркибида бир маънони қайта-қайта такрорлашга асосланган санъат деб ҳисоблашларини айтади. Шеъриятимизда Т. санъати қўлланган шеърлар кўплаб учрайди. Мас., Фурқатнинг “Сайдинг қўя бер, сайд ёд” мусаддасининг ҳамма бандларидан сўнг куйидаги байт Т. сифатида такрорланади:

Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Машраб, Фузулий, Муқимий каби шоирларнинг мусамматларида Т. санъатидан моҳирона фойдаланилган. Шунингдек, мумтоз шеъриятда Т. асосида фарқланувчи таржибанд (қ.) жанри ҳам мавжуд.

ТАРИХИЙ-ФУНКЦИОНАЛ ЎРГАНИШ – бадиий адабиётнинг ижтимоий тақдирини, бадиий асарнинг ўқувчи омма онгидаги яшаш тарихи, турли тарихий босқичлардаги талқинларини ўрганиш. Бу хил ёндашув бадиий адабиётга коммуникация жараёни сифатида қарашни тақозо этади. Модомики, коммуникация амалга ошган шарт-шароитлар ўзгариб турад экан, Т.-ф.ў. бадиий асарнинг илгари амалга оширилган талқинларини ўша давр контекстида тадқиқ қилишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам муайян асарнинг илгари (адабий танқид, олимлар, ўқувчи омма, режиссёрлар, актёрлар, китоб безакчилари ва ш.к. томонидан) амалга оширилган талқинлари Т.-ф.ў. учун материал бўлиб хизмат қиласиди. Т.-ф.ў. адабий меросни тўғри баҳолаш, уларнинг ҳозирги кундаги аҳамиятини очиб бериш, ўтмишда яратилган асарларнинг илмий жиҳатдан тўғри, адекват талқин этилишида муҳим аҳамиятга эгадир. Аён бўладики, илгари яратилган асарларнинг ҳозирги ҳаётини ўрганиш Т.-ф.ў.нинг муҳим ва асосий масаласидир. Адабиёт тарихи конкрет асарга ўқувчи омманинг қизиқиш даражаси, талқинлари, унга бериладиган баҳолар ўзгариб туришига кўплаб мисолларни беради. Зоро, адабий асар мазмуни кўпқатламли бўлиб, муайян

Адабиётшунослик луғати

давр шарт-шароитлари (бадиий диддаги ўзгаришлар, шу даврда туғилған маңнавий-рухий әхтиёжлар) билан боғлиқ ҳолда улардан бири актуаллашаверди. Яъни бадиий асарнинг турли даврларда турлича тушунилиши ва баҳоланиши қонуният мақомидадир. Мас., А.Қодирий “Утган кунлар” романыда ўз даври ижтимоий муаммолари (миллат фожиаларининг илдизи, миллый озодлик масалалари)га муносабат билдириб, даври учун бениҳоя мұхим ғояларни сингдиришга интилған эди. 60-йилларда асар мазмунининг бу қирраси тушиб қолади-да, унинг башқа қатлами (ота-она орзуси, севги ва вафо) актуаллашды, у күпроқ “ишқий майший, саргузашт” асар сифатида тушунилади. 80-йиллар охирида, жамиятда истиқлол ва эрк соғинчи кучайған бир шароитда, ижтимоий-тарихий шароит асар яратилған даврдагига моҳияттан яқын эди, бу эса яна асар яратилған даврдаги актуал мазмунни олдинги планга чиқарди. Ҳозирғи кунда эса ўкувчини романдаги умуминсоний муаммолар талқини – ёзувчининг инсон эрки, қадри ва шаъни, адолат ва разолат, диёнат ва хиёнат, шахс ва жамият, шахсий манфаат билан ўзга шахслар манфаати муносабати каби қатор мураккаб масалалар ҳақидаги мұлоҳазалари күпроқ қызиқтиради. Истиқлол шароитида ўтмиш адабий меросини қайта баҳолаш зарурати юзага келдіки, бу нарса адабиётимизни ўрганишда тарихий-функционал ёндашувни долзарб этиб қўйди. Шу боис ҳам ўтган аср охирларидан бошлаб ўзбек адабиётини Т.-ф.ў. борасида дадил қадамлар қўйилди. Жумладан, А.Расулов, С.Содик, Р.Құчқор, Б.Каримов каби олимларнинг А.Қодирий ва А.Қаҳҳор асарларини тарихий-функционал аспектда ўрганишга бағищланган тадқиқотлари бу борадаги жиддий ютуқлардан саналиши мумкин.

ТАРКИББАНД (ар. ترکیب – тузилиш, форс. بند – боғлаш) – мұмтоз адабиётдаги ўзига хос композицион қурилишга эга йирик ҳажмилли лирик жанр. Т.нинг ҳар бир банди ғазал типида қофияланувчи бир неча байтдан таркибланиб, охирида маснавий типида қофияланувчи байт келтириллади. Қурилишидаги бу жиҳатлари билан Т. таржибандга ўхшаш, фақат унда бандлар охиридаги байт таржөз эмас, ҳар бир банд охирида бутунлай янги байт келтириллади. Т.нинг бандлари ғазални эслатади, фақат унда тахаллус келтирилмайди. Т. бандларидаги байтлар сони қатъий белгиланған эмас, лекин ҳар бир Т.да бандлардаги байтлар сони бир хил бўлиши лозим (мас., Ҳофиз Хоразмий девонига киритилған Т. ҳар

Адабиётшунослик лугати

бири 8 тадан байтни ўз ичига олган 4 та банддан ташкил топган). Т.даги бандлар ғоя ва мавзу жиҳатидан бир-бираига узвий боғлиқ бўлиб, битта мавзунинг изчил ривожлантирилиши асар яхлитлигиги ни таъминлайди: қўйилган мавзу талқини банддан-бандга ёрқинлашиб боради, ғазал кўринишидаги ҳар бир банд мавзунинг қайсиdir қиррасини атрофлича ёритишга хизмат қиласди. Шу жиҳатлари билан Т. жиддий фалсафий масалаларни лирик мушоҳада этиш учун қулай шакл бўлиб, унга Ҳофиз Хоразмий, Навоий, Фузулий каби мутафаккир шоирлар айрича эътибор қилганлари шундандир.

ТАРСЕЙ (ар. **ترصیح** – дурни, гавҳарни ипга тизмок) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, байтнинг биринчи мисрасидаги барча сўзларнинг кейинги мисрадаги муқобилларига қофиядош ва вазнда тенг бўлиши. Бироқ Т.нинг асосий шарти қофиядошлик бўлиб, “Агар қофия туфайли вазнда ихтилоф бўлса ҳам, зарари йўқдир” (А.Хусайнний). Яъни биринчи мисрадаги сўзлар иккинчи мисрадаги муқобиллари билан қофиядош бўлса, вазнда тенглик бузилган ҳолда ҳам, Т. санъати юзага келаверади. Айни пайтда, мисралардаги муқобил сўзларнинг ҳам қофиядош, ҳам вазндош бўлиши Т.нинг мукаммал кўриниши ҳисобланади. Шеърга ўзгача мусиқийлик баҳш этиши сабаб шеъриятимизда Т. анча фаол қўлланган, унинг гўзал намуналарини турли жанрларга мансуб шеърларда кўплаб учратиш мумкин. Фақат қофияланиш тартиби ўзига хос бўлгани учун ғазалдаги Т., одатда, матлаъда юзага келишини унтур маслик лозим. Бунинг сабаби шуки, Т. байт мисраларидаги барча сўзларнинг ўзаро қофиядош бўлишини тақозо этади. Ғазалда эса матлаъдан кейинги байтларнинг биринчи мисралари очиқ қолгани ҳолда, иккинчи мисраларининг матлаъга қофиядош бўлиши талаб этилади, шунингдек, аксар ҳолларда ғазал радифли бўлади – буларнинг бари матлаъдан бошқа байтларда Т.нинг юзага келишига халақит беради. Иккинчи томондан, матлаънинг Т. асосига курилиши ҳусни матлаъ (қ.) санъати талабларига мос бўлиб, илк байтнинг ўкувчи ёдида муҳрланиб қолишига хизмат қиласди, шу тариқа Т. санъатини қўллашда ғазал жанри ҳусусиятларидан келиб чиқувчи чеклов охир-оқибат унинг фойдасига ишлайди. Мас., Навоийнинг қуйидаги матлаъсида Т. санъати қўлланган:

*Не хуш келгайки, келгай нозаниним,
Не хуш бўлғайки, бўлғай ҳамнишиним.*

Адабиётшунослик луғати

Т. санъатининг кўлланиши, айниқса, бир байтдангина ташкил топувчи фардларда муҳим, чунки ҳикматли фикрнинг ўзига хос оҳанг билан жаранг топиши унинг ўқувчи ёдида сақланишида, ом-малашиб кетишида катта аҳамият касб этади. Mac., Навоийнинг:

*Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмакдур, демак йўқ, –*

фарди мисраларидағи қофиялананаётган сўзлар равийда ҳам, ҳаракату сукун (унли ва ундошлар)да ҳам бир-бирига мувофиқ, у Т.нинг энг мукаммал кўринишига мисол бўла олади.

Маснавий шаклида ёзилган достонлар таркибидаги Т. санъати қўлланган байтлар матнда ритмик ўзига хослиги, мусиқийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис ҳам бундай байтлар кўпроқ воқеалар шиддати ортган, қаҳрамон руҳиятида драматизм кучли намоён бўлган ўринларда, муаллиф аввал билдирган фикрларини умумлаштириб ифодаламоқчи бўлган ҳолларда учрайди. Mac., “Лайли ва Мажнун”да фарзандини ишқ балосидан ҳалос этиш ниятидаги ота Қайсни Каъбага олиб боради: у ўғлининг худога ишқдан ҳалос этишни сўраб муножот қилишини истайди. Лекин Қайс ўзини ишқдан айро тасаввур қилолмайди, Навоий қаҳрамонининг бу ҳолатини унинг муножотидаги куйидаги байтларда ифода этади:

*Кўнглумга фазо ҳарими ишқ эт,
Жонимга ғизо насими ишқ эт!*

*Ишқ исидин эт дамимни мушкин,
Ишқ ўтидин эт юзумни рангин!*

*Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рагимда қон қил!*

*Дардини нажотим эт, илоҳи,
Ёдини ҳаётим эт, илоҳи!*

*Кун юзини айладинг мушаккал,
Тун кўзини айладинг мукаҳҳал.*

Келтирилган байтлардаги айрим жуфтликлар (кўнгил-жон, ис-ўт, дам-юз, тан-раг)да равийнинг йўқлиги мумтоз қофия қоидаларига мувофиқ бўлмаса-да, улардаги қўшимчалар ҳисобига юзага кела-

Адабиётшунослик луғати

ётган оҳангдошлиқ байтларда Т. санъати мавжуд дейишга имкон беради. Шунингдек, байтлардаги барча сўзларда вазндошлиқ кузатилгани учун, уларни *мувозана* (қ.) санъатига ҳам мисол қилиш мумкин.

ТАСБЕЬ (ар. **تسبیح** – бармоқ билан кўрсатиш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, байтнинг биринчи мисраси қайси сўз билан тугаса, кейинги мисрани шу сўз билан бошлаш, тақрор турларидан бири. Биринчи мисра охирида ва иккинчи мисра бошида тақрорланётган сўз шоир фикрини таъкидлаш, маънони кучайтириш вазифаларини ўтайди. Mac., Навоийнинг:

*Йўқ демаким, ул қуёш ёдида фарёд айламон,
Айламон фарёдким, гардунни барбод айламон, –
байтида тақрорланётган “айламон” сўзи Т.ни юзага келтирмоқда.*

ТАСВИР (ар. **تصویر** – тасвирлаш, бирор нарсанинг суратини солиш) – бадиий воситалар ёрдамида воқелиқдаги нарса-ҳодисаларни ўқувчи (томошабин) бевосита ва яхлит ҳолда, уларга хос индивидуал-бетакрор хусусиятлар билан бирликда конкрет ҳис эта оладиган тарзда акс эттириш. Гарчи моҳиятан Т. термини *тасвирий санъатга* хос бўлса-да, уни бошқа санъат турларига нисбатан, хусусан, бадиий адабиётга татбиқан қўллаш ҳам ўринлидир. Бадиий адабиётда Т. сўз воситасида амалга оширилади, шунга кўра, *тасвирий санъатдан* фарқли ўлароқ, адабий асарда тасвирланган нарса-ҳодиса “ички кўз” билан кўрилади: сўз воситасида ўша нарса-ҳодиса чизгилари муайян кетма-кетлиқда қайд этилади ва охирокибатда тасаввурда унинг Т.и – сурати жонланади. Тасвирий санъатнинг, айниқса, адабиёт сингари динамик тасвирий санъат саналувчи кинонинг ривожланиши, санъат турлариро алоқа ва таъсир жараёнининг мавжудлиги, ўқувчиларда эстетик объекtnи кўриш орқали қабул қилиш имконларининг кенгайтгани бадиий адабиётдаги Т.ни сифат жиҳатидан ўзгартириб, имкониятларини кенгайтириди. Замонавий адабиётнинг Т. имкониятлари кенгайтгани ҳозирда адабий асар таҳлилида *нуқтаи назар*, *перспектива*, *ракурс*, *йирик план*, *умумий план* каби терминлар тобора кенг қўлланаётганида ҳам қўринади. Бу эса ҳозирда *тавсифнинг* ичида ва унинг бир сифат қўриниши деб тушуниладиган Т.га, вақти келиб, алоҳида композицион унсур сифатида қаралиши мумкинлигини кўрсатади.

Адабиётшунослик луғати

ТАТАББУЬ (ар. تتابع – бирор нарсанинг кетидан тушиш, изидан бориб текшириш) – қаранг: **назира**

ТАФРЕЬ (ар. تفرع – тармоқланиш, шохлаш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, реал нарса-ҳодиса, ҳолат кабиларни инкор қилган ҳолда, бошқа нарса-ҳодиса, ҳолатга ўхшатиш. Мөхияттан, Т. хусни таълил (қ.) санъатига жуда яқин туради. Уларнинг фарқи шундан иборатки, хусни таълилда шоир табиий ҳолатта нотабиий, шоирона сабаб кўрсатишга ҳаракат қиласди, Т.да эса бир нарсани бошқа бир нарса сифатида кўрсатиб, шу ҳолатни исботлашга уринади, бошқача айтсан, шоир ўз фикрида қатъий туриб олади. Mac., Навоий машҳур:

Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушди ўт,

Йўқ шафақум, бир қироқдин осмонга тушди ўт, –
байтида худди шундай йўл тутади: кенг лолазор ва қизариб турган уфқни “кўриниб турган кенглик лолазор эмас, менинг оҳимдан жаҳонга ўт тушди ва шунинг учун у қип-қизил олов ичидан қолди, кўнда қизариб кўринаётган нарса ҳам шафақ эмас, ўша оҳимдан жаҳонга тушган ўт энди бир тарафдан кўкка ўрламоқда”, дейди.

ТАФРИТ (ар. تفريط – ўтказиб юбориш, сусткашлик қилиш) – қаранг: **муболага**

ТАФСИР (ар. تفسير – шарҳ, изоҳ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, байт аввалида мавхумроқ тарзда айтилган фикрни байт давомида батафсил тушунириб бериш; илми бадиъга оид манбаларда табийн деб ҳам юритилади. Яъни шоир гўё ўзи айтган фикр қандайдир ноаник, тушунарсиз эканини ҳис қиласди ва уни изоҳлаш, шарҳлашга эҳтиёж сезади, гўё ўкувчига мавхум бўлиб қолаётган масала тушунирилиб, тафсир қилинади. Mac., Навоийнинг:

Равзада кавсар қирогинда хаёл эттим Билол,

Юз аро лаб, лаб уза шабранг холингни кўруб, –
байти биринчи мисрасида шоир хаёлига кавсар қирғоғида ўтирган Билол келганини айтиб, кейинги мисрада бунинг сабабини изоҳлайди, яъни ёрнинг юзи жаннатни, лаби кавсарни, холи эса Билолни хаёлига келтирганини айтади. Э.Воҳидовнинг:

Уч балодан сақласин, чархи балокаш бўлмасин,

Дўст мөҳрсиз, дардсиз улфат, ёр жафокаш бўлмасин, –

Адабиётшунослик луғати

байтида эса аввал “уч балодан сақласин” деган истак ифода этилади, кейин “уч бало” деганда нималар назарда тутилаётгани шархланади. Аввалида мавхұм ифодаланған “уч бало” “мәхрсиз дүст”, “дардсиз улфат” ва “жафокаш ёр” тарзидә конкретлаштирилади. Айрим манбаларда Т. доирасы бир байт билан чегараланмасдан, бир байтдаги мавхұмлық кейинги байтда изохланиши мумкінлиги ҳам әътироф этилади.

ТАХМИС (ар. **نَحْمِص** – бешлик қилиш) – қаранг: **мухаммас**

ТАШБЕХ (ар. **تَشْبِيهٌ** – үхшатиш) – мұмтоз адабиётдаги шеърий санъат, икки нарса ва тушунча, ҳаракат ёки ҳолат ва ш.к.ларни бир-бирига үхшатиш, қиёслаш. Адабиётда, хусусан, шеъриятта әнгекенг тарқалған ва қадимий санъатлардан бири. Т.нинг юзага келишида икки нарса-тушунча, икки ҳаракат ва ҳолат орасидаги үхшашлик асос бўлади. Үхшатиш учун ҳақиқий, реал ҳаётий нарса-буюмлар танланған бўлса, ҳақиқий Т., ноаниқ, мавхұм нарсалар танланған бўлса, мажозий Т. юзага келади. Т. санъати тўрт жузв орқали юзага келади: *мушаббих, мушаббихун биҳ, важҳи шабиҳ, воситай ташбих.*

Мушаббих (ёки мушаббах) – үхшатилаётган нарса. Тушунтириш учун “ой каби гўзал юз” Т.и мисол қилиб олинса, унда “юз” мушаббихдир. Мушаббихун биҳ (ёки мушаббаҳ биҳ) эса үхшатилаётган нарса, мисолимизда “ой” мушаббихун биҳ бўлади. Важҳи шабиҳ (ёки важҳи шибҳ) – үхшатилиш сабаби, яъни икки нарса-тушунчани бир-бирига үхшатиш асоси, “ой каби гўзал юз”да юз билан ой гўзалик важидан үхшатилаёттир. Воситай ташбих (ёки одоти ташбих) – үхшатишли конструкциядаги грамматик восита, мисолимизда “каби” кўмакчиси үхшатиш воситасидир.

Т.нинг юзага келишида мазкур унсурларнинг барчаси иштирок этиши ҳам, улардан айримлари иштирок этмаслиги ҳам мумкин. Mac. Бобурнинг:

Ё қошинг янглиғ эгилган жисми зоримнуму дей?

Ё сочингдек тийра бўлган рўзгоримнуму дей? –

байти ҳар иккала мисрасида ҳам барча унсурлари мавжуд бўлган Т. қўлланған: биринчи мисрада “қош” – мушаббих, “янглиғ” – воситай ташбих, “эгилган” – важҳи шабиҳ, “жисм” – мушаббихун биҳ; иккинчи мисрада “соҷ” – мушаббих, -дек – воситай ташбих, “тийра” – важҳи шабиҳ, “рўзгор” – мушаббихун биҳ. Т.нинг бу тури, яъни

Адабиётшунослик луғати

тұртала унсур ҳам қатнашган күриниши *ташбеки муфассал* дейилади.

Илми бадиъга оид адабиётларда Т. тузилиши (юқоридаги унсурларнинг иштироки), қиёсланаётган нарса-тушунчалар орасидаги үхшашлик даражасига күра, яна бир қанча турларга бўлинади. Уларда тасниф билан боғлиқ турличаликлар бўлса ҳам, Т.нинг кўпчилик томонидан эътироф этилган турлари сифатида қўйидагиларни санаш мумкин: *T.и мужмал* (қ.), *T.и муюққад* (қ.), *T.и мутлақ* (қ.), *T.и киноят* (қ.), *T.и машрут* (қ.), *T.и тасвият* (қ.), *T.и акс* (қ.), *T.и измор* (қ.), *T.и тафзил* (қ.), *T.и мусалсал* (қ.), *T.и мўъқад* (қ.)

ТАШБЕХИ АКС (ар. **تشبيه عكس** – тескари үхшатиш) – ташбех турларидан бири, аввал бир нарса иккинчи бир нарсага үхшатилади, сўнг бунинг акси амалга оширилади, яъни иккинчи нарса биринчи нарсага үхшатилади. Бошқача айтилса, Т.а.да аввал *мушаббих* бўлган сўз кейин *мушаббихун* биҳ, *мушаббихун* биҳ бўлгани эса *мушаббиҳга* айланади. Мас., Навоийнинг қўйидаги:

Юзунг қуёшли экин ё қуёш юзунгми экин

Ки, қайси, қайси экан фарқ эмас, нечукки эгиз, –

байтида аввал юз қуёшга, кейин эса қуёш юзга үхшатилади, яъни “юз” биринчи ҳолда *мушаббих* бўлса, кейингисида *мушаббихун* биҳга айланади.

ТАШБЕХИ ИЗМОР (ар. **تضليل اضمار** – яширин үхшатиш) – ташбех турларидан бири бўлиб, бунда, зоҳиран қаралса, шоир үхшатишни мақсад қилмагандек туолади, ҳақиқатда эса унинг мақсади үхшатиш бўлади. Бошқача айтсан, Т.и. *ташбеки мутлақнинг* (қ.) тамом зиддиидир, унда бир нарсанинг иккинчи нарсага үхшатилаётгани ҳақида ҳеч бир ишора бўлмайди; *ташбеки муюққаддан* (қ.) фарқли равишда, Т.и.да *мушаббих* ва *мушаббихун* биҳ синтактик бирлик (гул юз, сарв қад каби) ҳосил қилмайди; ниҳоят, Т.и. ҳамиша ифодадаги бошқа бир мақсад билан гўё пардаланади. Шулардан келиб чиқиб, мумтоз шеъриятдаги *таажжуб, тажоҳул ул-ориғ, ҳусни таълил* каби санъатлар үхшатиш асосида воқе бўлган ҳолларнинг барида Т.и. мавжуд бўлади, дейиш мумкин. Мас., *тажоҳул ул-ориғ санъати қўлланган* қўйидаги:

Тун яримда кун туғурди ёки бепарво чиқиб,

Зулф аросидин юзини ойга кўрсатганмукин, –

Адабиётшунослик луғати

байтида, зохираң қараганда, шоирнинг муддаоси ўзини ҳайрону бехабар қилиб кўрсатишдек кўринса ҳам, аслида, мақсади ёр зулфини тунга, юзини кунга ўхшатишдир.

ТАШБЕҲИ КИНОЯТ (ар. *تشبیه کنایہ* – кўчимли ўхшатиш) – ташбех турларидан бири, тўрт унсурдан фақат мушаббихун биҳ иштирок этувчи ташбех. Яъни Т.к.да мушаббих, *воситаи ташбих* ва важҳи шабих тушириб қолдирилади, мушаббихун биҳ эса мушаббих маъносида, яъни кўчма маънода ишлатилади. Моҳиятан, Т.к. истиорадан фарқланмайди. Mac., Навоийнинг:

Оташин лаълидурким, анда музмар бўлди жон,

Оташин гулбаргидан хильъатки жононимдадур, –

байтида “лаъл” сўзи кўчма маънода қўлланиб, “лаб” маъносини билдиради.

ТАШБЕҲИ МАШРУТ (ар. *تشبیه مشروط* – шартланган ўхшатиш) – ташбех турларидан бири, нарса-ҳодисани бошқа нарса-ҳодисага маълум бир шарт билан ўхшатиш. Яъни Т.м.нинг юзага чиқиши учун аввал ўша шарт бажарилиши лозим бўлади. Mac.:

Эй, Навоий, дурри назминг хутбадек топқай шараф,

Лутф ила қилса назар байрам куни султон анга, –
мақтаъсида Навоий ўзининг шеърлари хутбадек шараф топишини айтади, бироқ бунинг учун султоннинг уларга “лутф ила” назар солиши шарт қилиб қўйилади. Ёки бошқа бир байтда Навоий:

Ҳалол она сутидекдур гар ўзбаким тутса,

Тобук қилиб юкунуб тўстағон ичинда қимиз, –

дейдик, қимиз “она сутидек” ҳалол бўлиши учун уни “ўзбаким тутиши” шарт қилиб қўйилмоқда.

ТАШБЕҲИ МУЖМАЛ (ар. *تشبیه مجمل* – ноаниқ ўхшатиш, ўхшатилиш сабаби номаълум) – ташбех турларидан бири, важҳи шабих тушириб қолдирилган ташбех. Mac., Навоийнинг:

Кўрди то саре қаду гулдек юзунгни боғбон,

Гулшан ичра қилмади шамшод ила сунбул ҳавас, –

байтидаги “гулдек юз” ташбехида тўрт унсурдан учтаси бор: “гул” – мушаббихун биҳ, “юз” – мушаббих, -дек – воситаи ташбих, лекин “гул” билан “юз”нинг ўхшатилиш сабаби айтилмаган, важҳи шабих тушириб қолдирилган.

Адабиётшунослик луғати

ТАШБЕҲИ МУСАЛСАЛ (ар. **تشبیه مسلسل** – кетма-кет ўхшатиш) – ташбех турларидан бири, бир нарсани бир неча нарсага кетма-кет ўхшатиш. Яъни бунда шоир бир нарса (мушаббих)ни бир пайтнинг ўзида кетма-кет бир неча нарса (мушаббихун биҳ)га ўхшатади. Mac., Сайфи Саройининг:

Сўзунг дуррў жавоҳирдур кўнгуллар ганжина лойиқ,
На лойиқ? Лойиқи хисрав. На хисрав? Хисрави кишвар, –
байтида сўз аввал дурга, кейин жавоҳирга, Атойининг:

Эй лаблари шаҳду шакару Миср наботи,
Юсуф киби ширин ҳаракату саканоти, –
байтида ёр лаблари асал (шахд), шакар ва Миср новвотига кетма-кет ўхшатилмоқда. Т.м. кўпинча тажоҳул ул-ориф санъати билан қоришиқ ҳолда учрайди, зеро, мазкур санъат аксар ҳолларда Т.м. асосида юзага чиқади. Буни, мас., Атойининг қуйидаги байтида кўриш мумкин:

Сочму ё сунбулму ё ганж устида ётур илон,
Ё келибдур Рум элига Чину Мочин лашкари?

ТАШБЕҲИ МУТЛАҚ (ар. **تشبیه مطلق** – очиқ ўхшатиш) – ташбех турларидан бири. Т.м. манбаларда ташбеҳи саруҳ деб ҳам юритиладики, аслида, шу ном моҳиятни аниқроқ ифода этади. Зеро, саруҳ сўзи луғатда “очиқ, ошкор, равшан, аниқ” маъноларини ифодалайди. Т.м.да мушаббих ва мушаббихун биҳ орасидаги муносабатни белгиловчи воситаи ташбех (каби, сингари, худди, янглиғ, гўё, -дек, -дай ва б.)нинг бўлиши шарт ва худди шу ҳол икки нарсатушунчанинг бир-бирига ўхшатилаётганини аниқ билдириб туради. Mac., Лутфийнинг:

Пистадек оғзинга шакар дедилар,
Ғайб сирин не муҳтасар дедилар, –

байтида -дек қўшимчаси оғизнинг пистага ўхшатилаётганини ошкор билдириб туради.

ТАШБЕҲИ МУФАССАЛ (ар. **تشبیه مفصل** – тўлиқ ўхшатиш) – қаранг: **ташбех**

ТАШБЕҲИ МУЯҚҚАД (ар. **تشبیه معقد** – ноаниқ ўхшатиш) – ташбех турларидан бири, таркибида факат мушаббих ва мушаббихун биҳ иштирок этган ташбех. Mac., Бобурнинг:

Адабиётшунослик луғати

Хазон япроги янглиг гул юзинг ҳажрида саргардим,

Күриб раҳм айлагил эй лоларуҳ бу чөхраи зардим, –
байтидаги “гул юзинг” ташбехида түрт унсурдан иккитаси (“гул” –
мушаббиҳун биҳ, “юз” – мушаббиҳ) бор, лекин унда *воситаи ташбиҳ* билан важҳи шабиҳ тушириб қолдирилган: ўхшатиш грамматик воситаларсиз амалган оширилган, ўхшатиш асоси кўрсатилган эмас.

ТАШБЕҲИ МЎҲКАД (ар. *تشبیه موكد* – таъкидли ўхшатиш) – ташбех, турларидан бири. Т.м. тузилишига кўра ташбехи *муяққадға* яқин: унда ҳам фақат мушаббиҳ ва мушаббиҳун биҳ иштирок этади, фақат фарқи шуки, бунда мушаббиҳ эга, мушаббиҳун биҳ эса от кесим вазифасида бўлади. Яъни кесим вазифасидаги мушаббиҳун биҳ мушаббиҳ ҳақидаги ҳукмни таъкидлайди. Т.м. таркибидаги мушаббиҳ ҳам, мушаббиҳун биҳ ҳам биргина сўз ёки сўз бирикмаси билан ифодаланиши мумкин. Mac., Навоийнинг:

Чуғз бўлмиш ганжи *vaslning shavқидин* кўнглум қуши,

Заҳми кўп кўнглум уйи ул чуғзниң *vайронидур*, –
байтида “кўнглум уйи” – мушаббиҳ эга бўлса, “чуғз *vайронаси*” –
мушаббиҳун биҳ кесим вазифасидадир.

ТАШБЕҲИ ТАФЗИЛ (ар. *تشبیه تفضیل* – чекиниш йўли билан ўхшатиш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, ташбех турларидан бири. Шоир бир нарсанни иккинчи бир нарсага ўхшатиб, сўнг бу фикридан қайтади-да, ўхшатилмиш (мушаббиҳ)ни ўхшаётган нарса (мушаббиҳун биҳ)дан устун кўяди. Яъни “юзингни қуёшга ўхшатай десам, қуёшнинг заволи бор, юзинг эса безаволдир” каби. Mac., Бобурнинг:

Такаллуф ҳар неча суратда бўлса андин ортуқсен,

Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен, –
байтида аввал ёрнинг ўзгалар томонидан жонга ўхшатилиши эътироф этилиб, сўнг ёрнинг жондан-да ортиклиги таъкидланади.

ТАШХИС (ар. *شخوص* – шахслантириш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, шахсга хос хусусиятларнинг ҳайвонлар, қушлар, жонсиз нарса-предметларга нисбат берилиши. Яъни Т.да инсонларга хос бўлган ҳис-туйғу, хатти-ҳаракатлар бошқа мавжудотларга ёки жонсиз нарсаларга кучирилади. Бироқ бу кучириш механик тарзда ёки шунчаки ўйлаб топилган бўлмай, муайян мантиқий

Адабиётшунослик лугати

асосга эгадир. Бошқача айтсак, күчирилаётган инсонга хос хусусиятлар билан ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар ёки бошқа жонсиз нарсаларнинг айрим жиҳатлари орасида үхашашлик, муштаракликлар кузатилади. Мас., “ёмғир ёғиши” инсоннинг кўзёш қилишига монанд, шунинг учун ҳам метафорик асосда “булутлар кўзёш тўқди” дейиш маълум мантикий асосга эга бўлади. Жалолиддини Румийнинг қуидаги рубойсида Т. санъати маҳорат билан қўлланган:

*Руҳсорингдан рангин ўғирлабди гул,
Йўлтўсардек дорга осилмиси кокил.
Қанча нола қилди фойда бўлмади,
Фараҳбахи бўйингдан жон олди булбул.*

Рубойдаги гулнинг ёр руҳсоридан ранг ўғирлаши, кокилнинг дорга осилиши, булбулнинг нола қилишию жон олиши – булар барин инсонга хос хусусиятларнинг гул, кокил ва булбулга кўчирилиши натижасида воқе бўлган Т.дир. Бунда гул ранги билан ёр руҳсоринг ранги, кокилнинг осилиб туриши билан дорда йўлтўсарнинг осилиб туриши, булбулнинг сайраши билан инсоннинг нола қилиши ўртасида үхашашлик борлиги Т. нинг юзага келишига мантикий асос бўлган.

ТАЪДИЛ (ар. *تعديل* – тўғриламоқ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, бир байт таркибида бир неча содда отларнинг маълум тартибда саналиши. Мас., Машрабнинг:

*Малаксан ё башир, ё ҳуру ғилмонсан, билиб бўлмас,
Бу лутфу бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас, –
байти Т.га яхши мисол бўла олади.*

ТАЪРИЗ (ар. *تعريف* – киноя билан сўзлаш, эътиroz билдириш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, бирор кишини олқиши сўзлар, дабдабали мақтов орқали ҳажв қилиш. Яъни зоҳирлан шоир бирорни мақтаётгандай кўринса-да, асл муддао унинг кирдикорларини фош қилиш, кесатиш, киноя бўлади. Мас., Завқийнинг:

*Ҳўқандлик, андижонлик, Ўротепа мардумин
Бир курашда ийқитти, полвон экан Бектурбой, –
байтида Бектурбой (Виктор) бир қурашда полвон сифати билан мақталаётгандай кўринса-да, аслида ҳўқандлик, андижонлик, ўратепалик савдогарларни боплаб алдаб кетган фирибгар сифатида таърифланади.*

Адабиётшунослик луғати

ТАЪРИХ ёки ТАРИХ (ар. تاریخ – ўтмиш) – муҳим тарихий саналар (улуғ кишиларнинг таваллуд ва вафот йиллари, муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг юз бериш, асарнинг ёзилиш, бинонинг қурилиш вақти ва ш.к.)ни абжад ҳисоби (қ.) ёрдамида қайд этиш. Шарқ мумтоз шеъриятида Т., одатда, шеърий йўл билан, кўпроқ, байт ичидаги қайд қилинган. Байт таркибида керакли санага ишора қилаётган ҳарф, сўз ёки сўз бирикмаси “Т. моддаси” деб юритилади. Мумтоз адабиётшуносликка оид манбаларда Т. гоҳ бадиий санъат, гоҳ эса жанр сифатида кўрсатиб келинадики, бу хил турличалик муайян асосга эга. Чунки Т. мумтоз жанрлар (достон, қасида, марсия, рубоий, қитъа ва б.) таркибидаги байтларда берилиши ҳам, маълум бир санани қайд этиш учун алоҳида байт (мас., бирор бино пештоқига битиш учун) сифатида маҳсус ёзилиши ҳам мумкин. Иккинчи томондан, айрим Т.лардан кузланган мудда муайян санани қайд этиш билан чекланса, бошқаларида буни санъаткорона маҳорат билан амалга оширишга интилиш кузатилади. Mac., “Юсуф ва Зулайхо”даги:

Зод эди тарих тақи ҳею дол,

Муддати ҳижратдин ўтиб моҳи сол, –

байтида Т. ҳарфларни оддийгина қайд этиш билан чекланади. Бунда зод (800), ҳе (8) ва дол (4) ҳарфлари ифодаловчи рақамлар йигиндисидан достон ҳижрий 812 йилда ёзилгани аён бўлади. Албатта, бу байтдаги Т.ни санъат аталса, бироз зўракилик бўлади. Лекин Т.нинг шундай намуналари борки, уларни санъат ҳисоблаш жоиз. Mac., Навоий золим амандорлардан бири, Мозандаронда қатл этилиб, калласи Ҳиротга олиб келинган Муҳаммад Амин вафоти Т.ини қуидагича ифодалайди:

Золимеро кушта сўйи шаҳр овардан дар,

Ончи овардан қатлашро ҳамон таърих буд.

Таржимаси: Золимни ўлдириб, бошини шаҳарга олиб келдилар, нимаики олиб келган бўлсалар, ўша унинг тарихидир. Байтда воқеа тарихига “шаҳарга золимнинг бошини олиб келдилар” жумласи орқали ишора қилинмоқда. Бундан мурод эса “золим” (ظلم)нинг боши, яъни “зе” (ڈ) ҳарфиdir. У абжад ҳисоби бўйича 900 га тенг. Демак, Муҳаммад Аминнинг қатл этилиши ҳижрий 900, милодий 1495 йилга тўғри келади. Т.ни бу каби санъаткорлик билан ифодалаш учун катта маҳорат талаб этилади. Зоро, бу ўринда шоир байт таркибига киритаётган сўз ёки жумла мазмунга мос бўлиши билан

Адабиётшунослик луғати

бирга, абжад ҳисоби бўйича керакли рақамга тенг келиши ҳам зарур. Шунингдек, бу йўсин битилган Т.ларда ишора қилинаётган рақамни аниқлаш учун ўқувчидан, худди муаммода яширган сўзни топишдаги каби, ўткір зеҳн, топқирлик талаб этилади.

ТАЪСИС (ар. تأسیس – асослаш) – қаранг: муқайяд қоғия

ТАҚЛИД (ар. تقليد – эргаштириш, ўхшатиш) – адабиётда ўзигача мавжуд бўлган асар хусусиятларини қайта яратиш, ижод амалиётида у ёки бу санъаткорга эргашиш тарзида намоён бўлувчи ҳодиса. Адабиётшунослиқда Т. ва *тақлидчилликка* нисбатан кўпроқ салбий муносабат кузатилса-да, булар адабий жараёnda табиий равища мавжуд ҳодиса бўлиб, турли омиллар (ворисийлик қонунияти, адабий-эстетик қарашлар муштараклиги, ижодий ўрганиш) натижаси ўлароқ юзага келади. Ворисийлик қонунияти асосидаги Т. адабиёт тараққиётининг анъана таъсири устувор бўлган босқичларида (традиционализм босқичи, Farb адабиётида XVIII асргача) кенг кузатилади: бунда анъанавий тарзда этalon деб қабул қилинган асарларга Т. қилиш одатий ҳолгина эмас, маълум даражада ижодкорга кўйилувчи талаблардан бири (қ. *классицизм*) бўлиб, маълум сюжетлар, образларга қайта-қайта мурожаат қилиниши одатий эди. Худди шунга ўхшаш ҳол Шарқ адабиётида ҳам кузатилади (мас., хамсачилик анъанаси, ғазалчилиқдаги поэтик образ, лирик ҳолатлар ва б.). Бироқ буни Т. объектига, гарчи унинг кўплаб хусусиятлари сақлаб қолинса-да, кўр-кўронга эргашиш деб тушунмаслик керак, зеро, у аввалдан мавжуд образ, сюжет мотивларининг анъана доирасида янгиланган бадиий талқинини тақозо этади. Бадиий ижодда индивидуалликнинг аҳамияти ортиб бориши баробаридада Т. қилинаётган асар билан унинг асосида яратилган асар орасидаги фарқ очиқ кўзга ташланмайдиган, мос равища Т.га муносабат ҳам салбийлашиб бориши кузатилади. Mac., ҳозирги ўзбек насрода кузатилувчи Farb модерн адабиётига эргашиш ҳолларига аксарият мутахассислар хушламайроқ қарайдилар. Ҳолбуки, бу Т. адабий-эстетик қарашлар муштараклиги маҳсулни бўлиб, Farb адабиётида қарийб бир асрдан зиёд муқаддам бошланган изланишлар бизда энди-энди кузатилмоқда, зеро, шундай адабий-эстетик қарашларнинг шаклланишига замин бўла оладиган, шундай асарларга эҳтиёж туғдирадиган шароит бизда бир-мунча кечроқ етилди. Яъни бунда Т. унсурлари бўлган чоқда ҳам

Адабиётшунослик луғати

күр-күрона эмас, аксинча, ижодий үзлаштириш бўлиб, ёш адиларнинг миллый ҳаётимизни ғарблик ҳамкаслари тажрибасини ижодий үзлаштирган ҳолда идрок этишга интилишидир. Шу билан бирга, бу ҳодисага умумий баҳо бўлиб, унинг ичидаги салбий баҳога лойик, күр-күрона Т. унсурлари мутлақо йўқ дегани эмас. Ҳар қандай ижодкор фаолиятининг илк босқичи Т.дан холи эмас, бунинг омили ўрганиш истагидир. Ҳатто улкан истеъодлар ҳам ижодининг аввалида салафларидан ўрганади, уларнинг тажрибаларини ўзига сингдириб, онгию қалбидаги қайта ишлаб, ўзиникига айлантириши ва шу асно ўз ижодий индивидуаллигини шакллантириши учун маълум вақт керак. Mac., улуғ адабимиз А.Қахҳор ҳикояларида Чехов, Гоголь асарларига, илк романи “Сароб”да Ж.Лондонга; А.Ориповнинг илк ижодида эса Пушкин, Лермонтов, F.Фуломларга Т. унсурлари сезилиб туради. Муҳими, уларнинг ўрганиш босқичидаёқ ижодий ёндашув, ўз йўлини топиш ва ўз сўзини айтишга интилиш кузатилади, шу нарса уларнинг салафлардан самарали сабоқ олиши ва кейинча бетакрор индивидуаллик касб этишларига асос бўлди. Сираси, истеъодод кучи ўрганиш босқичини ижодий ёндашган ҳолда ва нечоғли тез, самарали босиб ўта олишда намоён бўладики, сабоқни қуруқ “ёд олган”лар юксак чўққиларни асло забт этолмайди. Ижодий ёндашувдан мосуво Т. эса асло истеъодддан эмас, *графоманлик* (қ.) дардига йўлиқканликдан, эпигонликдангина (қ.) дарак беради.

ТАҚСИР (ар. *تقصیر* – камчилик кўрсатиш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, фахрияниң акси. Яъни фахриядаги шоир ўзини юксак баҳоласа, Т.да кусурларини (осий, оми, укувсиз, девона ва ш.к.) эътироф этган ҳолда ўзини паст олади. Mac., Ҳувайдонинг:

Девона Ҳувайдосан, помоли халойик бўл,

Кўп тепмагунча бу лой, чинни бўлори йўқтур, –

байтида Т. санъати тамсил санъати билан қоришиқ ҳолда юзага чиқади: шоирнинг ўзини “девона”, “помоли халойик” дейиши Т. бўлса, ишлатилган тамсил (лой кўп тепкиланиб чинни бўлиши) камтар, хокисор бўлишнинг афзаллигини таъкидлашга хизмат қиласди.

ТАҚТИЪ (ар. *تقطیع* – кесиш) – арузда ёзилган байти ритмик бўлакларга, рукнга тенг қисмларга бўлиш, мисралардаги маълум тартибда жойлашган мутахаррик ва сокин ҳарфларни гурухлаш. Т. қилиш орқали байтнинг баҳри аниқланади. Ҳозирги арузшунослик-

Адабиётшунослик луфати

да мисраларни чўзик ва қисқа ҳижоларга ажратиш орқали гурӯҳлаш усули кенг тарқалган. Байтдаги ҳар бир мисранинг бир рукнга тенг қисми, яъни Т.си алоҳида ном билан юритилади: биринчи мисранинг биринчи Т.си садр, охирги Т.си аруз (ёки ажуз), иккинчи мисранинг биринчи Т.си ибтидо, охирги Т.си зарб, садр ва ажуз, ибтидо ва зарблар орасидаги Т.лар ҳашв деб аталади. Mac., Навоийнинг қуидаги байтида Т.лар мазкур кўринишида жойлашган:

садр ҳашв ҳашв ажуз

Хилъатин то / айламиш жо / нон қизил, со / риғ, яшил,

— V — / — V — / — V — / — V —

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

ибтидо ҳашв ҳашв зарб

Шуълаи о / ҳим чиқар ҳар / ён қизил, со / риғ, яшил.

— V — / — V — / — V — / — V —

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Байт Т.ларга ажратилгач, ундаги рукнлар сони, зихофга учраган ёки учрамаганига қараб, турлича номланади. Юқоридаги байт фоилотун рукннинг саккиз марта такрорланиши ва мисралар сўнгига рукннинг ҳазф зихофига учраши кўринишида шаклланган, шундан келиб чиқиб, байт вазни рамали мусаммани маҳзуф деб номланади. Агар байтда рукн олти марта такрорланса, ундаги ҳашвлар сони иккита бўлади, тўрт марта такрорланса, байтда ҳашв иштирок этмайди. Mac., Навоийнинг қуидаги байтида рукн олти марта такрорланган:

садр ҳашв ажуз

Бизинг шайдо / кўнгул бечо / ра бўлмиш,

V — / V — / V —

мафоийлун мафоийлун фаулун

ибтидо ҳашв зарб

Малолат даш / тида ово / ра бўлмиш.

V — / V — / V —

мафоийлун мафоийлун фаулун

Байтда мафоийлун рукни олти марта такрорланмоқда ва мисра охиридаги рукн ҳазф зихофига учраган. Шундан келиб чиқиб, байт вазни ҳазажи мусаддаси маҳзуф деб номланади.

Адабиётшунослик луғати

ТЕКСТ (лот. *textus* – мато, тұқима, матн) – 1) ёзувда қайд этиб қүйилган нұтқ, термин бу маңносида оғзаки нұтққа қарши қүйилади; 2) нұтқий асар, жумладан, адабий асарнинг ёзма (харфлар) ёки оғзаки (товушлар) белгилар воситасида қайд этилган конкрет-жиссий (күриш ё эшитиш) қабул қилинадиган томони. Бу маңнодаги Т. матншуносликнинг обьекти саналади; 3) нұтқий коммуникациянинг нисбий бутунлық, яхлитлик касб этган ва нисбий автономлик, алоҳидалик хусусиятига зәға энг кичик бирлиги, яъни адабий бадий асар. Бу маңнодаги Т.нинг мазмуни уни ташкил қилаёттан нұтқ бирликлари, уларнинг ўзаро алоқалари билангина чекланиб қолмайды. Бутун сифатида у муаллиф томонидан мұайян нұтқий ситуацияда яратылған, унинг бутун сифатидаги мазмун-моҳияти ўзидан ташқаридаги реаллик билан боғлиқ ҳолда воқе бўлади.

ТЕКСТОЛОГИЯ – қаранг: матншунослик

ТЕМА (юн. *thema* – асосга қўйилган) – қаранг: мавзу

ТЕМАТИКА – тор маңнода мұайян асарга қўйилган катта-кичик тема (мавзу)лар жами бўлиб, бу ўринда тема (мавзу) ўз ичига “проблема” маңносини ҳам сингдирган бўлади (қ. мавзу). Ҳаётни кенг қўламда акс эттирувчи йирик ҳажмли асарларда бош мавзудан ташқари у билан боғлиқ бўлган бошқа бир қатор тема (мавзу)лар ҳам қўйилади. Одатда, бу мавзулар ўзаро интегратив алоқада бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бири иккинчисини очишга хизмат қиласи. Mac., “Ўтган кунлар”нинг бош мавзуси юрт (миллат) тақдирни бўлса, уни қўламли тасвирлаш ва теран бадий идрок этиш учун муҳаббат, шахс эрки, оталар ва болалар муаммоси, эскилил ва янгилек кураши, манфаати шахсия ва манфаати миллия муносабати каби қатор мавзулар ҳам ишланадики, уларнинг жами роман Т.сины ташкил қиласи. Бундан ташқари, Т. термини мұайян адид ижоди, адабий авлод, адабий оқим кабиларга нисбатан ҳам қўлланилиб, уларнинг ижодий фаолиятида асосий ўринни тутган мавзулар жами тушунилади. Mac., жадид адабиётининг Т.си миллат тақдир, маърифат, тараққий, миллий истиқбол (пардаланган ҳолда) каби мавзуларни ўз ичига олади.

ТЕНДЕНЦИЯ (лот. *tendere* – йўналтириш, интилиш) – тасвирла-наётган воқеа-ҳодисаларга муаллифнинг ғоявий-жиссий муносаба-

Адабиётшунослик луғати

ти, образлар системаси орқали акс этувчи асар проблематикасининг бадиий идрок этилиши ва баҳоланиши. Т. асар проблематикасидан келиб чиқиб танланган ҳаёт материалини муайян мақсадга мос умумлаштирган ва йўналтирган ҳолда, бадиий ғояни юзага чиқаради. Аслида, Т. яратилажак асарнинг ғоявий-тематик томонларига ижод жараёнининг илк босқичидан бошлаб фаол таъсир қиласиди. Зоро, муаллиф ўзини қийнаётган муаммолар ҳақида маълум даражада шаклланган хуносага эга, шунга кўра, Т. қайси материалнинг танланишини ҳам муайян даражада белгилайди. Иккинчи томондан, ижодкор ўзи тасвирилаётган нарса-ҳодисаларга мутлақ бетараф мавқеда туриши мумкин эмас. Ижод жараёни учун табиий ва қонуний саналувчи бу ҳол Т.нинг ҳамиша мавжуд бўлишини кўрсатади. Шунга қарамай, Т.нинг очиқ-ошкор ифодаланиши тенденциозликка олиб келиши, бу эса ғоявий-бадиий жиҳатдан жиддий нуқсонларни келтириб чиқаришини унутмаслик лозим.

ТЕРЦЕТ (итал. *terzetto* – уччинчи) – уч мисрали банд шакли бўлиб, унинг учта кўриниши бор: 1) банднинг учала мисраси ҳам ўзаро қофияланади; 2) банднинг 1- ва 2-мисралари ўзаро қофияланаб, уччинчи очиқ қолади; 3) банддаги икки мисра қофияланади, уччинчи мисра *терцинадаги* (қ.) каби кейинги банддаги мисралардан бири билан қофияланади. Тор маънода Т. термини сонет таркибидаги уч мисрали бандларни билдиради.

ТЕРЦИНА (итал. *terza rima* – уччинчи қофия) – итальян шеъриятидаги уч мисрали бандлардан таркибланган шеър шакли. Т. банд шаклида ёзилган шеър *aba bcb cdc ded...* шаклида, яъни банднинг 1- ва 3-мисралари ўзаро, 2-мисраси эса кейинги банднинг 1- ва 3-мисралари билан қофияланади. Т. шаклида ёзилган шеър (ёки дистоннинг боби) битта алоҳида мисра билан якунланиб, у охирги банднинг 2-мисраси билан қофияланади: шу тариқа шеър ритмик-интонацион жиҳатдан тугаллик касб этади. Данте Алигьерининг машҳур “Илоҳий комедияси” Т. шаклида яратилган бўлиб, бу асар мазкур банд шаклининг этalonига айланниб қолди.

ТИП (юн. *typos* – нусха, намуна) – бадиий образнинг умумлаштириш даражасига кўра турларидан бири, инсоннинг муайян тарихий давр ва ундаги конкрет ижтимоий мухитга хос умумий хусусиятларни ўзида жам этган умумлашма образи. Термин адабиётшунослиқда икки хил маънода кўлланади. Биринчиси – Т. сўзининг

Адабиётшунослик луғати

лексик маъносига мос, бунда ўзида инсонга хос муҳим феъл-хусусиятни мужассам этган образ назарда тутилади. Яъни моҳият эътибори билан бундай образ эмблемага яқинлашади (мас., Шарқ мумтоз адабиётидаги Хотами Тойи; Фарб адабиётида Дон Жуан), бундай образлар маълум бир феъл-хусусият (саҳийлик, ҳасислик, очкӯзлик, иккиюзламачилик ва ш.к.)нинг белгисига айланади, уларда шахс индивидуаллиги муҳим эмас. Иккинчи маъносига эса Т. муайян ижтимоий-тарихий шароит, давр ва муҳитга хос муҳим характерли хусусиятларни ўзида намоён этган инсон образини англатади. Реалистик адабиёт инсонни бутун мураккаблиги билан, унда ўз даври ва муҳитига хос умумий ҳамда индивидуал хусусиятларни (қ. ҳарактер) жам этган ҳолда тасвирлашни кўзда тутади. Шу билан бирга, конкрет асардаги барча образлар бадиий ҳарактер даражасига етмайди, қатор образлар ҳарактерлар (етакчи персонажлар) учун фон вазифасини ўтайди. Мас., Чўлпоннинг "Кечा" романидаги Мирёкуб, Акбарали, Раззоқ сўфи ва қисман Зеби образлари бадиий ҳарактер даражасига яратилган бўлса, Қурвонбоби, Эшонбобо, Нойиб тўра, Пошшаон, Марям кабилар, қўпроқ, Т., яъни давр ва муҳитга хос умумий хусусиятларни жам этган образлар сифатида кўзга ташланади. Шу жиҳатдан қаралса, шўро даври адабиётшунослигига мавжуд бўлган Т.га ҳарактерлиликнинг олий даражаси сифатида қараш, уни ҳарактердан юқори қўйишга интилиш тўғри эмас. Бундай қараш адабий Т.ни бироз ўзгача тушуниш натижасига юзага келди. Унга қўра, инсонда унинг ўзигагина хос бетакрор ҳарактер хусусиятлари билан бирга, ўз даври ва муҳити кишилари учун умумийлик касб этган хусусиятлар ҳам мавжуд. Т.да шу икки жиҳат уйғун акс этиши лозим, бунда индивидуаллик типикликни намоён этиш шакли бўлиб қолиши талаб этилади. Яъни бу хил қарашда бадиий ҳарактер билан Т. орасига фарқ қолмайди, шунинг учун ҳам Т.га ҳарактерлиликнинг юқори даражаси деб қараш ва шундан келиб чиқиб Павел Власов, Павел Корчагин, Фофир, Йўлчи каби образларни бошқалардан устун қўйиш имкони туғилади. Иккинчи томони, воқеилидаги инсон типларини тўғридан-тўғри адабиётга киритиш натижасига инсон образи жонлиликдан маҳрум бўлиб, схематиклик касб этади ва муайян ғояни ифодалаш воситасигина бўлиб қолди. Шўро даври ўзбек адабиётида, айниқса, 30 – 50-йилларда яратилган асарларда ҳаракатланган "бой", "камбағал", "диндор", "большевик", "босмачи", "колхоз

Адабиётшунослик лугати

фаоли", "қулоқ" ва ҳ. Т.ларнинг аксариятида шу ҳол кузатиладики, бу нарса ўша асарларнинг ўткинчи ҳодисага айланниб қолишига сабаб бўлди.

ТИПИК – конкрет давр воқелигидаги шарт-шароитлар (тузум, ижтимоий ҳаёт, ижтимоий муносабат шакллари, маданий-маърифий савия, муайян ижтимоий муҳит ва ш.к.) билан боғлиқ ҳолда энг кўп учрайдиган, муайян даражада нормага айланган воқеа-ҳодисалар, ҳаётий ҳолатлар, характер ва ш.к.лар.

ТИПИКЛАШТИРИШ – умумийликнинг индивидуаллаштириш орқали ифода этилиши, конкрет бадиий образ (воқеа-ҳодиса, ҳаётий ҳолат, характер ва ш.к.)да муайян даврга хос умумий (типик), характерли хусусиятларни мужассамлаган ҳолда акс эттириш, адабиёт ва санъатдаги воқеликни бадиий идрок этиш принципларидан бири. Агар антик адабиётда воқеликнинг бадиий идроки "табиатга тақлид қилиш" (мимесис), ўрта асрларда символлар восита-сида амалга ошган бўлса, реализм босқичига келиб Т. етакчи принципга айланди. Т. адабиётнинг билиш имкониятларини кенгайтирди, чунки у ўзигача мавжуд бўлган тамойилларга хос кучли томонларни бирлаштириди, яъни: агар мимесис воқеликдаги хусусий ҳолларга, символлаштириш эса хусусийга кўз юмган ҳолда умумийга урғу берган бўлса, Т. бу иккисини уйғун бирлиқда олишни тақозо этади. Адабиётнинг билиш функциясини устувор билган реализм босқичига келиб Т. олдинги планга чиқди, энди "Типиклаштириш ижоднинг қонунларидан бири, усиз ижоднинг ўзи мавжуд эмас" (В.Г.Белинский) деб қарала бошланди, хуллас, Т. реализмнинг назарий асоси бўлиб қолди. Шўро даври адабиётида, гарчи сўзда ушбу принципнинг етакчилиги эътироф этилса ҳам, ижод амалиётида воқеликнинг ҳақиқатда эмас, балки социалистик реализм талабидан келиб чиқкан ҳолда, мафкура нуқтаи назаридан характерли саналган хусусиятлари умумлаштирилди, бадиий асарлар шу нуқтаи назардан баҳоланди. Бунинг натижасида схематизм Т. деб тушунила бошланди. Таъкидлаш керакки, шўро даври адабиёти социалистик реализм адабиётигина бўлиб қолмади, чунки ҳақиқий санъаткорлар схематизм билан Т.ни фарқлай билдишлар, шу принципга таянган ҳолда воқеликни бадиий идрок этишга интилдилар. Хуллас, ҳозирги адабиётшуносликда Т. масаласи

Адабиётшунослик луғати

бирмунча эътибордан қолгандек кўринса-да, у реализмнинг асосий принципи бўлиб қолаверади.

ТРАГЕДИЯ (юн. *tragoidia* – эчки қўшиғи) – драматик турнинг учта асосий жанридан бири, жанр сифатида антик даврда шаклланган бўлиб, унинг асосий эстетик белгиси трагикликдир. Т. генетик жиҳатдан маъбуд Диониснинг ўлими ва қайта тирилиши муносабати билан ижро этилган маросим қўшиқларига бориб тақалади. Т.нинг жанр хусусиятлари *трагик конфликт*, *трагик ҳолат ва трагик қаҳрамон* тушунчалари билан белгиланади. Трагик конфликт деганда, моҳиятан ечими йўқ, мавжуд шароитда ҳал қилиб бўлмайдиган зиддият тушунладики, у ҳар вақт қаҳрамон онгida кечади. Қадимги Т.ларда конфликт шахс ва тақдири азал ўртасида (мас., “Шоҳ Эдип”) кечган бўлса, кейинроқ бу конфликтнинг иккинчи томони ўзгарди: тақдири азал ўрнини энди шахсдан юқори турувчи олий маънавий кучлар (бунда ёзилмаган, бироқ инсон ҳаётини муйян тартибга солувчи маънавий қонун-қоидалар, мас., бурч ҳисси кабилар назарда тутилади) эгаллайди. Трагик конфликт асосида юзага келувчи трагик ҳолатнинг моҳияти шундаки, қаҳрамон ташки кучлар билан эмас, ўзи билан ўзи олишади, мана шу олишув оқибати ўлароқ, чуқур маънавий изтироб, руҳий қийноқларга дучор бўлади. Ўзининг фоже ҳолатида ҳам мақсад сари интилишлик, руҳий изтироблару қийноқларга қобиллик трагик қаҳрамонга хос хусусиятдир. Трагик қаҳрамон қаршисида эркин танлов имконияти мавжуд – у мақсаддан воз кечиши, осон йўлни танлаши мумкин, бироқ у бундай қилмайди, ўзининг жисман ёки маънан ҳалокатга учраши мумкинligини билган ҳолда ҳам мақсадидан, эътиқодидан қайтмайди. Худди шу асосда трагик қаҳрамоннинг характер кучи, унинг фавқулодда шахслиги намоён бўлади. Мас., “Шоҳ Эдип”даги Эдип юрт бошига келган оғатнинг сабабчиси ўзи бўлиши мумкинлигини сезганидаёқ тафтишни тўхтатиши, “ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича” қолавериши мумкин эди. Бироқ у – трагик қаҳрамон, чекига тушган изтиробу қийноқлар қадаҳини тубигача сипкоради. Реализм босқичигача яратилган Т.ларда трагик қаҳрамон сифатида, кўпроқ, мифологик персонажлар, шоҳлар, шаҳзодалар, маликалару саркардаларнинг олингани бежиз эмас, зеро, ўзининг фоже ҳолатини идрок эта олиш, қалбию онгida маънавий-руҳий изтиробларни кечира олиш, шунда ҳам руҳан синмай мақсад томон юришга ўртамиёна одамларнинг чори келмайди. Шу сабабли ҳам

Адабиётшунослик луғати

адабиётимизда XX аср үрталарида яратилган Т.нинг жанр талабларига тұла жавоб беришга яроқли “Мирзо Улуғбек”, “Жалолиддин Мангуберди” асарларидан бирининг марказига шох, иккинчисининг марказига саркарда чиқарылған. Т.лар жанр проблематикаси нұқтаи назаридан турлича: уларда маънавий-ахлоқий (“Шоҳ Эдип”, “Қирол Лир”), миллатнинг тарихий тақдиди (“Жалолиддин Мангуберди”) ёки романый проблематика (“Мирзо Улуғбек”) бадий талқын қилиниши мумкин. Т. жанри фаоллигини йүқтотған, замонавий драматургияда бу жанр деярли ишланмайды, бирок *трагиклик* бадий адабиётда эстетик белги (қ. *бадийлик модуслари, пафос*) сифатида сақланиб қолған.

ТРАГИКЛИК, трагизм (руссдан калька “трагическое”) – воқеликка муносабат тури; бадийлик модуси. Т. сатира каби қаҳрамонлик модусининг кейинги давларда транформацияға учраши натижасида юзага келған бўлиб, бу жиҳатдан трагизм қаҳрамонликка нисбатан вертикал, сатирага нисбатан горизонтал параллел қўйилади. Трагик модус қаҳрамони ўз ичидан белгилаган чегаралар унинг учун ташқаридан белгиланган чегаралардан анча кенг бўлиши билан қаҳрамонлик ва сатирик модуслардан фарқланади. Трагизмга хос “мен-оламда” концепциясига кўра, трагик қаҳрамон оламдаги ўзи учун белгиланган ўринга сиғмайди, қаҳрамоннинг оламда ўз мавжудлигини тасдиқлашга интилиши олам тартиботига зид келади, бу эса ташқи олам унинг учун белгилаган чегараларни бузиш (трагик хато, трагик айб) билан тенгдир. Шунинг учун ҳам трагик конфликт мавжуд шароитда ечими йўқ, келиштириб бўлмас зиддият дея таърифланади. Трагик қаҳрамон учун иккита йўл бор: ё ўзлигидан воз кечиш, ёки хато ва айб орқали бўлса-да, ўзлигини тасдиқлаш. Натижада қаҳрамон ҳатто ҳаётдан кетиши орқали бўлса-да, ўз мавжудлигини, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзига белгиланган чегараларни кенгайтириш истагини намойиш қиласи (Эдипнинг маъбудлар ҳукмини кутиб ўтираймай, ўз-ўзига жазо бериши, Анна Каренинанинг ўлеми). Трагик қаҳрамон учун ўз-ўзини тасдиқлаш фақат ўзи учунгина муҳим бўлиб қолмай, ташқи олам унга белгилаган чегараларни ўзгартириш, ўзини ташқи олам учун тасдиқлатиб олиш ҳам бирдек заруратга айланади. Шунинг учун ҳам трагик қаҳрамон (унинг истаклари, интилишлари) ва унга қарама-қарши турган кучлар (олий даражадаги кучлар, умуминсоний қадриятлар, мавжуд шароитда ўзгартиришнинг иложи йўқ

Адабиётшунослик луғати

бўлган шароит ва б.) ўртасидаги эиддият аксар қаҳрамоннинг ўз ички зиддияти сифатида бўй кўрсатади. Яъни қаҳрамоннинг ўзини борича тасдиқлатиб олиш истаги (ички чегараларига мос мавжудлиги) билан олам тартиботининг бунга имкон бермаслигига икрорлик қаҳрамон қалбида, руҳиятида тўқнашади (Эдип, Ҳамлет, Анна Каренина). Шунга кўра, трагик қаҳрамоннинг “оламдаги мен”и бартараф қилиб бўлмайдиган иккilanгандлик хусусиятига эга бўлиб (Достоевскийнинг “Ака-ука Карамазовлар”ида: Иван Карамазов – Иблис; Н.Отахоновнинг “Оқ бино оқшомлари” ҳикоясида Ҳафиза – хаёлий дугона), иккинчи томон биринчисини инкор қилади. Шу жиҳатдан қаралса, мавжудликнинг трагик кўриниши – сатиранинг зидди: сатирада қаҳрамон ўз-ўзини тасдиқлаш йўлидан боргани ҳолда, пировардида ўзини инкор этишга келса, Т.да ўз-ўзини инкор қилиш моҳиятан ўзини тасдиқлаш демакдир.

ТРАДИЦИЯ (лот. traditio – бериб юбормоқ, ўтказмоқ) – қаранг: адабий анъаналар

ТРИЛОГИЯ (юн. tri – қўшма сўзлар таркибида уч ва logos – сўз, ҳикоя, ривоят) – сюжет-композицион қурилиши жиҳатидан нисбий мустақилликка эга бўлган учта асарнинг умумий персонажларга эгалиги, сюжет чизиқларининг давомийлиги, муаллиф ниятининг ягоналиги ва шулардан келиб чиқувчи яхлит концепция туфайли бутунликка бирикувидан ташкил топган асар. Антик адабиётда учта трагедиядан таркиб топувчи туркumlар Т. деб юритилган. Жаҳон адабиёти тарихида драматик асарларни бирлаштирувчи Т.лар ҳам, эпик асарларни бирлаштирувчи Т.лар ҳам қўплаб яратилган. Жумладан, П.Бомарше ижодида комедиялардан (“Севильялик сартарош”, “Фигаронинг уйланиши”, “Айбдор она”), Л.Н.Толстой меросида автобиографик қиссалардан (“Болалик”, “Ўсмирлик”, “Ёшлик”) таркиб топган Т.лар мавжуд. Т.нинг ўзбек адабиётидаги намунаси сифатида С.Аҳмаднинг “Уфқ” (“Қирқ беш кун”, “Хижрон кунларида”, “Уфқ бўсағасида”) асарини кўрсатиш мумкин.

ТРОП (юн. tropos – кўчим) – қаранг: **кўчим**

ТУГУН (русчадан калька: “завязка”) – эпик ва драматик асарлардаги воқеабанд сюжетнинг муҳим унсури, воқеаларнинг бошлинишига туртки бўлган воқеа, асар конфликтни кўйилган жой. Т. сюжетнинг зарурий элементи саналади, яъни у сюжетда ҳар вақт

Адабиётшунослик луғати

ҳозирдир. Фақат айрим ҳолларда, хусусан, баъзи хроникали сюжетларда, шунингдек, “ички ҳаракат” динамикаси асосидаги сюжетларда у етарлича бўртиб кўринмаслиги мумкин. Т., одатда, асарнинг бошланишида, экспозициядан (агар у бўлса) кейиноқ берилади. Муайян бадиий-эстетик мақсадни кўзда тутган ҳолда, Т.нинг ўрни ўзгартирилиши ҳам мумкин. Мас., “Ўтган кунлар” романнода Отабек билан Кумушнинг дафъатан учрашиб қолиши – биринчи бўлим Т.и, бироқ бу воқеа шу бўлим ниҳоясида баён қилинади. Яна бир жиҳати, “Ўтган кунлар”нинг учала бўлими ҳам ўз Т.га эга: биринчи бўлимдаги сюжет ёчими – Отабек билан Кумушнинг *тўйи* иккинчи бўлим воқеаларига туртки берган Т. бўлса, иккинчи бўлимдаги сюжет ёчими – Отабекнинг ўчини олгач *Тошкентга кетиб* қолиши учинчи бўлим воқеаларига туртки берувчи Т.дир. Ўзгачароқ ҳол “Кеча ва кундуз”да ҳам кузатилади: Акбара-лининг Зебига совчи қўйиши битта Т. бўлса, Мирёқубнинг Марямга ишқи тушгани иккинчи Т.ни ташкил қиласди. Демак, йирик ҳажмли асарлар сюжетида бир эмас, бир нечта Т. бўлиши, асарнинг нисбий тугалликка эга қисмлари ёки ҳар бир мустақил сюжет линияси ўз Т.ига эга бўлиши мумкин экан.

ТУЮҚ (туркий **توبوق** – туймоқ, ҳис қилмоқ) – туркий халқлар шеъриятидаги тўрт мисралик, тажнисли қофияга асосланган, рамали мусаддаси мақсур (камдан-кам ҳолларда рамали мусаддаси маҳзуф) вазнида ёзилувчи лирик жанр. Т.лар, кўпроқ, а-а-б-а тарзида қофияланади, шунингдек, а-а-а-а ёки а-б-в-б тарзида қофияланган кўринишлари ҳам мавжуд. Дастваб ҳалқ оғзаки ижодида пайдо бўлган Т. жанри кейинча куплаб мумтоз шоирлар эътиборини тортган: Лутфий, Навоий, Бобур, Юсуф Амирий, Убайдий, Огахий сўз санъаткорлари жанр такомилига катта ҳисса қўшганлар. Айрим манбаларда Т.нинг тажнисли қофияга эга бўлиши шарт ҳисобланмайди (мас., Бобур. “Мухтасар”). Шунга қарамай, тажнисли қофияга эга бўлган Т.лар кенгрок тарқалган, тажнисли қофияни жанрни белгиловчи хусусият сифатида тушуниш кўпроқ оммалашган. Жумладан, А.Навоий ҳам “туюғдирким, икки байтқа муқаррардур ва саъи қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдир...” деб ҳисоблайди, яъни тажнисли қофия масаласида қатъий талаб қўймаса-да, “тажнис айтиш”га ҳаракат қилиш лозимлигини уқтиради. Ҳақиқатан ҳам тажнисли қофия Т.

Адабиётшүнослик луғати

жанрига ўзига хос жозиба баҳш этади, ўқувчига бетакрор завқ беради. Мас.:

*Күз ёшим тупроқ ила гар қотила,
Келмагайман жавридин, ҳаққо, тила.
Ғамзаси ўлтириду, ул бехабар,
Мен агар ўлсам, не ғам ул қотила, –*

Лутфийнинг мазкур Т.ида тажнисли қофия орқали қуйидаги маънолар ифодаланмоқда: биринчи мисрада “агар кўз ёшим тупроқ билан қотилса, аралашса”, иккинчи мисрада “жабридан, эй худо, тилга келмайман”, тўртинчи мисрада “мен ўлиб кетсан, у қотилга нима ғам”. Яъни Т.да шаклдош сўзлар мўъжазгина матн доирасида турли маъноларда ва ўринли қўлланиши даркор, бу эса шоирдан юксак бадиий маҳоратни талаб қиласдики, бунга жавоб берга оладиган Т. она тилининг гўзаллигидан завқланиш, унинг бекиёс имкониятлари билан фаҳрланишга асос бўлади.

ТЎРТЛИК – 1) тўрт мисралик банд тури; катрен, мураббაъ. Т. шеъриятда энг кўп тарқалган банд турларидан саналади. Т. бандда қофияланиш тартибининг кесишган (aab), ўрама (abba), жуфтлик (aabb) шакллари кўпроқ тарқалган. Шунингдек, Т.нинг мураббаба шаклидаги қофияланиш тартиби (aaab cccb) ҳам бўлиб, бу шакл нисбатан кам тарқалган. “Девону луғатит турк”да мисол қилиб келтирилган халқ қўшиклари, асосан, Т. бандлардан таркиб топгани унинг туркий халқлар адабиётида қадимдан мавжуд бўлганини кўрсатади. Мумтоз шеъриятимизда Т. банд мураббаба жанрида сақланган бўлса, XX асрда у янада фаоллашди. Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги лирик шеърларнинг аксарияти Т. бандлардан таркиб топган; 2) тўрт мисрадан таркиб топувчи шеър, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз шарқ шеъриятидаги рубоийнавислик анъаналарининг давоми сифатида ҳозирги ўзбек шеъриятида анча кенг тарқалган шеър шакли; шакл жиҳатидан таснифланувчи лирик жанр. Мумтоз лирикадаги рубоий ва туюқдан фарқли ўлароқ, Т. жанрига киритиш учун шеърнинг тўрт мисрадан иборат бўлиши кифоя: унга рубоий ёки туюққа кўйилган каби вазн, композиция билан боғлиқ қатъий талаблар кўйилмайди. Матъумки, арузда ёзилган ҳар қандай тўрт мисрали шеър ҳам рубоий бўла олмайди, бунинг учун шеър ҳазаж баҳрининг 24 тармоғидан бирида ёзилиши шарт. Демак, мантиқан қаралса, Т. арузда ҳам рубоий бўла олмайди, бунинг учун шеър ҳазаж баҳрининг “XX аср”, “Парча” номли ҳамда “Лола гулнинг

Адабиётшунослик лугати

доғидур..." деб бошланувчи Т.лари рамал баҳрида ёзилган. Шунга қарамай, янги ўзбек шеъриятида Т.лар, асосан, бармоқда ёзилмоқда. Мавзу жиҳатидан чегараланмагани, воқеликдан олинган таассуротлар, ҳаёт ҳақидаги фикр-хулосаларни ихчам, лўнда ифодалаш имконини бергани учун Т. жанри янги давр шеъриятида ҳам кенг оммалашди. Ўзбек адабиётида Ойбек, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, Уйғун, Шухрат, Рамз Бобоҷон, Т.Йўлдош, А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфи, О.Матжон, Ҳ.Худойбердиева каби шоирлар ижодида Т. жанрининг яхши намуналарини учратиш мумкин.

УРЖУЗА (ар. *أرجوزه* – ражазда ёзилган) – маснавий типида қоғияланиб, “ражази мусаддас” вазнида ёзилувчи илмий шеър. Арабларда дастлаб яратилган барча шеърлар ражаз баҳрида бўлган, шу боис ражаз атамаси умуман шеър маъносида ишлатилган. XI асрда яратилган “Девону луготит турк” муаллифи М.Кошфарий ҳам атамани шеър маъносида қўллайди, унинг: “Мен бу китобни махсус алифбе тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим”, – деб ёзиши шуни кўрсатади. Аруз имкониятлари кенгайиб, баҳрлар кўпайгач, энди ражаз атамаси умуман шеър эмас, баҳрлардан бири маъносида қўллана бошланди. Этимологик жиҳатдан ражаз атамаси билан боғлиқ У. термини эса юқорида зикр этилган шакл хусусиятларига эга илмий мавзудаги шеърни англата бошлади. Терминнинг бу маъноси У. шакидаги илмий шеърларнинг илгари ражазда битилган қасидалардан келиб чиққани билан изоҳланади. Mac., Ибн Синонинг “Тиббий уржуза” достони, “Тиббий ўғитлар ҳақида уржуза”, “Анатомияга доир уржуза” каби табобатга оид жами саккиста асари, XIII асрда яшаган араб тилшуноси Муҳаммад ибн Моликнинг араб грамматикаси ҳақидаги “Алфий” (“Минг байт”) асари, XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган араб денгизчиси Аҳмад ибн Можиднинг сувда сузиш қоидаларига оид учта асари шундай У.лардандир. Таъкидлаш жонизки, У. бўлиши учун асар ражаз баҳрида бўлиши ва, албатта, а-а, б-б, в-в тарзида қоғияланиши шарт ҳисобланган. Mac., Ибн Синонинг “Тиббий уржуза” достонидан келтирилган қуйидаги байтлар шу кўринишда қоғияланган:

Танада гар пайдо бўлса қандай мараз,
Тибдан топар давосини ҳар бир араз.
Илмий, амалийга бўлинди тиб аввал,

Адабиётшунослик луғати

*Бўлди уч нарсадан илмийси мукаммал.
У нарсанинг бири етти табиатдир,
Андин сўнгра келган олти заруратдир.*

УСЛУБ (ар. **اسلوب** – тартиб, усул, йўсин, тарз) – поэтиканинг муҳим категорияларидан бири; бадий асарнинг у ёки бу тарздаги шаклий қурилишини белгиловчи умумий принцип. У. антропологик, яъни ижодкор шахси билан боғлиқ категория саналиб, унинг ижодий индивидуаллигини белгилайди. У.да намоён бўлувчи ижодий индивидуаллик бадий асарнинг барча сатҳларида (бадий матннинг тузилиши – риторика, бадий воқеликни яратиш принциплари – поэтика) бирдек кўзга ташланади. Яъни У. бадий шаклнинг унсурни эмас, балки унга хос хусусиятдир. У. асардаги шакл унсурларининг ўз ҳолиша эмас, балки муайян қонуният асосида яхлитликка бирикишини таъминлайди, ҳар бир унсурнинг бутун таркибидаги моҳияти ва функциясини белгилайди. Илмий муомалада “Услуб – одам” (Ж.Бюффон) деган қарашнинг оммалостиши бежиз эмас: асар ўзида ижодкор шахсини ифодалар экан, буни У.да намоён этади. Айтайлик, А.Қаҳҳорга хос жумла тузиш, А.Қаҳҳорга хос ривоя, А.Қаҳҳорга хос бадий деталлар функционаллиги, А.Қаҳҳорга хос сюжет қурилиши дейилишининг боиси шундаки, буларнинг бари А.Қаҳҳор услуги билан, унинг ижодий ўзига хослиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, адабиётшунослика У. термини индивидуал услубдан кенгроқ доирада ҳам тушунилади. Маълумки, ижодкор фаолияти муайян бир даврда, адабий-эстетик принциплари жиҳатидан яқин бўлган гурухлар доирасида кечади, демак, унга хос бадий асар шаклини белгиловчи принциплар билан бошқа ижодкорлар таянган принципларда муштарак жиҳатлар кузатилиши табиий. Бу эса муайян адабий давр У.и (мас., уйғониш даври У.и), адабий йўналиш У. (мас., классицизм У.и, романтизм У.и) ҳақида гапириш имконини беради. Демак, У. фақат ижод жараёни, конкрет ижодкор билангина эмас, маълум даражада адабий жараён билан ҳам боғлиқ категория экан. Ҳар икки ҳолда ҳам У. қатор муҳим вазифаларни бажаради. Жумладан, ижод жараёнида У. санъаткорни воқеликни яхлит идрок қилиш, ҳаёт материалини (диспозиция) яхлит бадий система (композиция) айлантиришга йўналтиради. Адабий жараёнга нисбатан олинса, У. бадиининг ривожланиш ўзанидаги ижодкорни адабий анъана билан боғлайди ва шу тариқа, бир томондан, ўзида адабий-бадий анъанани та-

Адабиётшунослик луғати

шувчи, иккинчى томондан, уни янгиловчи ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шунингдек, бадий асарнинг кейинги ҳаёти, ижтимоий мавжудлиги (онтологияси) ҳам У. билан белгиланади. Зеро, У. асарни конкрет ўқувчига мўлжаллайди, бадий шакл ўқувчининг тафаккур даражаси ва эстетик дидига мос бўлишини таъминлайди. Буларнинг бари У. ҳаёт материали ва адабий анъаналарга сайлаб муносабатда бўладиган, жамиятнинг бадий-эстетик талаб-эҳтиёжлари, умуммаърифий ва маданий савияси, эстетик дид даражаси билан боғлиқ ҳодиса эканлигини кўрсатади.

ФАБУЛА (лот. *fabula* – ҳикоя, масал) – сюжетшунослик категорияси. Адабиётшуносликда Ф. терминини қўллашда турличаликлар мавжуд: у сюжет терминига синоним сифатида ҳам, ундан фарқлаб ҳам ишлатилади. Гап шундаки, асарда ҳикоя қилинаётган воқеаларни Арасту “миф” ёки “тарих”, антик римликлар эса “фабула” деб юритган бўлсалар, XVII асрга келиб француз классицизми назариётчилари худди шу нарсани французча “сюжет” термини билан аташган. Шунга кўра, Ф. ва сюжет терминларини синоним сифатида қўллашга ҳам асос бор. Шу билан бирга, бу икки термин билан бошқа-бошқа тушунчаларни аташга интилиш ҳам бор. Жумладан, ўтган асрнинг 20-йилларида рус формал мактаби вакиллари бошлаб берган анъанага мувофиқ, Ф. деганда, асарда тасвирланган воқеаларнинг ҳаётда юз бериш тартибини, сюжет дегандан эса уларнинг асарда ҳикоя қилиниш (жойлаштирилиш) тартибини тушуниш ҳозирда кенгроқ оммалашган. Худди шуни тескари тартибда, яъни воқеаларнинг ҳақиқатда юз бериш тартибини сюжет, улар ҳақида ҳикоя қилиш тартибини Ф. деб аташ эса илгарироқ, XIX аср ўрталаридан А.Н.Веселовский ва унинг издошлари ишларида кузатилади. Шунингдек, адабиётшуносликда Ф. термини ортиқча, у бериши мумкин бўлган маънони сюжет, сюжет схемаси, сюжет композицияси терминлари тўла ифодалайди, деган қараш ҳам мавжуд.

ФАНТАСТИКА (юн. *phantastike* – тахайюл санъати) – ҳақиқатда мавжуд бўлмаган, тахайюл кучи билан тасаввурдагина яратилган нарса-ҳодисалар тасвири, шунга асосланувчи адабий асарлар жами. Фантастик асар юкори даражадаги шартлилик касб этувчи фантастик образлилика таянади, у муаллифдан ҳам, ўқувчидан ҳам ижодий фантазияни тўла кувват билан ишлатишни талаб эта-

Адабиётшунослик луғати

ди. Айни чөгда, Ф. фақат хаёлот маҳсули эмас, унинг замирида мавжуд воқеликнинг излари сезилиб туради, зеро, хаёл шу мавжудликдан куч олган ҳолда парвоз қиласи. Бадиий тафаккур ривожи давомида Ф.нинг ўрни ва аҳамияти, функциялари ўзгариб боради. Қадим аждодларимиз хаёлотининг маҳсули бўлган фантастик образлар уларнинг ўзлари томонидан шартли образ эмас, балки айни ҳақиқат деб тушунилган. Бу хил тушуниш аждодлар онгида узоқ вақтлар сақланган бўлса-да, унинг муттасил сусайиб боргани кузатилади. Халқ оғзаки ижодидаёқ, мас., қаҳрамонлик эпосида Ф. энди ёрдамчи унсур сифатида намоён бўлади: моҳиятан реал шароитда ҳаракатланаётган қаҳрамон мақсадга, асосан, ўз кучи, ақлзаковати билан эришади, ғайриоддий кучларнинг араплашуви эса ёрдамчилик мақомида қола бошлайди (мас., "Алпомиш"). Албатта, бунда ҳам ҳали файритабии, илоҳий кучларга, уларнинг ҳаётда юз берувчи воқеаларга бевосита араплашишига ишонч сақланиб қолган, лекин Ф. элементлари маълум даражада шартлилил касб этгани ҳам сезилади. Инсон табиат сир-синоатларини чуқур англаб бориши баробарида Ф.ни шартли образлилик, бадиий восита сифатида тушуниш барқарорлашиб боради. Энди унга, кўпроқ, муаллиф бадиий ниятини амалга ошириш, муайян бадиий-эстетик мақсадга эришиш воситаси сифатида қарала бошлайди. Жумладан, жаҳон адабиётининг "Гулливернинг саёҳатлари" (Ж.Свифт), "Дориан Грей портрети" (О.Уайлд), "Сагри тери тилсими" (Бальзак), "Портрет" (Н.Гоголь) каби нодир намуналарида Ф. асарнинг композицион курилишини белгилаган, бадиий концепцияни шакллантириш ва ифодалашда етакчи аҳамиятга эга бўлган унсурга айланади. Илм-фан тараққиёти Ф.нинг алоҳида бир кўриниши – илмий Ф.ни юзага келтирди. Жаҳон адабиётида илмий Ф.нинг асочилари сифатида Ж.Верн, Г.Уэллслар эътироф этилади. Анъанавий Ф.дан фарқли ўлароқ, илмий Ф. реал воқеликни тасвирлайди, фақат бу воқелик илм-фан ва техника тараққиёти натижаси ўлароқ, муайян даражада ўзгарган; ундаги Ф. файритабии ё илоҳий кучлар эмас, балки инсон тафаккур кучи туфайли воқе бўлади. Мас., турли ҳалқлар оғзаки ижодида "кўринмас одам" мотиви мавжуд бўлиб, кўринмасликка турли сехрли буюмлар (таёқча, узук, қалпок ва б.) ёрдамида эришилади. Г.Уэллснинг "Кўринмас одам" асарида эса "кўринмаслик" қаҳрамон ўз қўли билан синтез қилиб олган модда воситасида амалга ошади.

Адабиётшунослик луғати

Янги ўзбек адабиётида Ф. унсурларидан самарали фойдаланиш Фитрат ("Қиёмат", "Абулфайзон"), А.Қаҳхор ("Қабрдан товуш" ҳикояси), О.Мухтор ("Тўрт томон қибла"), Х.Дўстмуҳаммад ("Жажман") каби адиблар ижодида кузатилади. Шунингдек, XX асрда ўзбек саргузашт-фантастик адабиёти (Х.Тұхтабоев, Т.Малик ва б.) ва илмий-фантастик адабиёти (Х.Шайхов) ҳам шаклланди ва муайян ютукларга эришди.

ФАРД (ар. فرد – якка, ёлғиз) – ўзаро қофияланган икки мисра – ёлғиз байтдан иборат, тугал мазмунга эга шеър, мумтоз адабиётдаги энг кичик мустақил лирик жанр. Ф. бир байтдангина иборат бўлса ҳам, унда мухим фалсафий-ахлоқий масала қаламга олинниб, ихчам поэтик хулоса ифодаланади. Шу боис Ф.лар аксар афористик характерда бўлиб, уларнинг кўплари ҳикматлар, халқ мақоллари даражасига кўтарилиган. Mac.:

Аблаҳ ани билки, оламдан бақо қилгай тамаъ,

Аҳмоқ улким, олам аҳлидин вафо қилгай тамаъ (Навоий).

Бироқ бу Ф.га мазмун жиҳатидан қўйилувчи қатъий талаб эмас, Ф.лар мазмунига кўра турлича (лирик қаҳрамон ҳолати, оний кечинма, ёр васфи ва б.) бўлиши мумкин. Mac.:

Истарам – шўхе чиқиб, жонимни бедод айлагай,

Сабру хушу ақлу имонимни барбод айлагай (Навоий).

Белу оғзидан, дедиларким, дегил афсонае,

Бошлидим филҳолким, “бир бор эди, бир йўқ эди” (Навоий).

Ўзбек шеъриятида Навоийга қадар мисралари қофияланмаган Ф.лар ҳам кўп учрайди. Навоий эса мисралари қофияланган Ф.ни маъкул кўрган: унинг туркийда ёзилган 86 та Ф.идан 82 тасида мисралар ўзаро қофияланган. Навоийдан кейинги шеъриятимизда Ф.нинг шу кўриниши кенгроқ оммалашган. Мисолга олинган Ф.ларнинг дастлабки иккитасида мисралар ўзаро қофияланган бўлса, учинчиси қофияланмаган мисралардан таркиб топган.

ФАҲРИЯ (ар. فخریه – мақтаниш) – шоирнинг ўзи эришган ижодий муваффақиятлардан фахр-ифтихор туйғуларини изҳор қилиши. Ф. айрим манбаларда жанр, бошқаларида эса шеърий санъат сифатида таърифланади. Агар Ф. турли жанрдаги шеърлар ичida воқе бўлиши мумкинлиги эътиборга олинса, уни ҳусни ибтидо, ҳусни матлаб (қ.) каби маънавий санъатлар қаторига кўшиш

Адабиётшунослик луғати

тұғрироқ бұлади. Ф.ни оддийгина мақтанчоқпик деб тушунмаслик керак, зоро, унинг яхши намуналарида фахр түйгесі шарқона одоб доирасида ифодаланади. Одатда, шоир ифтихори устозларга миннатдорлик ҳислари билан қоришиб кетади, улардан үрганибигина юксак натижаларга эришгани эътироф этилади. Mac., A.Навоий-нинг:

Олибмен таҳти фармонимга осон
Черик чекмай Хитодин то Хурсон, –

байти Ф. бұлиб, у матннинг бир қисми, холос: матнда бу байтта қадар шоир устозларини әслайды, уларга юксак баҳо беради. Бу ҳам Ф. жанр әмас, балки санъат деб қараш тұғрироқ эканига далоплат қиладики, шеъриятимизда ўз ютуқларидан фахр-ифтихорни ифодалаш учунгина маҳсус ёзилган асарни топиш маҳол. Яна бир жиҳати, Ф. шоирнинг ўз тилидан, салафлари тилидан ёки бошқа шахслар тилидан ҳам ифодаланиши мүмкін. Mac., Машрабнинг:

Ҳама айтурки: Машраб, мунча илмни кимдин үргандине?

Худо лутф айлади, ман барчани Мавлодин үргандим, –
байтида шоирга ўзгалар тилидан баҳо ("мунча илмни кимдин үргандинг?") берилади, у эса буни камтарлар билан "худонинг лут-фи" деб изохлайди. Баъзи ҳолларда Ф.да шоир ижодининг камолёт даражасиу аҳамиятини күрсатып мақсадида ўзи билан бошқа шоирлар орасида қиёс үтказади. Табиийки, бунда шарқона одоб меъёрларига риоя қилиш, таққосланыптын шоирларға ҳурмат билан қараш, уларни камситмаслик, баҳода холисликни сақлаш талаби янада кучаяди.

ФЕЛЬЕТОН (фр. feuilleton – варақ, сахифа) – бадий-публицистик жанр, долзарб мавзуда ёзилған танқидий руҳдаги, күпинча ҳажвий-сатирик йұналишдаги асар. Ф. атамаси публицистиканиң ижтимоий-сиёсий танқид руҳидаги алоҳида жанрини англата бошлиши XIX аср охирларига тұғри келади. Унга қадар Ф. сүзи бошқа маңнода ишлатылған. "Журналь де деба" номлы Париж газетаси 1800 йил 28 январь сонига құшимча варақ илова қиласы, кейинча бу газетаниң "Фельетон" номлы доимий рубрикасы бўлиб қолади. Шу номлы рубрика Европа матбуютида тез оммалашып, бу рубрика остида носиёсий, норасмий материаллар: әзілдер, мода янгиликлари, театр тақризлари, ҳикоя ва ҳатто романлар әзілдер. Жадид матбуютида ҳам шу номда рубрика ташкил этилған бўлиб, мас., Чўлпоннинг "Қурбони жаҳолат", "Дүхтур Мұхам-

Адабиётшунослик луғати

мадиёр" ҳикоялари "Садои Туркистон"нинг Ф. рубрикаси остида чоп этилган. Бу ҳол адабиётшунослигимизда Чўлпон ушбу ҳикоялари жанрини Ф. тарзида белгилаган, деган янглиш қарашнинг пайдо бўлишига олиб келган. XX асрнинг 20 – 30-йилларидан бошлаб ўзбек матбуотида куннинг долзарб муаммоларига багишланган Ф.лар кенг ўрин эгаллади, жумладан, А.Қодирий, F.Ғулом, А.Қаҳҳор, С.Аҳмад сингари машҳур адабларимизнинг қатор асарлари ўзбек Ф.чилиги ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган.

ФИГУРА (лот. *figura* – шамойил, ташқи кўриниш) – нутқ қурилишида, фикр ифодасида кузатилувчи жонли сўзлашув учун одатий, табиий нормалардан чекинишларнинг умумий номи; *стилистик фигура*лар, *риторик фигура*лар, нутқ *фигура*лари каби кўринишларда ҳам ишлатилади. Mac., шеърий нутқда гап бўлаклари тартибининг ўзгартирилиши – *инверсия* одатий нормадан чекиниш бўлиб, у муайян бадиий-эстетик мақсадларга хизмат қиласди. Ф.ларни ўрганиш, таснифлаш ишларини антик риторика бошлаб берган. Жумладан, антик риторикада Ф.лар дастлаб иккига – фикр Ф.лари ва сўз Ф.ларига ажратилган, буларнинг ҳар бири ўз ичидаги бир нечтадан турларга бўлинган. Ўз вақтида муҳим масалалардан бири сифатида ўрганилган нутқ Ф.ларига эътибор XVIII асрлардан бошлаб сусайган. Ўтган асрнинг иккинчи ярмига келиб структурал адабиётшунослик намояндалари (Р.Якобсон, Т.Тодоров ва б.) ўтмишда яратилган Ф. ҳақидаги таълимотни ҳозирги тилшунослик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш йўлида муайян ишларни амалга оширдилар. Ф.лар масаласини ўрганиш, бу борада антик даврлардан бошлаб амалга оширилган ишлар ва сўнгги тадқиқотлар билан танишиш ўзбек адабиётшунослиги учун ҳам жуда муҳим. Mac., Шарқдаги илми бадиъ (қ.) антик риторика анъана-ларининг бевосита давомидир.

ФОРМАЛИЗМ (лот. *forma* – ташқи кўриниш) – бадиий шакл ва мазмуннинг уйғун бирлиги талабидан чекиниб, шаклнинг нисбий мустақиллигини мутлақлаштирган ҳолда, унга бадииятнинг бош мезони сифатида қарашда намоён бўлувчи эстетик тенденция. Ф. тамойиллари XIX аср охири – XX аср бошларида қатор адабий оқимларда намоён бўлади. Хусусан, адабиёт тарихидаги футуризм, имажинизм, дадаизм, асангардизм каби оқимлар бадииятни кўпроқ шаклда кўриб, турли-туман янги шаклларни ихтиро қилишга

Адабиётшунослик лүгати

интилдилар. Бирок уларнинг изланишлари аксар “шакл – шакл учун” шиори остида кечиб, мазмундан кўпинча айро тушгани учун ҳам, ўзлари кутган самарани бера олмади. Шунингдек, ўз вақтида айни шу хил қарашларни ёқлаган, уларни назарий жиҳатдан асосламоқчи бўлган адабиётшуносларнинг ишлари ҳам бадий асар табиатига номувофиқ бўлгани боис бирёкламалигича қолди. Айни чоғда, формалистларнинг бадий асар шаклини ўрганишга айрича эътибор қилганлари адабиётшуносликда изсиз кетди, дейиш ҳам тўғри эмас (қ. *формал метод*). Адабиётшуносликда Ф. термини баъзан кенг маънода ҳам қўлланади, бунда кескин ва ошкор намоён бўлган юқоридаги давргина эмас, умуман адабиётда кузатилувчи ҳодиса кўзда тутилади. Зеро, умуман олганда, шаклга айрича эътибор бериш, бадийлик услубий-шаклий хусусиятларда (сўзни турфа кўйларда ўйнатиш, услубий воситалардан фойдаланиш, вазн, қофия ва ш.к.ларда воқе бўлувчи маҳорат), шуларнинг ўзи ўз ҳолиша бадий қиммат касб этади, деб билиш адабиёт тарихида илгаридан бор нарса. Жумладан, Европа адабиётидаги “эстетизм” хусусиятларини касб этган барокко, маринизм, гонгоризм каби йўналишларга ҳам бу ҳол ёт эмас. Шунингдек, Ф. тамойиллари Шарқ адабиётида ҳам бўй кўрсатмай қолмаган: мувашшаҳбозлик, назирабозлик, турли сўз ўйинларию жимжимадор ифодаларга мазмун курбон берилган ҳоллар бунга ёрқин мисол бўла олади.

ФОРМАЛ МЕТОД – адабиётшуносликдаги бадий шаклни адабиётнинг моҳиятини белгиловчи категория сифатида тушунган назарий йўналиш. XIX аср охири – XX аср бошларида импрессионистик танқид ва адабиётга позитивистик ёндашувларга қарши ўлароқ майдонга келган, кейинча бадий асарнинг ички тузилиши қонуниятларини ўрганишга қаратилган методика сифатида қарор топган. Шунга кўра, ўзининг илк босқичларида Ф.м. адабий асарни ўрганишда матндан ташқарида қолувчи барча омилларни, адабиётни ўрганишга генетик, социологик каби ёндашувларни инкор қилади; шакл унсурларини белгилаш ва таснифлаш билан чекланувчи тавсифий ўрганиш йўлидан боради. Ф.м. вакиллари қарашларида бир-биридан фарқли нуқталар бўлса-да, уларни асосий принцип – эътиборни бадий шаклга қаратишлари бирлаштиради. Яна бир жиҳати, қарашлар такомили охир-оқибат уларнинг кўпчилигини оралиқ мавқени эгаллашга, яъни мазмунни буткул эътибордан соқит қилиш тўғри эмаслигини англашга олиб келган.

Адабиётшунослик луфати

Ф.м. тарафдорлари бадиий асар шаклига хос кўп жиҳатларни: бадиий тил, услуб, шеър тузилиши, шеър композицияси, ритм, метр, сюжет курилиши, бадиий асар композицияси каби муҳим масалаларни маҳсус ва чуқур тадқиқ этдилар. Хусусан, рус формал мактабининг В.Шкловский, В.Жирмунский, Ю.Тинянов, Г.Винокур, Б.Эйхенбаум каби намояндалари амалга оширган тадқиқотлар адабиётшунослик ривожида муҳим аҳамиятга молиқдир. Уларнинг изланишлари кейинча структур адабиётшунослик, семиотика каби йўналишлар учун асос, ривожланиш омили бўлиб хизмат қилди.

ФОСИЛА (ар. *فاصلة* – намат; ажратувчи, оралиқ) – сокин ва мутаҳаррик ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлувчи ритмик бирлик, жузв (к.). Ҳарфларнинг қай тартибда бирикишидан келиб чиқиб, Ф.нинг икки тури фарқланади: Ф.и суғро (кичик Ф.) ва Ф.и кубро (кatta Ф.). Кетма-кет келган учта мутаҳаррикка битта сокин ҳарфнинг қўшилишидан Ф.и суғро ҳосил бўлади: “ке-ламан”, “капалак”, “хапалак” каби сўзлар шу вазнга мос. Mac., “ка-палак”: мутаҳаррик (ка) + мутаҳаррик (па) + мутаҳаррик (ла) + сокин (к.). Ф.и кубро эса кетма-кет келган тўртта мутаҳаррикка битта сокин ҳарф қўшилишидан ҳосил бўлади: “чидамадим”, “яшамадим”, “қарамадинг” каби сўз шакллари шу вазнга мос. Mac., “қарамадинг”: мутаҳаррик (қа) + мутаҳаррик (ра) + мутаҳаррик (ма) + мутаҳаррик (ди) + сокин (нг). Қайд этиш керакки, арузшуносликка оид айрим манбаларда Ф. алоҳида жузв сифатида эътироф этилмайди. Жумладан, Бобур бу масалада Насриддин Тусийнинг фикрини қувватлаб, Ф.и кубро битта сабаби сақиyl ва битта ватади мажмуъ қўшилишидан, Ф.и суғро эса битта сабаби сақиyl ва битта сабаби ҳафиҳ қўшилишидан ҳосил бўлади, деб ҳисблайди.

ФУТУРИЗМ (лот. futurum – келажак) – XX аср бошларида майдонга келган авангардистик оқим, санъатнинг деярли барча турларида кузатилган, айниқса, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлиқда таъсири кучли бўлган, бадиий адабиётда ҳам сезиларли из қолдирган. Ф.нинг ўз ватани Италияда, шунингдек, Россияда кенгроқ оммалашди. Ф.нинг адабий-эстетик ва ғоявий қарашлари Ф.Маринеттининг “Футуризм манифести” (1909) асарида ўз ифодасини топган. Ф. адабий-маданий анъаналар билан алоқани тўла узиш, янги замон (келажак)нинг янги адабиёт ва санъатини яратиш даъвоси билан майдонга чиқди. Қисқача айтилса, Ф. намояндалари

Адабиётшунослик луғати

жамиятдаги тараққиёт тенденцияларидан келиб чиқкан ҳолда, унинг эртасини, эртанги инсон ва инсоний муносабатларни ўзларича тасаввур қиласылар ва шунга мос адабиётни яратиш даъвоси билан майдонга чиқдилар. Яъни Ф. асрлар давомида шаклланган анъянавий маданиятта илмий-техник тараққиёт ва урбанизациялашув даври маданиятини қарши қўяди. Келажак ҳақидаги тасаввур эса мазкур жараёнлар билан боғлиқ ҳолда кишилар дунёкараши, ахлоқи, турмуш тарзи ва ш.к.ларда юз берадиган ўзгаришларни (ҳаёт ритмининг тезлашуви, ҳолат ва таассуротларнинг кескин ўзгариши, маънавий ахлоқий таназзул, шахснинг емирилиши ва оломоннинг қисмига айланиши ва б.) мутлақлаштириш асосида амалга ошади. Бу ўзгаришларни табиий ва қонуний билгани учун Ф. адабиёти, реализмдан фарқ қиласоқ, уни ғоявий-ҳиссий тасдиқлаш йўлидан боради. Жумладан, итальян Ф.и жамиятда қарор топган “одам одамга бўри”, “кучли одам ҳамиша ҳақ” қабилидаги ақидаларни ҳақиқатда мавжуд деб ҳисоблайди ва уларга нормал ҳодисадек қарайди. Шундай мавқени тутганлари учун ҳам итальян футуристларининг бир қисми кейинроқ Муссолини бошлигидаги фашистик ҳаракатга қўшилиб кетган. Россия воқелигига пайдо бўлган рус Ф.и итальян Ф.и билан муштарак жиҳатларга эга бўлгани ҳолда, дунёкараш бобида жиддий фарқланади: унда гуманистик асос сақланган. Адабий-эстетик қарашларда муштарақлик кўпроқ кузатилади. Рус Ф.и эскиликтининг муқаррар туғашига ишонган ҳолда, санъат воситасида келажакни, туғилажак “янги инсоният”ни идрок қилишга интилади, санъатнинг вазифаси шунда деб билади. Унинг учун бадиий ижод табиатга тақлид эмас, балки унинг давоми бўлиб, у тамом янги дунёни яратади. Рус Ф.и намояндалари учун “Академия ва Пушкин иероглифлардан кура ҳам тушунарсизроқ”, шунинг учун уларни “замона кемаси”дан улоқтиromoқ лозим. Улар учун нафақат ўтмиш адабиёти, балки анъ-аналар йўлидан бораётган замондошлар ижоди ҳам мутлақо қимматга эга эмас, “осмонўпар бинолар юксаклигидан” назар солган Ф. намояндаларига улар нияҳоятда ҳақир ва тубан кўринади. Албатта, “осмонўпар бинолар” урбанизация жараёнлари кучайган шароитда келажакни билдиради, яъни футуристлар наздида бу гўё келажак ҳукмидир. Ўзларини “янги дунёнинг янги одамлари” деб билган футуристлар келажак адабиёти поэтикасини ҳам буткул янгилашга интиладилар. Айтиш керакки, киритилган поэтик янгилик-

Адабиётшунослик луғати

ларнинг аксарияти анъаналарни инкор қилиши, уларга диаметрал зидлиги билан характерланади. Жумладан, тил соҳасида улар грамматика ва имло қоидаларини тан олмайдилар, сўзларнинг аҳамиятини туширади дея тиниш белгиларини инкор қиласидилар, синтактик конструкцияларни истаганча ўзгартирадилар. Футуристларга кўра, ижодкорнинг янги сўз ихтиро қилиш ҳуқуқи чекланмаган, ҳатто ҳар бир ижодкор ўз шевасини яратиши мумкин; сўзнинг ёзувдаги шакли ва фонетик жаранги ўз ҳолича мазмундор, шу боис шеърлари ёзувда турфа шакллар топади, товушларга тақлид ёки уларнинг маънисиз такоридан иборат шеърлар яратишади ва ҳ. Умуман, анъанавий қоидаларни онгли равишда (мас., шеърий ритмни жонли нутқдан фарқланмайдиган қилишга интилиш, битта асарда турли эстетик белгилар, жанр ёки услубий хусусиятларни қоришириб юбориш каби) бузиш Ф.нинг ғоявий-эстетик табиатидан келиб чиқувчи хусусиятдир. Ф. адабий жараёнда узоқ яшаб қола билмади: 20-йилларга келиб унинг фаолияти, асосан, барҳам топди. Албатта, бу адабий ҳодиса изсиз кетмади: ижодий фаолиятини рус Ф.ининг “Гиляя” (кубофутуристлар: В.Маяковский, В.Хлебников), “Эгофутуристлар ассоциацияси” (И.Северянин), “Поэзия равоги” (В.Шершеневич), “Центрифуга” (Б.Пастернак, Н.Асеев) каби турли уюшмаларида бошлаган ижодкорлар кейинча рус шеърияти ривожига сезиларли ҳисса қўшдилар.

ХАРАКТЕР (юн. charakter – из, белги, фарқловчи хусусият) – бадиий характер; муайян давр ва муҳит кишиларига хос энг муҳим умумий хусусиятлар билан алоҳида шахсга хос индивидуал хусусиятларни ўзида уйғун мужассам этган инсон образи. Бадиий Х. ўзида объектив ва субъектив жиҳатларни бирлаштиради. Инсон ҳаётининг ижтимоий-психологик реаллиги (бу ўринда, Х.нинг реал асоси, яъни унинг ҳаётий кузатишлар ёки муайян прототип асосида яратилгани назарда тутилади) бадиий Х.нинг объектив томони бўлса, унинг ижодкор томонидан ҳиссий идрок этилиши ва ғоявий-ҳиссий баҳоланиши субъектив томонидир. Бадиий Х.нинг субъектив жиҳати, бир томондан, унинг ижодкор томонидан яратилган янги мавжудлик, бадиият ҳодисаси бўлишини; иккинчи томондан, унинг концептуал функцияга хосланишини таъмин этади. Бошқача айтсан, адабиётнинг бадиий концептуал функцияси Х. орқали амалга ошади, яъни жамиятнинг жорий ҳолати Х.(лар) воситасида бадиий тадқиқ этилади ва яхлит бадиий концепция ишлаб

Адабиётшунослик луғати

чиқилади. Айтиш керакки, X.нинг бу қадар катта аҳамият қасб этиши, кўпроқ, адабиёт тараққиётининг сўнгги даврларида кузатилади. Хусусан, антик адабиётда бадий концепцияни ифодалашда X. эмас, тасвирланган воқеанинг ўзи ҳал қилувчи роль ўйнаган. Негаки, антик ижодкорлар учун X.нинг муайян турғун типлари (золим, мушфиқ ва б.) мавжуд бўлиб, улар асар сюжетида шу типга мос ҳаракатлантирилган. Уйғониш даврига келиб эса қаҳрамон бу турғун хусусиятларни ўзгаришиш, турли ниқобларда ҳаракат қилиш имконига эга бўлган, яъни антик адабиётга нисбатан бунда X. индивидуаллик салмоғи ортиб, инсон X.и унга табиатан ато этилган турғун хусусиятлар жамигина эмас, айни чоғда, давр ва мұхиттинг маҳсули экани ҳам англаниб борган ва шу тариқа реализм босқичига яқинлашган сари адабиётда бадий X.нинг роли ва аҳамияти ҳам ортган. Реализм адабиётида бадий X. ҳаётни кўламли ва теран бадий идрок этиш учун кенг имкониятлар яратади. Зоро, бадий X.ларнинг шаклланиши ва ривожланиши, ҳаётий амаллари, ўзаро курашлари, руҳияти ва ш.к.ларни тасвирлаш орқали воқеаликни атрофлича чуқур бадий идрок этиш, унга гояйий-хиссий баҳо бериш – бадий концепцияни шакллантириш ва ифодалаш мумкин бўлади.

ХАФИФ (ар. حفيف – енгил) – аруз баҳрларидан бири, айтилиши ва тақтиъси енгил бўлгани учун шундай номланган. Фоилотун (— v —) ва мустафъилун (— v —) аслларининг кетма-кет тақоридан ҳосил бўлади. Узбек шеъриятида фаол қўлланадиган баҳрлардан бири. Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асарида X. баҳрининг беш вазни, Бобурнинг “Мухтасар”ида эса йигирма икки вазни мисоллар билан кўрсатиб берилган. Шеъриятимизда мазкур баҳрнинг олти руқнли саккиз вазнидан кенг фойдаланилади. X. баҳри дастлаб Атойи ва Лутфий шеъриятида учрайди. Бундан ташқари, Ҳофиз Хоразмий шеърларининг каттагина қисми, Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони ва яна олтмиш иккита турли жанрлардаги лирик шеърлари X. баҳрида ёзилган. Чунончи, “Сабъаи сайёр”даги куйидаги байт хафифи мусаддаси солими мақтуъ (v — \ v — \ —) вазнида:

Бир неча заврақ асрабон тайёр,
Янги ой заврақи киби сайёр.

Адабиётшүнослик луғати

ХИАЗМ (юн. chiasmos – юнон алифбосидаги Х ҳарфидан, яъни шу ҳарф шаклида жойлашган) – тескари тартибдаги синтактик параллелизм, мисрадаги сўз (бўлак)ларни тескари тартибда такрорлашга асосланган стилистик фигура. X. моҳияттан мумтоз шеъриятдаги тарду акс (қ.) санъатига яқин туради. Аксарият ҳолларда X. шеърнинг кетма-кет келувчи мисраларида намоён бўлади. Mac.:
Гилослар лабингиз акси бўлгандек,
Лабингиз аксидир бу боғда гилос (F.Фулом).

ёки:

Созим – менинг овозим,
Овозим – менинг созим (F.Фулом).

Шунингдек, X. баъзан шеърнинг дастлабки мисраларидан биридаги сўз (бўлак)ларни тескари тартибда жойлаштирган ҳолда такрорлаш асосида ҳам юзага чиқиши мумкин. Mac.: М.Юсуфнинг “Осмон чўкиб қолди бу оқшом” сатри билан бошланувчи шеърида биринчи банд “Яшаш керак, севиш шарт эмас” мисраси билан якунланса, охирги банд “Севиш керак, яшаш шарт эмас” мисраси билан якун топади. Бунда X. шеър гоясини юзага чиқарувчи муҳим композицион унсур вазифасини ўтайди.

ХОККУ, хайку (японча “илк мисралар”) – япон шеъриятидаги анъанавий қатъий шеърий шакл, лирик жанр. X. уч мисрадан ташкил топиб, биринчи ва учинчи мисраси беш бўғинлик, иккинчи мисраси эса етти бўғинлик ўлчовда бўлади ва бу жиҳатдан у танканинг (қ.) дастлабки уч мисраси билан бир хил бўлиб, шеърнинг асосий фикри акс этган “илк мисралар” X. номли қатъий шеър шакли сифатида қарор топган. Жанрнинг асосчиси сифатида XVII аср япон шоири М.Басё эътироф этилади, у жанрнинг гўзал намуналарини яратиш билан бирга, унга кўйилувчи шаклий ва мазмуний талаблар, эстетик принципларни ишлаб чиқсан.

ХРИЯ (юн. chrao – маълум қилмоқ, нақл қилмоқ) – афористиканинг жанр кўринишларидан бири, улуғ зотнинг конкрет шароит билан боғлиқ ҳолда айтган ибратли гапи ёки амали ҳақидаги жажохи хикоя. Антик риторикада X.ларга нотик фикрини далиллаш учун ишлатилган восита деб қаралган. Афоризмдан фарқи шуки, X.да ибратли гап айтилган конкрет шароит ҳам баён этилади. Mac.: “Кексайган чоғида хасталаниб қолган Сукротдан кимдир ҳол сўраб, ишлари қандай кетаётганини сўради. Файласуф айтдики: “Ҳар

Адабиётшунослик луғати

жихатдан яхши: мабодо соғайиб кетсам, ҳасадгүйларим кўпаяди, ўлсам – дўстларим”.

ЦИКЛ (юн. *kyklos* – айлана, ғилдирак) – муаллиф томонидан бир неча мустақил асарнинг жанр, мавзу, персонажлар, ҳикоячи ва ш.к. жихатлардан умумийлиги асосида битта гурӯҳга бирлаштирилиши, туркум. Адабиётшунослиқда Ц. масаласида яқдил фикрга келинган эмас. Айрим мутахассислар Ц.га алоҳида жанр сифатида қарайдилар. Бироқ бу ҳолда, биринчидан, Ц.ни ташкил қилаётган ҳар бири мустақил ва муайян жанр шаклига эга асарларни бутуннинг қисми (худди асарнинг битта боби каби) ҳисоблаш керак бўладики, ҳақиқатда уларнинг ҳар бири том маънода мустақилдир. Шунга кўра, иккинчидан, Ц. адабий асарга хос бир бутунлик хусусиятига эга эмас. Яна бир жихати, мавжуд Ц.лар барчаси учун хос жанр хусусиятларини намоён қўлмайди: мас., жанр жихатидан туркумланган Ц.да тематик ранг-баранглик, тематик жихатдан туркумланган Ц.ларда эса жанрий ранг-баранглик кузатилаверади; муаллиф томонидан таркибланган Ц.лар ҳам, ноширлар томонидан туркумланган Ц.лар ҳам мавжуд ва х. Ц.нинг кўринишлари сифатида қаралувчи дилогия, трилогия, тетралогия ёки ҳамса типидаги туркумлар таркибидаги асарлар қатор муштарак белгиларга эга бўлса-да, ҳамма ҳолда ҳам битта асар деб бўлмайди – улардаги қисмлар орасидаги алоқадорлик турли даражада намоён бўлади. Мас., “Кеча ва кундуз” дилогиясининг биринчи қисми – “Кечা”нинг қандай талқин қилиниши кўп ҳолларда иккинчи қисм – “Кундуз”нинг қандай тасаввур этилишига боғлиқ бўлиб қоладики, дилогияни битта асар санаш ўринли. Бироқ худди шу гапни “Қутлуғ қон” ва “Улуғ йўл” романларига нисбатан айтиш қийин, чунки биринчиси иккенининг мантиқий давоми бўлса-да, муаллиф аввалдан дилогия ёзиши режалаштирган эмас. Бундан дилогия, трилогия тарзида номланувчи асарлар ҳам турлича бўлиши, уларнинг айримлари битта асар (жанрнинг, яъни роман, қисса ва ш.к. сифат кўриниши), бошқалари муайян умумий белгилар асосида жамланган асарлар туркуми экани кўринади. Шу билан бирга, айрим лирик Ц.ларда бутунлик бордек (мас., С.Есенин “Форс тароналари”; Миртемир. “Қорақалпоқ дафтари” ва б.), чунки уларни мавзу, жой, лирик қаҳрамонга хос нисбатан яхлит кайфият бирлаштиради. Шунга қарамай, улардаги шеърлар орасида ҳам бутун-қисм алоқаси мавжуд эмас, уларнинг ҳар бири мустақил асардир. Шунга кўра, Ц.ни

Адабиётшунослик луғати

ҳозирча жанр деб эмас, муайян умумий белгилар асосида жамланган мустақил асарлар мажмую сифатида тушуниш тұғрироқ бұлади.

ЦИТАТА (лот. cito – чақираман, келтираман) – асарда бирорға тегишли асар (матн)дан олинган сұзма-сұз құчирма келтириш. Матн ичида Ц.лар, одатда, құштироққа олинады, эпиграф сифатида келтирилганида эса график жиҳатдан (сақиғанинг үнг томонида жойлашади, асосий матнға қараганда кичик үлчамли ҳарфлар билан ёзилади) ажратиласы да остида манбаси құрсатыб қўйилади. Мұмтоз шарқ шеъриятидаги назиралар, татаббуларда Ц.лар (үзга шоир мисраси ёки байти) ёзувда ажратылған эмас. Муайян маънода тахмис ҳам Ц. асосига қурилувчи асар саналиши мүмкін. Тахмис сарлавҳасыда мухаммас кимнинг ғазалига боғланғани құрсатылғанды, мақтасыда эса ғазал мұаллифи билан тахмис боғловчининг таҳаллуси келтирилғанды, шулар асосида Ц.ларни фарқлаб олиш мүмкін бұлади. Ҳозирги ўзбек шеъриятыда үзға шоирдан олинған парчаңи (кўпроқ мисра, баъзан бир неча мисра) құштироқсиз келтириб, саҳифа ости изоҳида мұаллифини құрсатыб қўйиш усули ҳам кенг оммалашды. Адабиётшунослиқда Ц. термини баъзан кенг маънода ҳам кўлланиб, бунда асар матнидаги үзға матндан (қай тарзда киритилганидан қатын назар) кириб қолған ҳар қандай үнсур тушунилади, фақат үзға матн қай даражада аниқликда киритилишидан қатын назар, ўқувчи уни таниб оладыған бўлиши шарт. Мазкур маънодаги Ц. аллюзия ва реминисценцияларни ҳам қамраб олади.

ЧИСТОН (форс. نَجْسَت – у нима?) – қаранг: луғз

ЧЎЗИҚ ҲИЖО – қаранг: ҳижо

ШАКЛ – қаранг: бадиий шакл

ШАҲДУ ШИРУ ШАКАР (ар. شهد – асал, форс. شیر – сут, ар. شکر – шира) – қаранг: муламмаъ

ШЕЪР – 1) муайян үлчов асосидаги ритмга зәға нутқ шакли, назм; 2) шеърий йўлда ёзилған кичик ҳажмли асар, лирик шеър. Бу маънода Ш. термини кенг кўлланиб, жанридан қатын назар, ҳар қандай лирик асарни билдиради ва уларни шеърий йўлда ёзилған бошқа асарлар (достон, шеърий драма, шеърий роман ва ҳ.)дан фарқлайди. Умуман олганда, терминнинг мазкур маънода кўлла-

Адабиётшунослик луғати

ниши Ш. сўзининг этимологик (лирика, поэзия) маъносига кўпроқ мос келади.

ШЕЪРИЙ НУТҚ – поэтик нутқ, назм; муайян бир ўлчов (вазн) асосидаги ритмга эга, ўзининг мусиқий жарангига, эмоционал-ҳиссий тўйинтирилганлиги билан фарқланувчи нутқ шакли. Ш.н.даги ўзига ҳос интонация, мусиқийлик ритмик бўлаклар ва ритмик воситалар, ўзига хос фонетик ва синтактик ташкилланиш орқали вужудга келади. Шеърий йўлда ёзилган лирик асардаги кайфиятнинг ҳосил қилиниши, кечинманинг ўқувчига “юқтирилиши”да унинг ритмик-интонацион томони муҳим аҳамият касб этади. Яъни шеърнинг ритмик-интонацион хусусиятлари унинг мазмуни билан белгилана-ди, мазмун билан уйғунлик касб этади. Ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан Ш.н. бадиий нутқнинг насрый шаклидан қадимийроқ, аникроғи, ўз вақтида у бадиий нутқнинг ягона шакли бўлган. Миллий адабиётлар тарихининг илк босқичларида адабий асарлар шеърий йўлда ёзилган, насрда ёзилган бадиий асарларнинг пайдо бўлиши, насрнинг бадиий нутқ кўриниши сифатида шаклланиши эса нисбатан кейинги даврларга тўғри келади. Сабаби, шеърий нутқдаги ўзига хос ташкилланиш уни одатдаги нутқдан кескин фарқлайди ва шунинг ўзиёқ етказилаётган информация санъатга алоқадор эканини таъкидлаб туради. Зоро, насрый нутқ ўзининг курилиши жиҳатидан кундалик мулоқотда қўлланилувчи нутқча яқин, шеърий нутқ сўз санъатига хос маҳсус ҳодисадир.

ШЕЪР ТИЗИМИ – маълум ўлчов принципига асосланган шеърий вазн (ўлчов)лар тизими, мажмуи. Ш.т. шеър тузилишининг асосини, унинг асосий қонуниятларини белгилаб беради. Ҳар бир халқ шеъриятидаги Ш.т. ўша халқ тилининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Мавжуд Ш.т.ларининг ҳаммасида асосий ўлчов бирлиги сифатида бўғин олинган. Бўғин эса, маълумки, турли тилларда турлича сифатий ва миқдорий кўрсаткичларга эга. Шунга кўра, жаҳон халқлари шеъриятида мавжуд Ш.т.лари бўғиннинг миқдори (силлабик Ш.т.), ургули ёки ургусизлиги (тоник Ш.т.), чўзиқ ёки қисқалиги (метрик Ш.т.), баланд ёки паст талаффуз қилиниши (мелодик Ш.т.) каби жиҳатларни ўлчов асоси қилиб олади. Шунингдек, бир йўла икки жиҳатни асос қилиб олган Ш.т.лари ҳам мавжуд (силлабо-тоник Ш.т., ўзбек арузи). Маълумки, илмий термин муайян фан тармоғи доирасида фақат битта тушунчани англатиши

Адабиётшенослик лугати

мақсадга мувофиқ, бироқ амалиётта бундан күл чекинилади. Шундай ҳол Ш.т. ва вазн терминларини ишлатища тез-тез кузатилади. Мас., биз аниқ бир ғазал ҳақида “аруз вазнида ёзилган”, адабиёт тарихи ҳақида гапиратуриб эса “аруз вазни мусулмон шарқ шеъриятида етакчи мавқени ә аллаган” деяверамиз. Ҳақиқатда эса конкрет ғазал “аруз вазни” да эмас, арузнинг “фалон вазнида” (рамали мусаммани мақсур, ҳазажи мусаммани маҳзуф ва х.) ёзилган бўлади, яъни вазн конкрет шеърда намоён бўладиган ҳодиса, у конкрет шеърнинг ўлчовини билдиради. Шунга биноан, иккинчи ҳолда “аруз вазни мусулмон шарқи шеъриятида етакчи мавқени эгаллаган” дейилганда, “вазн” эмас, балки вазнлар системаси – Ш.т. назарда тутилган. Демак, “вазн” термини ҳам конкрет шеърнинг ўлчови (метр) маъносида, ҳам Ш.т. маъносида ишлатилмоқда ва шу боис терминологик чалкашлик юзага келмоқда. Ҳолбуки, Ш.т. муайян ўлчов тамойилига асосланган вазнлар мажмуюи бўлиб, мас., “аруз тизими” дейилганда, мисраларда чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг маълум тартибда тақорланиб келишига асосланган Ш.т. тушуниладики, бу тизим юзлаб конкрет вазнларни ўз ичига олади.

ШИБХИ ИШТИҚОҚ (ар. شبه استقىق – иштиқоққа ўхшаш, ўзакдошга ўхшаш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, шеърда асли ўзакдош эмас, бироқ талаффуз ёки имло жиҳатидан бир-бирига яқинлиги боис бир қарашда ўзакдош бўлса керак, деган шубҳа уйғотувчи сўзларни ишлатиш. Илми бадиъга оид манбаларда Ш.и. алоҳида шеърий санъат сифатида ҳам, иштиқоқнинг бир кўриниши сифатида ҳам таърифланади. Лутфийнинг қуидаги байтида иштиқоқ санъати ҳам, Ш.и. санъати ҳам қўлланган:

*Ҳар кимки, шаҳид ўлмади дилбар қиличидин,
Бечора бориб топмади ул шаҳди шаҳодат.*

Бу ўринда шеърий санъатлар “шахид”, “шахд” ва “шаходат” сўзларининг қўллананиши туфайли юзага келмоқда. Байтда “шаходат” сўзи “гувоҳлик” эмас, балки “шахидлик” маъносида қўлланган, яъни шоир “дилбар қиличидан шахид бўлмаган одам шахидлик лаззатини топмайди”, демоқчи. Демак, байтдаги “шахид” ва “шаходат” сўзлари ўзакдош, уларнинг қўллананиши иштиқоқ санъатини юзага чиқармоқда. Бироқ “шахд” сўзи уларга ўзакдош бўлмагани ҳолда, талаффузи ва ёзилиши жиҳатидан яқин, шу туфайли ҳам ўзакдошдай туюлади (ўзакдош деган шубҳа туғдиради) ва шу асосда Ш.и. санъати юзага чиқади.

Адабиётшунослик луғати

ШИРУ ШАКАР (форс. شیر – сут, ар. شکر – шира) – қаранг: муламмаъ

ЭВФОНИЯ (юн. euphonia – хушоҳанглик) – бадиий нутқнинг хушоҳанглиги, оҳангдорлик. Нутқда Э., асосан, фонетик воситалар ёрдамида юзага келади, нутқнинг хушоҳанглиги кўп жиҳатдан унинг фонетик ташкилланишига боғлиқдир. Э. шеърий нутқда, айниқса, катта аҳамият касб этадики, шунинг учун шеърнинг фонетик ташкилланишига алоҳида эътибор берилади. Шеърий нутқнинг ритмиклиги, унда турли сатҳдаги тақорларнинг (қ.) қўлланиши Э.га асос бўлади. Мас., Э.Шукурнинг:

Мен сени боладай суйсам, нетайин,

Кўйингда бевадай куйсам, нетайин.

Суйгунчигим менинг, суйгунчигим-ай... –

мисраларида “уй” товуш бирикмаси билан “ай” товуш бирикмаси беш мартадан, “ен” товуш бирикмаси “не” тарзида тескари тартибда икки мартадан тақорланади; биринчи мисрадаги “боладай суйсам” бирикмаси билан иккинчи мисрадаги “бевадай куйсам” бирикмаси вазндош ва оҳангдош; “нетайин” ва “суйгунчигим” сўzlари айнан тақорланади. Буларнинг бари бирлиқда шеърнинг хушоҳанг бўлишини таъминлайди. Ёки шу шоирнинг тўртта уч мисралик банддан иборат шеърининг график шакли ўзгаририб кўрилса, Э.нинг юзага келиши ҳақида етарли тасаввур ҳосил бўлади:

Алласин юлдуз айтсин, Тун айтсин, кундуз айтсин,

Эна қиз ухласин, эна қиз...

Кемадай чайқалар беланчак, Шамоллар солади халинчак,

Эна қиз ухласин, эна қиз...

Очилиб-социлар кечалар, Эркалар нордон еб чечалар,

Эна қиз ухласин, эна қиз...

Қадамларга кулсин эшиклар, Гўдакларга тўлсин бешиклар,

Эна қиз ухласин, эна қиз...

ЭЗОП ТИЛИ – муайян сабабларга кўра айтилмоқчи бўлган фикрни очиқ-ошкор ифодалаш мумкин бўлмайдиган ҳолларда пайдо бўлувчи ифода йўсими; фикрнинг пардалаб, “коса тагида нимкоса” тарзида, турли ишоралар орқали ифодаланиши. Э.т. ижод эркинлиги, сўз эркинлиги бўғилган ҳар қандай шароитда санъаткорнинг воқеликка муносабат билдириш эҳтиёжининг маҳсули ўлароқ воқе бўлади, шу боис бу хил ифода йўсими адабиёт тарихининг

Адабиётшунослик луғати

деярли барча босқичларида учрайди. Жумладан, ўз даврида Гулханий “Зарбулмасал”ида мажозий образлар орқали, Фитрат “Чин севиш” ва “Хинд ихтилолчилари” пьесаларида ўзга юртда кечган воқеалар тасвири орқали, Чўлпон турли поэтик рамзлар ёрдамида ва ҳ. – ўзларини қўйнаган муаммоларга муносабатларини ифода этганлар. XX аср ўзбек адабиётида яратилган тарихий мавзудаги асарларда кузатилувчи ўтмиш манзараларининг тасвири орқали замонага ишора қилишни ҳам Э.т.нинг бир қўриниши ҳисоблаш мумкин. Mac., “Навоий” романида Ойбекни ўз даврида қўйнаган муаммолар (мас., Мажидиддиннинг сўроқ қилиниши, Султоналига тазийклар уюштирилиши) акс этган, X.Давроннинг “Абулхай сўзи” шеърида “социалистик реализм” санъати ва адабиётига муносабат “йўли билан” ифода этилган.

ЭКСПОЗИЦИЯ (лат. *expositio* – баён, тушунтириш) – сюжет компоненти, персонажларнинг бевосита тугун юзага келиши вақтида кечган ҳаёти, асосий конфликт етилган шарт-шароитлар тасвири. Э. ўқувчини асар воқеалари кечадиган жой, воқеа иштирокчилари бўлмиш персонажлар, конфликтни юзага келтирган шарт-шароитлар билан таниширади, уни сюжет воқеаларини идрок қилишга тайёрлайди. Э. ҳажм эътибори билан турлича бўлиши, асарнинг турли ўринларида келиши, баъзан умуман тушириб қолдирилиши мумкин. Mac., “Мехробдан чаён”да Э. жуда катта ўринни – хондан совчилар келгунга қадар бўлган эпизодларни ўз ичига олиб, персонажларнинг олдинги тарихи билан араплаш тарзда берилади. “Қутлуғ қон”да у жуда қисқа ва тугундан кейин берилади, “Қўшчинор чироқлари”да эса экспозиция умуман тушириб қолдирилади. Э. персонажларнинг ўтмиш ҳаёти ҳақида маълумот берувчи олдинги тарихдан бевосита асар бадиий вақтига алоқадорлиги билан, прологдан матннинг алоҳида композицион бўлаги сифатида ажратилмаслиги билан фарқ қиласди.

ЭКСПРЕССИОНИЗМ (фр. *expression* – ифодалаш) – XX аср бошларида немис адабиётида шаклланиб, бошқа миллий адабиётларга ҳам ёйилган адабий йўналиш. Э. фақат адабиёт доираси билан чекланмайди, у санъатнинг бошқа турларида ҳам кузатилган ва шу боис ҳам адабий-эстетик йўналиш ҳисобланади. Э. дастлаб Дрездендаги “Кўпприк”, Мюнхендаги “Мовий чавандоз” номлари билан фаолият олиб борган мусаввир ва ҳайкалторошлар уюшмала-

Адабиётшунослик луғати

ри ҳамда “Штурм” (1910 – 1932) журнали теварагига уюшган ижодкорлар доирасида пайдо бўлган. Э.нинг майдонга чиқиши ўтган аср биринчи чораги ғарб мамлакатлари ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида кузатилган инқироз билан боғлиқ бўлиб, уни ижодкорларнинг мавжуд ҳолатга нисбатан норозилиги, ўзига хос исёни сифатида тушунилади. Э. намояндадари ижодида ўткир ижтимоий-танқидий пафоснинг устуворлиги, бу пафоснинг инсониятга беадад кулфатлар келтирган жаҳон урушига, ижтимоий адолатсизликка, мавжуд ижтимоий тартиботлар шахсни топташи, унинг эркини бўғишию ёлғизлатиб қўйишига, жамиятда маънавий инқироз кучайиб бораётгани ва ш.к.ларга қаратилгани бунинг ёрқин далилидир. Бошқа модернистик йўналишлар сингари Э. ҳам ўтмиш маданияти, хусусан, натурализм билан алоқасини узганини эълон қилди. Шундай бўлса-да, мутахассислар Э. сиртдан нечоғли ғаройиб бўлмасин, адабий-маданий анъанадан буткул узилиб кетмагани, хусусан, унда Мъерифатчилик даври комедиясига, диний театр драмаларига хос образлар тизими, ифода йўсими мавжудлигини таъкидлайдилар. Албатта, бу бежиз эмас, чунки бу жанрларга хос даъват, умумлашма образлар орқали муайян ғояларни сингдиришга интилиш Э. исёнини ифодалаш учун қулай эди. Зоро, давр руҳига мос ҳолда Э., айниқса, унинг сўл қаноти дунёни ўзгартириш зарурлигини эътироф этади, образлар орқали қалб “қичқириғи”ни оммага етказишга интилиади. Э. адабиёт ва санъатда объектив воқелик эмас, балки муаллиф қалби, унинг ички “мен”и устувор бўлиши лозим, деган ақидани олдинга сурди. Яъни объектив воқеликни тасвирлаш эмас, ижодкор қалбини ифодалаш (айни шу нарса йўналишга ном берган) муҳим, ифодалаш тасвирлашдан, интуиция мантиқдан устун бўлмоғи лозим деб билди. Воқеликни тўлақонли тасвирламай унинг субъектив талқинини беришга интилиш туфайли Э.да образ конкретлилек хусусиятини йўқотади, унда тушунча, ғоя, маънавий-ахлоқий принциплар ўрнини абстракциялар эгаллайди. Шу боис бадиий концепция ифодасида умумлашма образлар (конкрет инсон эмас – умуман Одам, умуман Ишчи, умуман Зиёли ва ҳ.к.), рамзлар, фантастика, гротескнинг аҳамияти ортади. Э. вакиллари яратган бадиий воқелик марказида бешафқат дунё зиддиятларидан пора бўлган “қалб” туряди, бадиий воқелик эса воқеликнинг деформацияланган ва ғоят кучли эмоционалликка йўғрилган аксидир. Мазкур фонда “қалб”нинг ижтимоий шарт-шароит-

Адабиётшунослик луғати

ларга боғланиб қолган инсон фожиасидан норозилиги, жамиятнинг эртасидан огоҳ этаётган “қичқириғи” барапла янграйди. Э. ҳаётнинг мураккаб муаммою зиддиятларини бадиий идрок этишга интилмайди, улардан келган таассурот, изтиробу аламларни – муаллиф учун муҳим бўлган ғояни шартли йўсингда, муболагали кучайтириб ифодалаш билан чекланади.

Э.га хос исёнкор рух фашистлар ҳокимиятга келган Германияда кувғин қилинди, тушкунликни тарғиб этадиган, нацизм мафкурасига мос келмайдиган, унга хизмат қилмайдиган ҳодиса сифатида тақиқ остига олинди. Э.нинг ижодий тажрибалари кўплаб адиблар, жумладан, Ф. Кафка (айрим мутахассислар уни Э. вакили санайдилар), И. Бехер, Г. Гессе каби улкан истеъдодлар ижодига самарали таъсир қўрсатди. Э.га хос кайфият, рух, унинг тажрибасидан ўтган усул ва воситалар бошқа миллий адабиётлар томонидан ҳам ижодий ўзлаштирилди ва турли адабий-эстетик тизимлар доирасида кўлланди. Э. анъаналарининг излари ҳозирги адабиётда ҳам сезилиб турадики, бу унинг жаҳон бадиий тафаккурига сингиб кетгани, уни маълум даражада бойитганидан далолатdir.

ЭКСПРОМТ (лот. *exprimunt* – тайёр) – ижодий импровизация-нинг бир кўриниши, бирон нарса-ҳодиса ҳақида ҳеч бир тайёргарликсиз, шу пайтнинг ўзидаёқ айтилган ёки ёзилган шеър (қ. бадиҳа).

ЭЛЕГИЯ (от фригияликлар тилидаги “*elegn*” – қамишдан ясалган най) – ҳозирги маъносида кўпроқ фалсафий мазмундаги, қайгули ўйларни ифодаловчи шеър; мазмун жиҳатидан таснифланувчи лирик жанр. Адабиёт тараққиёти давомида Э. термини маъно ўзгаришларига учраган. Жумладан, антик юон адабиётида мазмунидан қатъи назар, ҳар қандай иккилик лирик шеър Э. деб юритилган. Антик Рим адабиётидаги Э.ларда эса, асосан, муҳаббат мавзуси қаламга олинган. Ҳозирги тушунчадаги Э.нинг мазмуний белгиси Овидийнинг “Қайгули элегиялар”идан кейин қарор топди ва у энди “ғамгин қўшиқ” маъносига эга бўлди. Худди шу маънодаги Э. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Европа адабиётида, Э.ни сарой қасидаларига қарши кўйган сентименталистлар орасида, айниқса, кенг оммалашди. Шу тариқа Э. жанрга хос шакл қатъийлигини йўқотди ва мазмун аниқлигига эришиб, кўпроқ

Адабиётшунослик луғати

фалсафий қарашлар, қайгули ўй-изтиробларни акс эттирадиган шеър маъносида тушунила бошлади.

ЭЛЕГИЯВИЙЛИК (русчадан калька “элегическое”, “элегичность”) – бадиийлик модуси. Э. идиплиявийлик ва драматизм билан биргаликда қаҳрамонлик, сатира ва трагизмдан фарқланувчи модуслар гурӯхини ташкил этади. Агар қаҳрамонлик модусидаги асар архитектоникасини белгиловчи асосий мотив жасорат, сатирада мунофиқлик, трагизмда айбдорлик (хато ёки жиноят) бўлса, Э. учун энг муҳим мотив – йўқотишdir. Бироқ йўқотишнинг ўзи Э. модусини белгилай олмайди (йўқотиш мотиви трагизм ёки драматизмда ҳам бўлиши мумкин). Э. учун муҳими йўқотишдан келадиган изтироб, айни шу нарса Э. модусидаги асар қаҳрамони учун ўз “мен”ини намоён қилиш усулига айланади. Элегиявий қаҳрамонга макон ёки замонда атрофдагилардан четлашиш – узлатнишинлик ёки бир жойда қўним топмай, жаҳонгашта бўлиб яшаш хос, шунинг ўзида қаҳрамоннинг атроф-муҳитга қарши сокин исёни ботинdir (мас., X. Султоновнинг “Ёзинг ёлғиз ёдгори” қиссасидаги Адаш Карвон ва Саттор образлари).

ЭЛЛИПСИС (юн. *elleipsis* – тушириш, тушиб қолиш) – стилистик фигуранлардан бири, нутқда жумла таркибидаги сўз (бўлак)ни атайн тушириб қолдириш. Яъни Э. муайян бадиий-эстетик мақсадни кўзлаган ҳолда амалга ошади, иккинчидан, сўз (бўлак) тушириб қолдирилса-да, унинг борлиги назарда тутилади ва англашилиб туради. Ўзбек шеъриятида кўпроқ бош бўлаклардан бирининг тушириб қолдирилиши ҳисобига воқе бўлувчи Э.лар кузатилади. Mac.:

Булбулларми?! Етар!
Гулларми?! Бўлди!
Сўз навбати – юракка...

Келтирилган парчада кесим (берилади) тушириб қолдирилган ва натижада “юракка” сўзи мантиқий ургу олади, шеърнинг дастлабки мисраларидаги оҳанг шиддатининг сақланишига эришилади.

ЭПИГОНЛИК (юн. *epigonoī* – кейин түғилган) – адабиётдаги ўзлаштириш кўринишларидан бири, ўзигача мавжуд бўлган асарларга, муайян адабий йўналиш, оқим ёки алоҳида сўз санъаткорига хос услугуб, тасвир манераси кабиларга кўр-кўrona эргашиш. Э. ижодий ёндашувдан маҳрум бўлиб, унда адабий ҳодиса (муайян

Адабиётшунослик луғати

асар, йұналиш ё ижодкор услуби ва ш.к.)нинг у ёки бу даражада муваффакият топған ва мүқим қарор топиб улгурған жиҳатлари механик қайта яратилади. Шу маңнода, Э. иқтидори етарлы бұлмаган ижодкорнинг үқувчи омма диди, талаб-әхтиёжларига мослашишга интилиши маҳсулидир. Бироқ ноижодий ёндашув, әргашлаётган намунанинг ташқи жиҳатларинигина механик қайта яратилиши сабаб Э. ҳамиша муваффакиятсизликка маҳкум, зеро, жонсиз схема, қуруқ услугбий воситалару композицион усууллар мажмуда бадиият ҳодисасыга айланы олмайды. Э.нинг күренишларидан бири сифатида автоэпигонлик ҳам күрсатилади. Бунда ижодкорнинг ўз-ўзини такрорлаши (мавзу, оҳанг, сюжет қурилиши, образлар, ҳаёттің ҳолатлар тасвири ва ш.к.) назарда тутилады, бу ижодий үсишдаги оқсашдан дарап беради. Табиийки, Э. каби автоэпигонлик ҳам салбий ҳодиса, зеро, чинакам ижод муттасил изланишни, "ортдаги күпприкларни бузыб бориш"ни тақозо этади.

ЭПИГРАФ (юн. epigraphe – битик, сарлавҳа) – асарнинг бошлашида сарлавҳадан кейиндоқ ёки унинг бўлим (боб, фасл)лари бошида келтирилувчи қисқа, одатда, эътиборли манбалардан (халқ ижоди, машҳур кишиларнинг пурхикмат сўзлари ва ш.к.) олинган кўчирма, цитатанинг бир күрениши. Кўп ҳолларда Э. ўзининг афористик мазмуни билан асар моҳиятини очиб беради. Mac., A.Қаҳхор "Ўғри" ҳикоясига Э. қилиб олган "Отнинг ўлими – итнинг байрами" мақоли ҳикоя моҳиятини, ундаги воқеага ғоявий-эмоционал муносабатни ифода этади. Бироқ Э.нинг бадиий-эстетик функциялари шу билангина чекланмайди. Баъзан Э. экспозиция вазифасини ўташи, үқувчини асар воқелигига олиб кириб, унга илк маълумотларни бериши мумкин. Mac., X.Султоновнинг "Бунчалар ширинсан, аччиқ ҳаёт" ҳикоясига Э. қилинган F.Гуломнинг Курбонжон доддох ҳақида айтган сўзлари шундай вазифани бажаради. А.Ориповнинг "Тунислик бола" шеърига Римда тунислик бола миллиатчи-ирқчилар томонидан ёкиб юборилгани ҳақидаги газета хабари Э. қилиб олинганки, бу асарнинг ёзилиш сабабини изоҳлаш билан бирга, лирик қаҳрамон кечинмаларини асослашга ҳам хизмат қиласиди. Чўлпоннинг "Кеча" романига эпиграф қилиб олинган М.Горький сўзлари эса полуфункционаллик касб этади: у ҳам турли айбловлардан ҳимоя воситаси, ҳам адебнинг асарни ёзишдан мақсадини (муҳими, ҳам очиқ ифодаланаётган, ҳам пардалаб айтилаётган мақсадни) ифодалайди. Э.нинг пародиядаги вазифаси

Адабиётшунослик лугати

эса жанр табиатига мос: пародияга объект бўлган асардан келтирилган парча, бир томондан, ўқувчини ҳажв қилинаётган асарга йўналтиради, иккинчи томондан, пародиянависнинг услубий “ўйин”-лари учун асос бўлади.

ЭПИЗОД (юн. *epeisodien* – киритма) – эпик, лиро-эпик ва драматик асарларда тасвиirlанаётган воқеанинг макон ва замонда кечиши жиҳатидан ажралувчи, маконий ва замоний жиҳатдан аниқ чегаралангандик асосида нисбий мустақиллик касб этувчи бўлаги. Агар шу жиҳатдангина қаралса, драматик асарларнинг ҳар бир пардасини Э.га тенг санаш мумкин. Лекин саҳнанинг ўз ичидаги кўринишларга бўлинishi, кўриниш вақт ва жой бирлигидан ташқари, умумий иштирокчилар билан ҳам ажралиши зътиборга олинса, унда Э.ни кўринишга тенг дейиш тўғри бўлади. Эпик турнинг кичик жанрлари (латифа, масал; айрим эртаклар, кичик ҳикоялар) аксар ҳолларда битта Э.дан ташкил топади. Айни чоғда, кичик эпик жанрлар мазмуни қўпинча икки (баъзан ундан ортиқ) Э.ни бирбирига зидлаш, қиёслаш ёки тадрижий (градуал) муносабатда кўйиш орқали ҳам юзага чиқади. Одатда, битта воқеа қаламга олинадиган ҳикоя (новеллалар)ларда шу воқеанинг ўзи бир неча Э.дан таркиб топади. Шунга ўхшаш, юқоридагича тамойил асосида катта ҳажмли эпик асарлар сюжетидаги воқеалар ҳам ўз ичидаги Э.ларга ажратилиши мумкин.

ЭПИК ТУР – қаранг: эпос

ЭПИЛОГ (юн. *epílogos* – сўнгсўз) – асарда тасвиirlangan асосий воқеалардан алоҳида ажралиб турувчи якун, хотима. Антик давлардан шаклланган анъянага қўра, саҳна воқеалари якун топгач, Э. қисми берилиб, улар мундарижаси (саҳнада йўналган томоша мазмунини тушунтириш, қиссадан ҳисса чиқариш, томошибинларга миннатдорчиллик билдириш, камчиликлар учун узроҳлик қилиш ва ш.к.) ва шакли (хор қўшиғи, рақс, актёрларнинг залга бевосита мурожаати ва б.) жиҳатидан турлича бўлган. Кейинча Э. эпик асарларда ҳам кўллана бошланди. Эпик асарларда ҳам Э. турли шаклларда (воқеа, бирон бир ривоят, табиат манзараси ва б.) берилиши мумкин. Э.нинг кўп ҳолларда алоҳида бир воқеа шаклида берилиши сабаб бўлса керак, баъзан Э. ҳам сюжет элементи сифатида кўрсатиладики, бу тўғри эмас. Чунки бу ҳолда ҳам Э. асосий сюжетнинг бевосита давоми эмас, балки асосий воқеалар якунига

Адабиётшунослик луғати

етгач юз берган воқеа бўлиб, у асар мазмунини, муайян ғояни ойдинлаштириш, конкретлаштиришга хизмат қиласди (мас., “Ўтган кунлар”да Отабекнинг қабристонда Зайнаб билан тўқнаш келиши), бу эса қандай шаклда берилишидан қатъи назар, барча Э.ларга хосдир. Шу маънода, Э.ни персонажларнинг кейинги тақдиди ҳақида маълумот берувчи кейинги тарих (мас., “Ўтган кунлар”даги Отабекнинг ўлими ҳақидаги хабар; “Ёзувчидан” деб номланган Отабекнинг авлодлари тақдиди ҳақидаги маълумотлар)дан ҳам фарқлаш керак.

ЭПИСТОЛЯР АДАБИЁТ (юн. *epistole* – мактуб, нома) – бирорга мактуб шаклида ёзилган адабий ёки публицистик асарлар. Ижодкор мактублари аввалдан (бадиий ниятда) кўпчиликнинг ўқишига мўлжалланган бадиий ёки публицистик асар сифатида режалаштирилган бўлиши ҳам, унинг бирор билан ёзишмалари кейинча ўкувчилар томонидан шундай деб қабул қилиниши ҳам мумкин. Масофадан мулоқот қилишнинг ягона шакли бўлгани учун антик даврларда мактуб ёзишга жиддий қаралган, улар риторика қоидаларига риоя қилган ҳолда битилган. Шу боис ҳам Эпикур, Цицерон, Сенека кабиларнинг мактублари Э.а.нинг нодир намуналарига айланган. Ўрта асрларга көлиб Фотий, Августин, Лютер каби диний арбоблар мактубнинг дидактик имкониятларидан кенг фойдаланиб, ўз қавмларига турли масалаларни тушунтирганлар. Э.а.нинг ўзбек мумтоз адабиётидаги намунаси сифатида А.Навоийнинг “Муншаот” асарини келтириш мумкин. Адабиёт тараққиётининг кейинги даврларида шахслароро бевосита ёзишмалар ҳам аҳамиятини йўқотмагани ҳолда, адабий асарларни мактуб шаклида ёзиш кенг оммалашди. Мас., “Форс хатлари”(Монтескье), “Юлия ёки янги Элоиза” (Ж.Ж.Руссо), “Ёш Вертернинг изтироблари”(Гёте), “Камбағал кишилар”(Ф.М.Достоевский) каби қатор асарлар мактуб шаклида ёзилган. Янги ўзбек адабиётида ҳам мактуб шаклидан самарали фойдаланилган асарлар талайгина: “Севгим, севгилим” (Ў.Умарбеков), “Чўл ҳавоси”(Ў.Хошимов).

ЭПИТАФИЯ (юн. *epitaphos* – қабртошдаги ёзув) – қабртошга ёзилган битик; ҳақиқатда қабртошга битилган ёки қабртошга битилмаса-да, тўпламдан жой олган мўъжаз шеър. Одатда, Э.лар ё марҳумга мурожаат шаклида, ё марҳумнинг тириклар (қабр ёнига келувчи ёки қабр ёнидан ўтувчи)га мурожаати шаклида бўлади.

Адабиётшунослик луғати

Ушбу анъанавий шаклдан ташқари, Э.нинг ҳажвий шакли ҳам бўлиб, у мазмун-моҳиятига кўра эпиграммага яқин туради. Генетик жиҳатдан антик адабиётдаги эпиграммаларнинг бир кўриниши бўлган Э.лар Европада ўрта асрлар ва Уйгониш даврида кенг оммалашган. Ўзбек шеъриятида Э. жанри оммалашган эмас, лекин, сийрак бўлса-да, учраб туради. Жумладан, айрим эпик асарларда (мас., А.Қодирий. “Ўтган кунлар”; А.Мухтор. “Чинор”; У.Ҳамдам. “Сабо ва Самандар”) келтирилган қабртошлардаги назмий битикларни Э. намунаси санаш мумкин. Шунингдек, Э.нинг қабртошга битилмаган кўринишига мисол сифатида Х.Давроннинг “Менинг сочим оққа кўмилгай, Сочингга оқ тушмай кетдинг, хайр” мисралари билан бошланувчи шеърини келтириш мумкинки, муаллифнинг ўзи унинг жанрини Э. деб белгилаган.

ЭПИТЕТ (юн. epitheton – илова этилган, изоҳловчи) – бадий сифатлаш; нарса-ҳодисанинг белгисини образли ифодалайдиган бадий аниқловчи. Тил нуқтаи назаридан қаралса, Э. ҳамиша аниқловчи вазифасида келади, лекин оддий аниқловчидан фарқли равишда, бадий функцияни ўтайди: агар оддий аниқловчи нарса-ҳодисани бир турдаги бошқа предметлардан ажратса (ёлғиз аёл), Э. унга хос муайян белгини ажратиб-таъкидлаб (“Ёбондаги ёлғиз дараҳт...”) кўрсатади. Кўп ҳолларда Э. белгини кўчма маъно орқали ифодалайди ва бу ҳолда метафорик эпитет (қиёсланг: хира ойна – хира кўнгил) деб юритилади. Айрим Э.лар ҳалқ оғзаки иходида, шунингдек, ёзма адабиётда анъанавий тарзда кенг қўлланганни сабабли муайян турғунлик касб этган бўлиб, улар доимий, барқарор Э.лар деб юритилади (алпкелбат паҳлавон, сунбул соч, қундуз қош, ой юз, лаъл лаб, сарв қомат). Адабиётда иходий индивидуалликнинг кучайиши баробаридадада бетакрор, нарса-ҳодисани кутилмаган жиҳатлардан тавсифловчи Э.ларнинг салмоги ва қиммати ортиб боради. Бундай Э.лар ифоданинг ёрқин, тасвирининг жонли бўлишига хизмат қилиб, эстетик таъсир кучини оширади (мас.: “Шойи шафақларга ўранар юрак”; “О, уятчан намозшомгуллар”; “Маъсум майсаларни тирилтгувчи сен, Музлаган ҳисларни иллитгувчи сен”; “Дастурхонда фақат кемтилган юрак” – Э.Шукуров.)

ЭПИФОРА (юн. epiphora – қўшимча) – такрорнинг хусусий кўринишларидан бири, шеърдаги бир неча мисра охирида битта

Адабиётшунослик луғати

сўз ёки сўз бирикмасининг тақорланиши. Мумтоз шаъриятимиздаги радиф муайян маънода Э.нинг кўриниши саналиши мумкин, фақат радифнинг қофиядан кейин ўрин олиши шарт, Э.га эса бундай шарт кўйилмайди. Шунга қарамай, мумтоз шеърият анъаналирининг давомчиси бўлган ҳозирги ўзбек шеъриятида Э. қофиядан сўнг келувчи сўз (бирикма) тақорори сифатида кенгроқ тарқалган. Mac.:.

Олтин ойга олма отар Ойбодом,
Ойботарда йиглаб ётар Ойбодом.
Ойқизларнинг ойпариси Ойбодом,
Кунботардан куйиб ўтар Ойбодом (Э.Шукур).

Ушбу парчада қофиядан кейин Ойбодом сўзининг тақорланиши Э. бўлиб, у жойлашиш ўрни жиҳатидан радифга ўхшайди. Бироқ радиф бутун шеър давомида тақорланса, бу шеърда тақорор бир банд давомидагина кузатилади. Шунга кўра, уни радиф эмас, Э. ҳисоблаш тўғрироқдир.

ЭПОПЕЯ (юн. еропоїа, яъни: *ερόεια* – ривоя, ҳикоя ва *ροίο* – яратмоқ, ижод қилмоқ) – ҳажман йирик, асосига умумхалқ аҳамиятига молик проблематика кўйилган эпик асар. Э.нинг илк намуналари сифатида қаҳрамонлик эпоси (қ. эпос) кўрсатилади. Кейинча, ўрта асрлар ва Ўйғониш даврларидан қаҳрамонлик эпоси анъаналарининг давоми, уларга тақлид тарзида дунёга келган Э.лар ёзма адабиётда ҳам қарор топди (Вергилий. “Энеида”; Тассо. “Озод қилинган Иерусалим”; Вольтер. “Генриада”). Бадий насрнинг, хусусан, романчиликнинг тарақкий этиши баробаридадада миллат ҳаётнинг муҳим тарихий босқичини қаламга олиб, умумхалқ аҳамиятига молик муаммоларни бадий идрок этишга қаратилган роман-Э.лар пайдо бўлди (Бальзак. “Инсон комедияси”; Л.Толстой. “Уруш ва тинчлик”; М.Горький. “Клим Самгиннинг ҳаёти”; М.Шолохов. “Тинч Дон” ва б.). Асосига кўйилган проблематикаси ва тасвир қўлами жиҳатидан ўзбек адабиётидаги “Куллар” (С.Айний), туғалланмаган “Кечава кундуз” дилогияси (Чўлпон), “Навоий” (Ойбек) романларида ҳам Э.га хос айрим хусусиятлар кузатилади.

ЭПОС (юн. *ερόεια* – ривоя, ҳикоя) – 1) бадий адабиётнинг учта асосий туридан бири. Э.нинг специфик хусусияти – воқеабандлик, эпик асарда макон ва замонда кечувчи воқеа-ходисалар тасвирланаиди, сўз воситасида ўкувчи тасаввурида реаллик картиналарига

Адабиётшунослик луғати

монанд жонлана оладиган тұлақонлы бадий воқөлик яратилади. Тасаввурда реалликдагига монанд, ўзининг ташқи шакли билан жонланғани учун ҳам Э.даги бадий воқөлик "пластик" тасвириланс-ған деб айтиласы. Э.да пластик элементлар билан бир қаторда, нопластик элементлар (муаллиф мұшоҳадалари, фикрлари, тасвири предметига ҳиссий муносабати ва ш.к.) ҳам мавжуд бўлиб, бу элементлар муаллиф образини тасаввур қилишда мұхим аҳамият касб этади. Улар, пластик унсурлардан фарқли ўлароқ, асарни ўқиш давомида ўқувчи тасаввурда жонланмайди. Э.да объектив ва субъектив ибтидоларнинг уйғун бирикиши кузатиласы: асардаги бадий воқөлик объектив ибтидони, асарнинг ҳар бир нұқтасига сингдириб юборилган муаллиф шахси субъектив ибтидони ташкил этади. Бадий воқөликнинг "объектив ибтидо" дейилишида шартлилик бор, чунки у реалликдан олинган оддийгина нұсха эмас, балки воқөликнинг ижодкор кўзи билан кўрилган, идеал асосида идрок этилган, баҳоланган ва ижодий қайта ишланган аксидир. Шундай экан, ҳатто "объектив тасвири" йўлидан борилиб, муаллиф имкон қадар ўзини четга олган асарларда ҳам муаллиф образи мавжуд бўлади. Демак, эпик асарларда бадий воқөлик билан бир қаторда, нопластик муаллиф образи ҳам ҳар вақт мавжуддир.

Э.да макон ва замонда кечувчи воқеалар ровий (муаллиф, ҳикоячи-персонаж) томонидан ҳикоя қилинади. Шунга кўра, Э.да ривоя анъанавий равищда етакчи ўринни эгаллайди, унинг воситасида асарга диалог ҳамда тафсилотлар (пейзаж, портрет, нарса-буюмлар ва ҳ.) олиб кирилади. Ривоя бу унсурларнинг барини яхлит бутунликка бирлаштиради. Э.нинг такомили жараёнида ривоя салмогининг камайиб бориши кузатиласы. Ривожланиш жараёнида Э.да диалог ҳамда тафсилотларнинг салмоғи ва аҳамияти ортиб боради. Бу бадий адабиётнинг бошқа санъат турлари билан алоқаси, уларга хос усул ва воситаларни ўзига сингдириши натижаси сифатида тушунилиши мумкин. Мас., театрнинг ривожи натижасида инсон характеристерини яратишнинг драматургик усуллари ишлаб чиқилди, сайдалланди; ўқувчи омма драматургик усулда яратилган инсон характеристерини англашга, диалоглар воситасида яратилётган бадий воқөликнинг мөхиятини тушунишга тайёрланди, яъни бадий дид ривожланди. Шу асосда Э.га драматик унсурлар кириб келди. Айни пайтда, Э.даги диалог драмадаги диалогдан ўзининг ҳаётийлиги, маъно кўламининг кенглигиги билан ажралиб

Адабиётшунослик луғати

туради. Чунки Э.да диалог амалга ошаётган конкрет ҳаётий ситуация, унда қатнашаётган персонажларнинг руҳий ҳолати, характер хусусиятлари ҳақида кенгроқ тасаввур бериш имкониятлари мавжуд, персонаж диалогда айтаётган ҳар бир гап асар бутунлиги контекстидаги тушунилиши мумкин.

Э.да насрый (сочма) нутқ шакли етакчилик қиласи. Шу билан бирга, шеърий йўлда ёзилган эпик асарлар ҳам анча кенг тарқалган. Мас., Б.Бойкобиловнинг “Кун ва тун” шеърий қиссаси, Ҳ.Шариповнинг “Бир савол”, Мұхаммад Алининг “Боқий дунё” шеърий романлари шеърий йўлда битилган эпик асарлардир. Демак, насрый йўлда ёзилганинг ўзи асарни Э.га мансуб этмайди, “насрый асар” ва “эпик асар” тушунчалари битта маънони англатмайди. Э.да “ўтмишда бўлиб ўтган” воқеалар қаламга олинади, зеро замонда кечиб бўлган воқеаларгина ҳикоя қилиниши мумкин. Ҳатто олис келажак қаламга олинган фантастик асарларда ҳам муаллиф бўлиб ўтган воқеаларни ҳикоя қиласи, ўқувчи гўё бўлиб ўтган воқеалар билан танишади. Демак, эпик асарда ёзувчи билан у тасвирлаётган бадиий воқелик, ўқувчи билан у тасаввурида қайта тиклаётган бадиий воқелик орасида ҳамиша “мен – ўтмиш” тарзидаги вақт ҳисси мавжуддир. Агар драматик асарларда характерлараро конфликт, лирик асарларда ички конфликт (асардаги акси жиҳатидан) етакчилик қилса, Э.да конфликтнинг учала тури қоришиқ ҳолда намоён бўла олади.

Э.ни жанрларга ажратиш принциплари масаласида адабиётшуносликда турличалик мавжуд. Бунда бир қатор хусусиятларни эътиборга олиш зарур бўлади. Аввало, эпик асарлар ҳаётни бадиий қамров қўламига кўра фарқланишидан келиб чиқиласи. Мас., эпик асар қаҳрамон ҳаётидан биргина эпизодни (ҳикоя), бутун бир этапни (қисса) ёхуд қаҳрамон ҳаётининг катта бир даврини (роман) қаламга олади. Шунга кўра, адабиётшуносликда катта, ўрта ва кичик эпик жанрлар ажратилади. Бироқ Э.га драманинг кириб келиши ва сюжет вақтининг қисқара бориши баробаридадада бу тамойилнинг ожизлиги аён бўлиб қолмоқда. Ҳозирги адабиётда қаҳрамон ҳаётининг катта бир даври эмас, атиги бир босқичи қаламга олинган романлар ҳам яратилмоқда (мас., “Кеча ва кундуз”, “Улуғбек хазинаси”). Табиийки, бундай ҳолатда эпик асарларни жанрларга ажратишка уларнинг бошқа жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш зарур бўлади. Жумладан, асарда қўйилган муаммолар қўлами жанр

Адабиётшүнослик луғати

хусусиятларини белгиловчи унсур сифатида олиниши мумкин. Бу жиҳатдан роман дунёю даврни билиш мақсадига қаратилган бўлса, қисса марказида қаҳрамон характери, ҳикояда эса конкрет ҳаётий воқеа туради. Кўринадики, роман, қисса, ҳикоя жанрларига мансуб асар қаҳрамонлари асарда тутган мавқеи, аҳамияти, вазифаси жиҳатидан фарқланади. Роман муаллифи учун қаҳрамон – восита, дунёни англаш (буниси мақсад) воситаси, қиссанавис учун қаҳрамоннинг ўзи мақсад (воқеа-ҳодисалар восита), ҳикоянавис учун воқеанинг ўзи мақсад бўлиб қолади. Э.ни жанрларга ажратишида ҳажм ҳам мезон бўлолмайди. Зеро, айрим ҳикоя ёки романлар ҳажман қиссаларга яқин бўлиши ва аксинча ҳолатлар кузатилиши мумкин. Бироқ одатан ҳикоя, қисса ва романлар ҳажми саноқдаги тартибга мос тарзда каттариб бориши ҳам инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Э. жанрлари бадиий шакл хусусиятлари билан ҳам фарқланади. Мас., сюжет нуқтаи назаридан олинса, роман кўп чизиқли мураккаб сюжетга эгалиги, қисса сюжети, асосан, бош қаҳрамон теварагида уюшиши, ҳикоя сюжети, одатда, битта ёки бир-бирига узвий боғлиқ бир неча воқеа асосига қурилиши кузатилади.

Ҳикоя, қисса ва роман Э.нинг асосий жанрлари саналади. Шу билан бирга, эпик турнинг асосий бўлмаган қатор жанрлари ҳам мавжуд. Уларни ҳаётни бадиий қамраш кўлами жиҳатидан қўйидаги тартибда таснифлаш мумкин: а) кичик эпик шакллар: латифа, масал, ҳикоят, ривоят, эртак, афсона, бадиа, этюд, очерк, эссе; б) ўрта эпик шакллар: қисса (повесть); в) халқ эпоси, эпик достон, роман, эпопея.

Мазкур таснифга айрим изоҳларни киритиб ўтиш зарур. Мас., бадиа, этюд, очерк кабилар соғ бадиий проза намунаси бўлмай, бадиий-публицистик жанрлардир. Ҳозирги адабиётда оммалашиб бораётган эссе жанри, биринчидан, бадиий-публицистик характерга эгалиги, иккинчидан, ҳажм эътибори билан турлича кўринишларга (кичик ҳикоя шаклидан то катта роман шаклигача) эгалиги билан характерланади. Мас., Х.Давроннинг “Бибихоним қиссаси ёхуд тугамаган достон”, Б.Аҳмедовнинг “Мирзо Улугбек” асарлари моҳиятан эссе, бироқ улар ҳажм эътибори билан кескин фарқланади. Ёки айрим тадқиқотчилар масални лиро-эпик жанрга мансуб ҳисоблаб, бунда қиссадан чиқарилган ҳиссани лирик ибтидо сифатида қабул қиласилар. Ҳолбуки, ҳар қандай масалда воқеа

Адабиётшунослик лугати

(жуда қисқа бұлса ҳам) ҳикоя қилиниши эътиборга олинса, уни эпик асар санаш керак. Акс ҳолда, воқеабанд шеърларни ҳам, чиқарилаётган хулоса очиқроқ ифодаланған эпик асарларни ҳам лиро-эпик турға мансуб этишга тұғри келар әди. Шунга үхашаш ҳолат: “достон” жанри лирикага ҳам, Э.га ҳам тааллукли бұла олади, шу сабаб “лирик достон”, “эпик достон”, “лиро-эпик достон” сингари жанр атамалари құлланилади, бунда конкрет достонни у ёки бу турға мансуб этиш учун үндаги эпик ва лирик унсурлар салмоғи асосға олинади; 2) тор маъносида ҳалқ оғзаки ижодидаги шеърий ёки насрый йүлда яратылған воқеабанд асар; ҳалқ Э.и, қаҳрамонлик Э.и терминлари билан ҳам юритилади. Гарчи қаҳрамонлик Э.и ва ҳалқ Э.и терминлари синоним сифатида ишлатылса ҳам, назарда тутилаёттан маънога ҳалқ Э.и термини мувофиқроқ. Чунки бу ҳолда ҳалқ Э.и термини қаҳрамонлик Э.и, романик Э., тарихий Э., жангнома ва ҳ. жанр күринишларини ҳам қамраб олади. Ҳалқ Э.и таркибидаги мазкур жанр күринишларининг ҳар бири үзига хос специфик белгиларға зға. Ҳалқ Э. уни яратған ҳалқнинг қаҳрамонона үтмиши, юрт тақдиридаги мұхим воқеалар, қаҳрамонларнинг эл-юрти учун фидокорона кураши ҳақида ҳикоя қиласы, ҳалқ (маданияти, майший турмуши, ижтимо-иий-сиёсий ҳаёти, эътиқоди, урф-одатлари ва ҳ.) ҳаётининг муайян даврдаги яхлит манзарасини тасвирлайди. Ҳалқ Э.ининг илдизлари жуда қадим замонларға бориб тақалади: “Гильгамеш”, “Илиада” “Одиссея”, “Рамаяна”, “Маҳабхорат”, “Алпомиш”, “Манас” сингари Э.ларнинг ёши мингийиллікклар билан үлчанади. Саналғанлар каби йирик ҳажмли асарлар билан бир қаторда, ҳалқ Э.и нисбатан кичик ҳажмли шаклларда (тарихий құшиқ, балладалар, билина, достон) ҳам мавжуд бўлиб, улар муайян туркумга бирлашади ва бу нарса эпик кўламдорликни таъмин этади. Мас., “Гўрўғли” туркум достонлари, Илья Муромец ҳақидаги билиналар, Роланд ҳақидаги қўшиклар ва ҳ.

ЭРКИН ШЕЪР (русчадан калька: “вольный стих”) – рус шеърия-тидаги силлабо-тоник шеър тизими асосида пайдо бўлган, мисраларида стопалар сони бир хил бўлмаган шеър шакли. Э.ш.да барча стопалар бир хил (ямб) бўлгани ҳолда, уларнинг мисралардаги сони бир хил эмас, яъни шеър бошидан охирига қадар битта үлчовда ёзилмаган, унда изометрия ҳодисаси кузатилмайди. Кейинча аналогия асосида мисралардаги хорей ёки анапест стопала-

Адабиётшунослик луғати

ри (қ. стола) сони турлича бўлган шеърлар ҳам Э.ш. деб аталган. Рус шеършунослигига бир-биридан фарқланувчи шеър шаклини билдирувчи "вольный стих" ва "свободный стих" бирикмаларидағи "вольный" ва "свободный" аникловчилари ўзбек тилига бир хил – "эркин" сўзи билан таржима қилиниши сабаблидир, манбаларда ва амалиётда Э.ш. термини, кўпинча, верлибр ва сарбастга синоним тарзида ишлатилади. Бироқ бу тўғри эмас (қиёсланг: верлибр, сарбаст). Ўзбек шеъриятида Э.ш. бармоқ асосида шаклланган бўлиб, XX асрнинг 20 – 30-йилларидан оммалашди. Э.ш.га хос хусусият шуки, унда мисралардаги бўғинлар сони, уларнинг ўзаро қофияланниши қатъий тартибда эмас, бироқ шеър давомида ўлчовда тенг ва ўзаро қофиядош мисралар эркин тарзда тақоррланади. Худди шу жиҳати уни бармоққа яқинлаштиради. Яъни рус силлабо-тоник шеърияти негизида пайдо бўлган Э.ш. (вольный стих) ўзида силлабо-тоник шеърга хос белгилар (стопалар)ни сақлаб қолгани каби, ўзбек Э.ш.и ҳам ўзида бармоққа хос айрим хусусиятларни сақлайди. Мас.:

<i>Алкоголь</i>		a		
бизнинг қонларга	3+5	б		
ва рўзгорларга,	5	б		
дин аҳкомлари,	5		в	
феодал арконлари,	7		в	
капитал қонунлари-ла,	3+5	б		
урф-одатларга		б		
йўланиб,	5+3		г	
ичкуёв,	3		д	
яъни ёв			д	
бўлиб	3+2		г	
кирмишдир.	3		е	
<i>Алкоголь –</i>		a		
бизлар қул,	3			ж
руҳан тушкун,	4			з
узван туткун,	4			з
ризқимиз жигархун,	4			з
ҳаёт хумори – банг	6			и
бўлгандা,	6			
нозли бир бузук,	3	б		
	5			й

Адабиётшунослик луғати

<i>созли бир сатанг,</i>	5			и
<i>инжиқ бир келин</i>				3
<i>сингари,</i>	5+3	в		
<i>ўз ҳукмин ўтказиб,</i>	6		г	
<i>машшат – чимилдиқقا</i>	7	б		
<i>кирмишдир.</i>	3			е

Ф.Гуломнинг “Алколголь” шеъридан олинган бу парчада 3, 4, 5 ва 6 бўғинли туроқлар қатъий эмас, эркин тарзда тақорланади, шундай эркинлик мисраларнинг қофияланишида ҳам кузатилади.

ЭРТАК – халқ оғзаки ижодидаги эпик жанр, чўпчак. Э. барча халқлар оғзаки ижодида қадимдан шаклланган ва фаол жанрлардан саналади. Э.лар, асосан, насрда яратилиб, сюжети асосида сеҳрли-фантастик, саргузашт ёки майший характердаги воқеалар ётади, воқеалар баёни ва талқинда ижодий фантазия, тўқима салмоқли ўрин тутади. Шунинг учун ҳам эртакчилар томонидан ҳикоя қилинган Э. тингловчилар томонидан, аввало, эртак деб, ижодий фантазия маҳсули деб қабул қилинади. Бироқ бу Э.лар воқелик билан алоқасини тамомила узган дегани эмас, Э.ларда (айниқса, майший Э.ларда) реаллик билан алоқа яққол кўзга ташланади. Қадимийлиги туфайли Э.ларда аждодларимизга хос мифологик тафаккур элементлари, тотемизм, анимизм қолдиқлари сақланиб қолган. Мазкур ҳол сеҳрли Э.лар билан ҳайвонлар ҳақидаги Э.ларда қўпроқ сезиладики, бу уларнинг нисбатан қадимийроқ эканлигининг далолатидир. Кишилик жамияти тарққиёти баробаридада Э.лар ҳам сифат жиҳатидан ўзгариб боради: ҳаёттий тажриба ва кузатишларга асосланган майший мавзудаги Э.лар кенгроқ ўрин эгаллай бошлайди, сеҳр-жодудан деярли фориғ саргузашт-авантюр сюжетли Э.лар яратилади, ҳайвонлар ҳақидаги Э.ларнинг тотемистик ва анимистик мазмун йўналиши мажозийлик билан алмашади ва ҳ. Хуллас, Э. жанри тараққиётида ҳаётга яқинлашиб бориш тенденцияси кузатилади: уларда ижтимоий ҳаётнинг турли қирралари, мураккаб ижтимоий муносабатлар, отабоболарнинг ижтимоий идеаллари акс этади. Фаол ва кенг оммалашган жанр сифатида Э.лар кишилик жамиятида улкан тарбиявий миссияни ўтагани шубҳасиздир. Кўплаб ижодкорлар (мас., А.Пушкин, Ҳ.Олимжон) дилларида сўз санъатига меҳр болалиқда эшитган Э.лар туфайли туғилганини эътироф этадиларки, ёзма адабиётда жанрга хос унсурлардан кенг фойдаланилиши, адабий Э.нинг

Адабиётшунослик луғати

турли қўринишлари мавжудлиги шундан. Ҳ.Андерсен, Ш.Перро, ака-ука Гриммлар, А.Пушкин каби ёзувчилар яратган адабий Э.лар жаҳон миқёсида шуҳрат топган. Ўзбек адабиётида F.Фулом, Ҳ.Олимжон, А.Мухторлар ижодида адабий Э.нинг яхши намуналари бор.

ЭССЕ (фр. *essai* – тажриба, синааб қўриш) – муаллифнинг у ёки бу масала (муайян воқеа-ҳодиса, ҳаётий ҳолат ва ш.к.) бўйича шахсий мулоҳазалари баён қилинувчи насрый асар; адабий жанр. Э.нинг композицион қурилишига ҳам, тематик томонига ҳам чекловлар қўйилган эмас, у муаллифга ўз фикр-мулоҳазалари, кечин-маларини том маънода эркин ифодалаш имконини беради. Тематик жиҳатдан тарихий, биографик, адабий-танқидий, илмий-оммабоп ва ш.к. қўринишларга эга бўлган Э.га хос яна бир хусусият шуки, у қўйилган масаланинг тугал ечимини тақдим этиш даъвосини қилмайди, масала муаллиф ҳаётий тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, унинг онгию қалбидан ўтказиб ёритилади. Шу боис Э. марказида муаллиф шахси туради, баён кўзга яққол ташланувчи субъектив бўёқдорликка эга бўлади. Мутахассислар Э.нинг мустақил адабий жанр сифатида шаклланиши XVI асрга тўғри келади деб ҳисоблайдилар ва буни француз адаби М.Монтень (1533 – 1592) фаолияти билан, жанрнинг номини эса унинг 1580 йилда чоп этилган “Essays” (Тажрибалар) асари билан боғлайдилар. Айни чоғда, Э.га хос элементлар бунга қадар ҳам бўлгани, жумладан, уларни антик давр адаби Лукиан нутқларида кузатиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Э.га хос хусусиятлар Шарқ адабиётида, хусусан, ўзбек адабиётида ҳам қадимдан мавжуд (мас., Навоий. “Маҳбуб ул-кулуб”). Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Э. табиатига хос эркинлик унинг ривожига нафақат профессонал ёзувчилар, балки бошқа соҳа кишилари (олимлар, файласуфлар ва б.)нинг ҳам сезиларли ҳисса қўшишига имкон берди. Э.га хос хусусиятлар сўнгти давр адабиётидаги бошқа жанрлар структурасига ҳам сезиларли таъсир этди, айрим йўналишларнинг эса (мас., постмодернизм) устувор белгиларидан бирига айланди. Ҳозирги ўзбек адабиётида Ш.Холмирзаев, О.Мухтор, Х.Даврон, Х.Султонов каби ижодкорлар, шунингдек, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов каби адабиётшуносларнинг Э. жанридаги асарлари китобхонлар орасида машхур.

Адабиётшүнослик луғати

ЮМОР (ингл. *humour* – кайфият, мойиллик) – 1) комиклик турларидан бири. Бадий асарда кишилар, воқеа-ҳодисалар устидан енгил, дұстона, бегарас кулиш. Ю.да кулгилилик очиқ-ошкора на-моён бўлади, аммо ошкор кулги остида енгил-елпи ҳазил, кўнгилхушлик мақсади эмас, жиддийлик мавжуд. Ю. ўз обьектида қисман бўлса-да идеалга мувофиқ жиҳатларни кўради, уни мукаммаллаштириш, нуқсонларини бартараф қилиш, ундаги умуминсоний қимматга молик жиҳатларни юзага чиқариш мақсадини кўзлайди. Шунинг учун ҳам Ю.да танқид руҳи, нуқсонлар устидан кулиш билан бирга хайриҳоҳлик, ачиниш ҳам мавжуд. Ю.нинг қатъий чегараларини белгилаш ниҳоятда мушкул, шу боис у, кўпинча, комикликнинг сатира, киноя, сарказм (қ.) каби кўринишлари билан қиёсан тушунтирилади. Жумладан, манбаларда Ю.нинг сатирадан фарқли ўлароқ, обьектни тўла эмас, балки унинг айрим жиҳатларинигина инкор қилиши таъкидланади. Ю.да кулги ниқоби остида жиддийлик, кинояда эса жиддийлик ниқоби остида кулги яширинган бўлади. Шу қарашлардан келиб чиқиб, баъзан обьектга нисбатан хайриҳоҳ муносабатни Ю.нинг белгиловчи хусусияти сифатида кўрсатиш ҳоллари ҳам бор. Бироқ бу қарашга тўла кўшилиб бўлмайди, чунки Ю.нинг эмоционал диапазони ғоятда кент бўлиб, у шафқат ва ҳамдардликдан (Ғ.Фулом. “Менинг ўғригина болам”) тортиб шафқатсиз (А.Қахҳор. “Бошсиз одам”), ҳатто “қора юмор”гача қамраб олади. Сарказм, закийлик, карикатура каби комиклик кўринишларидан фарқли равишда, Ю. ва сатира асар пафоси даражасига кўтарилиши мумкин. Ю.га пафос кўриниши сифатида қаралганда, унинг идеалга бутунлай зид бўлмаган обьектга қаратилган бўлиши (Г.Поспелов) назарда тутилади. Агар юмористик пафос обьектнинг ижтимоий мавқедан туриб инкор қилинишини кўзда тутади. XX аср жаҳон адабиётида Ю.даги хайриҳоҳлик, асосан, сақланиб қолгани ҳолда, ачиниш туйғуси сусайиб боргани кузатилади. Мазкур ҳол, айниқса, модернистик ва постмодернистик адабиётларда яққол кўзга ташланадики, уларда “қора юмор” устуворроқ мавқе тутади. Бу эса уларнинг дунёқарашидан келиб чиқувчи обьектни ўзгариши, тузатиш имконларига ишонмаслик, бунга умидсиз қараш натижасидир; 2) бадийийлик модуси. Ю.га хос “мен – оламда” концепциясига кўра, қаҳрамон ижро этаётган роль унинг тақдири ёки бурчи эмас, балки бир ниқоб, холос. Юмористик

Адабиётшунослик лұғаты

модусдаги эңг олий қадрият – индивидуаллик, фақат бу индивидуаллик қаҳрамон муттасил алмаштириб турувчи ниқоб ортида қолиб кетади. Юморист ўз вазифасини ниқоб ортидаги моҳиятни, индивидуалликни күриш ва күрсатышда деб билади. Мұхими, бошқа модуслардаги каби, қаҳрамон юморист учун ҳам үзини англаш обьекті, яғни муаллиф қаҳрамон (унинг ўз ниқобига мос далли-девона қилик-харакатлари) орқали ниқобдан халос бўлиш йўлини “яшаб ўтади”. Худди шу йўлни асарни қабул қилиш жараёнида ўкувчи ҳам босиб ўтадики, шу жиҳатдан субъект – обьект – ўкувчи бирлиги ҳақида, демак, бадиийлик модуси ҳақида гапириш мумкин бўлади. Mac., Э.Воҳидовнинг “Донишқишлоқ латифалари” туркумига кирган шеърларнинг ҳар бири – Матмусанинг турли ҳаётий ҳолатлардаги “ниқоб”лари. Бу воқеалар – Матмусанинг үзини намоён этиш, нималарга қодирлигини күрсатиб қўйиш, мавжудлигини тасдиқлаш йўлидаги хатти-харакатлари. Лекин мазкур хатти-харакатларда кўп номувофиқликлар (мақсад билан имкон, мақсад билан восита, даъво билан реаллик ва ҳ.) кузатиладики, қачонки қаҳрамон шуни англаса, ниқобдан халос бўлиши ва ўзлигига қайтиши мумкин. Э.Воҳидов латифаларида Матмуса доим ҳам ниқобдан халос бўлмайди. Лекин шоир ниқобдан халос бўлиш заруратини англатади, яғни Матмуса эплай олмаган ишни китобхон уddyалашига умид қилади. Шу асосда туркумни ўқиши жараёнида субъект – обьект – ўкувчи бирлиги таъминланади, “Донишқишлоқ латифалари” яхлит ҳолда юмористик бадиийлик модусига тааллуқли бўлади.

“ЯНГИ РОМАН” – XX асрнинг 50-йилларида майдонга чиққан бир қатор француз ёзувчилари (Н.Саррот, А.Роб Грие ва б.)нинг роман бобидаги экспериментал изланишларига хос хусусиятларни англатувчи шартли термин. Я.р. тарафдорлари анъанавий проза ўз имкониятларини тўла сарф этиб бўлган деб ҳисоблаб, янгиша ри-воя йўсунини ишлаб чиқишига ҳаракат қилганлар. Я.р. намояндаларининг қарашлари “инсон ўлими” фалсафасига (А.Фуко) ҳамоҳанг: улар шахс тушунчасининг ўзи эскирган, шунинг учун ҳам уни анъанавий прозадаги каби марказга қўйиб тасвиirlаш, анъанавий тарзда бадиий талқин қилишни ноўрин билиб, қаҳрамонсиз ва воқеабанд сюжетсиз романлар яратишни тажриба қиладилар. Анъанавий роман, умуман, эпосга хос мазкур эңг мұхим унсурлар Я.р. намояндалари тажрибаларида ташқи дунёдаги нарсаларнинг холис ва бўртиқ тасвири, онгости қатламларидаги сирли эврилиш-

Адабиётшүнослик луғати

лар, мозаика қонунияти асосида бутунликка бирикувчи фикр-кечинмалар билан алмаштирилади, ривоя күпроқ эссеға хос хусияттар касб этади.

ҮЗЛАШТИРИШ – адабий алоқанинг күринишларидан бири, адабий таъсирнинг натижаси; ижодкорнинг адабиётда үзига қадар мавжуд бўлган сюжет, образ, гоя ва ш.к.ларни истифода этиши. Адабий жараёнда Ў. англанган ё англамаган тарзда воқе бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда ижодкор аввал яратилган асадардан Ў.га чоғланаркан, салафи билан ижодий мусобақага киришади, натижада үзлаштирилган сюжет, образ ва ш.к.ларнинг янгича ва үзига хос бадиий талқини вужудга келади. Mac., A.Навоий онгли равишида “Низомий панжасига панжа урган”и, ҳазратнинг Низомий билан ижодий мусобақага киришиш нияти, асарининг устози яратган дostonдан қайси жиҳатлари билан фарқ қилиши “Фарҳод ва Ширин” достони дебочасида аниқ-равшан ифодаланган. Айтиш керакки, A.Навоий амал қилган ижодий ёндашувгина Ў.нинг адабий жараёнда ижобий ҳодиса бўлишини, пировард натижада бадиий тафаккур ривожига самарали таъсир кўрсатишини таъминлайди. Бадиий ижод амалиётида анча кенг учрайдиган англанмаган тарзда воқе бўлувчи Ў.нинг омиллари турлича бўлиб, асосийларидан бири сифатида таъсирланиш кўрсатилиши мумкин. Ижодкор қачондир ўқиган асаддаги воқеа, ҳолат, ифода ва ш.к.лардан кучли таъсирланиши мумкинки, вақт ўтиб, ўша воқеа, ҳолат, ифода ва ш.к.ларнинг ўзи унутилса-да, таассурот унинг онгости қатламларида чукур из қолдирган, бас, у вақти келиб ижод жараёнда онгости қатламларидан қалқиб чиқиши ва беихтиёр асадда акс этиши ҳам мумкин. Шу йўсин воқе бўлган Ў.лар, мас., Навоий шеърларидаги оҳанг, рух, ташбеҳу тамсиллар, лирик ҳолатлар Бобурдан тортиб ҳозирги ғазалчиликка қадар кузатилиши мумкин. Мазкур ҳол, умуман, Ў.лар адабий ҳодисаларнинг қайси замон ва маконга мансублигидан қатъи назар, бир-бири билан диалогик алоқада мавжуд эканини ёрқин намоён этади.

Ў. қамрови ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, у турлика кўриниш ва турли даражада намоён бўлади: *тақлид* (к.), *стилизация* (к.), *пародия* (к.), *реминисценция* (к.), *парафраза* (к.) каби. Умуман олганда, Ў. адабий жараёнда қонуният мақомида мавжуд бўлган ижобий ҳодиса ва шу маънода уни кўр-кўрона тақлиддан, *плагиат* (к.), *эпигонлик* (к.) кабилардан фарқламоқ зарурдир. Шунингдек, Ў. би-

Адабиётшунослик луғати

лан миллий адабиётлар орасидаги типологик ўхшашикларни фарқлаш керак. Мас., Европа маърифатчилик адабиёти билан жадид адабиёти орасида мавзу, foя, образ, бадий шакл кабиларда кузатилувчи ўхшашиклар адабий алоқа ва таъсир (гарчи буни тўла инкор қилиб бўлмаса ҳам) натижаси деб эмас, балки уларни келтириб чиқарган ижтимоий-тарихий, маданий-маърифий омилларнинг ўхшашилиги билан изоҳланади. Ёки 80-йиллар ўзбек насирида бўй кўрсатган “ортиқча одам”, “кичкина одам” каби персонаж типларини ҳам XIX аср рус адабиётидан Ў. дейиш унчалик тўғри эмас, чунки давр ижтимоий воқелигининг ўзида шундай шахс типлари бўлган ва адабиёт уларни акс эттирган.

ЎХШАТИШ – тасвир объектини бошқа нарса-ҳодисага ўхшатиш орқали ёрқин ва бўрттириб тасвирилашга асосланган бадий тасвир воситаси бўлиб, бунда ўхшатилаётган нарса-ҳодисалар учун умумий белги-хусусиятларга таянилади. Айрим адабиётларда Ў. кўчимнинг содда тури деб ҳам юритилади. Бироқ бу унчалик тўғри эмас. Чунки Ў.да маъно кўчиши кузатилмайди, унда, маъно кўчишининг ўхшатиш асосидаги тури бўлмиш метафорадан фарқли ўлароқ, ўхшатилаётган нарса ҳам, ўхшаётган нарса ҳам матнда сўз билан ифода этилади. Мас., қиёсланг: “Камондек қошлари киприклиридан ўқ отар доим” – “Бағрим нишон айлар икки камонинг”. Иккала мисрада ҳам қош камон (ёй)га ўхшатилмоқда, бироқ: биринчи мисолда ўхшатилаётган нарса (қош) ҳам, ўхшаётган нарса (камон) ҳам матнда бор, иккинчи мисолда ўхшатилаётган нарса тушириб қолдирилган ва у ўхшаётган нарса номи билан аталган. Яъни биринчи мисол ўхшатиш бўлса, иккинчиси метафора (истиора)дир. Аксарият ҳолларда Ў. турли грамматик воситалар: -дек (-дай) қўшимчаси ёки “гуё”, “каби”, “худди”, “мисли”, “мисоли”, “янглиғ”, “бамисоли” каби қўмакчилар воситасида амалга ошади. Шу билан бирга, Ў. грамматик воситаларсиз амалга ошган ҳоллар ҳам тез-тез кузатилади. Мас.: “Мұҳаббат – чиройли капалак...”, “Умр – қумсоат ҳам яримлаб қолди” (Ш.Раҳмон). Мумтоз адабиётшуносликда Ў. ташбех деб юритилади ва у шеъриятда жуда кенг қўллангани боис, илми бадиъда муфассал ишланган санъатлардан саналади (қ. ташбех).

ЎТА ЧЎЗИҚ ҲИЖО – қаранг: ҳижо

ҚАЙД (ар. دَيْد – банд, боғланган) – қаранг: муқайяд қофия

Адабиётшунослик луғати

ҚАЛБ (ар. قلب – тескари қилмок, ағдармоқ) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, сўзни чаппасига ўқиса ҳам маъно чиқадиган тарзда кўллаш, жумлага шу тарзда тартиб бериш; Ғарб адабиётшунослигига палиндром (к.) деб юритилади. Қ.нинг бир қатор қўринишлари фарқланади: 1) мақлуб-и кулл – бунда байтдаги сўз (ёки жумла)нинг ҳарфлари, уларнинг тартиби ва миқдорини ўзгартиргмаган ҳолда чаппасига ўқилса, бошқа бир сўз келиб чиқади: роз – зор, кўй – йўқ, лўқ қилғай – ёғлиқ қўл; 2) мақлуб-и баъз – сўз (ёки жумла) таркибидаги ҳарфлар ўрнини қисман ўзгартириб чаппа ўқилса, бошқа бир сўз келиб чиқади: қарам – камар, қамар – рақам; 3) мақлуб-и мужаннаҳ – бунда мақлуб-и кулл талабларига жавоб берадиган сўзлардан бири мисра (ёки байт) бошида, иккинчиси мисра (ёки байт)нинг охирида жойлашади; 4) мақлуб-и муставий – бунда бутун бошли ибора чаппасига ўқилганда, шу иборанинг ўзи ҳосил бўлади. Қ.нинг ушбу нави турли даражада (мисранинг бир қисми, мисра ёки байт доирасида) воқе бўлиши мумкин.

Бу ўринда Қ. санъати араб имлоси қоидалари асосида амалга ошгани, ҳозирги ёзувда мазкур санъат қўлланган ўринларни илғаб олиш қийинлигини ҳам ёдда тутиш лозим.

ҚАРИБ (ар. قریب – яқин) – аруз баҳрларидан бири, музориъ баҳрига яқин бўлгани учун шундай номланган. Манбаларда бу баҳрни Юсуф Нишопурий кашф этгани айтилади. 2 та мағоийлун ($v - - / v - -$) ва 1 та фоилотун ($- v -$) аслларининг тақроридан ҳосил бўлади. Қ. баҳри араб шеъриятига хос бўлиб, ўзбек шеъриятида қўлланмаган. Навоийнинг “Мезон ул-авzon” асарида ҳам, Бобурнинг “Мұхтасар”ида ҳам қариби мусаддаси солим ($v - - / v - - / -v - -$) вазнига:

Жамолингдин куёш асрү бор ўётлиқ,
Сочингга банда боғ ичра сунбул отлиқ, –

байти мисол сифатида келтирилган. Бундан ташқари, Бобур мазкур баҳрнинг яна ўн уч вазнига маҳсус мисол сифатида байтлар битган. Мас.:

Қаро қўзум берига кел қарам этгил,
Мени висол бирла муҳтарам этгил, –

байти қариби мусаддаси мақбузи маҳбун ($v - v - / v - v - / v v - -$) вазнида ёзилган.

Адабиётшүнослик луғати

ҚАСИДА (ар. **قصيدة** – мақсад, ният қилиш) – мумтоз лирикадаги жанр; бирор шахс (шоҳ, арбоб, қаҳрамон), бирор муҳим воқеа, табиат ва ш.к.ларни мадҳ этиш, уларнинг юксак фазилат ва хусуси-ятларини эътироф этиш мақсадида ёзиладиган шеър. Қ. ғазал ти-тида (а-а, б-а, в-а...) қофияланади, лекин ундан фарқли ўлароқ, ҳажм жиҳатидан чекланмаган бўлиб, унда таҳаллус келтириш шарт ҳисобланмайди. Кимнидир ёки ниманидир мадҳ этиш мақсади устувор бўлгани учун Қ., одатда, кўтаринки, тантанавор услубда, ба-ланд пардаларда ёзилади. Мумтоз шеъриятида Қ.нинг композиция-сига қўйилувчи талаблар ишлаб чиқилган. Унга кўра, Қ. кириш (*на-сиб* ёки *ташбиб*), таъриф жойи, объектиning баёни (*гузиргоҳ*), мадҳ ва мамдуҳ (мақталувчи) ҳақига дуо ва шоир нияти (*қасд*) каби қисмлардан иборат бўлади. Агар Қ.да кириш қисми бўлмаса, маҳдуд деб аталади. Шарқ мумтоз шеъриятида Носир Хисрав, Ун-сурӣ, Анварий, Хоқоний, Дақиқий, Рудакий, Саккокий, Лутфий, Жомий, Гадоий, Навоий, Мунис, Комил каби шоирлар ижодида Қ. жанрининг яхши намуналари бор. Мумтоз адабиётда Қ.лар, асосан, ўша давр ҳукмдорлари, подшоҳларнинг мадҳига бағишлиланган. Шоир бирор шахсни ёки жойни мадҳ этар экан, ўзига хос муболағали ташбехлар қўллашга уринади. Мас., Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағишлиланган "Ҳилолия" қасидасида шундай мисралар бор:

*Шоҳлар шоҳи демай, ул шоҳларнинг шоҳиким,
Ҳар бири юз шоҳлар шоҳича тутқай мукнатин.*

Яъни "Уни, (яъни Ҳусайн Бойқарони) шоҳлар шоҳи демайман, чунки (у) ҳар бири юз шоҳларнинг шоҳи бўлган шоҳларнинг шоҳидир. (Унинг) юксаклиги шу даражадаки, ҳар бири юз шоҳга шоҳ бўлган шоҳларнинг ҳар бири (унга) ўз мукнати, яъни бор давлатини, бойлигини тутади, оёғининг остига келтириб ташлайди". Қ.ни дастлаб икки турга бўлишган: 1) ортиқча мақтов, дабдабалардан холи бўлган фалсафий мазмундаги Қ.лар. Қ.нинг бу тури дастлаб араб адабиётида пайдо бўлган; 2) Қ.и маснуъ – ўзига хос безакларга эга бўлган, санъат даражасидаги Қ.лар. Шунингдек, айrim манбаларда Қ.лар мазмунига кўра Қ.и баҳория, Қ.и мадҳия, Қ.и фахрия, Қ.и ҳазония, Қ.и ҳажвия, Қ.и ҳолия, Қ.и ишиқия, Қ.и ҳамрия каби турларга ҳам ажратилган. Янги давр шеъриятида ҳам, жумладан, Чархий, Чустий, Ҳабибий, Улфат, Э.Воҳидов каби шоирлар ижодида Қ. жанрида ёзилган асрлар учрайди. Ҳусусан, Эркин

Адабиётшунослик луғати

Воҳидовнинг машхур “Ўзбегим”, “Инсон”, “Қуллар” каби Қ.лари катта шуҳрат қозонган.

ҚАҲРАМОН, адабий қаҳрамон – 1) асар персонажлари тизимида етакчи мавқе тутиб, ғоявий-бадиий концепцияни шакллантириш ва ифодалашда муҳим роль ўйновчи шахс образи. Терминни бу маънода тушуниш эпик ёки драматик асар персонажларини дараҷалашни кўзда тутади: сюжет воқеалари Қ. атрофида уюштирилиб, бошқа персонажлар у билан боғлиқ ҳолда асар воқелиигига киритилади; улар Қ. билан интегратив алоқада (ҳоким-тобе) бўлиб, унга нисбатан ёрдамчи функцияларни бажаради. Кўп чизиқли мураккаб сюжет қурилишига эга йирик ҳажмли асарларда бир эмас, бир нечта Қ. ҳаракатланиши ҳам мумкин. Бу ҳолда персонажлар системаси ўз ичидаги микросистемаларга ажралиб, уларнинг марказида Қ.лардан бири туради. Мас., “Кеча” романининг бошланишида шундай микросистемалар иккита: бирининг марказида Зеби, иккincinnинг марказида Акбарали туради. Воқеалар ривожи давомида Зеби микросистемаси емирилиб, унинг ўзи Акбарали микросистемасининг элементига айланади, Мирёқуб ва Рассоқ сўфилар эса янги микросистемани ташкил қиласди. Бундан аён бўладики, “Кечада” тўртта Қ. бор: Зеби, Акбарали, Мирёқуб ва Рассоқ сўфи. Ўз навбатида, бу Қ.лар ҳам асар сюжет-композицион қурилишидаги ўрни ва муаллиф концепциясини ифодалашдаги аҳамияти нуқтаи назаридан дараҷаланиши, бош ва иккичи дараҷали Қ.ларга ажратилиши мумкин: романнинг сюжет-композицион қурилиши нуқтаи назаридан Зеби бош Қ. бўлса, бадиий концепциясини бутлаш ва ифодалашдаги роли нуқтаи назаридан Мирёқуб бош Қ.дир. Кичик ҳажмли эпик асарларда (ҳикоя ва аксарият қиссаларда), одатда, битта Қ. ҳаракатланади. Бироқ бунга қатъий қоида деб қарамаслик керак, ундан чекинилган ҳолатлар ҳам кўплаб учрайди. Мас., тасвирланыётган хаётий ҳолатнинг ўзи етакчи эстетик аҳамият касб этган “Анор” (А.Қаҳҳор) ҳикоясида Туробжон ҳам, унинг хотини ҳам бирдек Қ. саналишлари мумкин.

Қ. фақат эстетик категориягина бўлмай, этик категория ҳамдир. Шунинг учун адабиётшунослиқда ижобий Қ., салбий Қ. тушунчалари ҳам фарқланади. Гарчи сўнгги йилларда адабий Қ.ларни бу тарзда таснифлаш танқид остига олиниб, унга адабиётни жўнлаштириш деб қаралаётган бўлса ҳам, тасвир предметига муаллиф муносабати мавжуд экан, бу қонуний ҳодиса бўлиб қолаверади. Фақат

Адабиётшунослик луғати

бу ўринда битта муҳим шарт бор: ижобий ёки салбий Қ.га аввалдан шаклланган симпатия ёки антипатия асосида муносабатда бўлмай, унга, аввало, эстетик ҳодиса сифатида ёндашиш зарур. Бу шарт бажарилмаган ҳолда ўқувчи бадий воқеликни Қ.лардан бири ёки нари борса ровий нигоҳи билангина кўрадики, натижада ўқиш жараёни ижодийликдан мосуво бўлади. Адабиётшунослиқда аксил-қаҳрамон (қ) тушунчасининг мавжудлиги Қ. эстетик категориягина бўлмай, этик категория ҳам эканлигининг яна бир далилидир; 2) муомала амалиётида, баъзан илмда Қ. термини адабий асарда ҳаракатланувчи ҳар қандай шахс образи маъносида ҳам кўлланади. Бу ҳолда у персонаж терминига синоним бўлиб, ҳеч қандай даражаланишни кўзда тутмайди.

ҚАҲРАМОНЛИК (русчадан калька “героическое”) – бадиийлик модуси. Қ. бадиийлик модуслари (қ) ичидаги энг қадимиёси саналади. Кишилик жамияти тараққиётининг илк босқичларида яратилган асарлар марказида ғайриоддий куч-кудрат, матонатга эга қаҳрамонлар ҳаракатланади. Халқ даҳоси уларни илоҳийлаштиради ва шунга яраша чексиз эҳтиром билан муносабатда бўлади (мас., Геракл, Ахиллес; Алпомиш, Гўрӯғли ва б.). Буни қаҳрамон атамасининг этимологияси ҳам ошкор қилиб туради: “*heros* – яримхудо, илоҳий одам”. Қ. модусидаги асар марказига чиқарилган шахс учун умуминсоний қадриятларга асосланган олий мақсадни амалга ошириш мавжудлигини тасдиқлашнинг ягона усулига айланади. У ўзини ана шу олий мақсадни амалга оширувчи сифатида англайди, адолат, ҳақиқат йўлида фидойилик билан курашади; фавқулодда ақл-заковат ва куч-кудрати билан атрофдагилардан яқол ажralиб туради. Энг муҳими, бундай шахс тақдир ўзига белгилаган роль билан шахсий манфаатлари, майллари, имкониятлари орасида қарама-қаршилик кўрмайди. Аниқроғи, у ўзининг шахсий манфаатларию орзу-истакларини шу мақсаддага бўйсундиради, зарур бўлса, мақсад йўлида улардан иккilanмай воз кечади. Манбаларда Қ. модус сифатида факат “қаҳрамонлар асли” учунгина хос (Гегель) тарзидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бироқ бунга қўшилиш қийин. Чунки миллий давлатчиликни шакллантириш, миллий озодлик ва мустақилликни ҳимоя қилиш жамият олдидаги энг муҳим ва долзарб вазифага айланган даврларда уларни уddeлаш айrim кучли шахслар зиммасига тушади. Яъни мамлакат мустақиллиги учун жиддий хавф туғилган паллаларда, жамият тараққиётидаги инқи-

Адабиётшунослик луғати

роз ҳолатларида ёки таназзулдан кейинги қайта тикланиш даврларида кишиларнинг қаҳрамонона хатти-ҳаракатлари учун имкон ва эҳтиёж туғилади. Ана шу эҳтиёжни англаш, ўз навбатида, адабиётда Қ. модусини заруриятга айлантиради, натижада моҳияттан шунга мос кўплаб образлар яратилади. Мас., уруш йилларида яратилган "Муқанна" (Ҳ.Олимжон), "Маҳмуд Торобий" (Ойбек), "Жалолиддин" (М.Шайхзода) каби кўплаб асарларда, шунингдек, истиқлол арафаларида яратилган айрим асарларда (мас., Ҳ.Султонов. "Бунчалар ширинсан, аччиқ ҳаёт"; А.Ибодинов. "Қўёш ҳам олов") Қ. модуси етакчилик қиласи.

ҚИЁСИЙ МЕТОД – фаннинг турли соҳаларида, жумладан, адабиётшуносликда ҳам кенг қўлланувчи тадқиқот усули. Ушбу усул моҳияти икки ёки ундан ортиқ нарса-ҳодисаларни ўзаро қиёслаб, уларнинг ўхаш ҳамда фарқли томонлари, буларни келтириб чиқарган омилларни аниқлаш орқали муайян илмий хуласа ва умумлашмалар чиқаришдан иборатdir. Адабиётшуносликда Қ.м.-ни қўллаш имконлари жуда катта, чунки қиёслаб ўрганилиши илмий жиҳатдан аҳамиятли бўла оладиган объектлар доираси бениҳоя кенг: асар билан бошқа бир асар (бир адабнинг ёки бир неча адабнинг асари; бир жанрда яратилган асарлар, турли даврларда яратилган асарлар ва ҳ.); бир адабий ҳодиса билан бошқа бир адабий ҳодиса (бир даврдаги адабий ҳодисалар; турли даврлардаги адабий ҳодисалар ва ҳ.), бир давр адабиёти билан бошқа бир давр адабиёти, бир миллий адабиёт билан бошқа бир миллний адабиёт ва ҳ. Қ.м. асосидаги тадқиқотлар кенг кўламли назарий умумлашмалар чиқариш, адабиётнинг яшashi ва тараққиётига оид умумий қонуниятларни аниқлаш имконини беради. Адабиётшуносликда Қ.м. XIX асрдан бошлаб, айниқса, кенг қўлланила бошлади, адабий ҳодисаларни тарихий аспектда қиёслаб ўрганишга эътибор кучайди: тарихий-қиёсий адабиётшунослик (қ. компаративизм) майдонга келди. Ҳозирги адабиётшуносликда ҳам Қ.м.дан, жумладан, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик тадқиқ усулларидан кенг фойдаланилади.

ҚИССА (ар. **قصة** – ҳикоят, саргузашт) – 1) ҳалқ оғзаки ижодида кенг тарқалган воқеабанд характердаги, қаҳрамон ҳаёти ва саргузаштларини ҳикоя қилувчи ривоявий асар. Ҳалқ ижодидаги Қ.лар оғзаки ижро қилинган, фольклорнинг бошқа жанрлари каби варини

Адабиётшунослик луғати

антлилилк хусусиятига эга бўлган. Кейинча кўплаб халқ Қ.лари иқтидорли кишилар томонидан (кўп ҳолларда уларнинг исми но-маълумлигича қолган) адабий қайта ишланиб, ёзма шаклда – халқ китоблари сифатида яшай бошлаган (мас.: “Қиссаи Машраб”, “Иброҳим Адҳам қиссаси”, “Зуфунун қиссаси”). Ўзбек адабиётида пайғамбарлар ва авлиёлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи ривоявий асарлар ҳам Қ. деб аталган (мас., Рабғузий. “Қисас ул-анбиё”; А.Навоий. “Тарихи анбиё ва хукамо”); 2) эпик турнинг ҳикоя ва роман қаторидаги учта асосий жанридан бири, повесть. Ўзининг жанр хусусиятлари билан Қ. ҳикоя ва роман оралиғидаги ҳодисадир: ҳикояда қаҳрамон ҳаётидан биргина воқеа, романда қаҳрамон ҳаётининг муракқаб ижтимоий муносабатлар тизимидағи катта бир даври, Қ.да қаҳрамон ҳаётининг бир босқичи қаламга олинади. Ҳикоянинг дикқат марказида воқеа, романнинг дикқат марказида қаҳрамон воситасида идрок этилаётган олам (жамиятнинг жорий ҳолати) турса, Қ.нинг марказида ҳамиша қаҳрамон туради. Яъни роман учун қаҳрамон восита, Қ. учун эса мақсаддир. Шунга кўра Қ.даги барча воқеалар қаҳрамон атрофида уюштирилади, унинг сюжети романники каби кўп тармоқли бўлмайди. Адабиётшуносликда Қ. билан повесть терминларининг қўлланиши турлича: улар синоним сифатида ҳам, бошқа-бошқа жанр номлари сифатида ҳам ишлатилади. Қ. билан повестни бошқа-бошқа жанрлар деб тушуниш етарли асосга эга эмас, шунинг учун уларни синоним сифатида тушуниш кенгроқ оммалашган. Ҳозирги ўзбек адабиётида Қ. фаол эпик жанрлардан саналиб, XX аср давомида ўзбек қиссачилиги жиддий муваффақиятларга эришиди. Бунда, жумладан, жанрнинг яхши намуналарини яратган F.Гулом, А.Қаҳҳор, О.Ёкубов, П.Қодиров, Ш.Холмирзаев, Ў.Хошимов, М.Муҳаммад Дўст, Э.Альзамов, Х.Султонов каби адилларнинг изланишлари, айниқса, самарали бўлди.

ҚИСҚА ҲИЖО – қаранг: ҳижо

ҚИТЪА (ар. قطعه – парча, бўлак, қисм, бир кесим) – Шарқ мумтоз шеъриятида кенг тарқалган, икки байтдан бир неча ўн байтгача (айрим манбаларда 19 байтгача деб белгиланган) ҳажмдаги, жуфт мисралари ўзаро қофияланиб, тоқ мисралари очиқ қолувчи (б-а, в-а, г-а тарзида) шеър шакли; лирик жанр. Гарчи кўпроқ ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-тарбиявий, фалсафий мавзуларда яратилса-да, Қ.

Адабиётшунослик луғати

мазмун жиҳатидан ҳам, вазн жиҳатидан ҳам чегараланган эмас. Шарқ адабиётида насрый (дидактик, фалсафий, адабий-танқидий, илмий ва б. характердаги) асарларда фикрни далиллаш, хулосалаш, изоҳлаш каби мақсадларда Қ.лар келтирилган бўлиб, улар бошқа ижодкорлар асарларидан олинган фалсафий жиҳатдан тे-ран, дидактик характерга эга бўлган байтлар – парчалардир. Яъни бу асарларнинг муаллифлари ўз мақсадларига мос байтларни келтираркан, аввал “қитъа” сўзини қайд этишган. Шунга кўра, айrim манбаларда билдирилувчи Қ. мустақил асар сифатида яратилиши ҳам, қасида ёки ғазал ичидан бир неча байтни ажратиб олиш натижасида пайдо бўлиши ҳам мумкин, қабилидаги фикрларга қўшилиб бўлмайди. Бу ҳолда Қ. сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари фарқланмаган бўлади. Ҳолбуки, истилоҳий маънода Қ. муайян шакл хусусиятларига эга бўлган мустақил шеърий жанрни англатади, иккинчи томондан, муайян жанрга мансуб асар (ғазал ёки қасида)дан ажратиб олинган бир неча байт (ҳатто, мазмунан ғоят бой бўлса-да) янги ва мустақил асар бўлиб қолмайди, парча парчалигича қолади. Модомики, насрый асарлардаги парчалар, кўпроқ, қасида ва ғазаллар таркибидан ажратиб олинган экан, уларда кейинча пайдо бўлган Қ. жанри белгилари (мас., қофиylаниши) бўлиши табиий. Демак, бу ўринда Қ.нинг икки хил йўл билан яратилиши ҳақида эмас, жанрнинг генезиси ҳақида гапириш ўринли бўлади. Яъни насрый асарлардаги парчалар айни шундай (кофиylаниши бирмунча эркин, ҳажми кичик, мазмун ва вазн жиҳатидан чекланмаган) шакл тақдим этувчи имконларни кўрсатганки, шу асосда мустақил Қ. жанри пайдо бўлган. Ўзбек адабиётида Қ.нинг илк намуналари А.Яссавийда учраса, кейин юқоридагица қулайликлари сабаб бўлса керак, деярли барча мумтоз шоирларимиз лирик меросида салмоқли ўрин эгаллади. Ўзбек адабиётида Қ. жанрининг қарор топиши ва такомилида А.Навоийнинг ўрни бекиёс (ҳатто баъзан Навоийни шеъриятимиздаги Қ. жанри асосчиси сифатида эътироф этадилар), “Хазойин ул-маоний”га 210 та, “Девони Фоний”га 72 та, шунингдек, “Муншаот”, “Ҳолоти паҳлавон Муҳаммад”, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” каби қатор бошқа асарларига яна ўнлаб Қ.лар киритилган. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Навоий меросида Қ.нинг ғазал типида эмас, маснавий типида қофиylанувчи хиллари ҳам учрайди. Мас.:

Адабиётшүнослик луғати

Нукта асносида Ҳабибуллоҳ
Деди, алкасибү ҳабибуллоҳ.
Маъни айтур бу сўзга пири комил
Ки, сўзи эрди ҳақ сари шомил.
Ғараз эрмас бу касбдин дунё,
Бал эрур касбдин мурод фано.

ҚОЛИПЛАШ – воқеабанд асарларга хос композицион усул, ривояни “ҳикоя ичида ҳикоя” тарзида бериш. Яъни бунда битта қолипловчи ҳикоя бўлади ва шу ҳикоя ичида бир неча (ўнлаб, юзлаб) ҳикоялар берилади. Қ. усули жуда қадим замонлардан бошлаб кўлланган. Жумладан, ҳиндларнинг “Панчаратра”си шу усулда қурилган энг кўхна асарлардан саналади. Шарқда машҳур “Минг бир кечা” эртаклари ҳам шу усулда қурилган бўлиб, уни Қ. усулининг бетакор намунаси дейиш мумкин. Кейинча ёзма адабиётда ҳам Қ. усули кенг оммалашди (Ж.Бокаччо. “Декамерон”; А.Навоий “Лисон ут-тайр”; Гулханий. “Зарбулмасал” ва б.).

ҚОФИЯ (ар. **قفية** – мисра охиридаги сўзларнинг бир-бирига мос бўлиши) – шеърий мисралар охиридаги қўшимчча, сўз, баъзан сўз бирикмаларининг оҳангдош бўлиб келиши, аниқроғи, уларнинг таркибидаги товушлар гуруҳининг оҳангдошлиги. Қ. ритмик жиҳатдан мисрани таъкидлаш билан шеър ритмининг ҳис қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Шеърни ўқиши давомида (бу нарса, айниқса, ёддан ўқилганда ёки шеър тингланганда яққол сезилади) Қ. мисранинг тугаганидан дарак беради, пауза бажараётган ажратиш функциясини таъкидлайди. Шеъриятда Қ.нинг бир қатор қўринишлари (тўлиқ ва тўлиқсиз қофия; унлилар оҳангдошлигигагина асосланган ассонанс Қ., ундош товушлар оҳангдошлигигагина асосланган диссонанс Қ.; рус шеъриятида очиқ ёки ёпиқ бўғин билан тугашига қараб, очиқ – “женская рифма”, ёпиқ – “мужская рифма” ва б.) мавжуд. Жумладан, ҳозирги ўзбек шеъриятида қофиядаги товушларнинг қай даражада мослиги жиҳатидан оч (тўлиқсиз) ва тўқ (тўлиқ) қофиялар ажратилади. Тўқ қофияда қофиядош сўзларнинг товуш таркиби тўла (мас.: “бузиб – узиб”, “лўқиллаганда – лопиллаганда”, “излардан – юзлардан”) мос келса, оч қофияларда қисмангини (“даҳрий – қаҳридан”, “тутун – Аловуддин”, “титраб – гулдурак”) мос келади. Қ. шеърий нутқнинг оҳангдорлиги, мусиқийлиги ва таъсирдорлигини таъминловчи муҳим унсурлардан бири саналади.

Адабиётшунослик луғати

Шеърда аҳамияти катталаги боис мумтоз адабиётшуносликда Қ.ни ўрганувчи маҳсус соҳа – илми қоғия (қ.) шаклланган бўлиб, унда Қ., унинг унсурлари, турлари, эстетик вазифалари, Қ. билан боғлик санъатлар чуқур ўрганилган. Жўмладан, мумтоз шеършуносликда Қ.нинг унсурлари (равий, ридф, ноцра ва б.), турлари (мутлақ Қ., муқаййяд Қ.) мукаммал таърифланган.

Қўшиқ – халқ оғзаки ижодида шаклланган лирик жанр. Қ.нинг муҳим белгиси – ижро учун мўлжалланганлик. Қ.лар бирор мусиқа жўрлигига (лапар, ёр-ёр), муайян иш-ҳаракат ритми (қўш қўшиқлари, чархчи қўшиқлари ва б.) ёки маълум бир руҳий ҳолат моҳиятига (йўқловлар) мос тарзда ижро қилинган. Ёзма адабиёт, хусусан, XX аср ўзбек адабиётида фольклор анъаналарининг давоми сифатида Қ. жанри фаоллашди. Айрим манбаларда кўйга солиб ижро этилган шеърни Қ. деб айтадиларки, бу фикрда ноаниклик бор. Мас., Фурқатнинг “Сайдинг қўябер, сайёд” мусаддаси ёки Ҳазинийнинг “Фарғона тонг отгунча” ғазалини кўйга солиб ижро этиш билан улар Қ. бўлиб қолмайди, биринчиси мусаддас, иккинчиси ғазаллигича қолаверади. Яъни уларни қўшиқчилик санъати нуқтаи назаридан эмас. Адабий жанр сифатидаги Қ., юқорида айтилганидек, халқ оғзаки ижоди анъаналари заминида шаклланган бўлиб, у бир қатор жанр хусусиятларига эга. Аввало, Қ. ижро учун мўлжалланади, унда ижро имкониятлари ҳамиша кўзда тутилади. Шунинг учун: 1) аксар Қ.лар мавжуд халқ куйларига мослаб ёзилади (мас., Ҳамзанинг “Миллий ашуласар учун миллий шеърлар” тўпламига киритилган “Йигла Туркистон” шеъри халқда машҳур “Лўм-лўм Мамажон” ашуласи оҳангига мосланган); 2) мавжуд куйларга мосланмасдан, янги куй басталаш кўзда тутилган ҳолда ҳам Қ.нинг ритмик-интонацион, композицион қурилиши жиҳатидан шунга мос (енгил, ўйноқи оҳанг, товушлар уйғунлиги, мисра тақрорлари ва б.) бўлиши талаб қилинади. Ҳозирги шеъриятдаги халқ оғзаки ижодига стилизация (қ.) тарзида ёзилган шеърлар (мас., М.Юсуф. “Ёр-ёр”; С.Сайд. “Хоразмча”, И.Мирзо. “Фарғонача” ва б.)нинг аксарияти Қ. жанрига мансуб. Таъкидлаш керакки, адабий жанр сифатидаги Қ. ижро учун мўлжалланган, куи билан бирга туғилган бўлса ҳам, ҳофизлар томонидан куйланиши ё қўйланмаслигидан қатъи назар, Қ. бўлиб қолаверади.

Адабиётшунослик луғати

ҚҰШМА ВАЗН – бармоқ шеър тизимидағи вазн күринишларидан бири, мисраларида бүгінлар сони бир хил бўлмаган, бироқ мисралар муайян тартибда қўшилганда, изосиллабизм (бўгінлар сонининг тенглиги) тикланадиган ўлчов. Мак., У.Азимнинг куйидаги шеъри Қ.в.да ёзилган:

Қоқилади / хоргин отлар, 8 (4 + 4)

ғижирлайди / арава. 7 (4 + 3)

Ғилдираклар / изи йўлда 8 (4 + 4)

тўзгиётган / калава. 7 (4 + 3)

Ушбу шеър вазнининг Қ.в. дейилишига сабаб шуки, агар унинг иккита мисрасини бирлаштирусак, гўё мисралардаги бўгінлар сонининг тенглиги тикланади:

Қоқилади / хоргин отлар, / ғижирлайди / арава. 15 (4+4+4+3)

Ғилдираклар / изи йўлда / тўзгиётган / калава. 15 (4+4+4+3)

ҒАЗАЛ (ар. ﻓَزْل – аёлларга хушомад қилиш, аёлларни мадҳ этиш) – Шарқ мумтоз шеъриятида энг кўп тарқалган лирик жанр, 3 – 4 байтдан 19 байтгача бўлган ҳажмда ёзилиб, а-а, б-а, в-а, г-а... тарзида қофияланувчи шеър. Гарчи манбаларда Ғ. ҳажми 19 байтгача деб кўрсатилса ҳам, адабиёт тарихида 23 байтгача бўлган Ғ.лар ҳам учрайди. Ғ. VII аср араб шеъриятида пайдо бўлган, форс-тожик адабиётидаги илк Ғ.лар муаллифи сифатида “одам ушшуаро” Абу Абдулло Рудакий (тахминан 860 – 941) эътироф этилади. Ғ.нинг ўзбек адабиётидаги илк намуналари эса Рабгузийнинг “Қисаси Рабгузий”, Хоразмийнинг “Мұхаббатнома”, Саид Аҳмаддинг “Таашшуқнома” асарлари таркибида учрайди. Кейинги даврларда яшаб ижод қилган деярли барча шоирлар ижодида Ғ. етакчи жанр бўлиб қолди. Айтиш мумкинки, ўзбек мумтоз адабиётида мазкур жанрда ижод қилмаган шоир деярли топилмайди. Жумладан, Сайфи Саройи, Атоий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо, Сўфи Оллоёр, Оғаҳий, Увайсий, Нодира каби мумтоз шоирлар ўзбек адабиётида Ғ. жанри тараққиётига сезиларли ҳисса қўшганлар. Адабиётимизда Ғ. жанри ривожига қўшган тенгсиз ҳиссаси учун Алишер Навоий ҳақли равиша “ғазал мулкининг сultonи” деган юксак эътирофга сазовор бўлган. Янги давр шеъриятида ғазалчилик анъаналари Ҳабибий, Чархий, Чустий, Э.Воҳидов, Ж.Камол каби ўнлаб шоирларимиз томонидан муваффақиятли давом эттирилдики, Ғ.ни ҳозирги шеъриятда ҳам нисбатан фаол бўлган жанрлардан санаш учун етарли асос бор.

Адабиётшунослик луғати

Дастлабки F.лар, асосан, ишқ-муҳаббат мавзусида яратилган бўлса-да, кейинча унинг мавзу доираси муттасил кенгайиб борган ва пировардида мавзу жиҳатидан чекловлардан буткул фориғ бўлган. Шунинг учун ҳам Шарқ шеъриятида F. мавзусига кўра ғоят ранг-баранг бўлиб, бу жиҳатдан уни ошиқона, орифона, риндана, ҳажвий, публицистик, ахлоқий-таълимий каби турларга бўлиш мумкин. Мумтоз шеъриятда жуда кенг ўрин тутгани сабабли, адабиётшуносликда F.нинг бундан бошқа қатор кўринишлари ҳам фарқланади. Жумладан, қофияланиш тартиби ёки қофия санъатларининг қўлланишига кўра F.и ҳусни матлаъ (а-а, а-а, б-а, в-а...), F.и қитъя (б-а, в-а, г-а...); F.и мусажжаб (барча байтларида ички қофия бор), F.и зебқоғия (а-а, а-а, а-а, а-а...), F.и зулқоғиятайн (а-а, б-б, в-в, г-г...); бирор шеър санъати асосига қурилгани ёки яратилиш тарзига кўра F.-мувашиҳ, F.-чистон, F.-назира, F.-мушоира ва б. F. байтлари, одатда, нисбий мустақилликка эга, айни чоғда, улар бир-бiri билан узвий боғлиқ бўлади. Байтларнинг ўзаро муносабати нуқтаи назаридан ҳам F.нинг бир қатор кўринишлари таснифланади: якпора F. – унинг барча байтларида бир мавзудан сўз юритилади; пароканда F.нинг байтларида турли мавзуларда сўз юритилади, унинг бутунлиги вазн, қофия, радиғ бирлиги ҳисобига таъминланади; мусалсал F.нинг байтлари ўзаро занжирли боғланиш ҳосил қилиб, матлаъда қўйилган мавзу силсилавий тарзда ривожлантириб борилади. Буларнинг қаторига кейинги давр адабиётшунослиги қўшган воқеабанд F.да кечинма бирон бир воқеанинг мўъжаз баёни орқали ифодаланади.

F.нинг ўзаро қофияланган мисралардан иборат биринчи байти матлаъ ёки мабдаъ (бошланма, бошланиш), охирги байти эса мақтъя (тугалланма, хотима) деб юритилади. Мумтоз шеърият анъанасида F.ни номлаш, унга сарлавҳа қўйиш одат қилинмаган. Шунинг учун адабиётшуносликда ёки шеърхонлар орасида конкрет F. турлича, кўпинча, матлаъси (Навоийнинг “Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрӯй келмади, Кўзларимга кеча тонг отқунча уйку келмади” матлаъли F.и), илк мисраси (Навоийнинг “Эй сабо ҳолим бориб сарви хиромонимга айт” мисраси билан бошланувчи F.и), радифи (Навоийнинг “Топмадим” радифли F.и), баъзан эса матлаъдаги илк сўзлар (Навоийнинг “Қаро қўзим” F.и) билан номланаверади.

Адабиётшунослик луғати

ҒАРИБ (ар. **غَرِيب** – четдан келган) – аруз баҳрларидан бири, четдан янги күшилгани учун шундай номланган. У янги деган маънода жадид баҳри деб ҳам номланади. 2 та фоилотун (– v – / – v –) ва 1 та мустафъилун (– – v –) аслларининг тақоридан ҳосил бўлади. Асосан, араб шеъриятига хос бўлиб, ўзбек шеъриятида қўлланмаган. Навоий “Мезон ул-авzon”да:

Ики руҳсоринг эрур гул чаман аро,

Арақинг юз уза шабнам суман аро, –

байтини ғарип (жадид)и мусаддаси маҳбун вазнига мисол сифатида келтирган. Бобурнинг “Мұхтасар”ида F. баҳрининг ўн бир вазни саналиб, уларнинг ҳар бирига туркий тилда битилган маҳсус байтлар мисол қилинган.

ҒОЯ – бадиий ғоя, бадиий мазмуннинг муҳим компоненти, асардан келиб чиқадиган образли, умумлашма фикр. Асарда тасвирла наётган воқеа-ҳодисаларга муаллифнинг ғоявий-ҳиссий муносабати, образлар системаси воситасида қўйилган проблематиканинг бадиий идрок этилиши ва баҳоланиши (қ. тенденция) натижасида намоён бўлувчи бадиий ҳукм. Мазмуннинг ўзак компоненти сифатида F. ҳар қандай асарда мавжуд, лекин мазмун-моҳияти, кўлами, ифодаланиш йўсини каби жиҳатларидан фарқланади. Бадиий F.ning мазмун-моҳияти, йўналиши бевосита ижодкор дунёқараш билан боғлиқ. Зоро, ижодкорни воқелиқдаги қайси жиҳатлар қизиқтириши, уларга қандай ғоявий-ҳиссий муносабатда бўлишини дунёқараш белгилайди. Ҳар бир ижодкор дунёни ўзича кўради, уни ўзича идрок қиласида ва ўзича баҳолайди. Шунга кўра, ижодкор томонидан кўрилган воқелик реал воқелик эмас, балки унинг ижодкор кўролган ва идрок этолган акси – индивидуал воқелиқдир. Шунинг учун ҳам воқеликнинг бир жойда, бир даврда яшаб турган икки ижодкор онгидаги акси айни бир хил бўлолмайди. Мас., “Кечা” билан “Қутлуг қон” романлари муаллифлари бир даврда яшагани, бир даврни қаламга олганлари ҳолда, иккала романда акс этган бадиий воқелик бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Сабаби, ҳар икки адабининг асарида ҳам индивидуал борлиқ – уларнинг онгига аксланган воқеликнинг бадиий модели яратилган. Модомики, воқеликнинг ижодкор онгига қай тарзда аксланиши унинг дунёқарашига боғлиқ экан, бадиий F. ижодий ниятдаёқ муайян даражада шаклланган, унинг умумий чизгилари тортилган бўлади. Фарз қилинг, иккинчли жаҳон уруши воқеаларини икки қарама-қарши

Адабиётшунослик луфати

томон вакиллари бўлган адиллар қаламга олди. Улардан бир, мас., Берлинда ўз жонини хавфга қўйиб, танк остидан немис қизалогини кутқарган шуро аскарини, иккинчиси эса вужуди интиқом оловида ёнган ва ёвузликка билан жавоб беришга жазм қилган шуро аскарини бўрттириб тасвирилаши мумкин. Ҳолбуки, урушда униси ҳам, буниси ҳам содир бўлиши мумкинлигини инкор қилиш ноўрин. Демак, воқеликнинг қайси жиҳатларини кўриш, қайсиларини унинг моҳияти сифатида бўрттириб тасвирилаш ва уларга қандай ғоявий-ҳиссий муносабатда бўлиш ижодкор дунёқараши билан боғлиқ экан. Бироқ бу бадиий F. том маънода индивидуал ҳодиса, ҳар бир ижодкор ўз дунёқарашидан келиб чиқиб исталган F.ни ифодалаши мумкин, дегани эмас. Ҳақиқий санъаткор қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги, қандай ижтимоий мақсадларни кўзлашидан қатъи назар, у яратган бадиий асарда умуминсоний қадриятлар устуворлик қилиши шарт. Чинакам бадиият ижодкорнинг эзгулик, гўзаллик, адолат, инсонийлик каби мангу қадриятлар томонида туришини тақозо этади, умуминсоний қадриятларга зид F.ларни ўзига сингдирган асар чинакам бадиий қимматга эга бўлолмайди.

Бадиий асар проблематикаси, унда тасвириланган ҳаёт материали кўламидан келиб чиқиб F.нинг кўлами ҳақида гапириш мумкин. Mac., A.Навоййнинг “Фурбатда ғарип шодмон бўлмас эмиш” мисраси билан бошланувчи рубоийсидаги бадиий F. бир неча сўз билан ифода этилиши мумкин. Ҳолбуки, воқелик кенг кўламда тасвириланган, бадиий идрок учун даврининг долзарб проблемалари билан бирга, қатор мангу муаммолар қўйилган “Ўтган кунлар”даги бадиий F. ҳақида бундай деб бўлмайди. Бу ўринда асарда қўйилган проблемалар талқинидан келиб чикувчи F.лар тизими – бадиий концепция ҳақида гапириш мумкин. Унутмаслик керакки, кўлами ё мазмун-моҳияти бадиий F.нинг қиммати, аҳамиятини белгиловчи мезон эмас. Бунинг асосий мезонлари, бир томондан, миллий ва умуминсоний қадриятларга мувофиқлик бўлса, иккинчи томондан, образли тарзда, гўзал ва таъсирли ифодаланганликдир.

ҲАЖВ (ар. حجوة – устидан кулмоқ) – бирор шахсни танқид қилиш, аёвсиз қоралаш, камчиликларини санаб, айблаш мақсадида яратилувчи асар, адабий жанр. Аввал араб шеъриятида кенг тарқалган Ҳ.ларда рақибни қоралаш, шарманда қилиш учун ёлғон уйдирмалар тўқиши, жисмоний нуқсонларни юзга солиш, ҳатто уят-

Адабиётшунослик луғати

сиз сўзларни ишлатиш ҳам одатий бўлиб, баъзан Ҳ.нинг ҳақорат ва тұхматга айланиб кетиш ҳоллари ҳам учраган. Мутахассислар Ҳ.нинг сатирадан фарқи сифатида конкрет шахсга қаратилганликни кўрсатадилар, яъни ҳажвчининг мақсади ижтимоий ҳаётдаги муайян ҳолатни бадиий умумлаштириб, ғоявий инкор қилиш эмас. Бироқ бу фикрни мутлақлаштириш ҳам тұғри бўлмайди. Аникроfi, бу Ҳ. жанрининг илк босқичларига хос бўлиб, кейинги давр шеъриятида унда сатирага хос хусусиятлар, хусусан, ижтимоий йўналтирилганлик ҳам кўзга ташлана боради. Ҳ.нинг конкрет шахсга йўналтирилганлиги унда субъективликнинг кучайишига замин яратади, яъни муаллифнинг ўша шахсга муносабати ҳал қилувчи аҳамият касб этиб қолиши мумкин бўлади. Шу боис ҳам Ҳ.нинг қадимги намуналарида, айниқса, араб шеъриятида аёвсиз танқид ортида шоирнинг шахсий манфаатлари туриб қолиши кўп кузатилади. Лекин ҳақиқий шоирлар Ҳ.га ҳаммавақт умум манфаатини кўзлаган ҳолда кўл урганлар, танқид қилинаётган шахсда ижобий хислатларни шакллантириш, ҳалқа фойдаси тегадиган инсонга айлантиришни мақсад қилганлар. Mac., манбаларда араб шоири Абул Фатҳ ал Бустий бир Ҳ.ида Маҳмуд Ғазнавий отаси каби ҳалққа зулмни ошириб юборганини айтаркан, “отанг қайсар эшакка ўхшаб қолган эди”, дейишга журъат қилгани ёки Сомоний вазирларидан бирортаси Мовароуннаҳр шоирлари Ҳ.идан омон қолмагани, мансабдорларни танқид қилишда улар энг ҳақоратли сўзларни ишлатишдан ҳам қўрқмаганлиги қайд этилади. Ўзбек мумтоз шеъриятида шоҳлар ёки мансабдорларга танқидий муносабат билдирилган ўринлар кўплаб учраса-да, Ҳ. жанри XVIII асрдан бошлабгина оммалашдиди, бу айни шу даврдан шеъриятимизда ижтимоийлашув жараёни бошлангани билан изоҳланади. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср бошларида яшаган Мужрим Обид ижодида “оғзига ҳар на келса деб, олдига ҳар на келса еб” юрадиган, камбағални турткилаб, бойларга лаганбардорлик қиладиган шахслар танқид қилинган Ҳ.лар учрайди. Араб шеъриятидаги Ҳ.ларда бўлгани каби, ўзбек Ҳ.ларида ҳам аниқ бир шахс объект қилиб олинган. Mac., Муқимиининг “Ҳажви Викторбой”, “Ҳажви Виктор”, “Воқеаи Виктор”; Муҳийининг “Дар мазаммати Вектур” Ҳ.ларида бир қатор ўзбек савдогарлариничув туширган Қўқондаги ака-ука Каменскийлар савдо идорасининг иш бошқарувчиси Виктор Ахматов объект қилиб олинган (Муҳий Виктордан кўра кўпроқ унга алданган лақма ўзбекларни

Адабиётшунослик луғати

танқид қилишни күзлаган). Муқимий ўз даврида ҳажвчи шоир сифатида шұхрат қозонган. Унинг 1910 йилда босилған тұпламини “Девони Мұқимий маа ҳажвиёт” деб номлаши ҳам шундан далолат. Шоирнинг юқорида саналғанлардан ташқари, “Түйи иқонбачча”, “Московчи бой таърифида”, “Сайлөв”, “Дар шикояти Лахтин”, “Воқеаи күр Ашурбой ҳожи” асарлари ҳам аниқ шахслар танқид қилингандар. Умуман олғанда, XIX аср охири – XX аср бошларыда Ҳ. шеъриятимиздеги эңг фаол жанрлардан бирига айланған, Мұқимий, Завқый, Абдулқодир Савдо (“Бепул” тахаллуси билан), Тавалло (“Мағзава” тахаллуси билан) каби шоирлар ёзған Ҳ.лар машхур бўлған. Юқорида айтилганидек, бу Ҳ.лар энди ўзида сатирага хос хусусиятларни ҳам мужассам этган, гарчи конкрет шахс обьект қилиб олинса-да, улар ижтимоий ҳаётдаги ҳолатларни умумлаштириб танқид қилишга қаратилгандир. Буни Завқийнинг машхур “Аҳли раста ҳажви”да яқол кўриш мумкин. Шоир Завқий 1905 – 1906 йилларда 47 байтли “Аҳли раста ҳажви”ни ёзиб, 46 кишини номма-ном санаб, ҳар бирини аёвсиз танқид қиларкан, умуман “раста аҳли”га хос кирдикорларни фош қилиш мақсадини кўзлайди. Яъни асар, бир томондан, мумтоз ҳажвчилик анъаналарини давом эттирса, иккинчи томондан, замонавий сатира хусусиятларини намоён этади. Мумтоз Ҳ. анъаналари, мас.,

Шоқир қора тарзи одам эрмиш,

Минг лаънат ўшал қора эшакка, –

каби сатрларда кўзга ташланади. Табиатан мутойибага мойил бўлған Завқийнинг саёҳатномаси ҳам “Обид мингбоши ҳақида ҳажв” номи билан шұхрат қозонган.

ҲАЗАЖ (ар. حجاج – замзама қилиш, бир хил овозни такрорлаш, овозни ёқимли қилиш, қуйлаш) – аруз баҳрларидан бири, мағоиийлун асли (v – – –) такроридан ҳосил бўлади. Бундай номланишига сабаб сифатида айрим манбаларда мағоиийлун аслининг охирида *ватад* (v –)дан кейин иккита сабаб (– –) такрорланиши, бошқаларида эса ушбу баҳрнинг вазнлари замзамага ўхшashi кўрсатилади. Ҳ. ўзбек мумтоз шеъриятида эңг фаол қўлланған баҳрлардан бири саналади. Жумладан, “Хазойин ул-маоний” куллиётига кири-тилган ғазалларнинг 669 таси (таксминан 22 фоизи) Ҳ.да ёзилган; мумтоз шеъриятда кенг тарқалған *рубоийлар* Ҳ. баҳрининг ахраб ва аҳрам шажараларида битилиши шарт бўлған. Шунингдек, Ҳ.да қатор йирик ҳажмли достонлар ҳам яратилған (мас.: А.Навоий).

Адабиётшунослик луғати

“Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”). Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида Ҳ.нинг 46 вазни, Бобурнинг “Мухтасар” асарида эса 105 вазни кўрсатилиб, уларнинг ҳар бирига туркий ва форсий шеъриятдан мисоллар келтирилган. Ўзбек шеъриятида Ҳ. баҳрининг, асосан, саккиз ва олти руқнли ўттиздан ортиқ вазнидан кенг фойдаланилади. Mac., Навоийнинг:

Ғамидин гарчи жон йўқ эрди тандা,
Тирилдим лаълидин ўлдум деганда, –
V --- V --- V ---

матлаъси билан бошланувчи ғазали ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида, Бобурнинг машҳур

Баҳор айёмидур даги йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур, –
V --- V --- V --- V ---

матлаъли ғазали эса ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган.

ҲАЗВ (ар. حذف – орқасидан бормоқ, ўхшамоқ) – қаранг: **муқайяд қофия**

ҲАРФ (ар. حرف – товушнинг ёзувдаги шакли, белги, нишона, қирра) – араб арузшунослигига энг кичик ритмик бўлак. Ҳ. икки турли бўлади: мутаҳаррик (чўзғили) ва сокин (чўзғисиз). Чўзги деганда, унли товуш тушунилиб, “мутаҳаррик Ҳ.” (ҳаракатли) ва “сокин Ҳ.” (ҳаракатсиз) атамаларининг маъноси шу билан боғлиқ англашилади. Mac., “кўз” сўзи иккита Ҳ.: бир мутаҳаррик (“кў”) ва бир сокиндан (“з”); “нола” сўзи икки мутаҳаррик Ҳ.: “но” ва “ла”; “вожиб” сўзи эса икки мутаҳаррик (“во”, “жи”) ва бир сокин (“б”) Ҳ.дан таркиб топади. Мутаҳаррик ва сокин ҳарфларнинг муайян тартибда қўшилишидан жузелар (қ.) юзага келади.

ҲАСБИҲОЛ (ар. حسب حال – ўз ҳолини билдириш) – шеърда муаллифнинг ахвол-руҳияси, ҳаётига оид маълумотларнинг акс этиши, автобиографиклик; мазмунига кўра таснифланувчи шеърий жанр. Аслида, ҳар қандай асарга муаллиф “мен”и, қўрган-кечирганлари, ҳис-кечинмалари, ўй-фикрлари, орзу-армонлари у ёки бу даражада сингади. Адабиётимиз тарихида шундай шеърлар борки, уларда шоирнинг ҳаёти (ҳаётидаги муайян босқич) ўзининг ёрқин ифодасини топади. Жумладан, Бобур рубоийларини айрим манбаларда “ҳасбиҳол рубоийлар” тарзида таснифланадики, уларнинг аксариятида шоирнинг мураккаб ва машақатли ҳаёт йўли, ижти-

Адабиётшунослик луғати

моий-сиёсий фаолияти, рухий олами, кайфияти кабилар “лирик мен”нинг иқрори тарзида баён этилади. Рубоийларидан бирида Бобур:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Оlam элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу “Вақоев”ни ўқур – билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум, –

дейди. Дарҳақиқат, унинг кўплаб рубоийлари, айрим ғазаллари “Бобурнома”дан келиб чиқиб тушунилса, уларнинг бўртиқ автобиографик характерда эканлигига иқорор бўлиш мумкин. XVIII асрдан бошлаб Ҳ., шеърлар битиш оммалашгани, алоҳида жанр сифатидаги Ҳ., яъни маснавий шаклида автобиографиялар ёзиш анъанаси шаклана бошлагани кузатилади. Ҳ., характеридаги шеърлар (рубоий, ғазал ва б.) ҳам, шу жанрда яратилган Ҳ. маснавийлар ҳам адабиёт тарихчилиги учун муҳим аҳамиятта эга. Жўмладан, Комил, Махмур, Мужрим Обид, Муқими, Анбар Отин, Дилшод Барно сингари қатор шоирларнинг Ҳ. асарлари уларнинг ҳаёт йўли билан боғлиқ қўмматли маълумотлар беради. Mac., Комилнинг “Ҳасбикхол” маснавийсида шоирнинг нотекис ҳаёт йўли, хон билан муносабати, бир форсий асарни таржима қилиш унга топширилгани ва топшириқнинг вақтида бажарилмагани сабаб, хоннинг барча инъом-эҳсонлари ўша асарни таржима қилган шоир Рожийга насиб қилгани воқеаси баён этилади.

ҲАШВ (ар. شو – тўлдирмоқ) – қаранг: тақтиъ

ҲИЖО (ар. حجا – тўғри ўқимоқ) – туркий (ўзбек) арузда энг кичик ритмик бирлик, бир ҳаво зарби билан айтиладиган товушлар гурухи. Туркий арузда ритм шеър мисраларида бир хил миқдордаги, бир хил тартибда гурухланган қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ Ҳ.ларнинг такрорланиши асосида ҳосил бўлади. Арузуносликда Ҳ.ларнинг сифат жиҳатидан учта кўриниши фарқланади: 1) қисқа Ҳ. – биргина қисқа унлидан иборат бўлган ёки қисқа унли билан тугайдиган бўғин, унинг чизмадаги шартли белгиси: V; 2) чўзиқ Ҳ. – ундош билан тугайдиган ёпиқ ёки чўзиқ унли билан тугайдиган очиқ бўғин, унинг чизмадаги шартли белгиси: – ; 3) ўта чўзиқ Ҳ. – таркибида чўзиқ унлиси бўлган ёки қўш ундош билан тугайдиган ёпиқ бўғин. Ута чўзиқ Ҳ.нинг чизмадаги белгиси жойлашиш ўрнига

Адабиётшунослик луғати

қараб, икки хил бўлади: мисра ичидаги келса – V белгиси, мисра охирида келса ~ белгиси қўйилади.

Аруздаги X.ни тилшуносликдаги бўғин билан бир хил тушуниш тўғри эмас, бу иккиси ўртасида сезиларли фарқ бор. Жумладан, тилшунослик нуқтаи назаридан қаралса, ўзбек тилида унлислар сўздаги унлилар сони билан ҳамиша тент бўлади. Арузда эса бир сокин (яъни мустақил ундош) ҳарфнинг ўзи мустақил ҳолда ҳам, ўзидан кейин келаётган сўзнинг биринчи қисқа унлиси ёки биринчи бўғини билан қўшилиб ҳам бир X.га тент келиши мумкин. Mac., “сабр қил” жумласи X.ларга ажратилса, қўйидаги кўриниш ҳосил бўлади: “сабр-қил”, унинг чизмаси эса қўйидагича: – V –. Ёки уни “сабр айла” шаклига келтириб, X.ларга ажратсан, “сабр-айла” кўриниши ҳосил бўлади, унинг чизмаси: – – – шаклини олади, яъни сабр сўзининг охирги “р” ундоши кейинги сўзнинг биринчи бўғини (“ай”) билан бирга бир X.га тент. Баъзан вазн талабига кўра, асли қисқа бўлиши керак бўлган X. чўзиқ X.га ёки, аксинча, чўзиқ X. қисқа X.га айланishi мумкин. Mac., Низомийнинг:

Мен ошиқман гўзал юзга юзи ойга солур ғавғо,

V – – – V – – – V – – –

Не юздур? Юзлари дилбар. Не дилбар? Дилбари зебо, –

V – – – V – – – V – – –

байти чизмасидан кўриниб турибдики, биринчи мисрадаги “мен” сўзи тилшунослик нуқтаи назаридан битта ёпиқ бўғин бўлиб, аруз қоидасига кўра, чўзиқ X. бўлиши керак. Бироқ вазн талаби билан аруздаги вазл (к.) қоидаси асосида ундан “н” товуши кейинги сўзнинг биринчи бўғинига қўшиб талаффуз этилади (ме-но-шиқман) ва шу ҳисобга мағоийлун руҳни ҳосил бўлади – вазн бузилмайди.

ҲИКОЯ – эпик турнинг кичик шакли. X., одатда, қаҳрамон ҳаётидан битта (баъзан бир-бирига узвий боғлиқ, қисқа муддат давомида кечган бир неча) воқеани қаламга олади. Тасвирланаётган воқеаларнинг қисқа вақт давомида кечиши X.нинг ҳажман кичик, сюжети содда, иштирок этувчи персонажлар сони кам бўлишини тақозо этади. Ҳар қандай воқеа ҳам ҳикоябоп эмас. X. асосида ётган воқеанинг яхлит, тугал бўлиши талаб этилади, бунинг учун у ўзининг бошланиши ва якунига эга бўлиши (масал, латифадаги каби) лозим. Яхлит воқеани тасвирлаш асносида ҳикоянавис ё шу

Адабиётшунослик луғати

воқеанинг, ё унинг воситасида характернинг моҳиятини очиб беради. Ҳ.нинг икки типи бўлиб, биринчисида очерклилик (тавсифий-ривоявий), иккинчисида новеллистиклик (конфликтли-ривоявий) хусусияти устундир. Адабиётшунослиқда буларнинг биринчисини Ҳ., иккинчисини *новелла* (қ.) деб фарқлаш амалиёти ҳам мавжуд.

ҲОЖИБ (ар. حجب – парда, ёпувчи, беркитувчи) – байт мисраларидағи қофиядан олдин сўз ёки сўз бирикмасини айнан тақрорлаш. Тақрорланаётган сўз ёки сўз бирикмаси қофиядан олдин жойлашиб, уни пардалаб тургандек бўлгани учун шундай номланади. Ҳ., кўпроқ, ғазал ёки қасиданинг матлаъсида ёхуд маснавий шаклида қофияланган байтларда кўлланади. Mac., Ҳўжандийнинг “Латофатнома” асаридаги қўйидаги байтда “этти” сўзи Ҳ. ҳисоби *надимулкун* ҳароб этти фироқинг,

Қамуғ оламни сайд этти қароқинг.

Байтда радиф (қ.) ҳам Ҳ. ҳам кўлланса, унинг оҳангдорлиги яна-да ошади. Mac., Ҳоразмийнинг “Муҳаббатнома”сидаги қўйидаги байтда “ҳур – нур” қофияларидан олдин тақрорланаётган “минг” сўзи Ҳ., кейин тақрорланаётган “етмас” сўзи радифdir:

Сочинг бир торина минг ҳур етмас,
Юзунгнунг нурина минг нур етмас.

ҲУРУЖ (ар. هرچچه – чиқиш) – қаранг: мутлақ қофия

ҲУСНИ ИБТИДО (ар. حسن ابتداء – гўзал, чиройли бошлаш) – қаранг: ҳусни матлаъ

ҲУСНИ МАТЛАБ (ар. حسن مطلب – мақсадни чиройли баён қилиш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, илми бадиъга оид манбаларда ҳусни талаб, бароати талаб, ҳусни суол каби номлар билан ҳам аталади. Ҳ.м.нинг моҳияти шундан иборатки, шоир шоҳ ёки маъшуқадан ўзи учун бирор нарса талаб қилади, бирок бу талаб нозик лутф, нафис ва ёқимли сўзлар ёрдамида баён этилади. Маълумки, аксар мумтоз шоирларимиз шоҳлару йирик амалдор, бою боёнлар ҳомийлигида ижод қилганлар, уларнинг хизматларида бўлганлар. Шу боис ҳам, табиийки, бот-бот ўзлари ёки ҳалқнинг моддий ё бошқа эҳтиёжларини қондириш учун ҳомийлардан нимадир сўрашларига тўғри келган. Бироқ сўрашда ҳам сўраш бор: таъма илинжини яширмай сўраш ҳам, валинеъматни ийдириш мақсадида ҳамду сано ўқиши ҳам, ҳеч бир андишасиз талаб қилиш

Адабиётшунослик луғати

ҳам, ўз инсонлик шаънини ерга үрмай сўраш ҳам мумкин. Мас., “Муҳаббатнома”да ҳомийси Муҳаммадхўжабекни “Масиҳ анфослиқ”, “Юсуф лиқо”, “Саховатидан базм ичра Ҳотам уяладиган” дея таърифлагач, Хоразмий ўз талабини очиқ баён этади:

Айтсун банда Хоразмий дуолар,
Карамдин ҳар замон қилғил атолар.

Мазкур байт билан Огаҳийнинг:

Эй шаҳ, карам аллар чоги тенг тут ямону яхшини,

Ким меҳр нури тенг томур вайрону обод устина, –
байти мазмунан бир-бирига яқин, иккисида ҳам сўров бор. Фақат Огаҳийнинг талаби назокат билан, санъат даражасида ифода этилган. Огаҳийнинг шоҳга таърифи Хоразмий мадҳидан кам эмас: у “шоҳ бамисоли қуёш” тарзидаги қиёсни ўтказади, қуёшнинг нури барчага баравар тушишини эслатиб, ўзини шоҳона саховатдан бебахра қўймасликни сўрайди. Талаб санъаткорона ифодалангани учун ҳам шоир оддийгина маддоҳ ё таъмагир бўлиб суратланмайди, балки тасавуримизда шарқона андиша эгаси ва хокисор бир киши, инсонлик шаънини юксак тутган зот сифатида гавдаланади.

Ишқий мавзудаги шеърларда ҳам Ҳ.м. қўплаб учрайди. Уларда маъшуқага хитоб этаётган ошиқ дилидаги висол талаби назокат билан, турли сўз ўйинлари ва ҳётий тамсиллар орқали шундай ифода этиладики, бундайин латиф изҳор ўқувчини беихтиёр ҳайратта солади. Мас., Навоийнинг:

Садақа, чунки балоларни рад айлагай, ё раб,

Жон анга садқа қиласай, манга бағишила они, –

байтида ошиқ ўз жонини маъшуқига садқа қилишга тайёрлигию уни (ёрни) ўзига бағишилашини Оллоҳдан ўзига хос тарзда чиройли йўл билан сўрамоқда.

ҲУСНИ МАТЛААЬ (ар. حسن مطلع – матлаънинг безаги, ҳусни) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, илми бадиъга оид манбаларда ҳусни ибтидо деб ҳам юритилади. Ҳ.м. санъати ғазал ёки қасидани ўқувчи диққатини беихтиёр ўзига жалб этадиган, унда шеърнинг давомини ўқишига рағбат, қизиқиш пайдо қиласиган тарзда бошлишни тақозо этади. Яъни бундай матлааъ имкон қадар ёқимли, чиройли сўзлардан таркиб топиши, улар воситасида яратилган гўзал поэтик образ шунга яраша чуқур мазмунни ифодалashi керак. Хуллас, шеърнинг бошланишиёқ ўқувчини ҳайратга солиши, завқлантириши лозим. Шунинг учун ҳам Ҳ.м. шеър бошла-

Адабиётшунослик лугати

нишида ўкувчи таъбини хира қиладиган, кайфиятига салбий таъсир ўтказадиган сўзлар ишлатилмаслигини, фикрни ортиқча дабдабали, жимжимадор ёки саёз ва мантиқсиз сўзлар билан ифодаламасликни, яъни лафз ва маъни орасида уйғун мувофиқлик бўлишини талаб қиласди. Мумтоз шоирларимиз шеърни Ҳ.м. талабларига мос тарзда яратишга жиддий эътибор қаратганлар, зеро, матлаъ ғазалнинг илк тақдимоти экани, асарга муносабат илк мисралар қолдирган таассурот асосига қурилишини яхши билганлар. Бунинг ёрқин далили сифатида Рашидиддин Вотвот “Ҳадойик ус-сехр” асарида келтирган бир ҳикоят мазмунини эслаш кифоя. Унда айтилишича, бир шоир қасида битиб, шоҳ ҳузурига келтирибди. Шоир қасидани ўқий бошлаганида, шоҳ матлаъни эшлибоқ: “Қасиданинг қолганини ўқишдан тұхта!” – деб хитоб қилибди ва хизматкорига минг динор келтириб, шоирга беришни амр қилибди. Ўзи эса шоир истеъдодига таҳсинлар айтиб: “Агар қасиданинг қолган байтлари ҳам матлаъ каби бўлса, унинг ҳар бир байти баҳоси минг динор. Менинг хазинамда эса бунча маблағ йўқ”, – деган экан. Шеър ибтидосига бу қадар катта эътибор берган мумтоз шоирларимиз ижодда юқорида мазкур талабларга риоя қилганлар, шу боис ҳам уларнинг аксар ғазаллари матлаъси билан номланади, эсланади.

ҲУСНИ МАҚТАЬ (ар. حسن مقطوع – чиройли якунлаш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, шеър ёки бошқа асарни тингловчига хуш келадиган ёқимли сўзлар, эзгу ниятлар изҳори ёки дуолар билан якунлаш; ҳусн-и интиҳо, ҳусни хотима, бароати мақтаъ деб ҳам юритилади. Манбаларда Ҳ.м.дан қўзланувчи мақсадлар ёритиладики, улар мумтоз шоирларимиз асарнинг ўқилиш жараёни, ўкувчи психологиясини ҳамиша эътиборда тутганларини кўрсатади. Жумладан, Ҳ.м., аввало, шеърнинг ўкувчи хотирадида мухрланиб қолишига, иккинчидан, шеърда йўл қўйилган саҳву хатоларни хуш калом билан ювиб юборишга хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам Атоуллоҳ Ҳусайнний Ҳ.м.ни “таомларнинг охиринда ейилган лазизу ширин таом”га ўхшатади. Шунингдек, манбаларда асарнинг тугалланганига ишора қилиш ҳам Ҳ.м.нинг бадиий-эстетик функцияларидан бири сифатида қурсатилади. Мас., Сайд Аҳмаднинг “Таашшуқнома” асари шундай мисралар билан тугайди:

Билурсен барчанинг ҳолини, эй шоҳ,
Иноят чогидур валлоҳу биллоҳ.
“Таашшуқнома”ни ҳиммат бўлуб ёр,

Адабиётшүнослик луғати

Тугаттим етти кунда бемададкор.
Секиз юз ўттизу түккиздә эрди,
Ки сүз поёна элтмак даст берди,
Сүзүмни ким ўқиб қилса дуойи,
Илоҳи кўрмасун ҳаргиз балойи.

ҲУСНИ ТАЪЛИЛ (ар. حسن تعلیل – чиройли далиллаш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, чиройли далиллаш. Ҳ.т.да шоир ўзи айтаётган фикр (тасвир, ҳолат ва ш.к.) далили учун шундай асос келтирадики, аслида, у ҳақиқий далил бўлолмайди, у фақат бадиий жиҳатдангина далил сифатида қабул қилинади. Мас., Лутфийнинг:

Юзингдин лола ранг элтиб, ўёлиб шаҳрга кирмас,

Анинг бўйин киши боғлаб кетурмагунча саҳродин, –
байтида айтилишича, лола рангини ёрдан ўғирлаган, шу сабабли уялиб, шаҳрга киролмайди. Яъни лола ҳақиқатан чўлда, кенгликларда ўсади, бунинг сабаби юқоридагича чиройли тарзда бадиий далилланади, аслида эса бу ҳақиқий сабаб эмас. Лутфийнинг бошқа бир байтида айтилишича:

Кун тушта кўргали сени тушти заволға,

Ой тонгға қолди кечা боқиб ул жамолга, –

куёшнинг ботиш сабаби шуки, у ёрни туш кўриш учун уйқуга кетади; ой тонг отгач ҳам ботмади, сабаби ёр юзини узоқроқ кўриб олмоқчи ёхуд ёр гўзаллигига маҳлиё бўлганидан қотиб қолган. Албатта, ушбу табиий жараёнларнинг ҳақиқий сабаби буткул бошқа, шоир келтирган далиллар эса ёр гўзаллиги васфига хизмат қилувчи бадиий восита, ҳолос. Ҳ.т. санъати ташбех асосида юзага чиқади, аксар ҳолларда тажоҳули ориф, тамсил, муболага каби санъатлар билан қоришиқ ҳолда воқе бўлади.